

83.3(59)

~~М19~~

Натан Маллаев



АЛИШЕР НАВОЙИ ВА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ



65,5(57)
M19


19

Натан Маллаев

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ

269937

Фаур Фулом номидаги пашріст-матбай ижодий учи
Тошкент-2015



УУК 398.1(092)

КБК 83.3(5У)

М 21

Масъул мухаррир:

**Ҳамидулла Болтабоев – филология фанлари доктори,
профессор**

Қайта нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари:

Ҳамиджон Ҳомидий ва Ҳуснингул Жураева

Атокин новонийшунос Натан Маллаевнинг ушбу китобида
Шарқ халқлари оғзаки ижоди – эртак, достон, афсона-мифлари
буюк узбек мутафаккири Алишер Навоний ижоди билан баглик
холда көнг тадқик этилган.

УУК 398.1(092)

КБК 83.3(5У)

82.3(5У)

ISBN 978-9943-03-578-2

© Гафур Гулом иомидаги
нашириёт-матбай ижодий
уйи, 2015

НУКТАДОНЛИК САМАРИ

Замонамиз алломалари орасида шундай инсонлар борки, улар бир умр ўзлари танлаган йўлда, фан йуналишида муттасил изланиб, янги-янги ютукларни ўз халкига инъом этиб боради. Бундай закийлар мансаб-мартаба, ҳою хавас, амал, бойлик – сарватмандликка бефарқ қарайдилар, ҳирс кўймайдилар. Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби Натан Муродович Маллаев ана шундай шахслар сирасига киради.

Булажак нуктадон мунаккид, Шарқ адабиётининг донишманди, мутаржим, забардаст навоийшунос Натан Маллаев 1922 йил 22 январда Тошкент шаҳрида зиёли оиласда таваллуд топди. Урта мактабдан сўнг у Педагогика билим юртида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил олди. Укиш жараёнда Олим Шарафиддинов, Максуд Шайхзода, Абдурахмон Алимухамедов сингари йирик адабиётшунослар назарига тушди. Олий тахсилдан сўнг институт аспирантурасида ўкишга колдирилган Натан Маллаев 1948 или машхур адаб Максуд Шайхзода раҳбарлигига «Мунис Хоразмийнинг хаёти ва ижодий мероси» мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Шундан сўнг олим Хоразм давлат педагогика институти, Тошкент Давлат университети (хозирги ЎзМУ) хамда умрининг охири (1996 йил 20 май)гача Низомий номидаги Тошкент

давлат педагогика институтида ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири сифатида дарс берди, ёш тадқикотчилар, аспирантлар-у, докторантларга устозлик килди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида Натан Маллаев бутун диккат-эътиборини Шарқ халқлари мумтоз адабиётини янада чукур үрганишіга каратди: адабиёт тарихи бўйича дастур ва мажмуалар тузди. 1953 йили ўрта мактаблар учун «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигини битди, «Х–XII асрлар адабиёти» (1958) рисоласини яратди. Ундан кейинги йилларда ўзбек мумтоз адабиётининг кам үрганилган манбалари бўйича бир канча маколалар ёзди, қадимий, бой адабиётимизга оид кўплаб кўлёзма нусхаларни кўздан кечирди, манокиб ва тазкираларни үрганиб чиқди. Натижада университетларнинг филология факультетлари талабалари учун «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги (1-китоб) юзага келди. Яқин 30 йил давомида олий ўкув юртларимизда баркарор дарслик сифатида хизмат килган бу китобнинг шу тизимдаги бошка дарсликлардан туб фарки бор эди. Зероки, дарсликни ёзишда муаллиф, бир томондан, ҳамкасларининг тадқикотларидағи фикр, мулоҳазаларини ягона тизимга солиб, изчил ва оммабоп тарзда баён қилган бўлса, иккинчи томондан, «Кугадгу билиг», «Хибат ул-хақойик», «Мифтоҳ ул-адл». На-войининг насрый асарлари, «Девони Фоний»сидан намуналарни илк бор истеъмолга киритиб, кенг ўкувчилик оммасига таҳлилий тақдим этган эди. Шу боис, бу китоб фундаментал тадқикот моҳиятига ҳам эга эди. Дарсликнинг ана шу жиҳатини қадрлаган баъзи ҳамкаслари олимга уни докторлик диссертацияси сифатида расмийлаштириб, химояга кўйишни таклиф этишиди. Ўзбекистон Фанлар академияси хузуридаги гуманитар

фанлар бўйича фан доктори илмий даражасини берадиган Ихтисослашган илмий кенгаш йиғилишида Ойбек, Ҳамид Орасли, Ҳамид Сулаймон, Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов сингари забардаст олимлар китобнинг илмий кимматига юкори баҳо беришди. Кенгаш аъзолари Натан Маллаевга мазкур дарслиги учун филология фанлари доктори илмий даражасини бериш лозим деган карор кабул килди. Аммо бу карорни ўша вактдаги расмий Москва кенгаши эътиборсиз колдирди. Бирок, Натан Маллаев илмда нимага кодир эканлигини намойиш этиш учун муттасил қулёзмалар захираларида ишлади, бадиий ижодда типология, оғзаки ижод билан ёзма адабиётнинг үзаро таъсири сингари назарий масалаларни жиддий ўрганиш билан бўлди

60-йилларнинг ўрталаридан эътиборан Натан Маллаев буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва шу йулда шогирдлар тайёрлашга хам жиддий эътибор берди: олим Навоий асарларининг 15 жилдлик ўзбекча, 10 жилдлик русча нашрларини тайёрлаш ва чоп эттиришда фаол катнашди. Ўзбекистон Давлат адабиёт музейини ташкил килишда устоз Ҳамид Сулаймонга яқиндан қўмаклашди. Ана шу йиллар давомида Н.Маллаев «Навоий ижодининг халқчил негизи», дунё навоийшунослиги тарихи хақида «Асрлар эътирофи ва таъзими», «Навоий ва халқ оғзаки ижоди» (ўзбек ва рус тилларида), «Буюк ўзбек шонри» (ўзбек, корақалпок ва рус тилларида) каби рисола ва монографияларини ёзлон килди; «Навоий лирикаси» китобини нашрга хозирлади.

1978 йили у «Навоий ва халқ оғзаки ижоди» тадқикоти учун филология фанлари доктори илмий даражасини олишга мушарраф булди. Мазкур кенг камровли монография, айниқса, икки жиҳатдан кимматлидир:

Биринчидан, олим ушбу фундаментал илмий асари билан ўзбек адабиётшунослигига мумтоз адабиёт ва халк оғзаки ижоди деган янги илмий йуналишни бошлиб берди; ёзма адабиётнинг оғзаки ижодга, оғзаки ижоднинг ёзма адабиётга таъсири масаласининг назарий муаммоларини хал килиб берди.

Иккинчи томондан эса, олим халқ оғзаки ижоди бисотидан баракали файз топган даҳо санъаткоримиз Навоий «Хамса»си таркибидаги достонлар сюжетининг оғзаки ижоддаги илдизларини аниклашга муваффак бўлди, асарларнинг кенг халқ оммаси орасига нечоғлик сингиб кетганини илк бор илмий нуктаи назардан таҳлил килди. «Хамса» достонларининг қайта яратилган варианtlари, XVI аср ёзувчиси Умар Бокий томонидан қайта ижод этган насрй нусхалари анча батафсил, бадиий маҳорат, анъана ва ўзига хослик жиҳатидан текширилиб, назарий умумлаштирилди. Олим Умар Бокий киссаларининг Навоий достонлари сюжетига кайдаражада якинлигини, айни пайтда фарқли жиҳатларини зуқколик билан аниқлай олган. Ана шу асарида муаллиф ношир ва адаб Мир Махдум томонидан яратилган «Насри Хамсан беназир» ҳақида маълумот берди. Кейинчалик ёш тадқикотчиларимиз бу анъанани давом ўтириб, «Лутфий ва халқ оғзаки ижоди», «Бобур ва халқ оғзаки ижоди», «Оғаҳийнинг фольклорга муносабати» масалаларини тадқик этдилар. Ўзбекистон Фан арбоби Н.Малиловнинг Навоий ижодига багишланган сўнгги асари «Суз санъатининг гултоғи» (1992) монографияси бўлиб, у кенг илм-адаб ахлига «Хамса»нинг беш дос-тени ҳақида яхши, лўбнди илм-маърифат берадиган асар сифатиде ўнга хос киммата этадир.

Професор Н.М.Малилов кардош халклар адабиётининг толмас тадқикотчиси ва тарғиботчиларидан бири

эди. Унинг Рудакий, Фузулий, Фирдавсий, Жомий, Махтумкули, Абай каби буюк мутафаккирлар ҳакидаги илмий мақолалари утган асрнинг 70–йилларидаёқ илм ахли томонидан эътироф этилган эди. Олимнинг озар, форс-тожик, уйғур адабиётига доир кўплаб маколалари турли тўпламлар, энциклопедиялардан ўрин олган эди. Гарчи «Х–ХII асрлар адабиёти» монографиясида озар ва форс-тожик мумтоз адабиёти намояндадалири ижодига анча кенг ўрин берилган бўлса ҳам, унинг бу соҳадаги дастлабки алоҳида монографияси «Абулкосим Фирдавсий» (1962) бўлди. Китобда муаллиф туркий халқлар адабиётшунослигида биринчи булиб кўлёзма тазкиралардаги маълумотлар асосида Фирдавсийнинг хаёти ва үлмас «Шоҳнома»сини кенг қамровда тахлил килган. Айниқса, «Рустам ва Сухроб», «Сиёвуш», «Исфандиёр», «Бежон ва Манижа» достонлари тахлили жарабёнида зуллисонайн олим уларда бадиий юксак даражада ифодаланиган инсонпарварлик, халқлар дустлиги, таълим ва тарбия, ватанпарварлик ғоялари, талкинига алоҳида эътибор берган. Мазкур монографиясида муаллиф илм-фанда биринчи булиб Фирдавсий ва узбек адабиёти муаммосини қузғади. «Шоҳнома»нинг XVI асрдан бошлаб Ҳасан Муҳаммад Хоразмий, Шоҳ Ҳижрон, Муҳаммад Яъкуб, Ёркандий, Нодир Муҳаммад Бухорий, Ҳомуший, Очилди Мурод Мирий каби шоир ва ёзувчилар томонидан наср ва назмда узбек ва уйғур тилларига таржима килингани, Ҳомуший таржимаси 1903–1909 йилларда тошбосма усулида уч маротаба нашр этилгани ҳакида маълумот берган.

Ўрта мактаб ҳамда олий ўкув юртлари учун ёзилган дарслкларида Н.Маллаев Низомий Ганжавий, Фузулий ҳакида фикр юритган. Кейинчалик эса озар адабиётига бўлган бу кизиқиши олимни «Низомий ижодининг илмий-маърифий киммати» деган кўлланмаси билан якун

топди. Бу китоб илмий-оммабоп йўналишда битилган. Олим асосий эътиборни Низомий «Панж ганж»и таркибидаги достонларда таълим-тарбия, илм урганиш, касб эгаллаш, комил инсонни тарбиялаш борасидаги қарашларни чукуррок тахлил килишга эътибор берган. Шунинг учун, бу асарида олим бир неча йиллик илмий педагогик фаолиятини умумлаштиргандек куринади. Бундан ташқари, рисолада «Махзан ул-асрор», «Хусрав ва Ширин», «Ҳафт пайкар» достонларининг мумтоз таржималари талқинига ҳам батафсилрок тухтаган. Хусусан, Кутб ва Низомий масаласини анча теран ва изчили тахлил киlgан. Зероки, унда олим ўкувчини Низомий ҳаёт йўли билан лўнда ошно этган, «Панж ганж» достонлари моҳиятини мухтасар тарзда етказишга муваффак бўлган.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Натан Маллаев мумтоз адабиётимизнинг, кардош ҳалклар адабиётининг толмас тарғиботчиси ва таржимони ҳамdir. Унинг бевосита раҳбарлигига кардош ҳалклар адабиётининг, адабий алоқаларнинг муҳим муаммоларига бағишлиланган бир неча илмий тупламлар чоп эттирилган эди. У Садриддин Айнийнинг «Қисқача таржимаи холим» асарини, тожик ёзувчиси Сотим Улуғзоданинг «Рудакий» драмасини узбеклаштирган. Бу ўгирмаларда мутаржим ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатларини, бадиий тасвирларни маҳоратларини саклашга муваффак бўлган. Шу боис, «Қисқача таржимаи холим» бир неча марта қайта нашр эттирилган. Шунингдек, олим Жомий «Баҳористон»идан бир неча бобини ҳам ўзбек тилига таржима киlgан ва мажмуаларга киритган эди.

Холосай калом шуки, Натан Маллаев адабиётимиз тарихининг сермаҳсул тадқиқотчиси, манбацунос ва назаретчиси, маорифимиз дарғаларидан бири сифтида соҳа ходимлари, шогирдлари сафида ҳамон тирикдир. Чунки у ҳалкка илм таркатган, китоб инъом этган, комил шогирдлар тайерлатган беназир инсон эди.

АДАБИЁТ ВА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ

(МУКАДДИМА)

Сўз санъати ёзув ва ёзма адабиётдан кўп замонлар илгари оғзаки ижод сифатида вужудга келди. Унинг ижодкори – барча моддий бойликларнинг ҳам маънавий бойликларнинг ҳам, «ягона ва битмас манбаи бўлган» халқдир.

Халқ яратган асарлар, бир томондан, «халқ кўнглидаги қайгу-ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим комуси, унинг диний ва фалсафий китоби» бўлса, иккинчи томондан, бадиий ижодкорлик даҳоси, тил бойлиги ва сўз жилокорлигининг кузгусидир. Халқ асарлари оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга, даврдан-даврга ўтади, манзур булади. Бирок, у дастлаб кандай яратилган бўлса, ҳар качон ҳам айнан ўша ҳолича сакланиб қолмайди, балки ижодий кайта ишланади. турли хил ўзгаришларга учрайди. янги-янги вокеа ва маълумотлар, фикр ва тушунчалар билан бойниди, янги тарихий шароитга мувофиқлашади, кейинги асарлар билан бирга яшайди, янги умр куради.

Ҳар кандай халқ поэзияси мифлар билан бошланади. Миф сўз санъатигагина эмас, балки бутун маънавий маданият тараккиётига замин бўлиб хизмат киласди. Халқ ижодиёти қаҳрамонлик эпоси, афсона ва ривоят, масал ва эртак, қушиқ ва макол-мatalлар билан бойиб, такомиллашади. Халқ яратган асарлар, унинг улмас қаҳрамонлари, бадиий ижодкорлик тажрибаси ёзма адабиётнинг вужудга келиши ва тараккийси учун замин, бой

маънавий-бадиий манба, маҳорат мактаби бўлди. Халқ ижодиёти санъаткорларга илхом, куч-кувват ва маҳорат бағишилайди. Халқ ижодидан баҳраманд бўлмаган бирор буюк санъаткорни тасаввур этиб бўлмайди. Сўз санъаткорларининг фольклор асарларидан ижодий фойдаланиши ёзма адабиётнинг тараккийсига, шу билан бирга, халқ асарларининг сақланиб колиши ва янгича умр кўришига хизмат қиласди. Айни чоғда, ёзма адабиёт ҳам халқ ижодиётининг равнаки ва такомилига фаол таъсир этади. Чинакамига халқ оммасига мансуб бўлган оғзаки ижодиёт билан прогрессив ёзма адабиётнинг ўзаро муносабати ва бир-бирига таъсири мана шундай.

Сўз санъати тарихи фольклор билан бошланади, у ёзма адабиётнинг вужудга келишига замин, унинг тараккиётига бой маънавий-бадиий манба сифатида хизмат қиласди, айни чоғда, ёзма адабиёт ҳам фольклорнинг такомилига самарали таъсир этади.

Сўз санъатининг – фольклор ва ёзма адабиётнинг шаклланиши ва тараккиётига хос умумий конуниятлар ва типологик ҳодисалар билан бирга, ҳар бир халқ фольклори ҳамда ёзма адабиётининг шаклланиши ва такомили ўзига хос замин, шароит, хусусият ва ички конуниятларга ҳам эгадир.

Ўзбек халқи бой ва қадимий оғзаки ва ёзма адабиётта эга. У жаҳон маданияти хазинасига «Алномиши» эпоси, «Гўруғли» достонлари, ажойиб эртак ва киссалар ҳамда «Хазойин ул-маоний», «Хамса» ва «Бобурнома» каби буюк обидаларини кўшди.

Ўзбек маданиятининг илдизлари жуда қадим замонларга, барча Урта Осиё халқлари учун муштарак бўлган маданият ёдгорликларига бориб тақалади.

Кадимги Урта Осиё антик маданиятнинг йирик бешикларидан бири бўлган. Ахолиси сунъий суғорнишга асосланган дехкончиллик, хунармандчиллик, санъат соҳа-

лари, шахарлар қуриш, меймандишилик, илм-фан ва бошка соҳаларда катта ютукларга эришган. Асрлар оша бу кўхна тарихининг айрим нодир ёдгорликлари бизга кадар сакланиб колди.

Ўрта Осиё халқларининг энг кадимги замонларга онд айрим оғзаки адабиёт ёдгорликлари баъзи бир манбалар оркали бизга кадар сакланиб колган. Бу ёдгорликлар мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпоси, кўшик, лирик шеър ва бошгалардан иборат. Улардан баъзилари Ўрта Осиё халқларининг оғзаки ва ёзма адабиёти ҳамда санъатида чукур из колдирган. Жумладан, ўзбек халқ асари «Китоби Жамшид», «Рустами Достон» ва бошгалар бунга мисол була олади.

Ўзбек халқ достони «Ойсулув» эса образ, сюжет ва композиция жихатидан кадимги қаҳрамонлик эпоси «Тўмарис» ва кисман «Широк»ка монанд келади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳозирга қадар унлаб мифологик ва афсонавий образлар яшаб келмоқда. Кишиларни ҳалокатдан қуткарувчи сув худоси Хубби (Эрхубби) шундай образлардандир. Бундан ташқари, айрим кадимги шаҳарларининг бино булини ва номи ҳакида ҳам шу кунга қалар турли афсоналар ҳикоя килинади. Мифологик, афсонавий қаҳрамонлар образи тасвирий ва амалий санъатда ҳам мужассамланган. Хоразм, Зарафшон, Сурхон воҳаси ва бошка жойларда топилган санъат ёдгорликлари Митра, Каюмарс, Ардвиссурा Анахита каби мифологик-афсонавий қаҳрамонларни эслатади.

Ўрта Осиё туркий халқларининг қадимги фольклорини үрганишда, айниқса, XI асрнинг буюк лингвисти Махмуд Кошғарийининг «Девони луготиг турк» асари бениҳоя катта аҳамиятга эга. «Девони луготиг турк»да Хитойдан Хоразмга қадар булган худудда яшаган қабила, уруг ва халқларининг тили текширилади. Үндаги кўшик

ва лирик шеърлар мана шу кабила, уруғ ва халқларнинг бадиий ижодиёти булиб, улар туркий тиллар гурухидаги бошка халқлар (уйгурлар, кирғизлар ва бошкалар)нинг этник таркибига кирганидек, ўзбек халқининг ҳам этник таркибиغا киради. Масалан, Махмуд Кошғарий китобидан кенг урин олган чигиллар, кипчоклар, карлуклар ва бошкалар айни замонда кадимги ўзбек уруглари ҳамdir. Шунинг учун ҳам Махмуд Кошғарий келтирган күшик ва шеърларда ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган жуда кўп сўзларни ва ҳозирги ўзбек тилига хос бўлган грамматик шаклларни (келишиклар, сўз ясовчи кўшимчалар ва бошкаларни) учратамиз. «Девони луготит турк»даги күшик ва лирик шеърлар бармок вазнида бўлиб, уларнинг кўпчилиги 7–8 хижолидир. Күшик ва лирик шеърларнинг банди кўпинчатourt мисрадан иборат бўлиб, «а-а-а-б», «в-в-в-б» тартибида кофияланади. Кадимги күшик ва лирик шеърларнинг поэтикасига хос ҳусусиятлар ҳозирги ўзбек халқ кўшикларида ҳам сакланиб келмоқда. Бунинг ўзиёк ўзбек халқ кўшикларининг жуда кадим замонларданоқ пайдо була бошлаганини кўрсатади. Шу билан бирга, «Девони луготит турк»да келтирилган айрим маколлар (баъзи ўзгаришлар билан (айрим холларда ўзгаришсиз) ҳозирги кунда ҳам кўлланилади. «Ош тотиги туз» – «Ошнинг таъми туз билан», «Қўркмуш кишига кўй боши кўш кўрунур» – «Қўркканга куша кўринур», «Ит исирмас, от тепмас дема» – «Ит копмас, от тепмас дема» ва бошкалар.

С.Е.Малов томонидан кўпчилик туркий тиллар тарихини ўрганишда муштарак бир манба леб баҳо-
ланган Ўркун Энасой ёғортоностари ҳам ўзбек тили аҳамиятга эга.

Шундай килиб, Ўрта Осиё халклари сўз санъатининг илдизлари Тўмарис ва Спитаменни етиштирган, Афросиёб ва Тупроккатья. Варахша ва Болаликепани бунёд этган, «Авесто»нинг пайдо булишида фаол ўрин эгаллаган, Ўрхун Энасой обидаларини вужудга келтирган, «Девони луготит турк»га замин хозирлаган кадимги қабила ва элатларнинг бадий ижодиётига бориб такалади. Унинг замирида Ўрта Осиё халклари нинг адабиёти вужудга кела бошлади. Унинг тараккиётида кадимий адабий ёдномалар бевосита ёки бавосита ўз изини колдирди. Бунга Абулкосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ёркин мисол була олади. «Шоҳнома» кадимги фольклор заминида, фольклор қаҳрамонлари кайта ишланган «Авесто», «Хватайнома» («Худойнома») ва бошқа манбалар заминида вужудга келди. «Шоҳнома» туфайли жуда қадим замонларда яратилган кўпгина мифологик ва афсонавий қаҳрамонлар образи мангу ҳаёт топди, шу асар оркали бу қаҳрамонлар ўзга адабиётлардан хам ўрин олди.

Ўзбек мумтоз адабиёти ўзбек халки маънавий маданиятининг кўп асрли бой хазинасидир. Ўзбек мумтоз адабиётининг шаклланиши ва тараккиётида халк оғзаки ижоди – фольклор бебаҳо ва битмас-туғанмас манба бўлиб хизмат килди. Ўзбек мумтоз адабиётининг илк ёдгорликларидан тортиб унинг бутун такомил босқичлари, сўз санъаткорларининг ижодиёти шуни кўрсатади. Халк оғзаки ижоди ёзма адабиёт намояндадарини меҳнаткаш халкнинг дили ва тили, турмуши ва кураши, дунёкараши ва одат-удуми, ташвиши ва истак-орзузи билан яқиндан таништириди, бадий ижодкорлик ҳаваси ва кўнникмаларини туғдирди, ғоя ва образларнинг поёнсиз оламига олиб кирди, бутун бисоти ва санъаткорлик маҳоратини дариф тутмади.

Аксарият ёзувчилар фольклордан, унинг мавзу ва
ғояларидан, сюжет ва образларидан, махорати ва тил
услубидан ижодий фойдаландилар, асарларининг халк-
чил булишига эришдилар ва ўз навбатида халқ оғзаки
ижодиётига самарали таъсир этдилар. Хоразмий ва
Сайфи Саройи, Дурбек ва Ҳайдар Хоразмий, Отойи ва
Лутфий, Навоий ва Бобур, Машраб ва Турди, Мунис
ва Огахий, Нодира ва Увайсий, Муқимий ва Фуркат,
Завкий ва Аваз мана шундай сўз санъаткорларири.

Ўзбек адабиёти намояндалари, шубҳасиз, биринчи
навбатда ўзбек халки томонидан яратилган оғзаки
бадиий ижодиётдан илҳом вататълим олдилар. Шу билан
бирга, улар бевосита ёки бавосита ўзга халқларниң
фольклоридан ҳам баҳраманд бўлдилар. Бу ўзбек
халкининг ўзга халқлар билан, биринчи навбатда, Ўрта
Осиёниң бошка халқлари билан, шунингдек, эрон,
озарбайжон, араб, хинд ва юнон каби халқлар билан
асрлар мобайнида давом этган иктисадий ва маданий
алоқалари заминида содир бўлди.

Ўзбек ёзувчилари, бир томондан, бевосита ва, иккинчи
томондан, хилма-хил ёзма манбалар орқали ўзга халқ-
ларининг фольклори билан танишув имкониятига эга
эдилар.

Маълумки, ўзбеклар бошка туркӣ халқлар ва эрон
типлари гуруҳида гаплашувчи халқлар билан ёнма-
ен, кӯшини ва айрим худудларда биргаликда яшадилар.
Бу ҳолат уларниң турмуши, хўжалиги ва маданий
ҳастида чукур из колдирли. Оғзаки ва ёзма адабиётдаги
муштарак ҳодисалар ҳам шу билан изоҳланади. Бир
халқ яратган фольклор асари иккинчи бир халқ орасида
ҳам тарқалиб, унга манзур бўлди, шу билан бирга,
айрим асарларининг турли вариант ва намуналари
вужудга келди. Бумга, хусусан, «Алтюминш» ва «Гўрӯғли»

туркумидаги достонлар ёркін мисол бұла олади. Ұзбек ёзувчisi үз халқи фольклори билан бирга құшни халқлар фольклоридан ҳам бевосита баҳраманд бұлар зди, оғзаки ижодға хос үзаро алока ва таъсир уни үзга халқлар фольклори билан ҳам таништирақ зди.

Ёзма манбалар – бадий адабиёт, тарих, тазкира, мемуар ва бошқа типдаги ёзма асарлар, шунингдек, таржима адабиёт құшни халқлар. яқин ва узок үлка халқлари фольклори билан ҳам танишувда тубсиз бир чашма зди. Ұзбек ёзувчиларининг деярли ҳаммаси зуллisonайн сифатида форс-тожик тилида ҳам баркамол асарлар яратған. Мадраса таҳсили (ёки хусусий мутолаа) оркалы үзбек ёзувчиларининг бир кисми араб тилини ҳам билар зди. Форс-тожик ва араб тилидаги ёзма манбалар турли халқлар төмөннен яратылған ва баъзи ҳолларда кайта ишланған ёки турли-туман үзгаришлар киритилған фольклор асарлари билан ҳам таништирақ зди. Араб, форс-тожик ва туркий тилларга таржима килинған асарлар борасыда ҳам шуны таъкидлаш керак. Бунга, жумладан, қадимги хинд эпоси «Панча тантра» («Беш китоб») равшан мисол бұла олади, VI асрда сосоңай подшоларидан Аңуширвоннинг буйруғи биләң Ҳаким Бурзое «Панча тантра»ни санскрит (қадимги хинд) тилидан пахлавий (қадимги форс) тилига таржима қиласы. VII асрда Ибн Мукаффа Бурзое таржимасыдан «Панча тантра»ни араб тилига таржима қиласы. Бу асар Урта Осиё ва бошқа жойларда ҳам шұхрат топиб, бош қаҳрамонларининг номи билан «Калила әу Димна» деб юритила бошлайды. Унинг образ ва сюжетлари асосида янги-янги асарлар вужудға келади (масалан, Рудакий яратған «Калила әу Димна» достони), айрим масал ва ҳикоялари фольклор ва ёзма адабиётда кайта ишланади. Византиялекларнинг

машхур «Стефанит ва Ихнилат» масаллар түплами «Калила ва Димна»га асосланган хисобланади. «Калила ва Димна» ўзбек халки орасида ҳам кенг тарқалган, бир неча бор ўзбекчага таржима килинган, ўзбек фольклори ва ёзма адабиётида маълум из колдириган.

Шубҳасиз, кайси бир манба орқали бўлмасин, бошка халқларнинг фольклор асарлари (ёки улар асосида яратилган ёзма адабиёт асарлари) ўзбек фольклори ва ёзма адабиёти бисотига меҳанистик равишда кириб келмади, балки аник тарихий шароитга, ўзбек хаёти ва миллий анъаналарига мослашди, ўзбек халқининг сўз санъати тажрибаси ва тил бойликлари билан кайтадан йуғрилди, «узбекча»лаштирилди. Худди шунингдек, ўзбек фольклори ҳам бевосита ёки бавосита бошка халқларнинг сўз санъатига таъсир этди. Бунга, масалан, тоҷик тилидаги «Гургули» («Гӯруғли») ёркин мисол була олади.

Бирок утмишда фольклористиканинг етарли ривожланмаганлиги, ҳалқ оғзаки ижоди асарларининг ёзиб олинмагани мумтоз адабиёт билан фольклор алоқаларини ўрганишни янада мураккаблаштиради, кўшимча кийинчилик ва муаммоларни туғдиради. Ёзиб олинмагани туфайли канчадан-канча ҳалқ оғзаки ижоди асарлари беному нишон йўколиб кетди. «Қадимги Руснинг ёзма манбаларда сакланиб қолмаган «Игорь жангнома»си турида бошка достонлари бўлмаган деб ким кафил була олади? Юон ва Римнинг қадимги адабиёти едгорликларидан канчаси ҳалок булиб кетмади?» Белинскийнинг бу сўзлари бошка халқларнинг обидаларига ҳам тааллуклидир. Гарчи талай ёдгорликлар унутилиб кетган бўлса-да, ҳалқ саклаб колган обидалари бистани санъаткорлик тажрибасини мерос килиб қолдириали.

269 937

Шунинг натижасида нисбатан кейинрок яратилган халқ оғзаки ижоди асарида қадимийроқ фольклорнинг изи ва руҳи ҳам сакланиб колади. Бинобарин, ўзбек мумтоз адабиёти обидаларига фольклор таъсири масалаларини тадқик этишда бевосита манба бўлиб хизмат килган ёдгорликлар ва турли ёзма манбалар билан бирга, давридан қатъи назар, халкнинг бутун оғзаки ижоди ҳазиналари катта аҳамиятга эга. Шу ҳазина бойликлари, унинг ўзига хос ҳусусиятлари ёзма адабиёт намояндадалири ижоди билан фольклор алоқасини ёритишда бош манбадир.

Утган асрнинг 20-йилларида ёк бир қатор экспедициялар ташкил этилди. Халқ ижоди материалларини туплаш ва оммалаштиришда хусусан 30-йиллар сермаҳсул бўлди. Ҳ.Зарифов бошчилигидаги ўзбек фольклористлари мактаби вужудга келди. Буюк Карим, Шариф Ризо, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Ш.Абдуллаева ва бошқалар ўзбек фольклорини туплаш ва тадқик этишда унумли хизмат килдилар. Бу фольклористлар сафи кейинроқ З.Хусайнова, Т.Ғозибоев, Ҳ.Раззоков, Ж.Кобилниёзов, М.Сайдов, О.Собиров, Т.Мирзаев, М.Муродов, Ё.Жўраев каби олимлар билан тулиб, мустахкамланди. Ўзбек фольклори бойликларини ўрганишда рус ва бошқа қардош халклар олимлари ҳам ўз ҳиссалирини күшдилар.

Ўзбек фольклористикасининг муваффакиятлари, жуда күп асарларнинг ёзил олиниши, нашр этилиши ва тадқик килиниши ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижоди алоқаларини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга. Айни чоғда, мумтоз адабиёт тадқикотлари халқ оғзаки ижодининг унутилган сахифаларини, айрим ҳусусиятларини тиклашга ёрдам беради.

Ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижоди алоқаларини ўрганиш адабиётшунослигимизни муким муам-

моларидан бири. Бу муаммони ёритишда олимларимиз маълум муваффакиятларга эришдилар. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ижодига бағишлиланган барча тадқиқотларда фольклор билан ёзма адабиётнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири масаласи маълум ўрин эгаллайди. Бу масалага бағишлиланган айрим маҳсус ишлар ҳам бор. Ўзбек мумтоз адабиётидан олий ўкув юртлари учун яратилган дарсликларда эса ёзма адабиёт ва фольклор масаласи сўз санъати тараккиёт боқичлари билан боғлиқ ҳолда маълум тизимга солиб умумлаштириб баён этилган. Бирок бу ишларнинг барчаси дастлабки қадамлардир. Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклорнинг ўзаро алоқаси бенихоя катта ва мураккаб муаммо бўлиб, жуда кўп тадқиқот ишлари олиб боришини талаб этади.

Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклор баҳсининг кўп масалалари улуғ ўзбек шонири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодида мужассамланади. Бу табиий. Чунки Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиётининг ўзбек адабий тилининг муассисидир. Унинг фаолияти халқка мухабbat, унга хизмат килиш, халқ санъати бойликларини, унинг тилини ардоқлаш ва халқ чашмаларидан ижодий фойдаланишининг ўксак ва ёркин тимсолидир. Бундай улуғ сиймонинг халқ қалбидан мангу ўрин олиши, унинг олий ҳурматига ғазовор бўлиши ва халқ ижодига самарали таъсир этиши ҳам табиийдир.

АЛИШЕР НАВОЙ ВА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ БАҲСНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

«Умидим улдурки ва хаёлимга андок келурки, сўзум мартабаси авждан қуий энмагай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёктиргмагай».

Алишер Навоий

Алишер Навоий жаҳон адабиётининг улуг намояндаларидан биридир. У бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг баҳт-саодати учун курашга, халкнинг осоийишталигига, ўзаро урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларнга, илм-санъат ва адабиёт тараққиётига бағишилади. Улуг инсонпарвар, тадбирли давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг муассиси ва ўзбек мумтоз адабиётини янги тараққист погонасига кутарган буюк сўз санъаткори, қомусчи аллома бўлиб етишди, нихоятда кімматли асарлар яратди ҳамда даврининг маданий ҳастига раҳбар, илм-фан, санъат ва адабиёт ахларига ҳомий, кўплаб шогирдлар стиштирган устоз бўлди.

Алишер Навоий тарихнинг беш асрдан зиёд ғоятда мураккаб ва ғоятда тўлқинли синовидан ўтиб, авлодлар ва асрларга ҳамроҳ бўлиб, уларга маънавий мадад бериб, яхшиликка, инсоннинг баҳт-саодати учун курашга даъват этди. Халқпарварлик, дўстлик, биродарлик ва тинчлик учун кураш ғоясини ҳормай-толмай куйлади, ажойиб обидалар ва ўлмас образлар яратди.

Алишер Навоийнинг фаолияти ва меросини ўрганиш узок ва мураккаб тарихга эгадир. Бу тарих XV асрнинг ўзидан, Навоий замондошларининг асарларидан бошлиниди. Беш асрга яқин давр ичидаги Навоийнинг фаолияти ва меросини ўрганиш мураккаб тараккиёт босқичларини кечиб ўтди.

Алишер Навоий ва халқижодиёти баҳси навоийшуносликнинг катта ва мухим бир баҳсидир. Бу баҳс Алишер Навоийнинг шоир ва мутафаккир сифатида шаклланиши ва такомилида халқижодиётининг роли, унинг фольклордан ижодий фойдаланиши ва халқижодиётига таъсири, халқижодиётида Навоий образи каби масалалар туркумини қамраб олади. Бу масалалар 30-йилларнинг охиридан бошлаб илм ахлларининг диккат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Ўтмишдаги шарқшунослар Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти масалалари билан шуғулланиб, библиография соҳасида маълум натижаларга зришдилар. Аммо Навоийнинг адабий меросини чукур илмий асосда тадқик кила олмадилар. Бинобарин, Алишер Навоий ва халқижодиёти масаласи уларнинг эътиборидан четда колиб келди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида «Фарход ва Ширин»нинг халқвариантлари – афсона ва эртакларни ёзив олиш ва оммалаштиришда маълум иш килинди. Бу Мирзачўлни ўзлаштириш харакати билан боғлиқ холда содир бўлган эди (арик очиб чўлнинг бир оз кисми ўзлаштирилган эди). Мирзачўлнинг атроф кишлок ва овулларига келган кўп олимлар чўлни ўзлаштириш билан бирга, ахолининг турмуши, урф-одати ва бошқалар билан ҳам кизикиб, бир катор афсона ва эртакларни ёзив олиб, айримларини оммалаштирилар. Бу афсона ва эртакларда халқнинг

асрий орзуси – сув очиб чўлни ўзлаштириш орзуси ўз ифодасини топган эди. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»идан, мўъжизакор Фарҳод ва Шириндан илҳомланган халқ бу қаҳрамонларнинг фаолиятини Мирзачўлга кўчириб, уларнинг сиймосида ўз нажоткорларини мужассамлаштириди. Фарҳод ва Ширин ҳакидаги афсона ва ривоятлар сюжет ва композиция, образлар жихатидан бир-биридан озми-кўпми фарқ килади, лекин асосий ғоя ва бош қаҳрамонлар уларни бир-бирига уйғунлаштиради. Сув очиб чўлни обод этиш – бу афсона ва эртакларнинг бош мавзуи бўлиб, уларда Фарҳод ва Ширин ёвуз ва хийлакор Хисравга қарама-карши кўйилади. А.А.Кушакевич «Фарҳод ва Ширин»нинг халқ вариантиларидан бирини зълон килади. Бу «Фарҳод ва Ширин»нинг зълон килинган биринчи халқ варианти эди. Шундан кейин яна бир неча асарлар оммалаштирилди: «Голодная степь, ее предания», «Бегаватская сказка», И.Волинский ва И.Ляпунова ёзиб олган ривоят ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай афсона ва эртаклар бошка жойларда ҳам кенг таркалган бўлиб, уша жойларнинг (масалан, Бойсун, Сариқўл ва бошқалар) номи билан боғланади. Буларнинг ўзиёқ «Фарҳод ва Ширин»нинг халқорасида кенгшуҳрат қозонгани, унинг ўй-орзуларга йўлдош бўлиб, ижод ва курашга илҳомлантиргани ҳамда янги афсона ва эртакларга замин сифатида хизмат килганини кўрсатади. Бирок, афсона ва эртаклар ёзиб олиниб оммалаштирилган бўлса ҳам, улар илмий асосда тадқик килинмади, Навоий достони билан киёсий ўрганилмади.

30-йилларнинг охирига кадар ҳам Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳси деярли ўрганилмади, айрим ишлар бу баҳснинг хусусий масалаларигагина каратилган

эди, холос. Профессор А.А.Семенов 1926 йилда халқ ижодиётида Навоий образи масаласига эътиборни жалб этиб, Навоий ҳакидаги хикоялардан бирини оммалаштирди. Бирок, фольклорда Навоий образи масаласи шу билан 40-йилларга қадар тұхтаб колди. (Туюқ жанри ҳакида тадқиқотлар олиб борган олимлар шу жанр аспектида Навоий ва халқ шеърияты масаласи бүйича ҳам кисман фикр юритгандар.)

Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳси 30-йилларынг охиридан бошлаб навоийшуносликнинг муҳым бир баҳси булиб борди. Навоий ҳакида яратилған деярли барча катта-кичик илмий тадқиқот ва илмий-оммабоп асарларда улуғ шоир ва мутафаккирнинг халқ ижодиётидан кенг фойдаланғани, халқ ижодиётида чуқур из колдиргани ва халқ унинг образини афсона, ҳикоя ва эртакларда мужассамлантиргани ҳакида сўз юритилади, Навоий ҳакида халқ яратған асарлар оммалаштириллади ҳамда Алишер Навоий ва халқ ижодиёти мавзууда маҳсус мақола ва бошка турдаги асарлар яратилади.

40-йиллар Навоий асарларининг халқ варианatlарини ёзиб олиш ҳамда Навоий образи яратилған афсона ва эртакларни тұплашда хийла унумли бўлди. С.Эгамназаров (1939), М.Афзалов (1944), М.Алавия (1945) ва бошкалар «Фарҳод ва Ширин»нинг варианtlарини ёзиб олдилар. Алишер Навоий ҳакида ўзбек халқи орасида тарқалған афсона ва эртакларнинг бирмунчаси ёзиб олинди ва оммалаштирилди. Туркман халқи орасида тарқалған «Мирами ва Султон Суюн» (Навоий ва Ҳусайн Бойкаро) туркумидаги афсоналар ёзиб олинниб, алоҳида китобча сифатида нашр этилди. Навоийнинг халқ мақоллари заминида яратған ёки мақолларга якин бўлған ҳикматли сўзлари матбуотда оммалаштирилишидан ташқари уч марта алоҳида китобча шаклида нашр этилди. Ҳикматли сўзларнинг

кайта-қайта нашр этилиши улардан баъзиларининг халк мақолига айланиб кетишига ҳам хизмат қилди.

Ўттан асрнинг 40-ийлларида Алишер Навоий ва халк ижодиёти бахси бўйича яратилган асарларни икки гурухга: умумий масалаларга бағишлиланган ва маҳсус масалаларга бағишлиланган асарларга ажратиш мумкин. М.Шайхзода масаланинг умумий моҳияти ва кимматини тъқидлаб, ўз маколасини куйидаги сўзлар билан бошлайди:

«Буюк шоиримизнинг сўнмас ижодиёти Шарқ адабиётининг ёзув манбалари билан бирга халк ижодининг ҳам битмас-туганмас ҳазинналаридек кўп инжулар олди. Асосан, бу икки база Навоий ижодининг баланд иморати учун маҳкам пойdevор ролини ўйнади». Мақола муаллифи Навоий «Хамса»сидаги Лайли, Мажнун, Фарход, Ширин, Хисрав, Баҳром ва Искандар образларининг халк ижодиётида йўғрилгани, кейин ёзма адабиётта – Фирдавсий, Низомий ва Хисрав Дехлавий достонларига кириб кайта ишлангани, бу образларнинг халқ ижодиётида Навоий замонасида ҳам, ундан кейин ҳам яшаб келганини, буларни ўрганиш Навоий ижодининг фольклор манбаларини аниклаш учун кенг имконият беришни айтади. Муаллиф «Навоий достонларининг ўзида ҳам, унинг достонларидаги сюжет ҳам факат китоблардан олинмай, бошка манбалар (фольклор дейилмокчи – Н.М.) билан боғланганлиги тўғрисида бир неча характерли ишоратлар бор» деб «Фарход ва Ширин»дан «Ки эл Парвиздин мағбун эдилар» мисраси билан бошланувчи парчани келтиради. Шу билан бирга у достоннинг ўзидағи халқ асарларига хос услуб, воеани ривожлантириш усулларига зътиборни жалб этади. (Масалан, Ширин Фарҳод фожиасини халқ оғзида айтиб юрилган кўшиклар орқали эшигади). Мақола муаллифи

Навоийнинг «Хафт манзари Баҳром» («Сабъаи сайёр») хикояларида ҳалқ эртакларига хос бошланма (зачин) усулини кўллаганини таъкидлайди. У Навоийнинг ҳалқ маколларидан фойдаланиши ҳакида «бу соҳада Навоий шу кадар усталик курсаттанки, бирмунча маколларнинг ҳалқдан Навоийга ё Навоийдан ҳалкка ўтганини аниглаш ҳам хозирча кийин» дейди. Маколанинг хотимасида Алишер Навоийнинг ҳалқ кўшикларидан фойдаланиши, кўшикларни «Мезон ул-авzon» асарида таъриф-тавсиф этиши ҳакида маълумот беради.

Шундай килиб, Максад Шайхзода Навоий ижодиётининг асосий манбаларидан бири ҳалқ ижодиётидир, Навоий асарларида фольклор мотивлари ва услуби – усуллари мавжуд у, хусусан, ҳалқ маколлари ва кўшикларига катта зътибор берган, буларни ўрганиш, тадқиқ килиш катта аҳамиятта молик, деган холосага келади. 40-йиллар бошидаги навоийшуносликнинг аҳволи ва савиясини кўзда тутсак, мазкур макола муаммосининг кўйилиши ва илм ахллари диккатини Навоий меросининг фольклор билан алокасини тадқиқ этишга жалб килини жиҳатидан ғоятда муҳимлигини зътироф этиш керак.

Професор А.Саъдий Алишер Навоийнинг ҳалқ ижодиётига мухаббати, ундан баҳраманд бўлганини таъкидлаш билан бирга, «Алишер Навоий ўзининг ўткир қалами билан ҳалқ оғзаки ижодиётини – фольклорни бойитди» деб, Навоийнинг фольклорга таъсири масаласига зътиборни жалб этади. Макола муаллифи Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатайн», «Мажолис ун-нафоис» ва хусусан, «Мезон ул-авzon»да ҳалқ ижодиёти масалаларини ёриттани, ҳалқ кўшикларини тасниф қилгани, уларнинг муҳим хусусиятларини баён этгани, ўзи ҳам ҳалқ кўшиклариз тарзida шеърлар билтанини мисоллар

билин кўрсатади. А.Саъдий Навоий ва фольклор баҳсининг бошка жиҳатларига ҳам эътиборни жалб этиб, «Машхур «Ҳамса» асарига кирган достонларидағи хаёлий ҳикоялар, афсоналар, дев, аждарлар билан пахлавонларнинг олишуви каби ўринларнинг тасвири Навоийнинг ҳалқ оғзаки ижодиётига катта аҳамият берганини кўрсатади», дейди. Бу макола ҳам масаласининг қўйилиши жиҳатидан аҳамиятлидир. А.Саъдий мазкур маколадаги тезисларни «Алишер Навоий ижоди – ўзбек мумтоз адабиётининг чўққиси» номли докторлик ишида ривожлантирди, Навоийнинг ҳалқ санъатига муносабати ҳақида маълумот ва фикр-мулоҳазалар билан бойитди.

Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти бахси 40-йилларда икки хусусий масала: Навоий ҳакидаги латифа ва ҳикоялар ҳамда «Фарход ва Ширин»нинг ҳалқ варианти масаласини камраб олади.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига доирайрим воқеалар, унинг дўст-ёрлари ва муҳолифлари билан муносабати, шахсий сифатлари ва бошқалар заминида XV асрнинг ўзидаёқ латифа ва ҳикоялар тўкилиб, улар Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ», Бобурнинг «Бобурнома», Восифийнинг «Бадоев ул-вакоевъ» асарларидан ўрин олган эди. Уларнинг кўпиди даилллар билан бадиий тўқима уйғунлашиб, Алишер Навоий бадиий образи вужудга кела бошлаган эди. Бизнингча, Навоийнинг ўз асарларидаги автобиографик ўринлар билан бир каторда, унинг замондошлари асарларидаги латифа ва ҳикоялар фольклорда Алишер Навоий образининг вужудга келишида бош таянч бўлиб хизмат килди. Бинобарин, бевосита ҳалқ ижодиётидаги Навоий образини Алишер Навоий замондошлари асарларидаги латифа ва ҳикоялар билан киёсий ўрганиш асосида

халқ тасаввуридаги улуг инсон, шоир, мутафаккир сиймосини тұларок тасаввур этиш мүмкін.

Навоий замондошларининг асарлари, жумладан, улардаги латифа ва ҳикоялар кадим замонлардан бошлаб адабиёт ва илм ахлларининг дикқат-эътиборини жалб этиб келмокда. М.Никитский, М.Белин, В.Бартольд, шунингдек, О.Шарафуддинов, М.Ойбек, С.Айний, Е.Э.Бертельс, В.Зохидов ва бошқа олимлар Навоийнинг фаолияти ва меросини тадқиқ килишда Навоий замондошларининг асарларидан, улардаги латифа ва ҳикоялардан хам фойдаландилар. 40-йилларда бу латифа ва ҳикояларга бағишиланған маҳсус иккى янги мақола ёзилди. Булардан бири А.И. Болдиревнинг «Алишер Навоий замондошларининг ҳикояларида» мақоласи бұлса, иккінчisi А.К.Боровковнинг «Навоий ва Жомий халқ ривоятларида» номлы тадқиқотидир.

А.Н.Болдирев күп йиллар давомида Восифийнинг «Бадоеъ ул-вакоєъ» асари билан шүгүлланиб, катта тадқиқот яраттан эди. У Алишер Навоий юбилейи муносабати билан «Бадоеъ ул-вакоєъ»даги Алишер Навоийга алокадор бұлған барча боб ва ҳикояларни синчиклаб ўрганиб, «Алишер Навоий» (1946) түпнамига янги тадқиқотини тақдим этди. А.Н.Болдирев асари иккى кисмдан иборат: биринчи кисмда муаллиф Восифий ва унинг «Бадоеъ ул-вакоєъ» асари ҳакида кискача маълумот беріб, бу асардаги Навоийга доир ҳикояларнинг мұхим хусусиятлари ҳакида фикр юритади; иккінчи кисмда 20 дан зиёд ҳикояни рус тилиге таржима қилиб (айримларининг кискача басни берилған), бәзі бир шарх ва изохлар билан китобхонга тақдим этади.

Тадқиқотчи бу ҳикояларнинг тарихийлігі, вокеңдік далилларни қамраб олганини эътироф килиш билан бирға, уларға ҳар качон хам айшан содир бұлған хо-

дисалар сифатида қараш түгри бўлавермайди, улар «адабий-тарихий латифа» характеристига эгадейди. Ҳикояларнинг умумий моҳияти ва қимматини таъкидлаб, А.Н.Болдирев бундай дейди: «Улар – факат уларгина энг қимматли нарсани – улуг инсоннинг тирик образини, унинг кундалик ҳаётини тиклаб тасаввур килишга ёрдам беради; улар (Навоийнинг – Н.М.) даврасини, у яшаган ва ишлаган интим шароитни тасаввур килишга имкон беради». Ҳикояларда Навоийнинг олижаноб сифат ва фазилатлари билан бирга унинг мизожидаги нозиклик ҳақида ҳам мусоҳиблари тилидан сўзюритилиши, дейди макола муаллифи, бу ҳикояларга ишонч билан қараш лозимлигини таъкидлайди. А.Н.Болдирев ҳикояларнинг мазмуни ва бадиий қиммати ҳақида сўзлаб, улардан баъзиларининг бадиий савияси саёзрок, бунинг устига уларда Навоийга алокаси бўлмаган нарсаларга кенгрок ўрин берилган, бинобарин, бундай ҳикоялар улут шоир ва мутафаккирнинг сиймосини тўларок тасаввур этишга хизмат қилолмайди дейди. А.Н.Болдирев кейинчалик «Бадоев ул-вақоевъ»нинг илмий-танқидий матнини ишлаб чикиб, уни ўз дастхати билан 1961 йилда икки томда нашр эттириди.

Шу ўринда устод Садриддин Айнийнинг «Бадоев ул-вақоевъ»га доир тадқикотлари ҳақида, қисқача бўлсада, сўзлашни мувофик кўрамиз. С.Айний Восифийнинг сермаҳсул тадқиқотчиси ва «Бадоев ул-вақоевъ»нинг таргиботчисидир. У 1940–1946 йиллар давомида бир неча мақолаларини оммалаштирган, Алишер Навоийга доир тадқиқотларида бу асардан кенг фойдаланган ва 1946 йилда Восифий ва унинг «Бадоев ул-вақоевъ» асари ҳақида катта монография тайёрлаган зди. Бу асар 1956 йилда босилиб чиқди. Асар муқаддима ва икки кисмдан иборат. Муқаддимада Зайниддин Восифийнинг

фаолияти ва «Бадоэй ул-вақоэй»ни ишлаб чиқниш (нашрга тайёрлаш) усули ҳакида маълумот берилади, биринчи кисм «Восифийнинг Ҳурросон ва ёшлик йиллари ҳакидаги эсдаликлари», иккинчи кисм «Восифийнинг Мовароуннахр ва Туркистондаги ҳаёти» деб номланади. С.Айний бу асарнинг Навоий даври, унинг фаолияти ва меросини ўрганишда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. «Бадоэй ул-вақоэй»дан бевосита Навоийга алокадор бўлган 7 ҳикояни келтиради. С.Айний «Бадоэй ул-вақоэй»ни мазмун ва услуб жиҳатидан ҳозирги китобхонга мувофиқ тарзда ишлаб чикади, уни кимматли мукаддима, шарҳ, изоҳлар билан бойитади, бошка манбалар билан мукояса этади.

Алишер Навоий ҳакидаги ҳикоя, латифа ва наклларни ўрганишда А.К.Боровковнинг «Навоий ва Жомий халк ривоятларида» мақоласи алоҳида аҳамиятга эга.

А.К.Боровков мақоласи Хондамирнинг «Макорим ул-ахлок», Бобурнинг «Бобурнома», Восифийнинг «Бадоэй ул-вақоэй», «Мирзо Ҳамдам ва Мавлави Жомий» каби ёзма манбалар ҳамда Навоий ҳакидаги ўзбек, туркман, форс-тоҷик тилидаги ҳалқ латифалари ва ҳикоялари асосида ёзилган. Навоий ва Жомий ҳакида кўпгина латифа ва ҳикояларнинг пайдо булиши, кенг таркалиши, А.К.Боровковнинг таъкидича, бир томондан, уларнинг улуғ санъаткорлиги ва алабиёт тарақкиётида чукур из колдиргани билан изоҳланса, иккинчи томондан, Навоий ва Жомийга хос сўзамоллик, ҳазил-мутойиба ва зарофат шундай ҳикоя ва латифаларни вужудга келтирди. «Навоий ва Жомийнинг ўткир сўзлиги ҳакидаги ҳикоялар Ҳирот адабий мухитининг хусусиятларини тарихан тўғри акс эттиради. Бирок, бу ҳикоялар ҳар качон ҳам ҳакикатда бўлиб ўтган фактларга асосланган ҳикоялар эмас. Ҳакикатта монанд вазият, нозик сўз ўйини, ўткир

кочирік, сўз ва муомаладаги ҳозиржавоблик ва зеҳнлилик ҳикоя-латифанинг мағзини ташкил этади ва бу ажойиб-гаройиб сўз-ҳангомалар у ёки бу тарихий шахсга нисбат берилади». А.Боровковнинг фикрича, қачонлардир туркманларнинг афсонавий уруғ бошлиги – бобокалони Сайинхон (ёки Сойилхон) ва ривоятлар Султон Маҳмуд Ғазнавий номи билан боғланган шоир Мирали ҳакидаги халқ ҳикоялари кейинчалик Навоий ва Ҳусайн Бойқарога нисбат берилган, Навоий тўкими ҳакидаги латифа кейинчалик Мушфикий номи билан юритилган ва ҳоказо. Макола муаллифи Навоий ва Гули ҳакидаги форс-тожик ва туркман ҳикояларини киёс этади, уларнинг бир-бирига яқинлигини таъкидлайди ва булардан ҳар бири мустакил вужудга келган, бунга, жумладан, туркман ҳикоясидаги Гулининг ўлими ҳакидаги шеър ҳам асос була олади, дейди. У Навоий ва Гули ҳикоясига монанд бошқа манбаларга (масалан, Жӯғиҳоннинг ўлими ҳакидаги ҳикоят, ўсмир Григорий ҳакидаги ривоят), аналогик адабий ҳодисаларга эътиборни жалб этади. А.К.Боровков мақоласи далилларга бойлиги жиҳатидан ҳам, қўйилган масалалар талқинидаги мулоҳаза ва холосалари билан ҳам кимматлидир.

Навоий ҳакидаги ўзбек афсона ва ҳикояларини ёзиб, уларни оммалаштирган фольклоршунос М.Афзалов «Навоий ҳакида халқ афсоналари» мақоласида бу афсоналарнинг тарихий илдизи ҳакида сўзлаб, уларни таъриф ва тавсиф киласди, тарихий-бадний кимматини ёритади. Бу муқаддимадан кейин у бир неча афсонани журналхонларнинг дикқат-эътиборига ҳавола қиласди.

М.Афзоловнинг Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳсига бағишланган йирикрок тадқикоти «Фарход ва Ширин»нинг халқ варианти» мавзусидаги диссертациясидир (1948). Тадқикотчи Фарход ва Ширин ҳакидаги

бир катор ривоят, афсона ва эртакларни таҳлил қилади, уларнинг муштарак ва ўзига хос хусусиятларини ёритади. М.Афзалов диссертациясининг асосий обьекти бевосита Навоий асари асосида ҳалқ шоири Фозил Йўлдош ўғли яратган «Фарҳод ва Ширин» достонидир. Олим достоннинг яратилиши тарихи ҳакида маълумот беради, Навоий достони билан Фозил Йўлдош ўғли асарини сюжет ва композиция, образлар тизими, тил ва услуб жихатидан киёс этади, ҳалқ достонида қаҳрамонларнинг омон қолиб, мурод-максадига зришуви – фольклорга хос оптимизмга диккатни жалб этади. Мазкур асар Навоий достонларининг ҳалқ варианtlарини ўрганишда биринчи катта қадам сифатида аҳамиятлидир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаган бир катор ленинградлик шарқшунос олимлар «Фарҳод ва Ширин» ҳакида кимматли илмий маколалар тайёрлаганлар. (Е.Бертельс – «Фарҳод ва Ширин», К.Тревер – «Фарҳод ва Ширин», А.Якубовский – »Навоий ва Фарҳод ҳакидаги афсона».) Бу маколалар кўлёзмада колган (ЎзФА, Тарих ва археология институти кўлёзмалар фонди, инв. № 26). Бу маколаларда қадимги манбалар ва археологик материаллар маълумоти асосида «Фарҳод ва Ширин»нинг пайдо булиши, қадимги илдизлари, сюжет ва образларнинг инкишофи ёритилган, «Фарҳод ва Ширин»нинг ҳалқ ижодиёти билан алокаси кўрсатилган. Афсуски, бу маколалар кўлёзмада қолиб, оммалаштирилмади.

Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти баҳси бўйича 40-йилларда килинганди ишлар шулардан иборат. Шубҳасиз, мазкур ишлар билан бирга «Ҳамса»даги анъанавий образларга багишланган талқиқотлар ёки Навоийнинг салафлари ҳакида яратилган асарлар бавосита бўлсада, мазкур баҳсни ўрганиш ва ёритишга маълум хисса кўшади, «Фирдоуси» маколалар тўллами, академик

И.О.Орбелининг «Бехрам и Азаде» асари, академик И.Ю.Крачковскийнинг «Лайли ва Мажнун» киссаси тарихига доир тадқикоти, профессор Е.Э.Бертельснинг Низомий, Жомий ҳақидаги монографиялари ва Искандарга доир китоби, Низомий юбилейи муносабати билан озарбайжон ва рус тилларида нашр этилган мақолалар тұплами, бу тұпламдаги адабиётшунос Х.Ораслининг «Низомий ва озарбайжон халқ адабиети», Миржалолнинг «Етти гүзәл»даги ҳикоялар ҳақидаги мақолалари, шунингдек, Ҳ.Ализода ва М.Х.Тахмасибнинг Низомий асарларининг халқ вариантыларини камраб олған китоби, Олим Шарафуддиновнинг «Баҳром Гүр образи ва «Сабъа сайёр» тұғрисида» номлы мақоласи ва бошқалар шулар жумласидандыр. Бу асарлар Навоий достонларига кадар «Хамса» қаҳрамонларининг халқ ижодиети ва ёзма адабиётдаги тадрижий такомилини ёритади.

Шундай килиб, Алишер Навоий ва халқ ижодиети баҳси 40-йилларда навоийшуносликнинг мухим баҳс-ларидан бирига айланды. Бу даврда китобий манба-лардаги Навоий сиймосини үрганиш, Навоий ҳақидаги халқ афсоналари ва эртакларини ёзип олиш, оммалаштириш хамда «Фарҳод ва Ширин»нинг халқ вариантыларини тадқик этиш, шу билан бирга, «Хамса» қаҳрамонларининг халқ ижодидаги илдизларини ёри-тиш буйича бир катар ишлар килинди. 40-йиллар Алишер Навоий ва халқ ижодиети баҳсининг дебочасини яратды, навоийшунослик олдига шу баҳснинг катор янги масалаларини ҳам қўйди.

50–60-йиллар навоийшунослик тараккиётининг ян-ги, нихоятда сермаҳсул босқичи бўлди. Кўпчилик тад-қикотларда Алишер Навоий ва халқ ижодиети баҳсига ҳам маълум эътибор ва ўрин берилди. Бу ишларнинг кимматини камситмаган холда шуни ҳам эътироф этиш керакки,

Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи арафасига кадар Навоий ва халқ ижодиёти баҳси маҳсус тадқикотлар обьекти килиб олинмади, 40-йиллар кун тартибига кўйилган масалалар ўрганилмади, ёритилмади. Факат 1966 йилдан бошлаб мазкур баҳс яна кайтадан олимларимизнинг диккат-эътиборини ўзига жалб кила бошлади. 1966-1969 йиллар давомида Навоий асарларининг халқ вариантларини оммалаштириш, Навоий хакидаги халқ афсоналарини тўплаш ва нашр этиш, халқ маколлари руҳидаги Навоийнинг хикматли сўзларини босиб чиқариш, Навоий ва халқ ижодиёти баҳснинг айрим масалаларини тадқиқ этиш бўйича бирмунча ишлар килинди.

30-йилларнинг охиридаёк Фозил Йўлдош ўғли репертуаридаги «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларининг халқ варианtlари ёзib олинган эди. Бу иккала достон Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти томонидан нашр этилди. Навоий асарларининг халқ варианtlари улуг шоир ва мутафаккир ижодининг халқчиллиги, омманинг қалби ва руҳига яқинлиги, асрлар ва авлодларга ҳамроҳлигини яна бир бор равшан кўrsатади.

Навоий хакидаги халқ афсоналарини ёзib олиш ва мукаммалаштириш иши ҳам кейинги йилларда бирмунча жонланди. Айрим афсоналар эртаклар тўпламларига киритилди, вакти матбуотда оммалаштирилди. Ниҳоят, «Доно Алишер» номли маҳсус тўплам нашр этилди. «Доно Алишер» номли маҳсус тўплам (хикоя)дан иборат бўлиб, ундаги «Навоий ва Лутфий», «Навоий ва Осафий», «Қуш», «Чумоли» хикояларни колгандарининг «Макорим ул-ахлоқ» асаридан олинган, М.Афзалов, М. Муродов ва И.Собировлар

томонидан халқ оғзидан ёзib олинган. «Доно Алишер» китобининг босилиб чиқиши Навоий хакидаги халқ афсоналарини китобхонларга тақдим этишда мухим бир қадам бўлди. Ёзма манбалар ва бевосита халқ ижодига мансуб бўлган афсона ва хикояларнинг мукаммал тўпламини тузиш, уларни изоҳлаш ва шарҳлаш шу кадамга туташ бўлиши лозим. Шунингдек, бундай тўплам бошқа халклар, чунончи, туркманлар томонидан яратилган афсоналарни ҳам камраб олиши керак.

Навоий меросини, унинг донишмандона ўтиларини халқка тарғиб этишда макол руҳига монанд хикматли сўзларнинг аҳамияти, шубҳасиз, катта. Бинобарин, кейинги йилларда ҳам Навоийнинг хикматли сўзлари бир неча бор нашр этилди ва бошқа тилларга таржима килинди. Навоий. Афоризмлар. (Тузувчи Ю.Эшонкулов, «Ўрта ва олий мактаб» нашриёти, Тошкент, 1961); Алишер Навоий. Хикматлар (тўпловчи ва сўзбоши муаллифи Солих Муталлибов, Гафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968); Навоий. Хикматли сўзлар (Ўзбек, рус, форс, араб, инглиз, немис, француз, испан ва япон тилларида, нашрга тайёрловчи ва масъуль муҳаррир Ҳ.Сулаймонов, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1988) каби тўпламлар шулар жумласидандир.

Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳсига бағишланган илмий ва илмий-оммабоп ишлар Навоийнинг фольклордан ижодий фойдаланиши, фольклорда Навоий образи ҳамда Навоий ва халқ санъати масалаларини камраб олади. Шубҳасиз, оммалаштирилган ишларнинг ҳаммаси ҳам бир хил савияда эмас. Бирок шуни эътироф килини керакки, Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳси янги далилий материал ва маълумотлар, аналитик таҳлил ҳамда бир-бирига яқин адабий ходисаларни киёсий ўрганиш хисобига кенгайиб, ривожланиб бормоқда.

М.Алавиянинг «Алишер Навоий ва фольклор», О.Собировнинг «Халқ ижодидан илҳомланиб» маколалари Навоий ва халқ ижодиёти баҳсини кенгроқ ва чукурроқ ўрганиш заруриятини таъкидлайди, шу баҳснинг айрим масалаларига эътиборни жалб этади. М.Алавия Навоийнинг халқ ижодининг хилма-хил жанр ва усулларидан фойдалангани, айни чогда, халқ ижодига ҳам самарали таъсири этганини таъкидлайди. Олим Алишер Навоий халқ қалби ва меҳридан ўрин олганини қайд этиш билан бирга, Навоий ва халқ санъати масаласига эътиборни жалб киласди. Ҳудди шунингдек, фольклоршунос О.Собиров ҳам Навоий ва халқ ижодисти баҳснинг аҳамиятини қайд этиб, Алишер Навоий мероси фольклористика ва этнография жиҳатидан ҳам кимматлиди, унда халқ театри (чодирхаёл, қўғирчокбозлар ва бошқаларга) доир муҳим маълумотлар бор, дейди. Шу билан бирга у Навоий иборалари, Навоий идеаллари билан халқ ижодиёти ўртасидаги уйгунилк ҳакида сўз юритади. Ш.Абдуллаева «Халқ ижодиётининг ёзма адабиётга таъсири масаласига доир» маколасида Навоийнинг фольклорга муносабати, «ср-ср»дан, макол ва халқ афсоналаридан ижодий фойдаланиши ҳакида сўзлайди. Бу маколалар Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳснинг кўйилишин жиҳатидан, шубҳасиз, диккатта сазовордордир.

Алишер Навоий халқ маколлари, маталлари ва ибораларига катта эътибор берди, уларни айнан ёки шеърнинг поэтик талаби билан кайта ишлаб ўз асарларида қўллади ва шуларга монанд янги хикматли сўз ҳамда иборалар ижод этди. Буларни ўрганиш ва тадқиқ килиш Навоий асарларининг ғоявий мазмунини ҳам, бадиний формасини ҳам ёритишда катта аҳамиятга эга. Бу масала адабиётшунос ва фольклоршуносларнинг ҳамда тиљшуносларнинг эъти-

борини жалбэтмоқда. Кейинги йилларда яратилган мақолалардан адабиётшунослик ва фольклористика нұктасынан М.Алавияннинг «Навоий газалларида халқ таъбирлари», М.Ҳакимовнинг «Алишер Навоий лирикасида халқ маколлари», «Навоий афоризмларининг манбаларига доир» мақолалари диккатта сазовор.

Халқ ижодиеті бевосита ва бавосита Навоий достонлары ва ҳикоялары учун мұхым манба сифатида хизмат килди. Бу масала навоийшуносларнинг диккат-эътиборида турған масалалардан бири булып, тадқиқотларда кимматли факт ва маълумоттар түпленгән, илмий хуносалар берілген. Кейинги йилларда олиб борилған тадқиқотлар бу мұхым бағсны ёритишида янги натижалар бермөқда. Ғ.Алиевнинг «Шарқ адабиётларида Ҳусрав ва Шириң афсонасы» китоби «Ҳусрав ва Шириң» номи билан аталған достонларнинг шаклланиши ва таракқиети тарихини ёритиши билан бирга, Навоийнинг «Фарҳод ва Шириң» илдизларини, уннинг фольклор негизини ёритишида ҳам катта ақамиятга зга. С.Эркиновнинг тадқиқотлары зса, бевосита Фарҳод образининг такомили масалаларига бөглиқ булып, олим ўз салафларининг фикр-мулохазаларига таяниб колмасдан, янги факт ва маълумоттарни қўлга киритиб, Фарҳод образининг эволюциясини тўлароқ ёритишига, бу образнинг маъхазлари қадимги асотирлар – мифларга бориб тақалишини исботлашга интилади ва маълум натижаларга эришади. Шунингдек, И.Ғанихўжаеванинг «Навоий ҳикояларининг асосий манбалари», М.Собировнинг «Халқ ҳикоялари Навоий ижодида» номли оммабоп рисолалари ҳам Навоий ҳикояларининг айрим халқ варианtlарига эътиборни жалб килади.

М.Собиров «Алишер Навоийнинг фольклордан фойдаланиши масаласынга доир («Ҳамса» материаллари асосида)» номздлик ишининг биринчі бобида XV

асрга қадар ўзбек адабиётида фольклордан фойдаланиш, иккинчи бобида Навоий «Ҳамса»сининг манбалари, сюжет, образ, тасвир воситалари, халқ мақоллари ва ҳикматлари аспектида фольклор анъаналари ҳакида баҳс юритади. Мавзу ва масалалар доираси жуда кенг булиши билан бирга, муаллифнинг кўпгина кузатиш ва хуласалари диккатта сазовордир.

Фольклоршунос М.Муродов «Афсоналарда шоир сиймоси» мақоласида Навоий ҳакида ўзбек ва туркман афсоналари ҳакида сўз юритади, бир неча янги афсонани таҳлил қилади ва халқ афсоналарини ёзиб олиш ҳамда уларни нашр этиш суст бораётганлигини таъкидлайди.

Навоий ижодиёти у яшаган мұхитнинг бадиий комуси, мураккаб халқ тарихининг равшан кўзгусидир. Унда инсон ҳаёти ва фаолиятининг ранг-баранг соҳалари ўз ифодасини топган. Бинобарин, Навоий мероси турли илм соҳалари учун бой ва кимматли манбадир. Бу этнография ва санъатшуносликка ҳам тааллуклиди. Афсуски, Навоий мероси бу жихатдан деярли тадқик қилинмаган. Адабиётшунослик ва тилшуносликка доир асарларда бу масалалар бирон муносабат билан айтилган этюдлар характеристига эга. Шуни кўзда тутганда, санъатшунос М.Қодировнинг «Алишер Навоий ва санъат» рисоласини навоийшуносликнинг янги бобини очишга қаратилган дадил одим деб баҳолаш мумкин. Муаллиф Навоийнинг «Ҳамса» (асосан, «Ҳайрат ул-аброр») ва «Мажолис ун-нафонс» асарларидағи маълумот ва фикр-мулоҳазаларга таяниб, «Навоий ижодини томоша санъати тарихини ўрганишда бир манба сиғатида караб чиқиб, мана шу каттакон мавзунинг бир кисмини ёритишини ният» қилади. Рисола муаллифи тўплаган материалларини гурухлаб, халқ санъатининг бир неча турини таъриф ва тавсиф этади. Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, у объектни ҳам,

масалалар доирасини ҳам қаттиқ чегаралаб олган. Лекин шунга карамай, у катта баҳс тадқикотига муносиб дебоча деб баҳолашга арзигулик рисоладир.

Бевосита Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти баҳсига багишланган ишлар шулардан иборат. Шубҳасиз, навоийшуносликнинг бошка баҳс ва масалалариға доир тадқикотларда ҳам ушбу баҳсга алокадор мухим материал ва фикр-мулоҳазалар бор. Шу билан бирга, қадимги туркий адабиёт обидалари, Навоийгача ўтган ўзбек ёзувчилари ва фольклор баҳсига онд тадқикотлар ҳам Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти муаммосини ёритишга ёрдам беради. Форс-тожик, озарбайжон, араб ҳалклари адабиётларининг ҳалқ оғзаки ижоди билан алокасини тадқиқ этган асарлар ҳақида ҳам шуни айтиш керак.

Шундай килиб, 40-йиллардан бошлиб Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти баҳси навоийшуносликнинг мухим баҳсларидан бири бўлиб колди. Ўтган давр ичida Навоий достонларининг ҳалқ варианatlари, Навоий ҳақидаги ҳалқ афсона ва эртакларини тўплаш ва оммалаштириш, фольклорда Навоий образи, Навоийда ҳалқ маколлари ва таъбирлари, Навоий ва ҳалқ санъати масалалариға доир бир катор илмий ва илмий-оммабоп асарлар яратилди. Бирок буларнинг барчаси, ўзбек фольклоршунослиги асосчиси профессор Ҳоди Зариф айтганидек, катта баҳснинг бошланишидир. Мавжуд ишлар айрим хусусий масалаларга багишланган бўлиб, Алишер Навоий ва ҳалқ ижодиёти баҳси бир бутун мавзу сифатида ишланганича йўқ. Ваҳоланки, бу мавзу Навоий ижодиётини, унинг миллий ва умумбашарий моҳиятини, санъаткорлик даҳосини, дунёкараши ва эстетикасини, шу билан бирга, адабиёт билан ҳалқ ижодиёти муносабати конуниятининг айрим жиҳатларини тўларок ва мукаммалрок ёритишга хизмат қиласи.

I. ХАЛҚ ИЖОДИЁТИГА МУНОСАБАТ

ХАЛҚ САНЪАТИ ОЛАМИДА

XV аср Ўрта Осиё халклари санъати тараққиётининг мухим ва сермаҳсул бир босқичидир. Бу босқичда мъеморчилик, тасвирий санъат, ҳаттотлик, мусика ва бошқа соҳаларда ўлмас обидалар яратилди.

Булардан ташкари халқ санъатининг наққошлиқ, ўймакорлик, зардӯзлик, каштачилиқ, гилам тўкиш, кулолчилиқ ва бошка турлари ҳам ривожланиб, нодир асарларни, буюмларни боқий қолдирган.

XV аср санъати тараққиётида Алишер Навоийнинг ўрни ва роли бенихоят каттадир. Бу Навоийнинг санъаткорлиги, санъат ахлларига ҳомийлиги ва санъатшунослиги билан ифодаланади. Алишер Навоий шонир ва адаб сифатида санъаткор булиши билан бирга, рассом ва бастакор ҳам эди («Занжиранган шер» сурати, шеърларидан бирига «Исфаҳон» деб номланган куй яратиши бунга мисолдир). Алишер Навоийнинг санъатининг равнаки учун фидокорона фаолияти, санъат ахлларига ҳомийлиги, уларга моддий ва маънавий кўмаги унинг санъатта қўшган катта улушидир. Шу билан бирга, Алишер Навоий санъатшунос сифатида ҳам гавдаланади. Унинг асарларида санъат соҳалари ҳақида бой фактик материал ва назарий маълумотлар бор.

Маълумки, Навоийнинг ташаббуси билан (кўпинча, унинг ўз маблаги билан) жуда кўп ва хилма-хил бинолар курилган, боф-роғлар барпо қилинган, арик ва ховузлар казилган эди. Навоий доимо халқ мъеморлари –

усталарининг санъатини ардоклаган, уларнинг меҳнатини кадрлаган. Манбаларнинг маълумотича, Навоий бино куриш ва ариқ-ховуз казишда ишлаётган кишиларни турли йўллар билан рағбатлантирар, уларга инъомлар берар, зиёфатлар уюштирар, ўзи ҳам иш бошида туриб, этагини бар уриб, енг шимариб бирга ишлар экан. Навоийнинг бу амалий фаолияти унинг бадиий ижодиётида ҳам ўз аксини топди. «Фарход ва Ширин» достонидаги Фарходга аталган тўрт қасрнинг бино булиши, Фарходнинг Арманистонда ариқ очиши ва ховуз бунёд этиши каби эпизодларда аник деталлар бор. Бундай деталлар XV аср заминида, Навоийнинг бевосита ўз фаолияти заминида вужудга келиб, улуғ шоирнинг тасаввури ва романтикаси, орзуси ва кела-жакка парвози билан уйгуналашиб кетади.

Алишер Навоийнинг илм-фан, санъат ва адабиёт ахларига ҳомийлиги, қўпгина олим, шоир ва санъаткорларнинг камол топиши ва самарали ижод килишида унинг маънавий раҳнамолиги ва моддий мададкорлиги ҳакида тарих жуда муҳим маълумотларни саклаб қолган.

Алишер Навоий ҳалқ санъати, ҳалқ ижодиётини ардоклади, ҳалқ санъати ҳазинаси ва ҳалкнинг ижодкорлик тажрибасидан ўрганиш ва фойдаланишни тарғиб этади. Алишер Навоий асарларида ҳалқ санъатига доир факт, маълумот ва мулоҳазаларни амалий санъат, ҳалқ томошаси, фольклор – ҳалқ поэтик ижодиёти каби туркумларга ажратиш мумкин.

Навоий асарларида, хусусан, «Мажолис ун-на-фоис»да амалий санъат соҳаларининг намояндалари зикр этилади, уларнинг санъати таъриф ва тавсиф килинади. Навоий бадиий ижодиётида ҳам амалий санъат турларига, наккошлиқ, ўймакорлик, зардузлик, каштачилик ва бошқаларга катта эътибор беради,

санъатнинг кўрки ва нафосатини таърифлайди. Унинг қаҳрамонлари, масалан, Фарход, Шопур ва бошқалар ажойиб санъаткор, ижодкор сифатида гавдаланадилар. Халқ санъати Навоий лирикасига ҳам мавзу берди, унга мазмун, кўрк ва латофат багишлади. Мисол тарзида бир ғазални келтирамиз:

Ёглигин, эй ким, тикарсен игна мужгонимни кил,
Накш этарда тори онинг риштai жонимни кил.

Истасанг торин қизил ёхуд қаро килемокка ранг,
Кўз каросин ҳал килиб, кўздин оқар қонимни кил.

Гар десант ҳар ён қизил гуллар қилай нусхат анга,
Кўксим очиб, тоза конлиғ доги хижронимни кил.

Гунчалар гул ёнида тикмак тахайюл айласанг,
Анга нусхат кўнгут отлиғ зори ҳайронимни кил.

Гар десанг ҳар ён пари шакли намудор айлайин,
Вах, ие наян вйтай вале манзур жонимни кил.

Килсанг ул ёглиг аро бир шеъре ҳам ёзмок ҳавас,
Анда ҳар ён накш бу назми париционимни кил.

Эй Навоий, кимки бир ёгликни тикса ёр учун,
Музли жоним жавхарину накди имонимни кил.

Бу ғазалда лирика санъат ва этнография билан узвий уйгунлашиб, бирлашиб кетган. Ошик ёрига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатини хижрон азоби ҳамда висол иштиёқини ифодалашда ёрнинг ёглиг – рўмолча тикиш санъатидан фойдаланган. Айни чогда лирика – шеърият қаштачилик санъатини тасвирлашга ҳам хизмат килган; рўмолча, унинг ипни кора ва қизил рангда, рўмолчага

муаммо, гунча нусхаси ишланади, пари сурати солинади, шеър битилади. Палак, сўзана, дорпеч ва бошқалар тикиш ўзбек халқ санъатининг энг кадимги, бой ва нафистури. Хотин-кизларнинг меҳнати, диди ва ижоди билан оддий мато ва ип мўъжизали санъат асарига айланади, кишини мафтун этиб сехрлайди. Кора, кизил ва сарик ранг каштачиликда кадимдан ишлатиб келинаётган асосий ранглардир. Гул солиш, шеър битиш ҳам кадимий анъана. Шундай килиб, Навоийнинг мазкур ғазали ошикнинг лирик кайфиятини ифодалаши билан бирга сўз оркали халқ санъатининг ажойиб бир сахифасини чизади, ғазал факат шеърият асари эмас, балки шу сўзнинг кенг маъносида санъат асари тусини олади. Алишер Навоий халқ санъатининг бошка тур ва соҳаларига ҳам шундай самимий меҳр-муҳаббат билан ёндашади, уларни ардоклайди.

Энди «халқ томошаси» санъатига ўтайлик.

Маълумки, Якин ва Ўрта Шарқ халқларининг кўпчилиги ўтмишдаги профессионал драматургия ва театрга эга бўлмаган. Бунинг ўз аник сабаблари бор. Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида хукмрон бўлган ислом мафкураси асрлар давомида профессионал театр ва драматургиянинг вужудга келишига имкон бермади. Ислом жонлилар шаклини ишлаш, уларнинг қиёфасига кириш ва таклид килиш санъатини маъжусийлик ва бутпарастлик деб тақиқлаган. Буни араб халифалари истилосигача бўлган Ўрта Осиё санъати билан истилодан кейинги санъатни киёс этиш ҳам равшан кўрсатади. Араб халифалари истилосига кадар Ўрта Осиёда ҳайкалтарошлиқ ва тасвирий санъат турлари кенг таркалган ва ривожланган эди. Имаратлар турли ҳайкал, барельеф, жонли мавжудотларнинг тасвири билан безатилар, зийнатланар, меъморчилик санъатининг бошка турлари

билан уйгуналашиб, нодир санъат асарларини вужудга келтирар эди. Бунга, жумладан, Айритом ва Болаликтепа (Сурхон водийсида), Тупроккалья (Хоразмда) Варахша (Бухоро якинида), Афросиёб (Самарканда), Муғ тоги ва Панжикент (Тожикистанда) каби кадимги шахар ва калъалардан топилган ёдгорликлар ёркин мисол бўла олади. Араб халифалари истилосидан кейин бинно бўлган иморатлар ва уларнинг безак санъати аввалгилардан катта фарқ килади. Исломиятдан кейин иморатлар ҳайкаллар ва жонли мавжудотларнинг тасвири билан эмас, балки турли геометрик шакллар билан зийнатланади, ўймакорлик ва наккошлик санъатлари етакчи бўлади.

В.Белинский: «Драматик поэзия поэзия тараккиётининг олий боскичи ва санъатнинг гултожидир, трагедия эса драматик поэзиянинг олий боскичи ва гултожидир», – деган эди. Якин ва Ўрта Шарқ халқларида профессионал театр ва драматургиянинг вужудга келмагани бош сабабини аникладик, энди В. Белинскийнинг юкоридаги сўзларини ўзбек адабиёти ва санъати тарихига ижодий татбик этиб, тўғри хulosага келиш имкониятимиз бор. Ўзбек халқи ўтмешдаги драматик поэзияни яратмаган бўлса-да, у шундай обидалар яратдики, бу обидалар – «Хамса», «Хазойин ул-маоний», «Бобурнома» ва бошкалар поэзия тараккиётининг олий боскичи ва гултожидир. Зотан, В.Белинскийнинг ўзи ҳам «...бирок, бундан ҳамма халкларда санъат тараккиёти бир хилда изчиллик билан бориши керак деган хулоса чикариб бўлмайди», деб таъкидлаган эди. Шу билан бирга, халқ театри ва драматургиясининг маълум даражада шу санъат турларига бўлган эҳтиёжни коплагани ва профессионал театр ҳамда драматургиянинг вужудга келишинга замин тайёрлаганини эътибордан четда колдириб бўлмайди. Ўзбек профессионал театри ва драматургияси шу

заминда, рус театри ва драматургиясининг самарали таъсири билан XX асрнинг аввалларида вужудга кела бошлади.

Ўрта Осиё «Халқ томошаси» санъатининг илдизи жуда қадим замонларга, Ўрта Осиёда яшаган қабила ва златларнинг турли маросимлари, диний эътиқоди ёки расм-руслари билан боғлик турли ўйин-томушаларига бориб тақалади. Ёзма манбалар, археологик қазилмалар бу ҳақда жуда кимматли маълумот беради. «Халқ томошаси» санъати халқ тарихи, унинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, дунёкараши, завки ва диди билан боғлик ҳолда ўсди, ривожланди. Унинг ўсиши ва ривожланиши бир текисда бормади, албатта. «Халқ томошаси» ўзининг халқчиллик негизини саклаб колди, у халқ ҳаёти, унинг руҳи ва орзу-армонларини ифодалади, оғир кунларда унга таскин ва далда берди, завқ-шавқ бағишлиди, куч-кувват ато килди. «Халқ томошаси» санъатининг янги-янги тур ва соҳалари, асарлари пайдо бўлди.

Кейинги йилларда ўзбек «халқ томошаси», хусусан, халқ театрини ўрганиш соҳасида бир қатор тадқикот ишлари олиб борилди, макола, рисола ва китоблар оммалаштирилди. А.Л.Троицкая, М.Қодиров, Т.Обидов, Л.П.Перепелицина, М.Раҳмонов ва бошка санъатшуносларнинг асарлари шулар жумласидандир. Бирок ўзбек «халқ томошаси»нинг қадимги тарихи ҳамон оз ўрганилган ва тадқик этилмаган соҳа бўлиб көлмокда. Бу, жумладан, Навоий даврига – XV асрга ҳам тааллуклидир. Гарчи бу соҳага – «халқ томошаси» соҳасига бағишланган маҳсус манбалар бўлмаса-да, тарих, мемуар, бадний адабиёт, илм масалаларига бағишланган асарлар «халқ томошаси» санъатини ўрганишда катта ва кимматли объектдир. Бирок, бу объектдан етарли фойдаланилмаётир.

Алишер Навоий «халқ томошаси» санъатини маҳсус текшириб, унга алоҳида асар бағишлаган эмас. Лекин у халқ ҳаётининг барча соҳаларини кенг ва мукаммал билгани каби, «халқ томошаси»ни ҳам кенг ва мукаммал билар эди. Навоий «Ҳазойин ул-маоний», «Ҳамса» ва «Лисон ут-тайр» каби бадиий асарларида бирон лавҳа ёки образ яратишида, ҳодиса ва воқеани тасвирлашда «халқ томошаси» санъатидан, халқ санъаткорлари, уларнинг ўйини, бу ўйиннинг «сир-асорори» ҳамда бошқалардан фойдаланади. Шоир фалақдан, мухитдан ва инсофсиз, адолатсиз кишилардан шикоят килар экан, кўпинча фалак ва мухитни афсунгарнинг ўйинига, қўғирчокбознинг томошасига ўхшатади, кишиларни афсунгар, мушъабад – найрангбоз деб шикоят килали. Бинобарин, бундай ўринларда Навоий «халқ томошаси» ва унинг ижроҷиларига салбий муносабатда бўлмайди, балки «халқ томошаси»дан аник вокслик ва кишиларни танқид килишда фойдаланади. Навоий санъатнинг бошка турларига катта меҳр-муҳаббат билан ёндашгани каби, «халқ томошаси» ва унинг ижодкорларига ҳам меҳр-муҳаббат билан ёндашади. Бирок у санъатга енгил-елпи муносабатда бўлган, унга шахсий манфаат нуқтаи назаридан караган корчалон ва тамаъгир «санъаткор»ларни шафкатсиз танқид киласди. Бунга «Махбуб ул-кулуб»даги «Мутриб ва муғанийлар зикрида» айтилган йигирма иккинчи фасл ёркин далил бўла олади. Мана, Навоийнинг мусика ва ашула санъатига, кишиларни ўз санъати билан мафтун килувчи, завқ-шавқ бағишловчи мутриб ва муғанийларга муносабати:

«Мутриби тарабафзо ва муғанийи ғамзудо – иккаласига холу дард ахли жон килурлар фидо.

Улки кўргузгай мулойим таронав-у нағам, агар эшиттувчининг хаёти нақди анга фидо бўлса не ғам.

Күнгүл куввати хушнавоздин, рух кути хушовоздин. Хушхон муганийдин дард ахлининг ўти тездур, агар малохати бўлса ҳол ахлига рустохездур. Ҳар муганийки, дардмандонарок нағма чекар, аниг захмаси захмлик юракка коргарроқ тегар. Оташин юзлук муганийки, ҳалқдан мулоим суруд чикоргай, ҳол ахлининг куйган бағридин дуд чикоргай. Мулоим мутрибки табъ ва фахм анга ёр бўлғай, одамий кўнгли тошдин бўлса анга зор бўлғай. Ҳусусан, ҳам айткой ва ҳам чолғой, кўнгул мулкига не кўзголонларни солғай...».

Навоий бу ерда мусика ва ашула санъатини, унинг ижрочи ва ижодкорларини таъриф ва тавсиф этиб колмасдан, балки санъатнинг эстетик ва ижтимоитарбия кимматини ҳам алоҳида таъкидламоқда. Ҳудди шу фаслнинг давомида санъатни ҳам, ўзини ҳам хорзор килган тамаътириб мутриб ва муганийлар ҳакида айтади:

«Аммо бу тоифанинг сойири ҳам ва агарчи тараёни, меҳнатзудодурлар ва лекин филҳакиқат лаим сийрат ва гадодурлар. Айтқувчи ва чолғувчи зорлиғ ва тиланмак била олғувчи, то буюргувчидаги сила ва инъом бор, алар мулозимдурлар ва хизматкор. То сухбатда неъмат кўп, аларға барча амр ва нахйинг жўб. Чун базмда танаъум оз бўлди, алар иши истигноу ноз бўлди. Неъмат деган нимаини тамом йўк бўлди. алэрнинг кўнгли сендек тўқ бўлди. Агар йиллар баҳра олибдурлар эҳсонингдин, ошнолиг бермай ўтарлар ёнингдин. Оз олсалар носипос, кўп олсалар хақшунос. Аксари фосик ва бадхўй ва колгони кажтабъу дуруштгўй. Ҳаракатлари хориж тузуксиз созларидек ва калимотлари хашиб маҳалсиз нозларидек. Вафо алар табыидин маслуб. Вафо ахли алар оллида мардуд ва манкуб. Муганийи вафосиз, кунгур хаёсиз. Агар йиллар риоят қилибсен ва ҳамхонадур, бир катлаки нима бермадинг бегонадур...»

Бу сүзлар факат мутриб ва муганийгагина эмас, балки ўз касби ва санъатига факат шахсий манфаат воситаси деб караган барча касб-кор ва санъат ахлларига, шу жумладан, «халқ томошаси» санъаткорлари – масхарабоз, мукаллид, найрангбоз, күғирчокбоз ва бошқаларга ҳам тааллуклидири.

Навоий бадинй асарларида «халқ томошаси»га образ ёки лавха яратишида мурожаат этиб, ундан бир восита сифатида фойдаланса, бошқа турдаги асарларида «халқ томошаси», унинг күринишлари, мазмунни ва шакли, ижодкор ва ижрочилари ҳакида маълумот беради, фикр юритади. Бу жиҳатдан, айникса, «Мажолис ун-нафонс» тазкираси алохида ўрин тутади.

Навоий маълумотлари масхарабоз, мукаллид, найрангбоз, күғирчокбоз каби «халқ томошаси» на-мояндлари түй ва сайилларни кизитгани, маҳсус майдонларда ўз санъатини намойиш қилганини күрсатади. Афтидан, каттароқ маъракаларда «халқ томошаси»нинг бир неча тури намойиш қилинган, санъаткорлар ўзига хос услубда куч синашишган.

«Халқ томошаси»нинг бир турини «халқ цирки» деб аташимиз мумкин. «Халқ цирки»нинг ўйинлар тури хилма-хил бўлган: дорбозлик, ўргатилган ҳайвонлар ва илонлар ўйини, найрангбозлик, кўз боғлаш ва бошқалар.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ининг 4-мақолатида «хирқалўш шайхларини» фош қилас экан, уларни найрангбоз ўргатган эчки билан киёс килиб, шу эчкидан ҳам баттаррок деб хисоблайди:

Турфа соколни осибон кулгудек,
Эгри йигоч узра чикиб ўчкулдек,
Ўчкуча ҳам йўқ шишида тўгрилик,
Ул тутуб ўтри, бу килиб ўгрилик.
Ўчку тилаб хайлига баргу наво,
Гар гала минг бўлса, бўлуб пешво.

Бу мисраларда ўхшатиш ва қаршилантириш, эътироф ва инкор бор: шайхнинг соқоли эчки соқолидек, бу осилган соқол кулги кўзғатади, шайхнинг хатти-харакати эчкининг харакатига ўхшайди, ўйиндаги эчки ёғоч устига чикиб, тўрт оёғини мих қиласа ёки иккисини муаллак қўтариб турса, шайх ҳам эгри ёғочга чикишда эчкидан колишмайди. Бироқ шайх эчкidan ҳам ёмон, баттарин. Чунки ўйиндаги эчки «ўғри»ни тутиб беради (ўргатилган эчки яширилган нарсани олган одамни тутиб беради), шайх эса, ўғрини тутиб бериш у ёқда турсин, балки ўзи ўғрилик килади...

Бу ерда Навоий эчки ўйинини кораламайди, балки хийлакор, товламачи шайхни фош этади, унинг қиёфасини тасвирлаш ва маънавиятини очишда эчки ўйинидан фойдаланади. Маълумотлар Навоий даври найрангбозлар томошасида ўргатилган ҳайвонлар салмоқли ўрин туттанини кўрсатади. Бу жиҳатдан, айниқса, Зайниддин Восифийнинг «Бадоэъ ул-вақоэъ»даги найрангбоз Бобо Жамол ҳакидаги хикояти мароклидир. Восифий ўз хикоясини шундай бошлайди (таржима): «Бошіқа азиз шахс шундай накл килдики, Султон Ҳусайн Мирзо замонида Бобо Жамол эчкибоз лакабли киши Ироқдан Хуресонга келди, унинг усули тугал ва кобилияти таърифдан ташкари эди ва ширин ҳаракатлари ҳамда рангин хикоёти билан хос ва авомнинг кўнгил саҳифасига ўз муҳаббати нақшини солган эди...» Восифий Бобо Жамол ҳакида «Бадоэъ ул-вақоэъ»да икки ўринда сўзлайди. Биринчисида Бобо Жамолнинг ўргатилган машҳур түяси ва шатранжга мохир маймуни ҳакида накл этади. Унинг түяси таърифида бундай дейди: «Унинг бағоят жуссаси катта ва зўр гавдали түяси бор эди... бу түяни сепоя устига чикиб туришга ўргатган эди ва кўп ҳалк унинг маъракаси атрофига йигилар ва таажжубланар

здила... Бобо Жамол ўргатган маймун ундан ҳам ажойиб ва гаройиб бўлган эмиш, у шатранж-шахмат ўйинига жуда уста булиб, машхур шатранжчиларни ҳам мот қилган эмиш.

«Ва унинг, – деб сўзини давом эттиради Восифий – бир маймуни бор эди, бағоят макбул ва матбуъ, шатранжни шу даражада яхши ўйнардикি, Дўстий, Барноча ва Жаъфар Али каби бу санъат устодларини хайрат водийсига элтар зди. Бир куни амири кабир Алишер Навоий кичик ва катта шатранжга мислсиз, юзма-юз ўйнаётганда ҳам, сиртдан ўйнаётганда ҳам ютказмайдиган Мавлоно Соҳибдорога маймун билан шатранж ўйнашни буюрди ва маймун номи зикр этилган Мавлонони икки марта мот қилди. Ва яна қизикроғи шундаки, Мавлоно Соҳиб ҳар ўйнаганида маймун Бобо Жамол томонига карап ва кўзини кисар, яъни кўр, ҳариф кандай ёмон ўйин қилди, дер зди. Учинчи марта ўйнаётганларида Мавлоно Соҳиб ҳазил юзасидан отни филдек ўйнади. Маймун унинг юзига чунон шапалок солдики, панжасининг изи бир ой юзидан кетмади ва ёқасини ҳам йиртди...».

Бу, афтидан, хийла муболага ва бўрттириш билан йўғрилган накл. Гарчи шатранж доналари, уларнинг юринин ўргатиш мумкин бўлса-да, маймунни бу даражада моҳир ўйинчи килиш гайриимкондир. Лекин ҳакикат шундаки, Бобо Жамол жуда уста найрангбоз бўлган. Бу Восифийнинг Бобо Жамол ҳакидаги «Бадоеъ ул-вакоёсъ»да келтирилган кейинги нақлида янада тўларок намоён бўлади.

Бобо Жамол ўргатган түя маҳсус оҳангда ўйнар ва ҳазин овоз билан гўё кўй кўйлар экан. Бобо Жамолнинг кўк эчкиси бўларди, жудаям катта ва соколи шундаям

узунки, ерга теккудек. Маърака тўплар эди, кариб минг киши йигиларди. Бобо Жамол эчкини бўйнидан судраб маъракадан ташкарига олиб чикарэди. Маъракадагилардан бирни узугини бирорвга бериб яширас эди. Ҳеч ким бу узукни ким яширганини билмас эди. Шундан кейин Бобо Жамол у эчкини маъракага олиб кирап ва йўлга ундар эди ва эчки айланарди ва битталаб кишиларни искар, ногоҳ бир кишини оёғи билан туртиб колар, у одамни тинтув килар ва узукни топиб олар эдилар. Агар бу ишни юз марта килсалар ҳам, хато қилмас эди. Бобо Жамол унга айтар эди: эй эчки, Муҳаммад ишқи билан Муҳаммад номли кишини топ, айлангин. Эчки маъракани айланарди ва Муҳаммад номли кишини топиб, олд оёклари билан уриб кўрсатар эди ва Али номли кишини ҳам топар эди.

Бу Бобо Жамолнинг бир эшаги бўларди, Чамандар деб от қўйганди ва унга атаб бир куй ҳам яратган эди, унинг гавда бўлакларидан ҳар бирини бир нарсага ўхшаттан эдики, фазл ахли фасоҳату балофат арбоби унга тахсин килар эди ва уни мусажжъа ва мусаннаъ килиб тўзиб, чоргоҳ оҳангода гижжак билан ўринлар эди. Ва у Чамандар шундай усуслар қилар эдики, оқиллар акли ҳайратда колар эди ва айтар эди: Эй Чамандар, бир ёмон, хунук, кари хотин сенга ошику ошуфта бўлипти, сув ўрнига гулоб ва арпа ўрнига писта ва қандак бодомнинг магзини беради ва шундай тўкилган либосу... сенинг учун тўким ясади ва ҳеч качон сенга юк юкламайди ва шундай орзузи борки, сенга миниб олса ва ҳаммомга борса. Бу сўзни эшишиб уни қалтироқ босади ва нафаси кесилади. Бобо Жамол унинг бошига ўтириб олиб нола чекади, халқдан ҳам фигон чиқади. Кейин айтади: «Эй Чамандар, бир зебо, раъно, кад-коматли, коши камалак, лаблари қанддак, писта даҳон, мўрчамиён, роҳатижон

сени йўқлаяпти, Бахтар тогидан сенга тош юклаб келтирмокчи ва сенга оғирдан ҳам оғир жафоларни солмокчи. Қалай, қабул қиласанми?...» (Ҳикоянинг давоми маълум: эшак мамнуният билан таклифни қабул килади. Кулги тұғдирадиган холат ҳам шунда).

Восифий Бобо Жамолнинг гаройиб бир қүшини ҳам таърифлайди. Күш осмонга иргитилган пулни ерга тушмасиданоқ илиб олар, турли рангларга бүялган коғозларни фарқ этиб, сұраганини ажратиб берар экан. Восифийнинг ҳикояси, таъриф ва тавсифи билан Бобо Жамол, бир томондан, даврининг жуда моҳир найрангбози – ҳайвонларни күлга үргатувчи ва иккинчи томондан, уста масхарабоз, бадиҳагүй сифатида гавдаланади.

Шубхасиз, «халқ томошаси» санъатининг Бобо Жамолга ўхшаш ижодкор ва ижрочилари қўп бўлиб, уларнинг репертуари ҳам бой ва хилма-хил бўлган. Үргатилган ҳайвонлар ўйини, акробатика, фокус, гипноз ва бошқалар намойиш қилинган. Алишер Навоий кўпинча бирор муносабат билан «шузъбадагар», «шузъбабоз», «мушъабад» сўзларини тилга олади (бу сўзларни Навоий бир маънода кўллайди, баъзан бириннинг ўрнида иккинчисини кўллайди), уларнинг ўйинини, «макрхийла»сини баён этади. Мисолларга мурожаат этайлик:

Бир лўлийи бозигар эрур чамбар ичинда,
Холингки, ўшул халқаи гесу бирла ўйнар.

Бу байтда шоир ёрининг холи ва гесу – кокилини таърифламокчи. У холни лўлига, айланма кокилни чамбарга ўхшатар экан, хол, гесу таърифи билан бирга чамбаракда ўйин кўрсатувчи лўли томошаси ҳакида марокли бир лавҳа ҳам яратган.

Сочинг афъиларидин йўқ кўзунга ҳеч газанд,
Сехр ила то бу йиллокларга не афсун килди.

Шоир ёрнинг кўзи ва соч ўрамини таърифламокда ва ўзига хос тазод санъатини кўлламокда. Соч ўрами илон. Илон кўзга зарар етказмоғи мумкин. Лекин ёрнинг шахло кўзлари сеҳргар, улар илонларни афсун килиб кўйган.

Фусунгар айтибон ёлғону чиндин,
Ческар афъини афсун бирла индин.

(«Фарход ва Ширин»)

Бу байт Хисравнинг «Фарходнинг қаттиқ тошидин пажмурда ва қаттиқ сўзидин озурда келиб...» бирор ҳийлаю тадбир билан «Армания»ни эгаллаш ниятига тушганини кўрсатиш учун айтилади. Фусунгар афсун билан илонни инидан чиқаргани каби, Хисрав ва унинг тудаси ҳийлаю тадбир ишлатиб «Армания»ни эгаллаб олмокчи бўладилар.

Навоий илон авровчилар билан бирга турли «муъжизали» ўйинлар кўрсатувчи фокусчи ва гипнозчилар ҳакида ҳам сўзлайди, уларнинг ўйинидан хилма-хил образ, лавҳа яратиш ва ҳолатни тасвирлашда фойдаланади.

Навоий бўлди лўливаш ки келмиш анга лўлихаш,
Кани бир жоми лўликашки лўли тутса бир согар.

Тамаъ килма фалакдин комким, ханжар қилур ошом,
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўлийи бозигар.

Иккинчи байтда «лўлийи бозигар»нинг ой шаклидаги ханжарни «ошом» килиши тасвирланган. «Пичок», «ханжар» ютиш найрангбозларнинг репертуарида ҳамон давом этиб келади. Куйидаги байтда ҳам Навоий найрангбозлар ўйинидан (ўтсиз ўтчиқариш) фойдаланиб, мухитидан шикоят килади, «Жаҳони букаламун», «Чархи шуъбадабоз» дейди:

Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз,
Магарки тосиға ўт ёкти чархи шуъбадабоз.

Найрангбоз, одатда, бор нарсани «йўқ», йўқ нарсани «бор» кила олади. Буни халқда кўзбоғлогич дейдилар. Мана шундай кўзбоғлогич Навоий яшаган даврда «халқ томошаси»да кенг ўрин тутган. Шоир «Ҳайрат ул-аброр»нинг 9-мақолатида сохта ошикларни танқид килар экан, уларни найрангбозга ўхшатиб, сирти «шуъбадагар»нинг шишасидек тиши соф, лекин ичи юз макру хийла ва алдов яширингган ўша шишанинг зимнига ўхшайди дейди:

Шуъбадагар шишасидек тоши соф,
Зимнида юз макр ила зарки газоф.

М.Қодиров таъкидлаганидек, «XV асрда шуъбадагарлар ихтиёрида йўқ нарсаларни бор, бор нарсаларни йўқ килувчи асбоб—шишакутичабўлган. Найрангбозлар унинг ёрдамида юз хийла, юз хил найранг намойиш килганлар».

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг 15-мақолатини «Афлок ҳайъати шикоятидаким, ҳар бириси дурже кўрунур ва ҳар кавкаби гавҳари пок, аммо хукказдуур заҳрнок, балки заҳри ҳалок. Ва жаҳон лульбати киноятидаким, чобуке кўрунур матбуъ ва мавзун. Аммо золедуур иши макру фусун. Ва фусуни ҳаддин фузун. Ва ул ҳулқка лаолиси мазарратидин калам тили лол ва бу золнинг жамъи завол дурур» деб номлаган. Маколатнинг номини тўла келтиришдан максад шундаки, сарлавханинг ўзида ҳам Навоий «афлок ҳайъатидан» шикоят килишда афсунгар, найрангбоз ва «лўъбат» (кугирчок) дан фойдаланган. Маколатнинг дастлабки мисралари ҳам шу рухда бўлиб, муаллиф «чарх»ни «шуъбадасанж»га,

унинг барча килмишларини найрангбознинг макр-хийласи, найрангига үхшатади. Мазмунан:

Эй кўнгил, чарх найрангбоздир, унинг алдови билан ранж-машакқатга гирифтор бўлма; унинг найранги вахимаю гумондан зиёдрок, сехри найрангчидан ҳам ортикроқдир; чарх макру найнанга шундай мохирки, у кўк тўн (хирка) кийиб олган тосбозга үхшайди; тўнидаги баҳя юлдузлар, ямоғи – Сомон йўли юлдузи нишонасидир; куёш машъали билан ўйнагандек, ўтни тос ва тўнида яширади; тўн орасидан ўтни ўтказиб, уни ёқасидан чикариб кўрсатади, гўё тонгни намойиш килади, у тонгнинг оғзини кулгига очмайди («Куёш кулиб чикади» иборасига қарама-карши тарзда), балки ҳийла билан оғзидан ўтлар сочади; у ўт учкунлари тўнининг ҳар томонига сочилади...

Найнангбоз ва унинг ўинни «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам тасвирланади. Ҳокон Фарҳоднинг ғам-гинлигини тарқатиш, кўнглини очиш учун тўрт каср куради, тўрт боф барпо этади ҳамда «Хито мулкида ҳар навъ гаройиб» бўлса уни намойиш этади. Шундай гаройиботлардан бири мушаъбидлар ва уларнинг мўъжизали томошасидир:

Мушаъбидлар сипехри бевафо сон,
Ўғурлаб муҳра кўк тосидан осон.

Чу вайлаб лаъб ҳар найранг сози,
Фалак ҳар лахза еб юз катла бози.

Килиб тунни ёруг, кунни коронгу,
Судин ўт ёндуруб, ўтдин сепиб сув.

Кўкартиб шуълалик ўтдин сипандон,
Осиб ўргамчи тори бирла сандон.

Булардин дөги пур макру фусунрок,
Хисоби ҳадду ғоятдин фузунрок.

Фалакни ҳам тонг колдирган бу найрангбозлар «түнни ёрг», «кунни коронги» киладилар, «сувдан ўт», «ўтдан сув» хосил этадилар, «ўтда исирик кўкартирадилар», «ўргимчак торига сандон осадилар» ва бошка мўъжизаларни намойиш киладилар. Бу тасвир Навоий яшаган даврда кўз боғлагич – фокус ва гипноз санъатининг хийла ривожланганини кўрсатади.

Манбалар, шунингдек, кўғирчок театри санъатининг ҳам кенг таркалгани ва камол топганидан шаходат беради. Кўғирчок театри ҳалқ санъатининг энг қадимги ва оммабоп турларидан биридир. Аристотель, Геродот, Ксенофонт ва Апuleй каби қадимги юнон муаллифларининг асарларидаёқ санъатининг бу тури зикр этилган. Кўғирчок театри Якин ва Ўрта Шарқ ҳалқларида, жумладан, ўзбек ҳалқида ҳам узок тарихга эга.

Кўғирчок театри ҳалкнинг тарихий тараккиёти билан узвий багланган санъат тарихининг ажралмас сахифаларини ташкил этади. Ҳар бир ҳалкнинг кўғирчок ўйини ўзига хос мавзу, репертуар, персонажлар галереяси, костюм ва бошкаларга эга бўлиб, миллий колорит ва анъаналари билан гавдаланади. Лекин шу билан бирга, кўғирчок театри санъатининг муштарак жиҳатлари ҳам бер. Бу муштараклик, жумладан, кўғирчок театрининг турида ҳам намоён бўлади. Кўпчилик ҳалкларда кўғирчок театрининг уч тури бор: кўл кўғирчок, ип кўғирчок ва соя кўғирчок театри. «Кўл кўғирчок» театри – кўғирчокбоз кўғирчокларни бармоқларига кийгазиб олиб харакатга келтиради (буни русча «театр верховых кукол» дейишади); «ип кўғирчок» театрида кўғирчоклар ип ёки сим воситаси билан харакатта кел-

тирилади, бир кўғирчокбоз бир вақтнинг ўзида кўпгина кўғирчокларни ўйнатиши мумкин (бу русча «театр подвесных кукол» ёки «театр марионетек» дейилади); «соя кўғирчоқ» театри – кўғирчокларнинг ўзи эмас, балки сояси намойиш қилинади (бу русча «театр теней» дейилади). Маълумотлар Навоий яшаган даврда Мовароуннахр ва Хурросонда кўғирчок театрининг ушбу турлари бўлганидан далолат беради. «Кўл кўғирчоқ» ўзбек кўғирчок театрида «чодиржамол», «ип кўғирчоқ» – «чодирхаёл» ва «соя кўғирчоқ» – «фонусхаёл» дейилади. Афсуски, «чодиржамол» ва «чодирхаёл» кўғирчоқ ўйини турларининг Навоий даврида кандай ном билан аталганини билмаймиз, кўғирчоқ театрининг «фонусхаёл» тури эса худди шу ном билан Навоийнинг «Хайратул-аброр» достонининг тўқизинчи маколатида зикр этилади.

Навоий даврида (ундан олдин ҳам) кўғирчоқ ўйини хакида маҳсус бирон асар яратилганини билмаймиз. Лекин шундай бўлса-да, ҳалқ санъатининг бу тури хакида турли маибаларда бевосита ёки бавосигта ифодалантган маълумот ва мулоҳазалар бор. Шундай манбалардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи сultonий» («Султонликнинг йигитлик номаси») асаридир. Ҳусайн Воиз (вафоти 1505 йил) замонасининг машхур уламо ва фузалоларидан бири бўлган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да айтади: «Мавлоно Ҳусайн Воиз – Кошифий таҳаллус килур. Сабзворликдуур, йигирма йилга якин борким (Ҳири) шаҳридадур. Мавлоно зуфунун ва рангин ва туркор воеъ бўлубтур. Оз фан бўлғайким, даҳли бўлмағай. Ҳусусан, ваъз ва иншо ва нужумки, анинг хакидур ва ҳар кайсида мутайин ва машхур ишлиари бор. Ва мусанинфотидин бири «Жавохир ут-тафсир» дурким, «Ал-бакара» сурасин бир мужаллад битибдур, мунсаф

катьи била юз жувв бўлгай». Навоий Ҳусайн Воиз ҳакида сўзини давом эттириб, Ҳирот шўхларидан бирининг килган ҳазилини баён этади: «Шаҳр шўхларидан бири Ҳўжа Ҳофиз куддиса сиррухунинг бу матлаин битиб, минбарининг устига кўйғондур, будурким;

Воизон к-ин жилва бар меҳробу минбар мекунанд,
Чун ба хилват мераванд кори дигар мекунанд.

Олиб ўкуғоч кўп мутагайириб ва музтариб бўлуб, хийли хорижи мабҳас сўз айтиб, неча вакт ваъз айтмади. Ҳасми номаълум худ ўз максудин ҳосил килди. Аммо мавлоно қилғонининг хато эрканига вокиф бўлғоч, яна ўз иши бошиға борди, бормаса хато бўлур эрди».

Хондамир «Макорим ул-ахлок»да Камолиддин Ҳусайн Воиз ҳакида сўзлаб, унинг Навоийнинг ҳомийлиги ва химматидан баҳраманд бўлгани, «Тафсири форсий» ва «Рисолаи муаммо» каби асарлар яратганини айтади. Ҳусайн Воиз иншо – мактуб қоидаси, услуби масалалари билан шугулланиб, «Махзан ул-иншо» ва «Саҳифаи шохий» асарларини ҳам яратган. Восифий ҳам «Бадоеъ ул-вакоеъ»да Ҳусайн Воиз ҳакида сўзлаб, унинг жуда машхур воиз ва билимдон киши бўлгани, катта обру ва зътиборга эга эканини айтади (зотан, Восифий ваъзда Ҳусайн Воизнинг шогирди бўлган).

Ҳусайн Воизнинг ўғли Фахриддин Али Сафий ӯзининг «Латоиф ут-тавоиф» асарида отаси Ҳусайн Воизнинг «Бадоеъ ул-афкор фи саное ул-ашъор» номли рисола яратганини таъкидлаб, шу рисола ва бошка манбалардан фойдаланиб, шеърият санъати – бадиий усуллар ҳакида фикр юритади ва мисоллар келтиради.

Бу маълумотлар Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўз даврининг забардаст олим ва фозилларидан бири бўл-

ганини күрсатади. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, Ҳусайн Войзнинг ижодий фаолияти, дунёкараши хийла мураккаб ва зиддиятлидир.

«Футувватномаи султоний» Ҳусайн Войзнинг дин ва тасаввуфга доир асаридир. Бу асарнииг VI бобидаги «Дар шархи луъбатбозон» («Қўғирчоқбозлар шарҳида») деб номланган иккинчи фасл «Қўғирчоқ ўйини»га алокадордир. Муаллифнинг асл максади қўғирчоқ ўйини, қўғирчоқбозлар ҳакида маълумот бериш, мулоҳаза юритиш эмас. Унинг асл максади – дин ва тасаввуфни тарғиб килиш, тасаввуфнинг «вужудия» таълимотини баён этишдир. Ҳусайн Войзнинг фикрича, барча мавжудотни Аллоҳ яратади, лекин Аллоҳсиз бу яратилганларнинг хеч қайси бирор бирон моҳиятга эга эмас, Аллоҳ уларга моҳият беради, ҳаракатга келтиради, ишга солади. Шу жихатдан караганда, барча мавжудот, чунончи, инсон ҳам бир шакл, сурат, қўғирчоқдир, Аллоҳ худди қўғирчоқбоз каби уларга жон киритади, ҳаракатга келтиради, сўзлатади. Ҳусайн Войзнинг кузатган мақсадидан катъи назар, «Дар шархи луъбатбозон» фасли XV аср қўғирчоқ ўйинининг тури, хусусиятлари ва бошка жихатлари ҳакида хийла батафсил маълумот беради.

«Футувватномаи султоний»нинг «Дар шархи луъбатбозон» фасли билан танишайлик. Фасл шундай сўзлар билан бошланади (таржимаси): «Эй азиз, билгинки, соғ кўнгилли дарвешлар қўғирчоқбозлик иши ҳакида чукур ўйлаганлар ва бунинг ҳакикатидан кўп нарса уларга маълум бўлган. Шу жумладан, бу рисолага нимаики лойик бўлса, уни баён этаман». Бу мукаддима сўзларнинг ўзиёқ муаллифнинг «Қўғирчоқбоз»лар шархига дарвешлар (накшбандийлар) нуктаи назаридан ёндашмокчи эканини кўрсатади.

Муаллиф, ҳар бир шакл, суратнинг замирида жиддий ҳақиқат мавжуд, бу ҳақиқат илохий ҳақиқатдир. Бинобарин «ориф бояд, ки ба лахв ва сурат боз намонад ва жаҳд кунад, ки то аз он лахв жидде дар ёбад» («ориф ўйин ва сурат билан чегараланиб колмаслиги керак ва ўйиндан бирон жиддий (моҳият) топишга интилиши керак»), дейди. Ҳусайн Воиз бу фикрини кўғирчок ўйинларидан бирининг кисқача мазмунини баён этиш орқали шарҳламокчи бўлади: «Азиз киши айтибdir: бир куни бир томошада бўлдим. Бир кишининг бошига чодир тортиб ўтирганини, чодир остида икки сурат (кўғирчок) ушлаб турганини кўрдим. Гоҳи бир сурат тилидан (кўғирчок) эркак овози билан савол берар... гоҳи кичик қизнинг нозик овози билан жавоб қайтарар эди. Бир ҳолатда шундай сўз сўзлар эдики, бир-биридан фарқ қилувчи икки кишининг овозини ундан эшитмоқ мумкин эди. Саволу жавоб асносида хусумат қилиб, бир-бирини уришди ва яна ярашиб кетишли. Ва бунинг хаммаси бир кишининг сўзи ва ҳаракати эдики, чодир остида ўйнار эди. Мен бунга таажҷубландим. Бир калби соғ киши кўли билан мени туртди ва айтди: сен буни ўйин деб ҳисоблайсанми, йўқ, бу жиддийдир, жиддият соҳиби ўйин қилувчининг никоби билан яширган. Бас, шундан маълум бўладики, кўғирчок ўйини ягона ҳаракатга ишоратдир, бу ягона ҳаракатнинг биринчи даражасидир ва буни ҳаракатнинг тажаллиси – кўриниши ҳам дейдилар... Олам суратлари бу бир неча кўғирчокка монанддир, комил устод ўз хаёли мукоясаси билан уларнинг илларини ичдан ҳаракатга келтиради ва ўз ҳаракатларини тутгаллайди. Рубоний:

Биз кўғирчоклармиз, фалак кўғирчокбоз,
Бу вийни ҳақиқат ва на ким мажоз.

Икки-уч кунга келди-ку, ўйин килдик биз,
Йўклик сандигига яна бир-бир борамиз.

Ва киши яхшилаб ўйлаб кўрса, тилсиз ва қўлсиз, бехаракат ва бекудрат хомуш бу кўтиричоклар кўғирчокбознинг амали билан гўё нотик ва ҳаракатчан бўлиб кўринадилар. Асл ҳақиқатда бундай эмас, сўзлагувчи бошка ва ҳаракат берувчи бошқадир. Мавлавий (Жалолиддин Румий) маснавийси, албатта, шунга ишора килади. Маснавий:

У санъатда Отару ман санамман,
У ниманики ясаса ўша бўламан.
Гар мени согар килса ўша бўламан.
Гар мени хан-кар килса, ханжэр бўламан.
Гар мени чашма килса, сув бераман,
Гар мени олов қилса, ҳарорат бераман.

Бу ўринда сўз кўп ва мисоллари бу муҳтасарга сифмайди...»

Юкорида келтирилган парчада биз, бир томондан, XV аср кўғирчок ўйини санъати ҳақида маълумот оламиз, иккинчи томондан, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг дунёкараши билан танишамиз. Ҳусайн Воиз бир кўғирчокбознинг усталиги, унинг икки кўғирчокни ҳаракатга келтириши ва ҳар бирининг овозига мос овоз билан сўзлашини тасвирлаб, томошанинг кискача сюжетини келтиради. Санъатшунос М.Қодиров таъкидлаганидек, баён этилган сұхбат ва можаро Ўрта Осиё ва Эронда кадим замонлардан бошлаб кенг таркалган Качал Полвон сюжетининг бир варианти бўлиши керак. Ҳусайн Воизнинг бу маълумотлари XV аср кўғирчок театри ҳақида аник тасаввур ҳосил килишга хизмат этади. Бирок, муаллиф бу маълумотлардан

ўз фалсафий карашларини ифодаловчи бир восита сифатида фойдаланмоқчи бўлади. Унингча, бутун борлиқ ваҳдати вужуднинг тажаллисиdir, кўғирчоклар ҳаракати ҳам «Тавхиди афъол» – ягона ҳаракат, яъни илоҳий ҳаракатdir. Бирок, Ҳусайн Воизнинг бу қарashi («тавхиди афъол», «тажалли афъол») инсоннинг ўзлигини инкор этиб, уни «тақдир амри» билан иш кўрувчи бир ожиз ижроҷигина килиб кўяди. Бинобарин, Навоийнинг қарashi билан Ҳусайн Воизнинг пантеизми ўртасида фарқ-тафовутгина эмас, балки кучли зиддият ҳам мавжуд. Бироқ бундан катъи назар, «Футувватномаи сultonий»нинг мазкур фасли XV аср кўғирчоқ ўйини ҳакида батафсилрок маълумот берувчи манба сифатида кимматлиdir. Ҳусайн Воиз «лульбатбоз»ликка хос буюм ва ўйин тури ҳамда жараёни ҳакида айтади: «Агар кўғирчоқбозликнинг хусусияти нима деб сўрасалар, чодир ва пешбанд деб жавоб бер. Ва чодир ўйинини кундузи, пешбанд ўйинини кечаси кўрсатиш мумкин. Ва пешбанд деб сандикка айтадиларки, унинг олдида хаёл ўйини намойиш этилади. Ва кундузи ўйин кўрсатганда кўғирчокларни кўл билан, кечаси эса иплар бўлан ҳаракатга келтирадилар. Агар чодир нимага ишора сўрасалар, ҳаммадан ҳар сафар янги овоз ва ҳар ... ғаройибот ва ажойибот сандигига ўхшаш кишига деб жавоб бер... Агар пешбанд нимага ишора деб сўрасалар, ғаройибот ва ажойибот сандигига ўхшаш киши калбигаким ҳар замон у кишининг бирор сифати ёки ахволини ҳаракатга келтиради деб жавоб бер...» Бу парча XV асрда кўғирчоқ ўйинининг икки тури мавжуд бўлгани, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳакида аник ва равшан маълумот беради.

Алишер Навоий кўғирчоқ ўйини ҳакида маҳсус сўзламайди, унинг тури, хусусияти ва бошка жихатларини

таъриф-тавсиф этмайди. У образ ва лавҳа яратиш, хаёт вөкөликларинни тасвирлаш ҳамда фикр-мулоҳазаларини баён этишда күғирчок үйинига мурожаат қиласди. Лекин шунга карамай, у қүғирчок үйинига доир маълумотларни тўлдиради, бойитади.

«Найрангбоз» ёки «фусунгар»га шикоят кайфиятларини ифодалашда мурожаат килгани каби, күғирчок үйини ва күғирчокбозга ҳам шоир асосан шикоят кайфиятларини ифодалашда мурожаат этади. Күғирчокбоз ҳам найрангбоз ва фусунгар каби кишиларнинг димогини чоғ қилиш, хордигини тарқатиш ва хушчакчақ кайфият бағишлиш учун үйин кўрсатади, хаётий ёхуд романтик-фантастик ҳодисаларни намойиш қиласди, бевосита ёки бавосита ижтимоий мухитнинг иллатларини танқид этади. Навоий фалак ва айёмнинг адолатсизлигидан, золимлар зулми ва макр-хийласидан шикоят килар экан, хаёт үйин, кишилар найрангбоз ва күғирчокбоз эмас-ку, нега фалакнинг айрим ишлари үйинга, кишиларнинг хатти-харакатлари найрангбоз ёки күғирчокбознинг үйин кўрсатиши, «кўз боғлаши»га ўхшайди, деб изтироб чекади, газабланади, фалакни, унинг «найрангбоз»лари ва «күғирчокбоз»ларини лаънатлайди. Демак, Алишер Навоий ҳалқ томошаси турларидан бўлган «Күғирчок үйини»ни кораламайди, уни рад килмайди, балки ҳаётни «күғирчок үйини»га айлантирган «фалак»дан, килмиши макр-хийла, жабр-ситамдан иборат бўлган кишилардан шикоят қиласди.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг «Афлок ҳайъати шикояти-даким...» деб номланган 15-маколатида биз шоирнинг фалакни «шуъбадасанж»га ўхшатиб, унинг найрангларидан шикоят килганини кўрамиз. Шу маколатнинг давомида муаллиф фалакни «қовурчокчи»га ҳам ўхшатиб бундай дейди:

...Балки ковурчокни киби хийлагар,
Күргузубон чодаридин минг сувар,
Миху сутунсиз тикибон чодарин,
Давра этиб чодарининг пайкарин.
Анда бўлиб жилвагари анжуман,
Хар сори юз лульбати симинбадан.
Мунчаки лульбат чикориб симигун,
Қасди бори элга фирибу фусун.

Яъни: фалак «ковурчокчи» – «қўғирчоқбоз» каби хийлагар бўлиб, минг хил сурат кўрсатади; у ўз чодирини михсиз ва устунсиз тикиб олган, уни давра шаклида ясаган; хар тарафдан юзлаб кумушбадан қўғирчоқлар чикиб, жилвагарлар анжуманини тузади; мунча кумуш ранг қўғирчок чикариб ўйнатиш барча эл учун фириб ва найрангдир демокчи шоир.

Бу тасвирида фалак қўғирчоқбозга, осмон – қўғирчоқбознинг чодири, юлдузлар қўғирчоқларга ўхшатилмоқда. Шунга монанд тасвир «Ҳайрат ул-аброр»нинг бошка ўринларида ҳамда бўлак асарларда бор. Шоир «Ҳайрат ул-аброр»нинг XIX бобида – «Иккинчи ҳайрат»да бундай дейди:

Айлар эди чархи мушаъбид шиор,
Хар нафасе ўзга тилсим ошкор.
Кўк бу мушаъбиднинг ўлуб чодари,
Ахтар ўлуб лульбати симинбари.

«Сабъан сайёри»нинг хотима бобларидан «Даҳри муҳолиф норостлиги таронаси тузмак ва бенаво ушокка андин ижтиоб пардаси кўргузмак ва сипеҳр зулмидин бехабарларга таън тоши отмоқ ва гафлат уйкусидин жоҳ мағрурларин насиҳат гўшмоли била уйготмоқ» деб номланганни XXXVI бобида кўк ва сайёраларни «лаъб» (қўғирчоқ) ва «лаъббоз» (қўғирчоқбоз)га ўшатади.

«Фавойид ул-кибар»даги ушбу байт хам «Сабъаи сайёр» мисраларига ҳамоҳангдир:

Ема бозики, луъбатбоз эрур гардун, фирибингға,
Бу луъбатларки, эл күнгли олур онинг ковурчоғи.

Шоир фалак ва коннотни инкор қилмайди, рад этмайди, балки дунёнинг корномаларини билгиси келади, хаёт воеаларини фалакиёт ҳодисаларига кўчиради, «фалак» ишларидан гоҳи таажжубланади, гоҳи ғазабланади. «Фарход ва Ширин»нинг XXXIX бобида «...доги Хисрав Армания Ҳисорни мухосара килғони ва калья дарвозалари боғланиб, хусумат эшиклари очилғонини тасвирлагандан кейин соқийга мурожаатан биттан лирик чекинишида:

Кетур соки, қадаҳ андокки гардун,
Шафақдек бода солиб анда гулгун,
Қурайким бу ҳисори луъбатбоз,
Яна не навъ то лаъб эттай оғоз! –

дер экан, кандайдир мавхум кайфиятларини эмас, балки Хисравнинг зулми ва истибдодига қарши, демакки, хисравлар зулми ва истибдодига қарши норозилигини ифодалайди. Навоий «Қўғирчок ўйини»га мурожаат килар экан, доимо аниқ воеа ва ҳодисаларни, кишиларни ва уларнинг ҳатти-харакатлари, хислатларини кўзда тутади, «қўғирчок ўйини» фош этиш, танқид килишининг бир воситаси сифатида хизмат килади. Масалан, шоир «Ҳайрат ул-аброр»нинг 4-маколотида «Риёни хиркапўшлар...»ни танқид килар экан:

Тийра хаёлот ила ҳол айлабон,
Даврни фонус хаёл айлабон,
Холда асхоб доги пирдек,
Бемазалинда бориси бирдек, –

деб күгирчок ўйинининг «фонусхаёл» туридан хам фойдаланади ва шу ўхшатиш оркали шайхларнинг макр-хийласи ва фиск-фужурини фош килади.

Навоий бъзлан ишкий-интим кайфиятларни ифодалашда хам күгирчоқ ўйинидан фойдаланади, гўзлни кўгиричокка (луббатга) ўхшатади, ўзини кўгиричокбоз дейди. Масалан:

То Навоий бўлди луббат сори вола, вахки, бор,
Барча луббатбозлар хайтомасиға улфати.

Шу билан бирга, бъзлан шоир бевафо ва маккор гўзлни кипшикли алдаб кўювчи кўгиричокёки кўтиричокбозга ўхшатади:

Даллан пур хийла каш шўхест хар сў жилвагар,
Луббатак бозест, инак хаймаи ў чодар аст.

(Хар томондан бир шўх жилва килиб турувчи далла хийлагар, кўгиричокбоз бўлиб, унинг капаси чодирдири).

Демак, шоир турли ҳолат, кайфият ва мудда – ниятни ифодалашда бир объект – бир воситадан мохирилик билан фойдалана олган.

Шундай килиб, Ҳусайн Вониз Кошифий дин ва тасаввуфга доир фикр-карашларини ифодалаш учун кўгиричок ўйинига мурожаат этган бўлса, Алишер Навоий фалак ва мухитдан шикоят килиш учун унга мурожаат килиади. Ҳусайн Вониз «тақдир» ва «амри илохий» хакидаги тълимотини тарғиб этса, Навоий инсоннинг ўзлигини эътироф этиб, уни химоя килади хамда инсонни хўярган, таҳқиқ этган мухитдан нолийди, газабланади. Бундан катъян назар, Ҳусайн Вониз асари хам, Алишер Навоий мероси хам XV аср халқ томошаси турларидан бўлган кўтиричок ўйини хакида кимматли мәълумот беради.

«Халк томошаси» турларидан яна бири масхара-болизидир. Масхарабоз одатан ҳаётнинг, айрим тоифа ёки шахсларнинг салбий жихатларини, кусурларини култили ҳолатларда намойиш килади, унинг сўзи ва хатти-харакатида юмор билан сатира ўйғуллашади. Моҳир масхарабоз ёши, касб-кори ва бошкаларга караб репертуар танлайди, эктиёжига караб экспромт – бадиҳа йили билан репертуарга ўзгариш киритади, бошка вазиятда айтиш қийин бўлган фикр-мулоҳазани куллига сингдирив юборади. Масхарабознинг томошаси хордик чикириш, дам олиш ва хушчакчак кайфият бағишилашга хизмат килиши билан бирга, кишиларнинг калби ва шуурига хам тъясир этади, уларга билим беради, диди ва дунёкарашини такомиллаштиради. Халк тўйи, сайли ва бошка тантаналари масхарабозларсиз ўтмайди, халк уларни севади, эъзозлайди. Масхарабозлар кўпинча бир тўда бўлиб уюшадилар, тўдада найрангбоз ва фусунгарлар катнашади, тўданинг бошлиғи, ўз қоидадагларни бўлади. Тўдадаги ҳар бир кишининг ўз муайян хунари, репертуари ва вазифаси бўлади. Масхарабозлар репертуаридан мусика, ўйин ва ашула хам ўрин олган. Ўтмиш мухитида профессионал масхарабозларнинг турмуши ниҳоятда оғир бўлган, улар шаҳарма-шаҳар, кишлокма-кишлоп кезиб юрганлар, муҳтоҷжлик ва йўқсиллик машаккатларини кечиб, тиланчлик килганлар. Дин-шариат пешволари уларни тъкиб килиб, динсизлик ва маъжусийликда айлаганлар. Лекин, шу билан бирга, енгил-елпи куляг кетидан қувиб, ўз виждони ва инсоний ғурурини оёқости килган масхарабозлар хам бўлган, ундей масхарабозлар бъзлан хукмдорлар ва аъёнлар даврасидан ўрин хам олар эди. Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Восифий, Сафий, Бобур ва бошқа муаллифларнинг

асарлари XV аср масхарабозлик санъати, масхара ва мукаллидлар, ҳазил-мутойиба, бадиҳа ва бошқалар ҳакида маълумот беради, бизни XV аср масхарабоз ва мукаллидлари, уларнинг репертуари, ҳазил-мутойибанинг моҳияти, тури билан танишиди. «Навоий замонида, – деб таъкидлайди устоз С.Айний, – ижтимоий аҳамияти бўлмаган беадабона шахсий ҳажв ва латифалар кўп бўлгани каби, ижтимоий фойдали ширин ҳажв ва кўнгилочар тотли латифалар ҳам забардаст шоир ва олимларга оддий бир иш бўлиб қолган эди.

Беадабона шахсий ҳажв ва латифаларнинг на-
мояндаси Абулвосеъ муншийдир. Навоий «Мажолис
ун-нафоис»да унинг талантини тақдирласа-да, танкид
килади. Лекин унинг бу ишини тарбиячиси – вазир
Хожа Маждиддин тарбиясининг таъсири деб билади.

Дарҳақиқат, вазир Хожа Маждиддин ўз муншийи
Абулвосеъ талантини яхши йўлга солиш ўрнига уни
бемазаликка ташвиқ килар ва кишилар ҳакида айтган
хар бир одобсиз ҳажви учун катта инъом ҳам берар
эди. Ҳатто Абулвосеъ Маждиддиннинг ўзини ҳажв
килиб беш юз байт битган ва ҳар сафар Маждиддин ўзи
ҳақидаги ҳажв учун ҳам унга мукофот берган.

Аммо Алишер Навоий санъати одобга мувофик
бўлган ва ижтимоий аҳамиятга эга сатирачилар ва
юморнависларни тақдирлар ва эҳтиром килар ҳамда
уларга катта инъомлар берар эди».

Навоий бегараз ҳазил-мутойиба ва ўринли кулгини
хуш кўрган, ёқтирган. Унинг ўзи ҳам ҳазил-му-
тойибаларда иштирок этган (бу ҳакда мазкур асарнинг
охирги бобида маҳсус сўз боради). Лекин у енгил-елли
маънисиз ва мантиксиз кулгини, томошабинлардан
кандай бўлмасин факат пул олишини ўйлаган масхараба-
зозларни каттиқ коралаган. «Ҳайрат ул-абброр»нинг

одоб-тавозу масалаларига бағишенгандынчы мақолатида үрінсиз күлгі ҳақида:

Тарки адабдин бири күлгү дуур,
Күлгү адаб таркига белгі дуур...
Күлгүкі үз ҳаддидин үлди йирок,
Йигламоқ андин күп зерур яхширок...
Қақсақым хазл аниңг ёрдидур,
Курбака савти била рафторидур.

деган шоир, ёлғон-яшик сүз ва беүхшов киёфа ҳамда ҳаракатлари билан кишиларни күлдириб, дирам йиккан масхарабозни танқид килиб айтади:

Харза эрур чунки мушаъбид сүзи,
Үз тилинни күрки кесар ҳам үзи,
Улки сокол боғлабон эл күллирур.
Күлгү соқолиға үзи келтирур.
Қылмоқ учун күзга фузун күркіни,
Бошынга маймун чу күяр бүркіни.
Масхараким күлгү учун бож ер,
Бир дирам олгунча ики кож ер...

Навоийнинг ҳазил-мутойиба, масхара ва мұкаллидларга мұносабати ҳақида аникроқ тасаввур ҳосил килиш ва масхара-мұкаллид санъети билан танишиш учун «Мажолис ун-нафоис»дан бир неча парча келтирамиз.

«Мавлоно Согарий – Согар вилютидиндур... Ҳазрат Махдуми Нуран (Жомий – Н.М.) Макка сафариға азимат күлғонда Вайсий ва Согарий иккаласи мулозиматда борур изҳори күлдилар. Аммо Вайсий эшаги йүк баҳонасы билан ва Согарий яна бир баҳона билан ул сафарлар колдилар ва Амир Сұхайлий бу киғъани алар учун айтти ва эл ичида базе шұхрат туттиким:

Вайсию Согарий ба азми харам,
Гашта буданд хар душон сафари,
Лек аз он рох хар ду во монданд,
Он як аз бе харию в-ин зи хари».

«Сайд Абдулхақ – астрободлигдур. Хуштабъ йигит эрди, муҳовараси дөғи хўб эрди. Хўчон вилоятининг козиси эшак ришва бериб садр они қози килғонга бу китъаси машҳурдурким:

Ҳаме гашт дар шаҳр шахссе (зи) Хўчон,
Ки қози шавад, садр рози намешуд.
Бидодаш харе ришвау гашт қози,
Агар хар намебуд, қози намешуд».

«Мавлоно Бу Али. Девонавор юрур. Девона бўлмаса эрди, Бу Али тахаллус килгайму эрди...»

«Сайд Ғиёсиддин – ...ахл ва мулоийм кишидур. Мазоҳ ва мутойиба мизожига голибдур, шўхлукдин файласуфваш, улви наасабдин ва тасвир ва бузургманшиликда беихтиёр тушубдур. Чун Сайднинг хумоюн башараларида сафрат голибдур, сайд шерға ҳам дерлар. Баъзи маймунга ҳам ташбих килурлар. Факир ҳуд бу навъ густохликлар кила олмасмен. Аммо Мирнинг маркабин ул итга ўхшатибменким, анга бир маймунни минидурурлар. Агарчи Мирга ноҳуш келур, аммо ҳазил била ўткарур...»

«Абулбарақа... Чун Ҳурносон ва Самаркандда они андокким бор, билмас киши йўқтур. Қабоҳати ҳолатини мазкур килмоқда кўп бехижоблик керак... назмидин хотирда йўқ эрди. Аммо бу байтни зурафо анинг учун дебтурлар:

Деве шайтон сифат Абулбарақах,
Бод жояш дар хафтумин даргах».

Бу парчалар Алишер Навоийнинг ҳазил-юмор санъатига муҳаббат билан ёндашгани, кулгининг фош этувчилик – сатирик ва ҳазил-мутойиба – юмористик мөҳиятига эътибор бергани, мазмунли, одоб доирасидаги кулгини эътироф қилгани, бемаъни кулгини рад эттанини кўрсатади. Навоийнинг ўзи ҳам сатира ва юморининг мохир усталаридан бўлиб, халқ ҳазил-юмор санъатининг тажрибаларидан ижодий фойдаланган.

ХАЛҚ ШЕЪРИЯТИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Халқнинг ижодкорлик даҳосини улуғлаган ва эъзозлаган Алишер Навоий халқ поэтик ижодиётига янада кўпроқ эътибор ва аҳамият берар эди.

Навоий халқ поэтик ижодиётига ранг-баранг гуллар жилваланган белоён бўстон, дурру гавҳарларга кон тубсиз уммон деб карайди. Жумладан, «Фарход ва Ширин»нинг мукаддимасида салафларини такрорламай, халқ «афсона»си ва «тарих» саҳифаларини ўкиб-ўрганиб, ўзгалар кўзи тушмаган ва фойдаланмаган бойликлардан баҳраманд бўлиш заруриятини таъкидлайди.

(Бу салафларидан фарқ қилиш учунгина эмас, балки асарларининг гоявий-бадиий қимматини ошириш ва уларни ўз замонасига, туркий китобхонларнинг эҳтиёжига якинлаштириш учун ҳам, бу нарса керак эди.) Шоир мукаддиманинг IX бобини бундай номлайди. «Бу иқбол варакларининг муқобаласи ва бу саодат тархларининг мутораҳаси ва хаёл баҳрида маоний тухафи савдоси учун масоҳий килмок ва ҳар фасона сафинасин варак-варак, балки ҳар тарих жунгин сафҳа-сафҳа ахтариб дарёзада ажноска рад илигин урмок ва маоний акмишаси нафойисин бу латофат хужласи

аройиши учун гайб тужжоридин хаёт нақдин бериб савдо килмоқ ва жон риштаси ва кирпик игнаси била либоси намойиш ва хильъати оройиш тикиб, бу аборг қадларнга солиб жилва бермак». (Таъкид бизники – Н.М.) Сарлавҳада таъкидланган «афсона» ва «старих» сахифалари ҳакидаги фикрлар қуйидаги мисраларда аниклаштирилади, такомиллаштирилади:

...Ки чун бу уйда килгунг нақші дебо,
Керак уй тархи доги, бұлса зебо.
Агарчи назми дилкаш түшса маснуъ,
Аннинг афсонаси ҳам бұлса матбуъ.
Бурун жам эт неким бұлгай таворих,
Борида иста бу фархунда тарих.
Топылгай шояд андоғ бір неча сүз,
Сүз айттур элга ул ён түшімаган күз.
Ани назм этикі тархинг тоза бұлгай,
Улусқа маіли бесандоза бұлгай.
Йұқ әрса назм күлгөнни халойінк,
Мукаррар айламақ сендин не лойінк,
Хүш әрмас әл сүнгінча рахш сурмак,
Йұлским, әл югурми итур югурмак.
Биравқым бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилгон күрди, терли.
Ҳамул ерла әмас гул истамак ҳұб,
Бу бүстон саҳніда гул күп, чаман күп...

Демак, Алишер Навоий «Фарход ва Ширин»ни яратмок учун «афсона» ва «старих»нинг «поёнызиз баҳри»га шүигиб, ундан «олий қадр дурлар» терган экан. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, үтмиш тарих китоблари соғ тарихий воксаларнигина баён этиб шархламаган, балки ривоят ва афсоналарга ҳам кенг ўрин берган, баъзан тарих билан афсона аралашиб, чатишиб кеттан, тарих афсонадек, афсона тарихдек

акс эттирилган. Навоийнинг ўзи ёзган «Тарихи мулуки Ажам» асари ҳам шу тахлитдадир. Бинобарин, тарих китоблари айни чогда фольклор манбай ҳамдир.

«Фарход ва Ширин»дан келтирилган мисралар Навоий достонлари ва бошка асарларидағи маълумот, фикр ва мулоҳазалар билан янада бойиб боради, тақомиллашади. Шоир фожиали севги киссаси «Лайли ва Мажнун»ни тутгатар экан, хотима боб – XXXVIII бобда бу асарни ҳалқ афсоналари асосида яратганини яна таъкидлаб айтади:

...Юз шукрки бу фасонаи дард,
Хар лафзида юз нишонаи дард.

Жон пардаларидин анда аврок,
Жондин бериб ул варакни ушшок.

Ёзгонда мидоди кӯз қароси,
Ёзгон қора қайғу можароси...

Сүгин нечаким узоттим охир,
Йиглай-йиглай тутоттим охир... .

Тарихий ёднома ва афсона ҳамда ривоятлар асосида яратган «Сабъаи сайёр» достонининг хотималовчи бобларидан бўлган XXXV бобга шоир шундай сарлавҳа кўяди:

«Баҳроми Гўрнинг ов азмиға чарга согони ва ажал хайли овининг чаргасиға колғони ва сайд азмиға гўр суммининг тезрафторлиғи ва ўзининг гўр домиға гирифтторлиғи ва салтанатининг анжоми ва тарих ва фасонанинг итмоми ва ихтитоми» (таъкид бизники – Н.М.).

«Садди Искандарий»да Искандар образини яратишга киришар экан:

...Бори килғонин демак осон эмас,
Деганга тутатмаклик имкон эмас.

Муносиб бу келдики хар хол ила,
Десам аввал ахволин ижмол ила.

Ки комим раво айламиш булғамен,
Хадисин адo айламиш булғамен.

Яна қиссасига тааккүл килиб,
Таворихига күп тааммул килиб, –

деб «қисса» ва «таворих»ни алохидат таъкидлайди.

Қисса, ривоят, афсона, эртак халқ поэтик ижодининг кенг таркалган жанрларидан бўлиб, кўпинча кишилар кишнинг узун тунини шундай асарларни тинглаш билан «қискартирган»лар, ҳордик чиқариб таскин топганлар. Қисса, ривоят, афсона, эртак ва бошқалар даврдан-даврга бокий қолган, ижодий кайта ишланган, бадиҳа йўли билан турли-туман ўзгаришларга дуч келган. Буларни айтгувчилар турли давр ва турли жойларда хилма-хил номлар билан: ровий, қиссаҳон, қисса-пардоз, қиссагўй, чўпчакчи, эртакчи, хикоячи ва бошка номлар билан атаган, уларнинг ижроҷилари ҳам, ижодчилари ҳам бўлган. Навоий уларни кўпинча «ровий», «хикоятчи», «қиссагўй», «қиссаҳон», «қиссасоз» ва «қиссапардоз» номлари билан атайди. Лирикасида ҳам, достонларида ҳам уларга мурожаат килади, халқ ижодининг сеҳрловчи хусусиятини таъкидлайди, ўз асарлари билан киёс этади ва ҳоказо. Бир неча парча келтирамиз:

Шоми ҳажрим шархи элни бехуд этса не ажаб,
Үйку келтирмакдуур хосият афсонанинг.

Кўзумва ул важхдин дермсн юзунг афсонасин,
Ким севарлар уйқусизлар доимо афсонаки.

Ровиё, баҳрларидин манга йүктүр кече уйку,
Киссаи Ҳамза дегил гохию, гаҳ киссаи Юсуф.

Дема ровиё зрур Фарҳоду Мажнун киссаи муҳлиқ,
Ани алкисса бир «долу алиф» бил достонимдин.

Ҳар тун вайлар истимоъ эл киссасин, ваххим, келур
Менки ўз ҳолим десам, ул кисса пардоз уйкуси.

«Сабъаи сайёр» нинг 7-хикояти. Хоразмлик машшоқ
Кофур уйкусиз Баҳром хузурида. У Дилором ҳакида
хикоя бошлиди, Баҳром «гойибдан нишон» топади:

Сўзга бергунча киссагўй анжом,
Гойибидин нишон топиб Баҳром.

Кофур уйкусиз Дилоромнинг ундан афсона сўзлаш-
ни илтимос килганини эслайди:

Тунлар уйкудин ўлса бегона,
Манга дер эрди: «Айт афсона».

Халқнинг кисса ва эртакларига Навоийнинг салафлари
ва замондошлари ҳам катта эътибор берганлар, улардан
баҳраманд бўлганлар. Бунга, чунончи, Отойиннинг «кис-
сасин» радифли шеъри ҳам яккол мисол бўла олади.
Хуллас, ҳалқ киссалари ва эртакларига эътибор, улардан
ижодий фойдаланиш адабий ҳаётда ижобий бир
ҳодисадир. Бирок, кисса билан киссанинг, киссаҳон билан
киссаҳоннинг катта фарки бўлган. Кишига маърифат,
ўғит берувчи, завқ-шавқ бағишловчи киссалар ҳам,
курук сафсата ва олди-қочдидан иборат киссалар ҳам
бўлган. Киссагўйлар ҳам инчунин. Алишер Навоий
яхши кисса ва киссаҳонларни севади, кадрлайди,
лекин бемаъни кисса ва кишиларни алдаб-авраб чўн-
тагини коққан, вактини нобуд қилган «қиссасоз» ва

богатаган. У
киссаҳон зик-
р «Киссасоз
жонок ё банди,
Энглик ун била
түшлари топмок
тәбәттар атвори ва
Тева кумалогин
мұтакидлари

жыныз та ғылданинг харидори,
түнгіндең жаңас деч бозори.

Печник ижодиетига туганмас
жөндеңдегі жобақыл, унта доимо мурожаат
екеулердегі скжет ва композициясидан,
жазылған орындардан сирларидан үрганар,
жеке мұндағы бүлар зди. У халқ ижодини
бүліктесіп бүтін қалам ахларини доимо
жазып, у «Мажолис ун-нағыз» да
«Ахма Сүлейм хакида сүзлар эк
шілдесінин үриши ишлаттапини а
тасаңынан шырайтын тақдирлайды. «Мирзо
Самарқандшедур. Ва ул мулукни,
Агарчи баъзи махалда гарип
бөйнүйдүр. Агарчи баъзи боржим:

Харасан қоматында санубарни бөгбон,
Барыра оғымнан әрмеш алифдин тағии.

Биргина масални яхшигина боғлогон учун умид
улким тенгри таоло анга раҳмат қилмиш бўлгай».

Навоий халқ поэтик ижодиётини билмаган ёки уни
менсимаган, халқ шеъриятидан таълим ва баҳра олмаган
нозимларни каттиқ коралайди, танқид қилади. Бу
жиҳатдан, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр»нинг муқаддима
бобларидан бўлган XV боб дикқатта сазовордир. Боб
шундай номланди: «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаги
маъни жони дуурким, сўз колиби онсиз қолибе дуур
жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани
топкон киши топилмас ва ахли газоф ноинсофлиғига
мунсиф бўлмок, балки ўз газофиға инсоф бериб, алар-
нинг узрин қилмоқ».

Шоирларни ғаввос, маънони сўз ғавҳари:

«Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур», –

деб баҳолаган шоир, ўз руҳий ҳолати ва истакларини
ифодал давраси, мушоира ва май базмини
умсагъ шик куйламоқчи бўлганини
ни:

жек сурур
м анда
жимаса
жил

кулум,
хай тулум.

ж. б.

айди, у
кдан
т-

Ма.
- баҳра

...Англамайин сүзда туюк баҳрини,
Қайси туюк, балки құшик баҳрини.
Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маңниу адо нодуруст.

У мана шундай «санъатпардоз»ларнинг керилиши,
изҳори фазл килиши ва инъом-эхсон тама қилишларидан
янада қаттирок ранжийди:

... Турфа буқим шеър қуюб отини,
Еткуубон күкка мубохотини.
Турфарок улким, тониримни билиб,
Хақдин уялмай, манга зохир килиб,
Вахки манга жилвалар айлар ҷоги,
Истабон эхсон доги, таҳсин доги.
Күнглума күп тиги жафо урдилар,
Дема күнгүл, жонима еткурдилар...

Бу мисралар Навоийнинг адабий-эстетик принци-
пининг узвий ҳалқасини ташкил этади. Алишер Навоий
сүз санъаткорларидан ҳаёт воеаларини ростгүйлик билан
тасвирилашини, китобхонга маънавий-бадний завқ-шавк
беришни, унинг фикри ва дидини такомиллаштиришни
талаб қылар эди. У шаклбозликка берилган дидсиз ва
истеъдодсиз нозимларни, маддоҳ шоирларни каттик
коралаб, уларға карши муросасиз кураш олиб боради.
Жумладан, у «Сади Искандарий»да истеъдодсиз, мақ-
танчок шоирларга карши бундай деган эди:

Керак даҳр ахлиға ўн кун жадал,
Ки беш байтдин боғлагай бир газал.
Басе маснавигүйн нозук хаёл,
Ки назм ахли ичра солиб килу кол.
Халойникка юз хусну соз айлагай,
Ки ўн йилда минг байт соз айлагай.

Чикорғон замон ул навъ ойин савод,
Ки оламда йўқ бўйла рангин савод.
Саводига хар кимки кўз солибон,
Қаро шоми меҳнат аро колибон.
Не зулматки, йўқ оби хайвон анга,
Қаю тунки, йўқ меҳри рахшон анга...

Навоийнинг улут замондоши, устоз санъаткор Абдурахмон Жомий ҳам дидсиз, истеъдодсиз шоирларга карши муросасиз кураш олиб борган эди.

Алишер Навоий халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлиб, уни тарғиб этиб қолмасдан, балки халқ оғзаки ижодининг бойликларини, ўзига хос хусусиятларини текширди, ўзига хос илмий асосда ёритди. Бу хусусан «Мезон ул-авзон»га тааллуклидир. «Мезон ул-авзон» аruz назарияси ривожига ҳисса бўлиб қушилиши билан бирга, туркий халклар шеъриятидаги арузни тадқик этган биринчи асар сифатида ғоятда кимматлидир. «Ғараз бу мақолотдин ва мақсад бу муқаддимотдин бу эрдиким, – деб таъкидлайди Навоий, – чун турк алфози билаким назм воеъ бўлубтур, анга зобитае ва конуне йўқ эркондур ва ул фан ривожи учун киши аruz фаннида китобе ёрисолае битмайдур»¹. «Мезон ул-авзон» умуман вазн масалаларига бағишланган асар бўлмай, балки аruz вазнига бағишланган асардир. Халқ шеъриятининг асосий вазни эса бармоқдир. Бинобарин, Навоий халқ шеъриятининг вазн масалаларини кенг ва атрофлича тадқиқ этолмасди. Буни муаллифнинг ўзи алоҳида таъкидлаб айттан эди: «Чун ўзонларнинг ўзмоги ва ўзбекларнинг будубидойи хеч вазн била рост эмас эрди,

¹ Алишер Навоий. «Мезон ул-авзон». Танқидий матн. Тайёрловчи Иzzат Султонов. ЎзФАН, Тошкент, 1949, XXI бст. (Кейинги ўринларда «Мезон ул-авзон» ва унинг сахифаси танқидий матнiga кўйилган лотинча ракамлар билан берилади.)

анга таарруз қилилмади, агарчи асарлари бордур, аммо аниңг аруз илмиға дахли йүктүр». Бу ўринда, шубхасиз, Навоий бармок вазнини күзда тутмокда. Бирок, аруз халқ шеъриятига майлум даражада киришиб борган, сингиб колган эди. Күшикларнинг бир неча тури арузда айтилар эди. Алишер Навоий «Мезон ул-авзон»да мана шундай күшикларни таъриф-тавсиф қилади.

«Яна турк улуси, батахсис чигатой халқи аро шойеъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясад, мажолисда айтурлар». «Суруд» – «кашула» қилиб айтиладиган, «шойеъ авзон» – «машхур вазнлар»дан Алишер Навоий саккиз тур шеърни келтириб, таъриф-тавсиф беради. Булар: «туюқ», «күшиқ» (вазни – мадиди мусаммани солим), «күшик» (вазни – рамали мусаммани маҳфуз), «Чангি», «Мухаббатнома», «Мустазод», «Орзуворий ва «Туркний»дир.

Навоий туюк жанри ҳақида бевосита икки асарида: «Мезон ул-авзон» ва «Мухокамат ул-лугатайн»да фикр юритади, бу жанрини таъриф ва тавсиф этади. У «Мезон ул-авзон»да бундай дейді:

«Бириси туюқдурким, икки байтқа мукаррардур ва саъй килурларким, тажнис айтилгай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур, мундоқким:

[Туюқ]

Ё раб ул шахду шакар ё лабмудур,
Ё магар шахду шакар ёлабмудур.

(Фоилотун фоилотун фоилон)

Жонима пайваста новак откали,
Гамза ўқын кошига ёлабмудур.

(Фоилотун фоилотун фоилон)

«Мухокамат ул-лугатайн»да «тажнис» ва «ийхом» муносабати билан туюк ҳақида сўз юритиб айтади:

«...Яна шеърда барча табъ ахли кошида равшан ва мажмұу фусаҳо оллица мубархандурки, тажнис ва ийхом бағоят куллийдир. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсийдин күпрак тажнисомиз лафз ва ийхомангиз нукта борки, назмга мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва санъатдур. Масалан: от лафзики, бир маъниси аламдур, яна бир маъниси маркабдур ва яна бир маъниси амрдурки, тошни ё үкни от, деб буюргайлар. Бу тажнисда мундок дейилибтурким.

Байт:

Чун париу хурдур отинг бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг бегим,
Хар ҳадантеким, улус андин кочэр,
Нотавон жоним сори отинг, бегим.

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, хам турк шуароси хоссасидурки, сартда йўқтур ва муни туюқ дерлар. Ва мунинг таърифин «Мезон ул-авзон» отлиғ арузга битилибдур...»!

Алишер Навоий туюкнинг «турк шуаро»сига хослиги, унинг «сарт» (форс-тоҷик) шеъриятида йўқлигини таъкидлаб, бу жанрнинг уч асосий жиҳатини баён этади: «икки байтга мукаррар» (ҳажм), «саъй килурларким, тажнис айтилғай» (кофия) ва «ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур» (вазн). Демак, туок вазн ва ҳажм жиҳатидан катъий коидага эга бўлган, тажнис кўллаш эса шарт бўлмаган. Лекин ўзбек тилидаги туюкларнинг кўпчилигида тажнис бор. Шунинг учун хам туок деганда у тажнисли кофияси билан бирга кўз олдимизга келади. Алишер Навоийнинг ўзи яратган туюкларнинг хам ҳаммаси тажнислидир. Шу билан

¹Асарлар, XIV том, 112–114-бетлар.

бирга, Навоий шоирларнинг туюклари ҳақида фикр юритар экан, тажнисга алоҳида эътибор беради. У «Мажолис ун-нафоис»нинг VII мажлисида Абу Бакр Мирзо ва Султон Искандар Шерозийдан биттадан иккита туюқ келтиради ва уларга баҳо беради.

Абу Бакр Мирзо:

«Эр керак ўртанса ёнса ёлина,
Ёраниб ётса, отининг ёлина.
Ит ўлуми бирла ўлса яхширок.
Эр отониб душманига ёлина.

Агарчи баъзи алфози турконароқдур, аммо тажнисни яхши топибдур»¹.

Султон Искандар Шерозий:

«Тўлун ойга нисбат эттим ёруми,
Ул хижолатдинким ўлди ёруми.
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,
Ё Мисрни, ё Ҳалабни, ё Руми.

Бурунги туюқдин бу турконароқдур»².

Туюқнинг илдизи жуда узоқ замонларга, қадимги ҳалқ ижоди ёдгорликларига бориб тақалади. Туюқнинг мухим жиҳатларидан бири бўлган тўртлик шакли туркий ҳалклар фольклорининг энг қадимги ва кенг тарқалган турпаридан биридир. «Девону луготит турк»даги кўпчилик шеърлар тўртликлардир. Туюклардан «а-а-б-а» кофия тизими ҳам фольклорда «а-а-а-б» кофия тизими каби қадимий ва кенг тарқалгандир. Туюкларга хос тажнис кўллаш усули ҳам ҳалқ шеъриятида қадимдан бор. Ўзбек адабиётидаги туюкларни синчилаб текшириш

¹ «Мажолис ун-нафоис», 197-бет.

² «Мажолис ун-нафоис», 198-бет.

ган А.Н.Самойлович, туюк дастлаб халк түртлиги булган, козок-киргизлардаги – айтыспа» (Радлов буйича «Кайом эленг»), чүл Крим татарларидағи «Чынг» ва усмонли турклардаги «Мани» шундай түртликлардир, деган хulosага келади. «Айтыспа», «Чынг», «Мани» түртликлари тажнисли ҳам булиб келади. «Мани»дан бир мисол келтирамиз:

Жиндим таштан аша,
Жамур баштан аша
Бан кызлары севарим
Жары белдан аша»¹.

(Мазмун: ертүлам сиртдан – ердан паст, ёмғир бошга қуди. Мен севган кизларнинг (бўйи) ярим белдан ошади). Тажнисли түртликлар хозир ҳам ўзбек халк шеъриятининг оммавий турларидан бири булиб келмоқда.

Вазн масаласига келганда шуни таъкидлаш ло-
зимки, туюқ – тажнисли түртлик аввал бармоқда шаклланган. Турли халклар шеърияти вазнини тадқик этган академик Ф.Е.Корш туюқ вазнининг халк шеърияти заминида шаклланганини таъкидлайди.² А.Н.Самойлович ҳам туюқнинг ўн бир хижоли туркий (бармоқ) вазнидан арузга ўтиб, «Рамали мусаддаси максур»да баркарорлашганини айтади.³ Туюқнинг халк шеърияти асосида шакллангани кейинги тадқикотчилар томонидан ҳам алохида кайд этилади. Ҳ.Зарифов Навоийнинг рубойй ва туюклар тўпламига ёзган сўзбошисида «Туюқ туркларга, ўзбекларга ҳос бўлгани учун, дастлаб,

¹ Образцы народной литературы тюрksких племен, изд. В Радловым, часть X, тексты и словарь. СПб, 1904, стр.321.

² Древности восточные, II, выпуск II, Москва, 1901, стр. 110.

³ Зикр этилган асар, 7-бет.

албатта, бармоқ вазнида бүлган», Е.Э.Бертельс «Туюклар туркий халқлар фольклоридан келиб чиққан» дейди.

Түгри, бошқа халқлар шеъриятида ҳам баъзан таж-
нисли тұртлик учрайди. Ҳасанхұжа Нисорий «Музаккир
ул-ахбоб» асарининг «фасли аввал аз руқуни аввал»
бобида «Мухаммад Шайбонийхон бинни Шоҳ Будог
Султон бинни Абулҳайрхон» ҳакида сўзлар экан, «ва
ин туюғро писандида гуфт» («ва бу туюкни ёктириб
айтди») деб куйидаги туюкни келтиради:

Сүгд ичида үлтуурулар ёбулар,
Ёбуларнинг минган оти ёбулар;
Ёбуларнинг илгидин эл тинмади,
Ё булар турсун бу ерда, ё булар¹.

Сүнгра Ҳасанхұжа Нисорий «ва ба ин тарз шеър
дар ашъори араби низ мебошад. Чунонки аз акобир
фармуда» («ва бу тарздаги шеър араб шеъриятида ҳам
бор. Чунончи улуғлардан бири айтған») деб, арабча
куйидаги тұртликни келтиради:

Физовият ул-хајр анисий удиій,
Валмухтажата фавқа нора қалбий удиій,
Монилту макосиди вало маъвудий,
Е оғияти ажасту удин, удиій,

(Мазмуни: алрилик кунжида улфатим чолгумдир,
жоним күңгілім үти устидаги уд ёғочидек күймокда.
Мен мәксадларымга етолмадим, ҳам вайда йүкка чиқыді.
Эй яхши кунларим, ожиз қолдим, қайт, қайт.)

Форс-тоғық шеъриятида ҳам тажнис, сўз ўйинни
күллащ усули көнг татбиқ этилади, Масалан, Мавлоно

¹ «Музаккир ул-ахбоб»дан парча за врабча шеърининг таржи-
маси X. Зарифов тайёрлалған китобга ёзилған сўзбошисидан олинди.

Котибий «Дах боб» («Үн боб») достонининг барча кофиялари тажнислардан ташкил топган. Шунингдек Мавлоно Мухаммад Ахли Шерозий «Сихри ҳалол» достонида жуфт кофия ва тажнис кўллади:

„Мебарад оби дили решам хумор,
Мархали решам шаву пешам хум ор!
Медиҳад ин ғамзада комаш шароб,
Май ҳама хайри тану номаш шар об¹.“

(Мазмуни: яраланганд қалбим шарафини хумор элтади, ярамга малҳам булу хум келтир. Бу ғам-аламга шароб таскин беради, май баданга бутунисига яхшилик келтиради, аммо унинг номи ёмон сувдир.) Биринчи байтда «хумор» билан «хум ор» («хум келтир»), иккинчи байтда «шароб» билан «шар об» («ёмон сув») ўргасида сўз ўйини килинган.

Бирок, бу ҳодисаларнинг туюқка бевосита алоқаси йўқдир. Навоий айтганидек, туюқ туркий ҳалклар шеъриятига хос булиб, форс-тожик поэзиясида маҳсус шеър тури сифатида шаклланган эмас.

Туркий ҳалкларнинг ёзма шеъриятида, жумладан, «Қутадгу билик», «Хиббат ул-ҳақойик» каби обидаларда туюқка хос айрим хусусиятлар, масалан, тажнис учрасада, бироқ туюқ алоҳида шеър тури сифатида биринчى бор XIV аср турк шоир Бурхониддин Сивоғий девонида учрайди. А.Е.Крымскийнинг фикрича, туюқ жанри номи билан ҳам турк ҳалк шеъриятида кенг тарқалган бўлса-да, китобий адабиётта кирмаган, «Менга аён булишича, – деб сўз юритади А.Е.Крымский, – гарбий (жанубий) турк китобий шоирлари орасида туюқ деб номланган кадимги миллий шеърий формадан фойдаланган ягона

¹ Е.Э.Бертельс. «Навои», стр.37.

киши Қози Бурхониддиндир»¹. Лекин ўзбек ёзма адабиётида туюқ кенг ўрин олди, ўсди, такомиллашди. Ўзбек адабиётида туюкнинг шаклланиши ва такомили ўзбек адабий тилининг ҳамда ўзбек дунёвий адабиётининг ривожланиши жараёни билан узвий боғлиқдир. Дунёвий адабиёт намояндалари халқ тили бойликларидан, жумладан, омоним ва полисемик сўзлардан, халқ шеърияти тажрибаларидан тобора кенгрок фойдалана бошладилар. Шу заминда ёзма адабиётда туюқ вужудга келди. Навоийга қадар ўзбек адабиётида Амирий, Лутфий ва бошка шоирлар шу жанрда ижод этдилар. А.Н.Самойлович Амирийнинг 24 туюкини тўплаган, шулардан 11 тасини нашр этган. У туюклар хакида сўзлаб, дейди: «Амирий туюклари камолот жиҳатидан Навоий туюклари билан тентглашолмайди...» Лутфий туюклари мазмундорлиги, равонлиги ва тил бойлиги билан Амирий туюкларидан устундир, «...Лутфий бу шаклни юкори маҳорат» даражасига кўтарди. Алишер Навоий туюклари ўз мазмуни, тили, бадиий жозибаси билан XV аср ўзбек мумтоз шеъриятининг энг яхши намуналаридандир. Навоий туюқнавис шоиргина эмас, балки туюқ ва у билан боғлиқ тажнис-ийхом ҳодисаларини илмий тадқиқ этган донишманд олим ҳамдир.

Алишер Навоидан кейин туюқ жанридан муваффакият билан фойдаланган шоирлардан бири Захириддин Мухаммад Бобурдир. Бобур туюкларининг кўпчиллиги туюкнинг анъанавий баҳри-рамали мусаддаси максурда битилган. Шу билан бирга, Бобур рубоий баҳрида хам туюқ яратди, туюқ-китъя, тажнисли фардлар ёзди. Бобурдан кейин туюқ жанридан кўпроқ хоразмлик шоирлар фойдаландилар. Мунис, Оғаҳий, Камёб ва бошка шоирлар

¹ А.Е.Крымский. «История Турции и ее литературы», том 2, 1916, стр. 210, 211.

девонида бир катор туюклар бор. Бирок кейинги аср-пардаги шоирларнинг айрим туюкларини мустасно килганда, уларнинг кўпчилиги XV–XVI аср туюклари билан тенглаша олмайди. Гуё XV–XVI аср шоирлари бу жанрнинг потенциал имкониятларидан, биринчи навбатда, «тажнис» ва «ийхом» ҳодисаларидан кенг фойдаланиб, ўзларидан кейинги шоирларга бу борада оз ўрин колдирган эдилар¹.

Туюк жанрини таъриф-тавсиф этган «Мезон ул-авзон» муаллифи «қўшиқ»лар ҳакида бундай дейди:

«Яна «қўшиқ» дурким, оғрұштак усулида шойеъдур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлубтур ва ул суруд аъробнинг тева сурур ҳудилари вазни била мадиди мусаммани солимда вокъи бўлур, аният асли бу наъвъ дурким, байт:

Вахки, ул ой ҳасрати дарду доги фурқати,
Ҳам эрур жонимга ўт, ҳам ҳаётим офати.

(Фоилотун фоилун фоилотун фоилун)

Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамали мусаммани маҳзуз вазнига элитиб, мусикий ва адвор илмида мулойим табълиқ беназир

¹ Туюқда бир сўзли омоним билан бирга, кўшалок омонимлар ҳам кўлланилган ва турли хил сўз ўйинлари усулидан фойдаланилган (туюк ва Навоий туюклари ҳакидаги мулоҳазаларимизни биз 1957 йил февралида Алишер Навоийнинг азъанавий конференциясида баён этган эдик). Туюк ҳакидаги зикр этилган адабиётлардан ташкари каранг: Кўпрулу Зода. Турк классик адабиётинда хусусий назм шакллари. Туюк Туркиёт мажмуаси, 1926, № 2. Тил масалалари мутосабати билан туюкларга К.К.Юдахин, А.Н.Боровиков, Ф.Абдуллаев, А.Рустамов ва бошқа олимлар ҳам кўп мурожаат этишган. Шунингдек, профессор Б.Валихўжасвенинг «Алишер Навоий ва унинг издошлари талкинида туюк» маколаси ҳам мароқлидир. (Адабий мерос, З, «Фан», Тошкент, 1973).

йигитлар гарип нағамот ва илхон била ажаб тасарруфлар килиб, Султони сохибкірөн мажлисіда айтурларким, аннинг мұлойимлиги ва ху骚яңдалиғи васфқа сиғмас ва таъсир ва рабояңдалиғи сифатқа рост келмас, балки у ҳазратнинг ихтироидур ва бу ҳам ул ҳазратнинг Масихосо анфоси натойижидин истишҳодға келтурмак муносибрөк эрди, андоқким, байт:

Сабзаи хаттинг саводи лаъли ҳандон устинан,
Хизр гүё соя солмиш обихайвон устинан.

(Фошлотун фошлотун фошлотун фошлотун)

Юкорида Алишер Навоий «қўшиқ» ва унинг «Мадиди мусаммани солим» вазнида айтиладиган тури ҳамда шу тур заминида пайдо бўлган «рамали мусаммани маҳзуф» вазnidаги янги хилини таърифлайди. «Қўшиқ» атамасини Навоий ҳозирги маънода умуман «қўшиқ» – «ашула» сифатида эмас, балки шеъриятнинг бир тури, тўғрироги, куйга солиб айтиладиган бир тур шеър сифатида кўллайди. (Умуман «ашула» маъносида у форсча «суруд» сўзини ишлатган). «Девону луғотит турк»да ҳам «қўшиқ» маҳсус шеър тури сифатида зикр этилади, изохланади. «Мен, – дейди Махмуд Кошгариј, – бу китобни маҳсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиклар, раЖаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим». Муаллиф «қўшуғ» атамасини – шеър, касида – қўшиқ, деб изохлайди ҳамда мисол тарзида қуйидаги тўртликни келтирган:

«Тўркан катун кутіна
Тэгўр майдін қошіг,
Ајгіл сізнің табугчі,
Отнур які табут.

Малика (шоҳ) хотинга мендан мақтov, қасида (кўшик) еткур ва ходимингиз янги хизмат билан йўлланади, деб айт».

Демак, «кўшик» атамаси мохият эътибори билан турди ўзгаришларни кечиб ўтган.

Навоий «Мадиди мусаммани солим» вазnidаги кўшикнинг «оргуштак усулида шойиъ», яъни «оргуштак» куйи билан машҳур бўлгани, бу куйнинг «адвор» (мусиқа илми)га доир китобларда зикр этилганини таъкидлайди. Шу кўшик заминида пайдо бўлган «рамали мусаммани маҳзуф» вазnidаги «кўшик» ҳам жуда кенг тарқалгани ва хусусан, Султон Ҳусайн Бойқаро мажлисларида шухрат қозонганини айтади ва уни «балки ул ҳазратнинг ихтироидур» дейди. Навоийнинг бу сўзи Ҳусайн Бойқаро девонидаги шеърларнинг рамалда (рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур) битилган бўлишига асосланган. Гарчи «рамал» баҳридаги бу кўшик кенг шухрат қозонтан бўлса-да, у «оргуштак» усулида айтиладиган кўшикни тамомила суриб чиқармаган, бу куй Навоий замонасида ўз ўрнини сақлаб колган. Навоийнинг «Бадоеъ ул-васат» девонидаги бир газалнинг ушбу байти ҳам шундан далолат беради:

Хуш улки, базмда ойлар тепарда орғуштак,
Шах анда тамбура чолиб, Навоий десса кўшук.

Халқ шеърияти, маросим кўшикларининг энг қадимиий турларидан бўлган «чангி» («ёр-ёр») ҳакида Навоий «Мезон ул-авзон»да айтади:

«Яна «чангӣ» дуркум, турк улуси зуфоғ ва киз чиқарур тўйларида ани айттурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъни ҳеч вазн била рост

келмас¹ ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсарихи матвийи мавқуф баҳридур ва «ёр-ёр» лафзини радиф ўрнига мазкур килурлар, андоқтурларким», байт:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким, дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр.

(Муфташун фоилон муфташун фоилон)².

Афтидан, «Чангининг хеч вазн била рост» келмайдиган, яъни аруздан хориж турларидан бошка, арузнинг бошка бир баҳр ва вазнларига мос тури ҳам бўлган, «Чанги» атамаси билан бирга «Чанга» ҳам ишлатилган. Маълумки, «Садди Искандарий» мутакориб баҳрида битилган ва Искандарнинг тўйи муносабати билан шоир лирик хотимада сокийтга мурожаат килиб, «ёр-ёр» айтади:

...Муганий тузуб чанга вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг.

Десанг сенки: жон қариндошим, ёр-ёр!
Мен айтайки: мунглуг бошим, ёр-ёр!³

«Ҳай-ҳай ўлан» янги моҳиятга эга булиб, шу кунга қадар яшаб келмоқда. Мана, замонамиз «ёр-ёр»идан баъзи мисралар:

...Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Сочик келди, ёр-ёр,
Сочик келди.
Ўқимишили келин болам
Очик келди, ёр-ёр,
Очик келди.

¹ Навоий «Чангининг аруз баҳрига мос келмайдиган бармок вазnidagi турини кўзда тутаётган бўлса керак.

² «Мезон ул-авзон», LXVIII–LXIX бетлар.

³ «Хамса», 778-бет.

Паранжини ифлос деди,
Отиб келди, ёр-ёр,
Отиб келди,
Күёв каллик гулдасталар
Тутиб келди, ёр-ёр,
Тутиб келди.¹

Бу халқ шеърияти ва санъатининг замонлар оша ялаши ва анъаналарини янги мазмун ва шакл билан тўлдириб, бойитиб боришини кўрсатади.

Шунингдек, Алишер Навоий «ҳазажи мусаддаси максур баҳри»даги «Мухаббатнома», «ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф» вазнидаги «Мустазод», Ироки тарокима – туркманлари орасида машхур бўлган «ҳазажи мусаммани солим»даги «Орзуворий» («корзуворий»ни «рамали мусаммани маҳзуф вазнида ҳам айтурлар») ва ниҳоят «Туркий»ни таъриф-тавсиф этади.

«Яна сурудедурким, – дейди Навоий, – «Туркий» дебтурлар, бу лафз анга алам бўлубтур ва ул ғоятдин ташкори дилписанд ва рухафзо ва ниҳоятдин мутажовиз, айш ахлига судманд ва мажолис аро суруддур, андокки, салотин ани яхши айтур элни тарбиятлар килибдурлар ва ул доги рамали мусаммани максур вазнида воеъдур, андокким, байт:

Эй саодат матлаи орази моҳинг сенинг,
Ахли биниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.

(Фоилотун ғошлотун ғошлотун ғоилон)

Ҳазрати султони соҳибкирон бу вазининг ғоят равонлиг ва латофатидин ва руҳпарварлиг ва салосатидин ўз девонларинки, жамъи давовин орасида баданлар аро

¹ «Ўзбек халқ қўшиклари». Тўпловчи М.Алавија, Ўздавнашр, Тошкент, 1954. 61-бет. Вазн жихатидан бу мисралар билан Навоий мисраларидаги «Ўланг» кисми ўргасида маълум уйғунлик бор.

жондекдур ва кавокиб ичра хуршиди рахшондек воеъ бўлубтур, бошдин-оёқ илтизом қилиб, бу вазнда тартиб берибдурлар эрди»¹.

«Туркий» шеър турининг бу қадар таъриф-тавсиф этилиши унинг, биринчи навбатда, ҳалқ шеърияти заминида вужудга келиши, равонлиги, мусикийлиги ва бошка баҳрларга нисбатан туркий тилнинг ўзига хос ҳусусиятларига мос келиши билан изоҳланади. Навоийга қадар ҳам, Навоий замонаси ва ундан кейин ҳам ўзбек шоирлари «рамал»нинг мана шу вазнидан хийла кенг фойдаландилар. Шоир Отойининг бизга қадар етиб келган 260 ғазалидан 109 таси шу вазнда, Навоий таъкидлаганидек, Ҳусайн Бойкаронинг бутун девони «рамали мусаммани маҳзуф» ва «рамали мусаммани максур» вазнидадир. Ҳозирги ғазалнавис ўзбек шоирлари ҳам бошка вазнларга нисбатан ушбу вазнга кўпроқ мурожаат этадилар. Бу ўзбек ёзма шеъриятининг ҳалқ шеърияти заминида, унинг анъаналарини қабул этиб олиш ва такомиллаштириш заминида вужудга келганини кўрсатувчи омил сифатида муҳимдир.

Алишер Навоий аruz бахси доирасида бўлса ҳам, ҳалқ шеърияти ва ҳалқ куйлари ҳакида жуда қимматли маълумотлар берди, фикр-мулоҳаза юритди. У ҳалқ шеърияти билан ёзма шеърият ўртасидаги алоқага алоҳида зътибор беради, шоирларни ҳалқ ижодиётидан ўрганиш, таълим олнишга чакиради. Навоий ҳалқ ижодчиларини, шоирлар ва ашулачиларини севган, хурмат килган. Унинг ҳалқ ижодчиларига қайта-кайта мурожаат килиши улар билан якиндан алоқада бўлгани туфайлидир. У сокийномасида ҳалқ ижодчилари, санъаткорларига мурожаат килиб айтади:

¹ «Мезон ул-авzon», LXX–LXXI бетлар.

Эй йиров, сен ҳам эшикни күргуз,
Ё түгон бирла улуғ ирни туз.
Ё түгончи дер үтүргач ун
Сен кадаҳ олу түккүз котла юкун.

Бундай мисраларни Навоийнинг лирикасидан ҳам, достонларидан ҳам күплаб келтириш мумкин. Лекин бундан ҳам муҳими шундаки, Навоийнинг үзи ҳалк ижодиётидан доимо илхомланди, ундан файз ва завқ олди, ҳалқ ижодиёти унга катта мактаб сифатида хизмат килди. Навоий шеъриятнинг мазмуни билан ҳам, шакли билан ҳам ҳалқка манзур бўлишини, «туркона суруд» каби куйланишини истар эди. Шоир мунгли Лайли ва Мажнун қиссасини тугатар экан, хотимада айтган эди:

Мен доги бу майниким сузубмен,
Туркона суруд анга сузубмсан.
Эл қўнглига аидин ўлгуси жўб,
Ким келди бу навханинг мунги кўп.
Мунглуг мену мунг бирла пაсмим,
Мунглуг кишилар каби каломим.
Шак йўкки качонки бу ўкулгай,
Ким ўкуса хотирн бузулгай.
Кўздин чу оқизса ашк сайли,
Мажнун каби ёд этарди Лайли¹.

«Ҳа, шоирнинг ҳалқчиллиги ижодий кобилият каби бир истеъоддир. Шоир бўлиб тугилиш керак бўлса, у тақдирда ҳалқчил ҳам бўлиб тугилиш керак», деган эди рус танқидчиси В.Белинский. Алишер Навоий мана шундай ҳалқчил бўлиб тугилган улуғ шоирдир. Ҳалкка, ҳалқ ижодиётига севги, ҳалқнинг баҳт-саодати учун кураш Алишер Навоийга илҳом ва ижодий куч-куват багишлаган эди.

¹ «Ҳамса», 455-бет.

II. АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИЁТИДА ФОЛЬКЛОР АНЬАНАЛАРИ

...Ки чун бу уйда килгүнг дебо,
Керак уй тархи дөғи, бүлса зебо.
Агарчи назми дилкаш, түшсә масмұй,
Аннинг афсонаси ҳам бүлса матбуъ...

«Фарход ва Ширин»дан

Халқ ижодиётини ардоклаб, юксак баҳолаган Алишер Навой и жодида ундан унумли ва ўринли фойдаланды. Халқ ижодиёти унга туганмас маңнавий ва бадий-эстетик چашма, тил манбаи бўлиб хизмат килди.

Алишер Навой халқ ижодиётидан бевосита ва бавосита фойдаланды. У халқ ижодчиларини эшлиши билан бирга, фольклор материаллари ёки анъаналари ўрин олган ёзма манбалардан кенг баҳраманд бўлди. Фольклор асарлари (ёки элементлари) тарих китоблари, турли тазкиралар, илмий асарлар ва ёзма адабиётдан ҳам ўрин олган эди. Улар айнан ёки қайта ишланиб, ёзма асарларга киритилар эди. Алишер Навой турли туман ёзма манбаларни кснг ва чукур ўрганиб чиккан буюк донишманд, комусчи аллома эди. Бу борада унинг ўзи, жумладан, «Фарход ва Ширин»нинг IX бобида – «Иқболи саодат» тилидан сўзланган боб сарлавҳасида «...ва ҳар афсона сафинасин варак-варак, балки ҳар тарих жунгии сафха-сафха ахтариб дарёзада ажноска рад илигин урмок...» деса, «Сабъан сайёр»да тарих китоблари ва уларнинг фарқ-тағовутлари ҳамда бунинг «фасона» учун аҳамияти ҳакида бундай дейди:

Сўзда тарих ихтилофи бор,
Ахли тарихнинг хилофи бор.
Буки мен айлагум дурур мастиур,
Бўлмади эркин ул замон манзур.
Бу таворихким, манго тушмиш,
Илгима улча муддао тушмиш.
Кош аларга ҳам ўлғай эрди насиб,
Ким фасона дегайлар эрди ғариф...

Алишер Навоий асарлари билан танишар эканмиз, унинг юзлаб турли-туман манбаларни – тарих, тазкира, манокиб, лугат, илмий ва бадиий асарларни мукаммал билганини кўрамиз. Шоирманашу асарлардан, улардаги фольклор материалларидан ижодий фойдаланди. Алишер Навоийга манзур бўлган фольклор асарлари туркий халкларнинг бадиий ижоди билан бирга, шу халклар билан асрлар давомида яқин алокада бўлиб келган форс-тожик халклари, Ҳиндистон, Кавказ, араб ва бошка халклар фольклори асарларидир. Бундан ташқари, араб манбалари орқали Алишер Навоий антик дунё – хусусан, Юнонистоннинг маданияти, санъати ва улуг кишилари ҳакидаги латифа ва афсоналар билан ҳам якиндан таниш эди. Унинг асарларида Арасту, Афлотун, Сукрот, Букрот, Лукмон ва бошқаларга доир мароқли латифа ва афсоналар бор. Буларнинг бир кисми бевосита Юнон заминида вужудга келган бўлса, иккинчи бир кисми шу руҳда Шарқнинг ўзида пайдо бўлган асарлардир.

Алишер Навоий хилма-хил манбалардан, турли ўлка ва халкларга мансуб бўлган ёднома ёки обидалардан, санъат ва адабиётдан фойдаланганини ошкор ёки ишора тарзида бот-бот таъкидлайди. Жумладан, «Сабъан сайёр»да туркий, шу билан бирга Ироқ ва Ажам халклари достони, нафма суруди ҳакида бундай дейди:

Ўнгда турки навоз уруб достон,
Кўзғолиб ҳар навода Туркистон.
Торткон турк нағмасида суруд,
Оқизиб ҳалқ кўзларидин рӯд.
Сўл сори форси суруди нағам,
Фитнаи форс, бал Ироку Ажам...¹

Улуг шоир ва мутафаккир асотир (мифология) ва ҳалқ афсоналаридан, ҳикоя ва латифа, масал ва тамисил, эртак ва киссалардан, уларнинг сюжети ва композицияси, образлар тизими ва тил-услуб бойликларидан баҳраманд бўлди. Ҳалқ қаҳрамонлари образини қайта ижодий ишлади, асарларига фольклор мотивларини киритди, ҳалкнинг санъаткорлик маҳорати, услуби ва тилини ижодий ўрганди. Алишер Навоий яратган қаҳрамонлар ранг-баранг бўлиб, уларни мифологик афсонавий, ярим тарихий, тарихий шахслар образига, эпик ва тавсифий образларга булиш мумкин. Мана шу образларни яратишда Алишер Навоий кўп ҳолларда ҳалқ адабиётидан ҳам ижодий фойдаланган. Бунга, хусусан, унинг «Сабъан сайёр» даги етти ҳикояти равшан мисол бўла олади.

Алишер Навоий фольклор материалларидан фойдаланар экан, ўз олдига кўйган гоявий-эстетик максад ҳамда ижод қилинаётган асарнинг ҳарактерига мувофик уларни айнан (ёки деярли айнан) саклаб колади, қайта ижодий ишлади, ўзгартиради, баъзан айрим унсурларидангина фойдаланиди. Шу билан бирга, Алишер Навоий ўз асарларида бевосита фольклор материалларидан фойдаланмаса ҳам, айрим воқеа-ходисаларни фольклор асарлари руҳида ҳикоя киласи, ҳалқ қаҳрамонлари образига монанд образлар яратади, маколга яқин ҳикмат битади

¹ «Хамса», 480-бет.

ва ҳоказо. Иккинчи бир сүз билан айтганда, халқ оғзаки ижоди Алишер Навоийга илхом манбаи бўлиб хизмат килади. Аммо улуғ шоир халқ ижодиётига бефарқ ёндашмайди. У халқ асарларини танлаб, сарабал олади, уларга танқидий ёндашади, ижодий фойдаланади. Фольклор асари Навоий ижодиётида сайқалланиб, такомиллашиб, янгича умр кўради. Алишер Навоий фольклорга аниқ ҳаётий мақсад ва муддао нуктаи назаридан ёндашади. Бинобарин, у «Лайли ва Мажнун»да айтган эди:

Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсадум эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди рух майли,
Афсона эди анинг туфайли.
Лек чу ракамга келди мазмун.
Афсона анга либоси мавзун...

Ҳаётийлик бутун Навоий ижодиётининг, шу билан бергага, унинг фольклорга муносабатининг бош мезонидир.

Алишер Навоий халқ ижодиётидан фойдаланган ўринларда баъзан бу ҳолатни – халқ ижодиётидан фойдаланганини алоҳида таъкидлайди. Бундай ҳолларда Алишер Навоий меросидаги фольклор материалларини аниклаш, табиий, осондир. Бирок бошка ҳолларда Навоий асарларидаги фольклор материалларини шу материалларнинг моҳияти ва хусусиятига қараб, уларни фольклор асарлари билан чоғиштириш, фольклор материалларидан фойдаланилган ёзма асарларга қиёс этиш оркали аниклаш мумкин. Бу борада Навоийга қадар яратилган ёки унинг замонида вужудга келган асарларгина эмас, балки кейинроқ яратилган асарларга ҳам таяниш мумкин. Чунки улар фольклорнинг архаик материалларини ёки қадимий ижодкорлик ань-

аналарини саклаб қолиши мумкин. «...Ёдгорликнинг яратилиши санаси ҳар қачон ундаги арханка даражасини белгилайвермайди. Баъзан кейинроқ яратилган айрим асарлар аввалроқ яратилганига нисбатан кўпроқ архикани бизга қадар етказиши мумкин». Алишер Навоий даврида(ундан олдин вакейин ҳам) фольклорасарларини ёзиг билиш деярли одат бўлмаган. Бинобарин, Навоий ижодиётидаги фольклор материалларини ўрганиш ва ёритишда кейинги даврларда ёзиг олинган фольклор обидаларига кўпроқ таянишга тўғри келади.

Баҳсимизнинг ушбу бобини кўйилган муаммо ва материаллар моҳиятига мувофик тўрт бўлимга ажратишни лозим кўрдик. Бу бўлимлар куйидагилардан иборат:

1. Алишер Навоий ва мифология.
2. «Хамса» қаҳрамонларининг фольклордаги замини.
3. Навоий хикоялари ва уларнинг фольклор билан боғланиши.
4. Бадиий тасвир ва тилда фольклор анъаналари.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МИФОЛОГИЯ

Бадиий ижодиётнинг энг қадимги тур ва жанрларидан бири асотир – мифдир. Асотирларнинг – мифларнинг вужудга келиш илдизи ибтидоий жамиятга бориб тақалади. Ибтидоий кишилар табиат ҳодисалари ва жамиядаги воеаларнинг туб сабабларини билмаганлар. Киши табиатдаги яшин, довул, сув тошқини, зилзила ва бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини тушунмас, уларнинг содир бўлиши натижасида вужудга келган оғатлардан даҳшатта тушар эди. У ер ва осмонни, ой ва күчни ҳамда бошқаларни жонли нарсалар деб тасаввур қиласар, уларга топинар, айрим ҳайвонларни мукаддас деб билар эди. Қадим замон кишиларининг тасаввуррида табиатда унга «дўст» ва «душман» бўлган

турли хил кучлар мавжуд эди. У бу кучларни худолар, рухлар, девлар, жинлар сингари кучлар сифатида тасвиirlайди. Шу хилда ибтидоий киши оламнинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти ва кундалик ҳаёт ҳакида ўз хаёлий тасаввурини яратади. Мана шу тасаввур заминида турли мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар пайдо бўлади. Кишиларнинг фетишизм, анемизм, тотемизм каби ибтидоий-диний зътикоди ҳам мифологиянинг вужудга келишида муҳим роль ўйнаган эди. Гарчи мифология ибтидоий жамият иқтисодий тараккиётининг пастилиги ва инсон билимининг заифлиги туфайли вужудга келган бўлса ҳам, у кишиларни ҳаётни севишга, ҳар қандай ишда ғолиб чиқишига йўллар ва инсоннинг куч-кудратини улуғлар эди. Мифларнинг аҳамияти ҳам шундадир.

Турли манбаларда қадимги Ўрта Осиё ва Эрон мифологиясининг айрим намуна ва излари сакланиб колган. Қадимги Ўрта Осиё ва Эронда вужудга келган кўпчилик мифлар учун хинд, юонон ва бошка ҳалкларнинг мифларида бўлганидек, яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат ўртасидаги кураш характерлидир. Кишилар яхшилик, баҳт ўлкаси ва баҳтсизлик ўлкаси деган мифларни яратганлар. Гўё табиатда улуғ ва фойдали кучлар – Куёш ва Сув абадий бўлган ўлка ҳамда оғат келтирувчи кучлар – Зулмат ва Кулфат абадий бўлган ўлка бор эмиш. Дедал ва Икарнинг каноти ҳақидаги юонон мифлари, ўлмаслик гиёҳини излаган Гильгамеш ҳақидаги Бобил мифи ва бошқалар ҳам қадимги кишиларнинг баҳт ва фаровонликка, саломатлик ва бардамликка интилишининг ифодаси сифатида вужудга келган.

Ўрта Осиё ва Эрон мифологик образлари кўпинча мана шу икки кучли ўлка ва улар ўртасидаги кураш

фонида гавдаланади. Бу мифология шу даражада чукур илдиз отганки, у зардустийликдаги дуалистик карашда ҳам ўз ифодасини топади, «Авесто» ва бошқа диний китоблардан кенг ўрин олади. «Авесто», шунингдек, «Бундахшин»да айтилишича, икки олам: яхшилик ва ёмонлик олами бор. Яхшилик оламига Ахура Мазда (Хурмуз), ёмонлик оламига Ангра Маню (Ахриман) бошчилик қилади, баҳт ва баҳтсизлик, ҳаёт ва мамот, мүл-күлчилик ва очлик-қаҳатчилик шу икки куч ўртасида кураш ва унинг оқибатларига боғлиқ. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш күёш маъбуди Митра, ер ва унумдорлик маъбудаси Анахита, биринчи инсон Каюмарс, Йима (Жамшид), Гершасп ва шу билан бирга, коронгилик ва баҳтсизлик тимсоли бўлмиш Ахриман (Ахраман) дев, аждар, жин ва бошқалар билан боғлиқ мифларда мужассамланади.

Халқ ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образи ҳам вужудга келади. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва баҳтсаодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Бироқ бу кураш дастлабки даврларда кўпинч аждар, дев ва жин каби ғайритабиий кучларга, мифик образларга карши қаратилади. Аждар, дев, жин ва бошқалар айни замонда ҳар қандай ёмонликнинг тимсоли сифатида гавдаланувчи рамзий образлардир. Энг муҳими шундаки, кишилар жамият ва табиатдаги баҳтсизлик ҳамда турли оғатларнинг сабаби ва моҳиятини тушунолмаган бўлсалар ҳам, «уз куч-кувватларига» ишонгандар, «аждар», «дев» ва «жин»лар устидан ғалаба қозонувчи ўлмас баҳодирлар образларини яратганлар.

Қадимги турли мифологик ва афсонавий образлар узок асрлар давомида сакланиб колди, қайта-қайта ишланди. Ҳукмрон синфлар бу образларга диний моҳият

бериб, уларнинг бирмунчасини илохийлаштирган бўлсалар, меҳнаткаш халқ уларни фидокор ва нажоткор қаҳрамонлар сифатида ривожлантириб борди. Ҳатто дастлабки даврларда мифологик худолар сифатида тасаввур этилган Сиёвуш ва Рустам каби образлар халқ ижодида кейинчалик янги мохиятта эга бўлиб, халқ қаҳрамонлари сифатида талкин этилди, ёзма адабиёт намояндадарни ижодидан ҳам кенг ўрин олди.

Улут шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодиётида ҳам қадимги мифология ва афсоналарнинг чукур излари мавжуд. Миф ва афсоналар Алишер Навоийга қадар дастлабки, қадимги ҳолича эмас, балки қайта-қайта ишланиб, жуда катта ўзгариш ва янгиликлар билан етиб келди. Алишер Навоий қадимги миф ва афсоналар билан турли манбалар орқали: тарих китоблари, илмий асарлар, бадиий адабиёт, диний китобиёт ва бошқа манбалар орқали таниш зди. Бу борада унинг ўзи баъзан аниқ ва равшан маълумот ҳам беради. Масалан, «Тарихи мулуки Ажам»да Каюмарс ҳакида бахс килар экан, бундай дейди: «...Ўзга қавллар билаким, Каюмарс дебтурлар. Маъниси ҳайи нотикдир, яъни тиригики сўз айткай. Аммо «Низом ут-таворих» ва «Жоме ут-таворих»ни Жалолий ва Банокатийда даги иттифоқ била хужжат ул-ислом имом Мухаммад Ғаззолий куцдуса сириҳу «Насиҳат ул-мулук»да ани Шис алайхиссаломнинг кардошидур деганин таън килиб турлар, нединким, Шис алайхиссалом Захҳоки алаввони замонидадир. Ва тарих ахли иттифоки била Каюмарс замонидин Захҳок замонигача минг йилға якин бор». Шу асарда Хушанг муносабати билан «... Жовиди хирад» отлиғ китобни ҳикмат илмида ул тасниф килдиким, Маъмун халифа вазири Ҳасан Саҳл андин бирор нима топиб, араб тилига таржима килибтур. Ва

Шайх Бу Али Мискавайҳ «Одоб ул-араб вал-фурс» отлиғ китобида ани зикр килурким, аниңг мутолааси мусанифининг фазл ва камолига далилдир. Ва Ажам ани пайғамбар дебтур. Ва дод ва адл жиҳатидин ани пешдод дедилар. Ва темурни тошдин ул чикарди. Ва Табарий дебтурким, йигочдин тахта ул кесиб, уйларга эшик ясади...». Мана шу икки парчада Алишер Навоий бир неча китобларни ва уларнинг муаллифларини зикр этади, улар билан яқиндан таниш эканини кайд килади. Аммо Навоий зикр этган бу асарлар мифология ва афсоналарга доир биринчи манбалар бўлмай (биринчи манбалар «Авесто», «Бундахиши» ва бошқа китоблардир), балки исломиятдан кейин янги бир тарихий мухитда яратилган асарлар бўлиб, миф ва афсоналар шу тарихий мухитга мувофиқлаштирилган, кайта-кайта ишланган. Бундан бўлак, у манбаларда айрим масала, воеа ва шахслар борасида бир-биридан фарқ этувчи ёки терс бўлган маълумот ва фикр-мулоҳазалар бор. Буни Алишер Навоийнинг ўзи хам таъкидлайди. Масалан, «Тарихи мулуки Ажам»да «учунчи табака ашконийлар» тарихига ўтар экан, «тарих ахли орасида бу табака даги салотин тартибида багоят мухолафат кўптур», дейди. Шу асарнинг ўзида Ашконийлардан чиккан подиолар сони манбаларда турлика кўрсатилганини кайд килади. Манбалардаги фарқ-тафовутни кўрсатиш билан бирга Навоий имкон доирасида асли хақикатни тиклашга ёки хақикатга якин вариантии кабул қилингига интилади.

Алишер Навоий миф ва афсоналар билан тарих китоблари оркалигина эмас, балки бадиий асарлар во-ситасида хам яқиндан таниш эди. Бу жиҳатдан, айниқса, «Шоҳнома» алоҳида ўрин тутади. Чунки «Шоҳнома»нинг асосини халқ мифологияси, халқ оғзаки ижоди ташкил

этади. Каюмарс, Хушанг, Тахмурас, Жамшид, Гершасп, Аржасп, Исфандиёр, Афросиёб, Кайхусрав, Сиёвуш ва Рустам каби халқ ижодида вужудга келган қаҳрамонлар «Шоҳнома»нинг асосий қаҳрамонларири. Бу қаҳрамонлар образи узок замонлар давомида Ўрта Осиё, Эрон ва бошка үлкаларда вужудга келган. Жумладан, Сиёвуш ва Кайхусрав образлари Хоразмда вужудга келган. Афросиёб эса Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк», асарида кўрсатилишича туркий кабилалар қаҳрамони Алп Эртўнгадир.

Фирдавсий «Шоҳнома»ни яратишда халқ оғзаки ижоди билан бирга ёзма манбалардан ҳам кенг фойдаланди. Бундай манбалардан бири ва муҳими зардуштийликнинг мукаддас китоби бўлган «Авесто»дир. «Авесто» Каюмарс, Хушанг, Йима (Жамшид), Гершасп каби мифологик ва афсонавий образлар ҳақида маълумот берувчи, уларга доир бадиий асарларни – асотир ва афсоналарни ҳикоя китувчи энг кадимги ёзма манбадир. «Шоҳнома»нинг вужудга келишида катта манба бўлган жуда муҳим ёдгорниклардан бири «Хватайнамак» («Худойнома» – «Хукмронлар китоби»)дир. Пахлавий (кадимги форс) тилида яратилган бу тўплам сосонийлар сулоласининг хроникалари билан бирга, кадимги эпос ва афсоналарни ҳам камраб олади. Фирдавсий «Шоҳнома»да «Шоҳномаи Мансурий» ва бошка манбалардан ҳам фойдаланди.

Алишер Навоий «Шоҳнома» билан бирга жуда кўп форс-тоҷик, араб ва туркий тилларда яратилган обидалар билан яқиндан таниш эди. Ҳар калай Навоий эътиборидан четда қолган Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалкларининг улкан обидалари жуда кам бўлса керак. Кадимги мифология ва афсоналар мана шу асарлар таркибиға кириб кетган эди. Жумладан, миф ва афсона-

лар Низомий Ганжавий ва Хисрав Дехлавийнинг «Хамса»ларидан ҳам ўрин олган. Каюмарс, Жамшид, Гершасп, Сиёвуш, Рустам ва бошка қадимги мифологик ва афсонавий образлар асрларга ҳамроҳ бўлиб келмокда эди.

Шундай килиб, Алишер Навоий миф ва афсоналар билан ҳалқ ижодиёти орқали ёзма манбалар: тарих китоблари, тазкиралар (масалан, «Девон ун-насаб», «Тазкират ул-авлиё» каби), илмий асарлар ва алалхусус бадиий асарлар орқали таниш эди. Бу манбаларда қадимги миф ва афсоналар жиддий ўзгариш ва янгиликларга дуч келган, ўзгача тарихий шароитга мувофиқлашган эди. Баъзан миф билан афсона ҳамда тарихий вокеликнинг чегараси йўқолиб кетиб, миф афсонага, афсона «тарих»га айланиб колади. Турли муаллифларда айнан бир миф ёки афсона турлича баён ва талқин этилади. Буларнинг ҳаммаси табиий ва ўзининг муайян сабабларига эга. Лекин шунга қарамай, уларнинг кўпчилигига миф ва афсоналар қандай ўзгаришларга дуч келган бўлмасин, улар ўз ўзаги ва айрим хусусиятларини саклаб колади. Арханг ўзак ва айрим хусусиятлар Алишер Навоий ижодиётида ҳам сакланниб колган.

Алишер Навоий қадимги миф ва афсоналарга бир неча максад, жихат ва усул билан мурожаат килади. У «Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да мавжуд манбалардан фойдаланиб, «мулук» (хукмдорлар), «анбиё» (пайғамбар – авлиёлар) ва «ҳукамо» (хаким – донишмандлар) тарихини баён этиш мақсадини ўз олдига кўяди. Муаллиф кўп манба кўриш, уларни бир-бирига киёс этиш ва ишончлирок, мукаммалрок манбага таянишга интилади, анъанавий маълумот, таъриф ва тавсиф беради, ортиқча ўзгаришлар киритмайди, балки ўз дунёкараши ва максад-мудда-

осига мувофик айрим ўринларга, маълумот ёки ҳатто унсурларга алоҳида эътибор беради, уларни бўрттириб таъкидлайди. Эпик асарларида эса, миф ва афсоналардан кенгрок ва эркинроқ фойдаланади, уларга ижодий ёндашади, ўз асарининг таркибига сингдиради, «арханг ҳодиса»га янгича тус беради. Аммо мақсад замонавийлашган билан миф ва афсона ўз илдизи ва хусусиятларини ҳам саклаб колади. Бошқа ҳолларда эса, Алишер Навоий таъриф ва тавсиф учун мифологик ёки афсонавий қаҳрамонлар номига, уларнинг сифат ва хислатларига мурожаат қиласиди, ўз қаҳрамонини мифологик ёки афсонавий қаҳрамонларга ўхшатади ёки уларнинг айрим жиҳатларини ўз қаҳрамонларига кўчиради. Бу Навоийнинг эпик ва шу билан бирга, лирик ҳамда бошқа турдаги асарларига хосдир. Шундай қилиб, Алишер Навоий қадимти мифологик ва афсонавий қаҳрамонлар билан турли хил манбалар орқали хийла кенг билим ва маълумотга эга эди. У мифологик ва афсонавий қаҳрамонлар образидан ижодий фойдаланди, уларга янги моҳият ва тус берди.

ЭЗГУЛИК МИФЛАРИ

Алишер Навоий асарларидаги мифологияни уч гурухга ажратиш мумкин: 1) Эзгулик мифлари; 2) Ёвузлик мифлари; 3) Космогоник мифлар.

Эзгулик мифларига Каюмарс, Ҳушанг, Тахмурас ва Жамшид кабилар ҳакидаги мифларни киритиш мумкин. Каюмарс, Ҳушанг, Тахмурас ва Жамшид дастлаб биринчи инсон ва унинг зурриёти ҳакидаги мифлар сифатида вужудга келди. Мифологияга кўра, Гайа Мартан (Каюмарс) ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: ҳўқиздан ва одамдан ташкил топган

экан. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс жасадининг ҳўқиз кисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик ва сигир, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; одам кисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади. Каюмарс образи тасвирий санъатда ҳам маълум из қолдирган. 1932 йилда Тали Барзуда (Самарқанд якинида) топилган сополга ишланган сурат шуни кўрсатади. Бу суратда гавдасининг пастки кисми ҳўқиз, юкори кисми одам бўлган шакл тасвирланган. «Бундахишин»да айтилишича, Каюмарс уруғидан ривоч (ривож) ўсиб, охири қўшалоқ ривоч икки одам шаклига айланади, булар биринчи инсон жуфти: Машйо ва Машйона (ёки Матра ва Матройана) бўлиб, шулардан одамзод фарзандлари бунёд бўла бошлаган эмиш. Бу худди «Таврот»даги Одам ва Ҳаво (Одам Ато ва Момо Ҳаво) ҳакидаги афсонага ўхшайди.

Каюмарс ҳакида ўрта аср тарихчилари: Табарий, Масъудий, Саолибий, Беруний ва бошкаларда ҳам маълумотлар бор. Каюмарс мифологиясининг намуналари хилма-хил бўлса-да, аммо уларнинг негизи бирдир. Буларда Каюмарс биринчи инсон, инсоният жуфтининг яратувчиси сифатида тасвир ва талкин килинади.

Каюмарс ёзма адабиётга ҳам кириб борди. «Шохнома» билан у ёзма адабиётдан мустаҳкам ўрин олди. Фирдавсий Каюмарсни биринчи шоҳ деб тасвир этади. Бу Фирдавсийнинг яшаган мухити ва «Шохнома»нинг гоявий моҳияти билан боғлиқдир. Яхшилик кучларининг бошлиғи Хурмуз ёмонлик кучларининг бошлиғи Ахриман ва унинг девларига карши курашда кишиларнинг талабиши таъминлаш учун биринчи шоҳни – Каюмарсни яраттан эмиш. Каюмарс кишиларни ваҳшийликдан куткариб, уларни меҳнат ва маданиятта олиб чиқкан, чорвачилик ва хунармандчиликка ўргатган эмиш:

Пажуҗандаи номаи бостон,
Ки аз паҳлавонон занад достон.
Чунин гуфт: «К-ойинни тахту кулоҳ
Каюмарс овард, к-ў буд шоҳ...
Каюмарс шуд дар жаҳон қадхудой.
Наҳустин ба кӯҳ-андарун соҳт жой...
Аз ўандаромад ҳаме парвариш,
На пӯшидани буду на ҳуриш...

Инсонга баҳт-саодат ато қилиш, уни тараккиёт сари бошлиш умуман кўпгина мифларга хосдир. Бу жиҳатдан, айникса, худоларга карши «жанг» қилиб, инсонга олов олиб тушган юонон мифологиясидаги Прометей, меъмор ва санъаткор Дедал ва бошка мифлар характерлидир. Каюмарс ва унинг фарзандлари ҳам шу зайлда мўжизалар кўрсатган мифологик қаҳрамонлардир.

Каюмарснинг ўлимидан сўнг тахтга чиккан ўғли Хушанг, Хушангнинг ўғли Тахмурас Каюмарс изидан бориб, унинг фаолиятини давом эттирадилар. Хушанг замонасида ўт-олов кашф қилинади, қишилар темирчиликни касб киладилар ҳамда арик-каналлар очиб, экин ерларини сугоришни ўрганадилар. Етти юз йил ҳуқмронлик килган Жамшид замонасида қишилар Ахри-маннинг зулмидан кутуладилар, муҳтожлик, касаллик ва ўлим йўколиб кетади. Фирдавсийнинг Жамшиди шу жиҳатлари билан «Авесто»даги Йима (Жамшид)га жуда монанддир. «Авесто»да хикоя килинишича, Йима адолатли ҳукмрон бўлиб, унинг даврида қаҳратон совук ва жазирама иссик ҳам, қариш ва ўлиш ҳам бўлмаган экан. Жамшид ер юзини уч баравар кенгайтиради, чорва моллари ва турли хил күшларни кўпайтиради. Бирок, қаҳратон қишиш бошланиб, қишиларга оғат келтиради. Қиши ўтиб, кор-музлар эриб, яйловларни сув

босади. Шунда Жамшид яна најоткор бўлади. У катта говлар куриб, кишиларни ва уларнинг мол-мулкини сув тошкинидан саклаб колади, уй-жойлар куради, ариклар очади. Йима шаънига айтилган шеърда куйидаги мисралар бор:

Кудратли шоҳ Йима даврида бўлмасди
На изгирин, на жазирама иссиг, офат.
Унда на каримок бор эди-ю, на ўлмок,
Ва на девлар тутдирган рашку ҳасад.

Фирдавсий Жамшиди «Авесто»даги Йимага муштрак бўлиши билан бирга катта фарк ҳам қилади. Фарк асосан шундаки, Фирдавсий Жамшидни икки киёфада: одил ва мутакаббир Жамшид тарзида беради. Жамшид ниҳоятда магурланиб кетади, у ўзини худо билан тенглаштиради, бутун борликнинг яратувчиси мен деб, даъво қилади. Фирдавсий Жамшид тимсолида бир-бирига зид бўлган икки шоҳ образини яратди. Бири адолатли ва маърифатпарвар шоҳ Жамшид бўлиб, шоир уни улууглайди, бири мутакаббир ва худбин шоҳ бўлиб, шоир уни қоралайди, ўлимга маҳкум қилади. Бу билан Фирдавсий, бир томондан, мифологиянинг асосини саклаб қолса, иккинчи томондан ўз даврининг муҳим муаммоларидан бири бўлган адолатли ҳукмрон учун кураш гоясини илгарн сурниб, адолатли ва маърифатпарвар Жамшид образи оркали ҳукмронларни ундан ўриак олишига, эл-юрт учун хизмат килишга, кўпга таянишга чакирса, магрур ва мутакабbir Жамшидинг тақдирли оркали уларни огохлантиради.

Алишер Навоий Каюмарс, Ҳушанг, Тахмурас ва Жамшид ҳакида «Тарихи мулуки Ажам»да маҳсус бўлимларда сўзлайди. У ўрта вср тарихчилари ва Абулкосим Фирдавсий каби Каюмарс, Ҳушанг, Тахмурас ва

Жамшидни шох сифатида тасвирлайди. Унда ҳам бу образлар худди «Шохнома»дагидек ярим мифологик – ярим тарихий шохлар қиёфасини олади. Улар кишиларга хаёт, ноз-неъмат, кийим-кечак, уй-жой, бахт-саодат ва осойишталик ато қиладилар. Бу билан аслида мифлар сифатида вужудга келган мазкур образлар инсонга олов олиб тушган Прометей каторидан ўрин оладилар.

Қадимги Ажам – Эрон шохларини түрт сулола – хронологик табақага ажратиш бир анъана бўлиб колган. Бу анъана мифологик образларни ҳам тарихда ўтган шохлар сирасига кўшиб юборган, афсона билан тарих худуди кўшилиб кетган эди. Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да «Ажам тарихида фурс салотинини түрт табака килибтурлар» деб таъкидлайди. Булар: Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар. Анъана бўйича Навоий Каюмарс, Хушанг, Тахмурас ва Жамшидни Пешдодийлар сулоласининг биринчи ҳукмдорлари сифатида тасвир этади. Турли манбаларни диккат билан ўрганиб чиқкан ва улардаги муштараклик билан бирга фарқ-тафовут ва зиддиятни чуқур идрок этган Алишер Навоий Каюмарс ҳакидаги сўзини шу зайлда бошлайди: «Тарих уламоси иттифоқи била бирорким салтанат қилди, Каюмарс эрди. Аммо унинг нисбати бобида ихтилоф кўпдурким, Муғ деб тур: Одам алайхиссаломнинг набирасидур ва баъзи Фурсадин анинг Нух алайхиссаломнинг авлоди дебтурлар. Яна даги сўз кўп бор, аммо сихатдин йирогроқ учун битилмади. Одам деганлар, кавли била ани Гилшоҳ дебтурлар, бу маъни билаким, болчигдин яратилди. Яъни киши пуштидин эмас эрди...». Бу парчада Навоий Каюмарсни мифологияга мувофиқ биринчи инсон сифатида тасвир этмокда. Лекин шу билан бирга у Каюмарсни, ўрта аср тарихчилари ва Абулқосим Фирдавсий сингари,

биринчи подшо ва инсоният учун күп фойдалы ишлар килган адолатпарвар ва хунарпеша, ижодкор сифатида таърифлаб улуғлайди. «...хар тақдир била подшолик қоидаси андин бурун йўк эрди. Бу қоидани ул тузди. Дағи аввал қишиким, шаҳр бино қилди ул эрди. Дамовандни бино қилди, аммо анда гоҳи бўлур эрди. Истахрни бино қилди, аммо кўпрак авқот анда бўлур эрди. Минг яшади ва лекин умрининг охирида кирк йил салтанат қилди. Дағи Сиёмак ўғли Хушангниким, набираси эрди, валиаҳд қилиб, вафосиз жаҳонга видоъ этти...»¹.

Навоий ҳам ўрта аср тарихчилари ва Фирдавсий каби, шоҳларнинг (мифологик шоҳлар кўзда тутилади) «адолат билан салтанат суриши», «ободончилик», «имамърифат», «касб-хунар» соҳасидаги фаолиятига катта эътибор беради ва шу йўл билан ҳам адолатпарвар ва маърифатпарвар подшо ҳакидаги орзу-армонларини тарғиб этади, илгари суради. Хушанг – Пешодийлар сулоласининг расмий асосчиси. «Ва дод ва адл жихзидин, – дейди Навоий, – ани пешдод (адолатни бошловчи – Н.М.) дедилар. Ва темурни тошдин ул чикарди. Ва Табарий дебтурким, йигочдин тахта ул кесиб, уйларга эшик ясади ва аксар конларни ул чикорди ва барсни ва итни ул кийик олғувчи қилди ва отка эгар ул ясади ва тевани юкка ул киорди ва отка эшакни тургузуб ҳачир хайлини ул қилди ва ариғлар казиб, сув солиб, ободлиғ қилди. Ерга фарш ул солди ва тулки ва ос ва тийин терисин ул киярга кабул қилди...» Шу билан бирга, Хушанг Балх, Бобил ва Сус шаҳарларини бино этади. Бундай ўринларда Хушанг гўё бир тарихий шахс киёфасини олади. Лекин, шунга қарамай, «Тарихи

¹ Юкоридаги том, 185-186-бетлар.

мулук Ажам»да ҳам у мифологик негизни батамом йўкотиб юбормайди. Кадимги мифология ва у билан боғлик бўлган фалсафага ҳос дуалистик қараш, яхши ва ёмон кучларнинг, ёруғлик билан зулматнинг кураши Хушант ҳакидаги Навоий сўзларида ҳам ўз моҳиятини саклаб қолган. Хушанг – яхшилик ва ёруғлик тимсоли. Аммо бунинг, демакки башариятнинг, даҳшатли душманлари бор. Булар – девлар. Навоийнинг айтишича, девлар сажда – ибодат билан машғул бўлган Хушангни бошига тош билан уриб, янчиб ўлдирадилар. Шундай килиб, Хушангни ёмонлик ва зулматнинг рамзи бўлган девлар ҳалок этади. Бундай тушунча ва талқин зардустийликка, «Авесто», «Бундахиши» ва бошка кадимги асотир ҳамда афсоналар баёнини камраб олган тарих ва адабиёт ёлномаларига ҳам хосдир.

«Тарихи мулук Ажам»да тасвирланишича: Хушангнинг ғили Таҳмурас ҳам отасининг изидан боради: «...Халойик ривоятига ва мамолик ҳимоятига жидд била машғул бўлди. Ва анинг замонида азим қахат воеъ бўлди. Ғанийларга буюрдиким, чошт таоми била ўткаргайлар ва шом таомин масокинга бергайлар. Ва рўза тутмок андин суннат колди. Ва ул бино килган шаҳрлар Марвда Кухандиз ва Хуресонда Нишопур ва Исфаҳонда Маҳриз ва Сорийя...»

Адолат ва хунарпешаликда Жамшид янада илгари кетади. У турли ҳарбий куроллар кашф этади, кўприк, ҳаммом ва бошқаларни барпро этади, шаҳарлар куради, наврўз байрамини одат тусига киригади ва ҳоказо. Булар Жамшидинг улуг ва олиjanоб хизматлари. Аммо, «Шоҳнома»да тасвирланганидек, Жамшид шайтоннинг макри билан нотўғри йўлга тушиб колади ва ҳалок бўлади. «Окибат муфрит шоҳ гуури ва азим давлат тақаббури димогига фосид хаёл солиб, оламни ўз

ибодатига амр килиб, ўз сурати била бутлар ясаб, ақолим ва кишварларға йибориб, элга ўзининг парастишини буюрди. Ҳаройинағайрати илоҳи мұқтазий ул бүлдиким, анга жазо етгай. Шаддод Одка тақдир бүлдики, кардоши ўғли Заҳҳоки алаввонини сипоҳ била юборди, то ани тутиб, арра била икки бүлуб, жисмин пора-пора қилди. Табарийда анинг қатли Бюростка мансубдур, аммо ўзга таворихда йўқтур». Навоий Жамшид фаслини ҳам бошқа фасллардек маснавий усулида битилган тўрт мисра шеър билан тугатади:

«Чу Жамшид таҳти узра тутти мақом,
Димогига йўл топти савдойи хом.
Ани қилди ҳақ макри айлаб ситеz,
Сиёsat киличи била рез-рез».

Шундай килиб, бошқа муаллифларда бўлганидек, мифологик шохлар «Тарихи мулуки Ажам»да расмий-тарихий шохлар қаторидан ўрин олади. Зотан, Навоийнинг бошқа асарларида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин. Чунончи, «Фавойид ул-кибар»даги катта ҳажмли машхур «Сокийнома»да Каюмарс, Ҳушанг ва бошқалар Яздижурд ва Баҳром каби тарихий шохлар сирасида берилади:

...Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг кони,
Иккита тож ила авранг кони!
Кани Жамшиду Фаридун охир,
Бирини кўйдиму гардун охир!
Не Каённий бору не Сосоний,
Не Скандар доги не Ашконий.
Қолмади Рустам ила Сом доги,
Яздижурд ўттию Баҳром доги...

Каюмарс, Ҳушанг, Тахмурас ва Жамшид ҳақидаги Алишер Навоийнинг маълумотлари, фикр-мулоҳаза-

лари, айрим фарқ-тафовутларига қарамай, XV асрнинг тарих ва адабиёт асарларига, шу жумладан, Навоийнинг ташаббуси ва кўмаги билан вужудга келган «Равзат уссафо»га жуда ўхшашдир.

Мифологик шоҳлар ҳақидаги баҳсни якунлаб, шуларни таъкидлаш мумкин:

– Алишер Навоий мифологик шоҳлар билан ўрга аср тарих китоблари ва «Шоҳнома»дек ёзма адабиёт обидалари орқали таниш эди; у шу анъаналардан танқидий-ижодий фойдаланишга, мавжуд материалларни саралаб олишга интилди;

– Навоий бошқа муаллифлар каби мифологик шоҳлар киёфасига хос архаик маҳраж моҳият ва хусусиятларни саклаб қолди;

– У қадимти мифологик шоҳларга яшаган муҳити нуктаи назаридан ёндашиб, адолатли, фуқаропарвар ва маърифатпарвар шоҳ ғоясини илгари сурди, адолатсизлик, ҳудбинлик ва такаббурликка қарши курашди;

– Навоий мифологик шоҳлар тасвирида реаллик билан фантазияни, ҳакикат билан афсонани уйғунлаштира олди ва ҳалқ ҳикояси, ҳалқ эртаклари услубидан баҳраманд бўлди.

* * *

Инсон ҳаёт билан. У ҳаётни севади, ўлимни енгиб абадий ҳаёттга интилади. Табиатнинг мангулиги инсонни шунга илҳомлантиради. Қаҳратон қишида ҳаётдан «асар қолмаган» дарахтларнинг, «ўлим уйқусига кетган» айрим жониворларнинг баҳор келиши билан қайта жонланиб, яшаб ва яшнаб кетиши кишиларга ҳам мангулик умидини багишлайди. Улар абадий умр ато килувчи «оби ҳаёт», турли мева ва бошқалар ҳакида ҳаёл суриб, мӯъжизакор мифологик образлар яратадилар.

Масалан, «Авесто»да тасвирланган хаёт дарахти Хома (Хинд намунасида Сома) шулар жумласидандир. «Авесто»нинг З-китоби «Ясна»нинг бир бобида Хома таърифида унинг ўз тилидан бундай дейилади: «Мен... одил, ўлимни бартараф эгувчи Хомаман... менинг (шарбатимни) сикиб овқатта кўш, мени шарафлаб кўшик айт... Моддий олам учун менинг (шарбатимни) сикиб олган биринчи инсон Вивахант (эди)... унга фаровонлик ато бўлди, иши ўнгидан келди, Йима деган ўғил кўрди, у ёркин эди, подаларга бой эди, кишилар орасида энг нуроний, куёш тимсол эди, ўз хукмронлиги даврида ҳайвонларни ҳам, одамларни ҳам ўлмайдиган, сув ва ўсимликни куrimайдиган килди...»

Кадимги Бобилнинг «Гильгамеш ҳакида достон», «Адам ҳакида достон» каби асарлари ҳам ўлмаслик истаги ҳакидаги мифлар заминида вужудга келган.

Кадимги мифологияда вужудга келган «ўлмайдиганлар» образи, абадий ҳаёт бағишловчи оби ҳаёт, гиёх, мева ва бошқалар ҳамда шулар билан боғлик вайрим тушунча ва белгилар кейин ҳам давом этди, баъзилари диний, баъзилари дунёвий моҳият касб этди, бадиий адабиётдан ҳам ўрин олди.

Алишер Навоий ижодиётида ўлмаслик ҳакидаги мифология излари «Қакнус» ва «Самандар» образида ҳамда Масих (Исо) ва Хизр номи билан боғлик холда сакланиб колган. Қакнус абадий ҳаётнинг тимсолидир. Алишер Навоий бу образдан «Лисон ут-тайр»да фойдаланиб «ўзининг Шайх руҳи мададидин анга татаббуъ килғонга қакнус тимсоли» бобида хикоя киласи ва ўзини қакнус болага ўхшатади. Ҳиндистон мулкида қакнус деган ғалати бир күш бўлар экан. Унинг тумшуғида жуда кўп тешикчалар бўлиб, уларнинг ҳар биридан ўзига хос ажиб мусикий ун чикар экан. Фисогурс (Пифагор) ундан

илхомланиб, мусика илмига асос соглан экан. Қакнус бир умр ўрмонда яшаб ўтин йигар, умрининг охирида бутун санъатини ишга солиб, куй куйлар, барча күш ва хайвонлар йигилар, куй таъсири билан кўпли халок бўлар, қакнус куйни тутатиб, ўтин хирмонига ўт ёкар, алнга кўкка кўтарилиб, ҳамма куйиб кул бўлар, аммо мўжизадек кул устида бир қакнус бола пайдо бўлар экан. У канот чикариб учар, ўрмонда ўтин йигар ва куй куйлаб, ҳаммани чорлар ва ниҳоят хирмонга ўт қалар экан. Бу абадий такрор бўлар экан:

...Солур эрмиш ул улук хирмонга ўт,
Сокин ўлғон манзилу масканга ўт.
Ўт алам тортар эмиш афлокка,
Барк тушгандек хасу хошокка.
Ул ўтун ёнғондек ул күш ҳам ёниб,
Парлари яфроғлардек ўртаниб.
Ҳам ўзи, ҳам у ўтунлар кул бўлуб,
Юз туман жузв ул куёрдин кул бўлуб.
Чунки ул куллар угулди тогча,
Махфий эрмиш – кулда бир қакнусбача.
Тебраниб кулдин чикиб таскин ила,
Пар чикориб зийнату ойин ила.
Чун ҳаво айлаб кўруб ул бешани,
Жазм этиб ўтун йигор андешани.
Умрида ул доги жамъ айлаб ўтун,
Ул иш асносида тортиб дилкаш ун.
Чун анга ҳам етса поёнига ёш,
Ул доги айлаб ато килғонни фош.

Самандар ҳам қакнусга монанд бўлиб, калтакесакка ўхшаш бужонивор, афсонада айтилишича, гўё ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичиди яшар эмиш. Алишер Навоий самандар образидан ҳам бир восита сифатида фойдаланиб, маълум бир мақсад ва кайфиятни ифодалайди. Масалан, у

«Бадойи ул-васат»даги бир ишкий ғазалда күнглидаги ишк үти шу даражада кучли ва ҳалокатлики, у үтда пайдо бўлиб, үтда яшовчи самандарни ҳам куйдиради, деб үта муболага – иғроқ кўллади:

Оташкада үтида самандар топар ҳаёт,
Кўнглум үти валек самандарни куйдиур.

Афтидан, қакнус ва самандар каби образлар зардуштийлик даврида, оташкадалар замонида вужудга келган, кейинрек эса улар ўз моҳиятини ўзгартириб, ўрта аср муаллифлари улардан бир восита сифатида фойдаланганлар.

Мифологиядаги «ўлган» ва «қайта тирилган» худоларга, жумладан, Бобил худоси Мардукка нисбат берилган сифатлар кейинчалик Иисус Христосга кўчирилади. Иисус Христос – христиан динининг мифологик асосчиси. У гўё милоднинг бошида (милодий йил хисоб шу билан боғлик) Фаластииннинг Вифлеем шахрида туғилган. Иисус илохий кудрат билан ёлғиз бир жинсдан пайдо бўлади, Мария (Биби Марям)дан туғилади. У янги динга – христианликка асос солади. Рақиблари томонидан салбга – хочга михланади, илохий кудрат билан у қайта тирилиб, осмонга парвоз қиласи, Ўлмас бўлиб қолган Иисус ўлиknитирилтириш, беморга нафаси билан шифо бериш мўъжизакорлигига эга экан. Бу диний афсона Шарк мусулмон мамлакатларида ҳам кенг таркалиб, диний китоблардан ўрин олади. Иисус Шаркда Исо ёки Масих номи билан юритилади. Унинг ўлмаслиги, ўликларга жон ато килиши диний китобларда илохий мўъжиза сифатида талқин килинса, бадиий адабиётда, пешкадам ёзувчилар ижодида дунёвий тус олиб, мажозий моҳият касб этади. Исога нисбат берилган бу сифатлар кўпинча ёрга кўчирилади, ёр ўз мўъжизакорлиги билан Исодан

устун ва авло килиб кўйилади. Бу дунёвий адабиётнинг вужудга келиши, хаётни, борлиқни зътироф этиш ва унга мухаббатни куйлаш билан боғликдир.

Алишер Навоий Исо ҳакида анъанавий диний афсоналарни «Тарихи анбиё ва хукамо»да баён этса, бадиий асарларида Исодан бир восита сифатида фойдаланади. Навоий «Тарихи анбиё ва хукамо»да Исо ҳакида сўзлаб, уни «Модарзод пайғамбар» деб атайди, «Масих» сўзининг лугавий маъноси, Масихнинг тупилиши ҳакида кўпдан-кўп маълумот ва мулоҳазалар борлигини таъкидлаб, «Масих лафзида сўз кўптур. Ва Исо алайхиссалом валодатида ҳам сўз кўп дептурлар. Тафосир кутубидин маълум бўлур. Чун бу муҳтасарда матлуб ихтисордур. Яъни муаррихона ишларга конеъ бўлуди. Мукаррардурким, Исо алайхиссаломнинг отаси йўқтур. Марям Жаброил алайхиссаломнинг нафси била ҳомила бўлди...» Демак, Навоий бу асарида Исо ҳакида тарих китоблари ва тафсирлар асосида киска маълумот бериш вазифасини ўз олдига кўяди, холос. У ўз «Муҳтасар»ида Исонинг нафаси, жонсизга жон ато килишига алоҳида эътибор беради. «...ва сойир мўъжизотидан бири хуффошдурким (кўршапалак – Н.М.), балчигдин ул ҳайъот била ясад, нафасин анга сурди. Ва ул нафасдин рух топиб учти ва эмдигача бор... Ва ул улукким, Исо алайхиссалом тиргузди Ибнал – Ажуз эрди. Ва шархи будурким, сайр асносида бир ажузани (кампирни – Н.М.) кўрдиким, бир кабр бошида мусассир навҳа қиладур. Сўрди. Дедиким, ўғлим эрди ва Фирокидин бетоқатман. Исо алайхиссалом дуо килиб, тенгри таоло ул майтка рух киорди ва ўлук тирилгач, илтимос қилдиким, дуо қилғайким бурунги ҳолига боргай ва мавт сапароти бўлмагай. Руҳулло дуоси била бу иш ҳам бўлди...»

«Тарихи анбиё ва ҳукамо»да Исонинг отасиз таваллуд бўлиши, унинг жонсизга жон ато килиши мўъжизаси ва тириклай осмонга учиб, ғойиб бўлишини диний-анъанавий тусда баён этган Навоий, бадиий асарларида буларга янгича дунёвий мохият беради, анъаналардан ўз илгор фикр-карашларини баён этишда бир восита сифатида фойдаланади. Кўп холларда бу ўша диний-анъанавий маълумот, тасаввур, мулоҳаза, талқин ва холосага қарама-карши келади.

Хотин-қизларга улуғ инсонпарвар сифатида ёндашган Алишер Навоий, уларни улутграб, эркаклардан юкори кўйиб, бир китъада Исонинг отаси таваллуд бўлишига ўзгача изоҳ бериб айтади:

Ано ўрнин ато тутмас ўғилга,
Ки мумкиндур ўғил бўлмоқ атосиз,
Масиҳо бирла Марямдин киёс эт,
Ки имкон йўқтур бўлмоқ аносиз.

Бу китъада Навоий Маръям ва Исо ҳакидаги диний афсонани тарғиб этмокчи эмас, унинг асл максади хотин-қизларни шарафлаш, оналарни улутглашdir. Диний афсона эса бир восита, холос. Аммо, ўша мухитни кўзда тутсак, бу восита ҳийла таъсирили бир восита эди.

Исога нисбат берилган сифатларни ёрга кўчириш, ёрни Исога қарама-карши кўйиш Навоийнинг салафлари ва замондошлари ижодида ҳам, унинг ўз асарларида ҳам дунёвий майл ва ҳаётий мохиятни ифодалашнинг бир бадиий усули сифатида хизмат қиласи. Масалан, дунёвий адабиётнинг истеъдодли намояндаси Отойи ҳаётнинг кўрки ва завқ-шавкини жаннатдан эмас, балки ҳаётнинг ўзидан излайди, ҳаёт жаннатдан гўзал бўлгани каби, ёр ва унинг кўрки жаннатнинг неъматлари ва хурларидан лазиз ва тотлидир, дейди.

Учмокта юз кітла кінешмат бўлур эрди,
Тубида агар бўлса, бу комат била рафтор, —

байтида шоир ёрнинг лаби жаннат кавсари шаробидан
хам ширин ва тотли бўлиб, у «лаб жоми майи сарки-
тини» топган хурлар хам жаннат кавсаридан воз кечач-
дилар, дейди. Бугина эмас, Отойининг айтишича, ёр
огзи мўъжизасини кўрган Исо хам унга тан бериб,
уялганидан кўкка кочиб яширгандир.

Оғзингда мўъжиз оятин Исо кўруб зиёд,
Биздин кочиб ёшурунди кўк ичра ўётгин.

Исо диний ракобат, кураш заминида эмас, шоир-
нинг янги талкини — хаётта муҳибилигига кўра, хаёт
багишловчи ёроғзи билан ракобат килолмай, уялганидан
осмонга учеб кеттан тунга монанд, хусну жамолда ёрга
тенглашолмаган хурлар хам жаннатга кочиб кетганлар:

Хусн ичра кусурун билибон то дами маҳшар,
Ёшунди юзунг хижлатидин жаннат аро хур.

Навоий «малик ул-калом» деб таърифлаган Мавлоно
Лутфий хам Отойи каби хаётни — ёрии диний-анъанавий
афсонага қарама-карши кўйиб:

Исо фалакка борди, чун бўлди лабинг жон бергувчи,
Шармандалиқдин кетмаса, кўкта анга не бор эрур, —
дейди.

Алишср Навоийда хам Исо шундай моҳиятга эга.
Унда кўп холларда Исо каторидан Хизр хам ўрин
олади. Афсонага кўра, поёнсиз зулматда бўлган оби
хаётни факат Хизргина билар, у истаса, кишини мана
шу оби хаётга олиб борар эди. Исо нафаси билан хаёт
багишиласа, Хизр оби хаётта олиб бориши билан хаёт
багишлиади. Аммо ёр Исодан хам, Хизрдан хам устун.
Бир неча мисол келтирамиз:

Дамингни асра, эй Исоки, ранжим дафъига ҳар кун,
Гизо ул ой киличи захмининг бир катра қони бас.
Агар Масих дуоси ўлукни тиргузур эрди,
Не нутк эзурки сўкунчунг била ўлук тирилибдур.
Эй хату жон баҳш лаълингдин нишон Хизри Масих,
Балки бу икки ўтидин никон Хизру Масих.
Еру кўкта истабон пайдо эмас, Хизру Масих,
Кочтилар гўё дудогинг оби ҳайвонин кўруб.
Бу ўлганларга умри Хизр бергай яна ногоҳ,
Масихим оби ҳайвон янглиғ этса бир гузор анда.

Навоий баъзан ёрни сокий, мугбача билан алмаштиради. Масалан, у дайр пири ва мугбачани Хизру Масихга тенг кўйиб айтади:

Дайр пири кўлдабон, тиргузди майдин мугбача,
Эй Навоий, бу икавни кил гумон Хизру Масих¹.

Шубҳасиз, Алишер Навоий Масих мӯъжизасига ҳам, оби ҳаётга ҳам ишонмаган, жилла бўлмаса, буларга шубҳа билан қараган. Буни, жумладан, куйидаги мисралар ҳам қувватлайди:

Ҳаёт ичра бако чун мумкин эрмас Нуҳ бўлсинким,
Ўлар ҳолатда тугмай ўлган ўғли бирла яксондур.
Бако сарчашмаси зулматда дерлар йўкки, ул зулмат.
Скандар охи ўтидин йўғилгон дуди хирмондур².

Аммо, ҳаёт, борлик мангудир. Агар инсон комил инсон булиб, олижаноб сифат ва фазилатларга эга бўлса, у ўлмасдир, мангудир. Бу яна бир бор Навоийнинг:

«Бу гулшан ичраки йўқтур бако гулига сабот,
Ажаб саодат эзур чикса яхшилик била от»

хикматини хотирга келтиради.

¹ «Бадойи ул-васат», 107-бет.

² «Бадойи ул-васат», 136-бет.

ЁВУЗЛИК МИФЛАРИ

Яхшилик кучлари билан ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш, таъкидлаб ўтилганидек, бутун мифологиянинг замари ва моҳиятини ташкил этади. Бинобарин, ёвузлик мифлари ҳам эзгулик мифлари каби қадимийдир, инсон тафаккури ва бадиий тафаккурининг энг қадимий кўринишидир. Ёвузлик мифлари турли ҳалкларда, турли тарихий шароитда хилма-хил кўринишида бўлса ҳам уларнинг моҳияти муштаракдир. Ёвузлик мифлари қаҳрамонлари Шарқ ҳалкларида, кўпинча, дев, аждар, жин ва бошқалар киёфасида гавдаланади. Мана шу мифлар ҳалқ оғзаки ижодиётида кайта-қайта ишланиб, асрлардан-асрларга ўтиб келаётгани каби, ёзма ада-биётда ҳам чукур из колдирган.

Ёвузлик мифлари Алишер Навоий ижодиётидан ҳам ўрин олган. Унинг асарларида дев, аждар, Яъжуж ва Маъжуж каби ёвуз мифологик образлар бор. Булар оғат ва зулмат, қабоҳат ва разолат, ўлим ва кулфатнинг тимсоли. Шоир бу образлардан аниқ ғоявий-эстетик максад йўлида, замонасининг воеа ва муаммолари ҳакида фикр-мулоҳаза юритганда фойдаланади. Аммо, мифологияга бундай «замонавий» муносабат унинг тугма табиати ва ўзига хос хусусиятларини, инкор килмайди. Ёвузлик мифлари билан танишар эканмиз, Алишер Навоий бизни, бир томондан, қандайдир хаёлот, мавхумот, сехр ва мӯъжизалар оламига, иккинчи томондан, XV асрнинг реал хаёт ва ҳодисот оламига элтади. «Мифологик архаизм» билан «замонавийлик»ни шу йўсинда жўр этиш Навоийнинг катта маҳоратидир.

Навоий асарларида (хусусан достонларида) кўп учрайдиган мифологик образлардан бири дев бўлиб, у қарама-каршилик ва контраст, хаёт, кишилар, ҳодиса-

вокеалар, фикр-үйлар тұқнашувида маытум үрин згаллади. Лирикада шоир хис ва түйғу, фикр ва үйни баён этишда девдан анъанавий бир образ, восита сифатида фойдаланса, эпик асарларида сюжет ва композицияда, ходиса ва вокеалар ривожида кенг үрин беради.

Навоий Саид Ҳасан Ардашерга ёзган машхур мактубида яшаган мұхитидан шикоят килиб, унинг «эли» (кишилари)ни шайтон ва девга үхшатиб айтади:

Не эл, не киши, балки шайтону дев,
Келиб барча даъб бедоду рев.

Дев ва шайтон – бедод (зулм, адолатсизлик) ва рев (макр-хийла). Макр-хийла, анъанага мувофик, шайтонга, зулм-адолатсизлик – девга хосдир. Кишилар дев ва шайтон каби «бедод» ва «рев»ни үзларига «даъб» (одат) килиб олғанлар. Анъанавий образ ва атрибуторлар, муболаға ва ташбеклар ачынқ тарихий ҳақыкатни тұларок ва таъсирлірок ифодалашға хизмат килған.

Маълумки, Астробод даври Навоийнинг хаёти ва фаолиятининг хийла мураккаб, драматик ва күнгилсиз ходисаларга тұла бир боскичидир. Бинобарин, шоир Астрободдан кайтганидан кейин ёзган газалларидан бирида «пари»га – ёрига каратиб айтади:

Беша ичра девлар мактули, ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Бу байтда ҳам «канъанавийлик» ва «замонавийлик» жүр бұлып келтін. Анъанага құра, девнинг маскани «беша» (ўрмон), унингиши кийнаш, ўлдириш («мактул» этиш)дир. Бундан ташкари, дев париларни севади, дев билан пари бир-бирига эш – «лозиму малзум» бұлып келади (Навоий, бир томондан, анъанага мувофик, ёрини парига үхшатса, иккінчи томондан, «лозиму

малзум» санъатини ҳам қўллаган). Шунга монанд мис-
радарни «Хазойин ул-маоний»дан ҳам, «Девони Фо-
ний»дан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Навоийнинг «Фарход ва Ширин», «Сабъай сайёр»
ва «Садди Искандарий» достонларида дев мифик –
эпик образ бўлиб, у ижобий қаҳрамонларнинг эзгу
интилиши ва кураши йўлида тўғанок, ёвузликнинг
тажассуми сифатида тасвирланади. Маълумки, Фарход-
нинг серташвиш, мураккаб саргузаштларининг ибти-
доси отасининг хазинасини томоша қилиш эпизоди
 билан бошланади. Шу тасвирга багишлиган XIX боб
бундай номланади: «Хоқоннинг ўз гавҳарин хазойини
гаройиби, балки гаройиб хазойиниға киурмоги ва
анинг кўзига сангпора ушоқ тошча ва қизил олтун қаро
тупрокча кўрунмай, кўзи ҷазъи биллурий дуржга тушуб,
суда меҳри ховарийдек биллурда ойнаи Искандарийга
тушгони ва ул кўзгу тилсимидин ғариб суратлар анга
роз кўргузуб, кўнгли кўзгу аксилик изтиробга тушгони».
Шу бобда таъкидланишича, Фарход Юнонга сафари
йўлида «уч оғат»га йўлиқади, шу оғатлардан бири
деалар деви Аҳрамандир:

...Арода колса уч манзил масофат,
Ул уч манзилда вokiъдур уч оғат.
Биринчи манзил ичра аждахос,
Яраткон тенгри қаҳридин балое,
Иккинчи манзил ичра Аҳраман бил,
Анга бедоду оғат лаъбу фан бил.
Учунчиди тилисми бул-ажаб соз,
Бу икидин мушкилрак ул роз...

Кейинги бобларда Фарходнинг сафари ва кураши
тасвирланади. Фарход билан Аҳраман жангни хикоя
килинган XXIII боб «Фарходнинг девбод хиромлик

девзоди устига секриб, Ахрамон бешаси азлиға секратиб ул ваҳшатзор, балки савдо афзор бешаға кириб, Ахраман манзилигича суруб еткани ва Рустам Мозандарон бешасида дев ўлтурғондек ул беша Ахраманин катл этгони ва Ахраманваш раҳшин Ахраман қасриға сурғони ва Сулаймон хотамин илгига киоргони ва ёниб хоқон била хайларин бошлаб ул манзилда тушгони». Бобда дев манзили, кўпгина ҳалқ эртакларида бўлганидек, бир томондан, нихоятда ажойиб ва ғаройиб, иккинчи томондан, ҳавфли ва ваҳимали қилиб тасвиrlанади. «...Девнинг боғу бўстони не учи кўринар, не кирғоги билинар эди. Ёғочларнинг остида талай кўкатлар кўринар, бирок бу кўкатлар кўк осмондан ҳам юкори бош чўзган эди. Ҳар томонга қаралса, юз минглаб эски дараҳтлар, ҳар биттасининг боши фалакдан юкори. Ҳар дараҳтнинг гавдасида бир ҳайбат бор, япроқларида эса бир таажжублик бор. У ернинг тоги бошдан-бошга девлар макони бўлиб, кучли дев шамол кетмакет эсиб туради... Ҳар ариқчада оккан сувнинг овози юзлаб ғулу шайтоннинг жанжали товушини беради. Вахималарнинг кўплиги шу дараҳжада, ариқдаги ҳар бир тошни бир кесук бош деб билласан... Ичи куйиб, коваги очилиб колган ҳар дараҳт, гўё, ғулу шайтонларга чайла – олачук бўлиб кўринади. Бу девлар макони ақлнинг бошини айлантириб кўяди. Ундаги ҳар бир курук шоҳ, деининг шоҳидай кўринади... Ҳар кўкатнинг учи бир ўткир ништар, ништар эмас, кон тўкувчи бир ханжардай ўткир. Чинорлари қўлларини тебратиб: – эй, бу ерга кирган киши, тангри ҳаки учун қайт! – дегандай бўлади...»

Бу парча бобнинг экспозицияси бўлиб, у контрастни кучайтиришга, Фарходнинг шижаот ва жасоратини бўрттириб тасвиrlашга хизмат килади. Фарход ғайри

табиний ва даҳшатли ўрмонда ўзини мардона тутади.
«Конхўр дев оёқ товушини эшитиб, нима ахвол эканини
билимок учун бошини чикарди... У ўз қасридан ғазаб
булути каби чикиб келди. Бошдан оёғигача захар эди.
Унинг бекарор жисмидан оламга киёмат ўти, дўзах
алангаси сочилар эди. Унинг мағрур юришидан замон
бустони титрар ва овозидан осмон айвони дарз кетар эди.
Баданидаги ҳар бир мўйи бир ўқ каби ва балки аждарга
ўхшаш илон каби эди... Кўлида бир устун, устун эмас,
балки чинор, текисликда гўёки бир минорадай эди.
Унинг учига бир тоғ парчасини боғлаб олган, унга даста
минора булибдур. Шу хилдаги гурзини кўтариб олган
эди. Агар бу гурзи Эльбурс тоғига тегса, уни тупрок
килгудай эди...» Фарход мана шу даҳшатли махлук
билин жанг килади, унинг гурзисининг дастасини қилич
билин чопиб ташлайди, девнинг ёлқини ҳам, тошбўрони
ҳам Фарходни мағлуб этолмайди. Дев маҳв бўлади.
Фарход «Кўлида девнинг бошини узган қон тўкувчи
қиличини ушлаб, каср ичига тез-тез қадам кўйиб
кирди. Худди жаҳоннинг ичиди иккинчи жаҳондай кенг,
кайси томонга караса олам-жаҳон накдиналар ётади.
Ҳар томонга саноксиз эшиклар курилган, у эшикларга
худди ғовдай махкам темир кулфлар урилган. Ҳар кайси
эшикка бу уйда қандай очик ёви яширин ҳазиналар
борлиги ёзib кўйилган эди...» Фарход «қулфни осонлик
билин очилмас» уйни ҳам очиб, Сулаймон узугини
кўлга киритади. Қандилда «...кимгаки бу узук муяссар
бўлса, шу узукда ёзилган исмларни ўқиган киши
Искандар Румийнинг тилсимларини очади...» сўзлари
ёзив кўйилган эди. Ғолиб Фарход отаси, вазир ва бошка
ҳамроҳларини бешага, дев қасрига бошлаб олиб келади,
ҳазина бойликларини хоқон ва вазирга топширади.
Ҳамма шоду хуррам бўлиб, шоҳона базм қурилади.

ХХIII боб. Даҳшатли манзара, даҳшатли маҳлук, даҳшатли жанг. Фарҳод мана шу даҳшатлар устидан голиб чиқади, дев Аҳрамани, демакки, ёмонлик ва ёвузлик тимсолини енгади. Эртакларда бўлганидек, унга ташки куч мўъжиза, (исми аъзам) мадад берсада, аслида Фарҳодни куч-кудрат, акл-ирода, шиҷоат ва жасорат ғалабага олиб келади. Сехр, мўъжиза тасвири замираиде реал мақсад, инсон ва унинг куч-кудрати, акл-иродасига ишонч ғояси бор. Бошда дев, аждар каби мавҳум ёвузликларга карши курашиб голиб чикқан Фарҳод кейинчалик мўъжизалар кўрсатиб, «Наҳр ул-ҳаёт» ва «Баҳр ун-нажот»ни бунёд этади, Аҳрамантимсол Хисравга карши курашади...

«Сабъан сайёр»нинг З-хикоясидаги Саъд жасорати ва шиҷоати билан Фарҳодтимсол қаҳрамондир. Саъд оғир шартларни, даҳшатли тўсикларни енгиб, синовдан ўтиб, севгилисининг висолига эришади. У ҳаётнинг ва инсон толеининг ашаддий душмани бўлган кучларни маҳв этади, тилсимларни очади, донишманднинг мушкул саволларига акл ва фаросат билан жавоб беради. Шу билан бирга, у Шахрисабз шохининг бегуноҳ қишилар конини тўкишига чек кўяди. Қаҳрамонлик ва журъат даҳшат ва разолатни, тадбир ва тафаккур, хийла ва жаҳолатни енгади. Ҳикоядаги дев Қатрон ёвузлиknинг мажозий образидир.

Навоий тасвиридаги девлар макони, ташки киёфаси, куч-куvvати, сехр-мўъжизаси ва бошқа жиҳатлари билан халқ эртаклари (шунингдек, достонлари)даги девларга ўхшаб кетади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин»даги дев тасвири билан «Эркенж»а эртагидаги «...Тонг отгандан кейин подшо ўрнидан туриб караса бутун атрофи пуллатдан қилинган девор бўлиб, камалиб колибди... Дарвоза тагида бир дев ётганмиш. Бўйи саксон газ,

Калласи кападай, бурни лаккининг кинидай, кўкрагида ўсган жуни ўттиз серканинг килидай, кўзи зигирнииг тулидаймис...» эпизоди ёки «Деви Сафед» эртагидаги «Ахван девнинг ҳар кўли каттакон дараҳт гавдасидай экан. У тик юрганда боши булаттга етгани учун энкайиб сув ичишга эриниб, булатларнинг сувини шимиб ичар экан. Тўқсон ботмон гурзини тўккиз чакирим жойга отар экан...» каби парчаларни киёс этсак хийла муштараклик борлигини кўрамиз. Бу муштараклик асосан фантастик тасвир, муболага ва юморда, мажозий образ замирида етган ҳаётий мақсадда ифодаланади.

Навоий асарларидағи ёвузликнинг тимсоли бўлган яна бир образ аждар образидир. «Фарход ва Ширин»да Фарход билан аждар жангига бутун бир боб – XXII боб багишланган бўлиб, бу боб тубандагича номланади:

«Фарходнинг аждаховаш кўх пайкарига миниб, аждахокушлик тигин чекиб, аждаҳо водисига кириб, аждаҳо уни ўқ йилонидин думор чикарғондек аждархони ўқ йилони билан тору мор килмоги, додги аждаҳо горга юзланғандек аждаҳо горига юзланиб, Афридун ганжини топмоги ва додги ул ганжда аждаҳомонанд килич била ҳалқа ургон йилондек қалқонни иликлаб ул ганжни атоси бирла хайлига нисор қилғони». Сарлавҳадаги таъриф-тавсиф ва деталларга эътибор берайлик. XXIII бобда Фарходнинг отини «девбод», «девзот», «Аҳраманваш рахш» деб атаган шоир бу бобда, унинг мазмунига мувофиқ, «аждаховаш» деб сифатлайди. Фарходнинг тиги – «аждаҳокуш тиг», водий – «аждаҳо водийси», гор – «аждаҳо гор», унда Афридун ганжи сакланади, қалқон – «аждаҳомонанд килич била ҳалқа ургон йилондек қалқон». Буларнинг ҳаммаси мифологияда, кўпдан-кўп ҳалқ афсоналари ва эртакларида таърифланган манзара ва образга мувофиқ

келади. Фарҳод аждарни излаб йўлга тушади. Нихоят, аждарнинг аломатлари кўрина бошлайди. Унинг олдидан бир қурум босган дашт чикиб колади, дашт аждар нафасидан корайтан эди... Аждар бало сингари хайбат билан горнинг юмалоқ гумбази ичидан чикиб келади... унинг қўйруғидан кўтарилган тўзон, кўм-кўк осмонни сурма рангидаги гард билан хиралантирас эди... Оғзи дўзах оловхонасасининг мўрисидай эди... У Фарҳодни туз кўргандай тотиб, сўнг кўшинни ютмоқчи эди... Фарҳод вахимага тушмайди, у қилич ва ўқ-ёйини ишга солади, аждарни енгади. «Эртакларда тасвирланишича, аждар бутун шаҳар, кишлоқ, ҳатто мамлакатни ютиб юбормоқчи бўлади. Бирок ҳалқ қаҳрамони келиб, аждахони ўлдириб, ҳалкни бу оғатдан куткаради».

Анъанага кўра, аждар хазиналар, беҳад мол-бойлик кўриқчиси. «Фарҳод ва Ширин»да ҳам у хазина кўриқчиси. Аммо бу оддий хазина бўлмай, балки Фаридуннинг афсонавий хазинасининг кўриқчиси. Фарҳод мана шу хазинани кўлга киритади ва уни хокон билан вазир ихтиёрига топширади. Ўзига эса мўъжизали қилич ва қалконни колдиради. Буларнинг ҳаммасида муболага, хаёлот ва мислсиз муболага бор. Аммо шулар замираida бир ҳақикат ҳам борки, бу ҳақикат Алишер Навоийнинг зўрлик ва ёвузликка, кабоҳат ва разолатга карши чексиз нафроти – ғазабидир. Бинобарин, Фарҳоднинг аждарни ўлдиришдан, ёвузлик устидан ғалаба қозонишидан нихоятда тўлкинланиб кетган шоир бобнинг лирик хотимасида:

Не хушлур аждар ўлмак ранж бирла,
Киши килмоқ танаъум ганж бирла.
Алар ул аждаходин форингулбол,
Бўлуб гапжи фароғат бирла хушҳол...

Кетур соки, маю бүл ғамгусорим,
Демайким ғамгусорим, ёри горим.
Ки бүлгай анда аждар конидек ранг,
Сочай ганж, ичмагига килсам оханг, —

дөйлөн.

«Фарход ва Ширин»да аждарнинг эпизодик-эпик образини яраттан шоир бошка асарларида ундан таъриф ва тавсифда, ташбех ва сифатлашда фойдаланади. Бу жиҳатдан, айниқса, куйидаги машҳур қитъа диккатга сазовордир:

Жаҳон ганжига шох эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳри хангомида.
Аннинг коми бирла тирилмок эрур
Маош айламак аждаҳо комида¹.

Бу қитъа аждар мифологик образидан фойдаланишиң аниқ ҳаётий мақсад-муддаосини равшан очиб бермоқда.

Бошка мутафаккир ва сўз санъаткорларида бўлганидек, Алишер Навоий айрим диний мифологик образ ва тушунчаларга дунёвий моҳият, ҳаётий мазмун багишлайди. Бу жумладан яъжуҷ ва маъжуҷларга ҳам таалуклидир. Яъжуҷ ва маъжуҷ мифологик қабилалар булиб, улар одамхўр экан. «Таврот»да айтилишича, қиёмат койим бўлганда, яъжуҷ-маъжуҷ (гог-магог) чикиб, одамларни ютар эмиш. Яъжуҷ-маъжуҷ ҳакида «Таврот»даги миф ва афсоналар «Куръон»дан ҳам ўрин олади. Шу билан бирга, Искандар Зулкарнайн ва яъжуҷ-маъжуҷ ҳакидаги афсоналар ҳам «Куръон»га киритилган. Афсонада айтилишича, Искандар Зулкарнайн яъжуҷ ва маъжуҷлар йўлинин тушиб, сад-девор барпо килган эмиш.

¹ «Наводир уш-шабоб». 701-бет.

Яъжуж ва маъжуж ҳакидаги афсоналар тарих китоблари, илмий асарлар ва бошкалардан ҳам ўрин олади, тох диний, тох дунёвий ва кўп холларда ярим диний – ярим дунёвий моҳиятда талқин қилинади. АбуРайхон Беруний машҳур «Ал-осор ал-бокия» асарида Зулкарнайн ҳакида «Куръон»даги ривоятининг мазмунини ҳикоя қиласди, шу билан бирга, Зулкарнайн шахси ҳакида турли злат ва муаллифларга мансуб маълумот ва ривоятларни баён этади. (Зулкарнайн ҳакида кейинги бўлимда батағисидроқ тўхтайдиз). «Куръон»да, – дейди Беруний, – Искандар барпо этган саднинг жойи кўрсатилмаган, айрим илмий ва тарихий китобларда яъжуж ва маъжужлар бешинчи икlimнинг бошланиши ва олтинчи икlimда яшайдилар деб кўрсатилган». Мухаммад Жарир ат-Табаринийнг айтишича, араб ҳалифалари Озарбайжонни эгаллаб олганда, Озарбайжон ҳокими садни кўриб келмог учун махсус киши юборган экан, у киши поёнсиз жарлик билан ажralиб турувчи мустаҳкам сад – деворни кўрган эмиш 923 йилда вафот этган тарихчи Абдулоҳ Xуроддебхинин маълумотича, 833–842 йилларда ҳукмронлик килиган ҳалифа ал-Мутасим деворни кимлариди эгаллаб олганни туш кўрган эмиш, у 50 кишини деворни кўриб келишта жўнатибди, улар Бобал ал-авбоб¹ йўли билан бориб, лан ва ҳазар ерларини кечиб, садга – деворга бориб етибдилар, сад мис эритмаси билан бирлаштирилган темир тахтачалардан ясалган бўлиб, махсус дарвозалари бор экан, уни кўриклиш якин-атроф ахолиси зиммасига юклантан экан. У кишилар оркага қайтибдилар ва йўл бошловчи уларни Самаркандга мукобил бир вилоятга олиб чикибди...

¹ Боб ал-авбоб – дарвозалар дарвозаси маъносини инфодалайди. Дарбанд (Догистонда) якинидаги дарани ариб муаллифлари шундай юрттанилар.

Яъжуж ва маъжужлар ҳакида, уларнинг йўлини тусиб девор қуриш ҳакида жуда кўп ҳикоя ва ривоятлар ёки «маълумот»лар бор. Бу Навоий давридаги таснифотдан ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, Мирхонд «Равзат ус-сафо»нинг биринчи жилдida «Қиссаи Зулкарнайн акбар ва сифати яъжуж ва маъжуж ва баённи сад» деган махсус бўлим беради. Мана шу бўлимда Зулкарнайнинг махсус бўлимдан кейин Байт ул-муқаддасга қайтиб, биргарб юришидан кейин машрикка – Шарққа йўл олгани, «Манозил ва мароҳил тай» килиб, яъжуж ва маъжужлар ерига якин бир шаҳарга келгани, у шаҳар ахолиси яъжуж ва маъжужлардан кўп азиат чеккани баён этилади. Шундан кейин муаллиф «яъжуж ва маъжуж сифати» ҳакида сўз бошлияди. Яъжуж ва маъжуж Ёфасинг набиравлари бўлиб, Шарқда маскан тутадилар, улардан кўп ҳали вужудга келибди. Яъжуж ва маъжуж икки гурӯх бўлиб, улардан ҳар бири тўрт юз фирмакага бўлинар экан. Бирор кимса мингта фарзанд кўрмасдан бурун ўлмас экан, шунинг учун ҳам яъжуж-маъжужлар сони шуморсиз экан. Улар уч тоифага бўлинар экан, биринчи тоифадан ҳар бирининг бўйи 120 газ, эни бироз камрок, иккичи тоифадагиларнинг бўйи ҳам, эни ҳам 120 газ, учинчиси бундан ҳам буюкрок бўлиб, фили билан каркидан ҳам улар билан бас келомас экан. Улар нимаики дуч келса, хоҳ жонли, хоҳ жонсиз ҳаммасини ёмириб ташлар эканлар. Уларнинг дини ҳам, шарнати ҳам йўқ экан. «Бундай таъриф-тавсифни эшиттан Зулкарнайн икки тог оралигига темир, мис ва бошка маъданлар коришмасидан ясалган гиштлардан улуғ девор курдирибди, унинг узунлиги 150 фарсах, эни 80 мил ва баландлиги 2800 ариш экан. (Хондамир бу маълумотларни ётироф килуничилар ҳам, рад этувчилар

¹ «Равзат ус-сафо». Хиндистон нашири. 1883. Биринчи китоб. 31–33 б.

хам бор, дейди). Күриниб турибиди, Беруний күпрок хақиқатнамо материалларга эътибор берса, Хондамир мифологик – афсонавий сюжетта кенгрок ўрин ажратади. Бу Беруний асарининг илмий характери, Хондамир асарининг тарих китоби бўлиши билан изохланади. Ўтмиш муаррихлари тарихий далиллар билан бирга афсона ва ривоятларни ҳам ўз асарларига киритиб, баъзан кечмиш ҳодисадай тасвирлаганлар.

Шубҳасиз, Алишер Навоий яъжуҷ ва маъжужга тааллукли турли-туман материаллар билан яқиндан таниш бўлган. У яъжуҷ ва маъжужга, ишониш ва ишонмаслигидан қатъи назар, доимо зўрлик ва боскин, оғат ва даҳшатнинг рамзи сифатида караган.

Яъжуҷ ва маъжуж номларини Навоий шу маънода хийла кўп ишлатади. «Садди Искандарий»да эса уларга кенг ўрин беради. Зотан, «Искандар садди» яъжуҷ ва маъжужларга карши қурилган тинчлик ва осойишталик девори эди. «Садди Искандарий»даги яъжуҷ ва маъжуж воқеаси ўз моҳияти билан Хондамир ҳикоятига якин туради. Фарби шимол томонига йўл олган Искандар Қирвон ўлкасига келиб қолади. Ўлка ниҳоятда ҳароб бўлиб, аҳоли ваҳший яъжуҷ ва маъжужлар яғмосидан талон-торож бўлиб, кўп мусибат чекар экан. Шоир ўта муболага ва фантазиядан фойдаланиб яъжуҷ ва маъжуж васфида бундай дейди:

Таадул аро йўқ турур сонлари,
Яна сонсиз ойини нуксонлари.
Қад узра ёйилмиш парокалда соч:
Бири бир қаринилур, бири уч кулоч.
Дома соч, хопюку хас маъдани,
Либос андин айлаб борининг тани.
Кулог икки ёндин бўлуб бирга жуфт,
Нажас танларин кўзлин айлаб нуҳуфт.

Келиб гул бармоги бармоглари,
Вале дев тирноги тирноглари...
Бурун ичларин тил била пок этиб.
Топиб лаззат, ўзин тарабнок этиб...
Аннингдекки, мабраз аритурча эл,
Солурлар ани холи айларга бел.
Оғиздин түңгүздек чикиб икки тиш,
Вале срни козмок алар бирла иш.
Не ерники ул тишлар этии табох,
Қиёматқача бутмай андин гиёх...¹

Мана шу ваҳший, одамхўр қавм иилига икки марта
Кирвон ўлкасинни талон-тарож килар экан. Яъжуж
ва маъжуж қавмини кириб тугатишга кўзи етмаган
Искандар уларнинг йўлини тўсиб, икки тоф оралигида
улут сад барпо этишга карор килади. Бирок бу ишни адo
этни бенинчоя кўп киши, куч ва маблаг талаб этади. У
ср юзиппинг турли ўлкаларига кишилар юбориб, хандак
казиб, девор барпо этишга чорлайди, кўп киши йигилади,
метниндай мустаҳкам, кечиб бўлмас сад курилади:

Кишилар йибордики, хар марзу бум,
Фаранг ўлсуну Рус ё Шому Рум.
Неким бўлса меъмори чобук хаёл,
Яна доги устоди нозук хаёл.
Яна коргарлар бори чабдаст,
Бало раҳнасин килгудек сангбаст.
Мису рўю калья, биринжу темур,
Яна кўргашун бирла толу кемур...
Бўлуб олами бўйла санъат намой,
Кеча-кундуз иш килдилар олти ой.
Ки неча минг устоду санъатгарий,
Тамом этиилар Садди Искандарий.

«Садди Искандарий»да аниқ тасвир ва бадий
фантазия кўпинча бир-бири билан узвий боғланиб,
¹ «Хамса». 801-бет.

ооради, шоир романтик тасвирдан реалистик холоса чикаради. Бу яъжуж ва маъжуж воеалари тасвирланган 68-бобга ҳам таалтуклидир. Бобда яъжуж ва маъжужларга қарши кураш романтик тасвир билан берилган, лекин шоир бундан реалистик холоса чикариб, агар кишилар ахил-иттифоқ бўлишса, зулм ва зулмат йўлларини ўтиб бўлмас ғов билан тусиши мумкин, деган фикрга келади.

«Садди Искандарий»даги ваҳшийлар, олтин-кумуш тоғлари, одамхўр чумолилар каби образ ва эпизодлар ҳам, бир томондан, фантастик моҳиятта, иккинчи томондан, реал максадга эгадир. Искандар қўшини Магриб диёрида ит катталигига бўлган чумолисимон ҳайвонларга дуч келади. Бу ҳайвонлар бир неча аскарни нобуд киладилар. Чумолисимон ҳайвонлар одамхўр ваҳшийларнинг посбони экан. Гала-ғовур бўлиб навбатдаги ўн кунлик уйқуда ётган ваҳшийлар уйғониб кетади, каттиқ жанг бошланади. Ваҳшийлар бошлиги яккама-якка жангга киши талаб килади. Искандар йигитлари майдонга тушишга ботинюлмайдилар. Шунда Чин хокони тортиққилган канизак эркакчалибоскийиб, бетиганикоб ташлаган ҳолда майдонга киради ва ваҳшийни енгади. Ваҳший Искандарга тобе бўлиб, бир канча одами билан ушинг юришларида иштирок этади, мардлик ва шижоат кўрсатади. Искандар узокдан кўринаётган олтин-кумуш тоғларига кизикиб, ўша томонга йўл олмоқчи бўлади. Бу сароб эди, ҳалқ ижодида бот-бот учрайдиган «борса келмас» йўли эди. Ваҳшийлар қавми Искандарни бу истакдан кайтарадилар». Ажиб ҳайвонлар, одамхўр ваҳшийлар, олтин-кумуш тоғлари ва бошкалар ҳакида ҳалқ ижодиётида ҳам, ёзма асарларда ҳам турли-туман мълумот, афсона ва ривоҷлар бор. Навоийнинг таъриф-

тавсифида, шубхасиз, шуларнинг излари равшан намоён бўлади. Мухими шундаки, Навоий шулардан ўз даври хаёти ва муаммолари баёни хамда талқинида ижодий фойдалана билди.

КОСМОГОНИК МИФЛАР

Алшер Навоий ижодиётидаги космогоник мифология ҳам маълум ўрин олган. Инсон ўзини ўраб олган мухит, коинот билан алокадордир, у шу мухит ва коинот ҳакида ўйлайди, фикр юритади, ер юзидағи ходиса ва воеаларни коинот билан боғлаб изоҳлашга интилади, самовий «сир» ва ашёлар ҳақида хаёл суради, кашф этади, фараз килади ва уйдирмалар тўкийди. Мана шу заминда қадим замонларда космогоник мифлар пайдо бўлган. Кишилар ерни она, осмонни ота хисоблаганлар; ер хосил беради, осмон – кор-ёмғир, нур ва иссиқлик; киши ўлади, унинг жасади ерга – она бағрига кўмилади, руҳи осмонга – ота хузурига парвоз қиласи ва ҳоказо.

Инсон, табиийки, биринчи навбатда күёш билан, ой ва сайёralар билан кизикади, у Күш системасини, 12 буржни кашф этади, самовий сирлар ошкор бўлиб боради. Баъзан фанний тушунчалар билан ўта хаёлий тасаввур ва мулоҳазалар ёндош бўлиб колади, астрономия элементлари космогоник мифология таркибига сингиб кетади, ўз навбатида мифология илм-фанни гўё янги кашфиётларга йўллади.

Қадимги Шарқда астрономия фани камол топиб, кўп кашфиётлар юзага келган эди. Жумладан, йил таквими, ой, хафта ва сутканинг аникрок хисобининг белгиланиши катта ходиса бўлган эди. Бу борада, хусусан, қадимги Бобил илгарилаб кетди. Геоцентрик назарияга кўра, күёш, ой ва бошқа сайёralар ер атрофида айланади. Бинобарин, қадимда хафтанинг ҳар бир куни битта сайёrанинг номи

чилик аталған. Шанба – Сатурн (Зұхал ёки Кайвон), якшанба – Куёш, душанба – Ой, сешанба – Марс (Миррих), чоршанба – Меркурий (Уторид ёки Аторуд), пайшанба – Юпитер (Муштари), жума – Венера (Зухра) куни деб номланған. Эрамизнинг биринчи асрда ҳафта хисобини Рим ҳам расман қабул қилади, шундан кейин у бутун Европа бүйлаб тарқалади. Айрым Европа тилларыда ҳафта күнлари ҳамон сайёралар номи билан айтилади. Масалан, немисларда: якшанба – Sonntag (Куёш куни), душанба – Montag (Ой куни); инглизларда шанба – Saturday (Сатурн куни), якшанба – Sunday (Куёш куни), душанба – Monday (Ой куни); французларда: сешанба – Mardi (Марс куни, март ойи номи ҳам шундан олинған), чоршанба – Mercredi (Меркурий куни), пайшанба – Vendredi (Юпитер куни), жума – Vendredi (Венера куни) ва бошқалар.

Қадимда Шарқда ҳам, Гарбда ҳам сайёралар хакида турли мифлар пайдо бўлади, улар, баъзан бирбири билан чатишиб, аралашиб кетади, ўзаро таъсири этади. Масалан, қадимги Римда Марс бошлаб ср ва унум тангриси, кейнироқ эса уруш худоси саналған. Якин ва Ўрта Шарқ мифологиясида ҳам Марс – Миррих (баъзан Баҳром ҳам деб юритилған) жанг ва қахрамонлик рамзиdir. Қадимги Римда Меркурий – савдо тангриси савдогарлар ва сайёхлар ҳомийиси саналған бўлса, Юнонда шунга Монанд Гермес вужудига келган эди. Шарқда эса Меркурий – Аторуд фалак котиби, ёзувчи ва шоирлариниг ҳомийиси саналған. Венера – қадим итальянларда – бошлаб баҳор тангриси, бог ва экинзорлар ҳомийиси, кейинчалик – юнонлардаги гўзалик тангриси Афродита таъсирида – айниң чогда севги ва гўзалик тангриси ҳам. Шарқда эса – Венера – Зухра – санъат ҳомийиси, нафосат рамзи. Сатурн – қадим

итальянларда – дехкончилик ҳомийси, Шарқда – Сатурн (Зухал – Кайвон) юксаклик, бахт-толе рамзи, Юпитер – Муштарий кадим итальянларда – осмон, зиё ва ёмғир тангиси, Шарқда – ахтары саъд – бахт юлдузи ва хоказо. Бу масалалар, алалхусус, муштараклик ва ўзаро таъсир масалалари, шубҳасиз, маҳсус тадқикотларни талаб этади. Биз космогоник мифологиядаги айрим жихатларни таъкидлаш, эътиборни жалб этиш билан чегараланамиз.

Алишер Навоий космогоник мифлар билан ҳам яккандан таниш бўлган, ўз асарларида улардан ижодий фойдаланиб, мавзу ва масалани атрофлича ёритишга, фикр-мулоҳазани ривожлантиришга, янги-янги образлар яратишга эришган. Бунга далил сифатида Навоийнинг лирик ва эпик асарларидан, унинг насрiddан кўп мисол келтириш мумкин. Аммо биз икки мисол – бир ғазал ва «Сабъаи сайёр» билан чегараланишни мувофиқ кўрамиз. Чунки шу икки асарнинг ўзиёқ Алишер Навоий ва космогоник мифология деган мавзунинг барча асосий жихатларини камраб олади.

Кўк бинафшазориниң анжум паргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.

Чун Зухал толеъ бўлур холинг хаёли фитнадин,
Жоним ичра юз минг ошуби бало изҳор этар.

Жилва килғоч Муштарий кўзни узоринг ёлидин,
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.

Чун чиқар Баҳроми котил кўзларинг андешаси,
Хаста жонимни катили ханжари озор этар.

Мехрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунла ҳам
Бу мусибат кўзума ёргу жаҳонни тор этар.

Зухра ҳолимға сурудин навхага айлаб бадал,
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изхор этар.

Үлмаким англаб Уторуд ҳолима деб марсия,
Шарҳи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.

Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин каро,
Оразин сайли била ахли азо кирдор этар.

Тийра айлаб бениҳоят неча умрум шамъини,
Васл субхи ҳасрати ранжим юз ул микдор этар.

Ростлинг улдурки еткач ул қуёш раҳм айлагай,
Улча ахволимға ҳар тун чархи кажрафтор этар.

Эй Навоий, ишк дардидин шикоят килмаким,
Жонинга жавру жафосин ҳар неча ким бор этар¹.

Газалнинг байтлар бўйича насрой баёни:

I. Осмон бинафшазорини юлдузлар нарғисзор этиши билан нарғисинг (қўзинг) ва бинафшанг (кошу киприкларинг) ҳажридан қўнглим зор бўлади.

II. Зуҳалдек толе бўлувчи холинг хаёли фитнаси жоним ичра юз минг бало ошубини изхор этади.

III. Муштарий юлдузи жилва килғач (қўрингач) юзинг ёди билан юз саодат юлдузидан қўзимни ҳар замон дурбор этади, яъни дурдек ёшга тўлдиради.

IV. Баҳроми қотил (Миррих) чикиши билан қўзларинг андешаси хаста жонимни озор ханжари билан катл этади.

V. Сенда меҳрдан, кўк гунбазида ҳам меҳрдан – қуёшдан нишона топмадим, бу мусибат қўзимга ёргу жаҳонни коронги килиб кўйди.

¹ Наводир уш-шабоб. 168-бет.

VI. Зуҳра чангининг сочини (торларини) ёйиб, дурдек кўз ёши тўкиб, менинг ҳолимға ўз кўшигини мунгли нолага айлантириб юборди.

VII. Ўлмогимни англаган Уторуд менинг ҳолимға марсия айттиб, дардим шархи назмидан хар лахза юз тумор битади.

VIII. Ой ҳалок булишимга мотам тутиб, тундан кора либос кийиб, азадорлар каби юзини кўз ёшидан ювади.

IX. Тун умрим шамъини бениҳоят кора килиб, висол тонги ҳасрати машаккатимни ундан юз чандон зиёд этади.

X. Рости шуки, тескари юрувчи кўк хар туни ахволимга қанча жабр жафо юкини юкласа ҳам, унинг дардидан шикоят қилма.

Кўриниб турибдики, мазкур ғазал ишқ мавзуида бўлиб, шоир айриликтининг дард-ҳасрати, азоб-машаккатини ифодаламокда. Тун. Осмон бинафшазорга ўхшайди. Биринкетин юлдузлар намоён бўлади. Улар ёрнинг кўзи, ҳоли ва бошқаларни эслатади, ошиқнинг ҳол-аҳволига ачинади... Ошик узун туннинг тезроқ ўтиши, күёш чикиб тонг ёришини кутади. Тунни тонг даф этганидек, висол ҳажрни даф этади.

Шоир – ошик ёрини күёшга ўхшатади, бу күёш хижроннинг азоб-машаккатларини бартараф этиб, ҳамма ёкни мунавар килади. Бинобарин ғазал оптимистик хотима билан тугалланади.

Шоир обьект, ҳолат ва кайфиятни баён этишда космогоник мифологиядан ниҳоятда катта маҳорат билан фойдаланган. Ўн бир байтли газалнинг етти байти (II–VII байтлар) бевосита космогоник мифология билан боғлик. Биринчи байт – матлаъ гўё экспозиция вазифасини ўтайди: кўк бинафшазорида юлдузлар пайдо бўлади, булар

ёрнинг кўзи (наргис) ва қошу кирпикини (бинафша) эслатади. Иккинчи байтдан бошлаб шоир умумий манзарадан аник ҳар бир сайёрага ўтиб, объект, ҳолат ва кайфиятни шу сайёрага нисбат берилган мифологик сифат ва мохият орқали ифодалайди. Хол Зухалга ўхшатилади (II байт), Зухал – юксаклик, баҳт-толе рамзи. Аммо, Зухалга ўхшаш хол хаёли фитна, юз минг бало ошубини кўзгайди. Чунки ошик у холдан Зухал қанчалик йироқ бўлса, шунча йироқ. Муштарий – баҳт юлдузи. Уни шоир ёрнинг юзига монанд келтиради (III байт). Аммо бу узор – юздан йироқ ошикнинг кўзи юз саодат юлдузидек ёшга тўлади. Баҳром – Мирриҳ – жанг ва каҳрамонлик рамзи. Мирриҳ – қотил. Ёрнинг шахло кўзлари Баҳроми қотилга ўхшатилади (IV байт). Мехр – куёш. Ошик ёрнинг меҳрини, кўк гумбазида куёшли кўрмайди, бинобарин ёруғ жаҳон унинг кўзларига коронғилашган (V байт). Зухра санъат ҳомийси, нафосат рамзи. У қўшикчи ва чангчи. Ошикнинг ҳолига ачинган Зухра кўшигини мунгли нолага айлантириб, чангнинг сочи (торлари)ни ёяди. Модомики мунгли нола бор. сочни ёймок бор – дурдек кўз ёши тўқмак ҳам бўлади. Айни чоғда шоир Зухра – сайёрадан Зухра – инсонга ҳам ўтади: навҳа айтиш ва чанг торларини соч ўрамига – кирк кокилга монаид этиш (VI байт). Уторуд Зухрадан колишмайди. Зухра навҳа айтиб, чанг сочини ёйиб, кўз ёши тўккан экан, Уторуд марсия айтади, ошикнинг ишк дарди назми шарҳидан ҳар лаҳза юз тумор битади. Чунки Уторуд – фалакнинг котиби, шоирлар ҳомийси (VII байт). Ой ошикнинг ҳалок бўлишига мотам тутиб, тунда кора либос кийган (VIII байт).

Бу газалда шоир айрилиқ изтиробинда колган ошикнинг руҳий ҳолатини мислсиз санъаткорлик билан тасвирлаб, турли-туман бадиий тил воситалари ва санъат усулларидан фойдаланмоқда. Ташбих, ташхис,

тансоб, тазод, талриж... Шу билан бирга, бир ғазалга унинг маззу ва мохиятига мувофик – бутун космогоник мифологияни, асотирий суратларни сингдириб юбориш шеършатда ноёб бир мўъжизадир.

Энди бир неча сўз «Сабъаи сайёр» ҳакида. Бу достоннинг номланиши ҳам, композицияси, етти каср, етти хикоят ва достоннинг бош қаҳрамонлари ҳам сайёralар олами билан, астрономич ва астрология ҳамда космогоник мифология билан боғлиқдир. Достондаги «сайёр» (ски «сайёра») сўзидан мурод – ўлдузлар – сайёralардир. Навоий яратган асарларига «Муҳокамат ул-лугтатайн»да таъриф ва тавсиф берар экан, «Яна чун «Сабъаи сайёр» расадин замирим боғлабтур, Ашраф «Ҳафт пайкар»ининг етти хурвашин пешкашимга ярглабтур» дейдики, бу ҳам достоннинг номланиши ва унинг мохиятига равшанлик киритади. Достондаги етти каср, ҳафтанинг етти куни қадимги илм, коинотнинг геоцентрик системаси билан боғлиқ. Шу таълимотга кўра, сайёralар ер атрофида айланади, ҳафтанинг ҳар бир куни бир сайёра билан боғлиқ. Достондаги каср тузи, Навоийнинг Бахром сўзини Миррих деб талкин этиши, Дилюромни Зухрага ўхшатиши ҳам юкоридаги мулоҳазаларни тасдиклайди. Навоийнинг достон мукаддимасида сайсралар ҳакида батафсил сўз юритиши ҳам шундан далолат беради:

Тунд сендин сипсарх Бахроми,
Чангсан Зухранинг Дилюроми.
Чектинг этганда даҳр бунёдин,
Етти гунбад сипсари минодин...

Ул етти кавкаби жаҳон паймо.
Не жаҳон, балки осмон паймо.
Ким ети кўкта кетдилар сойир,
Сувда индокки, сиймгун тойир...

«Меъроj кечаси» таърифига бағишланган IV бобда
коинотнинг моддийлиги ҳакидаги «Аносири арба»
(«Тўрт унсур») фалсафаси ва космогоник мифология
ҳам маълум ўрин олган:

...Туфроғу сув юзидин айлаб ҳез,
Ўтти ўт, елдин ўту елдек тез.
Маркаби урди ой юзига тувоғ,
Ўйлаким қолди жабхаси уза доғ.
Чун Аторудка барқдек сурди,
Хораи сум хомасини синдуруди.
Қилди чун Зухра сори оҳангин,
Зухра ёштурди заҳмидин чангин.
Мехр ҳуд кавкаби жалолатидин,
Ерга кирмиш эди хижолатидин,
Савлатиға чу солди кўз Баҳром,
Тигига бердиг кин аро ором.
Муштарий тушти минбаридин тез,
Юзни гардидин этти нуромиз.
Зухал асбобин айлади бир-бир,
Ҳиндудекки бўлса маъракагир...

Султон Ҳусайн Бойкаро мадхига бағишланган IX бобга
ҳам космогоник мифологиянинг моҳияти сингдирилган:

...Эй фалак, хизмат ошкоро кил,
Мехрининг сафҳасин мухайё кил.
Кил давлатимни, эй Зухал, мамлу,
Хайи рухсорадин солиб кора сув.
Муштарий, йиртқил амома учин,
Мен артмокка анда хома учин.
Қинига солғил киличин, эй Баҳром,
Фитнав хайлига бер даме ором.
Мехри сафҳанг юзини дураҳшон эт,
Зарварактин ани зарифион эт.
Зухра, бир лахза чолма соғ охир,

Чекмагил лахни дилнавоз охир.
Эй Аторуд, ўй остонимни,
Күйгил олимға жузвонимни.
Эй Қамар, сен қаламтарошим йиғ,
Кил хилолингнинг учидин анга тиғ...

«Сабъан сайёр»нинг ғоявий-бадиий тўқимасида етти ҳикоя ниҳоятда кенг ва катта ўрин тутади. Шунга кўра ҳам Навоий:

Лутф бу назм аро бағоятдур,
Ғараз аммо етти ҳикоятдур, –

деган эди. Навоий қаср тузи ва қунлар сирасини, худди Низомий Ганжавий ва Хисрав Дехлавий достонларида бўлганидек, сайёralар нисбати билан бирга беради:

Биринчи ҳикоя – шанба куни – кора қасрда;
Иккинчи ҳикоя – якшанба куни – сарик қасрда;
Учинчи ҳикоя – душанба куни – яшил қасрда;
Тўртинчи ҳикоя – сесанба куни – гулгун қасрда;
Бешинчи ҳикоя – чоршанба куни – нилуфар қасрда;
Олтинчи ҳикоя – пайшанба куни – сандал тусли қасрда;
Еттинчи ҳикоя – жума куни – ок қасрда.

Шоир ҳар бир ҳикоянинг мазмуни билан шартли ташки белгиларни (қасрларнинг тузи, ҳикоячи ва тингловчининг либоси ва бошқаларни) бир-бирига уйгунлаштиради, уларни бир-бири билан боғлайди. Достон «етти фалак» ва «етти иклим» сўзлари билан тугалланади. Шоир ўз истагини ифодалаб:

Халкка зеби торак айла ани!
Ўкугонга муборак айла ани!
Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иклим элин харидор эт! –

дейди.

Космогоник мифология ва ундан ижодий фойдаланиш яна бир бор Алишер Навоийнинг буюк алломалиги, донишмандлиги ва буюк санъаткорлигидан шаҳодат беради. Космогоник мифология Навоий шеъриятининг романтик колоритини ошириб колмай, унинг реалистик мохиятига мувофиклашиб, аниқ тарихий шароитнинг адабий-эстетик ва ижтимоий-фалсафий масалаларини ёрнитиш ҳамда ҳал этишга хизмат қиласди. Бошкacha айтганда, ўзининг дастлабки негизини саклагани холда, Навоий қалами билан XV аср шароитига мувофик «янгиланади».

* * *

Алишер Навоий асарларида мифологик сюжет ва каҳрамонлар билан бирга жуда кўп афсона ва афсонавий каҳрамонлар ҳам бор. Булар Алишер Навоийнинг «Тарихи мулукии Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби тарих ва маноқиб асарларидан ҳамда бадиий ижодиётидан ўрини олган. Мифлар мисолида кўрганимиздек, Навоий тарих ва маноқиб асарларидан мавжуд афсоналарни баёни этса, бадиий ижодиётидан маълум гоявий-эстетик мақсадда уларга мурожаат этади. Тарих ва маноқиб асарларидан афсоналардан бирини танлаб, унинг мазмунини тугал ёки муҳтасар хикоя килса, баъзан бошкaca вариантни кистириб ўтса ёхуд тилга олса, бадиий асарларидан уларни маълум мақсад учун безак сифатида келтиради, анъанавий сюжетга баъзан эркин муносабатда бўлиб, уни кайта ишлаб олади, анъанавий афсонага хос мохият ва хусусиятни янги воея ёки каҳрамонга кўчиради, айрим анъанавий жиҳат ва белгиларни образли ифода килиш учун кўллаб, янги-янги бадиий тил воситаларни яратади ва хоказо.

Мифология кисмida күрганимиздек, Алишер Навоий афсона ва афсонавий қаҳрамонлар ҳакидаги маълумот (ёки бадий ёдномалар) ни тарих китоблари, солномалар, мемуарлар, маноқиблар, диний асарлар, илмий ва бадий адабиёт ҳамда бошқа манбалардан (шубҳасиз, оғзаки хикоя ва накллардан ҳам) одди. Баъзан муаллифбу манбаларни зинкр этади, вариантлар ўргасидаги фарқ-тафовутни таъкидлайди, мунозараларни баён этади, ўз муносабатларини сўзлайди, баъзан манбаларни тилга олмайди (бу ҳозирги китобхон ёки тадқиқотчи учун бирмунча кийинчиликлар тутдирса ҳам, Навоий даври китобхонлари учун кўпинчадеярли мушкуллик тутдирмас, улар манбани билар ёки тезда аниклаб олар здилар).

Навоий асарларидаги афсоналар тарихий, ярим тарихий-ярим афсонавий ва афсонавий шахслар ҳакидаги афсоналардир. Булар подшолар, пайгамбар ва авлийлар, олим ва ҳакимлар, пахлавон ва баҳодирлар ҳамда бошқа тоифадаги кишилардир. Даври анъаналарига мувоффик подшоллардан Навоий кўпроқ Ажам шоҳларига эътибор беради, уларга тааллукли айрим афсона ёки ривоятларни хикоя килади. «Тарихи мулуки Ажам»да муаллиф Ажам шоҳлари анъанавий тўрт табакотидан чиқкан ҳукмдорлар воеотини мухтасар баён этади. Бу асар оркали у китобхонларга шунчаки маълумот бериб колмасдан, тарих сабоклари асосида ялолатсиз ҳукмдорларни танқид килиб, адолат, фуқаропарварлик, эл-юрт осойишталиги учун кураш ғоясиши тарғиб этади, кўхна тарихни замонасининг ҳодисот ва муаммолари билан боғлайди. Жамшиднинг фуқаропарварлиги, Искандарнинг адолати, Заҳҳокнинг даҳшати, Яздижурднинг зулми ва бошкалар тасвирида Навоийнинг «тариххонлик» билан бирга аник максад-мулдаони кўзла тутгани равшан баён бўлади.

Пайғамбар ва авлиёлар ҳақидаги афсоналар билан Навоий дин ва шариатни тарғиб этиб көлмасдан, балки, шу билан бирга, кишиларга үгіт бериш, уларни яхши хулк-атвор ва хислатларни әгаллашга йұллаш мәксадини ҳам күзатади. Навоий уч динга – мусавий, исавий ва мусулмон динига мансуб пайғамбар ва авлиёларни зикр этади, улар билан боғлиқ війрим афсоналарни, нисбат берилған сифат ва хислатларни сүзлайди. Пайғамбар ва авлиёлар орасыда аллақақочон афсона ва ривоятлар билан коришиб, бадий образ ва маълум рамз ифодасига айланиб кетған Мусо, Исо – Масих, Нуҳ ва бошқалар ҳамда Довуд, Сулаймон, Ёкуб ва Юсуф каби подшо – пайғамбарлар сезиларлы үрин олади. Мусо чүпон, элпарвар, Исо, күриб үтганимиздек, мұъжизакор, беморга саломаттік, үлікка жон ато килувчи; Нуҳ тұғонини дағъ этған мұъжизакор сифатида таърифланса, Довуд сеҳргар овози ва сози, Сулаймон донолиги, шавкати, мұъжизали узуги, Ёкуб сабр-бардоши, Юсуф хүсн-жамоли билан таърифланади ва ҳоказо. Мухими шундаки, шоир уларға нисбат берилған сифат ва хислатларни оддий кишиларга, ҳаёт маҳбубаси ва бошқаларга күчиряди, янгича тус, дүнёвий моҳият бағишлийди. Бир неча мисол күрайлик:

Сенدادур нағмаи Довуд ила анфоси Масих,
Бордурур йүк эса давронда фаровон ҳофиз.

Ул масиҳанфосқа ёқмас Навоий, не оснғ,
Нағмаи Довуд агар зохир килур вғонида.

Юсуф қажрида Яъкуби гам ичра-мутрибо,
Үйла менким, хуштугум йўқ нағмаи Довуд ила.

Гар Навоийға Сулаймон мулкига бордур не тонт,
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.

...Ҳам Сулаймони аҳдга ҳамдам,
Ҳамдаму ҳамнишину мунис ҳам
Чун Сулаймонга ёр зур ғенәжаб,
Анга Билкиси соний ўлса лақаб,
Қайси Билкис, Сораю Узро,
Қайси Сора, Ҳадичаю Кубро...

(Кейинги икки парча Ҳусайн Бойқаронинг хотини Ҳадичабегимга бағишланган бўлиб, шоир уни Сулаймон пайғамбарнинг хотини Билкис, Иброҳим пайғамбарнинг хотини Сора ҳамда Мухаммад пайғамбарнинг хотини Ҳадичаю Куброга ўхшатяпти).

Олимлар ва ҳакимлар сирасидан антик Юнон донишмандлари – Накуможис (Никомахос, «Садди Искандарий»да Аристотелнинг отаси), Арасту, Филотун – Афлотун, Сукрот, Асқалинус, Сукрот, Хурмус, Файсогурс – Фишогурс ва бошқалар кенг ўрин олган. Навоий Юнон ҳакимлари ва файласуфларининг бадиий образини яратади, уларга нисбат берилган хикоят ва ҳикматлар келтиради, образ яратиш, фикр баён этишида уларга мурожаат этади. Ҳаким ва файласуфлар мушкулларни ечиб, мўъжизалар кўрсатади, кимматли ўгити, фикр-мулоҳазаси билан қаҳрамонларни баҳт-саодатга йўллади.

Навоий хусусан уч асарида: «Фарход ва Ширин», «Садди Искандарий» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарларида Юнон донишмандларига кенг ўрин берган.

Отасининг ҳазинасида «Онаи Искандарий»га кўзи тушиб, тубсиз муаммо ва сир-асорор олдида лол колган Фарход (XIX боб) Юнон мулкига бориб, олим Сухайло билан учрашиб, ундан йўл-йўриқ ва ўгит олгандан кейингина муаммоларни ҳал эта бошлайди (XX, XXI боблар). Давлат арбоблари ҳар бир масалада олимлар билан кенгашишлари, уларга таянишлари

керак. «Сукроти замон» афсонавий Сухайло ҳам шундай олимлардан. У маслаҳатга келган Ҳокон ва Фарҳодга «келажакнинг қалити»ни топширади. Унинг қурсатмалари асосида Фарҳод Искандар тилсимотини очади, аждарни ўлдиради, Ахраманни енгади ва Чинга қайтиб, кўзгуда Ширинни, ўз келажагини кўради.

«Садди Искандарий»дан Юнон ҳакимлари ва файласуфлари янада кенг ўрин олган. Бу табиий. Чунки дostonнинг бош қаҳрамони Искандар Румий ҳисобланади. У Арастунинг замондоши ва шогирдидир. Навоий «Садди Искандарий»да Юнон олимлари ва файласуфларининг тарихий образларини яратиш ёки уларнинг илмий фаолияти ҳакида маълумот бериш, ижтимоий-фалсафији қарашларини ёритишни ўз олдига максад килиб кўяди. Лекин асарнинг гоявий-эстетик максади буни талаб килмас зди. Навоий анъаналарга амал килиб, олимларнинг номлари ва айрим жиҳатларини олади-ю, бирок уларнинг образлари оркали ўз давридаги ижтимоий-сиёсий муаммоларни таълим-тарбия масалаларини ёритмоқчи бўлади. Искандарни антик дунёдан ўз даврига, тўгрироги, ўз даврининг илгор ҳаёл ва орзувари оламига кўчиргани каби, олимларни ҳам ўз замони ва заминига кўчиради. «Садди Искандарий»даги олимлар ўз дунёкараши ва ижтимоий-сиёсий қарашлари билан замонасининг тараққийпарвар мутафаккирлари сифатида гавдаланадилар. Уларнинг тилидан баён этишган фикр-мулоҳазалар кўпинча Навоийнинг ўз фикр-мулоҳазаларидир.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо»да Навоий ҳақимлар ҳақидаги анъанавий маълумот, фикр-мулоҳазаларни баён этиш билан бирга, илм-маърифатин, яхши хулк-одубни тарғиб этишини ҳам бош максад килиб олади. Були у, анъанага

муофик, ҳактимларга нисбат берилган сүз ва уларни «сүзлатиши» асосида килади. Бир неча парча келтирамиз:

«Букрот ҳаким... тибб илмида мохир эрди ва тасо-нифи бор... ул дебтурким, умр кисқадур, иш узун. Окил улдурким, бу киска умрни бир нарсага сарф килғайким, заруратроқдур»;

«Букротис ҳаким... Аниңг сүзларидиндур... яхши сүз, күнгүтни ёритур ва яхши хат күзнинг неъмати арусиdir»;

«Жолинус... Ва аниңг сүзларидиндурким буким, андух жон bemорлигидур. Bеморким иштахаси бўлғай, ул тандурустдин яхшироқдурким, иштахаси бўлмағай»;

«Батлимус. Жолинуснинг шогирдидур. Ва аниңг сүзларидин буким, кобилнинг саодати будурким, фахим бўлғай. Некбаҳт улдурким, эл ҳолидин панд олгай ва бадбаҳт улким, аниңг ҳолидин эл панд олғай» ва бошқалар.

Шу асарда бир неча қадимги Эрон олимлари ҳам зинқр этилиб, уларнинг тили билан ибратли сүзлар баён этилади. «Содик Нўширавони одил замонида эрди ва Нўширавонга насиҳатнома битибдур. Бу муфид сүз аниңг сүзларидиндурким, шоҳ ва гадога фойдаси омдур. «Ло яъкул таоман ва фи меъдатика таомун». Шеър:

Зарари борча элга ом ўлгай –
Ким, таом устида таом ўлгай».

«Бузуржмехр. Нўширавони одилнинг вазири эрди. Аниңг сүзларидиндурким, устодимдин сўрдимким, йигитликда не килмоқ яхши ва қарилигда не килмоқ? Дедиким, – йигитликда илм касб килмоқ ва қарилиғда ани амалга келтурмак яхшидур. Шеър:

Йигитлигда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилиг чоги харж кијигил ани».

Навоий асарларида «Шоҳнома» ва бошқа жангно-малардаги Рустам, Сом, Наримон ва Сиёвуш каби каҳрамонларнинг номини зикр этади, баъзан ўз каҳрамонларини уларга ўхшатади, кадим афсоналардан бирон лавҳа ёки жиҳатни олиб, янги образ яратиш, янги фикртушунчани ифодалашда фойдаланади.

«ХАМСА» ҚАХРАМОНЛАРИНИНГ ФОЛЬКЛОРДАГИ ЗАМИНИ

Ёзма адабиёт таракқиётидаги катта анъаналар күпинча кайси бир жиҳати биландир фольклорга боғланади. Бу Якин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти таракқиётида бир неча асрлик тарихга эга хамсачилик анъанасига ҳам тааллуклидир. «Хамса» аниқ тарихий шароит ва эҳтиёжнинг маҳсули сифатида вужудга келиши билан бирга, качонлардир халқнинг бадиий тафаккури яратган асотир ва афсоналардан, ҳикоя ва тамсиллардан, образ ва сўз инжуларидан баҳраманд бўлиб туғилди, камол топди. Фольклор хамсачиликка туганмас маънавий ва бадиий чашма вазифасини ўтади. Назаримизда, хамсачилик фольклорсиз вужудга келолмагани каби, усиз умрбокий адабий анъана ҳам бўлолмасди. Бинобарин, хамсачиликка асос солган Низомий Ганжавийинг «Панҷ Ганҷ»ини ҳам, Низомийнинг буюк издошлари Амир Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа шоирларнинг «Хамса»си (ёки хамсачилик анъанасидан ўрин олган алоҳида достонлари)ни ҳам фольклорсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Хамсачилик алоҳида шоирлар учун ҳам, маълум халқ ва даврлар адабиёти учун ҳам катта имтиҳон бўлган адабий анъанадир. Бу анъана XV асрда янада кенг тус олган эди. Алишер Навоий «Мажолис уннафоис»да бир неча шоирларнинг «Хамса»га ёки унинг айрим достонларига эргашиб асарлар яратгани хақида маълумот беради. Чунончи: Мавлоно Ашраф

Навоий асарларида «Шохнома» ва бошқа жангномалардаги Рустам, Сом, Наримон ва Сиёвуш каби каҳрамонларнинг номини зикр этади, баъзан ўз каҳрамонларини уларга ўхшатади, кадим афсоналардан бирон лавҳа ёки жиҳатни олиб, янги образ яратиш, янги фикртушунчани ифодалашда фойдаланади.

«ХАМСА» ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ФОЛЬКЛОРДАГИ ЗАМИНИ

Ёзма адабиёт тараққиётидаги катта анъаналар кўпинча кайси бир жихати биландир фольклорга боғланади. Бу Якин ва Ўрта Шарқ халклари адабиёти тараққиётида бир неча асрлик тарихга эга ҳамсачилик анъанасига ҳам тааллуклидир. «Хамса» аниқ тарихий шароит ва эҳтиёжнинг маҳсули сифатида вужудга келиши билан бирга, қачонлардир халқнинг бадиий тафаккури яратган асотир ва афсоналардан, хикоя ва тамсиллардан, образ ва сўз инжуларидан баҳраманд бўлиб туғилди, камол топди. Фольклор ҳамсачиликка туганмас маънавий ва бадиий чашма вазифасини ўтади. Назаримизда, ҳамсачилик фольклорсиз вужудга келолмагани каби, усиз умброкий адабий анъана ҳам бўлолмасди. Бинобарин, ҳамсачиликка асос солган Низомий Ганжавийинг «Панж ганж»ини ҳам, Низомийнинг буюк издошлари Амир Хисрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа шоирларнинг «Хамса»си (ёки ҳамсачилик анъанасидан ўрин олган алоҳида достонлари)ни ҳам фольклорсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳамсачилик алоҳида шоирлар учун ҳам, маълум халқ ва даврлар адабиёти учун ҳам катта имтихон бўлган адабий анъанадир. Бу анъана XV асрда янада кенг тус олган эди. Алишер Навоий «Мажолис уннафоис»да бир неча шоирларнинг «Хамса»га ёки унинг айрим достонларига зргашиб асарлар яратгани хакида маълумот беради. Чунончи: Мавлоно Ашраф

«Хамса» ёза бошлаган, лекин уни тугата олмаган; Али Охий «Хамса»га хос бир неча достон битган; Мавлоно Котибий «Хамса» ёзишга киришган, лекин уни тугата олмаган; Мавлоно Фасех Румий Низомийнинг «Махзан ул-асрор»ига эргашиб достон яратган; Хожа Ҳасан Ҳизршоҳ «Лайли ва Мажнун»га жавобан «Зайд ва Зайнаб» достонини ёзган; Мавлоно Абдулло «Хамса»нинг «Лайли ва Мажнун», «Хисрав ва Ширин» ва «Ҳафт пайкар»ига эргашиб достонлар яратган ҳамда «Искандарнома»га жавобан «Зафарнома» ёзган; Хожа Имод «Лайли ва Мажнун» достонини ёзган ва бошқалар. Аммо бу шоирларнинг бирортаси ҳам мукаммал «Хамса» яратишга, Низомий ва Хисрав Дехлавийнинг қаторидан ўрин олишга мұяссар бўлолмади. XV асрда бирданига икки буюк ҳамсанавис етишди. Булардан бирни тожик шоирни Абдураҳмон Жомий бўлса, иккинчиси улуғ ўзбек шоирни ва мутафаккири Алишер Навоийдир. Жомий ва Навоийнинг буюк ҳамсанавис даражасига кўтарилишининг мухим омилларидан бирин уларнинг ҳалқининг маънавий эҳтиёжини яхши идрок ва тасаввур этиши, ҳалқ маънавий бойлигини яхши билинши ва ундан ижодий фойдаланиши эди.

Образсиз, қаҳрамонсиз бадиий асар вужудга келмайди. Сўз ёзма адабиёт билан оғзаки поэтик ижодиётнинг алоқаси ҳакида боргандга ҳам, бу биринчи навбатда образларга, қаҳрамонларга тааллуклидир. «Хамса» эса образлар, қаҳрамонлар тизими бой мажмуадир. Унда юзлаб кагта-кінчик образлар хилма-хил қаҳрамонлар бор. Булар шоҳ ва гадо, вазир ва чўпон, амалдор ва дехқон, лашкарбоши ва аскар, ҳаким ва табиб ва бошқалар. «Хамса» қаҳрамонлари тарихий ёки ярим тарихий-ярим афсонавий шахслар номи билан bogлиқ, шу билан бирга, улар соғ афсонавий, хаёлий бадиий

түкима образлардир. «Хамса» қаҳрамонлари эпик, лирик, эпизодик, «қистирма» ва тавсифий; романтик, реалистик, күпинча эса, романтик ва реалистик анъаналарнинг биринкуви билан вужудга келган образлардир. Улар ижобий, салбий ва «мураккаб» образлар. Шу қайд ва таснифотнинг ўзиёқ «Хамса» қаҳрамонларининг фольклорга боғлиқ, алокадор эканини кўрсатиб турибди.

Йирик бадиий асар бош мавзу, бош воеа ва бош қаҳрамонлар билан вужудга келади. Кўшимча мавзу, кўшимча лавҳа, кўшимча образлар бош мавзу, бош воеа ва бош қаҳрамонларни тўлдиради. Бирок бу ҳолат унда эпик тасвирни – ҳикоя ва масалларни мустасно килиб кўймайди. «Ҳайрат ул-аброр»нинг жанр хусусиятлари унда катта эпик образлар яратиш имкониятини бермайди. Лекин, шунга қарамай, «Ҳайрат ул-аброр»да жуда кўп ва хилма-хил образлар, турли ижтимоий табакаларга мансуб, турли характердаги ижобий ва салбий, хажвий ва мажозий образлар бор. Бу образларни достондаги масалаларнинг ривожланишида, асарнинг курилишида қандай роль ўйнашига қараб, учга бўлиш мумкин: 1) Достоннинг бош қаҳрамони – бу достоннинг мукаддимасидан тортиб хотимаснга қадар китобхоннинг доимий ҳамрохи, турли-туман масалалар, фикр-мулоҳазалар, ҳикоя ва тамсиллар оламига олиб борувчи йўлчи – Навоийнинг ўзи; 2) Маколатлардаги тавсифий образлар – портрет ва характерлар; 3) Ҳикоя ва масаллардаги эпик образлар. Бинобарин «Ҳайрат ул-аброр» деганда бир неча бобдан ташкил топган достон, достоннинг бош қаҳрамони – йўлчи юлдузи Алишер Навоий ва тавсифий ҳамда қистирма эпик образлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Бирок, бошка достонлар ўзгача. «Фарход ва Ширин» номи билан шу достоннинг бош қаҳрамонлари Фарход ва Ширин; улар

билан бирга Мехинбону, Шопур, Хисрав ва Шеруя, «Лайли ва Мажнун» билан Лайли ва Мажнун, «Сабъаи сайёр» билан биринчи навбатда Бахром ва Дилором, «Садди Искандарий» билан Искандар образи кўз ўнгимиизда пайдо бўлади. Навоий достонлари мана шу қаҳрамонлар образи оркали фольклорга, халқ ижодиёти анъаналари боғланади.

«ФАРХОД ВА ШИРИН»

Навоийнинг «Фарход ва Ширин»и севги ва вафо, дўстлик ва садокат, меҳнат ва ижодкорлик, ватан-парварлик ва қаҳрамонлик достонидир. Олижаноб инсоний фазилатларни, умумбашарий орзу-интилишларни тараннум этган бу асар ўзбек мумтоз адабиётда, колаверса, Ўрта Шарқ ҳалклари адабий анъаналари тараккиётида янги ҳодиса, катта бир боскич бўлди. Навоий хамсачилик анъанасидан мустаҳкам ўрин олган «Хисрав ва Ширин» ўрнига янги мавзу ва мазмун, ғоялар, янги образ, характерларнинг бадиий тажассуми – «Фарход ва Ширин» достонини яратди.

Хисрав ва Ширин образлари маълум тарихий илдизга эга. Хисрав машхур сосоний подшоҳларидан Ануширвоннинг набираси Хисрав Парвездир. Хисрав Парвез 590 йилда таҳтга чиққан ва 628 йилда ўз ўғли Шеруянинг буйруғи билан катл килинган эди. Манбаларнинг маълумотига кўра, Ширин ҳам тарихий шахс, у Хисравнинг энг севикли рафиқаси экан. Арман кизи ёки оромийлардан бўлган гўзал Ширин зодагонлар хонадонидан эмас. Шунинг учун зодагонлар доираси Ширинга паст назар билан караб, уни Хисравга номуносиб деб хисоблар экан. Бу ҳолат сарой атрофидаги иғволарни янада кучайтириб юборган. Шундай килиб, фольклор, кейин ёзма адабиёт анъаналаридан мустаҳкам ўрин олган

Хисрав, Ширин ва Шеруя тарихий андоза образга згадир.

Хисрав, Ширин ва Шеруялар ҳакида турли-туман афсона ва ривоятлар вүкүдига келиб, Хисрав ва Ширин саргузашти, уларнинг севгиси афсонавий тус олиб, инти-янги афсона ва ривоятлар вужудга кела бошлайди. Булар тарихий манбалар ва турли характердаги ёзма асарлардан ўрин олади.

Тарихий манбалар, афсона ва ривоятлар ёзма адабиётда Хисрав ва Ширин ҳакида асарлар яратишга бир замин бўлиб хизмат қилди. Ёзма адабиётда дастлаб Абулкосим Фирдавсий Хисрав ва Ширин ҳакида дoston яратди. Низомийнинг «Хисрав ва Ширин»и билан ҳамсачиликда мустахкам ўрин олди. Ҳамса муаллифларидан ташқари, Хисрав ва Ширин (ёки Фарход ва Ширин) ҳакида яна кўп шоирлар асар яратдилар. Шундай килиб, Хисрав ва Ширин тарих заминидан афсона ва ривоятларга, ундан ёзма адабиётга ўтди, ёзма адабиёт ва ҳалк оғзаки ижодиётида кўпдан-кўп асарлар яратилди.

Хисрав ва Ширин тарихи, афсона ва ривоятлар, ёзма адабиёт намуналари ва бошқаларни тадқик этишда шарқшунослик ва адабиётшунослик фанлари катта тажриба тўплади. Кейинги йилларда яратилган тадқикотлардан йирик кўламдаги асарлар сифатида ҳусусан чех олимни X.B.Дуда¹, олимлардан F.Алиев², Г.Бегдели³, С.Эркинов⁴ тадқикотларини таъкидлаш ло-

¹ N.W.Duda. Ferhad und Schirin, Die literarische Geschichte eines persischen Sagenfes, Praha, 1933.

² Г.Ю.Алиев. «Легенда о Хосрове и Ширин в литературах народов Востока». Изд. вос. лит., Москва, 1960.

³ Г.Бегдели. «Низаминен «Хосров ва Ширин» поэмасы ва бу мавзунун Шэрг эдбийатинда эшлиймасы», дис., Бакы, 1967.

⁴ С.Эркинов. «Навоний «Фарход ва Ширин»и ва унинг киёсий таҳлили». Т.: «Фан», 1971.

зим. Алоҳида муаллифларнинг достонлари (ёки умуман ижодиёти) бўйича яратилган илмий ёки илмий оммабол асарлар жуда кўп. Биз булар ҳакида маҳсус тўхташ, муроҳаза юритиш зарурияти йўқ деб ҳисоблаймиз. Факат баҳсимиз муносабати билан икки нарсани таъкидлаймиз. Тадқиқотларда биринчи манбаларнинг маълумотлари изчилик билан тўпланиб, пухга текширилди ва ёритилди. Тадқиқотлар «Хисрав ва Ширин» ёки «Фарход ва Ширин» (Ориф Ардабилийда «Фарҳоднома») нинг илдизи, бир томондан, тарихга, иккинчи томондан, фольклор анъаналарига бориб тақалишини кўрсатади. (Шубҳасиз, ҳар бир тадқиқотнинг ўз мавзу ва объектига мувоғиқ масалалар доираси, фазилатлари, шу билан бирга айrim мунозарали жиҳатлари ҳам бор.)

Ғ.Алиев Хисрав ва Ширинга тааллукли манбаларни икки гурухга ажрагади. Биринчи гурухга Византия тарихчиси Феофилакт Симокаттанинг «Тарих» китобини¹, арман тарихчиси список Себеос асариг² ва муаллифи номаълюм Суря хроникаларини³, иккинчи гурухга арабфорс манбаларини (Жоҳиз, Табарий, Ибн ал-Факих, Балъамий, Саолибий, ал-Мааррий, Ёкут ва бошкамарнинг асарларини) киритади. Бу икки гурух манбалар маълумот ва талкинда маълум муштаракликка эга. Биринчи гурух манбаларда кўпроқ Хисрав ва Ширин тарихи берилса, иккинчи гурухда тарих билан ривоятлар уйғунлашиб кетган. Мана шу иккинчи гурух манбалар Хисрав ва Ширин ҳакидаги асарларнинг вужудга келишига замин бўлиб ҳизмат киляган эди.

¹ Феофилакт Симокатта. История, под ред. Н.В.Пигулевской. Москва, 1957.

² Себеос. История императора Ираклия, СПб, 1862; «История Епископа Себеоса», Ереван, 1939.

³ Бу хроопикалар Н.Пигулевскаяшит «Византия и Иран на рубеже VI и VII веков». (М.-Л., 1946) асиридан ўрин олган.

Қадимги манбаларнинг Хисрав ҳакидаги маълумотлари деярли муштаракдир. Аммо Ширин ҳакидаги маълумотларда, унинг эл-юрти ҳакида бирмунча фарқтафовут бор. Симокаттанинг маълумотича, Сира (Ширин) румолик насронийлардан. Хисрав шаханшохлар анъанасини бузб. насоро қизига уйланади. Бу сарой ахли норозилитгини тұғыради. Факат бир йилдан кейингина Ширин сарой матикаси сифатида эътироф этилади¹. Себеос Хисрав Парвезд салтанатига багишланган бўлимнинг «Шоҳ Хисравнинг хотини малика Шириннинг олижаноблиги ҳакида» бобида Ширинни насоро қизи, унинг юртини Ҳужистон (Хузистон) деб маълумот беради. Сурия манбаларида эса Сира (Ширин) эронийлардан деган маълумот бор. Шу манбада Хисравнинг бошқа бир хотини – Марям (у хам насаро қизи) номи зикр этилади². Е.Э.Бертельс: «Манбанинг аслида «коромий» эмас, балки «армани» ёзилган бўлиши мумкин. У ҳолда Яқин Шарқлаги анъаналарининг Ширинни «армани» деб хисоблаши сабаби ойдинлашади», дейди³.

Иккинчи гурӯхдаги манбалар тарих далиллари ва ривоят-афсоналарни тұплаган маңбалар сифатида кимматли бўлиб, айрим фарқ-тафонутынга ва зиддиятига қарамай, улар тарих ва ривоятлардаги Хисрав ва Ширин ҳакида тұлароқ тасаввур тұғыриб, бир-бирини тұлдыради ва такомиллаштиради. Дастреки афсона ва ривоятларда Хисрав ва Ширин, буларнинг севгиси. Хисравнинг Ширинга уйланиши, сарой муносабати, Хисравнинг үлдирилиши каби лавҳалар ҳикоя килинса, кейинчалик Фарход ва Бехустун, қаср ва ариқ, от Шабдиз,

¹ Феофилакт Симокаттанинг зикр этилган асари.

² Н.Пигулевская. «Византия и Иран на рубеже VI и VII веков». Стр. 241.

³ Е.Бертельс. «Низами», М.: 1948, стр. 107.

кўшикчи Бахлабанд (Борбад), Марям ва Шириннинг рашик-ракобати каби воқеалар, лавхалар кўшилади. Фарход номи биринчи бор «Тарихи Табарий»да зикр этилиб, унинг Ширинга ошик бўлгани ва Ширин шарафи учун Бехустунни кезгани хикоя килинади¹. Фарход номи Низомийга қадар Абулҳасан Али бинни Оғочий, Сўзани Самарқандий, Фаррухий, Қатрон Табризий ва Хоконий каби шоирларнинг сатрларида зикр этилса, ёзма адабиётда унинг эпик образини илк бор Низомий Ганжавий «Хисрав ва Ширин» достонида яратди.

Шундай қилиб, Хисрав ва Ширин тарихдан ҳалк афсонаси ва ривоятларига, ундан ёзма адабиётта ўтиб катта ва мураккаб тарихни бошидан кечирди. «Хисрав ва Ширин ҳакидаги ривоятларнинг турли тарихий даврларда кенг шухрат қозонишини унинг севги ва садокат ҳакидаги гўзал афсона бўлиши билангина изоҳлаш тўғри бўлмайди. Хисрав ва Ширин ҳакидаги афсона – ҳалқ ижодиётининг маҳсули. Унинг сюжети замирида ётган тарихий воқеалар асрлар давомида ҳалк томонидан кайта ишланиб, бадний асар яратишга бир режа бўлиб хизмат килди...»

Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин»и ҳамсачиликнинг анъанавий мавзуи ва образлари заминида вужудга келди. У ёзма адабиётда Хисрав ва Ширин ҳакида ишланган Фирдавсий достони билан, ҳамсачиликнинг муассиси Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин», Хисрав Дехлавийнинг «Ширин ва Хисрав» ҳамда Ашраф достони билан якиндан таниш эди. У мукаддимада ўз салафлари ҳакида сўзлаб, Низомий ва Дехлавийдан кейин айтади:

Бу майдонга чу Ашраф сурди маркаб,
Бу сўзни ўзга навъ этти мураттаб,

¹ «Тарихи Табарий», Лакнау, 1874, 360-бет.

Яна бүлғон экан бу нома маркум,
Вале роким эмастур яхши маълум¹.

Кейинги йиллардаги тадисқотларда Навоий таъкидлаган «яхши маълум бўлмаган роким» Ориф Ардабилий деган фикр илгари сурilmоқда². Ориф Ардабилийнинг форс тилида битилган «Фарҳоднома» достони икки кисмдан иборат булиб, биринчи кисмida Фарҳод билан Гулестон деган кизнинг, иккинчи кисмida Фарҳод билан Шириннинг севги саргузаштлари хикоя килинади. «Фарҳоднома»да меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик оҳанглари ҳам муҳим ўрин тутади. Ориф достони сюжет ва композицияси, образлар тизими ва бадний услуби жиҳатидан ҳалқ ижодиётига, афсона ва ривоятларга янада якинdir.

Булардан келиб чиқадиган хулоса шундаки, Навоий салафларининг достонлари «соф китобий» асарлар бўлмай, балки ҳалқ ижодиёти билан йўғрилган асарлардир. Навоий уларнинг асарлари оркали ҳам бевосита бўлса-да, ҳалқ ижодиёти, унинг афсона ва ривоятлари билан таниш эди. Иккинчидан, Навоий ҳеч качон ҳамсанависларнинг асарлари билан чекланиб қолмади. У турли-туман манбаларни, тарих китоблари, ҳалқ афсона ва ривоятларини синчковлик билан ўрганиб, улардан ижодий фойдаланди. Достоннинг мукаддимаси – «Икболи саодат тили...»дан бир неча мисра келтирамиз:

...Килиб кўнглимни бу андиша шайдо.
Таворих сори айладим ҳар сари пайдо,
Назар айлаб борин аввалдин охир,

¹ «Ҳамса», 166-бст.

² «Мұхтасар Азарбајҹан эләбиинати тарихи». Бакы, 1948, 117–118-бстлар. Г.Н.Араслы. Ариф Ардебили и его поэма. «Фарҳаднаме», Автореферат канд.дисс. Баки, 1969.

Бўлуб бошдин-оёқ олимда зохир.
Топилди онча сўзким, комим эрди,
Куюлди онча майким, жомим эрди.
Бу дурлар чунки манзум ўлгусидур,
Кулок солғонға маълум ўлгусидур.
Ки бу баҳр ичраким поён анга йўқ,
Етишмак қаърига имкон анга йўқ...

Аммо Навоий бу мисраларда танишган ва фойдаланган асарларини кайд этмайди. Шундай бўлса-да, айтиш мумкинки, у танишган ва фойдаланган асарлар сирасида Хисрав ва Ширинга доир афсоналарни жам этган манбалар – Табарий, Балъамий, Ёкут, Саолибий ва бошка муаллифларнинг асарлари ҳам бўлиши мумкин. Бу китобий манбаларда «тарих» билан «фасона»нинг ёндош ва коришик холда келишини унутмайлик. Шундай хусусият Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асаридаги Хисравга доир фаслларга ҳам хос, у тарих маълумотларинигина эмас, балки афсона ва ривоятларни ҳам ўзида мужассамлантирган. Шу ўринда айрим кискартиш ва шархлар билан ушбу мўъжаз фаслларни келтиришни мувофик кўрамиз. Навоий Ҳурмуз билан Баҳроми Чўбинанинг ўзаро ёгий бўлгани воеотини баён этиб, Баҳроми Чўбина «...Парвез отига ва анинг навкарлигига ўзин мансуб килди. Гараз бу тадбир эдиким, Ҳурмуз ўғлидан бадгумон бўлуб ородан кўтаргай ва Баҳром осонлиғ била Ҳурмузни дафъ килиб, подшолигини олгай. Ва бу ройи мувофик тушти. Ҳурмуз Парвез касдиға машғул бўлиб, Парвез ваҳмдан кочиб, Арман вилоятига борди ва Ширинга ошик бўлди (таъкид бизники – Н. М.). Андоқким шархи келгусидир. Иншоолло, чун Парвез қочти, Баҳромга бормади. Ҳурмуз билдиқим, Баҳром кайд килибтур ва ўғли гунохсиз эрканидур. Сипоҳ ясад, Баҳром ўтрусиға

йиборди. Баҳром анинг сипоҳин урушиб бости. Ва Ҳурмуз салтанати корхонаси мутазалзил бўлуб, чун аркони давлат андин норози эрдилар, тутуб кўзига мийл торғиб, Арманга киши йибориб, Парвезни келтуруб подшо килдилар...»¹ Бу сатрларда Навоий тарихий маълумотларга мувофиқ Ҳисравнинг отаси Ҳурмуз билан қариндош ворислардан Баҳроми Чубина ўртасидаги мухолифат, Ҳурмузниң кўр қилиниши ва Ҳисрав Парвезнинг таҳтга чиқишини баён этади. Навоийча, Ҳисрав Парвез Армандан чакирилади. Бу Ширин ва Мехинбонунинг афсона ва ривоятлардан арманистонлик сифатида ўрин олиши, афсона ва ривоят маълумотларининг «расмий» тарих китоблари таркибига сингиб бориши оқибати бўлиши мумкин (мазкур ўзгаришлар, албатта, «Тарихи мулукк Ажам»га қадар содир бўлган).

Баҳроми Чубина фаслида Навоий Ҳисрав Парвез устига Баҳромнинг кўшин тортгани, Ҳисравнинг мағлуб була бошлагани, отасига мурожаат килиб, унинг маслаҳати билан Румга бориб Кайсаардан мадад олгани, Баҳромнинг енгилиб, Ҳокон хизматига боргани, у ерда уни заҳарлаб ўлдиришгани баён этилади. Фаслнинг охирида: «Ва баъзи тарихда ани мулук ададига киурмайдилар. Ва Шервон салтанатини анинг наслидин дебтурлар ва анинг нажодини баъзи Каркин Милодка ва баъзи Яздижурд бинни Баҳромга еткурубтурлар», деб манбалардаги тафовут ва зиддиятларни таъкиллайди.

Ҳисрав Парвез фаслида аввалги фаслнинг айрим маълумотлари такрорланади ва тафсилотлар билан тўлдирилади. Шулардан бири Ҳурмузниң хоннлик билан ўлдирилиши воеотидир.

¹ А. Навоий. Асарлар. Ўн тўртиинчи том, 227-бет.

Иккинчи бир тафсилот Хисравнинг Марямга уйланиши билан боғлиқдирким, бу Сурия аноним манбалари ва Хисрав ҳакидаги кўпгина ривоятлардан ҳам, ёзма адабиёт обидаларидан ҳам ўрин олган. «Чун Парвез Румга етти, – дейди Навоий, – Қайсар анга қамохи ҳолин билиб, яхши дилжўйлик килиб, Марям отлиғ қизин анга никоҳ килди ва колин мадад бериб узотти...»

Шундан кейин Навоий Хисравнинг шон-шавкати, доврути орттанини ҳикоя қиласди: «Ва макнат ва шавкати бир ерга еттиким, андин бурунғи Салотинга мұяссар бұлмайдур эрди. Ва баъзи муаррихлар анга мұяссар бұлғон нималарни ҳайрат тарики била төздөд қилибтурлар...» Булар: жавохир билан зийнатланган, тұрт поясига фалак, юлдузлар ва етти икlim тасвиirlанган Тоқдис деб номланган олтін таht; ҳар бири чумчук катталигидаги жавохирлар билан зийнатланган улкан гилам; Шабдиз номли машхур от (от ўлгандан кейин қояга унинг суратини солдириб Хисрав шу билан овунар экан); Борбад номли «замонининг ягонаси бұлған мұғаний»; Шопур исмли тенги йўқ наққош; Бузург Уммид деган аллома вазир; яна – минг фил, ўн саккиз минг от, ўн икки минг «туркий» деб навланган ок түя, неча минг сохибжамол канизак ва бошка-бошқалар. Бу таъриф ва тавсиф Хисравнинг шон-шавкати ҳам, мол-дунёси ҳам эл-юртда достон бўлиб, ҳақиқат билан муболаганинг уйғунлашиб кетганини кўrsатади. Шабдиз ва Борбад эса Хисрав ҳакидаги кўпдан-кўп афсона ва ривоятларнинг асосини ташкил этади.

Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Ширинга алоҳида ўрин ва зътибор беради: «Ва Шириндеk маҳбуби бор эрдиким, оламда анингдек ҳусну латофат ва жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эрди...» Ширин таърифидан кейин Навоий нодир манбалардан кишини foятда тааж-

жублантирувчи «икки сўз» (икки маълумот) топганини кайд этади. Булардан бири Фарходга тааллукли: «Бири улким, агарчи Шириндек оламда нодираси бор эдики, vale Фарходдек ҳам олам ажубаси ракиби бор эрдиким, ишқ ва ниёз атрофидин бовужуди Хисравдек подшоҳ кўнгли Фарходка майл қилиб, илтифот ва тараҳхумлар зоҳир қилди. Ва ани билиб Хисрав рашидин макр била Фарход катлига (таъкид бизники – Н. М.) боис бўлдиким, андин машхурроқдурким битмак ҳожат бўлғай». Фарход номи биринчи бор X аср манбаларида, жумладан «Тарихи Табарий»да зикр этилгани маълум. Фарход, бу манбанинг баёнича, Ширинни севиб колган, унинг учун Бехустун тогини кесиб, мўъжизали ишларни бунёд этган экан. Бу, шубҳасиз, Хисрав ва Ширин тарихи ва воқеотига кўшилиб, анъанавий сюжетни янги асар томон ривожлантирган.

Иккинчи маълумот шундаки, «Ҳазрати Рисолат» (Мухаммад пайғамбар) Хисрав Парвезга «дин ва ислом даъватига нома битиб киши йиборди. Ва ул музахрафот Гуруридин ул ҳазрат муборак номасин йиртти ва итоат килмади». (Дарҳакиқат, сўнгги сосонийлардан бўлган Хисрав Парvez исломни қабул қилиш таклифини рад этиб, зардуштийликка содиклигича колган.) Хисрав Парvez фасли Шеруя томонидан Хисравнинг қатл килиниши баёни билан тугалланади.

«Тарихи мулуки Ажам» Алишер Навонийнинг Хисрав Парvez тарихи билан ҳам, унинг тўғрисида яратилган ривоят ва афсоналар билан ҳам яқиндан таниш бўлганини курсатади.

Шубҳасиз, ёзма манбалардан ташқари Хисрав ва Ширин (ёки Фарход ва Ширин) ҳакида ҳалқ оғзида айтиб келингган кисса, афсона ва ривоятлар, уларнинг турли-туман намуналари ҳам бўлган. Навонӣ ёзма

манбалар билангина эмас, балки оғизда айтиб келингән
қисса, афсона ва ривоятлар билан таниш бўлган. Бунга
унинг ғазалиётидаги айрим сатрлар ҳам шаҳодат
беради. Бир неча мисол келтирамиз:

Кўп ўкудим Вомику Фарходу Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин бул ажаброк достоне топмадим.

Бодаи гулгун кетурким, шоми ҳижрон мен киби,
Юз туман Фарходни паст айлаган Шабдиз эрур...

Хийла ожизлиқдин айлар ошиқ, англа, эй кўнгул,
Ким забунрок ишқ аро Фарходдин Парвезд эрур.

Эрур мазлуму золим катли ишқ оллида кўп осон,
Агар Фарход ўлди, катл топмай колдиму Парвезд...¹

Бу парчаларда «Хисрав ва Ширин» ёки «Фарход ва Ширин» туркумига мансуб бир змас, бир неча қисса кўзда тутилаётгани равshan. «Махбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисми б-fasлида «Муқбил ва Мудбир» ҳикоясиning Хисрав Парвезд билан боғликлити ҳам шуни кўрсатади. Ҳудди шунингдек, Навоий замондошларининг асрлари, жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» достонидаги Хисрав Парвезд ва балиқчи, Мавлоно Фахриддин Али Сафийнинг «Латониф ут-тавониф» китобидаги Парвезд ва мунажжим, Парвезд ва кул ҳикоялари ҳамда бошқаларни кўзда тутсак, Навоий даврида Хисрав ва Ширин (ёки Фарход ва Ширин) ҳакида мураккаб сюжетли қиссалардан ташқари, баъзан бир лавҳадан иборат ҳикоя-тамсиллар ҳам кенг тарқалгани аси бўлади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ихтиёрида кўп ва хилма-хил манба, маълумотлар бор эди, улар шоирни тарих сарчашмаларигагина эмас, балки ҳалқ ижодиётини

¹ Ўша асар, 208-бет.

сарчашмалари томон ҳам элтар эди. Бундан ташкари, халқ ижодиётiga хос романтика, фантазия, хаёлот, фавкулоддалик, муболага ва бошқалар Алишер Навоийга ижодий эркинлик бериб, уни бирон (ёки бир неча) манбага боғланиб қолиш «махдуд»лигидан халос этар, халқ асарларининг ӯзи бу борада сабок бўлар эди. Зотан, бирор манбагагина боғланиб, унинг доирасида қолиш Навоийга «Фарҳод ва Ширин»да ўз олдига қўйган улкан максад ва масалаларни ҳал этиш имконини бермас эди. Шоирнинг тарихга – далилларга, бадиий анъаналарга, жумладан, халқ ижодиётiga муносабати шу зайлда эди.

Энди «Фарҳод ва Ширин»даги анъанавий образларга ўтайлик. Бу биринчи навбатда, Хисрав Парвез образидир. Тарихий шахс – Хисрав Парвез образининг вужудга келишида андоза бўлиб хизмат қилтани маълум. Аммо шуниси ҳам маълумки, Хисрав Парвез тарих саҳнасидан адабиёт оламига ўтиши билан тобора тарихдан йироклашади, ўз тарихий ӯзагини ўзгартириб боради. Бу Хисрав ҳакида яратилган ёзма адабиётдаги илк йирик асар Фирдавсий достонига ҳам тааллуклидир. Унинг «шавкатли ва ошиқ Хисрав»и тарихдаги Хисрав Парвезнинг айнан ӯзи эмас. Шу маънода Низомий тарихдан янада «йироклашади», аммо у ўз даври тарихига якинлашади. «Адолатли подшоҳ гоясини илгари сурган улуғ шоир ва мутафаккир Ширин воситасида Хисравни «кайта тарбиялаб», уни одил ва ориф шоҳ, содик ва вафодор ошиқка айлантиради. Низомий халқ орзуси ва хаёлотидаги одил подшоҳ образини яратган эди. Бу образни яратишда у анъанавий манбалар билан бирга халқ эртак ва киссаларидағи «адолатли подшоҳлар» образидан ҳам, шубҳасиз, илҳомланган.

Навоий яна нари кетди. У максади, орзу-интилиш ва хаёлотини меҳнаткаш ва ижодкор Фарҳод образида

мужассамлантириди. Бу Хисрав қиёфаси ва унга бўлган муносабатни батамом ўзгартириб юборди. Фарход – эзгулик оламининг, Хисрав – ёмонликнинг мужассами. Хисрав билан Фарход ўртасидаги конфликт – достоннинг бош конфликт. Энди Шириннинг ҳам Хисравга муносабати тамомила ўзгача. У Хисравни севиш у ёқда турсин, балки бутун қалби билан ундан нафратланади... Навоий достонида Хисрав аслидан (тарихий Хисрав Парвездан) шу даражада йироклашиб кетдик, айрим деталларни (ном, Шеруя воеаси ва бошкаларни) мустасно килганда, гўё у билан қадимги тарихнииг барча иплари узилгандек. Навоийдаги Хисрав афсона ва ривоятлардаги анъанавий Хисрав образидан ҳам узок, узоққина эмас, ҳатто қарама-қарши ҳам. Лекин у гўё ҳалқ эртак ва қиссаларидаги «Бир бор экан, бир йўқ экан, золим бир подшоҳ бўлар экан...» кабилидаги ўнлаб, юзлаб золим подшоҳларнинг жамловчи образи... Демак, Навоий бир неча афсона ва ривоятлардан йироклашган бўлса-да, ҳалқ ижоди руҳидан йироклашмади, ўз Хисравини қиссадан-қиссага ўтиб ҳалқ каргаб, лаънатлаб келган шоҳ тимсолида яратди, «кандаза»ни ҳалқдан олди. Навоий достонининг тоявий-эстетик мөҳияти, йўналиши ва мақсади шуни тақозо қиласади.

Ширин образи ҳам мураккаб тараққиёт йўлини кечиб ўтди. У ҳалқ ижодиётидан, кейин ёзма адабиётдан кенг ўрин олди. Дастребки афсона ва ривоятларда Ширин фаолияти, асосан, Хисрав билан боғлик бўлиб, у гўзал ва садоқатли аёл сифатида тасвирланади. Кейинроқ у Фарход, Шомира, Бесутун ва бошкалар билан бирга ўсиб такомиллашади. Ширин ҳалқ ижодиётидан ёзма адабиётта ўтади.

Алишер Навоий Ширин ҳақидаги тарихий-ривоявий манба ва анъаналар билан яқиндан таниш эди.

Бунга, хусусан, «Тарихи мулуки Ажам»даги маълумотлар ёркин далил бўла олади. Навоий анъанавий маълумот, ривоят ва афсоналардан фойдаланиши билан бирга, достоннинг янги ғоявий-эстетик моҳияти, режаси, вокеа ва образлар силсиласи муносабати билан анъанавий Шириндан чекинади ҳам. Унинг Ширинни ривоят ва афсоналардангина эмас, балки ҳамсалардаги анъанавий Ширин образидан ҳам катта фарқ қиласи. У Хисравнинг каллиғи эмас, балки меҳнаткаш ва ижодкор Фарҳоднинг севикли ёри, у «сут ариғи»нинг эмас (бу Шириннинг маънавий оламини хийла чегаралаб кўйган бўлар эди), балки эл-юртга «ҳаёт» ва «нажот» багишлаган «Наҳр ул-ҳаёт» ва «Баҳр ун-нажот»нинг ташаббускорларидан бири (Халқ афсоналарининг кўпчилиги ҳам Ширин фаолиятини сув билан, ариқ очиш билан боғлайди). Ширин ҳалқ эпосидаги мӯъжизакор, жасоратли ва окила кизларга ўхшаб кетади. Навоий Ширинни билан Ориф Ардабилий достонидаги Ширин образи бир-бирига хийла яқинроқ. Бу, Навоийнинг Ориф достони билан таниш бўлиш-бўлмаслигидан катъи назар, ҳалқ ижодиётида Ширин ҳакида қадимийроқ анъанавий ривоят ва афсоналардан фарқ этувчи янги асарлар ҳам вужудга келган, Навоий ҳам, Ориф ҳам шундай асарлардан илҳомланиб, улардан ижодий фойдаланган, деб фара兹 килмокка имкон беради. Ширин номи билан боғлик кўпгина ривоят ва афсоналар бор. Каҳрамонни ўз эл-юрти билан боғлаб курсатиш ҳалқ ижодига хос анъаналардан бири. Шу анъанага мувофиқ Ширин ҳалқ асарларида турли эл-юртга мансуб килиб тасвиirlанади, айрим кишлоқлар, бинолар, сойлар, чашмалар ва бошқалар унинг номи билан аталади. Аммо шу атамалар асосида Ширин «тарихи»ни тиклашга интилиш, шубҳасиз, фойдасиз, натижасиз бўлур эди. Чунки Ширин

аллақачонлар якка шахсликдан чиқиб образга, гүзәллик, садокат, ақл-ирода тимсолига, халқнинг сув хақидаги гөяси ва орзузи тажассумига айланиб, ҳад-худудни кечиб ўтган эди.

Шириннинг киссага Фарҳод образини бошлаб келгани қайд килиб ўтилганидек, Фарҳодни биринчи бор Низомий Ганжавий ёзма адабиётда мукаммал эпик образ сифатида ишлаб, «Хисрав ва Ширин»нинг асосий образларидан биринга айлантириди. Шундан бошлаб Фарҳод хамсачиликнинг анъанавий образи бўлиб колди, унинг тўғрисида кўпдан-кўп асарлар, жумладан, достонлар вужудга келди. Бошка асарларнинг гоявий-бадний қимматини камситмаган ҳолда, шуни дадил таъкидлаш лозимки, Навоийнинг Фарҳоди бу образ тараккиётининг юксак чўккисидир.

Фарҳодни тарихий шахс деб тасдиковчи ёки бундай мuloҳазани узил-кесил рад этувчи хужжатларга эга эмасмиз. Фарҳод номи дастлаб бирор аниқ шахс – тош йўнувчи, уста билан боғлиқдир. Эҳтимол, у Бехустун билан алокадор бўлиб, бу коя билан боғлиқ бирор ишни бажо келтиргандир. Навоий «Тарихи мулукки Ажам»да Хисрав Парвез ҳақида сўзлаб, Ширин ва Фарҳод воқеотига ўтиш олдидан «Ва Кисро токин дебтурларким ёримчук эрди, ул тугатти», дейди. Фарҳод Доро замонида эмас, Хисрав Парвез даврида ўтиб, чала колган «Кисро токи» ишларини тугаллашда иштирок этган бўлиши, тарихий замин ҳақиқат бўлиши мумкин. Ривоятларга кўра, Фарҳод кояга Ширин, Хисрав ва Шабдиз тасвирини ишлаган экан.

Аммо ортиқ даражада фаразга берилиш, Фарҳод номи ва шахсини кандай бўлмасин тарихга боғлашга интилиш сунъий ва фойдасиз бўлиши мумкин. Чунки Фарҳод тарихга эмас, балки адабиётга мансубдир,

яъни Фарҳод деганда биз мураккаб тарихий тараққиёт боскичларини кечиб ўтган бадиий образни кўзда тутамиз. Унинг бадиий образ сифатида шаклланиши ва тараққий этишида, кўпчилик тадқиқотчилар айтганидек, халқ ижодиёти, мифология, бадиий фантазия замин бўлган эди¹. Фарҳод мўъжизакор афсонавий қаҳрамон. У тог суради, коя қўпоради, йўл солади, ариқ очади, каср куради; у ҳормас пахлавон, хеч ким, ҳатто дев ва аждар ҳам у билан тенглаша олмайди... Шу жиҳатлари билан Фарҳод Хоразмдаги «Дев Қалъа» қаҳрамонига ҳам, бошқа кўп қаҳрамонларга ҳам ўхшаб кетади. Аммо Фарҳодни алоҳида олинган битта асар билангина боғлаш ва, айниқса, чегаралаб кўйиш мумкин эмас. Фарҳод – катта бадиий ижодиётнинг маҳсули, у жамловчи образ, орзу ва хаёлдаги қаҳрамон. Навоийнинг қаҳрамони ҳам ана шундай. У «Фарҳод ва Ширин»даги бошқа образларга караганда янада халқ ижодига, халқ қаҳрамонларига яқин. У жуда мураккаб ва ҳалокатли саргузашларни бошидан кечиради, денгиз тӯфони ва карокчилар ҳамласини даф этади, дев ва аждарни маҳв килади, Искандар тилсимини очади, Жамшид жоми ва Сулаймон узугини кўлга киритади, йиллар давомида минглаб кишилар киломмаган ишларни бажариб, тог кесиб мўъжизалар кўрсатади ва ҳоказо. Хуллас, Навоий Фарҳоди ҳам бевосита, ҳам билвосита халқ ижодиёти билан, фольклор билан боғланади. У ҳам Ширин каби бир эмас, бир неча халқнинг қаҳрамонига айланиб кетган, турли географик атамалар унинг номи билан аталади².

¹ Бу ҳакида С.Эркиновнинг юкорида зикр этилган асрларнинг карапсанни.

² Фарҳоднинг Чигъ фарзанди сифатида тасвирланиши, назаримизда унинг нақкошлиги билан, машҳур наккож Моний анъаналари билан боғлик бўлиши мумкин.

Ширин образи киссага Мехинбонуни ҳам олиб кирди. Мехинбону ҳакидаги афсоналар Мидия-Сурия заминида вужудга келди, у Мидия-Сурия афсоналарида Семирамида деб номланган. Семирамида Сурияning афсонавий шохи. Юнон ёзувчisi Ктесийнинг (Эрамизгача бўлган V асрнинг охири IV асрнинг бошлари) тасвирича, Семирамида маъбуд Астартанинг кизи, ёшлиги камба-галликда ўтган, гўзаллиги туфайли бир амалдорга эрга чикиб, баҳти очилган экан. Семирамида Бактрия билан Сурия жангига Сурия шохи Нинга аклии бир маслаҳат бериб, шу билан шохнинг диккат-эътиборини козонган, шоҳ Нин унга уйланган экан. Нин вафотидан кейин Семирамида Сурия тахтига чикиб ҳукмронлик қиласди. У Миср, Эфиопия, Хиндистон ва бошка жойларга юришлар уюштиради, Бобилда «осма боғлар», Мидияда «Семирамида боғлари» барпо этиб, шон-шавкатда яшайди. Семирамида ўз ўғли Ниний томонидан ўлдирилади. Ривоятлардаги Семирамида шундай бўлган экан. Бу образнинг тарихий прототипи ўғли Ададнерари III (809–782)нинг болалик чоғида эрамизгача 809–806 йилларда ҳукмронлик қилган Сурия ҳукмдори Шаммураматтир. Семирамида антик адабиётдан (жумладан, Овидий ижодиётидан) ўрин олган бўлиб, у давлатманд ва улутвор, лекин баттарин давлат бошлиги сифатида тасвирланади. Қадимги арман афсоналарида Семирамида Шамирам номи билан тилга олинади.

Шундай килиб, Мехинбону образининг излари қадимги Сурия тарихи, Сурия-Мидия афсоналарига бориб тақалади, у қадимги арман афсоналаридан Шамирам номи билан ўрин олади. Бу ҳолат Шамирамнинг фақат арман фольклоридагина эмас, балки бошка Кавказ халклари фольклорида ҳам кенг таркалишига замин бўлади. Шамирам фольклордан ёзма адабиётга ўтади,

Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достони билан хамсачиликнинг анъанавий образига айланади. Низомий ва унинг салафлари достонларида у Шомира-Мехимбону (улуг сохиба) деб номланади, адолатли, тадбирли, эл-юрг учун фидокор хукмдор сифатида тасвирланади. Навоий достонида у фаолияти ва сифати – хислати билан Хисравга қарама-қарши кўйилади.

Хисрав ва Ширин (кейинчалик Фарҳод ва Ширин) ҳакидаги бадинй асарларнинг пайдо бўлиш илдизи тарихга, Сосоний шохларидан Хисрав Парвез ва унинг хотини Ширинга бориб тақалади, Хисрав ва Ширин тарихдан ҳалқ афсонаси ва ривоятларига ўтиб, севги ва садоқатнинг ўлмас образларига айланади, ривоят-афсоналар қадимги мифология ва кейинги янги афсона-ривоятлар билан кўшилиб, мураккаб сюжет ва композицияга, катта образлар мажмуасига эга йирик киссалар вужудга келади, булар ёзма адабиётда «Хисрав ва Ширин» (ёки «Фарҳод ва Ширин») ҳакида катта асарларнинг вужудга келишига замин тайёрлади, Низомий достони билан у хамсачиликнинг анъанавий асарига айланди, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и эса кўп асрлик адабий тажриба ва анъаналар такомилида янги, йирик ходиса бўлди.

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»

«Лайли ва Мажнун» жаҳон адабиётида севги ҳакида яратилган энг ғамгин киссалардан биридир. Бу киссани «Ромео ва Жульєтта» билан қиёс қиласар экан, машхур арабшунос, академик И.Ю.Крачковский, жумладан, бундай деган эди: «Гарб сюжети Шекспир томонидан абадийлаштирилган «Ромео ва Жульєтта» киссасидан кўра жаҳонда аламлирок кисса йўқ, деб аллақачонлар айтган эди.

Шарқ, албаттага, Ромео ва Жульєттани билмаган ва улар билан факат XIX асрдагина танишган эди, аммо унинг узок асрлар давомида яшаб келаётган ўз гамгин киссаси, Лайли ва Мажнун киссаси бор... бу кисса ўнлаб улуғ шоирларни романтик достонлар яратишга илҳомлантирида у хозирги кунга кадар Якин Шарқнинг турли ҳалклари шоирларининг ҳам, драматургларининг ҳам, мусиқачиларининг ҳам ижодида ўз аксини топиб келмоқда. Ғарбдаги Ромео ва Жульєттанинг шухрати билан киёс этганда, Шарқда Мажнун ва Лайли янада машхурроқдир...»¹.

«Лайли ва Мажнун» кўп асрли мураккаб тарихга эга. Киссанинг вужудга келиш тарихини биринчи манбалар асосида синчковлик билан текширган И.Ю.Крачковскийнинг фикрича, унинг куртаклари VII асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Айрим араб манбаларининг маълумотига кўра, Мажнун тарихий шахс, у Бани Омир кабиласидан чикқан, унинг асл номи Қайс ибн Мулавваҳ (ёки Қайс ибн Муод) бўлган. У ўз қабиладоши Лайли деган кизни севган, ўз севгиси ва ҳижрон аламлари ҳақида мунгли шеърлар биттган². Бундай маълумот, жумладан, ибн Кутайба (889 йилда вафот этган)нинг «Китоб уш-шэър ва шуаро» асарида ҳам келтирилади. Лекин бошқа бир катор манбалар бу маълумотларни рад этади. Масалан, 764 йилда

¹ «Ранняя история повести о Меджнуне и Лейле в арабской литературе». Сб «Алишер Навои», М., – Л., 1946 стр.31.

² Баъзи маълумотларга караганда, Лайли тарихий шахси дип. Машхур тоҷик шонри ва мутафаккири Насир Хисрав (XI аср) «Сафарнома» асарида ҳиноя қилинича, у Аробистонда бўлган чогида, Тоиф ҳиннида кишилор унга Лайли яшаган кўргонининг ҳаробаларини кўрсатган эканлар. (Насир-и Хисрав. Сафарнома. Книга путешествия. Перевод и вступительная статья Е.Э.Бертельса. М. – Л. 1939. Стр. 173.)

вафот эттан араб олими Авон ибн Ҳаким ал-Қалбий ҳам, 819 йилда вафот эттан араб тарихчиси Ҳишом ал-Қалбий ҳам Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи нахозгандир, шеърлар эса ўз яқин кариндошларидан бирининг кизига ошик бўлган умавийлар хонадонига мансуб йигитнинг шеърлари, у ўз номини ошкор эт-маслік учун Мажнун тахаллусини кўллаган, дейишиди. Шундай кўлиб, Мажнуннинг тарихий шахслиги масаласи мунозарали бўлиб қолади. Лекин шуниси равшанки, VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ араб шеъриятида Мажнун тахаллуси зикр этилган кўпгина мунгли шеърлар вужудга келади, бу шеърларнинг миқдори кўпайиб боради, тўпламларга киритилади. Аммо Мажнун номи зикр этилган шеърларнинг барчаси ҳам ёлғиз бир кишиники эмас. Араб олимлари ал-Жоҳиз (IX аср) ва 908 йилда вафот эттан Ибн ал-Мұтаззининг айтишича, кишилар Лайли номи билан боғлиқ барча шеърларни Мажнун номига нисбат беравергандар. XII асрда Абу Бакр ал-Валийи деган киши Мажнун номига нисбат берилган шеърлардан девон тузади, уларга шарҳлар бериб, шеърларни Мажнун ҳакидаги ривоятларнинг сюжетига киритади.

Демак, Мажнуннинг тарихий шахслиги билан бирга Мажнун номига нисбат берилган шеърларнинг муаллифи масаласи ҳам мунозаралидир. Бирок, шуниси аниқки, мана шу шеърлар заминида Мажнун ҳакида ривоятлар пайдо бўла бошлаган эди. Агар VIII аср бошларида Мажнун ҳакидаги айрим ривоятлар пайдо бўлган ва улар ҳали у кадар кенг тарқалмаган бўлса, IX асрга келиб бундай ривоятлар кўпаяди, X асрда эса Мажнун номи, Мажнун шеърлари ва ривоятлари факат Арабистондагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошка ўлкаларида ҳам кенг тарқалади. Ривоятлар турли китоблардан ўрин олади. Мажнун номи шоирларнинг

шөърларида тез-тез зикр этилади. Мажнун хақида бизгача сакланиб колган ривоятлар, Е.Э.Бертельс тъкидлаганидек, таркоқ эпизодлардан иборат бўлиб, изчил, мукаммал сюжет ва композицияга эга эмас эди.

Агар Мажнун номига нисбат берилган шөърлар тури ривоятларнинг вужудга келишига асос бўлган бўлса, ривоятлар ёзма адабиётда Лайли ва Мажнун хақида йирик обидаларнинг юзага келишига замин тайёрлади. Лайли ва Мажнун хақида биринчи марта 1188 йилда Низомий Ганжавий достон яратди. Низомий қалами билан «Лайли ва Мажнун» киссаси гоявий-бадиий юксак ва мукаммал бир бадиий асар даражасига кўтарилди, хамсачиликнинг анъанавий достонига айланди. «Лайли ва Мажнун»нинг тадрижий такомилида Навоий достони янги ва улкан воеа бўлди¹.

Навоийга кадар «Лайли ва Мажнун», бир томондан, ҳалқ ривоят ва киссаларида, иккинчи томондан, ёзма адабиётда қайта-қайта ишланиб, катта йўл кечган ва маълум анъаналарни вужудга келтирган. Навоий китоблардан ўрин олган ривоятлар билан ҳам, ўз салафлари достонлари билан ҳам яқиндан таниш бўлган. Шу билан бирга ҳалқ оғзида, ровийлар ҳикоётида айтилиб юрган афсона ва ривоятлар ҳам кўп бўлиб, Навоий улардан хабардор бўлган.

Навоий «Лайли ва Мажнун»нинг ҳалқ ижодиёти заминида пайдо бўлгани оддий ҳалқ ва ровийлар оғиздан-оғизга ўткариб ҳикоя килиб келганини тъкидлайди².

¹ Навоийнинг бу асари жуда кўп илмий, илмий-оммабон асарлар ва ўкув қўлланмаларда тадқик этилди, ёритилди. Яқинда бу асар хақида ёш олим Т.Ахмедовнинг маҳсус монографик тадқикоти босилиб чиқди: Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. Тошкент. «Фан», 1970.

² Уша бетда.

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонини яратишга киришар экан, маълум адабий анъаналардан воз кечолмасди, албатта, унинг олдида мана шу адабий анъаналардан ижодий фойдаланиш ва шу асосда даврининг инти ва муҳим талаб-эҳтиёжларига жавоб бериш вазифаси турар эди.

Мен хастаки бу ракамни чектим,
Тахрири учун каламни чектим.
Ёзмокта бу ишқи жовидона,
Максудум эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди рух майли,
Афсона эди аният туфайли.
Лекин чу ракамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун...
Гир нукталари жаҳонни тутти,
Ғавғолари инсу жонни тутти¹.
Чун форсий эрди нукта шавки,
Озрик эди анда турк завқи...
Мен туркча бошлабон ривоят,
Килдим бу фасонани хикоят.
Ким шуҳрати жаҳонга тўлгай,
Турк элига доги баҳра бўлгай...²

Бу парчада Навоий икки масалага, биринчидан, «афсона» ва «мазмун»га, яъни асарнинг кобиги ва мағзи, ички моҳияти масаласига, иккинчидан, тил масаласига эътибор қиласи.

Навоий ўз достонида Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона ва ривоятлардан фойдаланади. Бирок, унинг асл максади «афсона» сўзлаш эмас, балки «мазмун» баён этишдир. «Афсона» асарнинг «мавзун либоси»

¹ Бу ўринда сўз ҳамсанавис – Низомий ва Хисрав Дсхлавий ҳақида бораёттир.

² «Хамса», 454-бет.

бўлса, хаёт, Навоий яшаган мухит масалалари асарнинг мазмуни, мохиятидир. Сиртдан караганда, достондаги воқеалар качонлардир араб саҳроларида бўлиб ўтгандек туюлади. Бу адабий анъаналар ҳаминида вужудга келган ва асарнинг романтик ҳикоячиликни кучайтирувчи шартли белгилардир. Мохият зътибори билан эса Лайли ва Мажнун ҳам, уларнинг аламли, фожиали саргузаштлари ҳам мавжуд ижтимоий мухит билан, Навоий яшаган замин ва замон билан узвий боғлиқ. Шоир Лайли ва Мажнуннинг фожиаси билан яшаган мухитнинг даҳшатли конун-қоидаларига, урф одатларига карши исён кўтаради. Шу билан бирга, бу достон инсонни, унинг ҳак-хукукини, самимий севгисини ҳимоя қилишга, кишиларнинг шахсий ва оиласвий баҳт-саодати учун курашга чакиравчи кучли садо эди. Бундан ташқари, Навоий биринчи бўлиб ўзбек тилида ва умуман туркий тилларда буюк салафлари асарлари билан басма-бас келувчи «Лайли ва Мажнун» достонини, Лайли ва Мажнунларнинг мукаммал эпик образини яратди.

Навоий достони келиб чикиши, ўз илдизи билан гина эмас, балки сюжет ва композиция, услуб ва усул жихатдан ҳам халқ ижодиётига яқин туради. Унинг образлари кўпгина халқ қисса ва ривоятларидаги образларга үхшаб кетади. Бу биринчи навбатда достоннинг бош қаҳрамони Мажнун образига тааллуклидир. Лайли Навоий достонида фольклор асарларидаги жасоратли хотин-кизлар каби хийла фаоллаштирилган (унинг Ибн Саломга карши заҳарли ханжар тайёрлаб кўйиши ва хафакони тутиб бехуш ётган куёв – Ибн Саломни колдириб, Мажнун билан учрашиш хаёлида биёбонга йўл олиши лавҳасини эсланг), Навфал эса халқ асарларидаги ожизларга мададкор, дардмондаларга мушфин, адолат-

пеша, олижаноб инсон ва пахлавонларга ўхшаб кетади. Буларнинг барчаси Алишер Навоийнинг халқ ва халқ таъсисига зытиборини, фольклор анъаналаридан илҳомланниши ва ижодий фойдаланишини яна бир бор таъкидлайди.

«Лайли ва Мажнун» достонидан ташкари, Лайли ва Мажнун образлари Навоийнинг лирикаси, бошка достонлари ҳамда фалсафий-таълимий асарларидан ўрин олган. Ишқ куйчиси Навоий лирикасида тез-тез Лайли ва Мажнунларга мурожаат этади, уларнинг севгиси ва фожиасини эслатади, Лайлини гўзаллик ва покликнинг, Мажнунни ошиклик ва фидокорликнинг рамзи сифатида кўллади. Бир неча мисол келтирамиз:

Кўп сўз ясоди Лайли Мажнун сўзида халқ,
Эрмас начуки хуснунгу ишқим афсонаси.

Чу Лайли қилди Мажнун кўнглининг сарманзилин хилват,
На суд ар кўймаса ҳай гирлида они араб ҳарғиз.

Зиндадил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлига ҳай,
Бас не осиг ани ҳайдин ковламоглик, эй араб.

Биринчи байтда шоир Лайли ва Мажнун «сўзи»и (дарди, фожиаси) ҳакида халкнинг сўзи (афсона ва ривоятлари) кўплиги таъкидланса, кейинги икки байтда Мажнуннинг ҳўрланиши, таҳкирланиши таъкидланади.

Навоий ўзга асарларида бу қаҳрамонлар ҳакида кўпинча бир лавҳадан иборат кичик ҳикоялар келтиради. Жумладан, «Садди Искандарий»да «Мажнун ҳикоятиким, киши кунининг узун коронғу туни Лайли Зулфининг мушкин исин ел корвонидин истишомом килиб, гом ураг эрдиким, баҳт машшотаси ул сарриштаси муродин илгига берди» (XXXIII боб), «Мажнун ҳикоятиким, фирок тоги оғирлигидин ўзни тоғдин таш-

ламок тилади ва Лайли номаси илик тутуб ва қосиди камарин тутуб ташламокка қўймади (LXVI)» хикоялари бор. Бу ҳар иккала ҳикоя ҳам «Эшиттимки...» сўзи билан бошланади, бу ҳам уларнинг халқка, халқ ижодиётига тааллуклигига бир далилдир. «Лисон ут-тайр»да ҳам «Лайли ва Мажнун» билан боғлик икки ҳикоя бор. Аммо бу хикоялар мистик моҳиятта эга бўлиб, Мажнун ишки – ишқи илохий тарзида таъриф қилинади. «Махбуб ул-кулуб»нинг иккинчи кисмидаги 10-фаслда берилган ҳикоя ўз хаётийлиги билан «Лисон ут-тайр» хикояларидан фарқ қиласди. Унда ҳикоя қилинишича, бемор ётган Мажнун Лайли йўллаган мактубни қайтакайта ўқиёди, шу билан таскин ва шифо топиб, тузалиб туради¹.

Навоий келтирган ҳикояларга монанд ҳикоялар хийла кенг тарқалган бўлиб, улар турли тўплам ва тазкиралардан, тарих китоблари ва мемуарлар ҳамда илмий-бадиий асарлардан ўрин олган. Навоий замондошлари мусанифотида ҳам улар кўп учрайди. Бу Лайли ва Мажнун ҳикоятларининг кенг тарқалгани, эл орасида латифа бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

«САБЪАИ САЙЁР»

«Сабъаи сайёр» ишқий-саргузашт достони ўз композицияси билан «Ҳамса»нинг бошка достонларидан тубдан фарқ қиласди. Достон Баҳром ва Дибором ҳакидаги колипловчи ҳикоя ва шу ҳикоянинг композицион силсиласига боғланган етти мустақил ҳикоядан иборат.

Достоннинг бош каҳрамони Баҳром анъанавий образдир. Унинг замири, бир томондан, қадим-қадим замонларга, мифологияга бориб такалса, иккинчи томондан, тарихга, сосонийлар салтанатига бориб такалади.

¹ «Махбуб ул-кулуб», 96-97 бетлар.

Навоий «Ўзининг бу достонига Шарқ халклари орасида машхур Баҳром Гўр афсонасини асос килиб олган»¹. Сосонийлар сулоласида Вараҳран V (418–488) деган бир подшоҳ ўтган эди. («Вараҳран» дарий тилида «Баҳром» шаклида кўпланилган). Ривоятларга кўра, у гўр кулон (ёввойи эшак) овига ўчлиги учун Баҳром Гўр номи билан шухрат топган экан. Баҳром Гўр ҳакида Эронда ҳам, у билан кўшни ўлкаларда ҳам турли-туман афсона ва ривоятлар пайдо бўлади, у шон-шавкатли подшоҳ, моҳир овчи ва ишратпаст киши сифатида тасвир этилади. Тарихий Баҳром билан афсона ва ривоятлардаги Баҳром уйғунлашиб, сосонийларнинг солномаси «Худойномак»дан ўрин олади. Академик И.Орбелининг фикрича, Баҳромнинг бадиий образ сифатида кенг шухрат топиши сабабларидан бири Баҳром – Вараҳран сўзининг момакалдирок ва жанг маъбути Вертрагна (И.Орбелида «Вертрагна»)га ҳамоҳанглигидир. Кадимий ривоят ва афсоналарда Вараҳран билан Вертрагна қўшилиб, мужассамлашиб кетган. Вертрагна И.Орбели ва Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, Кавказ халклари орасида ҳам кенг тарқалган. «Космик Вертрагнанинг энг ёркин, энг хаётний жиҳатлари, – дейди И.Орбели, – соҳф ер юзи мавжудотлари билан боғланиши керак эди. Грузия, ва эҳтимолки, Албания, бу жиҳатларни Вахтанг Гургасал (форсчада Гургасар-Бўрибош – Н. М.) билан боғладилар. Арманистонда улар шахзода Вахагна киёфасига қўшилиб кетди, Эронда эса уларни Баҳром Гўр ўзига кабул килди»². Баҳром Гўр ҳакида турли-туман хикоя, афсона ва ривоятлар вужудга келади.

¹ Олим Шарафиддинов. Баҳром Гўр образи ва «Сабъаи сайёр» тўгрисида. Алишер Навоий. Ташланган асарлар, II том, Ҳамса, VI Китоб. Сабъаи сайёр. Ўздавниш, Тошкент. 1948. 5-бет.

² Зикр этилган асар, 12-13-бетлар.

Афсона ва ривоятлардан ҳамда ёзма манбалардан ижодий фойдаланган Абулқосим Фирдавсий «Шохнома»да Баҳром Гӯр ҳакида достон яратди. Бу ёзма адабиётда Баҳром ҳакида яратилмиш биринчи достон эди. Фирдавсий ўз достонида Баҳромнинг шоҳлиги тарихи шу ва унинг номи билан боғлик бир катор афсона ва ривоятларни хикоя киласи. Фирдавсий Баҳромни, бир томондан, шавкатли, адолатли подшоҳ, ватанпарвар баҳодир, пахлавон ва мохир овчи сифатида, иккىнчи томондан, айш-ишратта, эҳтиросга берилиб кеттан худбин ва қаҳр-ғазаби каттиқ даҳшатли киши сифатида тасвирлайди. Достонда Баҳромнинг саргузаштларини хикоя қилувчи колипловчи хикоянинг ва шу хикояга киритилган бошқа хикояларнинг ҳам бош қаҳрамони Баҳромнинг ўзиdir. У «Шохнома»нинг тарихий кисмнинг энг севикли қаҳрамони¹. «Шохнома»дан кейин бу образ янада машҳурлашиб, ёзма адабиётдан кеңт ва мустаҳкам ўрин олади.

Низомийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») достонидан бошлиб Баҳром ҳамсачиликнинг анъанавий бир образига айланиб колди. «Ҳафт пайкар» достони Баҳром ва Фитна (Фирдавсийда Озода) ҳакидаги колипловчи хикоя, етти гўзал хикояси ва етти маҳбус саргузаштидан иборат. Низомий Баҳром ва Фитна ҳикоясини яратиша Фирдавсий достонидан ижодий баҳраманд бўлди. Бирор, Низомий ўз олдига янги ижодий-эстетик вазифалар кўйган ва бошқа манбалардан, хусусан, озарбайжон фольклоридан кенг ва ижодий фойдаланди.

Низомийдан кейин Хисрав Дехлавий Баҳром Гӯр ҳакида «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат») достонини яратди. Хисрав Дехлавий «Баҳром ва Диlorом» колипловчи хикояси билан етти маликанинг хикоясини кў-

¹ И. Орбели, 5-бет.

шиб, достонига «Ҳашт биҳишт» номини берган эди. Достон муаллифи қолиловчи ҳикояни Баҳромнинг таҳтга чиқишидан бошлайди, унгача бўлтган воқеаларни тушириб қолдиради. Навоийга қадар хамсанавис Ашраф ҳам ушбу мавзуда «Ҳафт пайкар» достонини яратган. Навоий Ашраф ва унинг достони хакида «Сабъаи сайёр»-нинг мукаддимасида, жумладан, бундай дейди:

Гарчи бир нуктагүй Ашраф ўлуб,
Ўзи тақдиринга мушарраф ўлуб.
Яхши ёхуд ёмон деди, гам эмас,
Яхши гар бўлмаса, ёмон ҳам эмас.

Шундай килиб, Навоийгача бадиий адабиётда Баҳром Гур буйича катта ижодий тажриба тўпланган, адабий анъана вужудга келган ва у маълум такомил босқичларни кечиб ўтган эди. Навоий буларни мукаммал ўрганиб чиқди, салафларининг ютуклари ва айрим камчиликларини аниқлаб, ўз достонининг янги вазифа ва режаларини белгилаб олди.

...Бу сабабдин бу хушфасона аро,
Балки бу хушишаво тарона аро.
Йўқ эди ҳеч чорау тадбир,
Ким бирор ерда бўлмагай тағиyr, –

Деган Навоий янги ва оригинал достон яратишга муваффак бўлди. У Баҳром ва Дилором ҳикоясини деярли янгича тарзда кайтадан ишлаб чиқди, Баҳромнинг саргузаштларини асарнинг марказий мавзуи – севги муаммосига тўла мувофиқлаштирди, образларни янгича талкин килди, достонга рассом Моний ва Чиҳ савдогари (у Дилоромни асрраб олган ота) образларини киритди, ҳавлк ижоди намуналари асосида тамомила янги етти ҳикоя яратди.

Фирдавсий, Низомий, Дехлавий ва Навоий достонларидағи фарқ-тафовут ҳар бир шоирнинг ижодий-эстетик режаси ва мақсади билан боғлиқ булишидан ташкари, Баҳром хикоясининг ҳалқ орасида таркалған вариантылари күтпилигини ҳам күрсатади. Бу хикоялар турли хил китоблардан үрин олган зди. Жумладан, Мухаммад Авфийнинг «Жавомеъ ул-хикоёт» ва лавомеъ ур-рівоёт» асарида Баҳром Гүр ҳакида күтпигина хикоялар бор. Масалан, Низомий достонидаги Баҳромнинг журъат билан икки шер ўртасидан тожни олиши, вазир Ростравшанинг хиёнати, чүпон ва ит каби лавхалар, Хисрав Дехлавий достонида баён этилганидек, Баҳромнинг қудукка тушиб гойиб булиши лавхаси ва бошқалар «Жавомеъ ул-хикоёт»да алохида хикоялар сифатида берилган. Бундай хикоялар Навоий даврида ҳам кенг таркалған, турли характердаги китоблардан, бадиий асарлардан үрин олган.

Баҳром ҳакидаги мұйжаз хикоялар Навоийнинг үзга асарларида ҳам бор. «Хайрат ул-аброр»нинг XIX маколотида Баҳром ҳакида жуда ибратли бир хикоя келтирілган. Овга чиққан Баҳром Гүр бир ҳароба кишилекка келиб колиб дәхқон кулбасига меҳмон булиб тушади. Баҳромнинг бу ҳаробаликнинг сабаби ҳакидаги сүрөгига дәхқоннинг жавоб сүзлари унинг күзини очади, маст-аластликдан, айш-ишратдан воз кечади, адолат билан мамлакат ішларини бошқара бошлайди. «Садди Искандарий»да эса бошка бир хикоя келтирілади (IV боб). Баҳром овда бир қулон изидан кувлади, адашиб, ҳамрохларидан йироқлашиб, охирин бир жойға етиб келади. У ерда учта олачук ва ўргада бир дараҳт бор экан. Баҳром дараҳт соясига ўтириб, олачук згаларидан меҳмон килишни сүрайди:

Деди ул ҳалойикка тушган замон
Ки: «Сизга зурмен бу дам меҳмон.

Бўлунг моҳазир бирла меҳмоннавоз
Ки андин наво топкай ахли ниёз».
Ул уч уй зилин бири дун эди,
Агарчи тамаввулда Корун эди.
Неким шах деди, килмади илтифот,
Яна бирга исроф эрди сифот.
Қозон остуруб, килди кўйлар катил
Ки молин зиёфатка килгай сабил.
Солиб жув межмон димогига дуд,
Анинг ошиким, тонгла пишгай не суд?
Ва лекин бири эрди ахли хирад,
Хушо улки топкай хираддин мадад.
Ани уйга келтурди тортиб ионн,
Равон моҳазир чекти жуғроту нон.
Кетиб шоҳдин ранжу фарсадалик,
Ебон моҳазир топти осудалик.
Анга берди беҳадду андоза мол,
Ҳамул дунга андозасиз гўшмол.
Килиб таъна мусрифка бентихио,
Неким зойиб эттанга берди баҳо...

Навоий Баҳром ҳакидаги анъанавий тарихни «Тариихи мулуки Ажам»да, Яздижурд ва Баҳром ҳакидаги фаслларда баён этади.

Демак, Баҳром образи, бир томондан, қадимги мифологияга, иккинчи томондан, тарихга бориб тақалади, шулар заминида ҳалк ҳикояти, афсона ва ривоятлари, ёзма обидалари вужудга келади. Баҳром образи шаклланиши тарихи билангина эмас, балки саргузашти ва киёфаси билан ҳам ҳалк ижодиётига яқиндир. У Фирдавсий достонида кўпроқ пахлавон ва баҳодир, Низомий, Дехлавий ва Навоийда, бир томондан, ошик ҳамда ҳалк орзусидаги адолатли подшоҳ, иккинчи томондан, ҳалк карғишига йўлиқкан золим шоҳ ва айш-ишратга берилган ҳудбин сифатида гавдаланиди, Низомий дос-

тонида у кулонни кувиб, ғорга кириб ғойиб бўлади, Дехлавий достонида чоҳга тушиб кетиб, беному нишон йўқолади, Навоий достонида уни ер ютади. Уч холатда ҳам Баҳромнинг тақдири фольклорга хос ечим билан ҳал этилади. Яздижурд, Баҳром ва Нуъмон воқеоти (такрор бўлмаслиги учун Навоий бу воқеотни достонининг мукаддимасида ниҳоятда кисқа баён этади), Хаварнак қасри, Баҳром билан Монийнинг учрашуви, Диlorомнинг келтирилиши, газабланган худбин Баҳромнинг Диlorомни чўли-биёбон каърига ташлаб кетиши, Хоразмга йўл олган Чин савдогарининг иттифоко чўлда Диlorомни топиб олиши, етти қаср, етти мусофиранд етти хикоя тинглаши ва бошқалар, кўпдан-кўп эпизод ва деталлар «Сабъаи сайёр»ни, унинг қаҳрамонларини фольклорга яқинлаштиради. Навоий «Сабъаи сайёр»да фольклордан янада кўпроқ илҳомланди ва ундан ижодий фойдаланди, десак муболага бўлмайди. Бу колипловчи хикоянинг иккинчи қаҳрамони Диlorом образига ҳам тааллуклидирким, бу образнинг илдизлари, бундан аввалги бўлимда айтганимиздек, қадимти мифологияга, Зухра ҳакидаги Шарқ космотоник мифологиясига бориб тақалади.

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ»

«Садди Искандарий» («Искандар девори») қаҳрамонлик эпопеяси Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларининг ёркин бир кўзгуси, унда адолатли ва маърифатпарвар подшоҳ бошлилигида марказлашган давлат учун кураш ғояси илгари сурилади. Бу ғоя Искандар шахси ва унинг фаолиятида мужассамлантiriлади.

Искандар номи остида, одатда, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Искандари Зулкарнайн, Искандари

Румийёки Искандар Макдон деб юритилган Александр
Македонский тасавур килинади¹.

Александр Македонский (356–323 йиллар) қадимги
дүйнинг машхур лашкарбошиси ва давлат арбобидир.
Унинг вафотидан кейин кўп ўтмай хаёти ва ҳарбий
юришилари ҳакида Клитарх ва Онескрит бир асар ярат-
гилар. Бу асар юонон ёзувчиси Плутарх (46–126)нинг
Александр Македонский қадимги йирик биографик
қарига бир асос бўлди. Тарихий-биографик асарлар
бўландеярли бир вактда турли афсона ва ривоятлар пайдо
бўла бошлади. Афтидан, Е. Бертельс таъкидлаганидек,
застрабки афсона ва ривоятлар унинг юришларида
китнашган аскарлари томонидан яратилган бўлса керак.
Юон тарихиси Аррианнинг (95 – 175) маълумотига
тўра, Александр Македонский аскарларининг маълум
юсмини ватанига қайтариб юбораётганида, уларга:
«Борингиз, форслар ва мидиёнларни, бактрияликлар
ва шакларни сингтан, Каспий денгизига қадар (бўлган
худудда) яшовчи парфиёнларни, хоразмийларни ва
туржонларни бўйсундирган... шохингиз ҳакида ҳикоя
килингиз», деган экан. Бирок, ҳикоячилар тарихий
далиллардан кўра кўпроқ фантазияга, уйдирмага
берилиб кетиб, турли афсона ва ривоятлар тўкигандар.

Эрамизнинг I асли арафасида Александр Маке-
донский ҳакида унинг тарихий қиёфасини батамом

¹ Александр номи Шарқда шунга монандроқ бўлган «Искандар»
сўми билан юритилган. «Румий» ва «Макдон» Искандарининг
вотанини ифодаласа, «Зулкарнай» (икки шохли) Искандарини ило-
хийлаштириши заминида унга иисбат берилган сифатидир. Шох жуда
кимин замонларда Яхин Шарқда илоҳий қурдатининг рамзи бўлиб,
худолар (ёки шохлар) шохли қилиб тасавур этилган. «Зулкарнай»
сўзининг Искандарга иисбат берилшини ҳакида ёзма ёдгорликларда
ва ҳалқ ижошида турлича талқин ҳамда ривоят ва афсоналар бор.
Искандар образининг вужудга келиши ва тавомили Е.Э.Бертельснинг
«Роман об Александре» (М., –Л., 1948) асарида батафсил бўритилган.

үзгартириб юборган бир роман вужудга келади. Бу романни Александрнинг сарой табиби ва тарихчиси Каллисфен (370 – 324) яратиб колдирган деган муроҳаза мавжуд бўлган. Бирок, олимлар бу муроҳазанинг асосизлигини исбот этганлар, шунинг учун муаллиф «Псевдо Каллисфен» («Сохта Каллисфен») номи билан юритилган. «Псевдо Каллисфен»да Александр Филиппнинг ўғли эмас, балки бир Миср коҳинининг фарзанди килиб берилади. Эмиш фирмъавнлар авлодидан чиккан бир коҳин Мисрдан Македонияга кочиб борган, Филиппнинг хотини Олимпияни сеҳрлаб ўзига мойил қилган, Олимпия коҳиндан бир ўғил (Александр) кўрган эмиш. Ўн қисмдан иборат бу романда Александрнинг туғилиши, унинг Африка (Миср), Сурия, Эрон, Хиндистон ва бошка ўлкаларни забт этиши, брахманлар (Хиндистондаги олий каста намояндадари) билан сұхбати, амазонкалар (жанговар суворий аёллар) юртига юриш ва нихоят, Вавилонда вафот этиши хикоя қилинади. Шундай килиб, Александр насл-насаби билан коҳинларга, фирмъавнларга боғлаб берилади, унинг Мисрни згаллаб олиши конуний килиб кўрсатилади. Шу анъанага кўра мазкур роман аввал Мисрда пайдо бўлган, кейин юноннийларга ўтиб, юнон романитга айланаб қолган, деб фараз қилиш мумкин. «Псевдо Каллисфен» қадим замонларда ёк паҳлавий, сурия, арман, лотин ва бошка тилларга таржима қилинган, лотинча таржимаси асосида унинг инглизча, французча, немисча нусхалари вужудга келган, таржималарда унга турли-туман ўзгариш ва янгиликлар кіргитилган.

Маълумки, македониялик Александр ахмонийлар сулоласининг жукмронлигини ёмириб ташлаган, зардуштийлик динига қарши шиддатли кураш олиб борган эди. Бинобарин, у Эрон, айникса, зардуштий коҳинларининг

хотирасида жуда ёмон из қолдири. Улар Александрни ёмонликнинг коронфиликнинг тимсоли Ахриман билан боғлаб тасвир эта бошлайдилар. Тарих китобларида ҳам у босқинчи подшо сифатида берилади. Бирок, македониялик Александр шахсига бундай муносабатни давом эттириш юкори табакаларнинг сиёсий зътиқодига мувоғиқ келмас эди. Уларнинг талқинига кўра, факат Эрон шаханшоҳлари насл-насабидан бўлган кишигина Эрон таҳтига чика олади, бу «фарр» – «илоҳий эҳсон»нинг курдатидир, унга хеч қандай куч раҳна сололмайди. Александрни чет эллик босқинчи сифатида тасвирлаш бу зътиқодга зид келар эди. Бинобарин, бу зиддиятни бартараф этиш зарур эди. «Псевдо Каллисфен»да Александрни мисрлик деб тасвирлаш, афтидан, бу зиддиятни бартараф этишга маълум бир йўлланма бўлиб хизмат килган. Сарой тарихчилари Александрни асли эронлик деб, уни Доро II нинг ўғли килиб кўрсата бошладилар. «Худойномак»дан кейин бу анъана мустаҳкамланади, расмий тус олади. Мана шу заминда Доро II нинг ўғли Искандар – Александр ҳакида турли афсона ва ривоятлар пайдо бўлади, афсона ва ривоятлар тарихий асарлар ва ёзма адабиётта кириб боради.

IX аср араб тарихчиси Диноварийнинг «Ал-ахбор ат-тиғол» асарида ҳикоя килинишича, Филипп Доро II дан енгилиб, унга хирож тўлаш ва кизини хотинликка беришга мажбур бўлади. Бирок, орадан кўп ўтмай Доро жисмоний айби (бадан сассиги) учун хотинини хайдаб юборади. Филипп ор-номус туфайли болани ўз ўғли килиб кўрсатади. Филипп ўлади. Искандар таҳтга чикади. У Доро III га карши уруш киласи, уни енгиб таҳтга чикади. Шундай юлиб, Искандар босқинчи подшоҳ сифатида эмас, балки «Қонуний ворис» сифатида Эрон таҳтига чикади¹.

¹ Уша асар, 13-бет.

Искандарнинг афсонавий тарихи, хусусан, 923 йилда вафот этган тарихчи Ат-Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи») асарида тўлароқ баён этилади. Табарийнинг ҳикоя қилишича, Филипп Дорога бож тўлар экан. Филиппнинг вафотидан кейин тахтга чиқкан Искандар Дорога бож тўламай қўйибди. У Доронинг элчиларига «олтин байза» («олтин тухум») қилувчи товукларни сўйиб еганман, энди «олтин байза» тўлай олмайман, дебди. Газабланган Доро Искандарга «гўй» билан «чавгон» (тўп билан таёқ) ва кунжит юборибди. Бу билан у «сен боласан, гўй билан чавгонни олиб ўйна, лекин билгинки, менинг аскарларим кунжит доналаридек хисобсиздир», демокчи бўлибди. Искандар «совға»нинг сирини тушунса ҳам, унга бошкacha талқин бериб, «тўп юмалоқdir, Доро менинг тўпдай юмалоқ ер юзини эгаллаб олишимни зътироф килибди, аскарларнинг кунжитдан кўплиги ҳеч гап эмас» деб уларни паррандалар олдига сочган экан, бир зумда еб битиришибди. Икки орада бир йил уруш бўлибди, охири Доронинг икки амалдори сункасад уюштириб, Дорони ўлдиришибди. Шу асарда бу воқеанинг иккичи варианти ҳам ҳикоя қилинади: Искандар амалдорларининг сункасади билан оғир ярадор бўлиб, ўлим олдида ётган Доронинг олдига борибди. Доро унга сункасад килганларни жазолаш, қизи Равшанакка уйланиш ва кариндош-уругларига азият етказмасликни васият килибди. Искандар буларни бажо келтирибди.

Доро II нинг Филипп қизидан туғилган ўғли Искандар Эрон тахтига чиқибди. Искандар Эронга китобларни, айникса, фалсафа ва астрономияга доир асарларни юони тилига таржима килдириб, Румга юборибди. У кўп шаҳарларни вайрон этибди, зардуштий

шарнларни қагл килибди. Кейин Ҳиндистонга юриш бошлаб, Ҳиндистон, Хитой, Тибет ва бошка үлкаларни үзгаб олибди. Искандар обиҳаёт излаб 18 кун зулматда ўз босибди, бирок обиҳаёт тополмабди, қайтиша Шарқизурда вафот этибди. Уни ўзи бино қилган Искандарни яда дағн этибдилар. Ўғли Искандарус эса подшоликдан воз кечиб, дарвеш бўлибди.

Бу лашатар кейинги тарих китоблари ва бадиий асарларнинг кўпчинлигига хам ҳикоя қилинади. Табарий штобини форсчага таржима қилган Балъамий Искандарнинг афсонавий тарихига «Куръон» ривоятларини ҳам илова қилиб, уни исломнинг ҳомийси, сад барпо этиб, мусулмонларни вахший яъжуж ва маъжужлар хужумидан қутарган киши сифатида тасвирлайди.¹

Искандарнинг ярҳи тарихий, ярим афсонавий саргуаштларини ҳикоя килувчи ривоятлар билан бирга Искандар хақида кичик-кичик ибратли ҳикоялар ҳам ўзгула келади. Бундай ҳикоялар мажмуа, тарих ва бадиий асарлар саҳифасидан ўрин олади, йирик асарлар таркибиға киришиб кетади. Кўпчилик ҳикояларда Искандар Арастунинг маслаҳати билан иш туттган донишманд, ҳалқпарвар, олижаноб бир киши сифатида тасвирланади. Бундай ҳикоялардан бъзи бирлари, масалан, «Искандар ва девона», «Искандар ва хокон» ва бошкалар, Искандар образи яратилган достонларда ҳам келтирилади. Искандар образи лирик асарларда ҳам ўз ифодасини топа бошлайди.

Туркий ҳалкларда ҳам қадим замонлардан бошлаб Искандар хақида турли-туман афсона ва ривоятлар пайдо була беради. Машхур олим Махмуд Кошгариининг «Девону луготит турк» асаридағи айрим қайд ва изоҳлар шундан далюлат беради. Махмуд Кошгарий ҳалқ этимологиясига

¹ Е.Э.Бертельс, «Роман об Александре» 16–18-бетлар.

асосланиб, айрим географик номлар ва сўзларнинг келиб чиқишини. Искандар билан боғлаб изоҳлайди, унинг тўғрисида яратилган баъзи бир афсона ва ривоятларнинг (ёки парчаларнинг) кисқача мазмунини баён этади.

Масалан, у «Олтин қон» тоги номининг келиб чиқиши ҳакида сўзлар экан, Искандарга карши жангда турк аскари Искандарнинг бир аскарини килич билан чунон чопиб ташлаганки, у киндигигача иккига ажралиб кетган, килич олтин ҳамённи ҳам кесиб юборган, олтин қонга бўялган экан. Шу воқеа рўй берган жойдаги токка «Олтин қон» («Қонли олтин») деб ном берган эмишлар. Худди шунингдек, у «уйғур», «чигил» ва «тутмоч» сўзларининг келиб чиқишини, шунингдек, «туркман» сўзининг келиб чиқишини ҳам Искандар Зулқарнайн воқеалари билан боғлаб изоҳлайди¹.

Турк шохи билан сулҳ тузган Искандар турк аскарларининг мерганилигига қойил қолибди. Улар ўкни олдинга қараб қандай отсалар, орка томонга ўгирилиб ҳам тез отар эканлар. Искандар уларни «Ин он худ хуранд» (булар ўзи топиб егувчилардир, яъни улардан ов қочиб кутулолмайди) деган экан. Шундан кейин уларнинг вилояти «Худхўр» деб аталади, «Худхўр» сўзи ўзгариб бориб, «уйғур»га айланиди.

Бахорда каттиқ лойгарчиликни кўрган Искандар кишилардан: «Ин чигил аст?» («бу қандай лойгарчилик?») деб сўраган экан, шу сўздан «Чигил» (чигил) сўзи пайдо бўлиб, жой ва ахоли чигил сўзи билан номланибди.

Зулматда обиҳаёт излаган Искандарга унинг ҳамроҳлари озиқ-овкатнинг тугаб боришидан ваҳимага тушиб, Искандарга «тутма оч» деган эканлар. Искандар олимларнинг маслаҳати билан бир хил овкат тайёрлатибди, у кишига куч-куvvат берар, рангига ранг кири-

¹ Шу том, 419–423-бетлар.

тар, киши узок вақт очикмас экан. Бу овқатни «тутма оғ» сүзидан олиб, «тутмоч» деб номлаган эканлар.

Гүё туркманларни күрган Искандар уларнинг кимли-пини суриштирмасданоқ уларни «Туркмонанд» деб айтган экан, шундан «туркмон» сўзи келиб чиккан эмиш.

Афтидан, «Олтин кон», «уйгур», «чигил», «тутмоч» ва «туркман» сўзларининг этимологик изохи афсона ва ривоятлар заминида ёки улар билан биргаликда пайдо бўлган. Лекин шунга қарамай, бу этимологик маълумотлар туркий кабила ва златлар ўртасида Искандар номининг кенг тарқалгани, туркий афсона ва ривоятларнинг қадимиyllигини кўрсатади. (Уларнинг айрим излари, масалан, зулмат эпизоди ва Искандарни шахарлар бунёд килган киши сифатида тасвирилаш анъанаси бошқа халкларда бўлса-да, колганлари янги, оригиналдир.¹)

Эрон, араб ва бошқа манбаларда Искандар доимо голиб сифатида тасвириланади. Маҳмуд Кошгарий баён этган афсона ва ривоятлар (ёки уларнинг парчалари) Искандарни турклардан енгилиб, сулҳ тузишга мажбур бўлган хукмдор сифатида гавдалантиради. Миср, Эрон ва бошқа манбаларда Искандарни ўз мамлакат ва халклари билан боғлаш бир анъанага айланган эди, туркий афсона ва ривоятларда эса, бу анъана давом эттирилмайди (зотан унта эхтиёж ҳам йўқ эди). «Худхўр», «Чигил» каби форсий сўзлар, афтидан, Искандарни Эрон шаханшохи деб тасаввур этиш заминида пайдо бўлган.

Ўзбек халки орасида ҳам бошқа халкларда бўлгани каби, Искандар ҳакидаги афсона ва ривоятлар ҳозирга кадар яшаб келмоқда. Уларда Искандар золим ёки одил

¹ Маҳмуд Кошгарий «Уйгур» сўзи изохида Искандарни Сулми, Кўю, Жонбалик, Бешбалик ва Янгибалик шахарларини бино килган киши сифатида тасвирилаиди.

подшоҳ сифатида тасвирланади. Масалан, Ҳоразм халқ эртаги «Искандар Зулқарнайн»да у одил подшоҳ ва лашкарбоши сифатида берилиб, унинг Дорой (Доро) га қарши жангни ва ғалабаси хикоя килинади. «Шоҳли Искандар» халқ эртагида¹ эса, у золим ва котил сифатида тасвирланади. Бироқ, бу эртакларнинг қаҷон пайдо бўлгани, улардан кайси бири Навоийга таниш бўлганини билмаймиз. Лекин шуниси маълумки, халқ ижодига катта эътибор билан қараган Навоий оғзаки адабиётдаги Искандар билан яқиндан таниш эди.

Шундай килиб, замонлар ўтиши билан Искандар хақида турли-туман асарлар яратилиб, Искандар тарихий заминдан тобора узоклашади, бадиий тўқима бир образга айланади. Искандарни ё одил, ёки олим подшоҳ образи сифатида тасвирлаш, уни жаҳонгир, файласуф ва пайғамбар сифатида талкин этиш бир адабий анъана тусини олади.

Низомийнинг «Искандарнома»си билан Искандар образи Яқин ва Ўрта Шарқ халклари адабиётида янги тараққиёт погонасига кўтарилади ва ҳамсачиликнинг анъанавий бир образи бўлиб колади. Низомий Искандар образида адолатли идеал подшоҳ киёфасини мужассамлаштириш вазифасини ўз олдига кўяди. У тарихий хроникал асарлардан, халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланиади. Фантастик саргузаштларни камайтириб, Искандарнинг фаолиятини ва Искандар образининг ички моҳиятини тўларок ва мукаммалроқ ёритишга интилади, Искандар образини, тўғрироги, бу образдан кутилган максадни ўз замонаси ва замини билан боғлайди.

Амир Хисрав Дехлавий «Ойинан Искандарий» достоинида «Искандарнома» материалларидан хийла эркин фойдаланиб, бир катор янги хикоя ва тимсоллар киритди.

¹ «Ўзбек халқ эртаклари», Ўздавабийнашр, Тошкент, 1953, 249-252-бетлар.

у достон композициясини хийла мукаммаллаштириди.
Бу достоннинг яна бошка фазилатлари бор. Бирок,
шузарга карамай, Хисрав Дехлавий кўп жиҳатдан
Низомий даражасига етолмади, у Искандар образини,
достоннинг гоявий мотивларини янги тарақкиёт поғо-
насига кўтаролмади. Бу шоирнинг ижтимоий мавкеи,
шактимоний-сиёсий эътиқоди билан боғлиқдир.

Низомий ва Дехлавий «Хамса»ларидан кейин
Искандар хамсачиликнинг анъанавий бир образи бўлиб
келган эди. Бу анъанани XV аср хамсалари, жумладан,
Навоий ва Жомий эътиборга олмай кололмас эдилар.

Навоий Искандар образини яратишга киришар экан,
худа кўп манбаларни, тарих китоблари ва ривоятларни,
афсона ва бадий асарларни, хамсанавис салафларининг
достонларини синчковлик билан ўрганиб чиқади, мате-
риал тўплайди. У «Садди Искандарий» мукаддимасида
бу хақда айтади:

...Йўнуб хома, коғаз нигориш килай,
Ҳамул достонни гузориш килай.
Искандар жаҳондори кишварситон,
Ишидин чу назм ўлса бир достон...
Ки фарзоналар деб кўп афсона ҳам,
Сўзин назм этибдур бу фарзона ҳам...

Кўп эттим таворих ўкур сори майл,
Ҳамонеки бор эрдилар тўрт ҳайл,
Ки тарих таҳририн этган ракам,
Битибдур аларни «Мулуки Ажам»...
Вале улча бергайлар андин хабар,
«Низом ут- таворих» эзур мўътабар.
Килиб ўзгалар бирла татбиқ ҳам,
Бу сарнома фижристин эттим ракам...¹

¹ «Хамса», 646-бет. «Низом ут-таворих» – Носириддин Байза-
ний (XIII аср) всари.

Навоий танишган манбаларда тарих маълумотлари билан афсона ва ривоятлар бир-бирига киришиб, чатишиб кетган эди. Уларнинг муштарак жиҳатлари ҳам, фарқ-тафовут ва ихтилофлари ҳам кўп эди. «Искандар нисбатида ихтилоф кўптур», деган Навоий «Тарихи мулуки Ажам» ҳамда Искандар шахсига доир бир неча ривоят ва афсоналарни баён этади. Шулардан бири «Дороб» фаслида ҳикоя қилинади.

«Дороб чун Ҳумой ўрнига таҳтка ўлтурди, адл ва дод пеша қилди. Ва ул хирадманд ва паҳлавон ва ҳўп сурат подшоҳ эрди. Кўпрак мулк салотини анга инкиёд қилдилар. Ва Рум Қайсарайим, замонида Фалякус эрди, саркашлик қилди эрса, сипоҳ тортиб Румға юруб, Қайсарни тутди ва банд қилди. Чун Румни каёсирадин ўзга киши забт қила олмас эрди ҳам ани ўқ тарбият қилиб, минг байза олтунким, ҳар бири вазнға кирк мискол бўлғай, хирож тайин қилиб, Қайсарнинг қизини (хотин) кулуб, Румдин ёнди. Ул қиздин нохуш ис фаҳм қилиб, табъи мутанаффир бўлуб, отаси кошига қайтариб йиборди. Баъзи дебтурларким, ул қиз Искандарга ҳомила эрди. Қайсар ўз қизин ақдиға киюруб, ўғли мутаваллид бўлғондин сўнгра Дороб ўғлидур демакка номусланиб, ўз ўғлумдур деб Искандарни ўғулчилай асрраб, валиаҳд қилди...»

«Доро ибн Дороб» фасли гўё аввалги фаслнинг узвий давоми бўлиб, унда «олтин байза» можароси, Доро ва Искандар уруши, Дорога қарши икки ноибининг сункасад қилиши, Доронинг Искандарга уч васияти ҳикоя қилинади. «...Чун Искандар хирож йибормади, Доро киши йибориб, минг олтун байзани тилатти. Искандар жавоб бердиким, ул юмурталарни кўяр күш учти, Доро дағи кўнглидин бу тамаъни чикарсун. Дорога бу сўздин газаб муставлий бўлиб, устига черик

тортіб, масофнинг иккі сафи тузалғанда, Доронинг иккі нөнбеким, аннг зулмидин ториқиб эрдилар, ани ҳалок қилдилар. Баъзи дебтурларким, ики ҳамадонлиғ қиши фидойилиғ дастури била бу ишни қилдилар. Баъзи дебтурларким, аларни Искандар йибориб эрди, бу ишни буюрди. Аввалғи қавл саҳиҳроқдур. Чун ул сипоҳ орасида йиқилди, Искандар келиб, аннг бошин ўз тиззи устига күюб, онт ичтиким, бу иш менинг кошимдин жас эрди. Доро Искандарға уч васият қилди. Бир улким, Равшанакниким, аннг қизи эрди, (ўзиға хотин) қулгай. Бир улким, аннг атбоиким, Фурс мұлуки наслидин эрдилар, катл қилмағай, дағы ривоят қилғай. Искандар барчани қабул қилди. Доро охир дамда Искандардек муставлий адусидин хушнуд ўтти¹. Бу можаро ва ҳодисалар деярли айнан «Садди Искандарий»да ҳам тасвир этилган, буни Навоийнинг ўзи таъкидлаб ва бу достонни факир «Садди Искандарий»даким, «Ҳамса»нинг бешинчи китобидур, машрух адо қилибтурмен», дейди. Зотан, юкоридаги лавхалар Искандар ва Доро ҳакида яратылған афсона ва ривоятлардан кенгрөк ўрин олган.

Тарихчи Банокатийнинг маълумотича, Искандар Бозур бинни Албон ўғлидир – «яна ҳам Банокатий-дадурким, аннг отаси Бозур бинни Албон эрди...»² Навоий Искандарнинг туғилиши ва шахсига доир яна бир афсонани ҳикоя киладиким, унинг айрим ўринлари Искандарнинг Доробдан пайдо бўлиши афсонасига ўхшаб кетади. Бозур билан Афлион бир-бирига муҳолиф шоҳлар экан. Улар мамлакат осойишталиги учун ярашиб, ахил бўлишибди. Бозур Афлионнинг қизини олиб, юргига кайтади. Аммо «Бозурнинг эли бир қайд билан андок

¹ Ўша том, 200-201-бетлар.

² Ўша том, 201-бет.

чилидиларки, Бозур ул кизни кўздин солиб, отасига йиборди ва киз Бозурдин ҳомила эрди. Йўлда андохаводис юзландиким, ул киз бир энага билан ва бир атва бир хожасарой била колди. Иттифок, бир чоҳ бошида вазъ ҳамл қилдиким, маҳуф манзил эрди. Ва анда қароқчи кўп элни ҳалок килур эрди. Бу ҳолда йироктия калин қаро пайдо бўлди. Алар ваҳмдин ул тифлини бир қиймат нимага чирмаб, ул чоҳ бошида кўюб қочтилар. Кўринган қаро худ дашт баҳойими эрмиш. Бори таоло бир сутлук ўчку йибориб, амр қилдиким, ҳар кун келиб, ул тифлға сут берур эрди. Ва ул тифл Искандар эрди. Ва ул ўчки бир қари хотуннинг эрди, бир кун ўчкусин гойиб бўлғон жиҳатдин ани тилай, ул чоҳ бошига келиб, ул ғарид ҳолга мутталиъ бўлуб, таҳайюр юзидан Искандарни олиб, ўғулчилай улғайтиб, подшоҳ ўғли дабиристо нида давирга топшурди. Искандар оз вактда жамиъ фазойил ва камолотни қасб килиб, сипоҳилиг русуми баҳодирлук фуспунида ҳам ягона бўлди. Чун подшо золим ва нодон эрди, Искандарга хикмат ва акл анда турмокни рухсат бермади. Ул дисердин ҳазимат килди. Йўлда чокари от ва силоҳин, ани юқлатиб, олиб кочти. Ул яёқ бир шахарчага бордиким, иттифоко, Афлионнинг шаҳри эрди. Онаси қаср томида дашт сори тамошо килур эрдиким, Искандарнинг қаросин кўруб, меҳри ҳаракатка келиб, эмчокинга сут келди. Таҳайюр килиб, ани тилаб, аҳволин тафаҳхус килди эрса, ўғли эканин билди. Афлионга изҳор килгач, анинг ўғли йўқ эрди ва улгайиб эрди, мулкни набираси Искандарга топширууб, ўзи ибодатка машғул эрди. Искандар черик тортиб, отаси мулкини олди ва макннати азм бўлуб, Дорого хуруж килиб, ани ҳам юкори ўткандек ародин кўтариб, жаҳон мулкни олди...»

Фаслнинг охирида Навоий Искандарнинг шон-шавкати, «Арастудек вазирги» бўлгани, «Оламнинг барру

бахринни олиб, ҳайвон сути таманноси била зулумотка» киргани, вафотини сүзлайди ва «анинг осоридин Яъжуж Садидур ва Марв ва Ҳирот ва Самарқанд ва Исафаҳонни ҳам дебтурларким, ул бино қилди», дейди.

Навоий Искандарнинг умри ва хукмронлик санааларини деярли таріхий ҳакиқатга мувофиқ беради. «Аксар таъвориҳда анинг умрин үтуз олти йил ва салотинин ўн уч йил битибурлар». Бошка айрим фактлар ҳам таріхий ҳакиқатта мувофиқ келади. Аммо шунга қарамай «Тарихи мулуки Ажам» Искандар тарихидан кўра, тўпроқ Искандар ҳакидаги ривоятларни ҳикоя қилувчи бир асар сифатида характерлидир. Бу ҳолат яна бир бор Искандарнинг афсонавий шахсга айланиб кетгани, тарих заминидан фантазия оламига ўтиб кетганини кўрсатади.

«Садди Искандарий» бадиий-фантастик асар. Навоий Искандарнинг тарихи билан канчалик таниш булишидан катъи назар, Искандар сиймосида орзудаги адолатли подшоҳ образини яратса олмас эди. Чунки Искандаргина эмас, балки бошка бирон подшоҳ ҳам Навоий орзуларига мувофиқ келмас ва келолмас эди. Навоий ўз олдига қўйган вазифани ҳал этишида таріхий шахслар ёки таріхий фактлар эмас, балки бадиий фантазиянинг куч-кудратигина кенг имкон берар эди. Бу борада эса (жумладан, Искандар сиймосида маълум адабий тажриба ва анъана вужудга келган эди. Ҳамсанавислар, айниқса, Низомий Ганжавий, шундай бир образ яратишда катта муваффакиятларга Эришган эдилар. Навоий эса янги таріхий шароитда яшаган, ўз олдига янги ғоявий-эстетик вазифалар қўйганлиги учун мавжуд адабий тажриба ва анъаналар доирасида колиб кетолмас эди. Бор материалларни танлаш, саралаш ва уларни кайта ижодий ишлаб олиш, янги материаллар киритиш, Искандар образини, аникроги, бу образдан

кузатилган амалий мақсадни XV аср ҳаётига якинлаштириш, подшоҳ ва халқ, подшоҳ ва сарой ахли, подшоҳ ва күшин, подшоҳ ва илм-маърифат ахллари каби масалаларни ёритиш, хулоса қилиб айттанды, Искандар образини янги тараккىёт погонасига күтариш керак эди. Навоий мана шундай катта ва масъулнама ишга кириши да уни муваффакият билан адо этди.

«Яна киссасига тааққул қилиб
Таворихига күп тааммул қилиб»¹,

деган Навоий, Искандарнинг ўнлаб ўлкаларга юриш қилишини, афсонавий саргузаштларини, дengиз саёчати ва обихаёт излашини достоннинг XXIII бобида ярим тарихий – ярим афсонавий манбалар ҳамда бадий ёдгорликлар асосида санаб ўтса ҳам, Искандарнинг ҳаёти ва фаолияти силсиласини бир неча йирик лавҳа шаклида тузади. Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, Искандарнинг барча «саргузашт»ларини баён қилиш учун «Шохнома»дек катта бир асар ҳам кифоя қилмас эди.

Искандарнинг туғилиши, ёшлик йиллари, таълимтарбия, Файлакуснинг вафоти ва Искандарнинг тахтга чикиши, Искандарнинг Доро билан тўқнашуви, Эронни эгаллаб олиши, Кашмирга юриш қилиб золим Маллуни енгиши, Ҳинд шоҳи ва Чин хокони билан дўстона битишуви², Магрибда ваҳшийларга қарши жангি, Кирон ўлкасида сад барпо этиши ҳамда дengиз саёчати Искандар саргузаштларининг асосини ташкил этади. Бу лавҳалар тасвирида Навоий тарихий ривоятлар, маълумотларга, халқ афсона ва хикояларига мурожаат

¹ «Хамса», 668-бет.

² Асли тарихда Панжобининг Таксил вилояти ҳокими Александр Македонияликнинг Хипадистонга юришинга кадар, у билан ахиллашиб, ҳарбий ёрдам, жумладан 25 жанговар фил берган экан. (А.Б.Ранович, зинк этилган асир, 69-бет).

келади. Искандар образини халққа, халқ ривоятларига якиңлаштыради. Навоий достонида ҳам Искандар, Низомийнинг «Искандарнома»сида бўлганидек, Фаляқус-нинг асрлари ўғли бўлиб, бефарзанд Фаляқус овдан кайтиб келаётганида бир вайронада ўлиб ётган онаси бағридан топиб олган бўлади («Тарихи мулуки Ажам»да баён этилган афсоналарни эсланг).

Навоий «Садди Искандарий»да реал ҳаёт лавҳарини, табиат манзарапарини қанчалик моҳирлик билан тасвиirlаса, фантастик манзарапарни, афсонавий маҳтукларни, гаройиб воқеаларни ҳам шунчалик катта санъаткорлик билан чизиб беради. Магриб ва Кирвон тасвири, у ердаги воқеалар, денгиз сафари ва ажойиботлари шулар жумласидандир. Бундай тасвирий ўринларда, шубҳасиз, Навоий халқ ижодидан, айниқса, зартаклардан илҳомланган. «Садди Искандарий»да реал тасвир билан бадиий фантазия кўпинча бир-бири билан узвий боғланиб, бирикib боради, шонр романтик тасвиридан ҳакконий холоса чикаради. Масалан, яъжуҷ ва маъжужларга карши кураш романтик тасвир билан берилган, лекин шоир бундан ҳакконий холоса чикариб, агар кишилар аҳил-иттифоқ бўлишса, зулм ва зулмат йўлларини ўтиб бўлмас гов билан тўсиши мумкин, деган фикрга келади. Ёки денгиз тасвирини олайлик. Бу тасвир қанчалик фантастик бўлмасин, унинг моҳиятида: инсоннинг акл-заковати табиат сирларини кашф килишга кодирдир, деган реал максад ва ишонч бор.

«Садди Искандарий», XV аср муҳити заминида түғилган ғоявий зиддиятларига қарамай, ўз моҳияти билан халқчил асаддир, чунки унинг замирида халқнинг баҳт-саодати, осойишталиги ва фаровонлиги учун кураш ғояси ётади. Муаллифнинг халқ оғзаки ижодидан илҳомланиши, унинг бойликларидан ижодий фойдалани-

ши эса достоннинг халқчиллик мөхиятини янада оширади. Фантастик тасвирий ўринларда халқ ижоди услубидан баҳраманд бўлган Навоий достоннинг бобларидаги «Искандар ва гадо ҳикояти», «Мажнун ҳикояти», «Икки рафик ҳикояти», «Булбул ҳикояти». «Кабутар ҳикояти» ва бошқаларни халқ ижоди (ёки халқ ижоди асосида яратилган ёзма адабиёт) материалларидан фойдаланиб бунёд этади. Шу билан бирга, Навоий халқ кўшикларидан, халқ макол ва тъбирларидан ҳам унумли фойдаланади. Буларнинг барчаси «Садди Искандарий» достонининг, биринчи навбатда, унинг бош қаҳрамони Искандарнинг халқ ижодиёти билан яқиндан боғлиқ эканини кўрсатади.

Алишер Навоий Искандар ҳқиқидаги халқ афсонаси ва ҳикояларидан «Садди Искандарий»дагина эмас, балки бошка достонлари, насрый асарларида ҳам фойдаланган. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»да Искандарнинг васияти ҳикояси (XLIX – «Искандарнинг етти иклим мамоликин панҷан тасарруфиға киургони ва холи илик била оламдин риҳлат маркабин сурғони»), «Фарҳод ва Ширин»да «Ойинаи Искандарий» (XIX боб), «Искандар тилсими» (XXV боб), «Лайли ва Мажнун»да «Ойинаи Искандарий» (XXXVI боб) лавҳалари, «Лисон ут-тайр»даги «Искандар – элчи», «Арасту ва Скандар» ҳикоялари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий лирикасида ҳам Искандарга анъанавий бир образ сифатида мурожаат этади, мисраларнинг мөхиятинига Искандарнинг таърифи-тавсифи, унинг мӯъжизаларини сингдиради.

«Зулфунг овора кўнгуллардин эзур,
Юз Искандарни итурган зулмат»¹,

¹ «Фавоийид ул-кибар», 93-бет.

«Лабингдур жоми Жамшиду юзунг миръоти Искандар,
Мусалламдур санга хусну жамол ахлиға султонлиғ¹,

каби байтлар шундан далолат беради².

Хулоса килиб шуни айтиш керакки, Алишер Навоий «Хамса»сининг вужудга келишида халқ оғзаки ижодиёти – фольклор мухим бир адабий омил, ғоявий-бадиий манба сифатида хизмат килади. Халқ оғзаки ижоди Навоий «Хамса»сининг ғоявий-бадиий кимматига киммат күшди, унинг кенг оммалашуви ва халқка манзур бўлишида мухим омил бўлди.

«Хамса» қаҳрамонларининг вужудга келиши ва тақомили, бир томондан, кўхна тарихга, иккинчи томондан, халқ ижодиёти бисотига боғланади. Хисрав, Ширин, Қайс, Баҳром ва Искандар каби образлар аслида тарихий прототиплар асосида вужудга келган бўлсада, улар халқ фантазияси, бадиий ижодкорлиги билан йўгрилиб, фольклор қаҳрамонлари сирасидан ўрин олди, кейин ёзма адабиёт асарларига айланди, камолот чўккисига кўтарилиди. «Хамса» бадиий ижодиётнинг икки тури – фольклор ва ёзма адабиётнинг узвий алокаси ва ўзаро таъсириниңг мислсиз тажассумидир.

НАВОИЙ ХИКОЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФОЛЬКЛОР БИЛАН БОГЛANIШИ

Алишер Навоий ижодиётининг мухим хусусиятларидан бири унинг тур ва жанр бойлиги, хилма-хиллигидир. Навоий Якин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида мавжуд ва машхур жанрларда асарлар битди. Унинг «Ҳазойин ул-маоний» лирик куллиётининг ўзи

¹ «Балойи ул-васат», 320-бет.

² Ҳожанинг «Миғтоқ ул-адл» (XVI аср) асорила ҳам Искандар ҳакида бир исча хикоя бор. Улар Навоий хикояларига якнидир.

16 жанрдаги (ғазал, мустазод, мухаммас, мусадdas, мусамман, таржиъбанд, таркибанд, маснавий, қасида, сокийнома, китъа, рубоий, туюк, муаммо, чистон, фард) шеърлардан ташкил топган. У эпик турнинг хилма-хил жанрларида (достон, кисса, ҳикоя, масал, латифа ва бошқалар) асарлар яратди, етакчи шеърий формадан ташкари, нисбатан камрок ривожланган насрдан ҳам кенг фойдаланди, сўз санъатининг турли-туман «услуб» ва «коида»ларидан баҳраманд бўлди. Шунинг учун ҳам у «Мезон ул-авzon»да ҳакли равишда «...ажам шуароси ва фурс фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусиға жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили билан қалам сурдум ва ҳар нечук коидадаким, маъни абкорига зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чигатой лафзи била ракам урдум. Андокким, то бу мазкур бўлғон тил ва лафз биносиdir, ҳеч нозимга бу даст бермайдур», – деган эди.

Ҳикоя Навоий ижодиётида салмоқли ўрин тутган. У маҳсус ҳикоялар тўплами тузган, факат ҳикоялардан-тина иборат асар ёзган эмас. Аммо шунга қарамай, буюк сохибкаламнинг меросини ҳикояларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг достонларида, хусусан, «Хайрат ул-аброр», «Сабъан сайёр», «Садди Искандарий» ва «Лисон ут-тайр» достонларида, «Махбуб ул-кулуб» фалсафий-таълимий асарида, «Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Насоим ул-муҳаббат» ва бошқаларда икки юздан зиёд ҳикоя бор. Бу ҳикоялар Навоий ижодиётида гоявий-бадиий жиҳатдан салмоқли ўрин тутади.

Навоий ҳикояларининг бир кисми (асосан «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» бўйича) маълум даражада тадқик этилган бўлса-да, эпик турнинг кичик жанри – ҳикоёт ҳамон навоийшуносликнинг нисбатан камрок ўрганилган

ва ёритилган баҳси бўлиб келмоқда. Мазкур баҳс шоир ҳикояларини тасниф этиш, уларнинг манба ва илдизини аниқлаш, цикл ҳамда варианtlарини қиёсий ўрганиш, гоявий-бадиий такомил тарихини ёритиш, образлар тузилмаси, анъаналари ва бошқаларни тадқик этишини такозо қилади. Ҳикоялари ва уларнинг фольклор билан боғланиши масаласи ҳам ушбу баҳснинг узвий ҳалкаларидан биридир.

Навоий ҳикоялари мавзуи, гоявий мазмуни, образлари ва бадиий услуги жиҳатидан хилма-хилдир. Уларнинг кўпчилиги ахлоқ-одоб, илм-маърифат, инсоф-адолат, севги ва садоқат, меҳнат ва меҳмондустлик каби масалаларга багишлиган дунёвий ҳикоялардир (Бундай ҳикоялар «Насоим ул-мухабbat», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби асарлар сирасидан ҳам сезиларли ўрин олган). Навоий ҳикояларининг қаҳрамонлари тарихий, ярим афсонавий шахсларнинг номи билан номланади, уларнинг орасида «соғ» тўкима образлар ҳам анчагина. Қадимги шоҳлар, юонон олимлари, Фахриддин Розий, Хотами Той, Иброҳим Адҳам, Ҳожа Муҳаммад Порсо, Боёзид Бистомий ва бошқалар – Навоий ҳикояларининг қаҳрамони. Аммо ҳикоялардаги қаҳрамонлар айнан тарихий шахсларнинг образи бўлмай, балки, айрим жиҳатларини саклаб колишига қарамай, бадиий фантазия, ижодий тўкима билан йўғрилиб, аллақачонлар анъанавий адабий образларга айланиб кетган зди: Ануширвон, Жамшид, Искақдар ва бошқалар – адолат, шон-шавкат; Арасту, Афлотун, Лукмон, Фахриддин Розий ва бошқалар – акл ва донолик; Хотами Той – саховат рамзи ва хоказо; Мажнун, Шайх Санъон, Вомиқ ва Узро, Хисрав ва Ширин – анъанавий ошик-маъшуқлар. Бу анъанавий образлар билан бирга, биз Навоийнинг айрим ҳикояларида унинг замондошларини

ҳам кўрамиз. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»даги «Шоҳ Фозий» ҳикоясида Ҳусайн Бойқаро, шу достондаги «Икки вафоли ёр» ҳикоясида Амир Темур образлари берилган, «Садди Искандарий»даги бир ҳикояда Абусаид Мирзо фожиаси баён этилган. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида, «Ҳамсат ул-мутахайирин», «Ҳолоти Сайд-хасан Ардашер» каби адабий биографик асарларда Навоий ўзига замондош шахсларнинг ҳаёти, фаолияти ва хислатларига тааллукли воеий ҳикоя, латифа ва наклларни келтиради. Демак, шоир ҳикоялари мавзу жихатидан ҳам, образлар тизими жихатидан ҳам хилманилди.

«Ҳамса» ва «Лисон ут-тайр» таркибидаги ҳикоялар шеърий бўлса, бошка асарлардаги ҳикоялар ўша асарларнинг нутқ турига мувофик насрыйидир. Ҳикояларнинг бир кисми ҳажвий-сатирик ва юмористиклар (юмористик ҳикоялар кўпинча ҳазил-мутойиба номи билан номланган). Булар Навоий ҳикояларининг жанр хусусиятлари доирасини янада кенгайтиради.

Навоий «ҳикоя» терминини муайян бир адабий шаклга нисбатан кўллаш билан бирга, уни жамловчи тушунча сифатида ҳам ишлатган. У кўпинча умуман ривоявий асарларни «ҳикоя» ёки «ҳикоят» деб атаган. Бу термин кичик эпик тур – ҳикоя (новелла), масал, накл, латифа ва бошкаларга ҳамда ўрта эпик тур – киссага нисбат берилган. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»да «Ҳотами Тойи ҳикоятиким...», «Садди Искандарий»да «Искандар ул гадолиг ихтиёр этган подшоҳ, балки филҳақиқат подшоҳликка етган гадо ҳикоятиким...», «Маҳмуд ҳикоятиким...» деб ҳикоя термини ҳикоя – новеллага нисбатан ишлатилса, «Садди Искандарий»даги Булбул билан Зог масалига «Булбул ҳикоятиким...», Кибутар масалига «ул кабутар

хикоятиким...» деб ҳикоя термини күлланади. Худди шунингдек, шоир «Сабъаи сайёр»даги ўрта эпик ривояни – қиссани хам ҳикоя деб номлади:

Лутф бу назм аро бағоятдур,
Ғараз аммо етти ҳикоятдур.

Аммо, шу билан бирга, Навоий турли ривоявий асарларни бир-биридан ажратиб, уларни жанр хусусиятларига мувофик «ҳикоя», «латифа», «қисса» каби терминлар билан атайди. Агар ҳикоя матн орасида келиб, бирон мақсад-муддаони ифодалаш учун ибрат-намуна вазифасини ўтаса, кўпинча унга нисбатан «тамсил» термини ишлатилган. Зикр этилган терминларни аниқ ва жамловчи маънода қўллаш ҳоир замондошларига (умуман ўтмиш адабиётчиларга) хам хосдир.

Анъанавий ҳикоялар ёзма манбалар ва оғзаки тарзда Навоийга кадар етиб келган. Манбаларни «ёзма» ва «оғзаки» деб бўлиш ҳийла шартли. Чунки ёзма манбалардан ўрин олган ҳикояларниң кўпи соф китобий ҳикоялар бўлмай, балки фольклорда шаклланган ёки фольклор материалларидан фойдаланиб яратилган ҳикоялар сирасига киради. Уларнинг гоявий-бадний хусусияти (халқчиллиги, образлар системаси, сюжет ва композицияси, услуги) шундан далолат беради. Шубҳасиз, бундай ҳикоялар аввал бошлаб бирон киши томонидан яратилади, кейин оғиздан-оғизга (ёки китобдан-китобга) ўтиб сайкалаштирилади, натижада муаллиф номи унутилиб, фольклор асарига айланади, фольклор бисотига кўшилади. Китоблардан ўрин олган ҳикоялар эса маълум бир муаллифининг номи билан боғланиб қолади. Шу билан бирга, кўпинча муаллифлар халқ ҳикоялари таҳлитида ҳикоя ижод этиб, уни ўз асарлари таркибиға киритадилар. Мана шу мураккаб ва хилма-хил жараён

оқибатида ундей ҳикояларнинг турли намуналари вужудга келади. Худди шунингдек, дастлаб китобий асар сифатида вужудга келган ҳикоя ёзма манбалар оркали эмас, балки оғзаки ҳикоят килиш оркали шухрат топниши мумкин. Шундай килиб, анъанавий ҳикоялар ёзма манбалар оркали етиб келганми ёки оғзаки тарзда, бундан катъи назар, фольклор билан, ҳалқ ҳикоячилиги билан боғлиқдир.

Маълумки, Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти факат ўзбек адабиёти ва маданиятидагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалклари адабиёти ва маданиятида катта ҳодиса бўлган эди. Шоирнинг ижодиёти, жумладан, унинг ҳикоялари Яқин ва Ўрта Шарқ адабий анъаналари билан якиндан алокададир. Салафларининг ҳикоячилик санъатидан баҳраманд бўлган Навоий Шарқ ҳикоячилигига чукур из ҳам колдирди.

Ҳикоя Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалклари адабиётида кенг таркалган жанрлардан биридир. Ҳикоя – ёзма адабиёт билан оғзаки ижодиётни бир-бирига боғлаган мухим омил. Ҳалқ ҳикоялари билан китобий ҳикоялар ўзаро чунон якинки, уларни катъий чегаралаш кўпинча амримахолдир. Чунки ҳикоя ҳалқ ривоятидан китобга, китобдан ҳалқ ҳикоячилигига ўтиб борган. Шу билан бирга, маълум бир ҳалкнинг адабиёти (ёки фольклори) заминида вужудга келган ҳикоя иккинчи бир ҳалқ томонидан қайта ишланиб, «ўзлашиб», унинг бисотига кўшилиб кетар эди. Бинобарин, сюжет ва композиция, образлар тизими жиҳатидан бир-бирига монанд ҳикоялар, бир томондан, ижтимоий ҳаёт, тарихий пяронтининг ўхшашилиги натижасида бир-биридан мустасно ҳолатда вужудга келса, иккинчи томондан, адабий алокаларнинг маҳсули сифатида пайдо бўлади.

Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалклари ҳикоячилигига бир катор анъанавий образлар бор. Хотами Той, Талҳақ, Афанди ва

бошқалар шулар жумласидандир. Бу қаҳрамонлар маълум бир халқнинг, унинг бадиий ижодиётининг қаҳрамони сифатида вужудга келган. Масалан, Хотами Той араб заминида, Талҳак – форсий ва Афанди – туркий заминда. Аммо бу қаҳрамонлар ўз замини билан чегараланиб колмай, бошка ўлка ва халқларга ҳам манзур бўлиб, уларнинг ўз қаҳрамонлари қаторидан ўрин олади, янги янги хикояларнинг пайдо бўлишига туртки сифатида хизмат килади. Шунинг учун ҳам, масалан, Хотами Тойнинг номи билан боғлиқ барча хикояларни ҳам араб заминида вужудга келган деб айтольмаймиз. Чунки Хотами Той образи билан таниш бўлган ўзга халқлар ҳам сахийлик мавзуидаги хикояларида Хотами Тойни бош қаҳрамон килиб олиб, уни идеал сахий сифатида таъриф-тавсиф этганлар. Талҳак, Афанди ва бошқалар борасида ҳам шуни айтмок керак. Баъзан айнан бир хикоянинг бир неча қаҳрамонлар (масалан, Талҳак – Афанди, кейинрок Мушфикий ёки Машраб) номи билан айтилиши ҳам шунинг оқибатидир.

Якин ва Ўрта Шарқ заминида юзага келган хикоя ва анъанавий образлар билан бирга, биз Искандар, Арасту, Сукрот, Афлотун ва Лукмон каби антик дунё кадимги Юнонистонга мансуб тарихий шахслар номи билан боғлиқ хикояларнинг Якин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг таркалгани, уларнинг махаллий қаҳрамонлар қаторидан ўрин олгани, ҳатто «ўзлашиб» кетганини ҳам кўрамиз. Бу юон олимлари асарларининг ўрта асрлар бошида (VII–XII асрларгача) араб тилига таржима килиниши, ўрганилиши оқибатида содир бўлган эди.

Якин ва Ўрта Шарқда «Минг бир кечা» (араб эртаклари), «Калила ва Димна» (Ҳинд масаллари – «Панчантантра»), «Жавоме ул-хикоёт ва лавоме ул-ривоёт» (хикоя ва ривоятлар китоби – Мухаммад Авфий асарлари) каби асарлар жуда кенг шуҳрат топган. Булар

оқибатида ундаи ҳикояларнинг турли намуналари вужудга келади. Худди шунингдек, дастлаб китобий асар сифатида вужудга келган ҳикоя ёзма манбалар орқали эмас, балки оғзаки ҳикоят килиш орқали шухрат топиши мумкин. Шундай килиб, анъанавий ҳикоялар ёзма манбалар орқали етиб келганми ёки оғзаки тарзда, бундан катъи назар, фольклор билан, ҳалқ ҳикоячилиги билан боғлиқдир.

Маълумки, Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти факат ўзбек адабиёти ва маданиятидагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалклари адабиёти ва маданиятида катта ҳодиса бўлган эди. Шоирнинг ижодиёти, жумладан, унинг ҳикоялари Яқин ва Ўрта Шарқ адабий анъаналари билан яқиндан алокададир. Салафларининг ҳикоячилик санъатидан баҳраманд бўлган Навоий Шарқ ҳикоячилигига чукур из ҳам колдири.

Ҳикоя Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалклари адабиётида кенг тарқалган жаңирлардан биридир. Ҳикоя – ёзма адабиёт билан оғзаки ижодиётни бир-бирига боғлаган муҳим омил. Ҳалқ ҳикоялари билан китобий ҳикоялар ўзаро чунон яқинки, уларни катъий чегаралаш кўпинча заминида вужудга келган ҳикоя иккинчи бир ҳалқ томонидан кайта ишланиб, «ўзлашиб», унинг биссотига кўшилиб кетар эди. Бинобарин, сюжет ва композиция, образлар тизими жихатидан бир-бирига монанд ҳикоялар, бир томондан, ижтимоий хаёт, тарихий шароитнинг ўхшашилиги натижасида бир-биридан мустасно ҳолатда вужудга келса, иккинчи томондан, адабий алокаларнинг маҳсули сифатида пайдо бўлади.

Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалклари ҳикоячилигига бир қатор анъанавий образлар бор. Хотами Той, Талҳак, Афанди ва

бошқалар шулар жумласидандир. Бу қаҳрамонлар маълум бир ҳалкнинг, унинг бадиий ижодиётининг қаҳрамони сифатида вужудга келган. Масалан, Хотами Той араб заминида, Талҳак – форсий ва Афанди – туркий заминда. Аммо бу қаҳрамонлар ўз замини билан чегараланиб котмай, бошка ўлка ва ҳалкларга ҳам манзур бўлиб, уларнинг ўз қаҳрамонлари каторидан ўрин олади, янги-янги ҳикояларнинг пайдо бўлишига туртки сифатида хизмат килади. Шунинг учун ҳам, масалан, Хотами Тойнинг номи билан боғлиқ барча ҳикояларни ҳам араб заминида вужудга келган деб айтолмаймиз. Чунки Хотами Той образи билан таниш бўлган ўзга ҳалклар ҳам сахийлик мавзуидаги ҳикояларида Хотами Тойни бош қаҳрамон килиб олиб, уни идеал сахий сифатида таъриф-тавсиф этганилар. Талҳак, Афанди ва бошқалар борасида ҳам шуни айтмок керак. Баъзан айнан бир ҳикоянинг бир неча қаҳрамонлар (масалан, Талҳак – Афанди, кейинрок Мушфий ёки Машраб) номи билан айтилиши ҳам шунинг оқибатидир.

Якин ва Ўрта Шарқ заминида юзага келган ҳикоя ва анъанавий образлар билан бирга, биз Искандар, Арасту, Сукрот, Афлотун ва Лукмон каби антик дунё қадимги Юнонистонга мансуб тарихий шахслар номи билан боғлиқ ҳикояларнинг Якин ва Ўрта Шарқ ҳалклари орасида кенг таркалгани, уларнинг маҳаллий қаҳрамонлар каторидан ўрин олгани, ҳатто «узлашиб» кетганини ҳам кўрамиз. Бу юонон олимлари асарларининг ўрта асрлар бошида (VIII–XII асрларгача) араб тилига таржима қилиниши, ўрганилиши оқибатида содир бўлган эди.

Якин ва Ўрта Шаркда «Минг бир кечা» (араб эртаклари), «Калила ва Димна» (Ҳинд масаллари – «Панчантрана»), «Жавоме ул-хикоёт ва лавоме ул-ривоёт» (ҳикоя ва ривоятлар китоби – Мухаммад Авфий асарлари) каби асарлар жуда кенг шуҳрат топган. Булар

жылк ижодиёти заминида вужудга келган китоботдир.
Шу ўринда «Жавоме ул-хикоёт ва лавоме ул-ривоёт»
хакида бир оз маълумот беришни лозим топамиз.

Хикоя ва ривоятлар китобини асли бухоролик
Мухаммад Авфий хижрий 630 (милодий 1232/33) йилда
Хиндистонда яратді. Бу асарини яратышда у форс-тожик
ва араб тилидаги юзга якин манбадан фойдаланған, хинд
адабиётидан баҳраманд бўлган. Манбалар орасида Абу
Райхон Берунийнинг «Ал-осор ал-бокия ани-л-курун ал-
холия», «Китоб ул-хинд» асарларини, «Дастур ул-вузаро»
(Мухаммад Авфий бу асарни 1059—1099 йилларда хукм-
ронлик килган Султон Розияддин Иброҳим бин Масъуд
бинни Маҳмуд Ғазнавий — Захир уд-Давлага нисбат
беради), «Таріхи Туркистан», «Хавосси ашё», «Таріхи
Табарий («Тарих ур-русул ва-л-мулук» — Абужаъфар
бинни Жарир ат-Табарий), «Таріхи Носирий» (Абулфаъл
Мухаммад бинни Ҳусайн ал-Байҳақий), «Сиёсатнома»
(Абуали Ҳасан бинни Али Низомулмулк), «Қобуснома»
(Кайковус бинни Искандар бинни Қобус бинни Вашми-
гир) каби асарларни кўриш мумкин. Юзга якин
манбалардан ижодий фойдаланиш асосида яратилган
«Жавомес ул-хикоёт» кейинги муаллифлар учун хикоя
ва ривоятларнинг бекиёс бой манбаи сифатида хизмат
килади. Уидан Мухаммад Авфийнинг замондоши Абу
Умар Минъожиддин бинни Сирожиддин Журжоний
«Табакоти Носирий» (1260 йил), Закариё Қазвиний
«Ажойиб ул-маҳлукот» (1263—1276 йиллар ораси),
Хамдуллоҳ Муставфий Қазвиний «Нузҳат ул-кулуб»
(1340 йил), Сайфиддин Ҳожи бинни Низол ал-Оқилий
«Осор ул-вузаро» (1478 йил), Мирхонд «Равзат ус-
сафо», Ҳондамир «Ҳабиб ус-сигар», Сайфитдин Али
«Шатоиф ут-тавоиф» (1532—1533 йиллар), Қози Ахмад
Қасим бинни Ҳиндушоҳи Астрободий (такаллуси —

Фаришта) «Тарихи фаришта» (1606–1607 йиллар) асарыда фойдаланганлар, яна бошка күп муаллифлар хам уңдан баҳраманд бўлганлар.

«Жавоме ул-хикоёт» тўрт қисмдан ташкил топган, бу қисмлардан ҳар бири 25 бобдан иборат. Боблар бир неча ҳикояни, асарнинг ўзи икки мингдан зиёд ҳикояни камраб олган. Биринчи қисм «Дар маърифати оғаридгоҳи таоло ва тақаддус ва зикри анбиё ва авлиё ва таворих ва маосири мулук» («Энг юксак ва муқаддас яратувчининг маърифати ва пайғамбарлар ва авлиёлар зикри ва подшоҳлар тарихи ва уларнинг мақбул ишлари») деб номланган, унда пайғамбарлар ва авлиёларга доир афсона-ривоятлардан ташкари, Ажам шоҳлари тарихи, адолат фазилати, ҳокимлар, мунахжимлар, шонрлар, муганийлар ва бошкалар ҳакида қизикарли, марокли ҳикоялар бор. Шунингдек, «Жавоме ул-хикоёт»нинг биринчи қисмида ҳам дунсвий тамойил етакчидир. Китобнинг иккинчи қисми «Дар баёни ахлоки ҳамида ва сияри марзийя» («Мактобли ҳулклар ва ёқимли хислатлар баснида») деб номланади ва унда ҳаё, тавозуъ, одоб, шафқат, саховат, карам, шижаат, сабр-матонат ва бошкаларга доир ўгит берилади, ҳикоялар баён этилади. Учинчи қисм «Дар баёни ахлоки мазмума» («Ярамас ҳулклар баёнида») деб номланиб, унда жохиллик, ҳасад, тамаътирлик, баҳиллик, ҳиссағчилик, ҳисннат, алдамчилик, кўзбўямачилик каби кабиҳ ҳислатлар фош этилади. Ниҳоят, китобнинг тўргинчи қисми «Дар баёни ахволи содир ва ажойиби биҳор ва билод ва табоси ҳайвонот» («Содир бўлган ахвол ва дентиз ва шахарлар ажойибинклари ва ҳайвонлар табинати баёнида») деб номланади. Бу қисм хилма-хил мавзудаги ажойиб ва ғаройиб ҳикояларни камраб олган.

Яздижурд, Баҳром, Хисрав Парвез, Ануширвон каби Ажам шоҳлари, Афлотун, Арасту, Сукрот каби

юонон ҳакимлари, Искандар, Хотами Той ва Мажнун каби ўнлаб анъанавий образлар Мухаммад Авфий хикояларининг бош қаҳрамонлари дир. Шу билан бирга, уларда турли ҳайвонлар, кушлар ва жониворларнинг мажозий образи яратилган. «Жавоме ул-хикоёт»даги айрим хикоялар Навоий асарларида ҳам бор. Баҳроми Гўр, Искандар ва Хотами Той ҳакидаги баъзи хикоялар шулар жумласидандир. Булар «Жавоме ул-хикоёт» ва бошқа манбалар орқали Навоий даврига кадар етиб келган. Бундан ташқари, Навоий ва Мухаммад Авфий хикояларида ғоявий мотивлари ва сюжет жиҳатидан бир-бирига монанд хикоялар ҳам учрайди. Бунга, жумладан, «Сабъаи сайёр»даги иккинчи иклимдан келган мусофири нинг заргар Зайд Захҳоб ҳакидаги хикояси билан Авфийнинг «Заргар ва Нажжор» хикояси мисол бўла олади. Бу ҳолат бир-бирига яқин мавзу ва сюжетда хилма-хил ҳикоялар яратилгани ва улар кайта ишланиб, турли манбалардан ўрин олганини кўрсатади.

Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалкларининг ахлоқий-тълимий асарларини, тарих китоблари ва эпик адабиётини хикояларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг деярлик ҳаммасида ибратомуз ҳикоя, тамсил ва масаллар, латифа ва афсоналар бор. Кўпинча бир эпизоддан иборат бўлган киска сюжетли мустакил асар йирик полотнонинг таркибига узвий равишда киришиб боради, маълум бир муддаони асослашга хизмат килади, баённи жонлантиради, китобхонга завқ ва марок багишлайди. Шундай қилиб, катта асарлар таркибига кирган «қистирма» ҳикоя ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Зотан, Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг, Шайх Саъдий «Гулистон»и ва «Бустон»ининг, Абдураҳмон Жомий «Баҳористон»ининг кент шуҳрати ва мангулиги биринчи навбатда бу асарлардаги ажойиб

ва гаройиб хикоялар билан, уларнинг ўтиг берини ва ибратомузлиги билан боғлиқлар.

Алишер Навоий асарларидағи күпчилк хикоялар. улар кайси манба асосида ишланган булишига карамай, говий-бадий хусусиятлари билан халқ хикояларидаги ўйнуглашиб кетади. Бу Навоий хикояларидаги қаҳрамонлар образи, уларнинг маънавий киёфаси, хикояларнинг ўткир зиддият, юмшок юмори, анъанавий бошлангаси, фавкулодда тутуни, ўзига хос хотимаси, мўжазлиги, содда баёни каби хусусиятларига таалуклидир.

Энди шу мулоҳазалар заминида бир неча хикоя кўрайлик.

Хотами Той – идеал сахий образи. Унинг номи билан боғлиқ кўпдан-кўп хикоялар бор. Алишер Навоий Хотами Тойга бот-бот мурожаат этади. «Ҳайрат ул-аббор»нинг бешинчи мақолати карамга бағишиланган. Ушбу мақолатда Навоий сахийлик билан баҳилликни бир-бирига карама-карши кўяди, улардан ҳар бирининг моҳиятини очиб беради. Саховат инсоннинг энт яхши сифати ва фазилатидир. Бирок саховатнинг ҳам ўз шартлари бор. Сахий киши эктиёжмандларга кўмаклашиши, саховат бегараз, беминнат булиши керак. Сахийман деб тўкиш-социш ҳам яхши эмас, бу исрофидир:

Накдни доги гулдек совурмагил,
Гунча киби доги гириҳ урмагил¹.

Кишиларнинг саховатига кўз тикишдан кўра ўз кўл кучи билан кун кўриш улугрок ва олижаноброк ишдир. Навоий бу фикрини тўлароқ ифодалаш учун «Хотами Той» хикоясини келтиради. Хотамдан: сен ўзингдек

¹ «Ҳамса», 69-бет.

бошқа бирор химматли кишини кўрганмисан?—деб сўраганларида, у бундай хикоя қилади: кунлардан бирида катта зиёфат олдидан далага чикиб айланниб юрганимда чўп-хас йигиб бозорга бораётган комати буқчайган бир мўйсафидни кўрдим. Унга Хотами Тойнинг уйига бориб, нози-неъматидан баҳраманд бўлсангиз, бўлмайдими, бу машакқатли меҳнатни сизга ким кўйибди десам, мўйсафид бундай жавоб килди:

...Сен доги чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмагил Хотами Той миннатин.

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхширок андинки бирор берса ганж.¹

Хотам хикоясини:

Улки бу янглиг сўзи мавзун эди,
Мендин анинг химмати афзун эди.²

деб тугатади.

Хотами Той ҳакидаги кўпчилик ҳикояларда (жумла³дан, Низомийнинг «Махзан ул-асрор» достони, Саъдийнинг «Гулистон»и ва бошқаларда) меҳнат тамаъгирилликка қарама-қарши кўйилади, идеал сахий Хотам кўл меҳнати билан кун кўраётган заҳматкашларни ўзидан кўра ҳам химматлироқ кишилар деб шарафлайди.

Навоий қаноатни хомтамаълиқка, ҳалолликни эгриликка қарама-қарши кўйиб бир неча хикоя яратган. «Ҳайрат ул-аброр»нинг еттинчи маколатида қаноатни таъриф-тавсиф қилган шонр «Қониъ ва Томиъ» ҳакида хикоя келтиради. Икки киши ҳамроҳ бўлиб, Форсдан Чинга йўл олади. Булардан бири «қониъ» (қаноатли),

¹ «Ҳамса», 70-бет.

² «Ҳамса», 71-бет.

нажинчиси «томиъ» (тамаъгир) эди. Улар йүлда бир тошга дуч келадилар, унда бундай ёзилган экан:

«Ким киши гар эмгак ўтин куйдуур,

Тошни яна юзига айландуур.

Анла битиклик дурур афсонае,

Ким бу навохий аро вайроне

Борки, остида эзур турфа ганж,

Олтай ани хар киши кўрса бу ранж.

Хар киши бу ранждин ўлса йирок,

Сабру каноат боридин яхширок»¹.

Конігъ зътибор бермай йүлинни давом эттиради. У бир шаҳарга келади, шаҳар дарвозасига етиб келиши билан пишилар унинг истиқболига чиқиб, шох кутарадилар. Шаҳарининг шохи ўлган экан. Элининг одатича, шаҳарга биринчи бўлиб кириб келган мусоғир шох кўтарилар экан. Томиъ эса кўп меҳнат-машакқат чекиб, «Хомтамаъ даҳрда ранжур эзур» ёзувидан бошка бирон нарса тополмайди. (Шунга монанд хикоя «Садди Искандарий» да ҳам бор)².

Хикояда бир-бирига қарама-карши икки характер яратилган, «кониъ»лик билан «томиъ»лик ўртасидаги қуаш – хикоянинг конфликти бўлиб, унинг тугуни фанқулодда, ечими оптимистик руҳда ва ибратли. (Бу хикоянинг сюжетига яқин хикоя Ҳожанинг «Гулзор» тўпламида ҳам бор). Бир-бирига қарама-карши икки характер «Сабъаи сайёр»нинг олтинчи хикоясида ҳам яратилган бўлиб, калби соғ, тўғри, садоқатли ва хушфеъл Мукбил баҳтиёр бўлади, каллоб, эгри, иродасиз Мудбир ҳалқининг «ёлғон гапирган ёрилиб ўлсин» каргиши қабилида ёрилиб ўлади. Вокеаларни ривожлантириш, образ яратиш ва хусусан бадиий

¹ «Ҳамса», 79-бет.

² «Ҳамса», 814-815-бетлар.

тасвир (орол, чашма, денгиз ва бошқалар) усулларида Навоий халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган (Мук бил ва Мудбир образи, бир-бирига тамомила қарама-карши хислатли кишилар образи «Лисон ут-тайр» ва «Махбуб ул-кулуб»да ҳам берилган. Бу асарлардаги ҳикояларда одатдагидек Мук бил баҳтиёр бўлади, Мудбир – бадбаҳт).

Шарқ халклари китобий адабиёти ва фольклорида жуда кенг тарқалган анъанавий образлардан бири Нўширвон (Ануширавон)дир¹. Нўширвон (531–589) сосоний шохларидан бўлиб, шон-шавкати билан шухрат қозонган эди. Аммо тарих заминидан адабиёт оламига ўтган Нўширвон ярим тарихий – ярим афсонавий қаҳрамон тусини олиб, одилликнинг рамзи сифатида талқин этилади. Нўширвон адолатли идеал подшоҳ образи бўлиб колади. Шарқнинг кўпдан-кўп шонрлари унинг номини одиллик рамзи каби зикр этадилар. Нўширвон ҳакида ижод этилган ҳикоялар қайта-қайта ишланиб, тилдан-тилга, китобдан-китобга ўтади. Нўширвон образи Навоий ижодиётидан ҳам маълум ўрин олган. Навоий Нўширвон номини одиллик рамзи сифатида бот-бот зикр этиш ва тавсифлаш билан бирга, унинг тўғрисида бир неча ҳикоя ҳам келтиради. Бу ҳикоялар «Ҳайрат ул-аброр» ва «Тарихи мулуки Ажам»дан ўрин олган.

«Тарихи мулуки Ажам»да «Нўширвон – одил биннул Кубод» фасли бўлиб, бошқа фаслларда бўлгани каби, унда ҳам тарих билан ривоят уйғунлашиб, чатишиб кетади. «Тарихи мулуки Ажам»даги биринчи ҳикоя:

«Дебтурларким, анинг даврида бирор яна бирордин бир боғ соткун олди. Ва ул борода кироманд дафина топти. Богнинг бурунги эгасига айттиким, келиб

¹ Бу ном Нўширвон, Ануширавон тарзида ҳам кўлланилади.

болидаги топилған мадфунни олғилким, мен сендин
 бөг сөткүн олибмен, йүкки үзга нима олғоним (Бу ном
 Нұширавон, Ануширавон тарзыда ҳам күлланилади.)
 йүк. Ул айттыким, мен санга бөгни ҳар не билаки
 аңға дохилдур сотибмен. Баъзи дедиларким, бу нима
 байтул-мол дохилидур, подшохқа тааллук тутар. Ҳар
 тақдир била можаро Нұширавонға етишти. Нұширавон
 сұрдиким, үтүл-кизингиз борму? Ҳамоноки бор эрди,
 бүордиким, ул бирининг кизини ул бирининг үғлиға
 бердилар. Ул дафинани ул икі янғи кадхудой бүлғонларға
 мусаллам түттилар¹. Мұъжаз, аммо ғана оның
 хикоя «Можаро»ни Нұширавоннинг одилона ҳұкмі
 бартарап этиб, топилған «дафина» гүё бөг сотган ва бөг
 сөтіб олғанларнинг фарзандлари түйиге түёна бұлади.
 Мазкур хикоя сюжети жуда кенг тарқалған. Уннинг
 мотивлари кадимги Шарқ ва Гарб адабиетіда (масалан,
 Рим комедиянависи Тит Макк Плавтнинг «Хумча»
 асарыда бор. Мұхаммад Авфий «Жавомеъ ул-хикоёт»да
 бу мавзу ва сюжеттеги хинд манбаи асосида баён
 эттегінни тақидалаб, «Дар кутуби хиндувон оварда-аст,
 ки...» («Хинд китобларыда келтирилғанки...») деб сүз
 бошлайды. Үнда можаро Ҳинд Ройи (шохи)нинг одилона
 ҳұкмі билан қал этилади². Мазкур сюжет Нұшировон
 номи билан бошқа муаллифларда, жумладан, XVI аср
 үзбек хикоянависи Жожада ҳам баён этилған.

Яна бир хикоя. Нұшировон «Бир күн бир йүлда тушуб,
 кабод бүорди. Туз йүк эрди. Яқинрок бир кент күрунди.
 Бирор бордиким туз кетургай. Нұширавон муболага
 килдиким, тузни сөткүн ол! Мажлис хүззори айттилар:
 бу тузга не микдор баҳо бүлгайки, сөткүн олғайлар?
 Дедиким, мунча бемиқдор нима учун, подшох нечук

¹ Үн тұртқынчи том, 224-бет.

² Мұхаммад Авфий. «Гулчини ғавомеъ-ул хикоёт», 38-бет.

тасвир (орол, чашма, денгиз ва бошқалар) усулларида Навоий халқ оғзаки ижодидан унумли фойдалантган (Мукбил ва Мудбир образи, бир-бирига тамомила қарама-карши хислатли кишилар образи «Лисон ут-тайр» ва «Махбуб ул-кулуб»да ҳам берилган. Бу асарлардаги ҳикояларда одатдагидек Мукбил баҳтиёр бўлади, Мудбир – бадбаҳт).

Шарқ халклари китобий адабиёти ва фольклорида жуда кенг тарқалган анъанавий образлардан бири Нўширвон (Ануширавон)дир¹. Нўширвон (531–589) сосоний шоҳларидан бўлиб, шон-шавкати билан шуҳрат козонган зди. Аммо тарих заминидан адабиёт оламига ўтган Нўширвон ярим тарихий – ярим афсонавий қаҳрамон тусини олиб, одилликнинг рамзи сифатида талкин этилади. Нўширвон адолатли идеал подшоҳ образи бўлиб қолади. Шарқнинг кўпдан-кўл шоирлари унинг номини одиллик рамзи каби зикр этадилар, Нўширвон ҳакида ижод этилган ҳикоялар қайта-қайта ишланиб, тилдан-тилга, китобдан-китобга ўтади. Нўширвон образи Навоий ижодиётидан ҳам маълум ўрин олган. Навоий Нўширвон номини одиллик рамзи сифатида бот-бот зикр этиш ва тавсифлаш билан бирга, унинг тўғрисида бир неча ҳикоя ҳам келтиради. Бу ҳикоялар «Ҳайрат ул-аброр» ва «Тарихи мулуки Ажам»дан ўрин олган.

«Тарихи мулуки Ажам»да «Нўширвон – одил биннул Кубод» фасли бўлиб, бошка фаслларда булгани каби, унда ҳам тарих билан ривоят ўйгунлашиб, чатишиб кетади. «Тарихи мулуки Ажам»даги биринчи ҳикоя:

«Дебтурларким, анинг даврида бирор яна бирордин бир бօғ соткун олди. Ва ул бօғда кироманд дафина топти. Богнинг бурунги эгасига айттиким, келиб

¹ Бу көм Нўширвон, Ануширавон тарзида ҳам қўлланилади.

бөлшаги топилган мадфунни олғилким, мен сендин
 беғ соткун олибмен, йўқки ўзга нима олғоним (Бу ном
 Нўширавон, Ануширавон тарзида хам кўлланилади.)
 Аյ. Ул айттиким, мен санга боғни ҳар не билаки
 иштаги дохирадур сотибмен. Баъзи дедиларким, бу нима
 байтул-мол дохирадур, подшоҳка тааллук тутар. Ҳар
 тасир била можаро Нўширавонга етишти. Нўширавон
 сўрдиким, ўтул-қизингиз борму? Ҳамоноки бор эрди,
 ўюрдиким, ул бирининг кизини ул бирининг ўғлига
 бердилар. Ул дафинани ул ики янги қалхудой бўлғонларга
 ўссалла туттилар¹. Мўъжаз, аммо ниҳоятда ибратли
 юзом. «Можаро»ни Нўширавоннинг одилона ҳукми бар-
 гароф этиб, топилган «дафина» гўё боғ сотган ва боғ
 сотиб олганларнинг фарзандлари тўйига тўёна бўлади.
 Мазкур ҳикоя сюжети жуда кенг таркалган. Унинг
 котивлари кадимги Шарқ ва Ғарб адабиётида (масалан,
 Рым комедиянависи Тит Макк Плавтнинг «Хумча»
 асарида бор. Мухаммад Авфий «Жавомеъ ул-хикоёт»да
 бу мавзу ва сюжетни хинд манбаи асосида баён
 этанини таъкидлаб, «Дар кутуби хиндувон оварда-аст,
 ки...» («Хинд китобларида келтирилганки...») деб сўз
 бошлайди. Унда можаро Ҳинд Ройи (шохи)нинг одилона
 ҳукми билан ҳал этилади². Мазкур сюжет Нўшировон
 номи билан бошқа муаллифларда, жумладан, XVI аср
 ўзбек ҳикоянависи Ҳожада ҳам баён этилган.

Яна бир ҳикоя. Нўшировон «Бир кун бир йўлда тушуб,
 қабоб буюрди. Туз йўқ эрди. Якинрок бир кент кўрунди.
 Бирор бордиким туз кетургай. Нўширавон муболаға
 килдиким, тузни соткун ол! Мажлис ҳуззори айттилар:
 бу тузга не микдор баҳо булгайки, соткун олғайлар?
 Дедиким, мунча бемикдор нима учун, подшоҳ нечук

¹ Ўз туртинчи том, 224-бет.

² Мухаммад Авфий. «Гулчини чавомеъ-ул ҳикоёт», 38-бет.

ёмон расм күйгай, ёмон русум жузвий бүлса, ҳар киши бир нима орттуруб, ани куллий қилурлар. Бадномлик ани бунёд қилғанға бүлур¹».

Бу хикояда ҳам Нұширавон инсоф ва адолатнинг ҳомийси ва посбони сифатида гавдаланади. У ўрта аср муҳитида эл-юрт орзу қилған подшох, фантазия билан йүғрилған хукмдор. Нұширавонни инсоф ва адолат ҳомийси сифатида таъриф-тавсиф этган Навоий фаслни Нұширавоннинг васиятномаси ва тахтининг поясига битилған сұзлар билан тугатади. «Ва аннинг, – дейди Навоий, – сойир султонлар учун васиятномаси борким, не дастур била салтанат қилғайларким, бу муҳтасарда ул кунжойиш йўқтурким, барчасин битилгай, иккичу қалима била ихтисор килилди. Ва ул булардурким адл бир кўргондурким, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаник била бузулмас. Ва адл ганжиурким, кўпрак олғон сайин кўпрак бўлур ва озрок, ҳарж қилсанг, озрок бўлур². Бу сұзлар келтирилған ҳикояларга жўр бўлиб кетади.

Нұширавон ахлок-одоб ва донишмандлик бобида ҳам бекиёс кишилардан бири сифатида таъриф-тавсиф қилинар зди. Навоий ҳам Нұширавон анъанавий образининг бу жиҳатини эътибордан четда колдиримай, «Тарихи мулукки Ажам»да унинг сұзларидан келтирса, «Хайрат ул-аброр»да ниҳоятда ибратли, ўгит берувчи бир ҳикояни баён этади. «Тарихи мулукки Ажам»дан: «Ва хирадманд улдурким, маҳфий андоқ иш қилмагайким, ошкора они кила олмагай ва бирор айбидан андоқ, сұз демагайким, юзида дей олмагай. Урушта душман оз деб тоғифл бўлмамок керакким, кўп ўтинни оз куйдурур.

¹ Ўн тўртничи том, 224-225-бетлар.

² Ўнча ўринилга, 226-бет.

Төхтнинг түрт поясида түрт сўз битилиб эрдиким –
хар кимда подшохлиқ йўқ – комкорлик йўқ. Хар кимда
хотун йўқ – гамтусорлик йўқ, хар кимда фарзанд
йўқ – дўстдорлик йўқ, хар кимда булар ҳеч койси йўқ –
беморлик йўқ».¹ Бу подшоҳ одил, ориф ва донишманд
бўлиши лозим деган ўй ва орзунинг бир ифодасидир.

«Хайрат ул-аброр»нинг олтинчи маколатини одоб-
тавозу масалаларига бағишилаб, қимматли фикр ва
мулоҳазаларни, ҳикматларини баён этган Навоий Нўши-
равон ҳакида ҳикоя келтиради. Нўширавон подшоҳ
бўлишинга кадар кунлардан бирида ёри билан чашма
хилватида ўтириб, унга кўл узатаётганида кўзи наргис
гулига тушиб, қўлини тортиб олади. Чунки наргис
кўзни эслатади, кўз (биров) олдида ёрга кўл узатмок
одобдан эмас:

Айш, Навоий, неча дилкаш дуур,
Лек адаб бирла ҳаёш хуш дуур².

Бу ҳикоялар (шунга монанд ўзга ҳикоялар ҳам)
китобни манбаларда баён этилишига қарамай, кўпдан-
кўп ҳалқ эртакларидаги «Бир бор экан, бир йўқ экан,
кадим замонда, бир одил подшо бўлар экан...» деб
бошланувчи анъанавий сюжет ва образларни эслатади,
гоявий-бадиий хусусиятлари билан фольклор илдизига
богланади.

Навоий «Лисон ут-тайр» достонида ҳам ҳалқ ижо-
диётидан илҳомланади, ҳалқ асарларининг сюжети,
услуби, ҳалқ таъбирлари, юмори ва бошқалардан ижо-
дий фойдаланади. Шу жихатдан караганда, даставвал
бу достондаги ҳикоялар эътиборни ўзига жалб этади.

¹ Ўша жойда.

² «Ҳамса», 75-бет.

«Лисон ут-тайр»да жамъи 63 ҳикоя бор. Буларнинг баъзиларида тарихий ёки афсонавий шайхлар ва авлиёларнинг «саргузашти» ҳикоя қилинади (масалан, Нажмиддин Кубро ҳикояси, Шайх Санъон ҳикояси ва бошкалар), баъзилари эса таркидунё килиш ва тоат-ибодат каби масалаларга багишланади (масалан, туррокни олтинга «кайлантирувчи» пир ҳикояси, Мукбия ва Мудбир ҳикояси ва бошкалар). «Лисон ут-тайр»да реалистик мазмундаги реал хаёт масалаларини, турли хил қишиларни, уларнинг фаолияти ва феъл-атворини тасвир этувчи ҳикоялар ҳам бор. Уларда Навоий бадбинлик ва таркидунёчиликни, айёрлик ва фирибгарликни, тамаъгирилик ва текинхўрликни, нодонлик ва жоҳилликни, хуллас, яшаган мухитининг бир катор иллатларини аччик танкид қиласди, сатира ва юмордан фойдаланади. Гўзал подшоҳ, ахлоқсиз ва хаёлпараст каландар, каллоб заргар, укувсиз боғбон, тўймас полвон ва бошқалар ҳакидаги ҳикоялар шулар жумласидандир. Навоий бу ҳикоялари билан кичик эпик жанрда ҳам катта бадиий маҳорат қозонади. Унинг кўпчилик ҳикоялари сюжет ва композицияси, конфликти ва ечими, юмористик услуги билан ҳалк ҳикояларига ўхшаб кетади. Шу жиҳатдан караганда, «Лисон ут-тайр» даги ҳалқ латифаси асосида яратилган «Мажнун алҳақ» ҳикояси жуда характерлидир.

Ҳикоя қилинишича, ўзини худо йўлига багишлаган бир девона бўлар экан. Кишилар уни Мажнун алҳақ (худо йўлидаги девона) леб атаган эканлар. У бир баҳор фасли ўз масканини ўзгартирмоқчи бўлиб йўлга чиқибди. Логар эшагида бирмунча йўл босган экан, кеч кириб, бирдан каттиқ ёмгир ёғибди. Мажнун бир вайронага кириб паноҳ топибди. Аммо эшаги очик ҳавода қолибди. Ҳориб ухлаб ёттан Мажнуннинг устига чакки ўтиб уйгонибди.

Ёнгир тингандан кейин Мажнун ташқарига чиқса,
жагы йўқ. Шунда у ғазабланиб:

Ким, санга маркабни топшурдум бу дам,
Яхши асродинг, карам килдинг, карам!..
Асрамогдин маркабим ор айладинг!
Тибра тунда нопадидор айладинг! ¹—

дебди. Шундан сўнг чақмоқ чақнаб, атроф ёришибди.
Мажнун эшагининг ўтлаб юрганини кўриб, хижолат
булибди ва худога бундай дебди:

— К-эй, менинг жисмим аро жоним худо,
Балки юз жоним санга бўлсун фидо!
Гарчи ул дам маркабимга бокмадинг,
Фойиб айлаб, бўйнига йип токмадинг,
Менга юзланди бу дам ошуфталик,
Қаҳрдин килдим санга олуфталик.
Чун эшакни топшуруб эрдим санга,
Они топшурмоқ керак эрдинг манга.
Асрамоқла чунки таксир айладинг,
Тунд кўргач, манга тадбир айладинг.
Чора айлаб, чақмоғингни чоқибон,
Кўз ёритур машъалингни ёкибон,
Кўзумা они намудор айладинг,
Дар маҳал бу лутф изхор айладинг.
Ким бу диккат айлабон зохир манга,
Ғойибимни айладинг ҳозир манга.
Дегонимдин бемидор эттинг мани,
Килғонимдин шармисор эттинг мани.
Сен килдинг — унуттум мен тамом,
Сен ҳам ўтконни унут, лутф айла ом².

Бу юмористик парчада Мажнун ал-ҳак худога карши
каратилган дашноми учун осий бўлган киши

¹ Ўи биринчи том, 152-бет.

² Ўша том, 153-бет.

сифатида эмас, балки худо билан басма-бас келган бир шаккок табиат киши сифатида (халқ қаҳрамони афанди йўсинида) гавдаланади. Шоир Манжунун ал-ҳақни кораламайди, балки:

Телба рози гарчи номаъкул эди,
Чун мухаббатдин эди, макбул эди¹, –

деб уни ёклийди. Бу ҳикояга асос бўлган сюжетнинг бошқача варианти шу кунга қадар ҳам ҳалқ латифаси сифатида яшаб келмокда.

Навоий ҳикояларининг ҳалқ оғзаки ижоди билан боғликлigi ҳакида сўз борар экан, Лукмон образи, Лукмон ҳикоялари ҳакида гапиrmай бўлмайди. Лукмон кўпдан-кўп ҳикояларнинг қаҳрамони, у асрдан-асрга, оғиздан-оғизга, китобдан-китобга ўтиб келмокда. Лукмон деганда эиг мураккаб мушкилотларни ҳам ўткир ақли ва тадбири билан ҳал этувчи донишманд, сўзамол ва ҳозиржавоб қаҳрамон кўз ўнгимизда гавдаланади. Лукмон саргузаштлари ва Лукмон номи билан айтиладиган ҳикоя, масал ва ҳикмат аслида кадим замонларга бориб тақалади. Қизиги шундаки, «Лукмон саргузашти» ва айрим ҳикоя, масал ва ҳикматлар Европада Эзоп номи билан шуҳрат козонган шахсни эслатади.²

¹ Учбу том, 154-бст.

² Бу масалага илк бор мархум адабиётшунос Рустам Комилов жамоатчиллик эътиборини жалб қылган эти. (Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар, ўз бешинч том, 231-бст, саҳифа ҳонияси.) Аммо Лукмон шахси ва номи масиласида мунозорати фикрлар давом этиб келмокда. Қаранг: Зарифа Эгамбердиева, Зикрилла Эгамбердиев – «Лукмони ҳакими излаби» (Тошкент оқишоми, 10 июль, 1970), Ш.Зуннун – «Лукмон ҳаким бўлганими?» («Гулистон», №10, 1970). Қизиги шундаки, номи (Лукмон ва Эзоп) бир-биридан тамомила узок бўлининга каралмай, «Таржимаи ҳол», масал на ҳикоялар бир-биринга нихоятда монанд ва ҳатто бъълан вийдан бир. Бу икки шахс ва ном масаласи маҳсус изланиши ва тадқикотни талиб этади.

Эзоп тарихий шахсми – йўқми, маълум эмас. Унинг номи Юнонистонда эрамизгача V асрда тузилган масаладар тўплами билан боғлиқдир. Эзоп ва унинг номи билан боғлиқ масаллар хақида «Юнон адабиёти тарихи» китобининг I томида бундай дейилади:

«Юнон истилочилари бевосита тўкнаш келиб, эрамизгача бўлган иккинчи минг йилликнинг охири ва биринчи минг йилликнинг бошида кира бошлиган Кичик Осиё мамлакатлари ҳам, шубҳасиз, масаллар сюжетининг манбаи бўлган. Бу сюжетлар, жумладан, юнон мифологиясида муҳим роль ўйнаган Фригиядан олиб келинган булиши мумкин. Эҳтимол, шу ходиса эрамизгача бўлган V асрда Юнонистонда тузилган, ва юкорида кайд этиб ўтилганидек, кейинчалик синфиий жамият шароитида қайта ишланган масаллар тўпламини фригиялик канадайдир Эзоп деган қулга нисбат берилишига асос бўлгандир. Унинг тўгрисида энг қадимги маълумот Геродотда (II, 134) берилган, унинг яшаган даврини Геродот VI асрнинг ўрталари деб кўрсатади. Бизгача стиб келган «Эзопнинг ҳаёти баёни» эса анча кейин яратилган бўлиб, унга бир тарихий манба сифатида муносабатда бўлолмаймиз, шунга карамай, умуман (гарчи кўпчилик ҳақиқатдан йирак деб хисобласалар-да) Эзопнинг тарихий шахс бўлган булиши ҳам эҳтимолдан холи эмас¹, ҳар ҳолда унинг номи билан боғлиқ тўплам турли даврларга

¹ Бир катор кейиниги муаллифлар (Калимах, Апполоний Софист, Свіда ва бошқалар) Эзопнинг Сардаси Крез сиройида бўлганини айтадилар. Эзопни «етти дошишманд» категорига кўшини эрамизгача бўлган IV асрда бир атъянага айланали, ўрта ётгик комик шоир Александнинг лавкаси шундан далолит беради. Унда Эзоп Солон билан сухбатлашади; шунинглек, Плутархнинг «Етти дошишманднинг сухбатини» (4р. 150) киёсланг. Бу срда Эзоп Крезнинг Коринф ва Дельфадаги эличиси.

мансуб қисми жуда қадимда пайдо булган, адабий қайта ишланган улкан фольклор материалини түплаб тартибга солиш маҳсулидир...»¹

Эзоп шахси ва хаётига доир маълумотлар билан Лукмон ҳакидаги Шарқ маълумотлари деярли айнан бир хилдадир. Шарқнинг кўпдан-кўп тарих китобларида, ривоявий ва бадиий асарларида Лукмоннинг саргузаштлари хикоя килинади. Лукмон ҳакида Навоий ва унинг замондошлари, Хондамир, Али Сафий ва бошқалар ҳам маълумот берадилар, хикоя келтирадилар. Хондамир «Равзат ус-сафо»да «Зикри ахволи Лукмони ҳаким» деган фасл очиб, унда Лукмоннинг ҳаёти – саргузаштини баён қиласи, бир неча ҳикоя ва Лукмоннинг насиҳати ва ҳикматларидан намуналар келтиради². Хондамир, ўзи таъкидлаганидек, Имом Мухаммад бин Маҳмуд Шахразурийнинг «Тарихи ҳукамо» асарига таянади, шу асарда айтилишича, Лукмон қора танли булган, у қадимги арабларга қарам булган Жаша вилоятининг Навба диёридан булиб, Шомда таҳсил кўриб, Фаластииннинг Рамла шаҳрида дағн этилган. Хондамир Лукмоннинг хожасини маглубиятдан куткариб, шунинг эвазига кулликдан озод бўлиши ҳакидаги машҳур ривоятни баён этади.

Навоий ҳам «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да Лукмоннинг «саргузашти»ни ҳикоя киласи. Навоий ҳикояси хийла мўъжаз бўлса-да, асосий маълумот ва таърифтавсифда у билан Хондамир ўртасида ортиқча фарктафовут йўк. Бу Лукмон «саргузашти»нинг хийла баркарор булганини кўрсатади. «Тарих ахлидин баъзи, – дейди Навоий, – ани ҳукамо силкида мазкур килибтурлар. Ва кўпрак эл ани пайғамбар дебтурлар.

¹ История греческой литературы. том I., М.-Л., 1946, стр. 65-66.

² «Равзат ус-сафо», 131–134-бетлар.

Ва бъзи ривоятда мундоқдурки, тенгри таоло нубувват
ы хикмат орасида мухбир килди. Ҳар тақдир била «Ва
закал отайна Лукмонал-хикмата» аниң шаънидадир...
ринги каро эркандур. Довуд алайхис-салом сұхбатига
мушарраф бўлур эрди. Ва андин кўп ғаройибка
вужуд туттар эрди. Бъзи дебтурларки, кул эрди ва
озод бўлгонида мухталиф ривоят бор. Бири буки,
хожаси бир руд кирғоғинда бирор била нард ўйнади,
бу шарт билаки, мағлуб бўлғон бу руд сүйин тамом
ичтай ё молин бергай. Ва Лукмон хожаси утқузди.
Хариф рудхона сүйин тутатмак тақлиф килди. Ва ул
мутахаййир бўлди. Лукмон дедиким, шарт киладурғон
вактдаги сувни хозир кил ё ғаразинг бу хозир сув
бўлғон бўлса, руднинг бу кирғогидаги сувни ичкунча
нори киргогиндаги сувни турғуз! Хариф бу ишдин ожиз
бўлди. Хожаси халос топиб, Лукмонни озод килди¹.
Мана шу воқеа Лукмон «саргузашти»нинг энг мухим
халқаси бўлиб, у «Эзопнинг ҳаёти баёни»да ҳам деярли
айнан келтирилган².

Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да Лукмон ҳакида
яна иккита мўъжаз ҳикоя келтирадиким, бу ҳикоялар
ҳам кўп муаллифларнинг қалами билан хилма-хил
китоблардан ўрин олган. «Яна бири буким, – деб янги
ҳикоясини бошлайди Навоий, – хожаси анга буюрдиким,
кўй ўлтуруб, яхширок узвини пишуриб келтур! Ул
юрокини тили била пишуруб, келтурди. Яна бир қотла
дедиким, кўй ўлтуруб ямонрок узвини пишуруб келтур!
Хамул ики узвдин келтурди. Ҳожа нуктасин сўрди эрса,

¹ Ўн бешинчи том, 231-бет.

² Эзоп ҳакидағи фильм сюжетининг асосини ҳам шу воқеа
ташкил этади. Лекин ном мисаласида «Эзоп» сўзи билан «Лукмон»
бир-биридан тамомила йирок, уларда ҳарфий ҳеч қиндай якнилик
йўқ. Бу холат мазкур масала ҳакида маҳсус тадқиқот олиб бориш
зарурийтини яна бир бор таъкидлайди.

дедиким, күнгүл ношойиста афъолдин ва тил нобойиста ақволдин бери бўлса, алардин яхшироқ узв йўқтур ва агар бўлмаса, алардин ёмонрок узв йўқтур»¹. Бу ибратли хикоя Шаркнинг жуда кўп муаллифлари асарларидан, жумладан Хондамир, Али Сафий ва Хожа каби Навоийнинг замондошлари ва издошлари асарларидан ҳам ўрин олган. Хожасини шармандали мағлубиятдан куткариб, шунинг эвазига Лукмоннинг қулликдан озод бўлгани хикояси каби бу хикоя ҳам Гарб манбаларида Эзопга нисбат берилади.

Навоий кўп асарлардан, жумладан «Қиссан Рабгузий»дан ўрин олган Лукмон ҳакидаги яна бир хикояни баён этади: «Яна бири буким хожаси анга буюрдиким, кунжут эк! Ул арпа экти. Хожа сўрдиким, арпа экиб бар кунжут начук топарсен? Дедиким, чун ови ношойист иш килиб, тенгри таолодин раҳмат ва жаннат тамаъ қилурсен, мен ҳам дедимким, шоядким, арпа эксам, кунжут бар топқаймен. Хожа мутанқабих бўлуб, ани озод қилди»². Бу хикояда Лукмон зулм-зўрлик устидан қаҳқаҳа билан кулган галиб қаҳрамон, халк қаҳрамони – Афанди каби кўз ўнгимизда намоён булади. Навоий бу асарида Лукмоннинг номига нисбат берилган ҳикматли сўзларга ҳам эътиборни жалб этиб, «анинг сўзлари иштиреким, тўрт минг сўз йиғибтурлар ва сўз била ихтисор килибтур»³ дейди. Навоийнинг замондоши Хондамир ҳам Лукмоннинг ҳикматларига алоҳида эътибор бериб, Лукмон фаслини охирида «Зикри мавъиз ва ҳикмати ҳазрати Лукмон» («Ҳазрат Лукмоннинг ваъз ва ҳикматлари зикри») сарлавҳаси остида унга нисбат берилган ўғит ва ҳикматли сўзларни келтиради⁴.

¹ Ўн бешинчи том, 231-бет.

² Ўша жойда, 231-232-бетлар.

³ Ўша ўринда, 232-бет.

⁴ Хондамир Лукмоннинг ўғли хакида ҳам бир хикоя баён этади.

Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва хукамо»дан таш-карн ўзга асарларида ҳам Лукмон ҳикояларини баёнини ва номини зикр этади. Жумладан, «Садди Искандарий»да иккى ҳикоя берилган. Улардан бири «Лукмон ҳикоятиким, ҳаҳон мутааллақотидин ганждек бир бузугни ихтиёр эти ва минг йилдан сўнг сипехр аждаҳосидин анга ҳам осилиб етти» (78-боб) деб номланади. Үнда ҳикоя килинишича, Лукмон бир вайронанинг кунжида яшар экан. Бундан таажжубланган бир шахс Лукмонга:

Ки ёрутуб ер юзин донишинг,
Недин йўқ жаҳон айши бирла ишинг?
Ватан айламай турфа коюонае,
Қилиб сан макон кунжи вайроннае?» –

деб берган саволига Лукмон тубандагича жавоб қайта-рибди:

Жавоб айтти пирн омӯзгор:
«Ки вайронна ичра узун рӯзгор.
Бу ким чутг янглиғ басар айладим,
Согиндимки, лафъи зарор айладим,
Ки чун кильмадим майл оламға ҳеч.
Мени ул доди солмагай ғамға ҳеч.
Муни кўрки даврондин элтур чоғи
Олур мендин ушибу бузугни доди...
Чу охир адам сори кўйгум кадам,
Манга борлур ортуқ бу вайронна ҳам.
Жаҳондин неча эл ҳаросон эрур,
Анниғ ранжидин маҳлас осон эрур»¹.

Бу ҳикояда Лукмон дунёнинг ноз-неъматидан воз кечган киши сифатидагина эмас, балки, шу билан бирга, мол-дунё тўплашни хаётининг бош мақсади қилиб олган

¹ «Хамса», 826–827-бетлар.

шахсларга қарши нафратланган киши сифатида ҳам мужассамланади. Аммо бу нафрат бирмунча рамз ва киноя либосида берилган. «Садди Искандарий»даги иккинчи ҳикоя жуда ибратли ва ўтиглидир. Бу ҳикоя «Бир соил саволи Лукмондин ул бобдаким, мунча илмингта боис ким эркин ва бизга андин хабар бергин ва аниң жаҳл ахлиға ишорати ва аксин тутур башорати» сарлавҳаси остида берилган бўлиб, шу сарлавҳанинг ўзида ҳам ҳикоянинг кисқача мазмuni ифодаланган. Биронинг бунча билиму маърифат, файзу фазилатни кимдан ўргандинг деб берган саволига Лукмон жавоб кайтариб айтган:

Деди: «Дониш ахлиға айланмадим,
Билимни билур элдин ўрганмадим;
Жаҳон илми буким манга ёд эрур;
Анга барча жаҳл ахли устод эрур;
Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон:
Тутуб акси, топтим ёмондин омон.
Жаҳон ахлиға чун шиор ўлди жаҳл,
Эрур борчанинг аксини туткон ахл»¹.

Лукмоннинг жавоби ҳозир ҳам кенг кўлланилиб келаётган «одобни одобсиздин ўргандим» маталини ифодалайди. Навоий Лукмонни ниҳоятда доно киши сифатида таърифлайди, унинг хар бир сўзини ҳикмат деб атайди. (Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да «Ҳукамо зикри»ни Лукмон сўзлари билан бошлайди²). Тожиклардаги «Сухан аз даҳони Лукмон хуш» матали каби ўзбек ҳалқида ҳам «Ҳикмат айтишга Лукмон яхши» кабилида ибора бор. Шундан фойдаланиш Навоий «Сабъаи сайёр»да Саъд тилидан (III ҳикоя) донишманд мўйсафи (Пайлакус ҳаким) га айтади:

¹ «Хамса», 827-бет.

² Ўн бешинчи том, 238-бет.

Ер ўуб деди дардманди замон;
«Хикмат айтурға яхшироқ Лукмон»¹.

Шундай килиб, Навоий гарчи «Тарихи анбиё ва ҳукамо» да Лукмонни одатда пайғамбар ва ҳаким сифатида таърифлайдилар, деб анъанавий маълумотни таъкидласса-да, ўзи Лукмони ҳаким ва донишманд сифатида гавдалантиради. Умуман, Шарқда Лукмонни одатан «Лукмони ҳаким» деб «ҳаким» сўзи билан бирга тилга оладилар. «Ҳаким»ни табиб ва донишманд маъносида кўплайдилар.

Ўзбек халқ ҳикоя ва эртакларида ҳам Лукмон табиб ва донишманд сифатида гавдаланади. У халкка шу даражада эл бўлиб кетган қаҳрамонки, халк кўпинча ўз билими, тажрибаси ва тадбирларини Лукмон киёфасида мужассамлантиради. Масалан, «Лукмон ҳаким» эртагида² халқ тиббиётидаги табобат усуслари ва доридармонлар Лукмон билан боғлаб берилади. Эртакда Лукмон Искандарга замондош киши сифатида тасвирланади. Искандар Зулкарнайн «Одами оби» («Сув одами»)ни билмокчи бўлиб, вазирларининг маслаҳати билан зиндондаги бандилардан бирини шишадан ясалган уйга солиб, «Шўр дарё»га туширибди, у «одами оби»ларни кўриб, подшохнинг тобе бўлиш таклифини айтган экан, улар бир коса ун бериб, подшохинг шу ундан нон килиб есин, косани олтин билан тўлдирсинг, агар коса тўлса биз тобе бўламиз, дейишибди. Газначи танга-олтин тўккан билан косани ҳеч тўлдиролмапти. «Фолчилар ва қурандозлар» косага тупроқ солган эканлар, олтинлар кўришиб коса тўлибди. (Денгиз тубига тушиш ва косанинг олтин билан тўлмай,

¹ «Ҳамса», 538-бет.

² «Ўзбек халқ эртаклари», 2-том, 437–447-бетлар.

тупроқ билан тұлиши мотиви күп әртак ва ҳикояларда, қайта ишланған ҳолда бошқача күринишда «Сади Искандарий»да ҳам бор). Подшохнинг хотини ундан хамир килиб, нон ёпаман деса, нон оқаверибди. У бошқа ундан нон ёпіб берибди, подшоҳ нонни еб «хеч асорат, фойдали нарса йўқ» дебди. Подшохнинг хотини тиланиб келган девонага ёпилмай қолган нонни хайр килибди. Девона ариқ бўйида тол соясида нонни ивитиб еб кетаётганида тол тилга кириб, ўз хосиятини айтиб, «сил касалига» дармонлигини айтиби. Шундан кейин бошқа дараҳтлар, гиёхлар ҳам тилга кириб, ўз «сир-асрор»ларини, «шифобахш»ликларини айтишибди. Девона катта ҳаким бўлиб қолибди. Бу Лукмони ҳаким экан. Эртакнинг давомида Искандарнинг Лукмони ҳакимга зулми, ўғлига Искандар ўғлидек лиbos тикиб бергани учун, ўзини ҳам, ўғлинини ҳам тириклийин кўмдиргани, аммо буларнинг ўлмай омон колиши, Искандар ўлиб, ўрнига ўғли подшоҳ бўлгани, унинг томогига суктикилиб колгани, Лукмонни келтиришгани, Лукмон унинг жаҳлинини чиқаргани, шохнинг газаби билан бирга сукнинг отилиб чиққани ҳикоя қилинади. Эртакнинг охирида бетоб бўлиб ётган Лукмоннинг ҳикматли сўз ва дори-дармонлар ҳақида кишиларга сўзлаб бергани (бу Лукмоннинг васияти эди) айтилади.

«—Қиши чилласида оқиб турган совуқ сувга чўмилған кишининг ариқ лабида ўлмай колганига ҳайрон қолдим. Иссиқ сув билан ўлган ўликни ювган вактда тирилиб кетмаганига ҳайрон қолдим. Тоби йўқ одам ҳаммомга тушиб, ҳаммомдан чиқкан вактда учиб кетмаганига ҳайрон қолдим.

Хар қандай одам ялпизнинг томирини ковлаб олиб, сувга солиб, ювиб офтобда куритиб, сутга солиб, шунни қайнатиб исча, одамнинг ичидаги тоши бўлса, шул тошни

эртиб юборади. Иккинчи ҳалил ойи занги деган гиёҳ бўлади, уни олиб, кўвачага солиб, туйиб, талқон килиб, кап отиб юрса, ҳар кандай одамни қувватлик, кучлик килади. Ҳар кандай одам йўтал бўлса, шундай дардга беҳи олса, бехининг ичидаги уругини олиб, уруғ ўрнига думба ёҳ солса, сўнг пишириб еса, йўтал бўлган одам тузалади, яна ҳар одам ҳар ҳафтада ҳаммомга тушиб турса, соглом-бакувват бўлиб юради, деб, – сизларга гапним, қилган нафим шу, – деб сўзини тамом қилган.

Келган ошна-оғайнилар, қавм-қариндошлар бу сўзларни эшишиб, ўз уйларига кетган эканлар, Лукмон ҳаким бир-икки кундан сўнг ўз касали билан үлган экан¹. Лукмоннинг «васияти» да ҳалқ табобатчилигига учрайдиган айрим усул ва дори-дармонлар ўз ифодасини топган. Лукмон асрдан-асрга ўтиб, ҳалқ уни ўз замонасига «мослаштириб» олган. Табобати, донишмандлиги ва бошқаларни Лукмон сиймосида ифодалаган. Унинг тутрисида кичик-кичик ҳикоя ва латифалар тўқилган.

Гарбда (Эзоп) асосан донишманд ва масалчи сифатида тасвирланади (таъкидлаб ўтилганидек, катта масаллар тўплами унинг номига нисбат берилади). Эзоп масалнавис сифатида жуда кенг шухрат қозонган ва масалчилик тараққиётида чукур из колдирган. Бабрий (II ascp), Авиан (IV ascp) ва бошқалар Эзоп масалларини кайта ишлаганлар масалларнинг лотинча насрй баёни ўрта асрда кенг таркалиб, турли тилларга таржима килинган, Француз ёзувчиси Жан Лафонтендан (1621–1695) кейин Эзоп масалларидан Хемницер, Измайлов ва Крилов каби рус масалчилари ҳам фойдаланиб, янги янги масаллар яратдилар².

¹ Юкоридаги асар, 447-бет.

² Карап: История греческой литературы, том I. 65-бет.

Шарқ ва Ғарбдаги ўзига хос анъана ва фарқ-тафовутларга қарамай, Лукмон ва Эзоп «саргузашт» лари, унинг номи билан боғлиқ ҳикоялар ёки унга нисбат берилган масаллар даставвал фольклор билан, ҳалқ ижодкорлиги билан боғлиқдир. Навоийнинг Лукмонга тааллукли ҳикоялари ҳам, уларнинг қандай манба орқали Навоийга етиб келган бўлишидан катъи назар, ўз замири ила ҳалқ ижодиётига бориб тақалади.

Навоийнинг ҳикоялари каби унинг масаллари ҳам ё бевосита, ёки бавосита ҳалқ ижодиёти билан боғланади. «Ҳайрат ул-аброр»даги «Шер билан Дуррож» масали¹, «Садди Искандарий»даги «Кабутар ҳикояси²» масали ва бошқалар, «Лисон ут-тайр» масаллари сюжети ва композицияси, образлари ва услуби жихатидан ҳалқ ижодиётига, ҳалқ масалларига монанддир.

Демак, Навоий ҳикояларининг кўпи ё бевосита, ёки бавосита ҳалқ ижодиёти билан боғланади. Навоий ҳалқ ҳикояларининг сюжети ва композициясидан, образлари ва бадиий услубидан ижодий фойдаланади ва ҳалқ ижодиётига, ҳалқ ҳикоячилигига хос бир катор хусусиятларни саклаб колади. Ҳалқ ҳикояларидан ижодий фойдаланиш тажрибаси ва анъаналари Навоидан кейинги ёзувчилар учун, хусусан машҳур ўзбек ҳикоянависи Хожа ва буюк масалчи Гулханий учун бир катта мактаб бўлди.

БАДИЙ ТАСВИР ВА ТИЛДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ

Алишер Навоий ҳам ҳалқ ижодиётидан мавзуу ва ғоявий мазмун, сюжет ва образлар «олиб» қолмасдан,

¹ «Хамса», 92-93-бетлар. («Садди Искандарий»да шу мазмунда ва шу мағтуда ҳикоя бор, «Хамса», 761-762-бетлар.

² «Хамса», 809-бет.

балки шу билан бирга, «қандай сўзлаш» ва «қандай яратиш»ни ҳам ўрганган сўз санъаткоридир. Бу Навоий ижодиётининг барча жихатларига, биринчи навбатда образлар оламига тааллуқлидир.

Биз аввалги бўлимларда «Ҳайрат ул-аброр»да фольклор анъаналари ҳакида кисман фикр юритган здик. Бу ўринда тавсифий образлар аспектида Навоий бадиий тасвирининг фольклорга яқинлигини таъкидлаб ўтмокчимиз. Икки ҳажвий тавсифий образ билан кисқача танишув кифоя қилади деб ўйлаймиз.

Навоий ўн олтинчи маколатда мутакаббир ва золим амалдор образини тасвирлаб, унинг портрети ва характерини тиپиклаштиради, шакл-шамойили, кийим-кечаги, юриш-туриши, фикр-ўйи, феъл-атвори ва бошка жихатларини тасвирлайди, сатира ва юмордан кенг фойдаланади.

Амалдор ўзини ботир, отини Рустамнинг афсонавий оти Раҳш, Раҳшгина эмас, балки яшин деб билади, Рустамни ҳам назар-писанд қилмайди. Гүё унинг боши кўқдан туртэллик куйи, холос. Аслида узулмда йўлбарсдек йирткичдир. У ўзини коплон деб билади ва ит эти билан тамадди қилади, кибр-ҳаво унинг коши устида ажинлар пайдо қилган... Бўйнида тавки бор, ҳатто кучадаги дайди ит ҳам унга, бўйнингта занжир тушибди-ку, деб таъна қилади, чунки унинг бўйнидаги тавқ лаънат тавкидир. Зулмдан у Захҳоқдир, икки илони ҳалқа бўлиб ётибди... мўйлови икки томонга шохлаб чиқсан тузоқдир, бу тузоқ нафсу ҳаво қушларини ўз домига туширади. Оғзидан битта ҳам бамаъни сўз чикмайди, чакаги эса лоф уришдан чарчамайди... Жигасининг патини бойқушнинг бошидан юлиб олгану, унга товуснинг тожи деб ном қўйган... Бўркининг учини ичига буккан, бу гүё хирсу ҳавас қушларига бир ошён бўлган. Агар

түни ипакдан бўлмаса, кўнгли ҳазин бўлади, ипак бўлиб, Чин ипаги бўлмаса, у ҳолда кошлари устида чин (ажин) пайдо бўлади...

Бу образ кўпроқ ҳалқ ижодида яратилган салбий образларга эш бўлиб кетади. Биз бу образни яратишда Навоийнинг аник қайси ҳалқ асари образидан илҳомланганини айти олмаймиз. Зотан у бир асар ва образдан эмас, балки кўплаб асар ва образлардан илҳомланган. Шу билан бирга, у фольклордан «тайёр андоза» олмай, балки фольклор образларига, уларнинг тасвирий ва тасвифий жиҳатларига ижодий ёндошган. Мухими шундаки, Навоий ҳалқ ижодига хос тасвир воситаларини фантастик-романтик образлар яратишдагина эмас, балки аник, реалистик образлар яратишда ҳам ижодий қўллай билтан, ҳалқ ижодиётига, кўпинча эртакларга хос тасвир воситаларини уларга мөхирлик билан сингдириб берган. Зотан юқорида зикр этилган амалдор образи мухитдаги бекларнинг, амалдорларнинг реалистик, бадий умумлаштирилган образи десак, хато бўлмайди.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн бешинчи маколотида майхўрликнинг зарари ва бемаънилигини ҳар томонлама фош этиб, майхўрлик балосига мубтало бўлган кишининг ҳам кулгили, ҳам жирканч киёфасини тасвирлайди. У билан танишар эканмиз, ҳалқ асарларини тинглаганда ёки ўқиганда бўлганидек, кулиб туриб газабланамиз, газабланиб туриб куламиз. Чунки уларда заҳарханда билан юмор узвий бириккан бўлади. Аммо заҳарханда ҳам, юмор ҳам фош этишга хизмат килади, шоирнинг хужуми, ҳамласи асос – етакчи бўлиб колади.

Мана шу аянч киёфа ва жирканч ҳолат тасвирининг кискача баёни – шоир майхўрга карата айтади: қачонгача жаҳолат жоминни ичасан, гуруурланасан, фиск-фужур

киласан, ўлимни, паймонанг тўлишини ўйламайсан... Кўчада бир телбадек кўринишинг билан болалар бошингта тош ёғдиради, манглайнинг деворга тегиб ёрилади, саллангнинг печи бузилади, кишиларга копогон итдек ҳамла киласан... Гоҳ йикилиб, гоҳ туриб, тўғри келган жойга оёқ ташлайсан... Кусуғинг соколингни булғайди... Ит келиб ялаб уни пок килади. Мастилигинг тарқалгач, яна бода ича бошлайсан. Бошингдаги дасторингни, белингдаги акчангни тополмайсан. Уликдан кафан тама килувчи ўтилар тўнингни ечиб олган бўлади... Кини колиб, пичогингни йўқотасан. Этагинг лой, олдинг шилта, кўлмак... уйнингни излайсану узун, бепоён кўчадан ўзгани тополмайсан. Аъзойи баданинг қақшаб титрайди, оғзинг бемаза там беради... бошинг айланган, хушинг йўқолган...

Бундай кулгили тасвири халқ достонлари ва эртакларида кўп учратамиз. Ундаги асқия ва чандишга хос сўз ва иборалар фольклор анъаналарини янада бурттириброк кўрсатади.

Навоий достонларида халқ ижодиётида, кўпгина достон ва эртакларда бўлганидек, воқса қаҳрамоннинг тугилиши билан бошланниб, аксар унинг фаолияти, умрикинг адоси билан тугайди. Бу «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий»га ҳам хосдир.

Одатан халқ асарларида подшоҳ (орзу, хаёлда одил подшоҳ), лашкар боши ёки баҳодирнинг фарзанди бўлмайди. Бу ҳолат қаҳрамонни эзади, ўртайди, кексалик кулфати билан авжига чикади. Нихоят, баҳти кулиб, фарзанд кўради, орзулари ушалади. Бундай мотив ҳамма халкларнинг қадимги эпоси ва ўрта асрлар поэзиясига хосдир. «Бамси-Байракнинг шаҳодат беришича, – деб таъкидлайди В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифов. – бундай бошланманинг (фарзандсизлик мотиви кўзда тутилади –

Н.М.) мумтоз формаси Ўрта Осиёда ўғуз эпосининг шаклланиши даврида, яъни X-XI асрларда вужудга келган эди¹. Бу мотив «Алпомиш» қаҳрамонлик эпосига, «Гўрўғли» циклидаги кўп достонлар ва ҳалқ эртакларига хосдир. Бундай мотив асарнинг хикоявий колоритини, унинг романтик ифодасини оширади, тингловчининг диккат-эътиборини бўлажак қаҳрамонга жалб этади, тингловчи доимо у билан «бирга» бўлади, «бирга» нафас олади, шодлиги, зафари ва баҳти билан кувониб, кулфати ва мағлубиятидан алам-изтироб чекади.

Навоий яратган Фарход, Қайс – Мажнун ва Искандар хам шундай образлардир. Чин хоконининг мол-мулкда, обрў-иззатда камчилиги йўқ. Аммо фарзандсизлиги, ўлса ўрнига валиахд йўклиги каттиқ эзади. Чунки:

...Шажарким жуз латофат шеваси йўқ,
Ўтун ўрнидадур гар меваси йўқ...
Ўғулсизлиғидин ўлди бу шиканжим,
Ки ҳақ дафъ айлагай бу дарду ранжим...²

Хокон фарзанд кўради. Бу Фарход эди. Китобхон Фарход билан ҳамроҳ бўлади, «бирга» катта ва мураккаб кураш ва саргузашт йўлига тушади.

Шунингдек, «Лайли ва Мажнун»да тасвирланишича, Қайс қабиласининг бошлиғи «тилаб-тилаб» фарзанд кўради. Шу тарика Қайс – Мажнуннинг хаёти ва фожиаси бошланади. «Садди Искандарий»даги шоҳ Фалякус ҳам бефарзанд эди. У муродини бир вайронга гўшиасидан топиб олади. Иттифоко вайронага кирган Фалякус янги туғилган гўдак ва мурда онани кўради. Гўдакни ўзига фарзанд килади, бутун меҳр-муҳаббати, умид-орзусини унга багишлиайди. Бу Искандар эди...

¹ «Узбекский народный героический эпос», стр. 319.

² «Ҳамса», 171-172-бетлар.

Шундай килиб, Навоий достонларининг уч асосий бош қаҳрамони – Фарход, Мажнун ва Искандар ўз таваллуди билан ҳалқ эртаклари ва достонларидағи күп қаҳрамонларга ўхшаб кетади.

Навоий қаҳрамонлари гўдаклик чогидан бошлаб мислсиз куч-кувват, ақл ва билим ҳамда фахм-фаросатта эга бўлиб, ҳалқ асарлари қаҳрамонларига йўлдош бўлиб кетадилар. Кўпчилик ўзбек эртаклари ва достонларидағи қаҳрамонлар шу зайлда (Алпомиш ёки Гўруғли ва унинг йигитларини эслант). Бу барча ҳалқларнинг эпосига хос ҳусусиятдир. Ёш Зигфрид («Нибелунглар») аждарни ўлдиради, Рустам («Шоҳнома») кутурган филни ҳалок этади, ўн беш ёшли Мгер («Сосунлик Довуд») кўли билан шерни ёриб ташлайди ва ҳоказо¹. Бундай қаҳрамонлик, фавқулодда мардлик фантастик хаёлгина бўлиб колмасдан, инсоннинг, ҳалқнинг ўзига, ўз куч-кудратига ишончи ифодаси ҳам эди. Ҳалқ мана шундай баҳодир қаҳрамонларни орзу килар, фарзандларига ибрат килиб, уларни шу рухда тарбиялар, ёмонлик ва ёвузлик устидан қачон бўлмасин ғолиб келишига ишонар эди. Фарход, Искандар ҳамда «Сабъаи сайёр» хикояларида бир катор қаҳрамонлар шу хилдаги қаҳрамонлардир.

Фарходни эслайлик. У ҳалқ афсонавий қаҳрамонларидек ою кун сайин ўсиб боради, камол топади, ақлу заковати ва куч-куввати билан ҳаммани ҳайратга солади. Зўр ҳавас билан ўқийди, табииёт, математика, логика ва бошқа фанларни ўрганади, кобилият ва салоҳияти мавж уради. Жисмоний ва ҳарбий машқлар билан ҳам шуғулланади. Сузиш, чавандозлик, киличбозлик ва бошқалар унинг кундалик машғулоти бўлиб

¹ Каранг: В.М.Жирмунский. Ҳ.Т.Зарифов. Ўша асар, 320 ва кейинги бетлар.

жади. Шу билан бирга у нихоятда камтар, хоккор ва
кишиларга мушфиқ:

... Ўзин абжад ўкур элдин тутуб кам,
Дема донишчи, зўри даст ила ҳам,
Бўлуб шохлар эшигининг гадойи,
Ва лекин у гадолар хокипойи.
Анга тенг подшохлиғ, ё гадолиғ,
Гадоликка тенг этмай подшохлиғ.
Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок...¹
Бирорким зор йиглаб, йиглаб ул зор.
Топиб кўнгли эл озоридин озор...
Бўлиб эл андухидин кўнгли ғамнок,
Яко чокни кўриб, кўксин қилиб чок...²

Фарход учун қасрлар курилиши ҳам, отанинг тож-
тахтини фарзандига таклиф этиши мотиви ҳам кўп ҳалк
Эртаги ва достонларида учрайди. Шунингдек, Фарходнинг
хазинада Ойиндан жаҳоннамони кўриши, сафардаги сар-
гузаштлари, Фарход билан Шопурнинг биродарлиги
(Алномиш ва Коражон биродарлигини эсланг) ва бош-
калар ҳалк қаҳрамонлик эпосига, ҳалқ романларига хос
мотивлардир.

Искандар ҳам, Навоийнинг бошка ижобий қаҳрамон-
лари ҳам ўз сифат ва фазилатлари билан Фарход каторидан
ўрин оладилар.

Ҳалқ ижодиётидаги, кўпинча эртак ва достонларда
сюжет ва композицияни ривожлантириш, қаҳрамоннинг
саргузашти ва характерини яратишда «туш» бир усул,
восита сифатида хизмат киласи. Бу усул деярли барча
ҳалқларнинг сўз санъатига, фольклори ва адабиётига

¹ «Ҳамса», 175-бет.

² «Ҳамса», 189-бет.

хосдир. Антик тарихчилардан Харес Митиленалик (эрзиниздан аввалги IV аср) Мидия ва қадим Ўрта Осиё тарихини баён этар экан, бир-бирини туш кўриб севиб колишган «Зариадр ва Одатида» қиссасини ҳикоя килиб колдирган¹. Ўзбек халқ ижодиётида, хусусан романтик достонларда ҳам «туш»нинг ўрни катта. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов «туш» масаласини Гўруғли ва Машриқа, Авазхон ва Интизор, Кунтуғмиш ва Холбека, Орзигул ва Сувон каби қаҳрамонлар мисолида ёритадилар². «Туш» ўзбек ёзма адабиётига, хусусан фольклор анъаналари намоён бўлган асарларга ҳам хосдир. Ўзбек мумтоз адабиётининг «Юсуф ва Зулайҳо», «Гул ва Наврӯз», «Қиссаи Сайфулмулук» каби асарлари бунга далил бўла олади.

Навоий «туш» усули (ёки мотиви)дан ўринли ва унумли фойдаланган. «Туш» Навоий асарларида муқаддима ёки воқеа тугуни ўрнига келади, гоявий-эстетик муддаони ёритишга, қаҳрамонлар характерини такомиллаштириш ва ҳикоявий-романтик тасвирни кучайтиришга хизмат килади. «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Сабъи сайёр»да «туш» воқеа баёнига ўтиш учун бир муқаддима ёки «сабаби таълиф» вазифасини ўтайди. «Лайли ва Мажнун»нинг «Ул тун маҳобати таърифидаким...» деб бошланган бобда шоир «ҳотиф»³ тилидан ўзига каратиб айтади:

«Чун қиссани англадинг равон бўл,
Сунғил вараку қалам сори равон бўл.
Сендин ракам айламак ҳикоят,
Биздин сенга сўз сори ҳидоят...»

¹ Бу ҳақда каранг: Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёт тарихи, биринчи китоб. 56-бет.

² «Ўзбекский народный героический эпос». Стр. 333-334.

³ Ҳотиф – гойибдан овоз берувчи.

Ул навъи хотиф этти иршод,
Мен хам килдим фасона бунёд...!

«Сабъай сайдёр»нинг мукаддимасида шоир тушидатти гумбаз кургани, этти гумбазда этти хикоя эшигтани ва шулар достонга асос бўлганини романтик пафос билан ифодалайди².

«Туш» воеани ривожлантириш воситаси хам бўлиб келади. Шопур Фарҳоднинг Хисравга банди бўлганини туш кўради ва уни куткаришга отланади. Навфалдан енгилса, отаси Лайлини ўлдирмокчи бўлган эди. Буни «туш»ида билиб олган Қайс Навфалдан жантни тўхтатишини илтимос килади. Қайс ота-онаси вафотини хам туш кўради, қабристонга йўл олади... Бу эпизодлар Қайснинг руҳий ҳолатини, унинг психологик дунёсини жуда таъсирли килиб ёритиб беради.

Халқ асарларида бўлганидек, ёзма адабиётда хам баъзан «туш»нинг моҳияти ва функцияси бошка восита-усулларга ўтиб боради. «Сурат», «манзара», «фантастик тасаввур», «хаёлот» ва бошқалар шулар жумласидандир. Фарҳод, кўп халқ асарларида бўлганидек, ёринни туш кўриб эмас, балки сурати-тимсолини кўриб севиб колади. Баҳром хам Дилоромнинг Монгий ишлаган суратини кўриб ошики бекарор бўлади. Навоий «Ҳамса»ни «хаёлот» хотимаси билан тугаллайди. Ҳаёлот уни шоирлар даврасига элтади, бир кўлидан Хисрав Дехлавий, иккянчи кўлидан Абдураҳмон Жомий тутиб, Низомий ёнига ўткизадилар.

Халқижодиётida сюжет ва композиция кўп холларда фавқулодда воеа ва ҳодиса, тугун ва тугунлар ҳалкаси билан ривожланади. Қаҳрамон мушкул саргузаштларни бошидан кечиради, оғир синовларга бардош беради, «бажариб бўлмас» шартларни адо этади. «Бахти

¹ «Ҳамса», 358-бет.

² «Ҳамса», 474-475-бетлар.

кал», «Камбагал киз», «Камбагал йигит» каби ўнлаб зұтакларда, «Алпомиши» ва бошка достонларда ижобий қархамонлар «бажариб бўлмас» шартларни адо этиб, мурод максадига эришади.

«Шарт» мотиви ва усули ёзма адабиётда хам кенг күлланилади. Буни жумладан, Алишер Навоий достонларнда күриш мумкин. Фарход Искандар тилсимиини очиш хавфли шартларини бажариб, нихоятда Ширин тимсолини кўзгуда кўришга мусассар бўлади. Бу билан у Шахрисабз шохи кизига уйланибгина қолмайди, балки шоҳнинг қотиллигига, шартни бажаролмаган йигитларнинг кирилиб кетишига хотима кўяди.

Халқ асарларида қархамон табиатта, ҳайвонот оламига янада яқин бўлади. У табиатдан, ҳайвонот оламидан меҳр-вафо ва яхшилик кўради, улар билан дўст тутилади. Табиат ва жониворлар қархамон билан тиллашадилар, уни ўз ҳимояларига оладилар. Шундай ўринларда табиат ва жониворлар золим ва мунофик кишиларга, худбин ва хийлакор шахсларга карши қўйилади. Бундай хусусият Навоий шеъриятига хам хос. Халқ асарларида бўлгани каби Навоий қархамонлари хам от, ит, кийик ва бошка ҳайвонларга Меҳр кўядилар, ёлғизлик чоғларида улар билан ҳамдам, «хамсухбат» бўладилар, керак бўлса мадад оладилар. Бу жихатдан, хусусан «Қайс ва табиат» диккатта сазовор. Ҳаксизлик ва шафқатсизликдан ғазабланган Қайс кишилардан йироклашиб, табиат оғушида, ҳайвонлар ҳузурида таскин топади. Буни Навоий «Мажнуннинг вахшатлиғ элдин улфат риштасин узгони ва биёбон вахшийлари билан унс навосин тузғони...» деган сарлавҳа билан таърифлайди. Қайс дашт-биёбонда кезади, унга беозор кийикдан тортиб ҳатто йирткич ҳайвонларга кадар ҳаммаси ром, дўст бўлади¹. Қайс-

¹ «Хамс», 394-бет.

нинг кўй териси ёпиниб, Лайли қабиласи томон йўл олиши, унинг Лайлilar кўчиб кетган кўргонда колиб кетган қўтири итни меҳр билан парвариш килиб, у билан юпаниши, жайрон билан сухбати ва бошқалар психологик-романтик тасвир кучли бўлган «Лайли ва Мажнун»да хийла кўп учрайди. Бироқ, назаримизда, қаҳрамон ва табиат тасвири жихатидан Қайс билан Лайлининг охирги учрашув туни янада марокли ва таъсирилдири. «Куёв»ни колдириб йўлга тушган Лайли билан «келин»ни колдириб келган Қайс саҳрода учрашадилар. Бу охирги учрашув. Қоронғи, зулмат тун. Бироқ севишганларнинг калби чарогон. Бутун коннот Қайс билан Лайлини олқишлиайди, уларни қўриклайди. Қанча-канча машаккатлардан кейин бир неча соатлик висол баҳтига мұяссар бўлган Лайли билан Қайсга халақит бермаслик учун бутун борлиқ хомуш туради:

Бир лаҳза сипехр ўлуб мудобим,
Фитна кўзин этти поча пойим...
Ёр эрди сипехру давр-ёвар,
Акпайламайин бу ишин бовар.
Ҳар неки хисоби оғарининги,
Айлаб ул иккояға васл хохиш...
Осуда чарандаву парранда,
Үйкуда газандаву дарранда...
Не гард кўпуб, не ел равона,
Сув сокину чекмай ўт забона...¹

Лайли ва Мажнун ўлади. Аммо ўлим ҳам уларни (худди «Тоҳир ва Зуҳра»да бўлганидек) бир-биридан жудо килолмайди:

Бир наъшқа солдилар иковни,
Жонсиз келину ўлук күенни.

¹ «Хамса», 429-430-бетлар.

Кирди иккى жисем бир кафанға,
Йўқ, йўқ, ики рух бир баданға¹.

Қаҳрамонларнинг ҳалокатига қарамай Навоий дос-
тонлари оптимистик рухла хотималанади. «Фарҳод
ва Ширин»да Фарҳоднинг кўкалдоши Баҳром Шопур
 билан биргаликда Шеруяни енгиб, Арманияда адолат
 ўрнатади, Лайли ва Мажнун ўладилар, аммо мухитнинг
 зулми-зўрига итоат килмай, маънавий жихатдан ундан
 устун келадилар. Баҳром ва Дилором ҳикояси хам
 фожиавий хотимасига қарамай, ғоявий оптимистик
 рухладир. Чунки унда Баҳромнинг худбинлиги, айш-
 ишратга берилиши каттик кораланиб, шу билан замон
 ҳукмдорлари огохлантирилади. (Навоийнинг Баҳромни
 туш кўриши эпизодини эсланг). «Сабъаи сайдер»даги
 етти ҳикоя – қисса эса, ҳалқ асарларида бўлганидек, қаҳ-
 рамонларнинг ғалабаси, мурод-максадга етиши билан
 туталланади. Ниҳоят, Искандарга келсак, унинг ўлими
 табиий ўлим эди, у барча орзу-истакларини, ер юзида
 адолат баркарор этиш максадини амалга оширган эди.
 Ҷулатининг барчаси ҳалқчиллик ва ҳалқ ижодиётининг
 Алишер Навоий асарларига умидворлик руҳи – оптимизм
 руҳи бағишлаганини яна бир бор кўрсатади.

Ҳалқ асарларида бўлганидек, Навоий қаҳрамонлари
 энг ҳавфли-хатарли дамларда «пир», «донишманд»дан
 мадал оладилар (Фарҳоднинг Суҳайло ва Сукрот ҳаким
 билан учрашувини эсланг), «Сулаймон узуги», «Жоми
 Жамшид» каби «сехрли» асбоблар ёрдамга келади,
 қаҳрамон дес, аждар, ялмогиз ва бошқаларни енгади,
 ажойиб-ғаройиб ўлкаларда бўлади, денгизда сузади,
 сув тубига тушади ва ҳоказо.

Алишер Навоий ҳалқ ижодиётидан «қолиплаш»
 усулини хам олди. У «Сабъаи сайдер» даги «Баҳром ва

¹ «Хамса», 446-бет.

Дилором» хикоясининг композицион ҳалкасига «Эртак ичида эртаю» тарзида етти хикоя – қиссани жойлаштириди. Навоий достонларида, хикоя ва масалларида, айрим эпизодлар ибтидосида ҳалк эртакларига хос «бошланма» усулини кўллади. Бир-икки мисол:

Анинг хороға мундоғ ков-кови,
Бу сўэни бўйла такрор этти рови...

(«Фарҳод ва Ширин»дан)¹

Мундоқ деди нокили маони,
Килгач бу бадиъ сўз баёни.

* * *

Бўлди анга иш чу бўйла мушкил,
Бу навъ ривоят этти кокил.

(«Лайли ва Мажнун»дан)²

Шоир баъзан бундан «бошланма» усулини мохирлик билан лирикага ҳам сингдирган. Бир мисол:

Белу оғзидин, дедиларким, дегил афсона,
Бошладим филҳолким, «Бир бор эди, бир йўқ эди»³.

Навоий насрий асарларида, «Махбуб ул-кулуб», «Вақфия», «Муншаот» ва бошқаларда, достонларидағи бобларнинг насрий сарлавҳаларида ҳалқнинг Кофияли наср-сажъ ва мусажжаъ санъатини, уларнинг турларини ишлатади, бу санъатнинг ёзма адабиётдан кенгрок ўрин олиши ва такомилига катта хисса кўшади. Шу билан бирга у лирикада ҳам «мусажжаъ» ни кўллаб, «кофияйи мусажжаъ» нинг намуналарини яратган.

¹ «Хамса», 245-бет.

² «Хамса», 389–438-бетлар.

³ «Фавойид ул-кибар», 755-бет.

Ўхшатиш, муболага, истиора каби бадий тасвир
воситаларида Навоий халк ижодиётидан илҳомланиб,
«фольклорона» тасвир воситаларини яратади. Масалан,
Хисравнинг Арманияга ҳадду-хисобсиз кўшин тортиб
келишини муболагали ифодалаб айтади:

Сипохи ер юзида кум хисоби,
Не кум, гардун уза анжум хисоби¹.

Қайснинг тогу саҳрода қаровсиз қолиб кетишини
тасвирлаб, унинг соchlари гўё куш уясиға айланиб кет-
ган эди дейди:

Фаркингки эмиш куш ошёни,
Ким уркуту эркин андин они?²

Хулоса қилиб айтганда, Навоийнинг бадий тасвири
фольклор анъаналари билан чамбарчас боғлик бўлиб,
халк ижодиётидан илҳомланган шоир ўз навбатида
бадий тасвирда фольклорда ҳам ўз изини колдирди.
(Буни хусусан Навоий достонлари асосида вужудга
келган «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун»
нинг халк вариантларида кўриш мумкин).

Ўзбекадабий тили XV асрда янги таракқиёт поғонасига
кутарилди. Бу тилнинг тараккӣ этишида, айникса,
бадий адабиёт етакчи роль ўйнай бошлади. Саккоқий,
Хайдар Хоразмий, Атоий, Муқимий, Яқиний, Амирий,
Гадоий ва ниҳоят Лутфий каби истеъдодли щоирлар
ўзбек дунёвий адабиётини равнак топтириш билан
бирга, ўзбек адабий тилининг таракқиётига катта ҳисса

¹ «Ҳамса», 171-бет.

² «Ҳамса», 410-бет.

Кўшдилар. Бироқ ҳали ҳам ўзбек китобхонлари ғоявий-бадиий юксак асарларга жуда ташна эдилар, форс-тожик тилидаги адабиётнинг буюк намояндларига басма-бас келувчи ёзувчилар ниҳоятда оз эди. Шунинг учун ҳам Навоий «Мухокамат ул-луғатайн» да бундай деган эди:

«То мулк араб ва сорт салотинидин турк ҳонларға интикол топти, Ҳулогуҳон замонидин султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди ҳалафи Шоҳруҳ Султоннинг замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атойи ва Мукимий ва Якиний ва Амирий ва Гадоийдеклар. Ва форсий мазкур бўлғон шуаро мукобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлалари борким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур...»¹

Ёзувчилар ҳали ўзбек тилининг бойликлари ва унинг имкониятларидан кенг ва мукаммал фойдалана олмаган эдилар, бу тилнинг ҳазинналари яширин колиб келмокда эди. «Бу алфоз ва иборатда, – дейди Навоий, – бу навъ дақоқик кўпдурким, бу кунга дегунча ҳеч киши хақиқатига мулоҳаза килмағон жиҳатдин бу яшурун қолибдур... Ва филҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул килса, чун бу лафзда мунча вусъат ва майдонида мунча фусҳат топилур, керакким мунда ҳар навъ сухангузорлиғ ва фасихгуфтторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлгай ва воқеъ осонроқдур». Бироқ бу тилнинг бойликлари ва имкониятларидан фойдаланиш каттик заҳмат чекишни, тажриба тўплаб бориб, мушқулларни енгишни талаб килар эди. Гуё бу тил бир ҳазинна бўлса Навоий таъбири билан айтганда, унинг втрофида «илон»лар ва «тикон»лар бор эди. Ёзувчилар мана шу «илон» ва «тикан» заҳмидан чўчиб,

¹ Ўи тўртинчи том, 128-бет.

² Шу том, 118-бет.

хазинага кирмас здилар. Навоий ўзбек ёзувчиларини ўз она тилини мукаммал билиш ва эгаллашга, унинг хазиналарини очиш ва бадиий асарда мохирлик билан мужассамлантиришга чакирав, уларга хар томонлама ёрдам, маслаҳат ва йўл-йўриклар берар зди. Ўзбек адабий тилининг тарақкиёти учун курашган Навоий бошка тилларни жумладан, форс-тожик тилини камситмайди, ўзи бу тилда хам ажойиб асарлар яратади. Навоий ўз она тилини менсимаган ёзувчиларни, ўзбек тили «сағал» тил, бу тилда нафис бадиий асарлар яратиб булмайди деб даъво қилган кишиларни шафкатсиз фош юлди. У ўзбек адабий тилининг равнаки учун курашни даврнинг, жамиятнинг, халкнинг иши деб хисоблади.

Ўзбек адабий тилининг яловбардори бўлган Навоий бу тилнинг «хазиналари»ни очиб, бу тилнинг хам бадиий, хам илмий асарлар яратиш учун бой ва тўла ижониятларга эга эканини намойиш килиб, бадиий адабиётнинг ўз даврида мавжуд бўлган деярли барча тур ва жанрларида, лирикада фарддан тортиб касидагача, эпосда фалсафий-тъалимий достондан қаҳрамонлик достонига кадар, поэзия ва у даврда жуда кам ривожланган прозада хамда илм-фаннынг тарихшунослик, адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасида ўз асарларини ўзбек тилида яратди. Шунинг учун хам у фахр билан «Лисон ут-тайр»да бундай деган зди:

Турк назмида чу мен тортиб алам, ё
Айладим ул мамлакатни яккалам.
Тўрт девон бирла назми панж ганж,
Даст берди чекмайин индуху ранж.
Назму насрим котиби тахминшунос,
Ёзсан, юз минг байт этар эрди киёс...¹

¹ Ўн бириинчи том, 239-бет.

Навоий асарларида ўзбек тилининг лексик бойликларидан, синоним ва омонимларидан, халқ таъбири ва маталларидан, фразеологик, идеоматик биринчиларидан, жумла тузилишидан кенг фойдаланди, буларни маълум коидага, системага солишга интилди. Шунинг учун ҳам Навоий эски ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлди, устоз сифатида ўзбек ёзувчиларига халқ тили бойликларидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берди.

Навоий яшаган даврда арлот, барлос, тархон, сулдуз, киёт, қўнғирот, жалойир ва яна бир катор бошка ўзбек қабила ва уруглари бўлиб, буларнинг тиллари бир-биридан озми-кўпми фарқ қиласар, ҳудудий диалектлар мавжуд эди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги зиддият, давлат ҳокимиютининг парчаланиши ва бошқалар диалект ва шева-лахжалар ўртасидаги фарқ-тафовутларни тугатишга тўскинилик қиласар эди. Адабий тил учун кураш ўз навбатида мана шу диалект ва шева-лахжаларни бир-бирига якинлаштиришга хизмат килиши лозим эди. Навоий ҳудди шу йўлдан борди. Бинобарин у «Фарҳод ва Ширин» да:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингтур,
Муайян турк улуси худ менингтур¹, –

деган эди.

Шу билан бирга Навоий бошка туркий тиллардан ҳам кисман баҳраманд бўлди. Бир-икки мисол:

Навоий туркларнинг тарки тутов, айб килмантким,
Анга бир туркмон маҳваш ғами маҳкам дўлошибур².

¹ «Ҳамса», 335-бет.

² «Бадойи ул-васат», 148-бет.

Бу байтта «туркман махваш» билан биргаликда туркманча «дўлошибдур» сўзи хам келган.

Ул париваш хурнинг мен телбадек шайдоси чўх,
Не ажаб, гар бўлса олам мулкида ғавғоси чўх¹.

Бу байтда озарбайжонча «чўх» сўзи ишлатилган.

Алишер Навоий халқ тили, унинг бойликлари ва гўзалликлари тўлароқ мужассамланган фольклор тилидан, унинг анъаналаридан кенгроқ баҳраманд бўлди. Бу Навоийнинг сўз бойлигига, ибора ва гап тузилиши хусусиятларига ҳам, халқ маколлари ва таъбирларидан баҳраманд бўлишига ҳам тааллуклидир. Биз Навоий асарларини ўрганар эканмиз, мингдан зиёд макол ва хикматли сўзларни рўйхатта олдик. Булар Навоийнинг шеърий ва насрый, бадиий, тарихий ва илмий асарлари ҳамда мактубларидан ўрин олган. Улар мавзуу ва мазмун жиҳатидан кенг ва хилма-хил бўлиб, «халқ донолиги»нинг гоявий-эстетик моҳиятини ҳам, тил кўркини ҳам мужассамлантиради. Навоий халқ маколларини айнан келтиради ёки уларга айрим ўзгаришлар киритади. Бу ўзгаришлар баъзан маъно ёки формага, баъзан эса ҳар иккаласига ҳам тааллуклидир (форма ўзгариши шеърий асарнинг поэтик талабларига мувофик кўпинча шеърий асарларга хосдир). Навоий айрим маколларнинг бир эмас, бир неча вариантини кўллади. Туркий тиллардаги маколлар билан бирга форс-тоҷик ва араб тилидаги маколларни ҳам келтиради. Афтидан, баъзан, уларни таржима килиб олади. Шу билан бирга, Навоий халқ маколлари руҳида кўп хикматли сўзлар ҳам яратган. Улар кейинчалик кенг ўзлашиб, халқ маколлари қаторидан ўрин олган.

¹ «Фаввойид ул-кибар», 115-бет.

Навоийнинг асарларидағи айрим маколлар ҳозирги кунда ҳам деярли айнан сақланиб, ишлатилиб келади. Бунга «Махбуб ул-кулуб»даги «Сувнинг мазаси муз била, ошнинг таъми туз била» (бу макол «Девону луготит турк»да ҳам келтирилган). «Үт иши ковурмок ва ел иши совурмок», «Сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема», «Кўп деган кўп енгилур, кўп еган кўп йикилур», «Вафосизда хаёй йўқ, хаёсизда вафо йўқ, «Тилга ихтиёrsиз, элга эътиборсиз», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, катра-катра йиғилиб дарё бўлур», «Айтур сўзни айт, айтмас сўздин кайт» каби маколлар шулар жумласидандир. Шунингдек:

«Ишқ истар эмиш сени адам мисри сари¹,
Боргилки, эрур эл тилаган ерда азиз»

Байтидаги «Эл тилаган ерда азиз»,

«Етти жон оғзимғаким чиқмас уйидин ул хур,
Чиқмагон жонга умид – ушбу масалдур машхур».²

Байтидаги «Чиқмагон жонга умид»,

«Хизрваш хат бирла чуп хуснунг самандин сургасен,
Юз Скандарни суға элтиб сусиз келтургасен».³

Байтидаги «Суға элтиб, сусиз келтургасен» маколи,

«Хўблар тийги етишмастиң бурун бу зор ўлар,
Чин эмпишким, бўлса кўп кассоб, кўй мурдор ўлар».⁴

¹ «Гаройиб ус-сигар», 752-бет.

² «Наволир уш-шабоб», 146-бет.

³ «Бадони ул-васат», 449-бет.

⁴ «Фаввойид ул-кибар», 178-бет.

байтдаги «бўлса кўп кассоб, кўй мурдор ўлар» («Кўй-чивон кўп бўлса кўй харом ўлади») мақоли ва яна кўп маколлар, айрим элементларни хисобга олмасак, айнан сакланни келмоқда.

Навоий юқорида таъкидлаганимиздек, маколларни айнан ёки мисраларнинг поэтик талаби билан айрим ўзгарышлар билан кўллайди ёки мақол моҳиятини мисраларга синтдиради (у ҳам замондошлари ва кейинги муаллифлардек маколга нисбатан «масал» терминини кўллайди.) Бир неча мисол:

Мутриб била не кўнгли очилсун Навоийнинг,
Ким мен фироқдин десам, ул дер «йироқдин».¹

Бу байтда «Мен фироқдин десам, ул йироқдин» мақоли («мен боғдан келсан, ул тоғдан келади» каби варианatlари ҳам бор) лирик қаҳрамоннинг оғир руҳий ҳолатини ифодалашга мос тушган. (Шоир «Ироқ» сўзида сўз ўйини килиб, «узоқ» маъноси билан бирга «Ироқ» куйини ҳам ифодалайди.)

«Эгма кошин кўргузуб айлар манга манъи жунун,
Янги ой бирла керак сог этса бу девонани»²,

байтига «Девонадан ой боши сўрама» мақолини,

«Бўлди аёгин аро зийнату пироядин,
Уйлаки бўлгой каро шамъ туби соядин»³.

байтига «Чирок туби коронги» мақолини (бу мақол Мавлоно Лутфийда ҳам бор),

¹ «Ғаройиб ус-сигар», 489-бет.

² «Ғаройиб ус-сигар», 619-бет.

³ «Наводир уш-шабоб», 493-бет.

Ишқинг ўтинки ёшурдим эл аро ёйди ракиб,
Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён»¹.

байтига «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласи»
мақолини,

«Зулфи васлин истасам рухсори меҳрафузидин,
Йўқ ажаб чун йил келиши билгуур наврӯзидин»².

байтига «Йил келиши наврӯзидан маълум» мақолини,

Май батининг кўр нишот афзолигин хузн ахлига,
Ким куяр ўлу курут чун найситонга тушди ўт³.

байтига «Тўкайга ўт тушса, хўл-куруқ баробар ёнади»
мақолини,

Тўкуб май мухтасиб, мен йигладим лекин ул усрукка:
Су келтирмоқ ҳамону кўза синдиримоқ ҳамон эрмиш»⁴.

байтига «Сув келтирган хору кўза синдирган азиз»
мақолини,

«Бориб аҳбобу мен ғафлат асири бўлмогум,
Уйладурким итуюб қолдию кўчти корвон»⁵.

байтига «Ит ҳуради, карвон ўтади» мақолини сингдириб
юборади.

Алишер Навоий факат ўзбек (ёки умуман «туркий»)
мақоллар билан чекланиб қолмай, форс-тожик ва араб
тилларидаги мақоллардан хам кенг фойдаланган. У
«Девони Фоний», «Ситтаи зарурия», «Фусули арбаа»

¹ «Ғаройиб ус-сигар», 492-бет.

² «Ғаройиб ус-сигар», 676-бет.

³ «Ғаройиб ус-сигар», 103-бет.

⁴ «Бадойи ул-васат», 268-бет.

⁵ «Фавоийд ул-кибар», 496-бет.

асарларида форс-тожик тилида (бъзан араб тилида) кўп макол ва халқ ибораларини кўллаш билан бирга, бъзан ўзбек тилидаги асарларида ҳам улардан айнан, кўпинча ўзлаштирма ҳолатда фойдаланилади.

Бир неча мисол:

Зи дил бишуд хираду сабру хушу ишкат монд,
Чунон, ки монд ба манзил зи карвон оташ.

(Кўчган карвон манзилида ўт колганидек, дилимдан акл, сабр ва хуш йўқолди-ю, ишқинг қолди).¹

Ба азми тавба набояд зи шайхам истимдод,
Ва кори хайр чи ҳожсат, ки истихора кунаи.

(Мен тавбага караб юриш учун шайхдан ёрдам сўрашим лозим эмас – кори хайр учун қуръа ташлашнинг нима ҳожати бор).²

Бо дахони хушку чашми тар каноат кун аз он-ки,
Ҳарки қонеъ миуд ба хушку тар шаҳи баҳру бар аст.

(Қақраган оғиз билан нам кўзга каноат кил, чунки хўлу курукка каноат килган киши, дengизу курукликнинг подшоҳидур).³

Ҳалол гашт ба чашми ту хуни ман, гарчи
Ҳануз аз даҳанат бўйи шир меояд.

(Эй нозанин, ҳали оғзингдан она сути ҳиди келиб турган бўлса-да, кўзингта менинг қонимни тўкиш ҳалолдир).⁴

¹ Асарлар. 5-том, I китоб, 460-461-бетлар.

² Асарлар, 5 том, II китоб, 160-161-бетлар. Бу байтдаги макол Гулханийнинг «Зарбулмасал»ида ҳам бор.

³ Асарлар, 5 том, II китоб, 346-347-бетлар.

⁴ Асарлар, 5 том, II китоб, 260-261-бетлар.

... Ба таърифи мазкур ин шахсро,
Тавон гуфт камхаржи болонишин¹.

(Бу шахс таърифи зикрида кам харажат килиб, тўрга чикувчи деса бўлади). Навоий-Фоний шунингдек, «Мургони ҳавою мохиёни дарё», «Шутур масть» қаби-лидаги ҳалқ ибораларини ҳам шеърияти моҳиятига сингдириб юборган.

Назаримизда, Алишер Навоий баъзан бошка бир тилдаги маколнинг моҳиятидан фойдаланиб, уни ўзбек тилидаги шеърияти таркибиға моҳирлик билан киритиб юборган. Масалан, ўзбек тилидаги

«Ор этар пашминадин абллаҳ тилаб зар риштани,
Ким эшак ҳалвони андокким сомон кўрмас лазиз»²,

байтига форс-тоҷик тилидаги «Ҳар чи донад кадри ҳалвоу навот, як тўрва қаҳу қунжи равот» маколини асос қилиб олган.

Навоийнинг ҳалқ маколи ва ибораларидан ижодий фойдаланиши унинг шеърияти шухратини ялада ортириб, булоқ фозилларининг таҳситинга сазовор бўлган эми. Унинг ўзи «Ҳолоти Сайидҳасан Ардашер»да кайд этиб, Ардашер күйтдаги байтимини такрор-такрор ўқур эрди дейди:

Лабинг кўргач илгим тишларам хар дам тахайордин,
Ажаб ҳолатки, шумай болни бармоқ ялайдурман³.

Шубҳасиз, Навоийнинг кўпгина хикматли сўзлари беш аср мобайнида ҳалқ орасида кенг сийлиб, «фольклорлашиб» ҳалқ маколига айланиб кетган. Бу ҳозир ҳам давом этмоқда. Навоийнинг:

¹ Асарлар, 5 том, II-китоб, 398 бет.

² «Гаройиб ус-сигар», 147-бет.

³ Асарлар, XIV том, 79-бет. Байтга «бол тутган бармогин ялар» маколи акси синглириб юбилилган.

«Эр кишига зебу зийнат хикмат ва донишдур»,
«Билмаганин сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган
ўзига золим»,
«Чин сўзни ёлгонга чулғама, чин айта олур тилни ёлгонга
булғама»,
«Карам ва мурувват ато ва анодурлар, вафо ва хаёй икки
ҳамзот фарзанд» хикматлари, ҳатто шеърий:
«Ҳак йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо анинг ҳаккин юз ганж ила», —
каби байтлари деярли ҳалқ мақолига айланиб кетди¹.

Навоий ҳалқ ибораси, олкиши ва каргишидан ҳам
маҳорат билан фойдаланган. Мисоллар:

Кўзум тортар ҳамоно ёр келгай,
Солур кўнглум магар дилдор келгай.²

Оку каро мадхид ҳар неки дедим, ёқмас,
Эмди бу мазаллатдин оқ тавба каро тавба.³

Дер эмиш: «зарк айлайдур,
Кўрунг мен кайда, ул кайда?»⁴

Эй Навоий, олам ахлидин вафо килдинг тамаъ,
Мен эдим сенинг каби, мен янглиг ўлгунг сен доги.⁵

Ҳар куруг шоҳ ўлди дашт узра сабодин ҳуллапуш,
Тинмагур жиссими жсунучи водийсида урён ҳануз.⁶

Кўзунг шамойилини наргиз ар кўра олмас,
Санга не фикр кўзи чиксун, улки бўлди ҳасуд.⁷

¹ Мисоллар «Махбуб ул-кулуб»дан олинди.

² «Гаройиб ус-сигар», 661-бет.

³ «Бадойи ул-васат», 708-бет.

⁴ «Гаройиб ус-сигар», 547-бет.

⁵ «Наводир уш-шабоб», 593-бет.

⁶ «Гаройиб ус-сигар», 225-бет.

⁷ «Наводир уш-шабоб», 126-бет.

Панд эшитмай, күруб они, юз балога учрадим,
Күзларим чиқсунки, юз мунча сазо камдур манго!¹

Буларнинг барчаси Навоий ижодиётининг гоявий-бадий кимматига киммат қўшади, унинг тилини янада тилига яқинлаштиради.

III. НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИНИНГ ХАЛҚ ВАРИАНТЛАРИ

Деганимни улуска марғуб эт!
Ёзғонимни кўнгулга маҳбуб эт!..
Халққа зеби торак айла ани!
Ўкугонга муборак айла ани!
(«Сабъаи-сайёр»дан)²

Алишер Навоий мангаликка мушарраф бўлган сўз санъаткоридир. Унинг обидалари асрлар давомида «улуска марғуб», «кўнгулга маҳбуб», «халққа зеби торак» – бош зийнати, яъни халқ маънавиятининг бир кўрки бўлиб келмоқда.

Навоий каби буюк санъаткорларнинг обидаларидан маҳрум хам этолмади. Халқ Навоий меросини кўз корачигидай саклади, ундан маънавий-бадий озик олди, Навоий дахосини калбига жо килди, уни эъзозлади.

Кенг халқ оммаси Навоий асарлари билан бевосита (уларнинг асл матни) ва бавосита: а) Навоий асарларининг халқ китоби тарзидаги баёни; б) Навоий асарлари мотивлари асосида вужудга келган халқ эртаклари ва халқ достонлари оркали танишиб борди. Зотан, бундай эртак ва достонларнинг ижодкори ва сайқалчиси хам шу халкнинг ўзи эди.

¹ «Бадойи ул-васат», 18-бет.

² «Хамса», 615-бет.

ўзбек халқининг бир қатор ўзига хос адабий анъа наларни бор. Шу анъаналардан бири узок тарихга эга бўлган ва кенг ёйилган навоийхонлик анъанасидир. Малтумки, Навоий асарлари Мовароуннаҳр ва Хурсонда, Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа кўп ўлкаларида моҳир хаттотлар ва оддий котиблар томонидан қайтакайта кўчирилди. Навоий асарларининг, хусусан «Ҳазо-йинул-маоний»нинг кўпгина компилиятив вариант ва нусхалари вужудга келди. XIX асрнинг охирларида Туркестонда литография пайдо бўлди, Навоий асарлари Хива, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бир неча бор нашр этилди¹. Кўлёзма нусхалар ёки литографик нашрлар, турли-туман нуксонларга қарамай, катта маданий-адабий аҳамиятга эга бўлиб, Навоий ижодиёти билан тобора кўпроқ кишиларнинг танишиб боришига имкон тугдирар эди. Мана шу кўлёзма китоблар, кейинчалик литографик нашрлар навоийхонлик давраларини вужудга келтирди. Кишилар дўкон, устахона, чойхона, меҳмонхона ёки бошқа жойларда йигилиб навоийхонлик килишган. Навоийхонлар давраси, «одатан, бир-икки саводли ва кўпгина саводсиз кишилардан ташкил топар эди. (Навоийхон хушовоз ва хушхон бўлса, давра янада кенгаярди, баъзан навоийхонлар даврасида хофизлар ҳам иштирок этган). Навоийхонлар даврасида кўпинча «Ҳамса» ёки «Чор девон» ўқилар, ўқилган шеър навоийхон ёки бошқа киши томонидан шарҳланар, баъзан шарҳ мунозара га айланниб кетар эди. Навоийхонлар даврасида катнашган кишилар Навоий асарларининг ўзига хос таргиботчиси бўлиб колардилар. Шу билан бирга, Навоий шеърлари куйга солиниб, тўй-тамошоларда эл-юртта завқшавқ багишлар эди. Куй Навоий шеърларининг кенгрок

¹ Р.Махмудова. «Литографированные произведения и их значение в истории узбекской литературы. (конец XIX начало XX века)». Автореферат канд. дис. Ташкент. 1971.

таркалишига хизмат килар, куй туфайли саводсиз кишилар ҳам матнни ёд олиб айтиб юрар, мушоира килишар эди. Булар Навоий асарларининг халқ орасида кенг таркалиши, оммалашувининг асосий турлари эди.

Навоий асарларининг кенгрок оммалашувида халқ китобларининг ҳам ўрни, ҳам роли каттадир. Маълумки, Навоий асарларини мутолаа этиш учун факат саводли бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки адабиёт бўйича маълум даражада билимга эга бўлиш, кисман бўлсада, форс ва араб тилларидан хабардор бўлиш керак. Бунинг устига адабий тилда ҳам маълум ўзгаришлар вужудга келиб, кейинги асрларнинг тили Навоий тилидан бирмунча узоклашиб фарқланиб боради. Буларнинг барчаси Навоий асарларини кайта баён этиш асосида китобхонларга етказиш эктиёжини тугдиради. Бир неча асрли тажриба ва ўзинга хос анъаналарга эга бўлган халқ китоблари бу борада кўл келиб, Навоий достонларининг халқ китоби варианatlари вужудга келади. Навоий халқ ижодиёти воситасида кенг тарғиб этилди, оммалаштирилди.

ХАЛҚ КИТОБЛАРИ

Ўзбек адабиёти хазинасида «халқ китоблари» ҳам салмокли ўрин эгаллайди. Бундай китоблар фольклор ва ёзма адабиёт асарларини ижодий кайта ишлаш асосида вужудга келди. Фольклор асари ижодий кайта ишланиб китобат килинар экан, унга ёзма адабиётнинг алпим тенденция ва хусусиятлари сингиб боради, худди шунингдек, ёзма адабиёт асари ҳам фольклорга хос хусусиятларга эга бўлиб, «халқ китоби» тусини олади. Бинобарин, «халқ китоблари», «оғзаки адабиёт билан ёзма адабиётни бир-бирига чамбарчас боғловчи¹» асарлар

¹ В. Абдуллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи». Иккинчи китоб, Тошкент. «Ўқитувчи», 1964. 32-бет.

циклини ташкил этади, улар фольклористиканинг ҳам, адабиётшуносликнинг ҳам обьектидир.

Маълумки, ўзбек халқи асрлар давомида бир катор халқлар билан маданий алоқада бўлиб келди. Бу алоқа «халқ қитоблари» циклида ҳам ўз изини қолдирди. Ўзбек тилидаги «халқ қитоблари» сирасида биз бевосита маҳаллий-миллий адабиёт материаллари, шунингдек, хинд, форс-тожик, араб ва бошқа адабиёт материаллари асосида яратилган асарларни ҳам кўрамиз. Бунга, жумладан, «Калила ва Димна», «Тутинома», «Китоби Жамшид», «Рустами Достон» каби асарлар мисол бўла олади.

Айрим дастлабки изланиш ва уринишларни ҳисобга олмагандан, ўзбек халқ қитоблари ўрганилмаган катта кўрик бўлиб келмоқда. Илк одимлар халқ қитобларини тўплаш, уларни текстологик ва филологик жиҳатдан тадқиқ этиш ва кенг қитобхонлар жамоатчилигига тақдим этиш заруриятини яна бир бор таъкидламоқда¹. Одатан «қисса» деб юритилган халқ қитоблари тарих, этнография, санъатшунослик каби фанлар учун ҳам кимматли манбадир. Афсуски, бу манба шу соҳаларнинг мутахассислари зътиборидан четда қолиб келмоқда.

Шубҳасиз, маҳсус тадқиқотларсиз, «халқ қитоби» циклининг энг характерли асарлари таҳлилисиз ўзбек халқ қитоблари ҳакида умумлаштирувчи назарий хуносаларга келиб бўлмайди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, умуман «халқ қитоби»га хос асосий хусусиятлар ўзбек халқ қитобларига ҳам хосдир. Ф.Энгельсининг бу мулоҳазаларини ўзбек «халқ қитоблари»га ҳам татбик

¹ Халқ қитобларини Ризонийнинг «Хуршид ва Маликаи Дилюром» асари асосида ўрганишга багишланган Р.Мижидовнинг таъкидотида диккатта сазовор айрим кузатниш ва хуносалар бор. (Рауф Мажилов. Узбекские народные книги и произведения Ризона «Хуршид и Маликаи Дилюром», Автореферат, канд, дис., Самарканл, 1971.)

этиш мумкин. Ўзбек «халқ китоблари» ўз мазмуни билан ҳам, бадиий услуби ва формаси билан ҳам халқил асарлардир. У мавжуд ижтимоий мухитнинг айрим иллатларини фош этади, китобхон (ёки тингловчи)ни у орзу қилган ҳаёт оламига, романтика ва ҳаёлот оламига элтади, «димогини чоғ қиласи», «хордигини чикариб, қайтадан куч-ғайрат бағишлийди»... Халқ китобларида романтизм тенденциялари етакчилик қиласи. Бундай асарлар сермўъжиза ва фавқулодда воқеа-ҳодисаларга бой бўлади. Уларда шартлилик меъеридан ортади, беҳад мураккаб тугун кўпинча «сехрли ечим» билан ечилади, муаммолар ҳал бўлади; бадиий тил воситалари ҳам шуларга мувофиқлашади ва ҳоказо. Лекин буларнинг ҳеч кайси бири унинг ҳаётий заминдан, халқнинг орзу-армонлари оламидан йироклаштирумайди. Халқ китоблари оммавийлигининг сири ҳам шунда.

Ўзбек халқ китоблари жавонида Алишер Навоий достонлари асосида яратилган асарлар ҳам мўътабар ўрин эгаллайди. Навоий достонларини халқ киссалари – «халқ китоби» тарзида ишлаш, уларни хийла оммафаҳм тил ва услубда баён этиб, китобхонларга тақдим этиш улут шоир мутафаккирни халқ оммасига янада яқинлаштируди, унинг асарларини оммалаштируди. Мир Махдум томонидан китобат килиб нашрга тайёрланган «Насри Ҳамсан беназир»¹, Махзун яратган «Қиссан шаҳзода Фарҳод ва Ширин»² ҳамда Умар Бокий ишлаган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажғун»³ шундай асарлардир.

¹ «Насри Ҳамсан беназир». Тошкент, 1908.

² Бу асар ҳам нашр этилган: Қиссан шаҳзода Фарҳоду Ширин, Тошкент, 1908.

³ «Фарҳод ва Ширин», «Фарҳод Ширин» ёки «Куллиёти Фарҳоду Ширин» номи билан 1908, 1910, 1912 ва 1915 йилларда, «Лайли ва Мажғун» эса «Китоби Мажнун ва Лайли» номи билан 1909 йилда Тошкентда нашр этилган.

«КИССАИ ФАРҲОДУ ШИРИН»

Умар Бокий XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган санъаткордир. Унинг ижодий фаолияти маҳсус тадқикот обьекти бўлган эмас. Бисга унинг Навоий достонлари асосида ишланган халқ югуби тарзидаги «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» асарлари маълум. Бу асарлар Алишер Навоий хакидаги айрим илмий ва илмий-оммабоп асарларда зикр этиб ўтилади. «Фарҳод ва Ширин» парчалари Олим Шарафуддинов тузган «Ўзбек адабиёти тарихи» хрестоматиясининг II томига¹ киритилган ҳамда тўрт томлик (кейин беш том булиб кетган) «Ўзбек адабиёти тарихи» нинг учинчи томидан ўрин олган².

Олим Шарафуддинов хрестоматиясида «Умар Бокийнинг таржимаи ҳолига оид маълумот йўқ. Узи томонидан ёзилган «Фарҳод ва Ширин»дан унинг Хоразм ҳонларидан Муҳаммад Амин Иноқ (1791) ва Авазбий Илоқ (1792–1804)лар замонида яшагани англашилади.

Бу замонларда Хоразмда Навоий асарларини ўрганишга қизикиш анча кучли эди. Унинг асарларига лугатлар ёзилди. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» номли асарлари халқ достонлари формасида ишланди. Умар Бокий ҳам Навоийнинг «Фарҳод-Ширин» достонини насрга айлантириб ишлаб чикади. Унинг хизмати халқимизнинг дохий шоирга бўлган хурмат ва қизикишини сезиб, унинг энг бадиий ишланган достонларидан бирини халқ оммасига яқин содда бир тилда ифодалаб беришдир³, дейилади.

¹ Ўздавнашр, Тошкент, 1945.

² Ўзбекистон Давлат Баданий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1959, 411-бет.

³ Ўша хрестоматия, 159-бет.

Олим Шарафуддинов «Фарход ва Ширин»нинг икки мухим бобини – «Фарходни ариқ қазмок била бало тошини бошига ёғдурғони хикояси» ва «Фарходни ул хайл Ҳусрав кошиға еткурғони ва Ҳусрав Фарходни бошидан аёғигача салосил ва ағлол ҳукмин сурғони...» бобларини китобхонларга – олий ўкув юрти талабалариға тақдим килади¹.

«Ўзбек адабиёти тарихи» учинчи томида Умар Бокийнинг ижодий фаолияти ҳакида бундай дейилади:

«Умар Бокий Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларини анча содда тилда насрда ифода килган.

Умар Бокий томонидан насрда ёзишган «Фарҳод ва Ширин» Навоий матнига жуда яқин, аммо «Лайли ва Мажнун» да бироз четта чиқиши бор. Масалан, Умар Бокийда Лайлиниң отаси олим, мактабдор деб кўрсатилади.

Ўзининг бу иши билан Умар Бокий Навоий асарларини оммага етказишга ва насрда адабий тилининг ривожига хизмат килган.

Умар Бокийнинг хар икки асари ҳам («Фарҳод ва Ширин» – 1909, «Лайли ва Мажнун, – 1910) Тошкентда тошбосмада нашр этилган, шу ҳодисанинг ўзи унинг иши самарали бўлганидан, шундай бир асарга катта эҳтиёж бўлганидан дарак беради². Мазкур томда ҳам Олим Шарафуддинов хрестоматиясида беришган икки боб китобхонларга тақдим этилади³. Абзацга бўлиб беришини хисобга олмагандан, матнда деярли фарқ йўқ⁴.

Умар Бокий ва унинг фаолияти ҳакида деярли бошка маълумот йўқ. О.Шарафуддинов таъкидлаб ўтганидек, унинг «Фарҳод ва Ширин» мукаддимасида

¹ Ўша китобда, 160–174-бетлар.

² Ўша китоб, 411-бет.

³ Ўша китоб, 412-бет.

⁴ Матн «Фарҳод ва Ширин»нинг 1909 йил навридан олинган.

даври ва ўзи ҳакида қискача бўлса ҳам, айрим муҳим маълумотлар бор. Биз, бир томондан, китобхонларни шу маълумот билан таништириш ва иккинчи томондан айрим адабиётшуносларда содир бўлаётган бир чалкашликини бартараф этиш максадида «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун»га ёзган муқаддимот сўзларини көлтиришни мувоғик кўрамиз:

«...Низоми мамлакат ва ижрои аҳкоми шариатки, подшоҳ ва умаро ва вазирларнинг салтанат ва сиёсатлари билан зеб ва оройиш топар, анинг учун худованди олам буларни салтанатга лойик килиб, барчадин баланд ҳалқ килибдур, барчани аларнинг фармонида тутубдур. Бу жihatдан барча аларнинг хизматларини орзу килурлар, лекин мусассар бўлмас. Чароки ҳар кимда уч фазилатнинг бири бўлмаса, улугларга мулокот бўлмок ниҳоятда мушкулдур.

Бу уч фазилатнинг бири улки, илмда беназир бўлгай. Булар бирла соҳиби иззат ва лойики сухбат бўлуб, улугларни сухбатига мушарраф бўлгай. Бу сабабдин асолат гавхарининг тождори, умаро хайлиниң шохвори, адолат гулшаниниң гули ва зарофат дарёсининг дурри ноёби, саховатпеша, мукаввийи уламо ва мураббийи фукароу агниё, амири аъзам ҳазрат Авазбек хулди олло мулки ва абад давлатининг вактларида факиру алҳакири бебизоат Умар Бокий «Фарходу Ширин»ни неча ҳикоялар бирла тартиб бериб, равшан иборатга келтурди ва илалмуваффак. Назм:

Се чиз мусаллам омад назди султон:
Хунар ё илм ё марли сухандон.
Ман аз илму хунар чизе надорам,
Яке фазли сухан дорам – биёрам¹.

¹ «Киссан Фарходу Ширин», 2-бет. Шеърнинг мазмуни: сultonлар қошида уч нарса эътироғозиз тан олиниади: хунар ё илм ёки сўзамол киши. Менинг илму хунардан аргигулик хеч нарсам йўк, бир фазилатим – сўз фазилатим бор, уни султонга багишилайман.

Бу парчани, назаримизда, бир оз шархлаш зарурға үштайды:

1. Умар Бокий үша мухитда яшаган сүз санъаткори сифатида мамлакат идораси ва тартибини подшоқ амир ва вазирлар фаолиятига боғлайди, унингча мамлакатнинг «зеб» ва «оройиш» топиши шуларнинг «салтанати» ва «сиёсати» га боғлиқ. Гарчи Навоий билан Умар Бокий замонасини уч асрдан зиёд давр ажратсада, Умар Бокий мухити учун ҳам марказлашган ҳокимият, маърифатпарвар ҳукмдор учун кураш үзининг маълум ижобий-прогрессив кимматини саклаб келмоқда эди. Зотан узок давом этган тож-тахт талашлари, ҳаробалик урушларидан кейин Хива ҳонлигига Мұхаммад Амин Иноқдан кейин Аваз Иноқ Қўнғирот сулоласини вужудга келтириш учун курашиб, нисбатан йирикрок ва қудратлироқ Хива ҳонлиги ҳокимиятини барпо этувчилардан бири бўлган эди. Ундан кейин ҳукмронлик қилган Элтузархон (1804–1806) Қўнғирот сулоласининг расмий ҳони бўлди;

2. «...анинг учун худованди олам буларни салтаиатта лойик килиб, барчадин баланд ҳалқ килибдур, барчани аларнинг фармонида тутубдур» жумласида Умар Бокий ошкор равиша идеаллаштиради, уларнинг фармонидаги тобеъликни табиий бир ҳодиса деб хисоблади. Бу Умар Бокий дунёкарашининг тарихий чеклангани ва зиддиятларини яна бир бор таъкидлайди;

3. Умар Бокий анъанавий таъриф ва тавсиф билан Авазбий Иноқни идеаллаштиради ва унинг даргохига «фазли сухан» билан йўл топганини таъкидлайди. Бу Умар Бокийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳакида маълум тасаввур ҳосил килиш учун аҳамиятлидир. Умар Бокий «Фарҳод ва Ширин» ни неча ҳикоялар бирла, яъни бир неча бобда ҳикоя шаклида тартиб берган, уни «равшан

иборатга» келтирган, яъни содда, равон тил ва услуб билан баён этган.

Умар Бокий Аваэбий (Аваэбек) Иноқ замонасида «Лайли ва Мажнун»нинг ҳам насрый баёнини – «халқ китоби» вариантини ишлаб чиқди. У анъанавий ҳамду сано ва мадхиядан сўнг мукаддимотнинг давомида «... ҳазрати Аваэбек... вактларида факири ал-ҳакир Умар Бокий бебизоат Лайли била Мажнундин неча хикояларни тартиб бирла зохири иборатта келтурди...»¹, дейди.

Алишер Навоий меросини ўрганиш ва уни омма-фаҳм услубда қиска вариантда ҳалқка тақдим килишда Умар Бокийнинг хизмати катта. Биз, ҳозирча, Умар Бокийнинг бутун фаолияти ва меросини билмаймиз, лекин «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» нинг ўзиёқ уни ўтмиш ўзбек маданияти ва адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири сифатида баҳолашта асос бўлади.

Умар Бокийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» асарларини нашрга тайёрлаш, оммалаштириш ва тарғиб этишда шоир Хислат (1880–1945) – Сайд Ҳайбатуллаҳўжа Сайд Орифхўжа Тошкандийнинг хизмати бениҳоя каттадир. Хислат ўзбек мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган ғазалнавис, янги тузум ва янги кишиларни ардоклаган янги типдаги шоир, шу билан бирга, фозил, донишманд, таржимон ва ноширдир. У Сидкий Хондайликий билан ҳамкорликда «Армуғони Хислат», «Савғоти Хислат», «Тухфайи Хислат» каби баёзларни тайёрлаган, ўзбек, форс-тоҷик мумтозларини тарғиб этган адабиёт фидойиларидан бўлган. Хислат Умар Бокийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун»ини кўпгина

¹ «Китоби Мажнуну Лайли». Тошкент, Порцев босмахонаси, 1909, 3-бет.

асарлар (Навоий достонларининг насрый варианлари) орасидан «интихоблаб» – «сайлаб» нашрга тайёрлаган. У бу асарларни нашрга тайёрлар экан, уларни синчковлик билан ўрганиб чиккан, афтидан, маълум даражада таҳрир килган¹, расмлар билан безаттирган. Бинобарин, «Фарҳод ва Ширин»нинг титул сахифасида «Фарҳод ва Ширин» хикоясини интихоблаб, тасвирлик килиб, эҳтимом кўргизгучи Мулла Сайд Ҳайбатуллаҳўжа мутахаллус ба Хислат бинни Сайд Орифхўжа эшон дар вилояти Тошканд» сўзлари илова қилинган. Китоб «Фарҳод ва Ширин» сюжетига мувофиқ 13-расм – миниатюра билан безатилган. Миниатюралар Шавкат Искандарий томонидан чизилган. Худди шунга монанд ҳолат «Лайли ва Мажнун»га ҳам хосдир. «Лайли ва Мажнун»нинг титулида «Китоби Мажнуну Лайли» хикоясини интихоблаб, тасвирлик килиб итмол килгучи Сайд Ҳайбатуллаҳўжа ба мутахаллус Хислат бинни Сайд Орифхўжа эшон Тошкандий» деб ёзиб қўйилган. Бу нашр ҳам Шавкатнинг 11 миниатюраси билан зийнатланган. Демак, «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун»нинг мазкур насрый – «халқ китоби» вариантларини нашр этишда Хислат шоир ва Шавкат Искандарийнинг хизмати катта. Ҳар икки китобнинг биринчи сахифасидаёк бу асарлар Умар Бақий каламига мансуб экани, яъни Алишер Навоий асарлари унинг ижодий меҳнати билан «халқ китоби» тарзига келгани ойдинлашади. Афтидан, титул сахифадаги «интихоблаб» (сайлаб), «эҳтимом қилгучи» (нихоясига етказувчи) ибораларини бир томонлама тушуниш, ёки титул сахифанинг ўзи билан кифояланиш

¹ Хислатнинг таҳрири ҳакида асарнинг кўлезма нусха ва нашрларини киёсий ўрганиш, тадқик килишдан кейингина аник сўзлаш мумкин.

окибати бұлса керак, айрим адабиётшүнослар бу икки асар ҳам Хислат қаламига мансуб деган хulosага келгандар. Бу, жумладан, Абдухамид Жалоловнинг «Устоздан үрганиб» мақоласига ҳам хосдир. Мақола муаллифи «Тошкентнинг донг таратган ношир-шоирларидан Сайд Ҳайбатуллахұжа Сайд Орифхұжа үғли Хислат (1880–1945) Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонини 1326 йил ҳижрийда (1906 й.) кискартириб насрый йўл билан қайта ишлаб чиқди ва ўзи чоп эттирди», «Алишер Навоий асарлари» нинг мафтуни бўлган Хислат яна 1328 йил ҳижрийда (1008 й.) улуғ мураббийнинг «Лайли ва Мажнун» асарини кискартириб насрда қайта ишлаб, ўзи чоп эттирди. Бу тўрида шоир ёзади:

«Лайли ва Мажнун» ҳикоясин интихоблаб, тасвирик килиб эхтимом килгучи... Хислат Тошкандий»¹. А.Жалолов ўз фикрини қувватлаш учун «Армуғони Хислат»дан куйидаги мисраларни ҳам келтиради:

... Яна киссан «Фарходу Ширин»,
Ҳаммага маълум шуҳратидур чин.
... Анинг оркасидан бас, «Лайли-Мажнун»
Ки, килдим киссасин чоп, ютуб хун².

Титул саҳифадаги сўзлар ҳам, «Армуғони Хислат» мисралари ҳам «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» насрый варианларини Хислат ишлаб чиқкан – яраттан деган мазмунни ифодаламайди. Шубҳасиз, ўзбек шерьяти, маърифати ва китоб нашр этиш соҳасида катта хизмат килган Хислат Умар Бокийнинг бу икки асарини нашрга тайёрлаш ва чоп этишда анча меҳнат килган, турли машаккат ва монеликларга дуч келиб, «хун

¹ Ўзбек тили ва адабиёти, № 6, 1970, 41-бет.

² Ўша ўринла.

ютган». Унинг хизматини зинҳор инкор этиб бўлмайди. Ҳатто муболағасиз айтиш мумкинки, Ҳислатнинг бу ташаббуси ва хизматисиз эҳтимол «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун»нинг Умар Бокий ишлаган варианtlари ўша йилларда чоп бўлмас, омма орасиза кенг шухрат қозонолмас эди. «Фарҳод ва Ширин»нинг бир неча бор нашр этилиши китобхонларнинг кизикиши ва катта эҳтиёжини кўrsатади.¹

Умар Бокий қалами билан ишланган «Фарҳод ва Ширин» ҳакида фикр юритар эканмиз, унта, асосан, икки жиҳатдан ёндашувимиз ва баҳолашимиз лозим:

1. Умар Бокий Алишер Навоий достонининг гоявий-бадиий кимматини қанчалик тушунган ва саклаб кола билган?

2. Муаллиф «Фарҳод ва Ширин» нинг киска насрйи вариантини ишлар экан, уни қанчалик ҳалк киссалари - «Халқ китоби»га яқинлаштириб, оммафаҳм ва оммабол кила олган?

Шубҳасиз, бу иккала масала ҳам, бир томондан, яна катор масалаларни ўз ичига олади ва уларнинг ҳар бири умумий хulosasi чиқаришда маълум ўрин эгаллайди, иккинчи томондан, Навоий достони билан Умар Бокий (ёки бошка муаллиф) таснифини киёс этар эканмиз, бу киёс ҳам, шу киёс асосидаги хulosasi ва баҳо ҳам маълум шартлилик моҳиятига эгадир. Зотан, Навоий қалами билан бино бўлган «Фарҳод ва Ширин»га бирор бошка асарни тенг-баробар кўйиб бўлмайди. «Фарҳод ва Ширин»га, агар шундай демок мумкин бўлса, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»нинг ўзи тенг ва айнидир. Демак, Навоий достони билан Умар

¹ Буни шу маълумот ҳам кўrsатади, «Фарҳод ва Ширин»нинг хижрий 1334 (милодий 1916) нашри китоб билан савдо килувчи Мирза Аҳмад Мирзо Карим «фармойинши билан» босилган.

Бокий каламида халк китоби шаклини олган «Фарход ва Ширин» ҳакида «мутлақият» тушунчаси эмас, балки «нисбийлик» тушунчаси асос бўла олади ва бизнинг муроҳазаларимиз ҳам шу «нисбийлик» доирасида бўлади.

Аввало шунитаъкидлаш лозимки, Умар Бокий Алишер Навоий ва унинг ўлмас меросини тўла зътироф этади, унинг дахоси ва буюк обидалари билан фаҳрланади, бу обидаларнинг замонлар ва авлодларга мансублигини идрок этади, уларнинг ўз даври учун муҳим бадиий-эстетик кимматга молик эканини тушунади; Навоий ва Навоий каби устодлар меросини мутолаа қилиш билан адабиётга иштиёқи туғилган муаллиф Навоийнинг янада ажиброқ бўлган достонларидан «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун»ларни халқ киссалари услубида киска насрый баён этишни мувофик кўради. Умумий муроҳаза ва хусусий масалаларга ўтмай, шуни таъкидлаш лозимки, Умар Бокий бу сермехнат ва ўта масъулиятни ишниг ўддасидан чика олган. Хислатнинг Умар Бокий каламига мансуб киссаларни танлаб олиб нашр этиши, «Фарҳод ва Ширин»нинг бир неча бор босилиб чикиши ҳам шуни кўрсатади.

Биз одатда, «Фарҳод ва Ширин»ни севги ва садокат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик достони сифатида таърифлаймиз, баҳо берамиз. Умар Бокий насрый ишлаган вариант ҳам худди шундай таъриф ва баҳога мувофиқдир. Умар Бокий Навоий достонининг гөяйи моҳиятини саклаб колиш, воқеалар мазмуни ва силсиласини, образлар характеристи ва хислатини мумкин қадар оригиналга мувофиқроқ беришга интилган ва бунга зришган ҳам. Муқаддима ва хотима билан бирга Навоий достони жами 54 бобдан ташкил топиб, ҳар бир боб маҳсус сарлавҳалар билан номланган. Табиийки, киска насрый баёnda барча бобларни, уларнинг номи

билан бирга саклаб қолиш мушкул ва зотан, бунинг хожати ҳам йўқ. Умар Бокий муқаддима (жами 11 боб) ва хотима (2 боб)ни колдириб, воқеани Фарҳоднинг туғилиши билан бошлаб, Навоий достонининг сюжети нима билан хотималанган бўлса, ўша воқеа билан асарни тутатади¹: ҳалқ қиссалари ҳам одатда, кўпинча қиска «бошланмас» (зачин)дан кейин тўппа-тўғри воқеанинг ўзига ўтади. Бу, шубҳасиз, Умар Бокийнинг Навоий «Муқаддимот»и ва «Хотима»сига бефарқ караши эмас, балки жанрнинг ўзига хос талаби, баён усули ва услуби ифодасидир. Навоий «Муқаддимоти» ва «Хотима»си эса, шубҳасиз, Умар Бокийга ҳам катта маърифат, маънавий-эстетик озиқ берган, унга ижодий илхом бағишлиган.

Достондаги воқеаларни Умар Бокий б қисм – бобга бўлиб баён этади, Фарҳоднинг туғилиши, болалиги билан боғлик ҳодисалар «Аммо ровиёни ахбор ва нокилони осори қисса-у достони кухан ва ҳўшачинони хирмани сухан...»¹ анъанавий бошланмаси билан ибтидо топиб, бу қисмга – бобга сарлавҳа қўйилматаи. Кейинги воқеа-ҳодисалар эса беш бобга бўлиниб, уларга тубандагича сарлавҳа қўйилган: «Шахзода Фарҳодни Ойинаи Искандарга бокғони ҳикояси», «Шахзода Фарҳод Ойинаи Искандарни тамошо қилиб, оташи ишкка гирифтор бўлғони», «Фарҳодни ариқ қозмоқ била бало тошини бошига ёғдургони ҳикояси», «Фарҳодни ул ҳайлнинг Хисравга еткургони ва Хисрав

¹ Умар Бокийла ўзига хос муқаддима бўлиб, унда муаллиф ўзи, замонаси ва ясарнинг яратилиши ҳакида сўз юриттани аввалги сахифаларда таъкидланган эти. Қиссани 40 содик кишигининг Фарҳод, Ширин, Мехинбону ва бошқаларни туш кўриши басни билан тутатиб, «илохи ул содик кишилар хурматидин биз осиёларни ҳам гайрдин бегона қилиб, ўз муҳлубатинингга ошино қилиб, диндорингга мушарраф килгайсан» дейди.

бошидан оёгиғача салосил ва ғулол ҳукмин сўрғони ва Бузургуммид хикмат бирла ул бандға муқайяд бўлғони ва девона думогига дафъ дору килиб ҳушка кетурғони ва мухаббат юзидан анга сўз котғони ва Хисравнинг саволи шишалари жавоб хоралари бирла ушотқони. Фарходнинг бу навъ каттиқ сангборонидин Хисравнинг кўнглидаги саволлари шишадек синиб, аниңг катлиға жозим бўлғони, ул муҳлик сўзлари била катлдин кутулғони» ваниҳоят «Фарҳоднинг жонни жаҳонофаринга топшурғони баёнитур». Бу сарлавхалардан тўрттаси хийла мұйжаз, лекин бешинчи кисм сарлавҳаси (сирада туртинчи сарлавҳа бўлиб келган) хийла узун бўлиб, у гўё бутун бобнинг киска баёни – аннотацион изоҳи тарзида келган. Одатан кисса – ҳалқ китобларининг сарлавҳаси киска-мұйжаз бўлади. «Қиссаи Фарҳод ва Ширин» сарлавхалари ҳам асосан шундай. Узайиб кеттган тўртгинчи сарлавҳада эса, назаримизда, Умар Бокий Навоий усулини саклаб, сарлавҳа биланок бобнинг мазмунидан китобхонни вokiф этиш максадини кўзда тутган (бу бобда воеалар кўп ва мураккаброқ). Навоий бобларга сарлавҳа кўяр экан, гўё шу сарлавҳа билан китобхонни бобнинг мазмун-моҳияти билан олдиндан таниширади. Бир-икки мисол келтирамиз: «Фарҳоднинг Шопур дашт паймолиги, балки раҳшамолиги билан Яман мулкидин Арман кишварига азимат килғони ва Арманинг Ирам осо сабза ва раҳчинидин ғунчадек кўнгли гул-гул очилғони ва Армания тоги камарида хоро қозодургон эл ажzin кўруб ул иш кайфиятин сўруб хоро қозорга камар чуст этгани ва бу хабарнинг чусту Ширин Мехинбону била Ширинга еттони» (XXX боб), «Хисрав Фарҳоднинг қаттиғ тошидии пажмурда ва каттиқ сўзидин озурда келиб, Бузургуммид била улуғ чора умидига сўзлашиб, лутф омиз алфозга қаҳр ва шаҳд ангиз қаломға заҳр коткони

ва бу умид ва бийм мактубин расулдин Мехинбону сори узоткони ва элчининг шаҳдлик захри шишаси қалъанинг хорасидин ушолғони яъни Мехинбонунинг хорадек маҳкам жавобларидин ожиз қолғони, доди Хисрав Армания Ҳисорин муҳосара қилғони ва қалья дарвозалари боғланиб, хусумат эшиклари очилғони» (XXXIX боб).

Умар Бокий Навоий достонидаги энг асосий воеа ва эпизодларни саклаб колиб, Фарҳод ва Шириннинг мураккаб ва тўлкинли саргузашти билан китобхонларни таништиришни максад килиб олади. Шу максадда у мазмунан бир-бирига яқин бобларни бир сарлавҳа остига бирлаштиради. Муаллиф Навоий достонининг сюжети ва композицияси асосларидан йироклашиб кетмайди, уларнинг моҳиятига хилоф келадиган ортиқча чекинишларга йўл кўймайди.

Муаллиф қаҳрамонлар характерининг асосий моҳиятини ҳам саклаб колишга интилган ва бунга эршилган. Ҳусусан, Фарҳод ўз саргузашти, мақсад ва хислатлари билан баркамол бир образ сифатида гавдаланади. Муаллиф уни ошиқ ва содик, меҳнаткаш ва ижодкор, баҳодир ва фидойи сифатида тасвирлашга муваффақ бўлган. Мана, Фарҳоднинг ариқ казувчи заҳматкашларга бош бўлиб, мӯъжизалар кўрсатганини тасвирловчи эпизод сатрлари: «Аммо ахли таҳқиқлар андоғ дебдурларки, Фарҳоднинг дарду сўзи Шофурга таъсир килиб, ёгдек эриб сув бўлди ва ман ул вилоятка бошлаб борсам мақсадга еттайсен, деб Шахзодани бошлаб Арман тарафиға равон бўлди...

Хунарни асрар на қилай охир, тупрокға олиб борурманму, деб барча табару тешаларни йиг'дурди. Темурчиларни келтурдилар. Ул табару тешаларнинг уч-тўртни бир килдурди. Корундан ўрганган тариқаси

бирла ёшурун сув бериб, табар бирла тешани рост килдилар. Эртаси ишға мукайяд бўлдилар. Тоғлар ларзага келди, каттиғ тошлар мумдек эриди. Шахзода ҳар табар солғонда учкуни кўз етар ерга борур эрди. Ҳамма ҳалойик ҳайрон бўлуб, бисёр шукру сано айтиб, офарин килдилар. Булар уч йил қозғон ариқдин ортуғроқ ва кенгрок қозди...

...Кечакундуз асло ором олмай иш килур эрди. Бот фурсатда арикни тамом қилиб еткурди. Ул ариқнинг бир учи ул париваш ётодурғон ўрданинг олдиға борур эрди ва яна ул ерда тошин ковлаб бир катта ҳавз килди. У ҳавзният атрофида сайд килғудек ер ясоди ва яна ул ерда улуғ тош бор эрди, анинг баландлиги икки терак бўйи бор эрди, анинг тепасини ковлаб бир равоқ ясади ва анча покиза хужралар килди. Ул равоқ бирла хужраларният тагларини тош бирла ораста килди. Шоғур анинг атрофиға накшу нигорлар килди ва яна барча пари пайкар канизлар суратини тортти, аларнинг аёғида ажзу нигунсорлик бирла Фарҳоднинг суратини тортти. Мундоғ ораста қилиб тамом қилдилар. Эрса Фарҳод Айнулаёт чашмасига сув очкали равона бўлди, тамоми вилоятният ҳалки тамошо қилғали келдилар. Гўё ер юзини тамоми одам пур тутти...»¹.

Фарҳод камтар, оқил, фозил, захматкаш, ижодкор, иродали, садокатли, мушфик, ботир ва фидойи шахс. У шу фазилат ва хислатлари билан кишиларнинг ишонч-эътибори, меҳр-муҳаббати ва иззат-икромини қозонди. Муаллиф Фарҳоднинг фазилат ва хислатларита, бошқа персонажларнинг унга муносабатига катта эътибор бериб, Навоийнинг шу образдан кузатган мақсад ва ниятини китобхонга етказишга интилади. Ширин, Шопур, Мехинбону каби ижобий образ ва персонажларга

¹ 20-25-бетлар.

ва бу умид ва бү
кори узоткони ва
кальянинг хораси
хорадек махкам
Хисрав Армания
дарвозалари боғу
(XXXIX боб).

Умар Бокий I
ва эпизодларни
мураккаб ва тўлк
таништириши
у мазмунан биј
остига бирлаш
сюжети ва комт
майди, уларни
чекинишларга!

Муаллиф к
хиятини хам
шилган. Хусу
хислатлари би
даланади. Му:
ижодкор, баҳ
муваффақ бу
захматкишлар
таснировчи:
андоғ дебдури
таъсири килиб,
бошлиб борса

Хунарни
борурманму, я
Темурчиларни
учтўртуни би

шунин айтиш юнгати
лоzимки, муаллиф жони
ва хислатлар билан бирга, кар бир оғиз
хос индишидудал жихатларига каша койи
Бинобарин, Навоний достонида бўлгасен
ни, маънавий гўзлариги, садоҷати, иреше
Шотур вағодорлиги ва физийлиги. Ишлар
лиги ва тадбиркорлиги билан гаёвдадиган

Умар Бокий салбий образ за персонаж
(айрих жузий йўнисларни исобга ошиш
китобхонга ташибиганинидан. Хисрав
жомидукумдор, Шеруб - хулбон, муҳаммад
Мансу Хисрав характерни рельфларе излаб
сурʼиши. Мунозаралар кўз-оби шинни
бўлдирип сизни ўруб аззиган Фарҳадни
мурод этади: «Аммо Хисрава шашаш
бўлдиши сизни бисор жасар ишмиши ёт
бўлдиши бетаъи ўруб ётди тифорибнин
шакли ўтди, деб дарзга бўлди...»
Жадид дарточча обʼигиналик, «Хисрав
Штирин»ни Фарҳад бисорлик изобаби обрадига
Хисрав бинота салбий обʼигиналик инсанни дар
билим душманларни, жиссизлик билан бинота
узвичай бисор жасаги, матолалат билан кабодига
узвичай бисор жасаги, матолалат билан кабодига
билим инфузият мөмчиленини ташкил этади.

Ишларни салбийлана. Умар Бокий кинжалнига кам Фарҳад
стальчиб ўзини билан Фарҳадни чалти этган «худоевин» аният
жони кинжални билан Фарҳадни чалти этган «худоевин» аният
жони кинжални билан Фарҳадни сални яхшилди жо ёт шаки
жони кинжални билан Фарҳадни сални яхшилди жо ёт шаки
жони кинжални билан Фарҳадни сални яхшилди жо ёт шаки

конфликтининг, айни чоғди вожелик тутунининг куль-
минашини Фарҳод билан Хисрав мунозарасицdir. Шунинг
учун хам бошка ўринларда боззан Навонийнинг бир неча
мисра шеърини настрий баён таркибига киритиш билан
кифояланган Умар Бокий бу мунозарани бутунисича
салаб колади.

Маълумки, Навоний яраттан образлар ички руҳий
кечимнамалари билан китобхоннинг кўз ўнгига мукаммал
гаёданади. Бунга, хусусан, кўзгуда Ширинни кўрган
Фарҳоднинг холати, Шириннинг Фарҳодга ёзган дард-
ли, алали мактуби ва бошқалар ёркин мисол бўла
олади. Умар Бокий Навоний каҳрамонларининг ички
кечимнамаларини хам тўлароқ тасвирилашга ва шу билан
китобхоннинг шууриягина эмас, балки унинг қалбига
хам таъсири этишга интилган ва бунга эришган. Мисол
тарзида бир эпизоддан парча келтирамиз:

«Аммо ул кунеким Хисрав Фарҳоднинг ўлумига бел
боглаб эрди, бир бадбахт кампир Хисравнинг одлига
келиб айдики, Фарҳоднинг ишини ман килурман ва
аният бирла ишинглар бўлмасун, деб вайда килди. Ул
замон каро либос кийди, бошига каро чулгади, кўлига
бир асос олиб Фарҳод ўлтг’онго тоғга бориб, Фарҳоднинг
одлида ўттурди...

Бул шум кампир!
Эшишиб фарҳади
хез килди, танидин маъ-
уруб, ўзини
лахта-лахта
халкумига ет
хитоб килиб
булгон ва асгир
хароратка коли-

арход сўзларини
илан кўпкали
чиңди,
чиқа
чи

у
чи
чи
чи
чи

сизларнинг олдингизларда бисёр хижил ва шарманда турман, мандан рози бўлунглар; андин осмонга хитоб килиб айдики, эй оҳим дудидин каройғон ва сиришким конидин кизоргон ва чехрам аксидин сорғоргон, мандан рози бўлунглар, Андин хитоб килиб айдики, эй ашким суйида тўла бўлғон ва эй мандек мажнунга куйлар бўлғон, мандин рози бўлунглар. Андин жонворларга хитоб килиб айдики, эй ғам даштида мунис бўлғон ва хижрон ғамида унс бўлғон ва ғариблик водийсида рафик бўлғон ва бекаслик биёбонида шафик бўлғон, фирок кунжида меҳрибонлик кўргузгон ва хижрон бурчидаги ҳамзабонлик шевасин тузғон, мандин рози бўлунглар, деб барча жонворлар бирла розилик тиласти. Аммо барча жонворлар зор-зор йиглаштилар ва зорийлариға осмон бирла замин ларзаға келди. Ва яна боду сабоға хитоб килиб айдики, эй сабо, ночор гузоринг Хитой мулкиға тушса, хоконға бу бағри пора фарзандининг бошиға келғон ишларини бир-бир баён килғил ва яна улким, Хисрав хийла бирла мундог жабру жафолар еткурди. Агар ростлик бирла бўлса эрди, юз онча кишиға жавоб берур эрдим. Бу сўзларни айғил ва яна Бахром деган бир кариндошим ва мунисим бор эрди. Чериклар йигиб келиб Хисравдин қонимни олсун. Ва яна улким, хокон бу оворасини мундог бўлғонини билса, яқиндорки, тахту баҳти, барча хонумонларидин кечиб ҳаммасини тарқ қилғай. Аммо сан манъ килиб, таскин берғилки, тақдирда манга шундог ғариблик бирла оворалик ёзилғон экан, тақдирға хеч чора йўқдур, алар ҳам казоға ризо бўлсунлар, мандек овора қулдан рози бўлсунлар. Ва яна онам эшитиб, сочини ёйиб, «кўзум» деб нолау афғон қилғонда анга ҳам таскин бериб айғилки, рози бўлсун. Ва яна Мулкороға мандин дуо дегил ва яна Моний бирла Корунға ҳам салом

дегил ва барча гарibiliгда бошимға келғонларини бир-бүр баён қылғыл, хаммалари мандин рози бұлсунлар, деб болу сабога тамом сұзларини айтиб күзини юмди. Шириннинг ёди бирла жон ба ҳак таслим килди»¹.

Умар Бокий Навоий достонининг сюжети ва композицияси хамда образлари моҳиятини тұларок сақлаб көпшіл интилади, Навоий достонидан деярлик йироклашмайды. Бир-икки үринни мустасно қылганда, унинг жузъи үзгариш ёки чекинишлари Навоий достонининг моҳиятига хилоф келмайды. Бир неча мисол келтирамиз. Тогда ариқ очаёттан Фарход тамошога келган Ширикни күриб бекуш бўлиб йикиласди. Уни маҳд (кажава)га ётизиб, саройга олиб борадилар. Умар Бокий маҳдни «сандик»ка алмаштиради: «...улар ҳам Фарходнинг мундоғ ҳолига паришон бўлуб, Фарходни сандикқа солдилар ва отка юклидилар...»² Навоий достонида Фарходнинг жасадини аморига – маҳдга солиб, уни «бўйин»ларига кўйиб, шаҳарга – касрга олиб келадилар:

...Муборак жисмни нур ичра топиб,
Хариру хулла бирла они ёпиб,
Килиб шохона бори эхтиромин,
Париваш маҳдида айлаб макомин...
Аморини кўюб бўйнига бори,
Кишидин поялар топиб амори.
Фигон бирла видъе вайлаб даду дом,
Ҳамул ер теграсида топиб ором³.

Бу мисралар Умар Бокий киссасида бирмунча үзгароқ: «Фарходнинг таниға харир хуллалар ёпиб, гулоб септилар, хушбўй нимарсаларни туташтилар, сандикға

¹ 37-39-бетлар.

² 23-бет.

³ «Ҳамса», 323-бет.

солиб тевага орттилар, устига зитчайи кирмоний ётіб, Шофур тевани етаклаб, Ширин тарафиға равона бұлдилар...»¹

Эпизод мохият эътибори билан сакланиб колған. Бирок деталларда айрим үзгаришлар бор, «маҳд» бу эпизодда ҳам «сандик» билан алмаштирилған; Навоидә маҳдни кишилар күтариб борышса, Умар Бокийда сандикни туяға юқлайдилар, уни Шопур етаклаб боради. Назаримизда, Умар Бокий эпизодни үз даври китобхонларига янада яқинлаштириб бериш мақсадида деталларга үзгаришлар кириптан. У «маҳд» үрнігә ҳаммага янада танишрок «сандик» ишлатади, сандикни туяға юқлайдилар... Бу эпизод Коракум сахросида күч ёки карвон күчиши манзарасини күз олдимизга келтиради. Бундан ташкари, халқ асарларыда, масалан «Тохир ва Зухра»да, қаҳрамонни «сандикка солиши» воеалари күп учрайди. Түяни Шопурнинг етаклаши орқали эса, Умар Бокий унинг Фарходға бўлган меҳр-муҳаббати ҳамда садоқатини яна бир бор таъкидлаб кўрсатади.

Айрим кўшимча деталлар ҳам Навоий достони мөхиятига хилоф келмайди. Масалан, Навоий достонида олим Сухайлонинг ўлими ва дафни баёнида

«Алар юб ашқ суйидин танини,
Ҳам ул масканда айлаб мадғанинни»².

дейилган бўлса, Умар Бокий «булар зор-зор йиглав, ёшлиари дарё бўлди, бу дарё суйила юб ва таҳорат килдуруб, намозини ўтаб, Сухайлони ул горда дағни килдилар»³, деб «таҳорат ва памоз» ни кўшган. Фарход аждарни ўлдириб, горга киради, ғорнинг марказига

¹ 43-бет.

² «Хамса», 204-бет.

³ 10-бет.

кўмилган тошни топиб, атрофини қилич билан ўйиб
агдари. Навоий шу тош таърифида:

Кўмуклук ерга тошидур шабахгун,
Ки бор вазн ичра минг ботмондин афзун.¹ –

деган бўлса, Умар Бокий «Мунда минг ботмондин оғиррок тош бордур, Рустамнинг сокасидин юмалок...»² деб «Рустам сокаси»ни кистириб ўтади.

Бундай жузъий ўзгариш ёки янги деталлар анчагина бор. Булар Навоий достонининг мохиятига путур етказмайди, балки, кўпинча, маълум бир воқеани, эпизодни соддарок ва китобхонга танишрок таҳлитда баён этишга хизмат килади.

Аммо Умар Бокий киссасидаги барча чекиниш ёки «янгиллик»лар ҳакида шундай фикр юритиб бўлмайди. Чунки айрим чекиниш ёки «янгилик»лар муваффакиятли чикмаган, баъзан, ҳатто достоннинг мохиятига кисман бўлса-да, путур етказган. Мисол учун Фарход шарафига Мехинбону саройида зиёфат берилиши эпизодини олайлик. Умар Бокий бу эпизодга бир неча шеърий парча кириптган. «...Навбат Фарходга етти, эрса ул ўн қиз Фарход бирла Шириннинг бошларидан жавоҳирлар сочтилар. Бу тарикада ўлтуруб юз минг нозу карашма бирла Фарходга оёг тутур, олдида ўлтуруб, Ширин бу байтни ўқиди:

Ки эй зору балокаш ошиким, мансиз нечукдурсан,
Ки бу жавру ситамга лойиким, мансиз нечукдурсан, –

деб пиёлани қўлига олиб, «санинг ёдинг била нўш килай» деб нўш килди. Фарход филдек маст бўлуб, бу байтни ўқиди ва таъзим бажо келтурди:

¹ «Хамса», 206-бет.

² 12-бет.

Эй сокийи гулузори маҳваш,
Жону жигаримға тушти оташ,
Тутгил манга лаб-балаб куюб жом,
Бу ташналигимдин ўлсун ором...¹

Бу мисралар мушоира килиш ва алёр айтишни эзлатади, шу билан эпизод бирмунча жонланади, хатк қиссаларига якинлашади. Аммо шу эпизодднинг аввалрогида ўн киз тилидан айтилган мисралар эпизодднинг мантикий мохиятига, Фарходга хос бўлган камгарлик, поклик, фидойилик каби сифатларга мос тушмайди. Мана ўша парча:

«Бу кизлар бу байтни ўкуб, Фарход бирла Шофурга аёқ тутар эрдилар. Назм:

Юзунгни хуни жигар бирла шусту шўй килиб,
Наззора килгил ўшал юзга чашми пок била.
Жаҳонга берма кўнгул, эй гурусна рўйи харис,
Кўзунгни тўйдуур айём мушти хок била.
Карашма бирла ҳалок айлади мани ул шўх,
Яна не шеваларинг бор экин ҳалок била...²

Умар Бокий киритган бу мисралар бадиий жихатдан бирмунча бўш (учинчи байт мантикан аввалги байтарларга боғланмаган) ҳамда эпизоддан кузатилган ғоявий мақсадга хилофдир.

Яна бир мисол. Фарходнинг ўлимини эшилган Хисравнинг ички кечинмаларини тасвирлаб Навоий бундай дейди:

Маколотин килиб Хисрав тааккул,
Тафаккур бирла кўп айлоб тааммул;
Неча кун кайгудин кулгуси келмай,
Неча тун вахмидин уйкуси келмай.

¹ 28-бет.

² Ўша срда.

Агарчи бу умид айлаб ани шод,
Ки Шириндур аниң, чун берди Фарход.
Вале бу вахмдин хар лахза ғамгин,
Ки нетгай кинига, чарх айласа кин?¹

Бу мураккаб кайфият Умар Бокий киссасида жүнгина «... бу воеа Хисравга эшитилди, Хисрав ҳам мундог ишни эшитмаб эрдим, беўрун иш бўлубдур, деб паришон бўлди»² дейилади. Умар Бокий баёнида Хисравдаги кин-касос вахимаси, килмишига яраша жазога гирифтор бўлиш вахимаси йўқ. Образни характерлаш ва воеалар ривожи жиҳатидан бу анча мухимдир. Лекин бундай нуксонлар кўп эмас. Улар Умар Бокийнинг ижодий изланиши йўлида содир бўлган жузъий нуксонлардир.

Шундай килиб, Умар Бокийнинг «Киссаи Фарходу Ширин»и гоявий мазмуни, сюжети ва композицияси, образлар моҳияти жиҳатидан аслига – Навоийнинг достонига мувофиқдир. Бу Умар Бокийнинг катта ижодий ютуги. Кисса муаллифи иккинчи вазифани – достонни ҳалқ киссалари – «ҳалқ китоби» га яқинлаштириб, уни оммабоп услубда баён этиш вазифасини ҳам яхши ўтay олган. Кисса ҳалқ эртаги, ҳалқ достони каби равон ўқилади, китобхонни мафтун этади.

Умар Бокий «Киссаи Фарходу Ширин»да фольклор ва ҳалқ китоби тажрибаси ҳамда анъаналаридан кенг баҳраманд бўлган. У воеаларни эртак ёки достоннинг насрий кисми таҳлитида баён этади, баъзан шеърий парчалар келтириб, каҳрамоннинг руҳий ҳолатини тўлароқ очади³, сўзни «Аммо ровиёни ахбор ва нокилони осори

¹ «Ҳамса», 315-бет.

² 40-бет.

³ Жами 152 мисра шеър бўлиб, бундан 132 мисра Навоий шеърилир (Фарход ва Хисрав мунозараси эпизоди 106 мисра).

киссан достони куҳан ва хӯшачинони хирқани сухан андок айтибдурларким...»¹, «Аҳли таҳкиклар андог баён қилибдурларки, кунлардин бир кун...» каби ҳалқ китобларига хос анъанавий бошланма билан бошланди, «эрса», «алкисса» каби сўзлар билан эпизодларни бир-бирига улайди, воқеадан воқеага ўтади. Фарходнинг туғилиши (кўп эртакларда подшохнинг ўғли бўлмайди, тилаб-тилаб ўғил кўради), унинг куч-куввати, турли-туман воқеа-ходисаларга дуч келиши, воқеалар ту-гунининг фавқулодда мураккаблашиб бориши, мў-жизалар ва бошқа-бошқалар ҳалқ эртакларидек яшграйди. Муаллиф ҳалққа хос таъбири, мақол, матал ва бошқалардан кенг фойдаланади, баённи мазмунли ва рангдор қилишга муваффақ бўлади. «Итоатидаги ша-харларнинг ҳар кайсидин тариг олса, бир тўлум тўлар эли», «Ул қасрда ғуломони зарринкамар ва қализони парипайкарларни муҳайё килиб...», «Охируламр «ё ҳайён, ё маннон, ё далили дармондагон, ё дастигири бечорагон» деб...», «аждарнинг төгдек бадани ғордек шикоф бўлди», «...Сунбулмўйи офати замон ва ягонаи данрон, назокат гулшанининг гунчан наврастаси ва тароват сабзасининг гулдастаси, хижрон ғамишининг жавхарию фирок оламишнинг гавҳари, офтоб тальят. Муштарий саодат...», «Охируламр төгдек жисми наълдек, филдек куввати пашшадек бўлди. Офтобдек жамоли ҳазондек сўлди...», «тақдири раббоний ва казоин осмоний бисёр дабдаба бирла рустухезлик килиб, андог боли муҳолиф пайдо бўлдики, майманани майсарага чоқтилар...», «...зарринкамарлар олдида ер

¹ Қиёс этинг: «Аммо ровиёни дафтару нокилони киссан Ширин ҳарфи мұтабар андог келтурублурларким...» (Ҳомушийнинг «Шоҳнома» таржимасидан). Ўзбек адабиётни, тўрттинчи том, иккинчи китоб, Тошкент. 1960, 275 бет.

ўпарлар», «...тұрт-беш юз пари्रю сунбулмүй, симин-
бадан кизлар», «кабдек хиром қилиб, товусдек жилва
құргузуб, офтобдек тулұй қилиб, қамардек сайрга
қириб...», «Аммо тақдирға тадбир қилғали бұлмас»,
«... ул ҳаромзоданинг бошиға чунон урдикі, мияси
катидек тұкулди», «шамшер бирла отасининг гарда-
ниға андор урдикі, боши сабчадек узулуб ерға тушти»,
«тири ишки синасадын паррон үтти» «...зор-зор чун
абри навбаҳор йиглади» каби ибора ва бадий тил
воситалары асарни янада халқчил қилған, фольклор
обидаларига яқинлаштирган.

Маълумки, ӯзбек насрода сажъ катта үрин тутади.
Халқ эртаклари, достонларнинг насрый кисми ҳамда
Ҷизма насрда мусажжы үсули кең күлланилади. Бу
асарга маълум оҳанг, мусикийлик бағишлайди, жило
беради ҳамда эшитилған (ёки ӯқилған)ни ёдда саклаб
колишины снгиллаштиради. Умар Бокий ҳам «Қиссаи
Фарход Ширин» да сажъ формасидан фойдаланған,
насрый жумла (ёки жумза бұлаклари) ни шеърий
мисраларга яқинлаштириб берган. У бешинчи боб сар-
лавхасини ҳам сажъ үсулида ифодалаган: Фарҳодни ул
хайлнинг Хисравга еткүргони ва Хисрав «Фарҳодни
бошидин оёғигача салосил ва гулол ҳукмин сүрғони ва
Бузургуммид хикмат бирла ул бандға муқайяд бұлғони
ва девона думогига дағын дору қилиб ҳушқа кетурғони
ва мұхабbat қозидин анга сүз котғони ва Хисравнинг
савол шишеларин жавоб хоралари бирла ушоткони...».

Үрни келганды шуни ҳам таъкидлаш лозимки,
Алишер Навоий халқ насрининг сажъ үсулиға катта
эътибор беріб, ӯзасарларида уни құллаган зди. «Махбуб
ул-қулыбы», «Муншаог» каби асарлар ӯзбек насли үл-
айни замонда сажъининг ҳам гүзәл намуналаридир.
Шеърий асарларида, жумладан «Фарҳод ва Ширин»

достонида улуғ шоир ушбу усулдан фойдаланиб настый сарлавҳаларни кўпинча сажъ билан мураттаб этган.

Умар Бокийнинг «Киссаи Фарходу Ширин»и ўзбек бадиий насрининг ёдгорлиги сифатида кимматлидир.

«КИТОБИ МАЖНУНУ ЛАЙЛИ»

«Фарҳод ва Ширин» киссасини китобхонларга манзур этган Умар Бокий фожиавий севги киссаси «Лайли ва Мажнун» нинг кисқа насрй вариантини ҳам муваффақият билан яратди. У «Китоби Мажнуну Лайли»да¹ Навоий достонининг моҳиятини саклаб кола олди. Китобнинг сюжет ва композицияси, образлар системаси ва уларнинг киёфаси Навоий достонига мувофиқ ишланди. «Китоби Мажнуну Лайли» ошик-машукнинг севги саргузашти ва фожиали кисматини ҳалқ китоблари услубида ҳикоя килади, мухитнинг киши эркини поймол эттан одатларига, шафкатсизлик ва зўравонликка карши нафрат уйғотади.

Китоб «Мажнуннинг Навфалга учрошкони ҳикояси», «Мажнунга Навфалнинг кизини сўз солдуруб түн қилғони», «Мажнун била Лайлининг фирок меҳнатида бир-бирларига жон нисор қилғонлари» сарлавҳалари билан бир неча бўлимга бўлингган. Муаллиф, фожиали севги киссасини ҳикоя килар экан, конфликт ва қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати тасвирига алоҳида зътибор беради. Ҳусусан, Лайли ва Мажнуннинг бир-бирига йўллаган мактуби, Ибн Саломни колдириб даштта йўл олган Лайли билан Навфал кизини колдириб келган Мажнуннинг учрашуви, Мажнуннинг туши, Лайлининг онаси билан видолашиб, васият қилиши каби эпизодлар ҳароратли, таъсирили чикқан. Мисол тарзида

¹ «Китоби Мажнуну Лайли». О.А.Порцев босмахонаси. Тошкент.

Лайли мактубидан хамда Лайли билан Мажнуннинг даштда учрашуви эпизодидан парча келтирамиз: «Бу шикаста ҳол, парешон ахвол фирокингда заиф бўлғон бечора ва бенаводин ул ишқ даштида макон туткон ва манинг фуркатимда қон ютғон, висол давлатидин маҳрум бўлғон, хижрон аламидин мамнун бўлғон мубталога салому пайғомлар адосидин сўнгра мафхум улким, сенинг фирокингда ўлар холатда эрдим. Зайд саломатлигингни еткурди. Гўё янги бошгин жон толтим.»

«...Лайли ўз фирокида ялғуз колди. Лайли вактни ганимат топиб, ёнида бир дашт бор эрди, қўпуб бир тевага савора бўлуб, ул даштга равон бўлди. Неча фарсанг йўл бориб эрди, бир овоз эшигилдиким, Лайли мутахайир бўлуб кулок солди. Бисёр дарду сўз бирла тазаррӯй қилодур. Мажнуннинг ўзига ўхшатиб якин борди. Ногоҳ Мажнун Навфалнинг кизи кошидин чикиб, бу даштга келмиш эрди. Мажнунга якин бориб, оҳе тортиб, аёғига йиқилди. Мажнун ҳам Лайли эканини билди, Лайлини кучоғига олиб бир оҳе тортти. Бу ҳам бехуш булиб йиқилди. Бир соатдин, кейин яна хушларига келдилар, анча рози дил эшигилар...»

Умар Бокий Навоий достонидан фарқли ўлароқ «Лайли ва Мажнун»га баъзи жузъий ўзгариш ёки янгиликлар киритган. Маълумки, Навоий достонида Лайлининг отаси кабила бошлиги сифатида берилад: «...Бокий уни кабила бошлиги эмас, балки давлат олим ва муаллим сифатида тасвирлайди. Ў: мактаб бўлмагани учун отаси Кайнан мактабига беради, Ка: мактаб. «...эрса мактабга бор: бўлди. » лойик мактаб йўқ эрди. таларда сархисоб бориб жусту зрили: кабилада бир асолатлик киза о.

Бу важхдин ўз маҳалласидаги болаларни ҳам ўқутур эрди. Қайсни ул олимға супориш килдилар. Ул олим бисёр хушфаҳм ва зийрак эрди. Аммо Қайс фазилат ҳосил килди. Бу аснода ул олимнинг Лайли деб бир кизи бор эди. Ҳусну малоҳатда беназир эрди...» Навоий Лайли отасини «Ул турфа қабилада сарафroz, ҳар ишта ҳай аҳлиға навосоз» деб ижобий жиҳатларини тасвирласа-да, аммо асосан салбий образ – «Қаҳр этса дами самум янглиғ...» шафқатсиз, каттиккўл киши сифатида тасвирлайдиким, Лайли ва Мажнун фожиасининг бош сабаби ҳам унинг қаҳр-ғазаби, ва ба-ланџпарвозлиги билан изоҳланади. Афтидан, Умар Бокий Лайли отаси шаънига айтилган ижобий сифатларни кучайтириш мақсадида уни мактабдор муаллим сифатида тасвирлашни мувофиқ кўрган. Навоий достонидагидек Лайлининг отаси Қайсга ачинса-да, унинг ўз кизига ошик эканини билгач, дарғазаб бўлиб, Қайснинг отаси ва ҳатто бутун бир қабилага даҳшат солмокчи бўлади. Шундай килиб, айрим чекинишларига қарамай, бу образ воеанинг ривожи, бош қаҳрамонларнинг тақдирида салбий роль ўйнайди.

«Фарҳод ва Ширин» дан фарқли ўларок «Лайли ва Мажнун»да Умар Бокий Навоий шеърий мисраларини камрок келтириб, кўпроқ ўз шеърий мисраларини лирик чекиниш («Қистирма») сифатида ишлатади. Маълумки, Навоий ҳар бир достонида бошдан охир факат бир вазни кўллаган. «Лайли ва Мажнун» «Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақфуф» (мағъбулу мағонлун фаўлўн) вазнида битилган. Умар Бокий киритган шеърий парчалар вазни турлича. Бу ҳолат насрини битилган «Лайли ва Мажнун» ҳалиқ китоби моҳиятига шикаст бермайди, балки ҳатто унга маълум оҳангдорлик, мусикийлик ҳам бағишилайди.

Айрим шеърий парчалар воқеалар моҳиятини тұларок ва жонлирок ёритишга хизмат қилған. Навфал күшини ва Лайли қабиласи жангини «...Чунон мукотила бүлдикі, кишидин пушта құпоридди» деб құпгина халқ қытоблары ва қиссаларига хос иборани құллаган Умар Бекій дахшатли жанг тасвирини күйидаги мисраларда янада бұрттириб беришга муваффак бұлади:

«Гурухо гурух жилва айлаб сипох,
Икки лашкар эмас, икки ҳашргох.

Тарако туруки амуди гарон,
Жаҳон бұлды бозори оҳангарон.

Үлукдин құтариlldи құп пушталар,
Ёторди неча қонға оғишталар».¹

Бу мисраларни Хомушийнинг «Шоҳнома»сидаги ушбу парчаларга киёс этинг:

Окиб кон, бұлуб ер юзи лоларант;
Киши англамай, күрмайин үйла жант...
Тарако туруки амуди гарон,
Жаҳон бұлды бозори оҳангарон².
Икки лашкар эмас, икки ҳашргох,
Гурухо гурух жилва айлаб сипох.
Тарако туруқ амуди гарон,
Жаҳон бұлды гүеки оҳангарон³.

«Ончунон үлжағаниматларни олиб, күштадин пушталар құпориб, кон бирла ариқ оқиздилар»⁴.

Бу үхашликлар адабиётда маълум ҳолат ёки ходисаны баён этишда анъанавий тасвир вужудға келгани,

¹ Үша китоб, 19-бет.

² «Шоҳномаси Фирдавсий Тусий (Хомуший таржимасыда)». Тошкент, 1908. 170-бет.

³ Шу асар, 290-бет.

⁴ 273-бет.

тарида кайта ишлаган Умар Бокий янада мумтоз бир
уринни ишгол этади.

«ФАРХОД ВА ШИРИН» ХАЛҚ АФСОНАСИ ВА ЭРТАКЛАРИДА

Халқ ижодиётидан көнг баҳраманд бүлган Алишер Навоий мана шу халқ ижодиётида чукур из ҳам қодирди. Буни, жумладан, Навоий достонлари, алал-лусе, «Фарход ва Ширин» мисолида равшан кўриш мумкин. «Фарход ва Ширин» халқ орасида янада кенгрок тарқалган, шуҳрат топган мумтоз асардир. Унинг афсона ва ривоҷ, эртак ва достон вариантлари бор. Булар сюжети ва композицияси, образлар системаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, лекин гоявий мазмунни, максади жиҳатидан жуда якин туради. Қақраган асрий чўлларга сув чикарб ҳаёт бағишлаши, халкниң осойинтилиги ва фаровонлиги учун кураш, севги ва садоқат оли-жаноб инсоний фазилатлар «Фарход ва Ширин» вариантларининг асосий моҳиятини ташкил этади. Уларнинг кўпчилигида меҳнаткаш ва ижодкор Фарход золим Ширинни достонининг сюжети, - деб таъкидлайди бу ва айёр Хисравга карами-карши кўйилади. «Фарход ва фольклорист М. Афзолов, - бир неча асрлар давомидаги оғизда севиб кўйланди. Чунки у халкниң асрлар давомидаги орту-умиди – эркин ҳаёт, тинч меҳнат, баҳтибрлик. Сув учун кураш, Ватан мудофааси, қабиларни кўйлаб келган. Шунинг учун бу достон ҳам ижодиларининг репертуаридан ҳам мустаҳкам ўрин оғиздан. «Фарход ва Ширин»нинг ҳайси чанти қачон вужудга келганини ҳар дони шидан).

баъзан деярлик ўзгаришсиз китобдан-китобга ўтб бор ганини кўрсатади. Шунингдек, Қайснинг кабристони, шеъри, Лайлининг онасига васият килиб айтган микаралари (булар «Лайли ва Мажнун»нинг аъзакни вазнида битилган) тасвирини кучайтириш, унинг эмоционаллигини оширишга хизмат килган. Шу билан бирга, бу шеърий парчалар Умар Бокийнинг ортигина, сохибкалам шоирлигидан дарак беради.

«Лайли ва Мажнун» тил ва услугуб жиҳатидан «Фарход ва Ширин» таҳлитидадир. Бу асарда ҳам Умар Бокий воқеани соддароқ баён этишга, халқ асарларини услубини кўллаш, халқ ибораларидан кенгрок фойдаланишга интилган, баъзан сажъ усулини кўллаган. «Лайли ва Мажнун» да ҳам, «Фарход ва Ширин» да ҳам Ҳоразм шевасига хос ҳусусиятлар равшан кўринади.

Маълумки, «халқ китоби», қайсан манба асосида бўл масин, билимли, маълумотли киши томонидан яратилиш саводхон китобхонга мўлжалланади. Бинобарин, халқ китобларида, фольклор асарларидан фарқли уларор, фортохик ва араб тили элементлари кўпроқиди. Бу ҳусусиг Умар Бокий асарларига ҳам хосдир. Форс-тохик ва араб тили элементларининг нисбатан кўпроқ бўлиши халқ китобларининг оммаболлигини инкор этмайди. Одатан давраларда асар ўқилгандга изохланган, шарҳланган, шу зайдада нотаниш сўз ва иборалар турли савиядаги кишиларга англашиларли бўлган.

Хулоса килиб шуни айтиш керакки, халқ китоби ёки насрый баён Алишер Навоий меросини оммалаштириши, улуғ шоир ва мутафаккирнинг фикр-карашларини тартиб этишда муҳим бир восита бўлиб хизмат этди, айни чоғда ўзбек бадиний насрини такомиллаштириди. Бу соҳада Навоийнинг иккى достонини тақомиллаштириди.

Бирок шуниси аникки, «Фарҳод ва Ширин» кўп асрлар мобайнида яшаб келган, такомиллашган асарлардан дир. Унинг халқ орасида кенг тарқалгани ва шухрат козонганини айрим географик номлар ҳам равшан кўрсагади. Бекобод туманида Ширинсой, Фарҳодтог, Хисрав кудути, Шеробод туманида Ширин дахмаси, Бойсун туманида Биби Ширин кишлоғи, Хоразмда Фарҳод тоги бор ва бошқалар. Шуларнинг ҳар бири билан боғлиқ бўлган турли бадиий асарлар – афсона, ривоят ва эртаклар бор. Уларда ё Сирдарё, ёки Амударё сувларини чўлга чиқариш учун кураш ҳикоя килинади.

Афсуски, ўтмишда халқ ижодиётининг нодир асарларини ёзиб олиш, тадқиқ этиш яхши ривожланмаган. Бинобарин, уларнинг бир қанчаси беному нишон кетган. «XIX аср охири ва XX аср бошларида айрим рус олимлари – тарихчилар, археологлар, шарқшунослар, этнографлар, географлар ўз илмий ишларига киришганларида, йўл-йўлакай ўзбек халқ эртаклари, афсоналарини ва улар ҳақидаги маълумотларни тўплаганлар. Лекин хеч бир олим, ёзувчи, муаллим ўша даврда систематик равишда бу соҳада иш олиб бормаган»¹.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида «Фарҳод ва Ширин» нинг бир неча халқ варианatlари ёзиб олинади, рус тилига таржима килинади ва қайта ишланади. Биринчи бобда таъкидлаб ўтканимиздек, «Фарҳод ва Ширин»нинг турли варианatlари Назармат Эгамизаров (1939), М. Афзалов (1944), М. Алавия (1943) ва бошқалар томонидан ёзиб олингани, ўзбек эртаклари тўпламларига киритилган, рус ва бошқа тилларга таржима килилган.

Шу эртакларнинг айримлари билан танишиб, уларнинг ўзига хос ва муштарак ҳусусиятларини кўрайлик.

¹ М.И.Афзалов. «Ўзбек халқ эртаклири ҳақида». Тошкент: «Фан», 1964. 14-бет.

Ўзбек халқ әртакларидан бирида ҳикоя қилинишича, Фарход бир камбағалнинг ўғли экан. Отаси ўлиб, унга бир кетмон, бир сандик мерос қолибди. Фарход сандикни очиб қараса, унда бир кўзгу бор экан. Кўзгуга караб ажойиб бир гўзал кизни кўрибди ва бехуш бўлиб йикилибди. Ўртоғи Шопур келиб, уни ўзига келтирибди. Фарход билан Шопур бу гўзал кизни излаб йўлга тушибди, улар жуда кўп юриб, охири Бекободга келибдилар. Бекобод хароб бир жой экан, у ернинг аҳолиси мاشаққат чекиб, тоғ-тош кезиб, Сирдарё сувини чўлга оқизиш тарааддуида экан. Фарход отасидан колган кетмон билан ишга тушиб, мўъжизалар кўрсатибди. Фарҳоднинг овозаси Бекобод ҳукмдори Гулчехра ва унинг жияни Ширинга бориб этибди. Фарҳод кўзгуда кўрган гўзални ўнгидага кўрибди. Фарҳод шарафига зиёфат берибдилар.

Шириннинг хусн-жамолини эшитган Эрон шохи Хисрав совчи юборибди. Гулчехра Ширин хали ёш деб рад жавобини берган экан, Хисрав ғазабланиб, Бекободга қўшин тортибди. Бирок Фарҳоднинг тоғдан кулатган тошлари Хисрав қўшинини тўзгитиб юбориб, катта шикаст етказибди. Шунда Хисрав вазирининг маслахати билан ҳийла йўлига ўтибди, Мирзачўлга ким сув чиқарса. Ширин ўшанга тегсин, дебди. Фарҳод зўр бериб ишини даном эттирибди. Хисрав Мирзачўлга буйра ёзирипти. Бўйралар товланиб сувдек мавж берибди. Ширин ноилож Хисравнинг таклифига кўнибди. Лекин тоғ отгандан кейин алданганини билган Ширин кўз ёши тўкиб Фарҳод томон йўл олибди. Хисравнинг ҳийласини эшитган Фарҳод ҳам Шириннинг кошига жўнабди. Ўртала Сирдарё оқиб ётган экан. Ошик-маъшук икки томонда колибди. Шунда Фарҳод кўлинин чўзган экан, у токка айланиб колибди. Ширин кўз ёши тўка бериб,

сойга айланибди. Ушандан бери кишилар төғни Фарход тоғ, сойни Ширин сой деб атар эканлар¹.

Кўриниб турибдик, мазкур эртакда сув бош масаладир. Мехнаткаш, ижодкор ва фидокор Фарход кўпнинг оғирини енгиллаштириб мардана ишга киришади, шу иши, мўъжизаси билан Шириннинг муҳаббатини қозонади. Бироқ худбин ва хийлакор Хисрав Фарход ишининг ниҳоясига етишига кўймайди, чўл ташналигича колади, лекин на Фарход ва на Ширин Хисравга маҳв бўлади.

Яна бир неча эртак ўз мазмуни билан шу эртакка яқин туради. Бироқ уларнинг хотимасида Хисравнинг хийласини эшитган Фарход ўзини ҳалок қиласида, Фарходнинг ўлимига чидай олмаган Ширин ҳам ўзини ўлдиради.

Айрим эртакларда Фарход ва Ширин мурод-максадга егиб, эл-юртга «стўй-томуша» берадилар. Шундай эртаклардан бири «Ўзбек ҳалқ эртаклари»да хикоя килинади. Бу эртакда Ширин бир подшохнинг кизи, Фарход эса кун чикардаги бошка бир подшохнинг ўғли сифатида тасвиrlанади. Фарход бир устадан тош йўнишни ўргапади, отасининг ҳазинасига кириб тош сандикни очиб, ойнаи жаҳоннамода аввал «Гулқаҳқах пари»ни, «Кунботар томонда аргимчок учиб турган» Ширин қизни кўриб, ошик бўлади. Фарход йўлда «бир дараҳтнинг соясида бир йигитнинг ухлаб ётганини кўрибди. Дараҳт тепасидан бир илон тушиб йигитга заҳар солай деб турганида, Фарход югуриб келиб ханжар билан илонни ўлдирибди». У шу йигит билан дўстлашиб, бирга Ширин юртига етиб келибди. Шириннинг «Шу тоқка сув чикарган йигитта тегаман» деган шартини бажариб, Шириннинг севгисига сазовор бўлибди. Бу эртакда уч

¹ Бу эртак рус тилига ҳам таржима килинган: Узбекские народные сказки. Фарход и Ширин. Ташкент. 1967.

асосий образ: Ширин, Фарход ва унинг дўсти образи бор. Унда хам севги билан бирга тоғ кесиб, чўлга сув чикариш асосий мавзу. Вокеа, кўпчилик халқ асарларида бўлганидек, кўтарики руҳдаги хотима билан якунланади. Эртак воеалари кучли тўкнашувлар билан бирга ривожланмайди, унда қаҳрамонларнинг ички кечинма ва интилишлари маълум вазият ва воеани туғдиради. Айрим халқларда шундай усул хам бор. Бирок, назаримизда, эртакнинг нашр этилган вариантида айрим мантикий парокандалик ва номукаммаллик бор. Шулардан икки жихатта эътиборни жало этмоқчимиз.

Эртакда «Бир кун канизлардан бири»: «Хеч нарсадан камчилигингиз бўлмаса, нима учун доимо хафа кўринасиз», – деб сўрабди. Шунда Ширин: «Мен ўйнаб, даврон суриб юрсам, бошқалар қайту ғамда бўлса, унда нима фойда» деган жавобни кайтарибди, дейилади. Шириннинг бу сўзлари уни «бошқаларни қайғу-ғам» дан куткаришга сафарбар этиши, халқпарвар сифатида иш кўришга йўллаши керак. Гарчи у «токка сув чикарган йигитга тегаман» деган, Фарход «чўлни сувга сероб» килган бўлса хам Ширин образи номукаммал чиқкан, «мантиқ чизиги» узилиб колган.

Иккинчи бир лавҳа хам мантикан асарнинг умуман моҳиятига боғланмай охирига етказилмаган.

«Бир кун Ширин дарё бўйинда сочини ювиб ўтирган экан, унинг кошига бир кампир келиб: «Қизим, қани сенинг бу бўйингга муносиб йигит бўлса» дебди. Ширин: «Мен хам ўша сиз айттан йигитни истар эдим», – дебди. Бу сўзни эшиштан кампир: «Ана сен истаган йигит дарёда окиб келаёгир», деб айтибди. Ширин дарёга карайман деганда бошидаги тилла тароги сувга тушиб кетибди.

Иккинчи бир мамлакат подшохининг ўғли дарёда чўмилаётган экан. Тилла тарокни тутиб олиб, «Шу

тароқнинг эгаси ким бўлса, ўшани оламан», деб аҳд қилибди. Элда юриб суриштира бошлабди. Бир кампир бу тароқнинг эгаси Ширин эканлигни айтибди. Йигит кизни ахтариб йўлга чиқибди». Лекин, воқеалар давомида тароқ ҳам, тароқни ушлаб олган шахзода ҳам унтутилади. Ҳалқ ижодиётида бундай бўлиши мумкин эмас. Назаримизда, ёзиб олинган варианг ҳалқ эртагининг номукаммал варианти, хийна кусурли варианти бўлиши керак. Кенг китобхонлар жамоатчилигига тақдим этилган вариант мукаммал бўлиши лозим. Афсуски, «Фарҳод ва Ширин» эртагининг гоявий-бадиий жиҳатдан тугалрок, мукаммалрок ва пишикроқ вариантлари колиб кетиб, «Ўзбек ҳалқ эртаклари» тўпламидан эртакнинг юқорида кайд этилган номукаммал ва жуда кусурли вариантти ўрин олган.

«Фарҳод ва Ширин» эртаги тожик ҳалки орасида ҳам кенг тарқалган¹. Унинг вариантларидан бири «Тожик ҳалқ афсоналари» китобидан ўрин олган. Бу эртак ҳам мазмун, гоявий йўналиши жихатидан ўзбек ҳалқ эртаклари билан муштаракдир. Эртакда хикоя килинишича, кадим замонда Ҳисор тизма тоғлари ёнбагрида, Қоратоғ қишлоғи яқинида Ширин деган гўзал яшар экан. Унинг ҳусни, латофати овозаси яқин ва узок жойларга тарқалиб, кўп шахзодалар ва зодагонлар унинг висолига эришмоқчи бўлиб, совчи кўйишибди. Лекин Ширин ҳаммага рад жавобини берибди. Нихоят, ота-онасининг қистови билан Ширин: кимки бир кечада дарёдан кальяга арнокочиб сув келтирса, ўшанга тегаман, дебди. Кўчлар бу ишни уddyалай олишга кўзи етмай, Шириндан воз кечишибди. Лекин пода боқиб юрганида Ширинни кўриб уни севиб колган чўпон Фарҳод

¹ Афсонахон ҳалки тоҷики, Нашриёти Давлати Тоҷикистон. 1957. «Фарҳод ва Ширин» («Фарҳоду Ширин») эртагини Р.Амонов алабий жиҳатдан ишлаб, таҳrir килган.

бу мушкул ишни бажаришга ахд қилиб, афсонавий кетмөн ва метинини олиб ишга тушибди. Буни эшигтган шахзода Хисрав хасад қилиб, қалъага яқинрок жойдан арик казмокчи бўлиб, ишга тушган экан, тезда чарчаб колибди. У меҳнат билан эмас, макр-хийла билан Шириннинг висолига эришмокчи бўлибди. Қалъага томон бўйра ёзибди. Ялмогизни чакириб, Ширинга арик очилганини айт, Ширин висолига етишганимни Фарходга хабар кил, дебди. Ой ёргуидаги тобланган бўйраларни кўриб, Ширин ишониб, Хисравга турмушга чиқишга розилик берибди. Ялмогизнинг шум хабарини эшигтган Фарход кетмона билан уриб ўзини ҳалок килибди. Тонг отганда Ширин алданганини билибди, қаҳрамон Фарход арик очаётган жойга бориб, унинг конга беланиб ёттанини кўриб, нола-фарёд кўтарибди, ҳаммадан воз кечибди.

Бу эртакда ҳам биз адолат билан адолатсизлик, ҳалоллик билан макр-хийла курашини, эл-юргани сув билан маъмур этиш гоясини кўрамиз.

* * *

«Фарҳод ва Ширин» эртак варианлари ичидаги XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ёзиб олинниб, рус тилига таржима килинган (ёки кайта ишланган) вариантлар ҳам диккатта сазовордир. Шулардан бири А.А.Кушакевичнинг «Сведения о Ходжендском уезде» очеркида келтирилган эртакдир¹. Очерк «Граница уезда. Орошение», «Орфографический очерк», «Петрографический очерк», «Очерк путей сообщения...», «Населения уезда», «Очерк занятий и промыслов населения», «Промысл и ремесла» бўлимларидан иборат бўлиб,

¹ Записки Императорского Русского Географического общества. По общей географии. Том четвертый, СПб, 1871, стр. 173–265.

«Орфографический очерк» бўлимида Ширин-Фарҳод тепа ҳакида сўзлаб, ҳошияда Фарҳод ва Ширин ҳакидағи эртаклардан бирини ҳикоя қиласди. Муаллиф Оқсув ва Босмондисув оралиғидаги тепаликни тасвирлаб, бу тепалик Бекободнинг ғарбидаги бошка бир тепаликка кадар чўзилган, Бекобод яқинидаги тепаликнинг тік кўтарилигандан шаркий буруни – кирғоги «Ширин-Фарҳод» деб номланади¹, у Шимолий Сирдарё водийсининг серунум ва серсув кисми билан туташади, бу жой кадим замонлардаёқ ўзининг ҳосилдорлиги ва ахолисининг зичлиги билан шуҳрат қозонган эди, у «Бахтили Фарғона» деб аталар эди, дейди². Мана шу Фарҳод тепалиги ҳакида дикқатга сазовор афсона яратилган бўлиб, биз уни варианatlаридан бири бўйича маълум қиласиз» деб афсонани баён этади. Бу афсонанинг кисқача мазмуни шундай:

Бир кўчманчи бадавлат ўзбекнинг Ширин деган гўзал қизи бўлар экан. Ширинга кўп йигитлар ошик бўлибди, булар орасида Фарҳод ва Хисрав ҳам бор экан. Фарҳод Бекобод яқинидан бўлиб, жуда кучли, баходир ва гўзал экан. Хисрав Хўжанддан бўлиб, ўқимишли, фаросатли ва чиройли йигит экан. Фарҳод ўзбек, Хисрав тоҷик экан³. Буларнинг ҳар иккисига ҳам меҳр-муҳаббат билан қараган Ширин: «Кимки Куркатдан Бекобод ва Уч тепага кадар бўлган ерларга сув чиқариб сугорса, ихтиёrimни ўшанга багишлайман», деган экан. Фарҳод тезда ишта киришибди, дарёни бўга бошлабди. Шаҳарлик нозик йигит Хисрав бу ишга ожизлик килибди, аммо сир бой бермабди. Ниҳоят у бир ялмогизга маслаҳат солиб, унинг айтганидек чўлга бўйра ёйдирибди.

¹ А.Кушакевич «Ширинъ-Ферхатъ» деб ёзган.

² А.Кушакевич «Счастливая Ферхана» деб ёзган. 187-188-бетлар.

³ А.Кушакевич Хисравни «Хорсо» тарзинда ёзган.

Тонг отар пайтида чўлнинг мавж ураёттанини кўрган Ширин, шартта мувофик, никохга розилик берибди, буни эшитган меҳнаткаш Фарҳод кетмонини юқорига отиб, бўйинни тутиб турибди, кетмоннинг ўткир тифи унинг бошини узиб ташлабди. Фарҳоднинг фожиасини эшитган Ширин чўлга караб йўл олибди, у Хисравнинг бўйра ёзиб ҳийла ишлаттанини кўриб дарғазаб бўлибди, ўша ердаёқ кўксига пичоқ уриб йикилибди. Замонлар ўтибди, на Хисравдан, на унинг бўйраларидан ному нишон колибди. Лекин Фарҳод номи бокий бўлибди. Халқ Хўжанддан деярлик Кўштегирмонга қадар чўзилган дарё бўсағасини Фарҳоднинг меҳнати деб унинг хотирасини зъозолар ҳамда Фарҳод дарё ўзанини жанубга томон бурганда Жиззахдан Чинозга қадар чўзилган бутун Мирзачўл сувга маъмур бўларди, деб афсусланар экан.

А.Кушакевич баён этган эртак гўё аник содир бўлган воқеадек аник жой, табиий шароит ва географик атамалар билан боғланган. Бу эртакнинг худди шу жойларнинг ўзида туғилгани ёки эртакнинг мавзуи ва мазмuni аник жой, демакки, шу жойнинг аҳолиси, унинг ҳаёт шароити, орзу-интилиши ва бошкалар билан боғланиб, махаллий колорит билан мужассамланганини кўрсатади. А.Кушакевичнинг айрим жой ва географик номларга берган изоҳлари ҳам худди шундай хулоса чиқаришга хизмат қиласи. Бирок шуни таъкидлаш лозимки, А.Кушакевич эртакнинг **бадиий** кимматини саклаб колиш вазифасини ўз олдига кўймаган. Бинобарин изоҳ ва қайдлар баён орасига киритилган, ягона услугуб сакланмаган. Зотан, очерк характеристидаги асаддан буни талаб этиб бўлмайди ҳам. Муаллиф эртакка йўл-йўлакай мурожаат қилиб, уни ҳошияда баён этади. Лекин шунга қарамай,

А.Кушакевич маълумоти «Фарҳод ва Ширин»нинг халқ орасида кенг тарқалгани, сув масаласи унинг бош мавзуи бўлиб қолгани, қаҳрамонлар ҳам, уларниң фаолияти ҳам қадимги афсона ва ривоятлардан, ёзма адабиёт асарларидан фарқли ўлароқ ўз «географик ҳарита»сини ўзгартирганини кўрсатади. Сув ташналиги ва бу ташналикни бартараф этиш орзузи «Фарҳод ва Ширин»га янги умр багишлаб, унинг янги ва маҳаллӣ вариантларини туғдирди.

Н.Волинский қайта ишлаб шеър билан биттан Бекобод эртаги ҳам шундан далолат беради. А.Кушакевич илмий очеркда эртакка кўшимча бир материал сифатида мурожаат қилиб, ундан фойдаланган бўлса, Н. Волинский халқ ривояти асосида шеърий эртак битади¹. У эртакка «Сладкая царевна» («Чучук малика») деб ном беради. Муаллиф эртакка уч эпиграф ибтидо этади:

1. «Сахрова ташна кишига берилган бир томчи сув юз йиллик гунохни ювади... Ҳаётсиз ерни суторган киши гўё ўликка жон киритади. Кўкараётган экинзор Оллоҳдан уни экиб кўкартирган киши гунохини афз этишини тилаб, тиловат қилади (туркман, курд ва араблар эътиқодидан)».

2. «Мен дарёларни ўзим хоҳлаган томон окишга мажбур этдим, мен уларнинг фойдали бўлган жойлар-тагина окишини истардим. Мен ҳосилсиз ерни дарёларим суви билан сугориб, серхосил килдим (Малика Семирамида замонидаги ёзувдан)».

3. «L'Orient attend un homme... Il ne se fait rien de grand, que dans L'Orient» – «Шарқ бир инсонни кутяпти...

¹ Адабиётшунос Н.Кременцов 1957 йилда жамоатчиллик эътиборини қайтадан ушбу эртакка жалб этган эди. Каранг: «Забытый вариант сказания о Фархаде и Ширин», газ. «Правда Востока», 1957, 23 марта.

Барча буюклик Шарқда содир бўлади (Император Наполеон I сўзи)¹.

Шеърий эртак 7 бўлимдан иборат бўлиб, улардан ҳар бирин махсус ном билан номланган. «Царевна Ширин» («Малика Ширин») деб аталган биринчи бўлимда ҳикоя килиннишича, кадим замонда Бекобод саройида Ширин деган малика бўлар экан, ҳусну латофати, аклу фазилати оламга достон бўлиб, кўп шахзодалар, амир-амалдорлар, баҳодир йигитлар унинг висолини орзу килар экан. Уларнинг орасида Хисрав деган бухоролик соҳибжамол, Фарҳод деган хивалик баҳодир ҳам бор экан. Ширин куёв танлашга ошикмабди, у йигилган мулоzим ва меҳмонларга карата сўз сўзлабди. Шириннинг сўзи «Деладобра» («Яхшиликнингиши») ва «Дар Дарьи» («Дарёнинг армуғони») бўлимларида баён этилади. Ширин яхшилик чўлу саҳрого сув чикариб, у ерларни обод килишга қодир, донишманд Зардушт, Ҳурмуз шуни таъкидлаганлар, мен ҳаётимни чўлу саҳрого сув чикариб, у ерларни обод этиб, Аҳrimани мағлуб этиб, эл-юрга хизмат қилишга бағишлийман, шу йўлда менга ким ҳамроҳ бўлса, мўъжизалар яратса, иктиёrimни унга бағишлийман, дебди. Фарҳод шиддат билан ишга киришиб, мўъжизалар кўрсатибди. Хисрав эса жодугарнинг маслаҳати билан чўлга бўйра ёздириб, хийла ишлатибди. Ширин алданибди, бу шум хабарни эшитган Фарҳод ўзини ҳалок этибди.

Бу воеалар «Фарҳат и Ҳосров» («Фарҳод ва Хисрав») деб номланган тўртинчи бўлимда ҳикоя килинади. Бешинчи бўлим «Ширин и Фарҳат» («Ширин ва Фарҳод») деб номланади. Фарҳоднинг ҳалокатини эшитган Ширин даргазаб бўлиб Хисравни саройдан кувлади, Фарҳод

¹ Туркестанский литературный сборник... С.Петербург, 1900, стр. 57.

томон йўл олиб, унинг жасади устида ўзини шахид қиласди. «Бу ҳодисадан, – дейди муаллиф, – етти минг йил кечди, Хисравдан ному нишон колмади, лекин эл-юрт Фарҳод ва Ширинларни унутмайди, у (Фарҳод) дарёning йўлини чўлга буради, какраб ётган ерни сугориб, ўлкага жон бағишлайди». «Степной караван» («Чўл карвони») деб номланган олтинчи бўлимда сувсиз чўлда карвонларнинг кечирган азоб-машақати, сув келиб ҳаёт ва шоду хуррамлик ато этгани, Фарҳод ва Ширин руҳи шодлангани айтилади.

Шундай килиб, Н.Волинский «Фарҳод ва Ширин»-нинг ҳалқ орасида кенг тарқалган ва сюжети анъанага айланган вариантиларидан бирини танлаб олиб, уннайта ишлаб, китобхонга «Фарҳод ва Ширин» шеърий эртагини тақдим этади. Н.Волинский вариантида ҳам бош мавзу чўлга сув чиқариш бўлиб, Фарҳод ва Ширин ижобий қаҳрамон, Хисрав салбий образ сифатида талкин этилади, бош қаҳрамонларнинг ҳалокатига қарамай, эртак кўтаринки рух билан, асррий орзуларининг рӯёбга чикиши билан хотималанади. Н.Волинский танлаган вариант Бекобод атрофида пайдо бўлган, гарчи эргакда Хоразм ва Бухоро тилга олинниб, Хисрав Бухордан, Фарҳод Хивадан деб берилса-да, асосий воеа Бекобод атрофида, Мирзачўл сахроларида, Ширин юртида содир бўлади:

В пустынных степях Хорезмийской страны,
У мрачных порогов ворот Ферганы,
Где вечно бушует Дарьи водопад,
Жила дочь царя во дворце Беговад...¹

Муаллиф ҳалқ эртагининг сюжет ва композициясини, образлар системаси ва гоявий моҳиятнини саклаб колган.

¹ Уша срда. 59-бст.

Аммо у эртакка айрим күшімча ва кистирмалар кирилттан. Булар, баъзи мустаснолардан қатын назар, эртакнинг ғоявий мазмунини тұлдириш, хикоявий колоритини оширишга ёрдам берган. Иккінчи бўлимдаги Шириннинг чўлга сув чикариш тилагини қадимги асотирлар билан боғлаб баён этиш худди шу зайлдадир.

Зардуштийликнинг мұқаддас китоби «Авесто»да меҳнат, дәхқончилик мадҳ этилади, меҳнат билан, дәхқончилик билан Аҳриманни — ёмонлик ва коронгилик кучларини маҳв этиш мүмкин деб таълим берилади. Шириннинг сўзлари зардуштийлик ва «Авесто»нинг шу жихатлари билан боғлик. Ширин ковжираган чўлга сув чикариб, уни обод этмоқчи бўлди. У ўзига монанд диловар йигит, фидойи заҳматкашга ихтиёрини топширмоқчи:

Тому я, князья¹ свое сердце отдам,
Кто ключ от Дарьи мне положит к ногам,
Кто жажду безводных степей утолит,
И спящие земли водой оросит².

Шундай диловар ва фидойи киши Фарҳод бўлиб чиқди. У ҳалоллик билан ишга киришди. Хисрав эса макрхийла йўлига ўтиб олди. У номардлик билан Ширинга эришиб, Фарходнинг шижаотали меҳнатини барбод килмоқчи бўлади. Фарход билан Хисравнинг тўкнашуви, иккинчи сўз билан айтганда ҳалоллик, заҳматкашлик, фидойилик билан маккорлик, худбинлик ва айёрилик ўртасидаги тўкнашув эртакнинг асосини ташкил этади. Ширин, Фарход яхшилик ва ёргуллик кучини – «Хурмуз

¹ Муаллиф «князья», «бояре» каби рус жамиятига хос атама по упворларни ишлаттган. Бу упинг эртакни рус тилида бытиб, рус китобхонига тақдим этиши билан изохланыпци.

² Уша ерда. 60-бет.

кудрати»ни намойиш этса, Хисрав ва ялмогиз ёмонлик ва коронгиликни – «Ахриман кабоҳати»ни намойиш этади. Гарчи Хисрав кабоҳати туфайли Фарҳод бошлаган иш охирига етмай қолса-да, лекин яхшилик ва ёргуллик кучлари мавжуд экан, качон бўлмасин чўлга сув келади, эл мурод-мақсадига этади. Халқка, халқ ижодиётига хос бу ишонч ва зътиқод «Чўл карвони» бўлимидаги яхши ифодаланган. Лирик характердаги бу бўлимда чўл ва карвоннинг икки ҳолати контраст берилган:

I. Идет караван по горячим пескам,
По голым, безводным, сыпучим тропам.
Устал, истомился степной караван,
И страхом объяты сердца мусульман¹.

II. Идет караван по холодным пескам,
По сочным, пущистым цветущим тропам,
Вздохнул, осветился степной караван,
И радостны, светлы слова мусульман.

Карвон бўлими эртакни сюжет жиҳатидан ҳам, гоявий-бадиий жиҳатдан ҳам якунлашга мувофик ишланган муаллифнинг ижодий ютуғидир.

Эртак катъий бир ресна билаи битилган. Унинг етти бўлими бор, ҳар бир бўлим етти баиддан ташкил топган (жами 49 банд). Бандлар тўрт мисрадан иборат (жами 196 мисра), бутун асар жуфт кофия системасида бўлиб, мисралар ўн бир хижоли силлаботоник вазнададир.

Н.Ляпунова ёзиб олган вариант ҳам А.Кушакевич ва Н.Волинский вариантларига ўхшаб кетади. Аммо Н.Ляпунова ёзиб олган вариантида Фарҳод ва Шириннинг такдири бирмунча бошкачарок ҳикоя қилинади. Хисравга алданганини билган Ширин унга тегишдан кўра ўлимни

¹ Ўша ерда, ўша сахифада.

афзал күриб, бир ғорга кириб, ўша ерда «ғойиб» бўлади. Шириндан ажралганини эшитган Фарҳод ўзини сувга ташлаб ҳалок бўлади.

Шундай килиб, «Фарҳод ва Ширин» ҳалқ орасида кенг тарқалган эртаклардан бири бўлиб, бу эртакларнинг турли-турли варианatlари бор. Вариантлар сюжет, композиция, образлар системаси ва бошка жиҳатлардан бир-биридан фарқ қиласди, улар гоҳ Амударё, гоҳ Сирдарё, баъзан эса умуман «дарё» атрофида содир бўлган воеаларни хикоя қиласди. Лекин шу фарқ-тафовутига қарамай, улар моҳият зътибори билан муштаракдирлар. Сув мавзуи, чўлга ҳаёт багишлаш учун кураш, Фарҳод ва Ширин образлари бу муштаракликни вужудга келтирувчи манбадир. Ширин Шоҳ хотиннинг жияни, Ширин малика, Ширин бой кизи ва ҳоказо. Фарҳод ҳам – шаҳзода, бойнинг ўғли, камбагалнинг фарзанди ва ҳоказо. Лекин шу фарқ-тафовутига қарамай Ширин ҳам, Фарҳод ҳам биринчи наъбатда комил инсон, ҳалқ фарзанди, ҳалқ орзу-умидлари йўлидаги фидойи кишилар сифатида гавдаланадилар. Уларни насаб ва мансаб эмас, балки сув учун кураш, арик очиш, ҳаробаларни обод этиш маслаги бир-бири билан яқинлаштиради. Воеалар ўз анъанавий «географик ҳарита»сини ўзгартириб, образлар ҳам «анъ-анавий маконни»нин ўзгартириб боради. Бу анъаналардан чекинищдир. Лекин эртак ижодкорлари анъаналардан ческинган бўлсалтар-да, улар ҳастининг эҳтиёжи ва тала-бидан чекинмадилар, балки унга яқинлашиб бордилар. Бинобарин, «Фарҳод ва Ширин»га ўз замон ва замин-ларининг руҳини киритдилар. Бу «Фарҳод ва Ширин» нинг янада кенгроқ тарқалишига, ҳалкнинг кундалик хаёти билан яшашига хизмат килди¹.

¹ Озарбайжон ҳалқида ҳам «Фарҳод ва Ширин»нинг эртак варианatlари бор. Кираанг: Низами эсэрларининг эл варианatlари. 1941.

Маълумки, Алишер Навоий хамсачилик анъан сидан мустаҳкам ўрин олган «Хисрав ва Ширин» ўрнига янги мазмун ва ғоялар, янги образ ва характерларнинг тажассуми бўлган «Фарход ва Ширин» достонини яратди. Навоий қалами билан анъанавий «Хисрав ва Ширин», «Фарход ва Ширин» томон тақмил толиб баркарор бўлди. Ўрта Осиёда таркалган шу мавзудаги Эртакларнинг ҳам кўпчилиги «Фарход ва Ширин» деб номланади, уларнинг бош қаҳрамони – ижобий образлари Фарҳод билан Ширин, Хисрав салбий образ сифатида талқин этилади. Таъкидланганидек, бу Эртакларнинг шаклланиши хронологиясини катый аниклаш мумкин бўлмаса-да, шуни дадил айтниш мумкини, уларнинг кўпчилигида Навоий достони излари равшан кўринади. «Фарход ва Ширин» ҳакида турли воситалар оркали маълум тасаввурга эга бўлган, Навоий дахосидан илҳомланган ҳалк ижодкорлари ўз муҳитига яқинлаштириб «Фарход ва Ширин»нинг Эртак варианatlарини яратганлар.

Навоий асарларининг «халқ китоби» туркумидан ўрин олиши, достонларининг эртак ва афсона варианtlарининг вужудга келиши «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» каби ҳалқ достонларининг пайдо бўлишинга замин тайёрлади.

«ФАРХОД ВА ШИРИН» ҲАМДА «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»НИНГ ҲАЛҚ ДОСТОНИ ВАРИАНТЛАРИ

Ўзбек ҳалқ шоирлари репертуари ҳалқ оғзаки ижоди асарлари билан бирга, келиб чикиши жихатидан адабиётга тааллуқли бўлиб, фольклор асарлари сифатида кайта ишланган кўпгина достонни, ўзбек мумтоз шеъриятига хос асарларини ҳам қамраб олади. Фольклор билан ёзма адабиётнинг бир-биринга таъсири оғзаки шеърият билан

бірга китобний адабиёттинг юксак мумтоз намуналарини яраттан барча маданий халқларда одатдаги ҳодисадир. Бу таъсир ҳар икки йўналишда намоён бўлади: ёзма мумтоз шеърият тараккиёти чўққисида ҳам халқ санъатидан ажралиб колмайди ва халқ ижоди анъаналаридан илҳомланади; ўз навбатида, халқ адабиётни тараккиётининг маълум босқичида мумтоз адабиёттинг таъсирида бойиб боради¹. Бу алоқалар «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» каби асарлар мисолида ҳам ёркин намоён бўлади. Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» каби достонларни яратишда халқ ижодиёти муҳим манба сифатида хизмат қилган бўлса, ўз навбатида шу достонларининг халқ варианtlарининг пайдо бўлишида Навоий мероси сарчашма бўлди.

«Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» халқ достонларининг шаклланиши тарихи, уларни ижод килган ва биринчи бўлиб айтиб юрган бахшиларнинг номи маълум эмас. Бу икки достон 30-йилларнинг охиirlарида машхур халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлидан ёзib олинган². Фозил шоир бу достонларни устози Йўлдош шоирдан ўрганганд экан³. Аммо Фозил Йўлдошдан ёзib олинганидан ташқари бу достонларнинг бошка варианtlари бизга маълум эмас. Бундан ташқари, халқ достонлари бевосита Навоий асарлари асосида вужудга келмай, балки халқ китоби, эртак ва киссалар воситасида пайдо бўлган. «...Бу достоннинг, – дейди М.Афзалов «Фарход ва Ширин»га ёзган «Сўзбоши»си-

¹ В.М.Жирмунский. Х.Т.Зарифов. «Узбекский народный героический эпос». Москва. 1947. Стр 279-280.

² «Фарход на Ширин» Б.Каримов, «Лайли ва Мажнун» М.Афзалов томонидан ёзib олинган, ҳар икки достон ҳам М.Афзалов томонидан нашрга тайёрланган.

³ «Фарход ва Ширин». Тошкент. «Фан», 1966. З-бет (М.Афзолов – «Сўзбоши»).

да, — халқ шоирлари репертуарига ўтиши ва мустақида
равишда куйланиши, Алишер Навоийнинг шу номдаги
асари, шунингдек, халқ орасида кенг тарқалган Фарҳод
ва Ширин номи билан боғланган афсоналар, халқ
китоблари, киссалар таъсири натижасида юзага келган
бўлса керак»¹. В. Жирмунский ва Ҳ.Зарифов фикрича,
халқ достони билан Навоий асари оралигига маълум
манба бўлиб, бу манба халқ китобидир. Халқ китоби
тили ва услуби матни мураккаброқ бўлган Навоий
достонлари матнига писбатан халқ шонрига якинрок
ва манзурроқдир. Шундай килиб, фольклоршунослар
Навоий достонлари билан халқ достонлари орасида
маълум бир восита — манба мавжуд деб хисоблайдилар.
Аммо бу восита — манба аниқ эмас. Лекин шундай бўлса-
да, В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифов таъкидлаганидек.
Фозил шоир репертуаридаги достонлар билан Навоий
асарларини киёсий ўрганиш катта илмий-назарий аҳа-
миятта моликдир. Чунки:

- а) киёсий ўрганиш халқнинг, халқ ижодкорларининг
Навоийга ва унинг меросига муносабатини белгилашга
ёрдам беради;
- б) киёсий ўрганиш халқ ижодкорларининг Навоий
достонларининг гоявий-бадний кимматини англаш дара-
жаси ва унинг асосларини саклаб колишини аниклашга;
- в) ёзма адабиёт билан фольклор анъаналярининг
узйин боғланиши ва бирга мужассам бўлишини ёритишга
хизмат килади.

Мана шу нуктаи назардан «Фарҳод ва Ширин»
хамда «Лайли ва Мажнун» достонлари ҳакида мулоҳаза
юритайлик.

¹ Уша асар.

«ФАРХОД ВА ШИРИН» ДОСТОНИ

«Фарход ва Ширин»да икки манба – ёзма адабиёт ва фольклордан ижодий фойдаланилган. Халк шоирлари достоннинг сюжети, композицияси, образлар системаси ва гоявий мазмунида «Фарход ва Ширин» (кисман «Хисрав ва Ширин») анъаналарига таянган бўлсалар, баён усули ва услубида, тил ва поэтикада фольклор анъаналарини давом эттирадилар. Фозил Йўлдош ўглидан ёзиб олинган «Фарход ва Ширин» кайси бир восита билан бўлмасин, ёзма адабиётдан Алишер Навоий достонига, айрим ўринлари билан Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин»ига яқин келади. Бу хусусан достоннинг сюжети ва композициясида равшанрок кўзга ташланади.

Фозил шоир достонидаги Чин ҳокони таърифи ва тавсифи, Фарходнинг туғилиши, унинг тош йўнишни ўрганиши, ҳазинада Шириннинг тасвирини кўриб, ошик бўлиши, Искандар тилсими, Ҳаким ва Бобо билан учрашув (Навоийда Сухайло ва Сукрот), Фарходнинг дев билан жангига, ҳоконнинг ўз тахтини Фарходга таклиф этиши, денгиз сафари ва унинг окибати, Фарходнинг ўз меҳнати ва шикояти билан Шириннинг меҳр-мухаббатини козониши, Хисравининг Фарход ва Ширин севгисига гов бўлиши, ялмогиз хийласи, тоғда каср куриш, арик очиш ва бошка эпизодлар, айрим жузъий чекпиниш ва ўзгаришларни хисобга олмаганда, Навоий достонига мувофик ишланган. Шубҳасиз, бу «мувофикалик»ни Умар Бокий халқ китоби тарзида ишлаган «Фарход ва Ширин» билан Навоий достони ўртасидаги «мувофикаликка тенглаштириб бўлмайди. Зотан, Умар Бокий вазифаси ўзга, халқ шоирининг вазифаси ўзга бўлган. Умар Бокий Навоий достонини киска насрый баёнда

китобхонларга тақдим этиш вазифасини ўз олди ва бунга эришган ҳам. Бундай вазифани амалда ошириш учун Умар Бокийнинг имконият донраси кенг бўлди, унинг кўл остида Навоий достони матни мавзуд ўзди. У чукур ва атрофлича китобий билимга эга эди, Шарқ мумтоз адабиётидан мукаммал таълим олган эди. Шу билан бирга, у ҳалқ ижоди, ҳалқ китоблари тажрибаси билан яқиндан таниш эди. Бинобарик у Навоий достонини мазмунан оригиналга максимум муваффакият билди, лекин ҳалқ китоби услубида муваффакият билди баён эта билди. Фозил шоир (унинг устози йўлдан шоир ҳам) ҳалқ ижоди мактабидан таълим олган, ҳалқ ижоди анъаналари билан камол топган эди. У мумтоз адабиёт билан, жумладан Навоий ижодиёт билан бевосига эмас, балки бавосита таниш эди. Шу билан бирга, у «Фарҳод ва Ширин»ни кўйлар экан, ўзигача ҳалқ ижодида шаклланган достон анъаналарига риоя қиласи, бадиҳа йўли билан ҳалқ ижодкориги сарҳадларига парвозд этар, ўз ижодкорлик ва ижрочилик санъатини ишга солар эди. Фозил шонидан ёнз олининг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» ган «Фарҳод ва Ширин»ни кўйлар экан, Ҳаким Фиродсаф, Ҳирмуни ва Ҳариф Зариф тубандагиларни кайд этган эдилар: «Саводи бўлмаган Фозил бу сюжетларни китоблардан эмас, балки ўз эпик мактабининг оғзаки анъаналаридан, китобий адабиётнинг бу асарлари ўзбек фольклори оғзаки анъаналарига муваффик кандай ўзига хос хусусиятлар билан шаклланган бўлса, ўшандайнича олдин!».

Навоий достонидаги Фарҳод шарафига касрлар юрилиши, Фарҳоднинг тош йўниши ва сурат солини санъатини

ўрганиши, хазинада сеҳрли сандикни кўриб, кизикиши ўзизларди Фозил шоир достонида тубандагича ифода-ланган:

«...Хокони Чин мамлакатидаги тош кесадиган, тошга нақшин туллар ўтилизадиган усталарни йигиб, шуларни кўриб вакти хуш бўлсин, деб бир томошахона солдирди. Фарҳод таблада от билан (таъкид бизники – Н.М.), подшоҳин ишлари билан ҳам иши бўлмади, кечакундуз шу усталарнинг қошида бўлди. Тош кесиб, накш килинган анжомларни билиб, кўнгли шуни ўрганмокда буди. Ўглининг бу юришини кўриб, подшоҳ номус киди...»

Кунлардан бир кун Хокони Чин ўглининг қўлидан ушлаб, «Шу касбни кўярми, дунёга кизикарми?» – деб газнахонага олиб кирди. Газнахонада тилла, гавҳар, лаъли, ёкут, зумрад, шамшир, пўлатларни кўрсатди. Фарҳод буларнинг хеч кайсисини ихтиёр килмади. Шундан сўнг у яна бир газнахонага олиб кирди. Бу газнахонада Фарҳод бир кутини кўрди. Кутининг шуласи ҳар ёкка уриб, газна уй ёруғ бўлиб турар эди. Фарҳод шу кутига кўл узатди. Шунда отаси: «Отабобомиз ҳам кутини тутишгани йўқ», – деб насиҳат килиб, ўглига бир-икки оғир сўз айтиб турган экан:

Жоним болам, мени хафа кильмагин,
Кўл узатиб бу кутини олмагин.
Бобо-бобокалонимиз туттан йўк,
Бу кутига сен ихтиёр кильмагин,
Бу кутига шуъласи ёлғон,
Сен кутига кўл узатма Фарҳоджон!
Караган одамлар кўп ҳалок бўлган...
Ўғли Фарҳод билганидан колмабди.

¹ Уша яспр. 50-бет.

¹ Ҳалқ талаФузизда «казина»дан кўра кўпроқ «ғазиза» ишлатилади.

Шу замон кутини кўлига олиб,
Шўъласи турибди дунёга уриб,
Бир очиб кўрмакка интизор бўлиб.

Бу кути подшоҳ Искандардан колган ойна экан. Фарҳод айтди: «Бунинг калити кани? Бир очиб кўрайин, бунинг сирти шундай, ичи кандай экан?» Отаси кўрсатнинг пушаймон килиб, Чинмочин мамлакатида бу нима воеа деб, мунахжимларни йигиб сўради. Улар хам билмади. Фарҳод: «Кутининг калитини топиб бер», – деб чаток киляпти. Шунда йигилган кишилар, мунахжимлар айтди: «Бунинг калитини бир Лукмон ҳаким, кўхна замондан колган киши бор, шу билмаса, биз билмаймиз». Фарҳод айтди: «У киши каерда бўлади?». Одамлар айтди: «Бизнинг Хитой давлатида, Ҳокони Чин мамлакатида йўқ. Магар бўлса шахри Юнонда бўлади. Ўлмаган бўлса, шахри Юнондан топилади», – деди.¹

Бу парча зикр этилган эпизодлар мазмуни Навоий достонига мувофик тарзда асосан сакланиб колган, ифода эса анъанавий халк достонларига хос эканини равшан кўрсатади. Қасрни «томушахона» деб олиниши, «Фарҳод таблада от билан... иши бўлмади», «Бунинг калитини бир Лукмон ҳаким... билмас» каби жузъий ўзгаришлар эпизодларининг асосий моҳиятига халакит бермайди. Навоий достонига «мувофик» келадиган бошқа эпизодлар хам деярли шу зайлдадир. Навоий достони анъаналари Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Фарҳод ва Ширин» сюjetи ва композициясида етакчидир.

Халк достони учун ёзма адабиётдан Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»идан кейин иккинчи манба бўлиб хитмат килган асар улуг озарбайжон шоюри ва «Фарҳод ва Ширин». Тошкент. Фан. 1966. 13–15-бетлар. Бундай кейин шу асарнинг фокат саҳифаларини кўрсатамиш.

мұтафаккири Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достонидір. Маълумки, Низомий асарлари ўйында таниш ва манзур бўлиб келади. Шубҳасиз, халқ шоирларини хам бавосита бўлса-да, Низомий, Хисрав Дедлавий, Жомий каби форс-тожик тилида ижод этган буюк сўз санъаткорлари хакида халқ тасаввурга эта бўлганлар, улардан баҳраманд бўлганлар. Халқ шоирлари зинхор саводхонлар даврасидан ташкарида бўлган эмаслар, баҳшилар билан шоирлар ўртасида ижодий алоқа ва ҳамкорлик бўлган, шоир халқ баҳшиси билан мушоира килган, иккинчи бирининг «адабий маъррака»сида иштирок этган. «Фарход ва Ширин»нинг халқ вариантини яратган ижодкорларнинг ҳамсаҳонлар даврасида катнашиб, Низомий достонини, унинг таржи-маси ва шархини тинглаган бўлиши ёки бошқа манба ва ғоситалар оркали «Хисрав ва Ширин» хакида маълум билим ва тасаввурга эга бўлиши мумкин. Бу холат, бир томондан, ёзма адабиёт билан фольклорининг, иккинчи томондан, ўзбек адабиёти билан бошқа халқлар адабиёти ўргасидаги ўзаро алоқаларни яна бир бор таъкидлайди.

Фозил шоир достонидаги бир неча эпизод Низомийнинг «Хисрав ва Ширин»ига монанд келади. Бу эпизодлар Хисравнинг Хурмуз томонидан жазоланиши, Хисрав билан Шопурининг дўстлиги, Хисрав билан Шириннинг бир-бирини севиши масалалари билан болжадир. Бирок Фозил шоир достонида Хурмуз ва Хисрав Жўрамиз ва унинг ўғли Шахзода (оти аталмайди) деб юритилади, унда Шахзодадан бўлак яна Хисрав образи ҳам бор. Анъянавий Хисрав образининг шахзода ва Хисрав образларига бўлинниб кетиши сабаби ва жараёни хакида аник фикр юритмоқ мүшкул. Лекин цуни таъкидлаш лозимки, анъянавий Хисрав образининг Шахзода ва Хисравга бўлинниши достони...

композициясида бирмунча парокандалик ва чалкашликни вужудга келтирган, Хисрав образини номукаммалпроқ килиб қўйган. Эҳтимол, айни бир вақтда ҳам Низомий достонидаги Хисравни, ҳам Навоий Хисравини саклаб қолиш тилаги шунга олиб келган бўлиши мумкин. Зотан, Низомий ва Навоий яратган Хисрав образини (келиб чикиши жиҳатидан бирлиги ва бир қатор муштарақ ҳусусиятларига қарамай) бир образда мужассамлаштириш мумкин эмас. Шунинг учун бўлса керак, ҳалқ ижодчилари бирини Шахзода, бирини Хисрав деб олганлар.

Энди ўхшаш эпизодларга ўтайлик.

1. Низомий достонида:

Ануширвони Одилдан кейин Эрон таҳтига унинг ўғли Хурмуз чиқибди. Хурмузнинг ўғли, ўлса таҳтга вориси йўқ экан. Хурмуз тиловат килиб ўғил кўрибди, унга Хисрав деб ном берибди. Хисрав жуда гўзал, ақлли, фаросатли ва ҳар томонлама комил йигит бўлиб етишибди. Хурмуз уни жони-дилидан яхши кўрар эди.

Отаси Ануширвони Одил изидан борган Хурмуз, кимки бирорвга жабр-ситам қилса, экин-тикинига талафот етказса, ахл-аёлига ёмон кўз билан караса, ким бўлишидан қатъи назар, каттиқ жазога тортилади деб фармон чиқарибди.

Бир маҳал овга чиққан Хисрав бир кишлоқ яқинига кўниб қолибди, чодир тикиб, кечгача айш-ишрат килибди. Кеч кирибди. Шахзода кишлоқ хонадонларидан бириникда тунашни ихтиёр килибди. Айш-ишрат узок давом этибди, май куйилиб, чангут тарона жўр бўлибди. Шахзода айш-ишрат билан банд экан, оти қозикдан бўшаб, экинзорни пайхон килибди, бир кули бокка кириб, гура узибди...

Эрталаб Хурмузга Хисравнинг шоҳона амру фармонни бузгани, номақбул ишлар қилгани ҳакида маълумот бериб:

«Гар ин бегонае карди, на фарзанд,
Бибурди хонумонашро худованд.
Занад ба ҳар раге фасод сад неш,
Вале ласташ биларзад бар раги хеш»¹.

ъни: «Агар бу ишларни ўғлинг эмас, бегона киши килганда худованд хонумонини барбод этарди. Ҳа, табиб ўзгалар томирига юз ништар уради-ю, лекин ўз томирига келганда қўли калтирайди,» – деб таъна киладилар.

Хурмуз хукм килади:

Мулук фармуд, то ҳанжар кашиданд,
Таковар маркабашро пай бурданд.
Гуломашро ба сохиби гўра донанд,
Гулоберо ба хоки шўра донанд.
Дар он ҳонаки буд он рўз раҳташ,
Ба сохиг ҳона бахшиданд раҳташ,
Пас онгах нохуни чангий шикастанд,
Зи рўйи чангаш абревум гусистанд...²

(Мулук буорди: отнинг пайлари ҳанжар билан кесиб ташлансин, кул гўра эгасига берилсин, гулоб шўртулпрокка тўкиб ташлансин, у уйга олиб борилган барча буюмлар уй эгаси ихтиёрига топширилсин. Шундан кейин чангчининг нохунини синдириб, чангги устидаги ипак жилтни йиртиб ташладилар). Үргага обрули-эътиборли кишилар тушгани ва кечмиши ҳодисаларга бевосита Хисравнинг ўзи айбор эмаслиги учун отаси Хисравнинг қонидан кечади...

Фозил шоир достонида ушбу эпизод тубандагича берилган:

¹ Низомий Ганжавий. «Хисрав ва Ширин». Илмий-танқидий матн, араб ёзуvida, Боку, 1960, 82-бет. Матнда «Фассод» хато билан «Фассор» бўлиб кетган.

² Зикр этилган нашр, 83-бет.

«Фарҳод бунда ишлаб, бу ишларни тузатиб ётсин.
Энди отбоқар Шопур отни ташлаб бу шаҳардан чиюб
кетди. Фарҳод ҳам буни қаёкка кеттанини билмади.
Шопур бу шаҳардан чикиб поин пиёда, калласи оқкан
ёкка кетиб бораётир эди, Мехинбону, Ширин, Фарҳод
билмади. Неча муддат йўл юриб, бир кунлари бир
шаҳарга борди. Бу шаҳарнинг подшосини Жўрамиз др
экан. Ул жуда фуқаропарвар экан. Халқини чакиришиб
кўйган эди. «Бир киши фуқаромга зарар етказса, кулок-
бурнини кесиб, бу шаҳардан йўқ килиб юбораман» –
деб эди. Бу подшоҳга кўриниш берди, подшоҳ суради:

– Нима касб киласан? Шириннинг давлатидан
бориб, бунга ҳам: – Кўлимдан хеч нарса келмайди,
бир отбоқарлик келади, – деди. Шунда бунга ҳам
отбоқар бўлди.

Подшоҳнинг бир шаҳзода ўғли бор эди. Ўғли билан
ҳамдам бўлиб от бокиб юрди. Бунинг канча канизи,
тўрт юз йигити билан шаҳзода богда ўйни килиб
юрар эди. Бир куни томошага жўнади. Томоша килиб
тогу тошлиарни, баҳорли ерларни кўриб, бир бойининг
чорбогига кириб, тўрт юз одами билан, канча канизак
хотинлар билан кўнди. Эрта билан бой чорбогидан
хабар олди. Бу ахволни кўриб подшоҳнинг кошига
бориб, буларнинг устидан арз килиб турган экан...

Бу сўзни эшитиб, подшоҳ жаллодларни чакиришиб,
бир сўз айтиб турган экан:

Ҳаялламай, жаллод, шундан боринглар,
Бориб бойининг чорбогини кўринглар,
Ким бўлса ҳам қараманглар бетига,
Кесиб бопини вининг нобуд килинглар!
Неча каниз бирга бўлса кошида,
Сочин кесиб одамларга беринглар!

Хаялламай боринг бул замон босиб,
Отларнинг барини оғгин кесиб,
Шундай килиб жазосини беринглар,
Халқка ибрат бўлсин, ондай килинглар...

Жаллодлар чорбог борди, борса ҳаммаси маст бўлиб ётиби: Ҳайвонлар чорбогда ҳарна бор ўтини сб, гулларни оёк ости килиб, ёш новдаларни синдириб юриби. Шунда жаллодлар отларнинг оғгини кесди, канча одамларнинг кулоқ-бурнини кесди, нечаларни ўлдириб юборди, канизак хотинларнинг сочини кесиб, чаккон килиб ҳар кимга бериб юборди. Шахзодани ўлдирмай, икки қўлини орқасига боғлаб жаллодлар подшохнинг кошига олиб келди. Подшох кўриб: «Буни нега, ўлдирмай ҳайдаб келдинглар» деди. Халқка ибрат бўлсин, деб шахзодани зинданга солди. Шахзода бир куни зинданда оху фарёд килиб ётар эди, Шопур от бокиб юриб, буни эшишиб, подшохнинг кошига келиб, ўгининг гунохини тилаб турган экан:

Жафо торгиб ширин жоним бу танда,
Бир шахзода фифон килар зинданда...

Бир мусофир тушиб энди орага.
Гунохидин ўтинг, шохим, садага.

Шопур бу сўзларни айтиб тургандан сўнг, шахзодани «Зиндандан чикариб ол, бўлмаса»,¹ – деди.

Бальзи деталлардаги ўзгариш, халқ ижодига хос ўта муболага ва бошка хусусиятиларини хисобга олмаганда, келтирилган парча ўз моҳияти билан Низомий достонидаги эпизодга мувофиқдир.

И. Низомий достонида Шопур рассом бўлиб, Шириннинг суратини ишлаб Хисравга кўрсатади, Хисрав Ши-

¹ 41–43-бетлар.

ринга ғойибона ошики бекарор бўлади; шунингдек, у Хисравнинг суратини Ширин сайр киладиган жойга илиб кўяди, гўзал шахзода суратини кўриб Ширин ҳам уни севиб колади...

Худди шунга монанд эпизод Фозил шоирнинг «Фарқод ва Ширин»ида ҳам бор. Шопур бир қанизагининг фироқида каттиқ алам-изтироб чекаётган шахзодага тасалли бериб, «Эрон мамлакатида Ширин деган бир киз бор... Осмоннинг остида, ернинг устида Шириндан сулув киз бўлмайди¹, дейди. Шопур Эронга йўл олади, Мехинбонуга ҳам отбоқар бўлиб ишга ёлланади.

«...Ширин бир куни токка кизлари билан, одамлари билан томошага чиқди. Ширин тушадиган ерга Шопур бир когозга сурат тортди. Ширин олиб кўрайин деганда бир қанизи ёнбошидан келиб Шириндан юлиб олиб, ўраб киссасига солиб кўйди... бу одам бир иш бошлайин, деб юрган одам экан, бирорни кўрсатиб, Ширинни жални килиб юрмасин, деб олиб киссасига солди, шунда томошадан қайтди...»² Шундай килиб, Ширин билан Шахзода Шопур туфайти бир-бирини севиб колади, Шопур бирининг таъриф-тавсифини айтса, иккинчя бирининг «суратини тортади». (Низомий достонида Шопур Хисравга Шириннинг суратини чизиб таърифлайди, Фозил шоирни эса бу сўз билан бажарилади. Низомий достонидаги Хисрав Фозил шоирда бу эпизодда ҳам Жўрамиз шохнинг ўтли шахзода деб берилади.)

III. Икки достондаги муштарак эпизодлардан яна бири чашма билан боғликдир.

Фозил шоир достонида бир-бирини излаб Шахзода билан Ширин йўлга тушишади. Ширин «Шахзоданинг ишкибозлигида қамчи урди, от бир кўтарилиб, уч ошлиқ

¹ 44-бет.

² 45-46-бетлар.

йўлга тушиб эди... Бир чашмани кўрди. Чашманинг бўйида Ширин отдан тушиб, кун иссик, бир чўмилиб салқинлаб олай деб, шунда кийимларини қўйиб чашмага кирди. Кирк кундан бери Жўрамизнинг Шахзода йўлга караб, Шолурнинг ё ўзи келмади ё хабари келмади. Бир ёлғончимикан, бу падар лаънати мани алдади, энди шу кизни ўзим бориб кўрмасам бўлмас, – деб отланиб йўлга чикди. Бораётуб кўрди, бир чашманинг бошида бир от турибди. Бир киз гусул килаётубди. – Ке, бу туришда ялангоч экан, устига борсам одобдан эмас. Сувдан чикиб кийимларини кийсин ундан кейин бориб, гаплашаман-да, – деб отидан тушиб, отга суюниб, орқа бетини кизга каратиб турди. – Сувдан чикдимикан, – деб бир палла ўнгарилиб қараса, киз йўқ...»¹

Ҳар икки достондаги эпизод моҳияти эътибори билан бир-биридан фарқ қилмайди. Асосий фарқ шундаки, бу эпизодда ҳам Низомий достонидаги Хисрав Жўрамиз шоҳининг ўғли Шахзода билан алмаштирилади.

Худди шунингдек, Фозил шоир достонидаги Шахзоданинг Румдан лашкар олиб келиб, ёвни енгиб отаси таҳтини эгаллаб олиши, Рум шохи қизига уйланиши Низомий достонидаги Баҳроми Чубин исёни, Хисравнинг Рум қайсари қизи Марямга уйланиши эпизодига монанддир.

IV. Фарҳоднинг аrik очиши, ҳовуз бунёд этиши эпизодида ҳам «Фарҳод ва Ширин» достонининг халк варианти билан Низомийнинг «Хисрав ва Ширин»и ўргасида маълум муштараклик бор.

Низомий достонида ҳикоя килинишича, тоғдаги касрида яшаган Ширин янги согилган сут йўклигидан каттиқ кийналар экан. Атрофда айкотовонга (чиноракка) ўхшаш заҳарли ўтлар ўсиб, сигир бокиб бўлмас, яйлов

¹ 52-54-бетлар.

эса жуда узок экан. У бу хақда Шопур билан сўзлашган экан, Шопур яйловдан қасрга қадар ариқ очиб, сутни шу ариқ орқали қасрга келтириш мумкин, деб маслаҳат бериди ва тоғ-тош кесиш, ариқ очишида тентсиз уста бўлган Фарҳодни бу мураккаб ва мушкул ишни адо этишга тавсия килиди...

Энди «Фарҳод ва Ширин»дан парча келтирайлик:

«Бу шахар подшосининг оти Махинбону эди. Бунинг бир Ширин деган синглиси бор эди. Опасининг қизи эди. Мендан кейинн подшохлик Ширинники, деб ўзини **хам** яхши кўтар экан. Шириннинг минг йигити бор эди, тўрт юз канизак қизлари **хам** бор эди. Бу гулистанда ўйин қилар эди. Ширин йигитларга қанд-новвот солиб, ҳар кун бир коса шароб берар эди. Минг йигит, тўрт юз қиз кўлидан шароб бериб, етказмаклик жуда мушкул бўлиб коларди. Бир куни Ширин айтади: – Бир иш бошласак, ботмонли ер тош билан парчаланган ховуз бўлса, тош кесмоқни билган киши бўлса, икки тош, уч тош йўлдан тошдан нов бўлса, тогнинг нари ёғида дарё бор, дарёдан ариқ олиб, шул арикка яраша сув чикарса, тогни кесиб, шу нов, ховуз битгандан кейин, икки минг, уч минг сингир бўлса, ҳалқ соғиб, шул новдан оқизиб юбора берса, канду новвотга ховузни ярим килиб кўйса, сут билан сув аралашиб келиб ховузга, канду новвотнинг устига тушса, тош ховуз лаб-болаб бўлиб турса, ҳарчанд оқкан билан озаймаса. У ёқдан нов билан келиб турса, йигитларга косани тўлдириб, қизларим ўзларин ичиб юра берса...»¹

Бахтиёр ва фаровон ҳаётни орзу қилган ҳалқ ҳаёлан бўлса **хам** сут ва шароб окувчи ариқ, ховузларни ижод қилган эди. Низомий достонидаги эпизод **хам**, ҳалқ достонидаги сут оқкан нов, канду новвот, шароб

¹ 32-33-бетлари.

тұла ховуз ҳам ҳалқнинг хаёлотига асосланған. Дин, Таврот ва Қуръон бундай аrik ва ховузларни жаңннатда вада қылса, кишилар уни шу мавжуд ҳаётнинг үзіда қүрішни, уни яратиши орзу килар эдилар.

Шундай килиб, Фозил шоир достонининг бош манбаи Навоийнинг «Фарход ва Ширин»идір, Низомийнинг «Хисрав ва Ширин»идан эса ҳалқ ижодкор бир неча эпизодни олган. Булардан Ҳурмұз ва уннинг адолати, Шахзодага каттық танбек бериши орқали адолат гояси тарғиб этилиб, «адолатлы подшох» образи тасвир этилса, «Нов ва ховуз» воқеаси орқали ҳалқнинг фаровон ва баҳтиёр ҳаёт ҳакидаги орзуси күйланади, «сурат торпнш» ва «чашма» каби эпизодлар севги романидаги романтикани, ҳикоявий ҳолатни кучайтиришга хизмат килған. Лекин, такрор айтамиз, достонта ҳам Хисрав, ҳам шоҳ Жұрамизнинг үғли Шахзода образини киритиш достоннинг ғоявий-бадити кимматига катта путур етказған. Фозил шоирдаги Хисрав «Навоий Хисрави»га мувофік бўлса, Шахзода аслида «Низомий Хисрави»га мувофікдир. Бу икки Хисравни бир достон таркибига киритиш сюжет ва композицияда парокандалик түғдиргани каби, образлар талқининга ҳам салбий таъсир этган. Бир неча эпизодда катнашған Шахзода кейинн «унутилади», уннинг фаолияти аро йўлда колиб кетади, натижада бу образ нотамом колиб кетиб, ундан кутилған ғоявий-эстетик мақсад англашилмайди. Бундан ташқари, Шахзода образи достоннинг бошқа қаҳрамонлари талқининга ҳам салбий таъсир этган. Масалан, Ширин ва Шахзода билан бөглиқ эпизодларда, Навоий (шунингдек Низомий) достонидан фарқлы уларок, ишқда bekарor, эхтиросга берилиб кетган аёл киёфасини олиб колади. Дам Фарход, дам Шахзода томонида туриб хизмат килған Шопур образи ҳам хийла

Парокандароқ ва ҳатто, бетайинрок булиб қолган. «Халқ достонида аввал Фарходга чин дүст булган Шопур, кейинчалик Фарход бошига оғир кунлар тушганда, ўз-ўзидан ғойиб булиб кетади. Бу жихатдан, Шопур образининг мукаммал ишланмаганини кўрамиз».

Фарҳод ва Ширинга киритилган бир катор ўзгаришлар бевосита фольклор замини билан, халқ ижоди руҳи унинг анъана ва тажрибалари билан боғлиқдир. «Фарҳод ва Ширин»га халқ достони хусусиятлари бағишлиланган манба мана шу фольклорнинг ўзири.

Маълумки, умидсизлик халкка, халқ ижодиётига ёт. Халқ асарлари аксари ижобий қаҳрамонларнинг галабаси, мурод-максадига стиши билан тугалланади. Бу хусусият «Фарҳод ва Ширин» халқ достонига ҳам хос. Алишер Навоий адолатнинг тантанасига, инсоннинг эрк топиб баҳтиёр булишига комил ишонч билан карап эди. Шу ишонч унинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам ўз ифодасини топади. Хисравнинг жабрзулми ва макр-хийласи туфайли Фарҳод ва Ширин ва Мехинбону ўладилар. Лекин достон кутаринки хотима билан тугалланади. Фарҳоднинг кўкалдоши Баҳром Арманистонга келади. Арман элига етказилган зарарзиённи отасини ўлдириб Эрон тахтини эгаллаган Шеруядан тўлаттириб олади, Арманистонда осойишталиқ ва адолат ўрнатиб, Мехинбонунинг кариндошларидан оқил ва одил бир кишини тахтга кўтаради. Лекин бундай хотима ҳам халқ асари учун камлик килади. Чунки Фарҳод ва Ширин ўлган бўлади. Халқ асарида қаҳрамонлар ўлмай омон колиши, мурод-максадига эришиши керак. Фозил шоир достонида худди шундай бўлади. Жанг билан ҳам Ширинни кўлга киритолмаган Хисрав макр-хийла йўлига ўтади, шум кампирни ишга

1 М.Афзалов. «Сўзбоши» (Фарҳод ва Ширин, 9-бет).

солади. Ховуз ва ариғини битказиб, «кам-күст ишларини битириб тог бошида юрган» Фарҳод кошига белган Ялмогиз:

Кўп йингладим бунда мен ҳам доду дод,
Йигламай қайтайн бўлди киёмат,
Шундай Ширин болам дунёдан ўтди,
Мехнат тортиб бунда жафолар чекдинг,
Бу меҳнатинг зое бўлди, эй Фарҳод! –

деб тоғ-дарани бошига кўтариб фарёд чекади. Ҳалк эртакларида ялмогиз ва дев каби кабоҳат ва разолатнинг рамзи бўлган кучлар қаҳрамонларнинг бошига кўп кулфат ва изтироб соладилар, лекин уларни маҳв этолмайдилар, охируламр қаҳрамон ялмогизни ҳам, девни ҳам енгади. Фарҳод ҳам шум кампирга ишонмайди. «...Фарҳод тош кесадиган олмос чўкичи билан кампирни шундай урдики, пора-пора бўлиб, айёрлиги бошига етиб дунёдан ўтди. Шунда Фарҳод айёр кампирнинг ёғидан ушлаб тоғдан сувдаги нарсалар ҳам бир нима есин, деб дарёга отди». Ялмогизнинг маглубияти Хисравнинг маглубиятидир. Фарҳод ва Ширин турли-туман тўсикларни енгиб, эл-юргта тўй-томоша берадилар. Шоир «Фарҳод ва Ширин»ни анъанавий хотима билан яқунлаб:

... Ўйинчилар карнай-сурнай кўяди,
Тўй бошлиди, неча моллар сўяди,
Ширин, Фарҳод учун мунда тўй килиб,
Тўйга қолган барчанинг кўзи тўяли,
Шундай килиб максадига етади, – дейди.

Бу кўтаринки хотима достон қаҳрамонларининг жанговарлик рухига уйғундир. Навоий достонида Хисрав ва унинг қўшинига карши Фарҳод узок ва мардона кураш

олиб борса, халк достонида Мехинбону ва Ширин, канча лашкар ва тўрт юз каниз жангта шай, улар куч-куватда, харбу зарбда Фарҳоддан қолишмайди.

«...Шунда Хисрав томондан майдонга тушиб айлан-ганини кўриб, Ширин тўрт юз канизи билан от ўйнатиб майдонга кирди. «Эй ботирлар, кел майдонга» деб Ширин бу сўзларни айтарди:

Хисрав, сенам ахмок бўлдинг,
Кўп лашкарман бунда келдинг,
Қон тўқмакни ҳавас килдинг,
Талаб килсанг кел майдонга,
Кечарман майдонда жондан,
Жон узилса ширин тандан,
Хаёл-кўнглиинг Хисрав ташла,
Умид узгин Ширинхондан...
Жонинг бўлса талаб килиб,
Хисрав, ўзинг кел майдонга...»

Мехинбону, Ширин ва канизлар кўпдан-кўп халк достонларида жанговар аёллар, Юнуспари, Барчиной, Қалдириғоч ва бошқалар каторидан ўрин олади. Жанг эпизоди тасвири, В.Жирмунский ва X.Зарифов таъкидлаганидек, халк эпосидаги қаҳрамонлик саҳналари тахлити дадир.

Фозил шоир достонининг яна муҳим бир ҳусусияти қаҳрамонларнинг демократлаштириб берилшидир. Навоний достонида ҳам Фарҳод, Ширин ва Мехинбону каби ижобий образларнинг мақсади ва фаолияти халк манфаатлари билан, халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун кураш билан чамбарчас боғлик. Халқ достонида, шу билан бирга, ижобий образлар, масалан Фарҳод ва Шопур бевосита халқнинг энг оддий меҳнаткаш табакалари каторидан ўрин олиб, бирга яшайдилар. «Бир тахта порада ўзи колган»

Фарҳод дарёдан чикиб, нотаниш жойларга келганини билib, молларини ўтга кўйин ётган карвонларга дуч келади, «карвонлар ичиди Шопур деган бир киши бор эди», шу билан танишади. Улар «Шу айносда юриб, бир шаҳарга етди. Бу шаҳар Эрон давлатига тобе. Шу Шириннинг шаҳри, бориб, шаҳарда у бир кун дўконда ётди. Иккови энди ўйлашиб, – нима тириклик киласиз, – деди. Шопур айтди. – Энди нима касб килсак? Баззозлиқ килгани давлатимиз бўлмаса, дўкондорчилик килишга ҳам қувватимиз етмаса, икковимиз ҳам бир камбагал одаммиз. Энди биз бир жойни ижарага олиб, ҳар куни мардикор бозорига чиқиб, мардикор ишлаймиз, – деб оқшом маслаҳат килди. Иккови мардикор ишлаб юрди...» Фарҳод Мехинбону ва Ширинга тош кесувчи мардикор, Шопур эса отбоқар бўлиб ишга тушади. «Мардикор», «отбоқар» бўлиб ишлашижобий образларни халқнинг куйи меҳнаткаш табакаларига, вокеликни аниқ – тарихий шаронитга, XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари – ёлланма мардикорлик кенг ёйилган даврга якинлаштиради. Қаҳрамонларнинг бир-бирига муносабати, сухбати ва савол-жавоби ҳам содда, оддий, халқчил ва халқбопдир. Шаҳзоданинг (у Низомийда Хисрав) отасини Жўрамиз (Низомийда Хурмуз) деб номлаш ҳам, бизнингча, халқ ижодкорларининг ошкора шитилиши натижасидир. Жўрамиз одил шоҳ тарзида талқин этилади, унинг тасвирида биз, бир томондан, Низомий достонига хос анъананинг сакланганини, иккинчи томондан, Гўрўғли туркумидаги адолатли подшохлар, халқнинг ўзи таҳтта кўтарган хукмдорларга ўйғунликни кўрамиз.

Достонни халқ достонларига якинлаштирган муҳим омиллардан бири от образидир. Тўғри, Низомий достонида, Навоий достонида ҳам от ва от билан боғлик

эпизодлар бор. Лекин, Фозил шоир достонида от қаҳрамонларнинг доимий ҳамрохи, йўлдоши сифатида тасвир этилади. Қаҳрамонлар отда юришади, от билан жангта киришади, от бир зумда бир неча ойлик манзилга олиб боради, от туфайли Ширин Мехинбонудан аразлайди ва ҳоказо. Хуллас, бошқа ҳалқ достон ва эртакларида бўлганидек, «Фарход ва Ширин»да ҳам воқеалар ривожи, қаҳрамонлар фаолияти ва тақдирида от муҳим ўрин туттан бир образдир. Бу шу достонни яратган ҳалкнинг турмуш шароити билан, отнинг чорвачилар ва деҳконлар хаётида туттан ўрни билан боғлиқдир.

«Фарход ва Ширин»ни ҳалқ асари сифатида мужас-самлантирувчи эпизодлар, деталлар жуда кўп. «Фарходнинг жасади кундан-кун етилиб, бир алп – полвон сурат бўлди. Сўнгра кам-кам подшоҳлик билан, бу шоҳлик шавкатлар билан иши бўлмайдиган бўлди. Сўнгра отланиб юз йигит ҳамро килди». (Фарходнинг ёшлиги), дарёда бир-биридан айрилиб колган отанинг Фарход фирокида «Кўлимдан кетди кулуним, Кўзимдан айрилиб қолдим, Давр олиб учди булбулим. Боламдан айрилиб қолдим» деб фарёд чекиши, Фарходнинг «Бундан борсанг боди сабо, Ул ёрга салом дегин», деб сабо оркали ёрига салом йўллаши, Фарход билан Шопурнинг оға-ини тутиниши, Ширинни Шахзода канизакларининг тутиб олиб уриши, Шириннинг Шахзодага таъна килиши эпизоди ва бошқа-бошқалар ҳалқ достонларидаги эпизод ва лавҳалар таҳлитидадир.

«Фарход ва Ширин»да романтика, фантазия жуда кучлидир. Агар ёзма адабиёт асарларида мана шундай романтика, фантазия бўлмаса, ундан асарларнинг ҳалқ ижоди бисотига ўтиши, кайта ишланиб фольклор вариантининг вужудга келиши амри маҳолдир. «Фарход

ва Ширин»даги халқ ижодига ҳамнафас романтика ва фантазия унинг халқ достони сифатида қайта ишланишига жуда қўл келган эди. Халқ ижодчилари достондаги фантазия ва романтиканни янада кучайтириб юбордилар.

«Фарҳод ва Ширин» бошка халқ достонлари каби наср билан назмнинг уйғулигига яратилган. Унда воқеа ва ҳодисалар кўпинча наср билан баён этилса, лирик ўринлар: қаҳрамоннинг руҳий кечинмаси, ички монологи, бахшининг воқеага муносабати, таърифтавсифи ва бошқалар шеър билан ифодаланади. Бошланмалар анъанавий тарзда бўлиб, воқеадан воқеага ўтиш усули ҳам кўпчилик халқ достонларига хосdir. Унда мусажжаъ ҳам бор. Шеърлар поэтика жиҳатидан хилма-хилдир. Уларда хижко вазнининг турли ўлчови кулланилган. Кофия тизими ҳам бир-биридан фарқ килади. Шеърларда:

«Халқ айтади «тош чопмок» деб,
Мен айтаман «гул термок» деб,
Хизмат килай Ширинжонга,
Ёру дилдор – меҳрибонга...»¹ –

каби сайкалланган мисралар билан бирга, бўш ва ҳароратсиз мисралар ҳам бор. Достон «Балиқнинг тириклиги сув билан», «Узумни е, бобини сўрама», «Қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга» каби халқнинг макол-матал ва турли-туман иборалари билан зийнатланган.

Шубҳасиз, «Фарҳод ва Ширин» достонининг халқ варианти асрлар давомида қайта-қайта ишланиб пардозланган, халқ ижодкорлигининг юксак чўқкиси бўл-

¹ Нозим Ҳикмат. «Бир севғи ағсанаси». Ўзловиашр, 1953.

күчид бориши, Қайснинг Лайлилар манзилида колган кўтиригни эъзозлаши, Қайснинг Новпал (Навфал) билан танишуви, Новпалнинг жанг қилиб бўлса ҳам Лайлини олиб беришга аҳд этиши, Қайснинг жантни тұхтатиши, бу билан Лайлини отасининг тигидан саклаб қолиши, Лайлиниң Ҳаким ўғлига (Навоийда Ибни Салом), Қайснинг Новпал қизига тўй қилиниши, Новпал кизининг ўз севгани борлити, Ҳаким ўғлининг касали тушиши, Қайснинг Новпал қизига баҳт тилаб ундан йироклашуви, Ҳаким ўғли касали тутгандан кейин ота-онаси, қариндошуруғи тўйдан ҳам, Лайлидан ҳам воз кечиб ўз масканияга кайтиши, Карвоннинг (Навоийда Зайд) ошик-маъшукка кўмаги, Қайснинг кўй терисини ёпиниб, Лайлилар манзилига бориши, Қайс ота-онасининг алам-ҳасратда дунёдан ўтиши ҳикоя қилинади. Ниҳоят достонда ота-она аввалги шаҳди ва аҳдидан кайтиб, Лайлини Қайсга никоҳлаб берадилар, ошик-маъшук мурод-максадига етади:

... Азоб-уқубати бариси кетди.
Лайли-Мажнун шуйтиб максадга етди,
Охири Лайлини Мажнун олибли,
Бу дунёда даврон суринб қолибди...¹

Шундай қилиб, ҳалқ достонида Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»идаги кўпчилик эпизодлар сакланиб колган. Мазмунаш ҳам бу эпизодлар бир-бирига якин. Шунингдек, ҳалқ достонидаги қаҳрамонларнинг фаолияти ва маънавий киёфаси, асосан, Навоий қаҳрамонларининг фаолияти ва маънавий киёфасига мувофик келади. Ошик-маъшукнинг мурод-максадига етувчи хотимани мустасно қилганда, ҳалқ достонидаги ўзгариш ва тафовутлар

¹ «Лайли ва Мажнун». Тошкент. «Фан», 1968. 84-бет. (Кейинги ўринлашда шу нашрдан олинган миссолларнинг бетигина кўрсатиб борилади.)

жузый харктерда бўлиб, Навоий достони мохияти ва концепциясига зид келмайди. Аслида ҳатто кўтаринки хотима ҳам Навоийнинг достондан кутган мақсад-муддаосига хилоф эмас. Навоий Лайли ва Мажнуннинг баҳтсиз севгиси ва фожиали тақдирини тасвирлаш оркали инсоннинг эрки, унинг ҳак-хукукини тахкир этувчи одат ва қондаларга қарши курашади, соғ ва самимий севгини, севгувчиларни химоя қилади. Бу ҳалқ достонига ҳам хосдир. Ҳалқ достонида ҳам Лайли ва Мажнуннинг баҳтсиз севгиси, уларнинг алам-изтироби тасвирланади. Лайли чордеворда қолиб кон ютади, Қайс тоғ-даштларда сарсон-саргардон кезади... Тингловчи Қайс билан Лайлиниң ахволига ачинади, улар билан бирга изтироб чекади, ошиқ-маъшукка шафқатсизлик килган кишиларга, одатларга қарши нафратланади. У ошиқ-маъшукнинг мурод-мақсадга эришувини истайди. Шу истак воқеаларни бошқача яқунлаш, хотималаш заруриятини түғдиради. Навоийнинг Лайли ва Мажнунга ачиниши, уларнинг севгисини тахкир этган кишилар ва одатларга қарши нафрати айни чоқда Лайли ва Мажнунни химоя этиб, уларни баҳтиёр килиш истаги заминида туғилмаганми?! Навоий қачон бўлмасин адолатнинг, эрк ва баҳтнинг тантана килишига ишонар эди. Шундай килиб, хотимада жуда катта фарқ-тафовут бор-у, лекин гоявий-эстетик зиддият йўқ.

Кўтаринки хотима ҳалқ ижодкоридан Лайли ва Мажнуннинг севгисига гов бўлган Лайлиниң отаси образи бирмунча бошқача ривожлантириб боришни тақозо қилади. Навоий достонида, Лайлиниң отаси, баъзи бир ижобий жиҳатларига қарамай (унинг мактаб очиши, Лайлини ўқитиши, бошлаб Қайсга меҳр кўйиб, унга ачиниши ва бошқалар кўзда тутилади), у салбий образ, ошиқ-маъшукнинг баҳтсизлиги ва фожиасининг

бош айбдори. Халқ достонида эса бошқача. Лайлиниңг отаси салбий жиҳатларини енгиб бориб, ижобий образ сифатида камол топади. Унинг ижобий анъаналари Новпалниң совчилари келган эпизодда ёркинроқ намоён бўла бошлайди.

«...Шунда буларниң қандай одам эканини билмай, отини ушлаб, отдан тушириб, макон жойга бошлаб, остига либос ташлаб, кўнглини хушлаб, дастурхон ёзиб, олдига таом ташлаб, хуш келдингиз, меҳмонлар, деб ўтириди.

Энди йўл бўлсин, – деб гап сўраганча йўк эди, Новфалниң ёзган хатини чиқариб Лайлиниңг отасига берди. Бу хатни кўриб, бу меҳмонлардан ҳам безор бўлиб қолди. Кўнглида айтди:

– «Бу Хоруни Рашид Новфални ҳоким килибди. Биз бунинг айтганини қилиб, сеники маъкул, – деб айтганини қилсак кун кўрамиз экан. Бўлмаса, бунинг қўлида ўламиз экан. Бунинг хатига караганда, мана кизимиз, – деб қўлидан етаклаб чиқариб берсак, кун кўрамиз экан. Бизга ўлим бор, хўрлик йўк. Ундан кўркиб биз кизимиз тугул итимизни ҳам бермаймиз, – деди...» У ҳалқка мурожаат қилиб: «Новфал устимизга катта ҳоким бўлиб, айтганига юрмасак, шундай лашкарӣ билан келиб, кизимизни олиб кета берса дурустми? Бундай бўлаверса, бизларда бўлган гап ҳам ҳаммада ҳам бўлади. Биз бунда туриб нима қиласиз», – дейди. Бу сўзлар зулм-зўрликка, адолатсизлик ва инсофисизликка карши каратилган адолатга ташна ҳалкниңг сўзлари, унинг исенкор овозидир. Ҳалқниңг бу исенкор овози Каїсни баҳтиёр қилиш йўлида фидойилик кўрсатган олижаноб Новпалга эмас, балки шафқатсиз «ҳоким»га карши каратилган эди. Бинобарин, бу эпизод Новпал характеристикини белтиловчи етакчи холат бўлмай, балки ўткинчидир, у Новпал образининг асосий мо-

хиятини, унинг воеалар ривожида тутган ўрнини ортича ўзгартириб юборолмайди. Лайлининг отасидаги салбий жихатлар йўқолиб, ижобий анъаналар етакчи бўлади, ниҳоят у ошик-маъшукни тўй килиб, оталик ок фотиҳасини юзига тортади. Қизига доимо ҳамдард, ҳамдам бўлган мушфиқ она ўзида йўқ шодланади.

Халқдостонига кирган янги эпизод Қайснинг Хорун ар Рашид билан учрашувиdir¹. «Замонида Хоруни Рашид деган подшоҳ бор эди. Бир куни Мажнуннинг гузари Хоруни Рашид ўтирган ердан тушди. У Лайли деб девона бўлиб, ўз холида чинкириб, неча афсона сўзларни айтиб ўта берди. Хоруни Рашидинг кўзи Мажнунга тушди. Абгор-абгашта бўлиб юрганини кўриб, Мажнунни олдига чакириб тўхтатди. Гапга солиб, Мажнунга қараб, унинг кўнглини сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Мажнун сап ўзингни абгор қилмагин,
Лайли деб ахтариб жинни бўлмагин,
Нима фойда бундай абгор бўлмоқдан,
Бехуда сўз айтиб бундай юрмакдан?
Бўлмас ишга шундай ҳавас қилмоқдан,
Гулдайнин танангни ўтга солмоқдан?

Лайли деган сўзинг фойда килмайди,
Энди кўйгин, сен ҳам вактингни хушла,

¹ Хорун ар-Рашид (763–809) Аббосийлар сулоласидан чиккан халифа бўлиб, 786–809 йилларда ҳуқимроилик қилган. Унинг даврида халифалик ҳудудида дехкончилик ва ҳунармандчилик, ободончилик ва илм-маърифат хиёла ўсади, Ғарбий Европа ва Ҳитой каби ўлкалар билан саядо-сотик жонланади. Бу ҳолат Хорун ар-Рашидининг номини машҳур килиб, бадиий адабиётда, жумладан, «Минг бир кечада»да унинг идеаллаштирилган образи ўратилади, Хорун ар-Рашид одиқ, сакий ва мушфиқ подию сифатида талкин этилади.

Лайли деб галирган гапингни ташла,
Менинг беш юз каниз – хизматкорим бор,
Мен берайин, яхши күрганинг ушла...

Бу сўзни Хоруни Рашиддан эшитиб, кайтадан аламни
зиёда бўлиб: – эй, Хоруни Рашид, сен подшохлик давлатида
юрган беш юз канизақдан биттасини сайлаб ол, –
дайсан. Мен беш юз канизингни Лайлининг изига ҳац
олмайман, Лайлимдан колмайман, Лайлидан ўзгани
демайман...». Мажнуннинг шу айтган сўзларининг
ўзиёқ мазкур эпизоднинг моҳияти ва аҳамиятини ёри-
тади, севги киссаси садоқат ғояси билан яна бир бор
йўғрилади.¹

Халк достонидаги бошқа ўзгаришлар жузъий характердадир. Навоий достонида Навфал Қайсга Лайлини
олиб беришга барча имкониятини ишга солиб, буни
амалга оширолмаганидан кейин ўз кизини бериб, куёв
ва фарзанд килмокчи бўлади. Фозил Йулдошдан ёзиб
олинган вариантда Новпал (Навфал) Қайсга аввал ўз
кизини таклиф этади, кейин эса Лайлини олиб беришга
жадд этади... Бу анохронизм достон айтилаётган пайтда
садир бўлган булиши мумкин. (Бошқа варианtlар
бўлмагани учун катъий фикр юритолмаймиз.) Навоий
достонида Лайли ва Мажнуннинг учрашувини хикоя
килувчи ажойиб эпизод бор. Афсуски, бу эпизод халк
достонида йўқ. Юкорида таъкид этилган анохронизм
бу эпизодни саклаш имконини берган.

Достон халк зартаклари таҳлитида бошланиб, унинг
ибтидосида айтилади: «Араб кабиласида икки уруг бор.
Олис эмас, бир-бирига якин. Кўшни қабиладаги икки
кишининг хотини ҳомиладор эди. Бири киз, бири ўғил

¹ Халк достонларида ҳаж эпизоди йўқ. Навоий достонида отаси
Лайли ишқидан нажот топсин деб тиловат учун Қайсни ҳажга олиб
борган эди. Қайс ишқ камол топсин деб тиловат килиб кайтади.

түгди, ўғилнинг отини Қайс, қизнинг отини Лайли кўйди. Эналари парвариш килиб юрди. Булар чакалок вактидин жилавук (йиглеки) бўлди. Ҳарчанд қилса жовунмайди (овунмайди). Бир маърака бўлса, халқ йигилса, Лайлининг ҳам онаси кўтариб келса, бу маъракада бир-бирига якин ўтиrsa, чакалокларнинг бир-бирига кўзи тушса, агар кечкачайин ўтиrsa ҳам йигламайди. Иккови бир-биридан ажралса, йиғлайдиган ҳунари бошланади.

Халқ кўриб, энаси ҳам ҳайрон колиб, нима ҳикмат эканин ҳеч ким билмайди. Шундай бўлиб, булар учга, тўртга кирди. Беш ёшга борди...» Болалар билан бирга уларнинг севгиси ҳам туғилган эди, деб лоф ва муболага кўллаш Лайли ва Мажнун севгисини янада кучайтириб тасвирлашга хизмат килган. Умуман халқ ижодиётида романтика, фантазия ва муболага кўпинча бирга келади, бири иккинчисини тўлдиради, такомиллаштиради. Алишер Навоий айниқса қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини тасвирлашда фантазия ва муболагадан кенг фойдаланиб, реализм билан романтикани ўйгуналаштиришга муваффак бўлади. Кишиларнинг таъна ва маломат тошларидан калби жароҳатланган Қайс «ваҳшатлик элдан улфат риштасин узиб, вахшийлар билан дўстлашади»¹, улар билан бирга яшайди. Иш шу даражага борадиким, кушлар унинг бошига ин кўядилар. (Лайлининг Қайсга ёзган мактубида:

...Фарқынгки эмиш куш ошёни,
Ким уркутур эркин андин они? – .

деган сўзларини эслайлик.) Буларнинг барчаси Қайснинг азоб-изтиробини кучайтириб тасвирлаш ҳамда Қайсни хўрлаган, таҳқир этган кишиларни вахшийлардан ҳам баттар – «ваҳшатлик эл» деб лаънатлашга хизмат килади. Халқ достонида эса муболагали тасвир ва тавсиф

¹ «Ҳамса», 392-бет.

янада орттириб берилган, қаҳрамоннинг руҳий ҳолати янада чукурроқ тасвир этилган. Мисол тарзида бир эпизодни кискартиб келтирамиз:

«...эртаси Лайлиниңг отаси күчди. Кун чошга ҳадидиа Мажнун қаради, бир күч кетиб боряпти... Бунинг изидан қолмайин, – деб йўлга тушиб орқама-орка жўнаб кетди. Бир ерда Лайли кучугини: тур! – деди. Тур, дегав сўз Мажнуннинг қулогига етди. Ул итини тур, деб ҳади, Мажнун кўнглида: – Мени шу ерда тур, деди, деб зинкийиб йўлда тип-тикка бўлиб турди. Кўнглида: – Ахир келар-да, бу ерни ўзи тайинлаб кетди. Қимирласам топмай юрар деб, неча вактлар туриб колди. Баҳор – кўклам вақти бўлиб, йил айланиб, Ҳиндистон кетган қушлар келиб, булиниг қимирламай турганини кўриб, бошига лайлаклар уя солиб, неча марта бола очиб, учиб, чикариб юрди. Лайлидан хабар бўлмади. Шунда лайлакларнинг бошлиғи саираганини эшитиб, бу сўзларни айтиб турган эди:

Учар қушлар уя солиб бошима,
Келаман, деб ҳеч келмади қошима,
Рахм этмади, кўздан оккан ёшима,
Чўллар садо берар, чиккан товшима
Қани, Лайли, келгин, сен Мажнуннинг томошосига

Мажнун бу сўзларни ўз ҳолича айтиб ётди. Вакти бўлиб, күч кайтди...»

Бу эпизод қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, севгилисига салоқатини тасвиrlашда романтика ва фантазия, ўта муболага ва лоф кўлланилган. Киши Қайснинг ахволиига ачинади, алам ческади, аммо айрим ҳолат, тасвир, таъриф ва иборалар сингил кулги, табассум ҳам тұғдирали. Халқ юморни севади. У күлдира туриб йыглатгани каби, йыглатиб күлдиради ҳам.

Халқ достонидаги айрим ўринилар, деталилар, шубхасиз, халқ ижодкорлари томонидан улар яшаган даврга

мослаштириб берилган, айрим қистирмалар кириллган. Назаримизда, түй, куда-анда булиш тартиб-коидалари баён этилган ўринлар бунга равшанрок мисол була олади. Ҳаким Лайлини ўғлига сұратиб Толиб деган кишини совчи килиб юборади. (Навоийда Ҳаким номи ҳам, Толиб ҳам йўқ. Бирок бу номларнинг киритилиши масаланинг моҳиятига хеч қандай таъсир этмайди). Кайснинг ишқида ўртанган Лайлининг ҳоли-ахволи яхши эмас. «Ота-онаси: бу кизимиз узун оғру бўлди, сира эт олмайди дер, Лайлининг кўнглидаги дарди билан ошно эмас эди». Совчининг сўзини эшигтан эр хотинига «Кизга она отадан якин бўлар деб» унга маслаҳат солади. Шунда «бу сўзни эридан эшигиб, хотини айтди: «Хозир кизимиз касал, хайир унга биз берамиз десак, у буни тушириб олиб кетмаса ҳам, бошини бойлаб кўяйлик, деб кичкина тўй олиб келса, унга яраша кўй олиб келса, канча мато-мол олиб келса, бу кизимиз хеч нимадан наф топмай, силиниб, кун-бакун сайин кетса кетди, илгари кетмайди. Агар шу касалдан тузалса яхши, агар ўлиб кетса, бу олган молларни кайтариш лозим бўлади. Унда бу моллар бизга сингиб кетса, ҳам киздан айрилиб, ёмон айтмай, яхши йўқ деган гап бор, ҳам пешонамиздаги молдан айрилиб, халкнинг ичиде армонда буб ўтирумайлик. Ўзингиз ҳам ўйланг, бу туришда Лайлининг бошини бойламайинк. Халқ ҳам маломат килиб кулар. Молга кизикиб, касал ётган кизини сотиб еди, деб, гап килиб юрар...». Гарчи тўй, қиз узатишнинг айрим одатларида, расм-русмлари анча қадимдан давом этиб келган бўлса-да, Лайли онасининг тили билан айтилган таомил баён этилган мулоҳазалар, Фозил шоир достонни ўрганиб олиб, ўз репертуарига киритган давр удумларига мувофиқлаштирилган. Шубҳасиз, халқ достонидаги «Темир қозик» («Арабистоннинг Темир қозик тарафида,

бир катта төг күринди) «Тайфун сой», «Чордара чұл»
каби географик атамалар номи халқ шоирларига таниш
бўлган жойлар ёки одатдагидек шартли – фантастик
номлар бўлиб, Навоий достони билан боғланиши йўқ
«Лайли ва Мажнун» халқ шоирлари томонидан халқ
достонлари тажрибаси ва анъанаси асосида ижодий
кайта ишланган. Халқ шоирлари Навоий достонининг
асосий мотивларини саклаган ҳолда, уни оммабоп ти
ва услубда баён этишга муваффак бўла олганлар. Бошка
достонларда бўлгани каби «Лайли ва Мажнун» да ҳач
шеър билан наср бир-бирини алмашиб келади, оддий
наср билан бирга баъзан «насри мусажжъ» кўлланилади,
шеърий мисралар ғоявий-бадний киммати ва формал
поэтик хусусиятлари жихатидан турлича бўлиб, сайказ
топган мисралар ҳам, бўш мисралар ҳам бор.

Достон ва эпизодлар анъанавий бошланма билан
бошланади, шеърий сатрларга ўтиш олдида кўпинча «Бир
сўз айтиб турган экан» анъанавий ибораси ишлатилади.
Достонда ривоя билан лиризм бир-бирига узвий боғ-
ланади, шоир ривоятни кўпинча насрда басн этиб, ках-
рамонларнинг руҳий ҳолати, уларнинг ички монологи
каби ўринларни шеърий нутқ билан ифодалайди. Унда:

«Ойдин, равшан ики юзи,
Хеч кимда йўқ муенинг кўзи.
Оламни ютади сўзи,
Ширин сўзли кимнинг ёри?»

каби достонлар таркибига кирган анъанавий қўшиқ-
ларни (бундай қўшиклар, жумладан, «Равшан ва Зул-
хумор»да бор),

«Бул сендан айлансин, гулдай танам, деб,
Ширин сўзли менинг жоним болам, деб»

«Мен юрибман оқ сут берган болам, деб
Тоғларда очилган тола лолам деб»
«Эл ичиди гарип бүлдим,
Болам, сендан айрилгани;
Киёматли кунлар күрдим,
Күзим, сендан айрилгани», –

каби таъсирchan лиро-психологик сатрларни, –

«Ёр, сансиз найлайин,
Дилдора, сансиз найлайин.
Куралайдай күзларинг,
Хумор, сансиз найлайин», –

каби шұх, үйноки, рубобий шеърларнн ҳам учратиши мүмкин. Булар вокеа, характер ва ҳолатни тұларок тасвирлашга хизмат этади.

Достондаги «Жарлиға бола берар – ярим жони олар берар», «Күчук босмас йұлбарс, шернинг изини», «Қизи борнинг нози бор», «Қизни ким айтмайды, кимизни ким ичмайды» каби маколлар, «Жуда нам тортдим», «Юракли, кимтиган отди, күркоклари кейин кетди» каби иборалар уни гоявий-бадиий кимматини янада оширган.

Шубхасиз, халк достони гоятда катта санъаткорлық маҳорати билан яратылған Навоий ижодиётини халк оммаси орасыда кенгрек тарғиб этиш, шу билан бирга халкнинг бадиий-эстетик эхтиёжини кондириш, уни гоявий-эстетик жихатдан парвариш килишда «Фарход ва Шириң»нинг ҳам, «Лайли ва Мажнун»нинг ахамияти, шубхасиз, катта.

IV. КИТОБИЁТ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДДА АЛИШЕР НАВОЙИ ОБРАЗИ

Бу гулшан ичра йўқтур бако гултга сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик билди.

Алишер Навои

Улуг кишилар ҳакида ривоят ва хикоят яратиш
қадимдан одат бўлиб келган. Турли замонларда яшаган
давлат арбоблари, саркару донишмандлар, олиму фозиллар,
шиору санъаткорлар ҳакида хилма-хил ривояту
хикоятлар вужудга келган. Ривояту хикоятларда улуг
кишиларнинг хаёти ва фаолияти билан боғлик мухим
вокеа-ходисалар баён этилади, уларнинг шахсий сифат,
хислату фазилатлари таъриф-тавсиф килинади. Реал
вокелик заминида вужудга келган ривоят ва хикоятда
тариҳий ҳакиқат фантазия, ижодий тўқима билан биргаликда
йўғрилади. Баъзан фантазия, ижодий тўқима
тариҳий ҳакиқатни бурттириброк тасвирлашга хизмат
этса, баъзап тариҳий ҳакиқатни бузуб ҳам кўяди. Бундай
холларда тариҳий шахс реал заминдан йироклашади,
адолатсиз хукмдорлар адолатли, виждонсиз давлат
арбоблари инсофли, хасис давлатмандлар саҳоватли,
жоҳил уламолар маърифатли килиб тасвирланади, одим
ва фозил кишилар подону худбинга айланниб қолади
ва ҳоказо. Бинобарин, тарихда ўтган арбоблар ҳакида
фикр юритганда, ривоят ва хикоятлар (ёки бошка
жанрдаги асарларнинг ўзи билан чекланиб бўлмайди,
уларни тариҳий манбаларга, далилларга солиштириб
ўрганиш асосидагина дадил сўзлаш, хукм чикариш
мумкин. Агар ривоят ва хикоят тариҳий ҳакиқатга

мувофик бўлса, тарихий ҳакиқат мантиқига мос келса, кимматли манбага айланади, тарихнинг ёзилмай колган сахифаларини тўлдиради. Улут грузин шоири Шота Руставелига доир «Шота ҳакида», «Гоциридзе ва Каҳбери», «Руставели шарафига ўтказилган синов мусобакаси», «Шота Руставели ва унинг хотини» каби ривоятлар тўгрисида сўзлаб, адабиётшунос И.В.Мегрелидзе бундай деган эди: «Биз учун бу ривоятларнинг барчаси хам кимматлидир. Чунки Руставелининг ўз асаридаги бир неча сўз ва тарихнинг жуда қашшок бўлган айрим маълумотларидан ташқари, бу даҳо шоирнинг биографиясини тузиш учун бошқа ҳеч нарсага эга эмасмиз. Бинобарин, унинг тўгрисидаги ривоятлар ғоятда муҳим ахамият касб этади. Уларни танкидий ўрганиш қашшок биографик материални тўлдиришда сезиларли натижা бериши мумкин...»

Руставели ҳакида ривоятлар яна шуниси билан жозибалики, уларда Руставелига нисбат берилган, аммо унинг достонида бўлмаган шеърлар хам келтирилади¹.

Ўрта Осиёнинг Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Улугбек каби буюк олимлари, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий каби даҳо санъаткорлари ҳакида ғоятда кўп ва хилма-хил ривоят, ҳикоят, латифа ва афсоналар бор. Буларнинг аксарияти ўша улут шахсларнинг хаёти чогида вужудга келган, тарихий, биографик – хотиравий китоблардан ва бошка манбалардан ўрин олган. Реал воқеа, улут кишиларнинг фаолияти ва шахсияти билан боғлиқ жиҳатлар мана шу ривоят, ҳикоят, латифа ва афсоналарга замин бўлиб хизмат килган. Уларда улут олим ва санъаткорлар таъриф-тавсиф этилади, донолиги, зakovати, одамийлиги, ҳиммат-саҳовати улугланади.

¹ И.В.Мегрелидзе. «Народные предания о Шоте Руставели». М., 1938, стр. 5–6.

Лекин холис ният билан, объектив мақсад билан яратилған асарлар билан бирга, биз улут қишилар ҳакида тарихий ҳакиқатни бузиб түкілған ҳикоят ва ривоятларни ҳам күрамизки, уларда оқ кора, кора оқ килиб тасвирилнады, улут қишиларга карши тұхмат, гийбат тошлари ёднрилади. Үтмиш арбобларига нисбатан бундай иккى хил мұносабат, иккى хил ҳикоят ва ривоят курашнинг бир күриниши. Бу кураш улут ҳаким ва мутафаккир Абу Али ибн Сино ҳакида яратилған ҳикоят ва ривоятларда равшанрок намоён бүлади¹.

Абу Али ибн Сино халқ орасыда кенг шұхрат ко- зонди, унинг тұғрисида күп ҳикоялар яратилди. Булардан бир канчаси ёзма асарларға, масалан, Зайнiddin Восифийнинг (1485–1532) «Бадойъ ул-вакоес» асарыға киритилиб, қайта ишланди. Ибн Сино ҳакидаги ҳикоялар алохіда мажмұа бўлиб, Қозон, Техрон, Истанбул, Тошкент ва бошқа жойларда китоб шаклида нашр этилди. Машхур татар ёзувчisi Қаюм Носирий халқ оғзаки ижоди асосыда «Абуталисина» ҳикоялар туркумини яратди².

Ибни Сино күпчилик ҳикояларда улут ҳаким, олим, донишманд халқпарвар ва адолатсизликка карши курашган довюрак исәнкор сифатида тасвирилнады, у қишиларни беморликдан, үлемдан, харобалық ва жабрситамдан куткариб колади ва ҳоказо. «Ҳайвонга калкон», «Илон қайт килған сут», «Мен хўқизман», «Сезгирлик», «Узук», «Йигитнинг касали», «Фалаж давоси» ва бошқалар шулар жумласидандир³. Халқ томонидан

¹ Ибни Сино ҳакидаги ҳикоят ва ривоятлар А.Мирзоевнинг «Ҳикоятко онд ба Ибни Сино ва шахсияти ү» (Нашрдауточиқ, 1953) асварида тадқик қилингандын вв кенг ёритилған.

² Кірант: Қаюм Насыри. «Абуталисина». Тапшырылышат, Қазаңь, 1957.

³ Зикр этилған бу ҳикоялар А.Ирисовнинг «Абу Али Ибн Сино» (Тошкент, 1960) китобида ҳам берилған.

ератилган хикояларда улуғ олим ва ҳаким сехргар, жодугар, фирибгар ва айёр сифатида тасвирланади, айбланади. Буни, жумладан, Азизнинг 1873 йилда Истанбулда босилган «Мухайёлот (Қиссаи Абу Али Сино)» ва Зиёвуддин Саидхёнинг «Занжинаи хикмат (Хикояи Абу Али Ибн Сино)» номли авантюристик роман тарзидаги хикояларида равшан куриш мумкин. Бу тасодифий эмас. Маълумки, Ибн Синога қарши хуруж ва иғволар унинг хаёт давридаёк бошланган эди. Бу хуруж ва иғволар кейинчалик ҳам айрим гурӯхлар томонидан давом эттирилди ва кучайтирилди. Имом Фаззолий (1058–1111) «Тахофат ул-фалосифа» («Фалсафий тухфалар») асарида Ибн Синога қарши кураш очиб, унинг таълимотини зарарли деб эълон килган эди. 1160 йилда Бағдод халифасининг бўйруғи билан Ибни Синонинг жуда кўп асарларининг нодир кўлёзма нусхалари куйдириб ташланади. Бу борада Farb мутаассиблари ҳам четда колишмади. Черков руҳонийси Якоб Фридрих Рейманн 1725 йилда ёзган «Атеизм ва атеистларнинг умумий тарихи» китобида Жордано Бруно ва Коперниклар билан бирга Ибн Синони ҳам худосиз деб атайди, уни таҳкир килади.

Ўтмишнинг бошка буюк арбоблари ҳам шунга монанд хуруж ва иғволарга дуч келганлар.

* * *

Ўтмишнинг ҳалқ оммаларига манзур бўлган ва кенг оммалашган буюк арбобларидан бири Алишер Навоий. Чунки Алишер Навоий даҳо санъаткор, истеъдодли шоир, донишманд олим, маданият ва давлатнинг тараккий парвар арбоби, ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиётининг муассиси, буюк инсонпарвар ва маърифатпарвардир. Унинг асарлари ҳалкнинг ўлмас мънавий-маданий ҳазинасига

астрасы. Уинн аспарлары халк билди биртеги пәндер, сүкөти фарзандыннан бадий образын көздө, да шаңырағындаи Навоийннің сыймоси, шоңғын белгілі жаңынан ассоциацияның көзүнде.

Алишер Навоий образыннан көзүнде көзүнде көзүнде да ишеним да бөсекчілік күйнүштегілердің ибреят

1. Алишер Навоий бадий образыннан ассоциацияни да майдан тарихий көзөндө, шоңғында да дағындысы, бейн да хисаматтың алабай жаңса көзүнде көрсетті. Алишер Навоийннің сыймоси, уинн оғзасы да сиыратын шу мерес Сидан Сиртапияда гана да болады.

2. Алишер Навоийннің дасти да фасолети, уинн мисжалы да хисаматтарда хакида Хөнәнжир, Дастанда Самарқанды, Зайниддин Босифий, Захирддин Бобур, Мирзо Хандар, Фазридин Али Сәфий кабы XV-XVI дар мұхалlefтарынан кимметте маълумоттарды, фикр мулохаттарды бер. Бұлардан Дастанжир Алишер Навоий хакида маңыс аспарлар даң враттан Манзур күрдің тарихын аспарларда бадий хакида да маълумоттар болған берилгендер. Алишер Навоийда бевосита оны балоқтаста да дақтуқто бүлдеги хисектер да риңкелдер даң көзөри иштеп, узарда, күштеше хакида болған икодай түкінья чатынды, мұхассам ташып кеттеги даң Алишер Навоий тарих замонидан алабиет болғанда 316, уинн бадий образын көзүнде көзүнде болыпты да. Бу дүсүсін, Зайниддин Босифийнен бир көтөр хисек-латифалардағы көзөлір. Дастанжир, Дастанжир Самарқандың да көлөр күнінде Навоийда аложақтар маълумоттардын тибі, бу шаң хакида да дағында дағындырынан же бир усулбада басын атасынан, Босифий хазыл-мугой хисек-латифаларда да даң көзүнде 317.

3. Афтишан, XV асрлардың үзілдік халк оғзаки ижадида хам Алишер Навоий хакида туралы хисектер да риңкелтер пайдо бўла бошлаган, улар билди китобий хисек-латифалар бир-бирига жуда монанд, оғзаки ижади сифатидан пайдо бўлганда айрим хисек дағында китобатта киргани каби, айрим китобий хисек дағында латифалар оғзаки ижади сифатидан хам көнг тарқала бошлади. Масалан, Зайниддин Восифийннің «Бадоеъ уз-қакось» аспаридаги айрим хисеклар, шунингдек, Фариддин Али Сафийннің «Латонф ут-тавонғи»надаги балык хисектар даңнан когда халк оғзаки ижадиетининнеги кескин чегараси бўк.

Афусуси, үзиншлә Алишер Навоий хакида халк етпеган аспарларине ениб олиш одат бўлмаган. Нашр этилган хисек-латифалар дәа якин 40-50 йил ичизда хисек-латифалардан кетта фарқ килаади. Навоий хакида кейинги оғзаки ижади аспарларда тарихий даңылар билди бадий түкимда таюсбоби ғасрлоб кеттани, бадий фантика да ишебаган көнг бўрин берилгани, вайрим тарихий даңылар эркин баен этилгани да балын тарихий шаҳназарлардың сыймоси хийла бошқача талкин этилганини кўрамиз. Халк бўз ижадиетидан Алишер Навоийни комиз вайдел бир инсон каби мұхассамлаш ириши мақсадидин бўз олшина қўяр экан, балын тарихий маълумотларга эркин мунисабатда бўлади. Гарчи бундай холларда да халк хисеки тарих замонидан биркунина бирюзасида, халк хисеки максал-мұхлаш ви оруу армоналари оламига ишада якинланади. Бундай ходиса умумиғи фольга шинн табиатига хос бир хусусиятлар.

Шундай көнбі, Алишер Навоий сыймоси аке этири да аспарларни иккита - китобий да халк оғзаки ижади сифатидан.

асарларига ажратамиз. Аммо таъкидлаб ўтилганидек, китобий хикоя ва латифаларнинг бирмунчасида ҳалқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар ҳам мавжуд, уларниң мисолида биз XV–XVI аср фольклори намуналарини ҳам күрамиз.

4. Ўтган аср Алишер Навоий образи инкишофида ҳам янги ва юқори бир боскич бўлди. Алишер Навоий ҳакида турли жанрда бир катор асарлар яратилди. Булардан «Навоий» романи (Ойбек) ва «Алишер Навоий» драмаси (Ўйгун ва Иззат Султон) тарихий жанрдаги энг кимматли асарлар сирасига қўшилди. Ёзувчилар Алишер Навоий образини яратишда тарихий манбалардан, Навоий месроси ва унинг замондошлари асарлари билан бирга, фольклор материалларидан ҳам ижодий фойдаланиб, Навоий ҳакидаги ҳалқ хикоят ва ривоятларига янгича умр бағишиладилар.

КИТОБИЙ ХИКОЯ ВА ЛАТИФАЛАРДА АЛИШЕР НАВОИЙ

Алишер Навоий ҳакидаги китобий хикоя ва латифаларни XV–XVI асрлар адабиётидаги хикоя ва латифаларсиз, шу жанрга хос хусусиятларсиз тўла тасаввур этиб бўлмайди. Кичик хикоя ёки латифа Шарқ ҳалқлари адабиётида кенг таркалган ва хийла оммабол бўлган жанрлардан. Бу жанрдаги асарлар тарихий воеа, прототип асосида ҳам, ижодий тўқима тарзида ҳам яратилаверган. Лекин ҳар икки холатда ҳам ҳаётйлик, турмуш тажрибаси, ўғит, панд-насиҳат хикоянинг асосини ташкил этган. Бундай асарлар одатда ҳажм жихатидан мўъжаз, уларга ҳазил-мутойиба, асқия ва чандиши, бадеха ва ҳозиржавоблик хусусиятлари хосдир. Бундай хикоялар ҳалқ оғзаки ижодиётидан ёзма адабиётга,

китобий адабиётдан фольклорга ўтиб бораверган. Маддий донрада тўкилган ҳикояларда ҳам ҳалқ оғзаки ижодига хос ҳусусиятлар сингиб кетган, шунинг учун ҳам улар оғиздан-оғизга ўтиб таркалган, аноним (муаллифи номаътум) асарлар сирасига кирган. Шундай ҳикоя ва латифалардан иборат маҳсус китоблар ҳам вужудга келган. Мухаммад Авфийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт», Убайди Зоконийнинг «Дилкушо», Фахриддин Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» каби асарлари шулар жумласидандир. Ҳикоя ва латифалар адабий, тарихий, саргузашт ва бошка типдаги асарларда, ҳатто илмий китобларда кенг фойдаланилган. Ибраторумуз ҳикоя ёки ҳазиломуз латифа асарнинг мазмунини бойитган, завқшавқ багишлаган. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бустон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» каби асарлари ибраторумуз ҳикоя ва ҳазиломуз латифалар асосида вужудга келди. Ҳикоя ва латифа ўзбек мумтоз адабиётида ҳам кенг ўрин туттан. Рабгузийнинг «Қиссада ул-анбиё», Ҳожанинг «Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор» каби китоблари, Навоий ҳикоялари, Саъдийнинг «Гулистон», «Бустон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» асарлари таржималари ва бошгалар шуни кўрсатади.

Ҳикоя ва латифа Алишер Навоий яшаган XV асрда ҳам кенг таркалган, ҳаммабоп, ҳозиржавоб жанрлардан бири бўлган. Турли донра ва тоифадаги кишилар мавжуд ҳикоя ва латифалардан фойдаланганлар, уларни пардозлаганлар, бир кисмини қайта ишлаганлар. Шу билан бирга, XV асрнинг ҳикоя ва латифалари пайдо бўлган, уларнинг анча-мунчаси муайян воеалар ва прототиплар асосида яратилган. Ҳикоя ва латифа сұхбату йигинга доимо ҳамроҳ бўлиб, кўрк багишлаган, кишилар зарофат, сўзамоллик, бадеха ҳамда ҳозиржавоблик кўникмаларини эгаллаганлар.

Алишер Навоий хикоя ва латифани, бадеҳа ва ҳазил-мутойибани жуда хуш кўрган, ҳамсұхбатларининг хушчакчақ юморидан завқланиб, ўзи ҳам ширингуфтариликқилган. Лекин у одобдо расидан ироқ, беандиша ва ғаразомуз ҳазил-мутойибани ёқтиргмаган. «Навоий замонасида, – дейди С. Айний, – ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган одобсиз шахсий ҳажв, латифалар кўп бўлган. Лекин шу билан бирга, ижтимоий фойдали ёқимли ҳажв ва кўнгилочар латифалар айтиш забардаст олим ва шоирларнинг оддий бир иши бўлиб қолган эди...»¹. Үз замонасидаги ҳажв ва ҳазил-мутойибага Навоийнинг муносабати, жумладан, унинг «Мажолис ун-нафоис» асарида Мавлоно Абдулвосеъ ҳакида сўзлаган ўрнида равшан ифодаланган. «Мавлоно Абдулвосеъ, – дейди Навоий, – иншо фанида моҳир бағоят сабукрух кишидир... Зурафо анинг бирла мутойиба кўп килурлар. Ул ширин изтироблар килурки, яна мужиби ҳазл бўлур. сафоҳат килса ҳам элдин кутулмас. Анга бу мансаб Хўжа Маждиддин Мухаммад давлатидин етишти. Дерларки анинг беш юз байтдин ортуқ ҳажви бор ва солир ҳалк учун минг байтдин ортуқ...»².

Алишер Навоий Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкират уш-шуаро»), Захириддин Мухаммад Бобур («Бобурнома»), Мирзо Ҳайдар («Тарихи Рашидий») ва бошқаларнинг маълумотича, нозик табиатли киши бўлган, ўринсиз гап ва хатти-харакатдан аччиғи келиб, тез хафа бўлган, ноҳуаш кишиларни үз мажлисига йўлатмаган. Алишер Навоий мизожидаги хусусиятларини айрим кишилар давлат ва мансаб кибри ғурурига йўйганлар. Аслида нозик табиатлилик Навоийнинг тугма хислати бўлган. «Алишербекнинг мизожи, – дейди Бобур, – нозук

¹ Айний. «Алишер Навоий». с. 168.

² «Мажолис ун-нафоис», 155-бет.

била машхурдир. Эл назокатини давлатининг ғууридан тасаввур килүр эрдилар. Андок эмас экандур, бу сифат анга жибилий (туғма – Н.М.) экандур. Самаркандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур»¹.

Алишер Навоийнинг хазил-мутойнбага муносабати, унинг юмори, бадеҳагүйлик, хозиржавоблик, зарофат ва бошкалар борасидаги сифатлари ҳакида аникрок тасаввурга эга бўлиш учун унинг ўз асарларидан, «Мажолис ун-нафоис», «Ҳамсат ул-мутахайирин» ва бошкалардан бир неча парча келтирамиз. Зотан, Навоий ҳакицати замондошларининг ҳикоя ва латифалари ўз ҳусусиятлари билан шоирнинг ўз юморига, содир бўлган воқеани ҳикоя килиш услугига ҳам ўхшаб кетадиким, бу ҳикоя ва латифаларнинг Навоий давридаги жанр ва услугуб муштаракликларини ёритиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

«...Турфа буким Ҳўжа Мухаммад Тойбодиким, бир қарн ул ҳазратининг (Жомийнинг – Н.М.) маҳсус мулозими эрди, назмларидан бир байт билмас, ва билса ҳам назм эмас ва насрларидан бир нукта фаҳм килмас ва килса ҳам максудга мувофик демас. Боракалло, камолу кобилият мунча ўқ бўлгай...»².

«Ҳамсат ул-мутахайирин»дан бир лавҳа. Бир вакт Навоий уйида зиёфат булиб, унда Султон Ҳусайн ҳам иштирок этади ва Жомийга нозу неъматлардан насибасини юборишга карор килиниади. «...Қарор анга туттиким, Ҳожа Дехдор элтгай. Элтган нималар орасида ҳамоноким бир зътидоедин ташкари семиз кўй учаси даги бор эрмиш. Ҳожа Дехдор андинким, фарти иштиходур. ул уча таърифида муболага андок килмиш бўлгайким, аларга андин Ҳожанинг рагбати, балки ортугрок тамай

¹ Захиржали Мухаммад Бобур, «Бобурнома», Т., «Фаш», 1960, 233-бет.

² «Мажолис ун-нафоис». 84-бет, (Мавлопо Жомий фаслидан).

маълум бўлмиш бўлғай. Демиш бўлғайларким: «Ўлтурва машғул бўл». Хожа андок пешакорлар ул таомни емокда кўргузмиш бўлғайким, аларға бу рубоийни айтурга боис бўлмиш бўлғай.

Рубоий:

Эй, Хоҳа, маро зи лутфи худ парварди,
З-овардан пушти дунба фарбекарди,
Биншости-ю дунбаро ба рағбат хўрди,
Бурди ба шикам ончи ба пушт оварди...¹.

Энди «Ҳолоти Пахлавон Мухаммад»дан бир кечмиш воқеа баёнини келтирамиз.

«Анинг (Пахлавон Мұхаммаднинг – Н.М) зеҳн ва закоси латофатидин ва ҳофизаси тезлиги ва зарофатидин бир неча калима хотирға келур; адo қилмоги холи аз муносабате эмас. Султон Абусаид Мирзо замонидаким, Ҳурросон ахли Самарқанд ахлиға асир эрдилар ва ҳар навъ зулм ва тааддики, алардин воқеъ бўлса бу асиirlар мутеъ ва фармонпазир.

Бу факирни айни ифлос ва фалокат ва сарнавиши ва ранжур иш Машҳад сори тортиб элтти ва анда ёнгандин сўнгра мафосил марази жори бўлиб, бир гўшада йикилдим. Иттифоқо Пахлавон хизматлари хам ул айёмда Машҳадда эрди. Бу факирнинг холидин хабар топғондин сўнгра ҳар кун кадам ранжа килиб, улча коидан шафқат ва ёрлиғ ва тарики мухаббат ва ғамхорлик бажо келтурур эрдилар – ангачаки мараз дафъ бўлди... Қазоро, бир кунким, сахари факир шу шеърни айтиб эрдиким, матлаи будурким:

¹ Алишер Навоий. Асаrlар. 14-том, 20-21-бетлар. Рубоийнинг мазмунни: Эй хожа, мени ўз лутфинг билан парвариш киildинг, кўй куйругини олиб келиш билан семиртиридинг, ўтириб рағбат билан куйругини ёб бигирдинг, ниманки оркалақ келган бўлсанг, ўшани корнингта солиб олиб кетдинг.

Хар қаён боксам юзумга ул күёшдин нур эрур,
Хэр сори килсам назар ул ой манга манзур эрур.

Ва бу шөретти байт эрди ва мусавада килиб жайбимга
солиб эрдим ва хануз кишига ўкумайдур эрдим ва
кўрсатмайдур эрдим... (Кейин сўз Лутфий ва Насими
хусусида давом этади).

... Пахлавон эътироз юзидин киноятомуз дедики:

– Раво бўлгайки, Сайд Насими борида Лутфий
назмини писанд килғайсен ва ҳод улким, Сайд
Насимиининг назми зохир юзидин мажоз тариқиға
шомилдур ва маъни юзидин ҳакиқат тариқиға ва юқори
биттан байтни ўкудиким, факир бу сахар айтиб эрдим.
Чун матлаъни ўкиди, ўзга абъётин ҳам мутаокиб баён
килди ва тахаллусики: бу навъ воеъ бўлубтурким:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,
Йўқ, ажаб, невчунки хом этган киши ранжур эрур.

Навоийни Насимиға тағиyr бериб ўкуди ва фил-
воеъ бу байтда Навоий лафзидин Насими лафзи
муносиброкдур ва факир мутаажжиб бўлдум. Охиста-
рок илгимни жайбимга элттим ва мулоҳаза килдим:
Ўзум битиб жайбимга согон мусаввадада мавжуд эр-
ди, ҳайрат ва таажжубим ортти. Ва Пахлавон ҳамул
айтган сўзни иода киладур эрди ва ул шеърнинг абётин
мукарра ўкур эрди... Зарурат юзидин сўрдумки:

– Бу шеърни качон ёд килиб тутиб эрдинг?

Дедики:

– Ўн икки йил бўлгайки, Бобур Мирзонинг мажли-
сида бу шеър ўтар эрди, менга бағоят хуш келди, битиб
олиб ёд туттум.

Бори ҳар хол била буқун ўтти, ўз такъясиға борди.
Тонгла ҳамул дастур била яна келди, яна сухбат бўлди,
яна бу сўз орага тушти. Яна факир сўрдум ва илҳоҳ

қилдимким, бу иш кайфиятин маълум қилгаймен. Бу катла худ дедики:

— Ул вактки, мен бу шеърни ёд туттум, гуштигирлардин ҳам нечаси бор эрдилар, (алар) ҳам ўргандилар, – деб уч-тўрт пиёда сорт гуштигирники, анинг, била келиб эрдилар, тилаб дедики: «Ўқунг, андокки менинг била ўрганиб эрдингиз». Алар даги пайдарпай равон ўкудилар. Факирга таажжуб устига таажжуб воеъ бўлди ва Пахлавон сўзи сидқида муболага килур эрди. Агарчи муболага ҳожат эмас эрди, невчунким, сидки даъвосида неча тонуқ ҳам ўткарди.

Окибат андоқ маълум бўлдиким, эгнимни улайдургонда жайбимда коғоз кўрубтур, оҳисталиқ била ул қоғозни чикориб кўрубтур ва маълум қилибдурки, ушбу якинда айтилғон шеърдур. Ул қоғозни очук ёнида кўюбдур ва ёд тутибдур ва чирмаб жайбимга солибдур. Оқшомки, такъясига борибдур, гуштигирларига таклиф била ўргатибдур ва буорубдурки, эҳтимоми тамом била такрор қилибдурларки, ўкур чогда равон ўкугайлар.

Пахлавоннинг ул навъ гарид ишлари ва ажаб зарофатларники, табъға мужиби таажжуб ва ақлға бонси таҳайюр бўлгай – кўп эрди¹.

Навоий баёноти бир неча жиҳатдан аҳамиятлидир:

1. Унда Абусайид хукмронлик қилган давр ҳакида маълумот берилган ва Абусайид адолатсизликларига карши Навоийнинг иорозилик кайфияти ифодаланган.

2. Баёнот автобиографик аҳамиятта эга бўлиб, Навоийнинг йигитлик палласи, Машҳадда кечирган оғир кунлари ҳакида маълумот беради.

3. Пахлавон Мухаммаднинг ҳазил-мутойибаси Навоий данри зиёлилари, илм-урфон ва санъат-адабиёт ахллари доираси учун характерларин ҳазил-мутойибадир.

¹ Алишер Навоий. Асрлар. 14-том, 97-100-бетлар.

4. Кечмиш вокеа Алишер Навоий томонидан худди бир бадиий асардек завқ-шавқ билан ифодаланганки, уни вокеий хикоя деб атамок мумкин. Баён усули ва услуби жиҳатидан бу вокеий хикоя билан Навоийнинг ҳамма замондошларининг шу зайдаги бошка хикоялари майтум муштаракликка эга. Бу Алишер Навоий ҳакида унинг замондошлари ёзиб колдирган хикояларга ҳам тааллукли. Бинобарин, Навоий ҳақидаги унинг замондошлари асарларида берилган хикояларга ўпшдан олдин Навоий даври юмори – тўғриси юмористик вокеий хикоялардан бир неча мисол келтирамиз. Бу мисолларни ўзга муаллифлардан эмас, балки Навоий асарларидан, «Мажолис ун-нафонс» ва «Хамсат ул-мутаҳайирин»дан келтирамиз.

«Мавлоно Масихий... дерларки Каъба сафарида Мавлоно бодияда хоргон маҳалидаким, Мўғилон яғочи кўланкасида аёғидин тикан сугурурга машғул экандур. Кофил шўх табъларидин бири бу байтни дебтурким:

Аз ранчи раҳи дуру сарҳори Мўғилон,
Аз омадани Каъба пушаймон шуда боши»¹.

Мавлоно Согарий ҳакида. «Хамсат ул-мутаҳайирин»дан:

«Алар (Мавлоно Жомий – Н.М.) Согарий била кўп мутойиба қилурлар эрди. Бир кун алар хизматида Мавлоно Согарий ҳозир эди. Алар анинг шеърин таъриф қилур рангла анинт билан мутойиба қилур эрдилар. Ва Мавлоно Согарий ўз шеърин бағоят эҳтимом юзидин карру фар² била ўкугувчи эрди. Андокки, бир оз нима

¹ «Мажолис ун-нафонс», 28-бет. Байтнинг мазмуни: Узок йўл ва Мўғилон тикани машаккатидин Каъбага келганингдан пушаймон бўлгандирсан.

² Карру фар – дабдаба, ҳашомат, кибр-хаво.

бевукуфрок киши қошида ўкуса эрди, күп яхшиликга ўткарур эрди. Факир ўкумогин хам таъриф килдимким, бовужуди хўб айтмок хўб хам ўкур. Алар табассум била айттиларким: «Бизга мундок бозий берур». Алар бу китъани айтиб эрдиларким:

Китъа:

Согари мегуфт: дузлони маони бурдаанд –
Хар куч дар шеъри ман як маъни хуш лодаанд.
Дидам аксар шеърҳояшро яке маъни надошт,
Рост гуфтаст иш ки маъниҳояшро дуздидаанд»¹.

Нихоят, Восифийнинг «Бадое ул-вакое» асаридан шу давр юморининг бир қатор хусусиятларини ўзида жам этган бир ҳикоянинг қискача баёнини келтирамиз.

Бир вакт шоирлардан Субхий, Убахий, Ҳаётий ва Райхоний саёҳатга чикиб, Шервонга етиб келадилар. Бу ёш ва шўх шоирларнинг маблағи тугаб колади. Улар Шервон шоҳига мурожаат қилиб, ҳажга кетаётган энг, пулимиш тугаб колди, мадад берсангиз, деб илтимос киладилар. Подшоҳ уларнинг ҳар бирига 100 тангадан инъом беради. Шоирлар майхона габориб, охиргитангага қадар ҳаммасини сарф қилиб, бир неча кун Шервонда колиб кетадилар. Охируламр иш шу даражага бориб етадики, йўлни давом эттириш ўқда турсин, мусофири шаҳарда қолмок ҳам мушкуллашади, емок-ичмокка хеч нарса қолмайди. Нихоят, Субхийнинг маслаҳати билан озгин ва рангпар шоир Райхонийни «ўлди»га чикариб, ҳамроҳларимииздан бири бетоб бўлгани учун йўлга

¹ Алишер Напоий. Асарлар. 14-том. 19-бет. Китъанинг мазмуни: Согарий айттар эди: маъно ўгрилари менинг шеъримда бирон яхши маъно кўришса, ўтиргаб олишар эди. Мен аксар шеърларин кўрдим, бирон маъниси йўқдир, маъносини ўгирлаганлар деб тўғти айттан экан.

чыколмадик, берган пулингиз тугади, ҳамрохимиз ўлиб көлди, уни дағн этмок учун сиздан ёрдам сўраймиз, жеб подшохга мурожаат киладилар.

Подшо минг танга беради, ўликни дағн этишга қўмаклашмок учун садр ва бир неча мулозимларини юборади.

Шонрлар «ўлик»ни ювиш учун келган ювгучини кабул килмай, бизнинг вилоятимиз одатига кўра, ўликни унинг ўз ёр-биродарлари ювади, деб ўзлари «ўлик»ни «ювиш»га киришиб кетадилар. Шу аснода Райҳонийга бир мушт туширадилар, у ўрнидан сапчиб туриб кетади, шериклари эса «ўлик тирилди» деб шовкин соладилар.

Воқеа подшохга бориб етади, у «тирилган мурда»ни кўрмок истаги билан шоирларга тахти равонини юборади ва Райҳонийдан сўрайди:

— Эй Райҳоний, сен у дунёдан келдинг, менинг отам ҳакида нима хабар олиб келдинг?

— Шоҳо, маъзур тутинг, факир дўзахга бориб етмадим ва сизнинг отангизни кўрмадим.

Подшох кулди, унга инъом ва иноят бағишлиди¹. «Бадое ул-вакос»даги шонрлар саргузаштини мустасно килганда, ҳикояларда воқеанинг ўзида бевосита ҳазил-мутойиба, юмор ёки сатира йўқ. Улар оддий ҳаёт лавҳалари. Аммо «бадии ишлов»дан кейин бу оддий ҳаёт лавҳалари ҳазил-мутойибага айланиб, юмористик (баъзан сатирик) моҳиятга эга бўладилар. Воқеа муносабати билан битилган ёки бадеха тарзида айтилган шеър (баъзан фавқулодда насрый ибора) туфайли ёхуд воқеани курган-эшитган шахснинг «бадии ишлов»

¹ «Бадое ул-вакос», 1143–1148-бетлар. Устод Садриддин Айний «Алишер Навоий» китобида шу ҳикояни байн этиб, ўлган шонрни Ҳаётий деб айтали (169–170-бетлар). С. Айний фойдаланган «Бадое ул-вакос»нусхасида шу зайлда бўлган.

билан баён этиши туфайли у ҳазил-мутойиба тусини олиб, ҳикояга айланади.

Биринчи ҳикоя: Мавлоно Масихий Каъба сафарида тиканак ва зирапчалардан тозалаётган бўлади. Оддий бир лавҳа, одатдаги кўриниш «шўхтабъ»лардан бирининг «Узок йўл ва Мўғилон тикани машакқатидан Каъбага келганингдан пушаймои бўлгандирсан» кинояли байти билан юмористик тус олади, «ҳаётдан адабиёт олами»га ўтиб, ҳикояга айланади. Лавҳа ҳикояга айланмаганди, Навоий уни «Мажолис ун-нафоис»да баён этмаган бўларди...

«Бадое ул-вакое»да шоирлардан Субхий, Убахий, Ҳәтий ва Райхонийлар хақидаги ҳикояда вокеанинг ўзи комик моҳиятга эга, уни яхшилаб баён этилса бўлгани. Восифий эса истеъодли шоир бўлиши билан бирга, ҳазил-мутойибанинг устаси, моҳир ҳикоячи ҳам эди. Ҳикоянинг адоси кулги, ҳазил-мутойибанинг куч-кудрати ва унинг каҳр-ғазабни ҳам енга олишини кўрсатади. Бундай хусусият ҳалқ юморига, хусусан, асқия санъатига хосдир. Ҳалқда «қоғияси келса, отангни ҳам аяма» деган накл бекорга айтилмаган.

Биз ҳазил-мутойиба, зарофат, бадеҳа, ҳозиржавоблик, сўз ўйини ва шеърият туфайли воксий ҳикояларининг пайдо бўлишини кўрдик. Прообраз асосида вужудга келган ҳикояларда бадний тўкима, муболага ва фантазия маълум даражала чегараланган бўлса, тўкима образлар асосида яратилган ҳикояларда ҳикоячи ҳар жихатдан кенгроқ имкониятга эга эди. Лекин ҳар икки турда ҳам ҳазил-мутойиба, асқия ва сўз ўйини бўлиши матлубдир. «Новелланинг бу жаири, – дейди проф. А.К.Боровков латифалар хақида сўзлаб, – суюкли ва кенг таркалган бир жанрдир. Асқиячинлик, Ҳирот алабий муҳитида

булган каби, хозир ҳам Ўрта Осиёда маҳорат сифатида ўтироф этилади. Адабий латифалардан анчасининг Навоий ва Жомий номлари билан боғланган бўлиши таажжубланарли эмас. Чунки ўткир зехнлилик ва хозиржавоблик юқори адабий заковатнинг белгилари хисобланган»¹.

* * *

Навоийнинг ҳаёти-фаолияти, унинг фазилат-хислатлари ҳақида маълумот берувчи манбаларда Навоий билан бевосита ёки бавосита алоқадор ҳикоя, латифа ва накллар бор. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёрттишда навоийшунослик бу ҳикоя, латифа ва накллардан ҳам кенг фойдаланмоқда, булар санъат ва адабиётда алломанинг бадиий образини яратишга ўз утушини қўшмоқда. Шу жиҳатдан караганда, хусусан, Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» ва Восифийнинг «Бадое ул-вакое» асрлари алоҳида аҳамиятта эгадир.

Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»да Алишер Навоий билан бевосита ёки бавосита алоқадор бўлган 17 ҳикоя, 10 латифа ва мутойиба келтиради. Ҳикоялар асарнинг 9 боб мақсадига ва хотимасига киритилган бўлса, латифа ва мутойибалар унинг «Ўнгичи мақсад»ини ташкил этади. «Акл ва идрокининг шараф ва даражаси ҳајаид» деб номланган «Биринчи мақсад»да икки ҳикоя берилган. Биринчисида Алишер Навоийнинг «Мунажжим чакириб, пайтинг яхши-ёмошигини хозирда текширишнинг фойдаси йўқ. Чунки пайт мувоғиқ бўлса ё бўлмаса ишни ҳам кечиктириш мумкин эмас ва тезлик билан ҳаракат килиш лозим...»² деган сўзларини қабул этган Ҳусайн Бойкаронинг Ҳурросонни босиб олмокчи

¹ А.К.Борошков. «Наваи и Джами в народном предании». Изд. Отд. лит. и яз., 1947, том 6, стр. 482

² Хондамир. «Макорим ул-ахлоқ». Тошкент, 1947, 34-бет.

бўлган Мирзо Ёдгор Мухаммадга қарши қўшин тортиб, унга шикаст бериши баён этилса, иккинчисида Ҳиротни эгаллаб олган Ёдгор Мухаммаднинг Алишер Навоийнинг доно тадбири туфайли кўлга олинниши хикоя қилинади. Демак, Ёдгор Мухаммадга карши курашдан берилган икки лавҳада ҳам Алишер Навоийнинг роли катта бўлиб, булар боб – мақсаднинг номи – «Ақл ва идрокнинг шараф ва даражаси»га мувофиқдир. «Мехрибонлик ва марҳамат баёнида» деб номланган «Еттинчи мақсад»да Алишер Навоийнинг шафкат ва марҳаматини таъриф ва тавсия этувчи беш хикоя (III–VII хикоялар) баён этилган. III ва IV хикояларда Алишер Навоийнинг шавкати ва доно тадбири туфайли ўлимга маҳкум этилган бир неча асир ҳаётининг саклаб колиниши баён этилса, V хикояда Навоийнинг кайта-кайта илтимоси туфайли Ҳусайн Бойкаронинг Ҳоразмни обод килиш максадида у ерга уч минг хонадонни Ҳурросондан кўчириш ҳакидаги ўз буйругини ўзгартиргани айтилади¹. Кейинги иски хикояда одил шоҳ ҳакида «Чумолига ҳам озор бермайди» дейнитгани қабилида, Марвда чодирга ин кўйган бир гуррак болаларини учирма қилмагунча чодир йиғиширилмасин, деб Ҳожа Ҳасан Бахтиёрга топширик берилгани, таҳорат пайтида илашган чумолини кайта ўз ининг яқин кўйиб келиб, кейин намоз учун масжидга киргани баён этилади. «Тавозуънинг фазилати ҳакида» деб номланган «Саккизинчи мақсад»да Алишер Навоийнинг камтарлик билан давлат ҳужжатига «ундан куйирокка ҳеч ким мухр босолмайдиган» ерга мухр босиши (хикоя) ва Ҳожа Ҳусайн Кирангий «Сен илгари мавлоно Мухаммад Муаммой навкарлари каторида здинг» деганидан ор килиб шикоятга келган Кутбиддин Ҳавоийга:

¹ «Макорим ул-ахлок». 90-бет.

«Мен илгари Амир Султон Ҳасан навкари эдим, хозирда эса амирлик мансабига эришувим ва ноиблик баланд даражасига етишувимга карамасдан, шу билан бирга, у кишининг мулозаматидан ор килмайман, балки агар мусассар бўлганда эди, кўпдан-кўп хизмат шартини бажо келтириб, ўзимни у кишининг куллари жумласидан санардим», деб насиҳат килиши (хикоя) берилган. Тўқизинчи мақсад «Карам ва саховатнинг шарафи хақида» деб номланади. Алишер Навоийнинг олий химматини таъриф ва тавсиф этган Хондамир бу бобда шу мазмунга мувофик беш хикоя (хикоялар) келтиради. Хикояда Абу Саид Мирзо даврида моддий жиҳатдан кийналган Навоийнинг охирги тангасини бир тиланчига хайр қилгани ва кейин унинг ёлғончи ҳамда сурбет эканини билгани¹, хикояда Навоийнинг ўзига тегишли Ҳайробод кишлогини уни ёқтириб колган Бадиуззамонга тортиқ килиши, хикояда «мамлакатнинг баъзи эҳтиёжлари учун Сабзавор кальясига бир микдор эҳтиёж ғалла тўпламоқчи бўлган» шахзода Муҳаммад Муҳсин Мирзога ўз ихтиёри билан Сабзавордаги ғаллаларини инъом қилгани, хикояда бир савдогардан ўн беш минг динор кепакий карз олиб мушкул ахволга тушган бир хожазоданинг ҳожатини чикариб, унинг Ҳалабдан Маккага томон сафарини давом эттиришга кўмаклашгани, хикояда эса Амир Бурхониддин Атоуллого «Ихлосия» яқинидан бир ховли-жой тортиқ қилгани баён этилади. Хотимада яна уч хикоя келтирилган. XV хикояда Аҳмад Сұҳайлийнинг Султон Аҳмад Мирзога бағишилаб ёзган касидасини тузатиб бериш учун Навоий ҳузурига олиб келгани, Навоийнинг «Макталувчининг

¹ Хондамир Навоийнинг олий химмаглигини бўрттириб кўрситиш мақсадида Жомийнинг «Баҳористон»идан Хотами Той хикоясини келтиради.

исми билан безалган байтдан кейин, сўзни бир-бираига боғлаш учун, яна бир байт керак» деб айтиши ва иккалалари ҳам байт ёзишга киришгани ва иттифоко байтнинг таворуд (бир хил) чикиши, XVI ҳикояда «бир неча бети йўқолган» Куръон нусхасининг муносабравиша тикланиши ва нихоят, XVII ҳикояда Ҳожа Носириддин Убайдулло ўғли Ҳожа Яхёнинг хатти-харакатидаги «нуксон» қораланади ва ота-боболарни изидан бормагани айтилади.

Шундай қилиб, Ҳондамир Алишер Навоийнинг сифат ва фазилатларини таъриф-тавсиф қиласр экан, бобларнинг моҳиятига мувофиқ бирор лавҳа ёки воқеани ҳикоя килади. Гарчи Навоийнинг таъриф-тавсифи учун муаллиф муболага ва турли орттирмалардан кенг фойдаланса-да, аник воқеанинг ўзига шубҳа билан қарашнинг хожати йўқ. Бинобарин, ҳикоялардаги фактлик маълумотлар Навоий биографияси ва унинг шахсини ўрганиш ҳамда сритешда нихоятда кимматли ва ишончли малбадир. Бадний жихатдан караганда, «Макорим ул-ахлоқ»даги ҳикояларнинг кўпчилиги хийла запиф бўлиб, улар «бадний ишлов»дан чикмаган. Муаллиф аник воқеани айнан саклаб колиш максадида «бадний ишлов»га ортиқча эътибор бермаган, у «жиддий услугуб»ни мувофиқ кўрган. Лекин шунга қарамай, айрим ҳикоялар (икки асирни ўлимдан саклаб колинганини баён этувчи ҳикоя, гуррак ҳакидаги ҳикоя ва бошқалар) воқсий ҳикоя жанри талабларига жавоб бера олади. Ҳар калай «Макорим ул-ахлоқ»даги ҳикоялар Алишер Навоий ҳаётни ва фаолиятига доир далил ва воқсаларнинг «ҳаётдан адабиёт оламига ўтиши» ибтидоси зди. Улар оркали биз Навоий шахси ва сиймосини янада тўлароқ тасаввур этамиз.

Ўнинчи максад «Латифалар ва мутойибалар» деб номланган. Муаллиф бобни ҳазил-мутойиба ва унга муносабат ҳакидаги мулоҳазалари билан бошлайди.

«...Гоҳо дин бошликлари ва шайхлик сулукидаги кишинлар ҳазил-мутойиба килишар ва латифалар дурини баён ипига тизар эдилар, балки пайғамбардан ҳам күргина мазахомуз сўзлар накл киладилар ва ҳалойик отзида мазкур бўлиб туради. Ҳақиқатан, узлуксиз жиддий сўз дил ойнасини хиралаштиради, ҳазил йўсингиз сўзлардан бошқаси уни равшан килолмайди. Чунончи, ҳакиқат эгаси ҳазрати Махдумий (Жомий – Н.М.) бу хусусда назм билан шундай деганлар:

Китъа:

Гар муқбиле мазоҳ кунад айби ў макун,
Феълияти он ба қондан ақлу дин мубоҳ.
Дил онна асту кулфати жидд занги ў,
Он зангро чи имкони сайкал ба жуз мазоҳ!

Бу муқаддимани келтиришдан гараз шуки, ҳазрати Султоннинг дўсти давлат эгаси Олий Ҳазрат (Навоий – Н.М.) баъзан ширин тилни мазах ва мутойибага очарди ва муносиб ўринларда латифасимон сўзларни баён ипига тортарди. Бундай сўзлар олий ҳазратнинг нозик зеҳни ва муборак фикрининг юкори даражали ўткир эканлигига далолат қилганлигидан, улардан бир хилларини ёзишга журъат килинади»¹.

Демак, Ҳондамир ўринили ҳазил-мутойибага ижобий муносабатда бўлиб, Навоийнинг ҳам «муносиб ўринларда латифасимон сўзларни баён ипига» тортишини таъкидлайди. У Навоийнинг фаолияти билан бофлик

¹ Китъанинг мазмани: улуг кинши мазах қилса, уни айблама, бу хилдаги иш вкл ва дин қондасида мумкинди. Дил ойнилар, тақалуфли жиддият обнининг зағидидир, у зангин мазахсиз сайкаллаш мумкин эмас.

² «Макорим ул-ахлоқ», 107-108-бетлар. Биз текстдагидан фарқли ўларок аввал китъанинг аслини берниб, ҳонинида унинг насрин таржимасини келтиришини мувоғик кўрдик.

жиддий воеаларни «ҳикоя» номи билан бошқа бобларда берган бўлса, ҳазил-мутойибани бир бобга бирлаштиради. Лекин «улардан бир хилларини ёзишга журъат» килиб, жами ўнта латифа ва мутойибани ҳикоя киласди. Уларда Навоийнинг фаолиятидан бирон лавҳа баён килинса, унинг ақл-иродаси, шафқат ва марҳамати, химмат ва саховати каби фазилатларни кўрсатувчи воеалар накл этилса, латифа ва мутойибаларда Навоийнинг лутф қўллаши, зарофати ва ҳозиржавоблиги ифода этилади. Лутф қўлланган ёки нозик нукта ишлатилган кичик лавҳа (ёки воеа) латифа деб номланган. Шу жиҳатдан қараганда, бу латифалар бизнинг одатдаги кичик ҳажмдаги ҳикоялардан (афандилардан) фарқ киласди. Мутойиба – ҳазил-мутойибали кичик ҳикоядир. Бобдаги I, II, III, V, VI, VII ва VIII ҳикоялар латифа номи, IV, IX ва X ҳикояларни эса мутойиба номи билан номлайди. Латифалар Навоийнинг фавқулодда лутфи, латифасимон сўзлари билан бадиийлашиб, латифа тусини олса, мутойиба кулгили вазият ва Навоийнинг ҳазил-мутойибаси билан «кулгили ҳикоя» – «мутойиба» даражасига кўтарилади.

Бир-икки мисол келтирамиз.

Латифа. Султони Саид замонида бир куни шавкатли Амир Пахлавон Мухаммад билан Боги Сафидда сайр килиб юрган эди. Шу пайтда Пахлавон Мухаммаднинг танишларидан Юсуф номли бир киши учраб колди, вазирларниң бальзисидан шикоят килиб, улар сувимни зўрлик билан олдиilar, мен бу воеани Мирзога арз қылгали кслган эдим, ясовуллар унинг олдига киритига кўймадилар, вахоланки, менинг ахволимнинг начорлиги шу даражадаки, ҳар кун вақтида ҳар кимдан бир миқдор ионни тиланчилик билан олиб, шу билан кун кечираман, деди. Ул Ҳазрат (Навоий – Н.М.) унга караб шу байтни ўқидилар.

Байт:

Гадой, ки нон аз дари шох жуст,
Бибояд зи оби худаш даст шуст¹.

Латифа. «Моҳиё» ҳовузи буюк маргабали Амир таважжухи билан ишланиб тамом бўлди. Ўша вактда Олий Ҳазратнинг одамларидан бирى, ҳовуз кузатувчисининг маошини йилма-йил бериб турайликми, ёки ойма-ой, деб сўради. Олижаноб Амир шундай жавоб берди:

Мисра: Мукаррар созам ўро мөхиёна².

Латифа. Бир куни кўнгилли Амир фасоҳат ва зарофат бобида замон шоирларининг пешқадами Хожа Осафийга насихат килиш учун муборак тилини баёнга келтириб айтди:

— Мен сенга хайрон бўламанки, ўткир зехнинг ва баланд табъинг бўла туриб, шеър айтиш билан кам шугулланасан, ҳамма вактингни фойдасиз ишларга сарф киласан.

— Ҳозирги фурсатда борган сари, кўпроқ шеър айтишга машғул бўлаётирман. Масалан, ўтган кеча иккى пуллик шам ёниб битгунча иккى юз байт айтдим, — деди у.

Олий Ҳазрат:

— Демак, у тизмаларнинг юз байти бир пул эканда, — деди³.

Ҳар уч ҳикояга ҳам латифа тусини берган нарса Навоийнинг сўзи, лутфидир. Шу асосий компонентни мустасно килсак, ҳикоя-латифа вужудга келмайди.

¹ «Макорим ул-ахлок», 108-109-бетлар. Байтнинг мазмуни: Подшо эшигидан нон излаган тиланчи ўз суви билан кўлини юваб. Кўлтигига урмоги, яъни ҳамма нарсадан воз кечмоги керак.

² «Макорим ул-ахлок», 111-бет. Мисранинг мазмуни: Унга мосна (ойлик маош) белгилайман. «Моҳисна» сўзи ҳам ҳовузнинг оти бўлиб, ҳам «Моёнга» маъносила келиб, шонир сўз ўйини Йўли билан лутф ишлатган.

³ «Макорим ул-ахлок», 111-112-бетлар.

* * *

Навоийга доир өвкөй хикоя, латифа ва ҳазиц-мутойибаларни жам этган яна бир мухим манба Восиғийнинг «Бадое ул-вакое» асаридир.

«Бадое ул-вакое»нинг беш боби XIII-XVII боблари бевосита Алишер Навоий номи, фаолияти, ижодиёти, шахсий сифат ва хислатлари билан боғлиқдир. Муаллиф Улугбек Мирзога бағишилаган XII боб сарлавхасида Алишер Навоий номини ҳам зикр этади, Улугбек ва Навоий номларини бир сарлавҳа остига бирлаштиради. Бу ғоятда мухимдир. Восиғий XV асрининг икки буюк арбоби – олим Улугбек билан шиор Навоий ўртасида маълум узвий боғланишни кўради.

Колган боблар бундай номланган:

XIII – Гуфтор дар савол фармудани ҳазрати саттанишор, маъдалатосор аз гаройиби хикоёт ва ажойиби тадбироти Амир Алишер ва диккати табъ ва назокати мизож ва латофати хисол ва хусни имтизожаш бо ахъл фазл ва арбоби камол».

(«Салтанат шиор ва ҳаққоният осорнинг¹ Амир Алишерга доир кизиқ хикоялар ва унинг ажойиб тадбирлари ва табъи нозиклиги ва мизожи хислатлари латофати ва фазл ахли ҳамда камолот арбоби билан муносабати ҳакида савол қилмоғи сұхбати»).

А.И.Болдиревнинг тахминича, бу узундан-узок сарлавҳа ғакат шу бобгагина тааллукын бүлмасдан, балки Навоийга доир барча бобларга ҳам тааллуклидир².

¹ Маълумки, Зайниддин Восиғий 1512 йилда суннитларга карши шоқ Исломий Сафавий олиб борган қыргындан омон колиш учун Ҳиротдан кочиб Тошкентта келган ва шайбонийлордан Тошкент хокими Келди Мухаммадининг саройидини пеноҳ топған эми, бу ўринда сўз шу шахс ҳакида бормоқда.

² Зикр этилган макола, 124-бет.

XIV. «Гуфтор дар зикри назокати ва латофати мизожи Амир Алишер» («Амир Алишер мизожининг назокати ва латофати зикрида»). XV. «Гуфтор дар зикри таърифи мажлиси Амир Алишер ва Хўжа Маждиддин Мухаммад ва ҳазл ва мутойиба кардан афозил ба Мавлоно Абдулвосеъ Мунши дар боги Парза». («Парза боғида Амир Алишер ва Хўжа Маждиддин Мухаммад мажлиси таърифи ва фозилларнинг мавлоно Абдулвосиль Мунши билан ҳазил ва мутойиба қилиши зикрида»). XVI. «Гуфтор дар баёни маҳорати зайл ва адами майли табыи Амир Алишер... ба шаҳвоти нафсони ва иқтизори ў ба хузузи руҳони». («Амир Алишернинг... покдомонлиги ва табыининг шаҳвоний нафсга майли йўқлиги ва руҳий-маънавий ҳиссиятлар билан чегараланиши баёнида»).

XVII. «Гуфтор дар зикри фазоили Мавлоно Бинои ва зарофатхои вай бо амири кабир Амир Алишер». («Мавлоно Биноий фазилатлари ва унинг улуғ Амир Алишер билан зарофатлари зикрида»).

«Бадое ул-вакоэ» XVI асрнинг 30-йилларида яратилган. Восифий уни шайбонийлар сулоласидан бўлган Суюнч Хўжаконнинг ўгли Тошкент ҳокими Музаффариддин Султон Мухаммад – Келди Мухаммад саройида хизмат килган кезларида битади. Хиротдан узокда, янги сулола салтанати замонида Навоий шаънига айтилган таъриф-тавсиф холис ва беғараздир. Уни келтиришимиздан максад шуни таъкидлашдир. Шу муқаддимадан кейин Восифий Навоий ҳакида бир ҳикоя – хотира келтиради. Бу ҳикоя Восифийнинг бе-восита ўз хотираси, таассуротлар баёнидан иборат. Ўзга ҳикоялар бошка шахсларнинг сўз ва хотиралари асосида ифодаланади.

Биринчи ҳикоянинг қисқача мазмуни бундай: Восифийнинг йигитлик палласи. У илм ва адабиёт оламига

тарқ бўлган. Муаммо сирларини билгиси, бу соҳада хам яхши укувга эга бўлгиси келади. Нихоят, муаммога уста бўлади.

Навоий Соҳиб Доро ва бошқа мусоҳибларидан доимо янгиликлар, истеъодли кишилар ҳакида маълумот сўрар экан. Бир сухбатда Соҳиб Доро Восифийнинг муаммо бобидаги ажойиб салоҳияти ҳакида сўз котади. Алишер Навоий бунга қизикиб қолиб, Соҳиб Дородан у йигитни йигинлардан бирига тақлиф этишини сўрайди. Восифий ва унга ўхаш яна турли соҳада алоҳида салоҳиятга эга бўлган бир неча ёш Навоий бош бўлган улуғлар мажлисида қатнашадилар. Навоий Восифийга мураккаброк бир муаммо айтади. Бу воеани давом эттириб, Восифий шундай дейди: «Иттифоко ман ин муамморо ёд доштам, дар тааммул шудам, ки оётағофул кунам ва мажлисро баргузорам ё рост тўям. Окибат рости рожеъ омад, гуфтам: «Махдум, ман ин муамморо ёд дорам». Ҳазрати Мир муддате сар пеш афканданд, (баъд) фармуданд, ки азиzon, медонед, ки сухани вай чи маъне дорад, изхори қудрат мекунад ва мегўяд, ки агар ин набошад дингаре. Дар он мажлис ҳазрати Мир дингар муаммо нахонданд ва лутф бисёр фармуданд ва ба мавлоно Соҳиб гуфтанд, ки мо даъвиий вайро мусаллам доштем»¹. (Мазмуни: иттифоко мен бу муаммони ёд билардим, ўйга тушдим, билин билмасликка солиниб мажлис ахлини алдасаммикан ёки рост гапирсаммикан. Окибат ростлик устун келди, айттим:

«Олий зот, мен бу муаммони ёд биламан». Мир ҳазратлари бир муддат бошларини куйи эгдилар, кеъин, азиزلар, биласизларми, унинг сўзининг нима маъноси бор, у қудратини изхор килиб, буниси бўлмаса бошқасига айтинг деяпти. У мажлиса Мир ҳазратлари

¹ «Бадос ул-вакос». 506-бет.

бошқа муаммо айтмадилар ва кўп лутф килдилар
ҳамда Мавлоно Соҳиб Дорога, «унинг даъвосини қабул
килдик» дедилар). Бу ходиса Восифий 16 ёшда эканида,
1500 йилда содир бўлган эди.

XIV бобда учта ҳикоя берилган, ҳар учала ҳикоят
ҳам Соҳиб Доро тилидан баён этилади ва улардан
иккитаси (I ва III)да Соҳиб Доронинг бевосита ишти-
роки бор. Биринчи ҳикоя Навоийнинг мулозими Шайх
Бахлул ҳакида бўлиб, ҳикоя тўғрисида эмас, аввал Навоий
билан Шайх Баҳлулнинг муносабати ҳакида маъ-
лумотлар берилади. Шайх Баҳлул Навоийнинг мол-
мулки, ҳўжалиги, ҳусусий ишлари, рўзгори билан
шутулланган. У жуда билимдон, иншо ва муаммода уста
бўлган. Шайх Баҳлул камтарин, камсухан киши экан,
шеърий қобилияти мукаммал бўлса ҳам, кўп ёзишга
интилмас экан. Баъзилар буни Шайх Баҳлулнинг кусури
деб ҳисоблар эканлар. Навоий уларга жавобан. Баҳлул оз
ёса ҳам, соз ёзади, деб куйидаги китъани яратган экан:

Хоки Машрик шунидаам, ки купанд,
Ба чихил сол косае чини.
Сад ба рўзе зананд дар Бағдод.
Ложарам киматаш ҳамебини¹.

Навоий Баҳлулни ғоят ҳурмат килган, Баҳлул ҳам
Навоийга ниҳоятда садоқатли бўлган. Аммо уларнинг
орасида баъзан айрим кичик англашилмовчиликлар
ҳам содир бўлар экан. Шулардан бирни Соҳиб Доро тили
билан ҳикоя қилинади.

Навоий ётиш олдида ортиқча нарсаларни йиғиши-
тириб кўнишни Шайх Баҳлулга айтади. Баҳлул караса

¹ «Бадое ул-вақоэ». 507-508-бетлар. Китъанинг мазғуни: эшит-
ганиманки, Машриқда кирк йилда бир чинни коса яртвар эканлар.
Багдодда кунинг юзга ясасалар-да, киммити пастлиги ҳам маълум.

шамъ, давот, қалам ва сув. Булардан қайси ортичалигини билмай тараддуудда қолади. Аччиғланган Навоий Соҳиб Дорони чакириб кел дейди. Эрталаб Доро ~~келади~~ Навоий бўлиб ўтган воқеани унга баён этиб, Шайх Бахлул мен билан ўн йил бирга яшаётган бўлса ҳам, ҳамон одатимни яхши билмайди, дейди. Ҳикоянинг давоми:

(Мазмунан): ... Менинг олдимда шамъ ва давоту қалам ҳамда бир косада сув бор эди. Мен Шайх Бахлулга йигиштир дедим. Нимани йигиштирай, деб сўради. Айттим: Сенга нима бўлди, эшак бўлдингми. Филҳол арз билан тиз чўкди ва айтди: Маҳдум, менда «ғайб илми» (яъни гойибдагини аникловчи илм) йўқ, сизнинг олдингизда бир неча нарса туринти. Мир айтдилар, Мавлоно Соҳиб, Худо ҳаки, инсоф билан айтинг, маълумки, шамъ менинг олдимда сахарга қадар ёниб туради ва давоту қалам ҳам доимо олдимда бўлади, агар бир маъно хотирга келса, дархол уни қайд этиб ёзаман ва мен тунда сув ичмайман. Демак, сувдан бошка йигиштириладиган нарса йўқ. Бунча мунозара ва ўжарлик ва терсликка не ҳожат. Шунга қарамай Мир ҳазратлари ундан узр сўради ва яхши сарпо ва эгар жаблуги билан бир от иноят қилди¹.

Бу воеа, шубҳасиз, катта ҳаётдан кичик бир лавҳа. Улуғ инсон мизожининг бир оний кўриниши. Тўри, ҳикоя Бобур ва бошқаларнинг қайд қилганидек, Навоийнинг нозиктабълигидан шаходат беради (улуг кишилар инсонга хос оддий хислатлардан бегона деб тушунмок, албатта, нотўғри бўлур эди!). Бирок, бу ҳикояда биз факат «нозиклик» ва «инжиклик»нигина кўриб колмаймиз, «эшак» иборасини мустасно этсак, Навоий таънасида асос ҳам бор, балки шу билан бирга, олижаноблик, меҳрибонлик, самимийлик ва қарам-

¹ «Бадое ул-вакое». 512-513-бетлар.

саҳоватнің, бундан ташкари, буюк ижодкорнинг факат иш вактидагина эмас, балки доимо, ҳатто баъзан уйку учун ажратилган соатларда ҳам ижод ва илҳом билан ҳамогушлигини кўрамиз. Хуллас, бу ҳикоя улуғлик билан оддийлик бир шахсда мужассамлашганини яна бир бор намойиш этади.

Кейинги ҳикоя Алишер Навоийнинг устози Мавлоно Фасехиддин Иброхимнинг күёви амир Садриддин Юнус ҳакида дидир. Навоий уни нодонлиги ва бефаҳмлиги учун хуш кўрмас экан. Ҳикояда бир йигилишда Навоийнинг уни изза килгани баён этилади. Юнус ўзи ҳакида айттилган асқияни тушунмай, бошда ўзгаларнинг кулгисига кўшилишиб кулади, сўнг мажлисни ташлаб чиқиб кетади¹.

Учинчи ҳикоя ўз характеристи билан биринчи ҳикояга бир мунча уйғуналашиб кетади. Кунларнинг бирида Навоий уйида бир неча шоир ва надимлар йигилишган булади. Навоий Соҳиб Дорони бемор ётган Мавлоно Фасехиддин хузурига жўнатади. Йигилганлар таомдан кейин қолиш-колмасликни билмай, ниҳоят, тарқаб кетишиди. Соҳиб Доро кайтиб келади. Уни Мавлоно Фасехиддин хузурига жўнатгани хотирасидан кўтарилиган Навоий даргазаб бўлиб, нима, менинг уйим ошхонаю, мен ошпазми, еб-ичиб, индамай тарқаб кетсанлар, дейди. Соҳиб Доро воеани тушунтиришга

¹ Навоий шу муносабат билан куйидаги мисраларни айтган экан:

Хандай бевакт күшояд гирех,
Гиря аз он хандан бевакт бех.
Ханафасе ханда задан барқвор
Кўтахи умр дихад чун шарор (516-бет).

(Шеърнинг мазмуни: бемвхал қулги тугунни счади, яъни кишини шарманда килади, bemvхал қулгидан йигилган яхширок. Чакмоқдек ҳар нафасда кулмок алангадек умрни кискартиради).

киришади. Навоий ғазабдан тушмай, мусохибларидан сўкинади. Эртаси ва индини ҳам Навоий Соҳиб Доро бошини кўтариб карамайди. Соҳиб Доро кетмокчи бўлиб турганда, араздан тушган Навоий уни койиб, «вожиб ул-вужуд» (худо)дан ўзга ҳамманинг хато килиши мумкин, сен менинг хотирамдан чиқиб колганини кишилар олдида бетимга солмай, сабр қилсанг булмасмиди, дейди ва ярашиб кетади. Ҳикояни тугатар экан, Соҳиб Доро «дарвокеъ ҳақ ба жониби Мир буд ва хато эз жониби мо воеъ шуба буд» («дарвокеъ, Мир жаноблари ҳақ бўлиб, хато биздан содир бўлган эди») дейди.

XV боб Навоий шарафига Мажидиддин томонидан ўтказилган зиёфат тасвири ва таърифи билан бошланади. Бу тасвир, А.Н.Болдирев таъкидлаганидек, юкори доирадаги зиёфатлар ҳакида батафсил маълумот олиш ва тасаввур ҳосил қилишга хизмат этади. Айни чоғда бобнинг шу кисми Алишер Навоий билан Мажидиддин ўртасидаги муносабатни ёритиш жихатидан ҳам аҳамиятли. Бу масалага биз кейинрок батафсилроқ тўхтаймиз, лекин бу ўринда шундайтиш керакки, Алишер Навоий билан Мажидиддин ўртасидаги муносабат доимо бир тарзда бўлмаган, дўстлик ҳам, мухолифат ҳам содир бўлган.

Бобда яна беш ҳикоя бор. Бу ҳикояларнинг зиёфатга, бобнинг сарлавҳасига бевосита алокаси йўқ. Соҳиб Доро тилидан баён этилган биринчи ҳикоя Навоийнинг хаёти, унинг фазилатлари, шу билан бирга, Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг ўзаро муносабатларини ёритишда фавқулодда аҳамиятга эга.

Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг мулоғимлари каторига бир воеанавис – айғоқчини ҳам қўшиб қўйган экан. Буни ҳеч ким билмаса-да, Навоий пайқаб олган экан. Кунлардан бирида бир шахс Навоий уйига бир калла

канд, бир ёй ва Куръон олиб келади. Навоий ундан максадини сўраса, у отаси юкори лавозимдаги шахс бўлгани, ўзи ҳам мансаб орзусида эканини айтади. Навоий, менда хизмат килсант, йилига беш юз тантадан ошик маош ололмайсан. Бошка маслаҳат берай. Куръонни сотсанг, юз тантага олишади, ёй билан қандни йигирма тангага сотасан. Пичок ва сипоҳилар либосига ўхшаш либос сотиб олиб, башанг кийинган чиройли йигитларнинг йўлини тусиб олиб, «Сизни Ҳожа Мухаммад Чинор чакиряпти» десанг, у бечора ёлиниб-ёлвориб, Ҳожа Мухаммад Чинордан нажот топмок учун борини сенга ҳада килади, шу йўл билан бойиб коласан, дейди. У шахс мулзам бўлиб, «тухфа»ларнини кўтариб, Навоий хузуридан чиқиб кетади.

Кечган воеани айғокчи Ҳусайн Бойқарога етказади. Дарғазаб бўлган шоҳ Ҳирот ҳокими Мухаммадвалибекни чакиртириб, сенинг номингдан Ҳиротни бошкараётган асрардигит Мухаммад Чинор эл-юртга жабр-ситам килиб, кишинларнинг мол-мулки, кизи ва ўғлига кўз олайтириб караётган экан, агар тезда уни шахардан кувиб чикармасанг, уни ҳам, сени ҳам оғир жазо кутади, дейди. Мухаммадвалибек Мухаммад Чинорни юз калтак билан жазолаб, шахардан хайдаб юборади.

Бу ҳикояда биз Алишер Навоийнинг адолатсизлик ва инсофисаликка карши мислсиз нафрат-ғазабини, унинг катъияти ва ѹродасини, хушёrlиги ва ҳалоллигини равшан кўрамиз. Айғокчи кўйилиши масаласи эса, Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатларнинг хийла мураккаб эканлигини кўрсатади, бу масала ҳакида кейинги саҳифаларда маҳсус тўхтаб ўтамиз.

Соҳиб Доро тилидан баён этилган кейинги ҳикояда Навоийнинг Жаҳонгирбек Барлосдан касос олиши, Му-

киришади. Навоий ғазабдан тушмай, мусоҳибларидақ сўкинади. Эртаси ва индини ҳам Навоий Соҳиб Доро бошини кўтариб қарамайди. Соҳиб Доро кетмоқчи бўлиб турганда, араздан тушган Навоий уни койиб, «вожиб ул-вужуд» (худо)дан ўзга ҳамманинг хато қилиши мумкин, сен менинг хотирамдан чиқиб колганини кишилар олдида бетимга солмай, сабр қилсанг бўлмасмиди, дейди ва ярашиб кетади. Ҳикояни тугатар экан, Соҳиб Доро «дарвокеъ ҳақ ба жониби Мир буд ва хато ю жониби мо воеъ шуба буд» («дарвокеъ, Мир жаноблари ҳақ бўлиб, хато биздан содир бўлган эди») дейди.

XV боб Навоий шарафига Мажидиддин томонидан ўтказилган зиёфат тасвири ва таърифи билан бошланади. Бу тасвир, А.Н.Болдирев таъкидлаганидек, юкори доирадаги зиёфатлар ҳакида батафсил маълумот олиш ва тасаввур ҳосил қилишга хизмат этади. Айни чогда бобнинг шу кисми Алишер Навоий билан Мажидиддин ўртасидаги муносабатни ёритиш жиҳатидан ҳам аҳамиятли. Бу масалага биз кейинрок батафсилроқ тўхтаймиз, лекин бу ўринда шундай айтиш керакки, Алишер Навоий билан Мажидиддин ўртасидаги муносабат доимо бир тарзда бўлмаган, дўстлик ҳам, мухолифат ҳам содир бўлган.

Бобда яна беш ҳикоя бор. Бу ҳикояларнинг зиёфатга, бобнинг сарлавҳасига бевосита алокаси йўқ. Соҳиб Доро тилидан баён этилган биринчи ҳикоя Навоийнинг хаёти, унинг фазилатлари, шу билан бирга, Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг ўзаро муносабатларини ёритишида фавқулодда аҳамиятга эга.

Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг мулозимлари каторига бир воеанавис – айғоқчини ҳам кўшиб кўйган экан. Буни ҳеч ким билмаса-да, Навоий пайқаб олган экан. Кунлардан бирида бир шахс Навоий уйига бир калла

канд. бир ёй ва Куръон олиб келади. Навоий ундан мақсадини сўраса, у отаси юқори лавозимдаги шахс бўлгани, ўзи хам мансаб орзусида эканини айтади. Навоий, менда хизмат килсант, йилига беш юз тангадан ошик маош ололмайсан. Бошка маслаҳат берай. Куръонни сотсанг, юз тангага олишади, ёй билан қандни йигирма тангага сотасан. Пичок ва сипохилар либосига ўхшаш либос согиб олиб, башанг кийинглан чиройли йигитларнинг кўлини тусиб олиб, «Сизни Хожа Мухаммад Чинор чакирипти» десанг, у бечора ёлиниб-ёлвориб, Хожа Мухаммад Чинордан нажот топмок учун борини сенга хадя килади, шу йўл билан бойиб коласан, дейди. У шахс мулзам бўлиб, «тухфа»ларини кўтариб, Навоий хузуридан чиқиб кетади.

Кечган воеани айғокчи Ҳусайн Бойкарога етказади. Даргазаб бўлган шоҳ Ҳирот хокими Мұхаммадвалибекни чакиртириб, сенинг номингдан Ҳиротни бошкараётган асрандинг Мұхаммад Чинор эл-юртта жабр-ситам килиб, кишиларнинг мол-мулки, кизи ва ўғлига кўз олайтириб караётган экан, агар тезда уни шахардан кувиб чикармасанг, уни хам, сени хам оғир жазо кутади, дейди. Мұхаммадвалибек Мұхаммад Чинорни юз калтак билан жазолаб, шахардан хайдаб юборади.

Бу хикояда биз Алишер Навоийнинг адолатсизлик ва инсофисаликка карши мислсиз нафрят-газабини, унинг катъияти ва ѹродасини, хушёрлиги ва ҳалоллигини равшан кўрамиз. Айғокчи кўйишли масаласи зса, Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойкаро ўртасидаги муносабатларнинг хийла мураккаб эканлигини кўрсатади, бу масала ҳакида кейинги саҳифаларда маҳсус тўхтаб ўтамиз.

Соҳиб Доро тилидан баён этилган кейинги хикояда Навоийнинг Жаҳонгирбек Барлосдан касос олиши, Му-

Хаммад Бадахший тилидан айтилган хикояда ҳаддан ташқари ҳовликиб кетган, таҳтиравонда ҳам ножӯя ишлар билан шуғулланган Бойқаронинг баковули Мирхожи Пирнинг Навоий томонидан фош килиниши ифодаланади. Бу хикоялар (агар уларга шаксиз каралгандан ҳам) Алишер Навоийни қандайдир қасоскор сифатида эмас, балки адолатсиз, инсофсиз ва ўз мансабини сунистъемол килаётган кишиларга бефарқ караб туролмайдиган қатъиятли бир шахс сифатида гавдлантиради.

Хўжа Маҳмуд Тойбодий тилидан айтилган яна бир хикояда работ қурилаётган жойда бир телбарок киши пайдо бўлиб, у ёқдан-бу ёқка чопиб, хуштак чалиб кафтар учирини ва Навоий унинг номи ё Шамс, ё Аҳмад, ё Тожиддин деганда, унинг номи «Шамс Аҳмад Тожиддин» бўлиб чикиши ва ниҳоят, Биноий тилидан баён этилган бир хикояда Муҳаммад Шамс деган шоирнинг айёр ва безори ўғли Порсонинг беъманиликлари сўзланади. Бу икки ҳикоя ҳам Навоийнинг хаёти ва фаолияти билан у қадар алоқаси йўқ. Порсо ҳакидаги ҳикоя XV аср муҳитининг кора саҳифаларига доир маълумот берса-да, балий жихатдан жуда бўш ва зерикарлидир.

XVI бобда учта ҳикоя келтирилди. Учала хикояда ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронинг иштироки бор.¹ ва II ҳикоялар Навоий ва Бойқаро муносабатларини ўрганишда маълум кимматга эга.

Биринчи ҳикоя Ҳожа Маҳмуд Тойбодий тилидан сўзланади. Алишер Навоийнинг уйланмагани турли фикр-мулоҳазаларни тугдирган экан. Ҳусайн Бойқаро унинг поклиги ва иродалилигини таъриф килганда, хотини Ҳадичабегим бунга шубҳа билан қарабди. У Алишерни синаб кўрмокчи бўлибди. Ҳадичабегимнинг Давлатбахт деган чўриси бўлар экан, у шундай гўзал

эканки, «күк фалакнинг офтоби унинг жамоли нуридан девона булиб, кийим-кечаксиз осмоннинг томида югуаркан»¹. Давлатбаҳт яхши ишонч қозонган. шоҳ опласи сир-асоридан хабардор маҳрам экан. Алишер Навоий уни севар экан («... хотири Мир дар фазойи ҳавон ишқи ў парвоз менамуд»² – «Мир хотираси унинг ишқи ҳавоси фазосида парвоз киларди». Ҳадичабегим бир куни хийла кеч кирганда маҳсус топширик билан Давлатбаҳтни Алишернинг уйига юборди. Навоий унинг не максад билан келгани (тўғриси юборилгани) ни билади, Давлатбаҳт тунаб қолади. У Алишернинг муқаммал эркаклигига, лекин шу билан бирга, иродали ва покдомон киши эканлигига каноат ҳосил қиласди. «Чун ин хикоят ба самъи Мирзо ва Ҳадичабегим расид, – дейилади пировардида, – эътиқоди (эшон) яке дар сад, балки яке дар ҳазор гардид»³. («Бу хикоят Мирзо ва Ҳадичабегим кулогига эшитилганидан кейин, уларнинг эътиқоди бирга юз, балки бирга минг бўлди»).

Бу хикоя Навоийнинг шахсий ҳаёти ва хусусий хислатларини ўрганишда фавқулодда катта аҳамиятга эга. Бу масалага биз «Навоий ва Гули» хикоялари Туркуми муносабати билан кейинроқ яна кайтамиз.

Навоий билан Ҳусайн Бойкаронинг ўзаро муносабатини ўрганиш ва ёритиш жиҳатидан иккинчи хикоя гоятда мухим бўлгани учун уни таржима килиб бутунисича кўчириб ёзишни мувофик кўрамиз.

«Мавлоно Муҳаммад Бадаҳшӣ шундай дейдилар. Амири Кабир (Амир Алишер) туркий «Ҳамса» китобини Султоннинг (Ҳусайн Мирзо) кутлуғ номи билан тўлдириб тақдим эттилар. Мирзо айттилар: «узок муддат

¹ «Бадос ул-вакое». 583-бст.

² Шу ўриндо.

³ Ўша ўринда.

ва кўп вактдан бери мен билан сизнинг орамизда бир можаро бор, бугун ўша амр карор топадиган вактдир». Ва можаро шу эдики, Султон Ҳусайн Мирзо Мир Алишерга муридлик изхори килар ва Мирзо уни ўз пири дерди. Ва Мир айтардиларки, олло-олло, бу қандай сўз, биз муридмиз ва сиз ҳамманинг пирисиз. Бу гап-сўз чўзилиб кетгач, Мирзо: пир киму, мурид ким, деб сўрадилар. Амир: пирининг муродини ўзига мурод деб билган киши муриддир, дедилар. Мирзо кул ранг отни олиб келишни буюрдилар ва у шундай юрумол от эдики, тун коронғилиги билан кундуз кунининг оқлиги бирга қўшилган эди. Ҳеч ким жаҳон яловида бундай самандни кўрмаган эди. Мирзо: Сиз бундай шиддатли мурид ва биз пир эканмиз, бизнинг муродимиз шуки, ушбу отта минсангиз ва биз жилавни ушлаб юрсак. Минмоқдан Мирнинг ўзга чораси колмади. Мир узангига оёқ узатиши билан, от хуркий бошлади, у шохдан бошка кишини устига миндирмасди. Мирзо «хай-хай»лади, от Мир миниб олгунича тек турди. Мирзо жиловни ушлаб етаклаши билан Мир отнинг устида хушидан кетди ва уни кўтариб туширдилар¹.

Бу вокеага шубҳа билан қарашга ҳеч қандай асос йўқ. Ҳикоя Навоий ва Ҳусайн Бойкаро муносабатининг хийла мураккаб бўлганини яна бир бор таъкидлайди. Бу икки буюк шахс ўртасида маълум зиддият ҳам, садокат ва улуғ эҳтиром ҳам бўлган. Бу масалага ҳалк ҳикоя ва афсоналари муносабати билан кейинроқ яна қайтамиз.

Мавлоно Шихоб ҳакидаги учинчи ҳикоя икки кисмдан иборат. Биринчи кисмнинг Навоийга у кадар алоқаси йўқ. Унда Мавлоно Шихобнинг Куръондаги шеърларни «Яс» сурасидан охиригача тўплаб тадвин

¹ «Бадое ул-вакое. 586-587-бетлар.

(девон) килгани, Ҳусайн Бойқарога тақдим этгани айтилади. Бойқаро бу ишга минг танга инъом бериб, Куръоннинг бошидан схирига қадар бўлган барча шеърларни тадвии килсанг, йилига беш минг танга ва беш юз харвор ғалла нафака белгилаймиз, дейди. Мавлоно Шихоб беш йил меҳнат қилиб бу ишни адо этади. Унинг хизмати Абдураҳмон Жомийга ҳам манзур бўлади. Бирок, бундан ҳасад килган Мавлоно Нуридин Мухаммаднинг ғийбати туфайли Ҳусайн Бойқаро ваъдасидан кайтади. Шу воқеани баён этганидан кейин Восифий «Мажолис ун-нафоис»дан Мавлоно Шихоб фаслини кўчириб ёзди, бу фаслнинг охирида «онга Мавлоно Носириддин Муҳаммаддин ажаб зулм ўттишим, ҳеч ким гаврига ета олмади»¹ сўзлари бор. Эҳтимол, шу таъкид учун Восифий Мавлоно Шихобга доир бу воқеани хикоя килгандир.

Ҳикоянинг иккинчи кисми Навоий билан Мавлоно Шихоб ўртасида содир бўлган кўпоплроқ бир ҳазилга багишланган. Мавлоно Шихоб Навоийнинг ёзишича, «одамийлик суратидин мунхалеъ бўлуб, ўзга жонвор суратига масҳ бўлгай. Андокки, инсоният сиратидин субоъ ва баҳойим сиратига мубаддал бўлубдур»². Эҳтимол, шунинг заминида бўлса керак, Мавлоно Шихобнинг ҳачирлари «моҳича» (уграга Ўхшаш таом) ер экан, деган накл пайдо бўлади. Кунларнинг бирида Навоийнинг уйида бир неча меҳмон бўлиб, Навоий кўл юваётib тегажағлик билан Мавлоно Шихоб ҳачирига «моҳича» берилдими, деб сўрайди, мулозимлар «йўқ,

¹ «Бадое ул-ваке». 591-592-бетлар. Бу жумла «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-тонкидий матнинда «анг шахар шайхул исломидан ажаб зулм ўттишим, ҳеч киши гаврига ета олмади» тарзida ёзилган.

² «Мажолис ун-нафоис». 154-бет.

хизматкорлар унугибди» деб жавоб берадилар. Навоий Мавлоно Шихобга: бу хачир ҳам сизга жуда бош оғриги бўлди-да, деган эди, Мулло Шихоб: ха, бу шум хачир яна бир одат чикарганки, овқатдан кейин қўз ювиш ва оғиз чайиш учун обдаста била жом талаб киладиган бўлиб колди (Навоийга ишора қилинган). Ҳикоянинг охирида Восифий бундай дейди: «Мавлоно Соҳиб мефармудандки, ҳаргиз Мурро бо он тағиyr ва тақdir надидаам. Аммо Мир таҳаммул карда ба ҳанда гузаронидан. Ин далиласт бар камоли улув машраби Амир Алишер»¹ («Мавлоно Соҳиб дер эдиларким, мен Мирни хеч качон бу даражада ўзгариб кеттани ва газабланганини кўрмаган эдим. Аммо Мир сабр этиб, кулги билан ўтказиб юбордилар. Бу Амир Алишернинг ҳулки олийлиги ва баркамоллигига далилдир»). Ҳикоянинг охирига илова этилган бу жумлалардан кейин, назаримизда, яна бирон сўз демок ортиқчадир.

Ниҳоят, Биноий фазилатлари ва унинг Навоий билан зарофатларига бағишлиланган XVII боб мукаддима на саккиз ҳикоядан ташкил топган. Мукаддима Мавлоно Биноийнинг спифат ва фазилатларига бағишлиланган. Мавлоно Биноий тилидан айтилган биринчи ҳикояда Навоийнинг интироқи йўқ, бобнинг охиридаги уч ҳикояда Биноий қатнишмайди. Колган тўрт ҳикоя Навоий билан Биноий ўргасида содир бўлган воеалардан олинган. Шундай қилиб, бобнинг ҳаммаси эмас, балки маълум кисми беносита Навоий билан Биноий ўргасидаги муносабат, воеа, ҳали-мутоғийбага бағишлиланган. Боб қуйидагича бояшканади: «Мавлоно Мухаммад Бадахшӣ мефармуданд ки Амир Алишер Мавлоно Бинойро бисср мұтакид буд ва дар тазкиратул шуарон турки («Мажолис унинифонс» – Н.М.) агарчи ўро таъризот ва ташниъот

¹ «Давлое ул-накоё», 592-бет.

кардаанд, аммо бар афозили заки ал-фаҳм махфий нест, ки он мутазамман таъриф бисёр аст...»¹ (Мавлоно Мухаммад Бадахший айтар эдилар, Амир Алишер Мавлоно Бинойга жуда эътиқодлидир ва туркча шоирлар тазкирасида, яъни «Мажолис ун-нафонс»да, гарчи уни киноя ва айб килганлар, аммо закий фаҳмли фозилларга махфий эмасдурким, у тазкира кўп таърифни хам камраб олади...). Шу сўзлардан кейин «Мажолис ун-нафонс»да Мавлоно Биной ҳақида берилган куйидаги фасл келтирилади («Бадое ул-вакое» матни асосида кўчирамиз): «Мавлоно Биной авсотун носдиндур, муваллади Ҳиридур. Бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилга машғул бўлди, анда кўп рушди бор эрди, бот тарк килди. Хатга доғи ишқ пайдо килди, фурсатда ободон битиди... Аммо муажжаб ва максурлигидин эл кўнглига мақбул бўлмади. Бу сифат сабаби учун факр тарикин ихтиёр қилди ва риёзат ҳам тортди. Чун пири йўқ эрди, ўз бошича колгон учун хеч фойда бермади. Эл таън ва ташнидин Ҳирида тура олмай Ирокга борди, анда доғи ушбу рангда овозалар юборди. Аммо чун йигитдур ва кобил ва кўп гурбат ва шикасталик тортти. Умид борким, нафсиға ҳам шикаст етмиш бўлғай. Ҳар такдир била бу матлаъ анингдур, матлаъ:

Ба сурма он ки снях карл чаими ёри маро,
Ба сони сурма снях карл рўзгори маро»².

Алишер Навоий билан Биной ўртасидаги муносабат бир тусда бўлмаган, у хийла мураккаб бўлган. Ҳикоя

¹ «Бадое ул-вакое». 593-бст.

² «Бадое ул-вакое». 593-599-бстлар. Матъланинг менинг ёримнинг кузинни сурма билан кора килгандан рўзгоримни ҳам сурмадек кора килди.

ва латифалар шу мураккабликка асосланган, ёки түрриғи, муносабатнинг мураккаб, зиддиятли томонларини камраб олган. Бундан катъи назар, Биноий Навоийга мислсиз эҳтиром ва эътиқод билан ёндошгани каби Навоий ҳам уни таъриф-тахсин килган. Шуларни кўзда тутиб, Зайнiddин Восифий Мавлоно Мухаммад Бадахший тилидан Навоийнинг Биноийга, бир томондан, ихлос ва эътиқоди, иккинчи томондан, унга танқидий муносабатинитаъкидлайди. Убубилан кифояланиб колмайди, шу фикр-мулоҳазаларни Навоийнинг ўз тилидан келтириб, «Мажолис ун-нафоис»дан Биноий фаслини кўчириб ёзади. Шу фаслга эътибор берайлик. Ундаги фикр-мулоҳазаларни уч туркумга ажратиш мумкин; ижобий («бағоят қобилияти бор», «Аввал тахсилга машғул бўлди, анда кўп рушди¹ бор эрди», «Хатка ишқ пайдо қилди, оз фурсатда ободон битиди», «Мусики фанига майл кўргузди, бот ўрганиб, хийли ишлар тасниф килиб, рисола доги адворда битиди»), танқидий («Аммо муажжаб ва максурлигидин эл кўнглига макбул бўлмади», «Эл таъна ва ташнидин Ҳирида тура олмай Ироқга борди, анда доги ушбу рангда овозалар юборди») ва ниҳоят тазкира муаллифининг тилаги («Аммо чун йигитдур ва кобил ва кўп ғурбат ва шикасталик торти». Умид борким, нафсиға ҳам шикаст етмиш бўлгай»). Навоий Биноийнинг «ғурбат» ва «шикасталик» тортганидан афсусланади, унинг рўзгори коралигидан (келтирилган матлаъ бежиз эмас) қайғуради.

Восифий холис мулоҳаза юритиш учун «Ва маълоно Биноий низ ба жаноби Мир ақидаи ғариба доштга»², (Ва Мавлоно Биноий ҳам Мир жанобларига нисбатан кизик ақидада бўлган), деб Биноийнинг «Мажма ул-ғаройиб»

¹ Рушд – тўғри Йўл топниш, стилиш.

² «Бадое ул-вакос». 594-бет.

касидасидан 116 байт келтиради. Беш юз бир байтдан иборат бўлган бу қасидани Биноий Самарқандда битган ва уни Алишер Навоийга бағишилаган. Восифий келтирган байтларда Биноий Алишер Навоийни мадх этади, уни шоир, олим, фозил ва шоҳнинг муқарраби сифатида таъриф-тавсиф қиласи, ўз ҳасбихолини баён этиб, Самарқандда мусофирилик азиятларини чеккани, Ҳирот ва Ҳирот ахлини соғинганини айтади ҳамда узрхохлик қиласи. Биноий Алишер Навоий хакида, жумладан, бундай дейди:

... На ба давлат туро касе ҳамбар,
На ба дониш туро касе ҳамсон.
Дар сухан бехтари зи Ҳокони,
Дар ҳукумат наи кам аз ҳокон.
Фазли ту азҳару минаш шамс аст,
Ҳамчу хуршед ба жаҳони тобон.
Ман чи гўям, ки аз фазоили ту
Ҳарчи гўянд ҳаст сад ҷандон.
Гар ба тадвиина расад фазоили ту,
Натвон забти он ба сад девон.
На ҳамин дар замона мислат нест,
Ки набуда аст ҳам ба ҳеч замон...
Ончи рондам зи давлати ту сухан,
Вончи додам зи дониши ту нишон,
Нест иғроқи шоирона дар ин,
Нест таҳийли муншиёна дар он.
Бегумон воеъ асту ҳаст якин,
Ба якин сабит асту нест гумон¹.

(Мазмуни: ...на давлатда сен билан баравар, на илмда сен билан ҳамсон бор. Сўзда Ҳоконийдан яхшироксан, ҳукуматда ҳокондан кам эмассан. Сенинг фазлинг куёшдек зохир ва хуршиддек жаҳонга тобланиб туради.

¹ «Бадое ул-вакое», 601-602-бетлар.

Ман сенинг фазилатларинг ҳакида не дейин, чунки ҳар
канча айтиса, ундан юз чандон зиёддир. Агар сенинг
фазилатларинг девон қилинса, юз девонга ҳам сигматан
бўлар эди. Замонада сенинг мислинг йўқ, бундан аввал
ҳам бўлмаған... Сенинг давлатинг ҳакида нимаини
деган бўлсам, билиминг тўғрисида нимаини нишона
берган бўлсам, булар шоирона муболага ёки адабона
хаёл эмас. Ҳаммаси вокедир, ҳаммаси мукаррардир,
барчаси ҳак бўлиб, гумони йўқдир).

Энди ҳасбиҳол, гинахонлик ва узроҳлик ифодалантган
бир неча мисра келтирамиз:

Дин паноҳо, ба хидматат накле
Мекунам арзадошт аз фармон...
Дар Самарканд, агарчи бекадрам,
Чун Умар дар вилояти Кошон,
На ба ирфони ман касеро илм,
На касеро ба илми ман ирфон.
Бо ҳама шокирам зи мунъими худ,
Неъматашро чаро кунам куфрон...
Сарваро, гар чи дидам аз дари ту,
Чаври бехад чафои бепоён,
Дошти дар азоби гуногун,
Бандаро бе шавоиби ҳазлон,
Гоҳ мечастам аз ту шаҳр ба шаҳр,
Ҳам чу маҳи тира рӯзу саргардон,
Гоҳ мутвори аз ту ҳамчу хилол,
Зада насхам зи дидажо пинҳон.
Бе ту чун оби Дарғамам дар ғам,
Бе ту чун рӯди Кўҳакам гирён.
Шаб зи шавки ту мекунам то рӯз,
Чун шағолони Ғотфар афғон.
Ҳам чу оби хаёт мажлиси ту,
Рухи чон аст руҳбахши чинон.
Дорам умед аз наводи карим,

Рошсам аз мұхаймини маннон,
Ки барорадам аро аз мушкили ҳачр,
Ба висолат расонадам осон.

(Мазмұни: дин таянчи, сенинг эътиборингта арзихолимини йүллайман... Гарчи Самарқандда, худди Умар Кошон вилоятида бұлганидек, бекадрман, на менинг маърифатимдан бирор киши илм олади-ю, на илмим бирор кишиңга маърифат беради, шунга қарамай, ўз неъматимдан шукр қиласын, нега берган неъматига куфр қиласын... Эй сарвар, гарчи сенинг даргохингда бехад жабр ва бепоён жафо чекдим, бандани беайб йирокка солдинг, турли азобларга туттинг, кундузи хира ва саргардон ой каби шахарма-шаҳар кезиб юрдим, тох янги ойдек сендан туткун булиб, пасхам олиб, күрар кўзлардан пинҳон юрдим. (Аммо) сенсиз Дарғам сувидек ғамдаман, сенсиз Кўҳак (Зарафшон) дарёсидек гирёнман, сенинг шавкинг билан кечаси тоңг отгунча Ғотфар чиябўриларидек фигон чекаман. Сенинг мажлисларинг оби ҳаётдир, жаннатдек рух баҳш этувчи жон руҳидир. Каримнинг (оллонинг) эхсонидан умидворман, саховатли кузатувчи (худо) тегишлигимни беради, у ҳажр мушкүлотидан мени кутқаради ва осонлик билан мени сенинг висолингга етказади).

Мураккаб, хийла зиддиятли сатрлар. Мусофирилик, гарифик азоб-машакқатлари, қандайдир можаролар, алам, гина-кудурат, гинахонлик... Лекин шулар билан бирга, Навоийга ихлос, эътиқод, уни ва у бошлиқ мажлисларни кўмсаш, бетоқатлик, Ҳиротта қайтиш иштиёки...

Биноий 1494/95 йилларда Самарқандга келган эди. Бу қасида Самарқандга келганидан бир-иккى йил кейин ёзилган булиши мумкин. Қасиданинг Алишер Навоий кўлига бориб етган-стмагани, унинг бунга муносабати ҳакида хеч қандай маълумот йўқ. Алишер Навоий

«Мажолис ун-нафоис»дан ташқари Мавлоно Биной ҳақида «Фавойид ул-кибар»даги «Сокийнома»да сўз юритиб, унинг номини илм-фанда, санъат ва адабистда машхур бўлган кишилар каторида зикр этади:

Яна бири келди Бинойики, фунун
Касбида айламади манъи жунун¹.

Бошка маълумот, мулоҳаза йўқ.

Биной билан Алишер Навоийнинг муносабати, афтидан, икки марта кескин тус олади. Биринчи марта бу муносабат Бинойнинг Ироққа кетиши билан тугалланади. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да «Эл таън ва ташниидин Ҳирида туролмай, Ирокка борди» деса, Бинойнинг ўзи, Хондамир, Бобур ва Навоий билан Биной ўргасидаги муносабатлар билан изохланадилар. «Чун аз назокити табъ ва инхирофи мизочи Амир Алишер имкони сукунд дар билоди Хурросон мутаazzир шуд, ҳавои сайри Ирок дар тахтагоҳи димоғам мусаммам гардид ва ин каломи саодатфарчом ба ин камина фил-бадеха бар забон чорий шуд:

Агар мухибби Ҳусайнню Рост мегўи,
Машав мухолифу оҳанг кун ба мулки Ирок.

(Мазмуни: «Амир Алишернинг нозик табъи ва менга нисбатан мизожининг қайтиши туфайли Хурросон вилоятида сокин қолмоқ имкони қийинлашди ва димоғим тахтгоҳида Ирокка сайр килиш ҳаваси қатъий карор топти ва саодат билан хотималанувчи бу сўз каминанинг тилида бадеха тарзida воқиъ бўлди:

Агар Ҳусайнний мухибию рост десанг.

¹ «Фавойид ул-кибар», 719-бет.

Бу охангга карши бүлма-ю Ирок мулки томон оханг туу¹.

«Алишербекка хили мутаарриз экандур. Бу жихат-тин хили жафолар тортти. Охир тура олмай Ирок ва Озарбайжонга Яъкуббек қошиға борди. Яъкуббек кошида ёмон эмас эди....»² – дейди Бобур. «Мажолис ун-нафоис»дан келтирилган жумла билан Биноий ва Бобурдан келтирилган сўзлар ўртасида маълум тафовут бор. Бизнингча, Алишер Навоий Бинойни кечирган, унинг узрини қабул этган, бинобарин, Ирокка жўнашини «Эл таъни» билан изоҳлайди, аммо Навоийнинг афв этгани Бинойга маълум бўлмай туриб, у Ирокка йўл олган булиши мумкин. Биноий Ироқдан кайтади, Навоийлар доирасидан яна муносиб ўрин олади. Кейинрок (чамаси 4 йиллардан кейин) Навоий билан Биноий Мовароуннаҳрга – Самарқандга йўл олади. Бинойнинг фаолияти ва меросини синчковлик билан ҳар томонлама чукур ва кенг тадкиқ этган йирик шарқшунос Абдулгани Мирзаев таъкидлаганидек, бу муносабатлар миллий заминда эмас, балки хусусий заминда кескинлашган.

Навоий билан Биноий ўртасидаги муносабатнинг ёмон булиши ва кескинлашуви бу икки шахснинг мизожи – характеристи билан боғлик хусусий масаладир. Маълумки, Навоий табиатан нозикфеъл киши бўлган. Биноий эса хийла магрур, баъзан бетакаллуф; вазият билан жавобсиз колдирмайдиган бетгачопарроқ киши булиб, баъзан чегарадан чиқкан, хаддан ошган. Навоий билан Биноий ўртасидаги муносабат мана шундай гап-сўзлар заминида ёмонлашган.

¹ Бу байтда Хусайнин. «Рост» га «Ирок» айни чокда куйларнинг ҳам номи булиб, шоир сўз ўйини ишлаттган.

² «Бобурнома». 242-бет.

Алишер Навоий ва Мавлоно Биноий хакидаги хикоялар шундай хусусий муносабатлар заминида туғилган, бадийлаштирилган, баъзан ортиқ даражада бўргтириб тасвирланган хикоя-латифалардир. Булар Восифийнинг «Бадое ул-вакое», Бобурнинг «Бобурнома» ва Қазванийнинг «Мажолис ун-нафоис» таржимасида баён этилган.

Энди «Бадое ул-вакое»даги хикоялар билан танишиб мулоҳаза юритайлик. Биринчи хикоя (таржима):

Мавлоно Муҳаммад Бадаҳшийдан наклдирким, айтар эдилар: Мирнинг одатлари бор эдиким, ҳар ҳайитда ёр-дўстлар ва сұхбатдошлар ҳамда мулозаматларида бўлган маҳрам ва фозилларга муносиб сарпо инъом килар эдилар. Одат бўйича ҳайит куни мажлисда ҳозир бўлган кишилар олдига чопон кўйдилар. Мавлоно Биноий ўрнидан турди ва киблага юз ўгириб сажда килди, мажлис аҳли айтишди: бу қанақа сажда? Айтди: бу шукр саждасидир. Зероки, Мир ҳазратининг мизожи Биноийга иисбатан гоят ёмон деган гап-сўз бор, ҳозир маълум бўлдиким, бу ёлгон экан ва Мир бу каминага гоятда лутфли ва марҳаматли эканлар. Кўрмайсизми, ҳаммага шарафли чопонлар юборган бўлсалар, бу каминага ўз хусусий чопонларини юбориптилар¹.

Агар бу хикоя дарҳақикат воқиъ бўлган бўлса, Алишер Навоий қалтис ҳазиrl килган, Биноий эса жавобда ундан ҳам ошиб тушиган. Шубҳасиз, бундай қалтислик маълум из колдиришин мумкин².

Яна бир хикоя:

Шутишай дейшиларки, бир маҳал Мулла Биноий Ирокдан келиб, фозиллар ва турли олтий кипиллар иштирок этган

¹ «Бадое ул-вакое», 613-614-бетлар.

² Бу хикоя кейин Мушиғиийга иисбат берилтиб, у «Абдуллаҳон менга ўз чопонини тақдим кирадин» дейди. Киранг: А.К.Боровков. Навои и Джами в народном предании, зикр этилган журнал, 484-бет.

Мир мажлисида бўлдилар. Мир Яъкуббекнинг латифа
и нозик сўзлари ҳакида гапиришни сўради. Мавлоно
Биной айтдиларки, Яъкуббекнинг ҳеч бир латофати
и ёхшилиг унинг туркча шеър айтмаслигига тенглаша
отмайди. Мир айтдиларки, эй Биной, кўполлик ва
дагестанинни ҳаддан оширдинг, энди шунга муносаб
булиб колднингки, оғзингга ахлат тўлдиргайдирлар.
Биной, бу юйин змас, туркча шеър айтсан, шунга тенг
булади», – дейди¹.

Бу ниҳоятда калтис ҳазил-мутойиба. Ушбу ҳазил-
мутойибада биз Навоийнинг одатдаги юмори, ҳазилини
змас, балки ҳакли равишда ғазаб ва нафратини кўрамиз.
Биной атайин Навоийнинг ғашига тегиш максадида
шундай қалтис ҳазил килган.

Шу ўринда Алишер Навоий ва Мавлоно Биной
муносабатларига тааллукли бошқа муаллифлардан
хам бир неча ҳикоя келтиришни мувофик кўрамиз.
Бобур Биной ҳакида сўз юритар экан, унинг Навоийга
«Мутаарриз» – «терс»лигини таъкидлаб, буларнинг
ўргасида рўй берган ҳазил-мутойибалардан бир неч-
тасини ҳикоя килади. «Ул жумладан бири будурким, –
деб сўз бошлайди Бобур, – бир кун шатранж мажлисида
Алишербек оғенини узатур. Биноийнинг (орқаси)га
тегар, Алишербек мутойиба билан дерки «ажаб балоест
дар Хири агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир
мерасад». Биной дерким, «агар жам мекуни хам ба
(пушти) шоир мерасад». Охир бу зарофатлардин яна
Хиридин Самарқанд азимати қилди»².

¹ «Бадое ул-вакоэ». 614–615-бетлар.

² «Бобурнома», 242-бет. Форс-тожиқча жумлашарнинг маъмуни:
«Ажаб бир балодирки. Ҳиротда оғтингни узватсанг, шонрининг орқасига
тегади», «Инсанн хам, шонрининг орқасига тегади». Бу тизол Воси-
фийнинг «Рӯзе жиноби Мир Мавлоно Биноюро талабидин...» деб
бошланган ҳикояси (615-бет) охирида айнан мавжуд.

Бобур яна шундай маълумот беради:

«Алишербекни қалин нималар ихтироъ килиб эди ва яхши нималар ихтироъ килиб эди, ҳар ишта бир нима пайдо килди, ул ниманинг ривож ва равнаки учун «Алишерий» дер эди. Баъзи зарофат била Алишербекка иснод қилурлар эди. Нечукким Алишербек кулок оғриғида ёғлик боғлагон учун хотунлар кўк ёғликни кийик боғлагонни «Нози Алишерий» от кўйдилар. Бу жумладан Биноий Ҳиридан азимат қилур вакт эшиги учун полондўзга ғайри мукаррар полоне буюар, отини «Алишерий» дер, «Полони Алишерий» машхур бўлди¹. Бу, албатта, олдинги ҳикояларнинг кўпидан хйла фарқ этувчи енгилрок юмордир, зарофатдир. Бу ҳикоя «Мажолис ун-нафоис»нинг форсча таржимасида Мухаммад Қазвений томонидан ҳам ҳикоя қилинган².

«Бинойнинг зарофат қилғони хотирға келди: бир кун Алишербек қошида Биноий зарофате қилур. Алишербек тугмалик чакман кийган экандур. Дерким: «Нағз зарофате карди, чакманро медодам, vale тугмаҳо намемонад ва монаист». Биноий дерким: «Тугмаҳо чи монаист, бодигиҳо монаист (Вал-ухдату алар рови)»³. Бу кейинги ҳикоя ҳам Навоий билан Бинойнинг мизожи кўп ҳолларда бір-бирига тўғри келмагани, шунинг окибатида уларнинг муносабати кескинлашганини кўрсатади.

«Бадое ул-вакое»да Навоий билан алокадор яна бир

¹ «Бобурнома», 242-бет.

² Карагиг: Н.А.Болдырев, Персидские переводы «Маджалис-и-нафоис» Навои, научные записки ЛГУ, № 128, Серия Востоковедческих наук, вып. 3, История и филология стран Востока.

³ «Бобурнома». 431-бет. «Форс-тоҷикча жумлаларнинг мазмуми: «Яхшии зарофат қилдинг, чакманни берардим, лекин тугмалари кўймайди ва мониъллик киладин. «Тутмалар монит эмас, балки ҳавойилин мониъдир». Қавс ичидаги ибора «Масъулияти – гуноҳи ҳикоячининг бўйинда» мазмунидадир».

нечай хикоя берилган. Улардан биринда Хиротда пайдо бўлган безорилар, уларни жазолаш тадбирлари ва Носир деган безорининг зарофати ва хозиржавоблиги туфайли жазодан омон қолгани, Навоий, уни панд-насихат билан озод эттани баён килинади. Хикоя ҳикоялигидан кўра XV аср ижтимоий ҳаёти ва ихтилофлари ҳакида маълумот берувчи манба сифатида аҳамиятлироқдир. Яна бирг хикоя Бахлул томонидан баён этилиб, Навоийнинг сейистонлик Қозизода деган йигит билан танишгани, ўз таассуротларини Жомийга айтгани, Жомий истеъодли бу йигит билан танишув орзусида бўлгани ва Қозизоданинг Жомий хузурига келгани, уни танимай мулзам бўлгани, Жомий уни хушлик билан маъзур тутгани хикоя килинади. Яна бир ҳикояда (бу хикоя Шайхзода Анзорий тилидан сўзланади) Озарбайжондан келган Ҳофиз Ғиёсиддин Деҳдор деган кишининг жуда кўп соҳалар бўйича кобилиятли экани, унинг Навоий хузурига ташриф буюриши, Навоийнинг уни имтиҳон килиб, мамнун бўлиши айтилади.

«Бадое ул-вакое»нинг XXV бобида Бехзод ишлаган машхур сурат (бог, богнинг тўрида Навоий, бир кўлида ҳасса, иккичи кўлида олтин товок, атрофида шоирлар, олимлар... Навоий сухбатдошлари бошидан олтин чочмокчи) ва шу сурат муносабати билан Соҳиб Доро, Мавлоно Фасехиддин ва бошкаларнинг зарофати баён этилади. XXXVI бобда эса Навоийнинг ҳиммат ва марҳаматини баён этувчи юмористик бир хикоя келтирилган. Бу ҳикоянинг қисқача мазмуни бундай: Ҳасаншоҳ деган шоир бўлар экан, у никоятда ҳазилкаш экан. Бир киш фасли моддий томондан жуда кийналиб колади. Ўғлига пешонангни кўк рўмол билан тангигб олиб, коралибос кийиб, Навоий хузурларига бор ва отам казо килди дегин. У киши харажат учун маблағ беради,

сен бозорга бориб рўзғорга зарур нарсаларни сотиб олиб келасан. Йигит Навоий даргохига боради, афсусланган Навоий 300 хонлик бериб жўнатади. Эртаси Ҳасаншоҳ Навоий ҳузурига боради. Навоий таажжубдан лол колади, сен ўлган эдинг-ку, бу қандай бўлди, дейди. Ҳасаншоҳ, агар кеча ёрдам бермаганингизда, дарҳакикат ўлар эдим, дейди. Бу зарофатдан кулиб, Навоий Ҳасаншоҳга сарпо ва минг динор инъом қиласди¹.

«Бадое ул-вақоे»даги Навоийга тааллуқли ҳикоялар шулардан иборат. Бу ҳикоялар Алишер Навоийнинг шахсий ҳаёти ва хислатларини, унинг шоир, олим ва давлат арбоби сифатида туттан мавкеини, илм-фан, санъат-адабиёт ахлларига ҳомийлигини, мусоҳиблари доирасини, дўстлари ва мухолифларини, Ҳусайн Бойқаро, вазир Маждиддин, шоир Биной ва бошқалар билан муносабати мураккаблигини ёритишда мухим бир манба бўлиб хизмат қиласди. Лекин бу манбага илмий-танкидий муносабатда бўлиш, бошқа манбалар билан, Навоийнинг ўз мероси билан қиёсий ўрганиш лозим. Ҳар калай ҳикоялар Навоий сиймосини улуг ва оддий бир инсон, пок, ҳалол, иродали, қатъиятли шахс, ниҳоятда истеъдолли шоир, олим, фозил, ҳалқпарвар, мӯиғик, саховатли, марҳаматли бир киши, шу билан бирга, нозиктабиат бир одам сифатида гавдалантиради.

Шу бобда навоийшунослик зътиборидан четда колиб келаётган яна бир манба – Мавлоно Фахриддин

¹ Навоий «Мажолис ун-нағонис»да шоир Ҳасаншоҳ ҳакида бундай дейди: «Хурросоннинг қадимиш шуаросидиндор, Шоҳруҳ Мирзо замонидин фарҳунда давронгача кўпроқ сюлотин ва акобири ға мутаин элга мадҳи ва ҳам миғсияси бор» дейди ва шеърларидан бир матнъ келтиради («Мажолис ун-нағонис», 90-бет).

Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» асари ҳакида тұхтаб үтишни мувофиқ күрамиз.

Фахриддин Али XV асрнинг машхур олимі Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғлы бўлиб, Сафий унинг адабий таҳаллусидир. Фахриддин Али ҳар томонлама көнт ва чукур билим олади, отасининг ганъаналари изидан боради. Сафий нақшбандийликка доир «Рашаҳоти айн улдасёт», («Ҳаёт чашмаси томчилари»), «Анис ул орифин фил-мавоиз» («Орифларнинг дўсти ва панд-насихатлар»), «Махмуд ва Аёз» достони, «Латоиф ут-тавоиф» («Турли тоифаларнинг латифалари») китобини яратади ҳамда отаси Ҳусайн Воизнинг «Асрори Қосимий» асарини «Кашф ул-асрор» («Сирларнинг кашфи») номи билан кискача баён этиб чиқади.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Мавлоно Сафий ҳакида сўзлаб, «Мавлоно Ҳусайн Воизнинг ўглидур, багоят дарвешваш ва фоний сифат ва дардмандпеша йигитдур, Ҳиридин Самарқандга ҳазрат Ҳўжа Убайдулло Аҳрор сұхбатига мушарраф бўлур учун борди. Ва андок дерларким, анда қабул шарафин топиб, иршод ва талкин саодатига сарафroz бўлуб, яна Ҳурносонга келди, табъи хуб воеъ бўлубтур»¹, деб унинг шеърларидан бир матлаъ келтиради. Сафий кўпчилик асарларини XVI аср аввалларидан яратган. Шу асарларидан бири «Латоиф ут-тавоиф»ни 1530–1533 йилларда тугаллаб, Ғуржистон² шохи Мухаммад Сайфулмулукка тақдим киласди³.

«Латоиф ут-тавоиф» 14 бобдан ташкил топған бўлиб, асосан, латифа, хикоят ва ривоятлардан иборат.

¹ «Мажолис ун-нафоис». 153-бет.

² Ғуржистон Ҳирот ва Газна оғаниғидиги бир кичик шилоят бўлған.

³ Сафавий хукмдорларидан Шоҳ Тоҳмисеп тоъкибига Нұлғакон Али Сафий хижрий 989 (мелодий 1533) Ҳиротга кайтади па үшағи вафот этади.

Буларни муаллиф халк оғзидан, Мухаммад Авфийнинг «Жомеъ ул-хикоёт», Замахшарийнинг «Рабеъ ул-аброр» («Яхши кишиларнинг баҳори») асаридан, Убайди Зоконий таснифотидан, араб муаллифлари китоботи ва бошқа манбалардан олиб тартиб берган. Сайфий хикоя ва латифаларни уларда иштирок этувчиларнинг қайсан табакага мансублигига караб, бобларга, бобларни ич-ки бўлим – фаслларга ажратган. Булар шоҳлар ва сultonлар (III боб), амирлар ва вазирлар (IV боб), адаб мунши, надим ва сипохийлар (V боб), сўз усталари – булағо ва фусахо (VI боб), машойих, уламо, кози ва факиҳлар (VII боб), муаббир¹ ва мунажжимлар (VIII боб), шоирлар (IX боб), зариф кишилар (X боб), баҳил ва хомтамаъ кишилар (XI боб), ўтилар, тиланчилар ва бошқалар (XII боб), болалар, қуллар ва канизаклар (XIII боб), абллаҳ, кazzоб ва шу тоифадаги бошқа кишилардир (XIV боб).

«Латониф ут-тавоиф»да тарихий шахслар, ярим тарихий, ярим афсонавий қаҳрамонлар, фантастик персонажлар ва бошқалар иштирок этади. Хикоя ва латифаларда далилий маълумот хам мавжуд, кўп ҳолларда буларни чегаралаш хам амримаҳол. Буни муаллифнинг ўзи хам эътироф этади. «Латониф ут-тавоиф» Шарқ хикоячилигининг намунаси, форс-тоҷик бадиий насрининг муҳим бир ёдгорлиги.

«Латониф ут-тавоиф»да XV асрдаги бир неча шоирнинг фаолияти, хислати билан боғлик қизик ҳангомалар, латифалар бор. «Латониф ут-тавоиф»²да Абдураҳмон Жомийга багишланган маҳсус бўлим ва Алшинер Навонийга доир бир неча ҳикоя-латифа бор.

¹ Муаббир – туш таъбири этувчи.

² Китоб Текронда Аҳмад Гулчин Маоний томонидан нашр этилган «Латониф ут-тавоиф» асосида мухтасар килиб тузилган. Нашрға тайерловчи ва сўзбоши муаллифи Ҳалим Саидов.

I. Құнларнинг бирида шоир Биной Амир Алишер даргохига келиб ўтирди. Амир чодирдан туриб, ташкарида ким бор? – деб сүради.

Айтди:

- Биной!

Айтди:

- Яхши келибсан, биз бир оз масхарабозлик килиш утуб бирор кимсанинг келишини истаб ўтирган здик.

Биной айтди:

- Биз ҳам шунга келғанмиз¹.

II. Шоирлардан бири у ҳазратта айтди:

- Мен Камол девони ва Хожа Ҳофиз деъонига ва Амир Алишернинг юз сўзига (шеърига) жавоб айттанман. У Ҳазрат айтдилар:

- Худога нима жавоб берасан?².

Биринчи латифада Навоий ва Бинойнинг ўзаро ҳазилкашлиги баён этилган бўлса, ғейинги латифанинг бош қаҳрамони Жомийдир. Бу ҳикоялар қувнок юмор ва хозиржавоблик билан характерланади. Жомий ва бошқалар ҳакидаги ҳикоя-латифалар XV–XVI асрлар ҳикоя-латифа санъатини ҳамда Алишер Навоийнинг ижтимоий-маданий мухитини ўрганиш жихатидан ахамиятлидир.

Шундай килиб, ёзма манбалардаги Навоийга таалюкли ҳикоя ва латифалар, бир томондан, тарихий воқеликнинг, иккинчи томондан, бадий фантазия ва ижодий түкиманинг маҳсулидир. Бу ҳикоя ва латифалар мазмун жихатдан ҳам, бадий услуб жихатдан ҳам фольклор асарларига яқин ва монанддир. Уларда, ҳалқ асарларида бўлганидек, фантазия ва муболага, ҳазил-мутойиба, асқия-чандиш, тугун ва ечимда фавку-

¹ Зикр этилган нашр, 141-142-бетлар.

² Бу ўринда ҳам Жомий кўзда тутилади.

лоддалик каби хусусиятлар мухим ўрин эгаллади. Фольклорда Алишер Навоий образининг яратилишида мана шу ҳикоялар маълум бир замин бўлиб хизмат қилган.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАҚИДА ҲАЛҚ АФСОНАЛАРИ

Шубҳасиз, китобий асарлардан ўрин олган ҳикоя ва латифалар билан бир вактда Алишер Навоий ҳақида бевосита ҳалқ асарлари – фольклор асарлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Ҳалқ улуғ шоир ва мутафаккир, олим ва давлат арбоби ҳақида янги-янги асарлар яратиб, уларни авлодларга армуғон этган. Афсуски, Навоий ҳақида ҳалқ яратган асарларни ёзиб олиш ва тўплаш ўтмишда одат бўлмаган. Муқаддима бобда таъкидлаб ўттанимиздек, бу иш XX асрнинг 20-йилларида бошланди. Ўтган давр ичидаги ўнлаб ҳалқ афсоналари ёзиб олиб оммалаштирилди. А.А.Семенов, П.Оғолиев, Берди Кербобоев, М.Афзалов оммалаштирган афсоналар, ниҳоят, Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига чиройли тухфа бўлган «Доно Алишер» тўплами бобокалон шоир ҳақида ҳалқ яратган дурдоналарни тўплаш ва кенг жамоатчиликка тортиқ қилиш борасида ғоятда мухим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, А.А.Семенов, А.К.Боровков, Б.Кербобоев, Е.Э.Бертельс, М.Афзалов, М.Муродов ва бошкаларнинг шу афсоналар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам кимматлидир.

Бироқ, ҳалқнинг Навоий ҳақида тўкиган афсона ва эртакларини тўплаш ҳам, оммалаштириш ҳам ҳамон қандайдир мавсумий характерга эга, юбилей саналари билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон ҳалқ шоирин Собир Абдулла, фольклоршунос Малик Муродов ва Насрулло Сабуровлар сунгти йилларда ишлаган манбалар фольклор бисотида Алишер Навоий

ҳакида халк яраттан афсона ва ривоятлар күп эканлигини күрсатади. Бу афсона ва ривоятларни мунтазам түплаб бориш лозим.

Афсона ва ривоятларни нашр этишда ҳам баъзи нуксонлар содир бўлмоқда. Улар етарли даражада саралаб олинмаётир (1967–1968 йилларда айрим газеталардан гўр ва сунъий тўкилган нарсалар ҳам ўрин олди), афсоналар номи ва матни истаганча таҳрир килимоқда ва хоказо. Бизнингча, халк бисоти намуналарини түплаб, Алишер Навоий ҳакида халқ ижоди асарларининг мукаммал тўпламини тузиш, сунъий нусха ва таҳрирларга йўл бермаслик керак. Худди шунингдек, китобий намуналарни ҳам жам этиб, шарҳ ва изоҳ билан кенг китобхонлар оммасига тақдим этиш лозим.

Алишер Навоий ҳакида шу кунга кадар тўпланган ва оммалаштирилган фольклор намунасини тил ва худудига қараб шартли равишда учга бўлиш мумкин. Бу форс-тожик тилидаги Бухоро афсонаси¹, «Мирави ва Султон Суюн» туркман туркум² ҳамда ўзбек тилидаги афсона ва эртаклардиг³. Бу Алишер Навоийнинг туркий ҳалклар орасида шуҳрат козонганини кўрсатади. Навоий ҳакидаги форс-тожик, туркман ва ўзбек тилидаги аф-

¹ Каранг: А.А.Сессенов. «Псрсидақ новелла о Мир-Алишере Навон». Бюллетень Среднеазиатского гос. Университета. Вып. 13, Ташкент, 1926.

² П. Оғалымев. «Мырвали ве Солтансойун». Ашгабат, 1941, 1948, Берди Кербобосев, Эсерлар топлумы, дордунжи том, Ашгабат, 1959. (289–344-бетлар).

³ М.Ағзалов. «Навоий ҳакида халқ афсоналари». «Шарқ юлдузи», №5, 1948. Ўзбек халқ эртаклари, икки томлик, II-том. Тошкент – 1964. (481–500-бетлар.) Ҳоразм эртаклари, нашрға тайёрловчи Фаттоҳ Абдулласев. Давлат бадний адабиёт нашриёти, Тошкент – 1961, («Мир Алишер билан Ҳусайн Мирзо», 159-бст), Доно Алишер. (Алишер Навоий ҳакида халқ афсоналари), Тошкент – 1968.

соналар ўзига хос хусусиятларга ҳам, муштарак жихатларга ҳам эгадир. Бош муштарак хусусият шундаки, уларда биз айнан тарихий далилларни ва Алишер Навоийнинг айнан тарихий қиёфасини эмас, балки ҳалқ тасаввуридаги шоир сиймосини, унинг ҳалқ орзу-умидлари билан уйғунлашиб кетган бадиий образини кўрамиз. Шу образни яратишда ҳалқ тарихий заминдан, XV аср ҳаёти ва муайян ҳодисаларидан йироқлашади, айрим воеаларга янгича моҳият беради, баъзи тарихий шахсларни тасвирлаш ва баҳолашда эркин йўл тутади. Аммо буларнинг ҳаммаси Алишер Навоий образини яратишга, унинг сиймосида олижаноб инсоний сифат ва фазилатларни мужассамлаштиришга қаратилган. Яна бир мухим муштарак хусусият Алишер Навоийнинг эркинлаштирилишиди. У айрим афсоналарда шу даражада эркинлаштириладики, ҳудди ҳалқ қаҳрамони Афандига (ёки Талҳак ҳамда Мушфикийга) ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам Навоий номи билан боғлиқ айрим афсоналар ҳалқ қаҳрамонлари – Афанди ва Мушфикийлар номи билан ҳам айтилади.

Ҳалқ афсоналарида Алишер Навоий истеъоддли шоир, тадбирли давлат арбоби, доно, нажоткор, олихиммат бир шахс, зулм-зўрликка, адолатсизлик ва инсофисизликка, разолат ва қабоҳатга карши шафқатсиз курашган ҳалқ фарзанди сифатида гавдаланади. Афсоналарда биз Навоийни турли ҳалқ тоифалари – дехкон, боғбон, мардикор, чўпон, уста, косиб, хунармандлар билан бирга, олим ва фозиллар даврасида, саройда, подшоҳ ва амиру амалдорлар турунгига кўрамиз. Каерда ва кайси доирада бўлмасин, у доимо ҳалқ учун, адолат ва яхшилик учун курашувчи инсон сифатида гавдаланади, мухолифларига карши ҳамла килади, уларни енгади, бева-бечораларгв кўмаклашади, улар-

нинг хожатини чикаради. Шу билан бирга, дехкон, боғбон сифатида тасвир этилади. Бундай ҳолларда биз XV асрнинг охири ва шоирини эмас, балки меҳнаткаш, кувноқ ва ҳозиржавоб оддий бир инсонни кўрамиз. Ушбу хислатлар ўзбек афсоналарига ҳам, туркман шиклига ҳам хосдир.

Биз шартли равишда учга ажратган афсоналар гойвий йўналиши ва Навоий образини талкин этиши жиҳатидангина эмас, балки сюжет ва композиция ҳамда услугуб жиҳатидан ҳам хийла муштаракликларга эгадир. Баъзаян бир сюжет деярли айнан такрорланади ёки бир-бирига ўхшаб кетади. Тарихи ва тақдирни, тили ва удуми бир-бирига яқин бўлган ҳалкларда бу ҳолнинг содир бўлиши таажжуб эмас. Туркман заминида пайдо бўлган айрим афсоналар ўзбек ҳалки орасида ҳам кент тарқалиб, «ўзбекчалашгани» каби, айрим ўзбек афсоналарининг туркманлар орасида тарқалиб, «туркманлашган» бўлиши мумкин. Хоразм водийси ва Тошовуз мавзуи мана шундай алока ва «калмашув»лар замини бўлган. Ўзбек афсонаси «Навоий билан Чўпон»¹ ва туркман афсонаси «Тарихдаги тўрт донишманд киши»² ва «Нэме учин»³, «Мир Алишер билан султон Ҳусайн»⁴ ва «Бу-да гечер»⁵, «Пашшадан дод»⁶ ва «Биз адам далми?»⁷ ва бошкалар шуни курсатади. Нихоят, форс-тожик тилидаги Навоий ва Гули ҳакидаги афсона билан шу мавзу ва сюжетдаги

¹ «Доно Алишер». 49-50-бетлар.

² «Доно Алишер». 30-32-бетлар.

³ Берди Кербобоев, 291-293, 298-300-бетлар.

⁴ «Доно Алишер». 24-27-бетлар.

⁵ Берди Кербобоев, 339-340-бетлар.

⁶ «Доно Алишер». 34-35-бетлар.

⁷ Берди Кербобоев, 321-бет. Ҳудди шундай хикоя Талҳақ номи билан боғлик ҳолда «Латоиф ут -тавоиф» да ҳам бор (139-140-бетлар).

туркман афсонаси «Этмак герек»¹ ҳамда ўзбек афсонаси «Навоий ва унинг севган қизи»² үхшашлиги ҳам буни тасдиклайди. Яна характерлиси шундаки, форс-тожик тилидаги Бухоро афсонасида Навоий билан Ҳусайн Бойкаронинг Гулининг ўлими ҳақидаги мушонраси форс-тожик тилида эмас, балки ўзбек тилидадир.

Шубҳасиз, бу муштараклик Алишер Навоий ҳаюша яратилган афсоналарнинг миллий колорити ва ўзига хос хусусиятларини инкор этмайди. Афсоналарда во-кеа-ходисани ўз тарихи билан, турмуши билан боғлаб баён этиш, ўз адабий анъаналарини татбиқ килиш кўзга равшан ташланади. Афсонани яратган ёки хикоя килиб юрган ҳалк географик атамаларни ҳам ўз ўлкасидан олади (Масалан, туркман афсоналарида Мари шахри, Мурғоб, Тежан дарёлари, Дашибори, «Пулхат» кўприклари каби.). «Миралини – Навоийни, – дейди Берди Кербобоев, – туркман ҳалки ўзининг дахоси каби севарди. Савод чиқармоқ учун мактабда ўқиладиган асосий китоблардан бири Навоийнинг лирикаси – ғазаллари бўларди. Саводли, туслунчали одамлар ўз атрофларига тингловчиларни тўплаб, унинг ғазалларини, «Хамса»сини ҳафталашиб ўқир эдилар. Навоийнинг ғазаллари куйларда, қўшикларда янграп эди. Шу қўшиклар хозир ҳам бахшилар оғзидан тушган эмас, бахшилар одатда узок кечанинг куй-кўшигини Навоийдан бошлайдилар...»

Ҳалқ афсоналарини, уларнинг мавзуи ва гоявий мазмунни ҳамда образлар тизимиға қараб, шартли равишда уч туркумга: «Олижаноб инсон», «Навоий ва Султон Ҳусайн Бойкаро», «Гули»га бўлиб, уларнинг гоявий-бадний хусусиятлари ҳакида мулоҳаза юритишини мувофиқ кўрамиз.

¹ Берди Кербобоев, 344–346-бетлар.

² «Дено Алишер». 27–30-бетлар.

Бир неча афсона Алишер Навоийнинг олихиммат-
лiği, саҳовати, мушфиклиги ва нажоткорлигига бағиш-
ланган. Афсоналардаги далиллар тарихий ҳақиқатга,
Алишер Навоийнинг сифат-фазилатларига мувофиқ
келади. «Пуллар қаёкка кетяпти»¹ афсонасида Султон-
суюннинг Мирали уйига меҳмон бўлиб боргани,
кашшок рўзгорини кўриб таажжублангани ҳикоя қи-
линади. Маълум бўлишича, Мирали маошини деяр-
лик бутунлай бева-бечораларга, камбағал ва мух-
тожларга бўлиб берар экан. Миралининг таклифи билан
Султонсуюн билан иккиси кийим-бош ва отларини
алмаштириб, махаллаларга боришади, «подшоҳнинг
отини миниб, кийимларини кийиб олган Миралига
хеч ким эътибор бермас, аксинча, Миралининг кийим-
бошларида Султонсуюнни оломон ўраб оларди... Ҳар
томондан: «Ассалом, Мирали!», «нури дийдамиз»,
«халоскоримиз, худо умрингни узоқ килсин» деган хи-
тоблар эшитиларди...².

Охири Султонсуюн бу бева-бечораларга уй-жой
куриб беришга, мадад кўрсатишга вайда беради. Мирали
билан Султонсуюннинг муносабатларини ҳозирча бир
четта кўл турайлик. Афсонанинг руҳи, шубҳасиз жуда
кўп кишиларга моддий ва маънавий мадад берган,
очлик-юпунликдан куткариб колган олихиммат Али-
шер Навоийнинг тарихий сиймосига мос келади. «Пул-
хотин»³ афсонасида эса Миралининг Мурғоб дарёси
устига тошкўприк кургани ҳикоя қилинади. Бу ҳам
тарихий ҳақиқат руҳига мувофик тушади. «Навоий
 билан Чўпон» афсонасида отасидан колган қўйларнинг
кўпайиб 700 га еттани, икки юзини чўпонга меҳнат

¹ «Туркман юмори. Тошкент – 1963, 29-30-бетлар.

² «Туркман юмори». 30-бет.

³ Берди Кербобоев, 310-311-бетлар

ҳаки учун колдириб, 500 қўйни бозорга хайдаши, пулини подшоҳ ўлганда берасизлар, деб харидорларга подшоҳга Навоий: «... қўйни олиб кетган одамлар; «Ишқилиб подшоҳимиз ўлмасин. Подшоҳ ўлса Навоий пулини кистайди» деб сизни дуо килиб юришади», деб донолик ва ҳозиржавоблик билан омон колади. Бу ҳикояда Навоийнинг ҳикмат ва саховати, ёмонларга ўлим тилаши (халқ каргиши), донолиги ва ҳозиржавоблиги ўз ифодасини топган. «Зиёд Ботир» халқ эртагига² Алишер Навоий Зиёд Ботир ва унинг ёри Қамархонни турли укубат ва таҳликалардан куткариб, мурод-максадига етказгани ҳикоя килинади.

«Навоий билан ямокчининг ўғли»³ афсонаси ҳам «Зиёд Ботир» эртагига мос бўлиб, унда Навоий ямокчининг ўғлини жазодан куткариб, севганини – бойнинг кизини никохлаб олиб беради. «Юрт коровули», «Тандир куролмаган уй куролармиди» афсоналари мазкур афсоналарни тўлдириб такомиллаштиради.

Маълумки, Алишер Навоий текинхўр ва ҳомтамв қишиларни, дин ва шариат никоби остида разиллик ва қабиҳлик билан шуғулланувчитакводорларни, инсофиз ва шафкатсиз давлатмандларни муросасиз фош килар зди. Бу айрим афсоналарда ҳам ўз инъикосини топти. «Навоий билан мардикор»да ҳикоя килинишича, қишиларга кўмаклашиб, ҳожатини чикариб юрадиган бир йигит бўлар экан. Навоий бу йигитни ҳурмат килиб, қуюқ салом-аликлашиб юрар экан. Йигит тоат-ибодат килиб, гўшанишин бўлиб, Навоийнинг янада кўпроқ эътиборини козонмокчи бўлибди. Навоий гўшанишин

¹ «Дона Алишер». 51-бет.

² Ўзбек халқ эртаклари, II том, 491–500-бетлар.

³ Ўзбек халқ эртаклари, II том, 481–482-бетлар.

булиб колган бу йигитни кўрса ҳам кўрмасликка олиб,
затибор бермай кўйибди...

Шундан кейин йигит: «Ол таҳоратингни, бер каву-
шими», – деб аввалги йўлини тутиб кетибди¹.

«Мендан ҳам шунча» афсонасида² Алишер Навоий «авлиё» хотиннинг мақр-хийласи ва мънавий чиркинлигини фош этиб ташлайди. Ўзини покдоман килиб курсатган «авлиё» хотин Навоийдан лутф ки-
лишини ўтиниб илтимос этади, аммо мустаҳкам иродали Алишер Навоий унга қиёҳ ҳам бокмайди. Бу афсона яна бир бор Алишер Навоийнинг покдоманлигини таъкидлайди. («Бадое ул-вакоэ»да хикоя килинган Давлатбаҳт воқеасини эсланг).

«Кечир дўстим» афсонасида³ биз Алишер Навоий – Миралини тамомила бошқа қиёфада курамиз. У оддий заҳматкаш, «курғокчилик экинларни ер билан яксон килиб, тирикчилигини зўрга ўтказаёттандеконларнинг ахволини янада оғирлаштириди. Заҳматкашларга ёрдам бериш учун Мирали овулма-овул кезарди. Кунларнинг бирида кечаси у хизматкор ёллашни мўлжаллаб юрган савдогарга дуч келиб колди. «Бир савоб иш бор, – деди савдогар, – кунига батракнинг ярим йиллик даромадидан ҳам кўпроқ пул ишлаб олиш мумкин». Мирали нима бўлса бўлсин деди-да, савдогарнинг таклифига кўнди...»⁴. Савдогар уни арқон билан бир кудукка тушириб, хуржунларни кум билан тўлдиришни

¹ Шу асар, 45-бет.

² «Туркман юмори», 25-29-бетлар. Бу афсона Берди Кербобоев китобида «Мендан ҳам бир юз тилла» сарлавҳаси билан берилган (312-315-бетлар).

³ «Туркман юмори», 20-23-бетлар. Бу афсона Берди Кербобоев китобида «Мыралы билан савдогар» деб берилган, 304-307-бетлар.

⁴ «Туркман юмори». 20-бет.

буюради. Бу кум олтин аралаш экан, савдогар мардикор ёллаб, хуржунларни чиқариб олгандан кейин, мардикорни юкорига тортиб, «ҳакингни ол!» деб бир тишлам нон тишлатиб, кудукка ташлаб юборар экан. Кудукнинг ичи мурдаларнинг суюги билан тӯлаэкан. Савдогар Миралига ҳам аввалги мардикорларга килган муомаласини килибди. Кудук дарёга туташ экан. Навоий даҳшатли муаммоват ахлика олдида лол қолганда, бир балик дарё сохилига якин келиб, Миралини дарёдан чиқариб кўйибди ва «болалигингда ўйнагани сохилга келиб, доимо менга нон ташлардинг... мана иккаламиз ҳам анча ёшга кириб колдик, лекин яхшилигингни унуганим йўк. Энди яхши кол!...» дебди. Навоий қасос олмокчи бўлиб, бозорга борибди, савдогар уни аввалги куни тунда ёллагани учун танимай, ўша шарти билан ишга олибди. Кудук бошига боришибди. Мирали кудукка тушишга унамабди. Охири савдогарнинг ўзи тушишга мажбур бўлибди. Мирали хуржунларни тортиб олгандан кейин савдогарнинг ўзини юкорига тортиб олибди-да, оғзига бир тишлам нон тишлатиб, «Мана бу хизматлари учун, энди ҳайр!» деб арқонни кўйиб юборибди, савдогар кудуқнинг каърига тушиб кетибди.

Бу эртакнамо афсонанинг давоми Мирали билан Султонсуюн муносабати ва мулокотига боғлик. Мирали олтинли кумларни саройга, дўсти Султонсуюн хузурига олиб келади. Ҳовлиқма Султонсуюн кумни кўриб, Миралини зиндан киласди, олтини борлигини билиб колгандан кейин уни озод этади.

Кейингти йилларда ёзигб олинган афсоналардан бир нечтаси Алишер Навоининг шоирлиги, унинг ижодий ишлари билан боғлик. Шулардан бири Собир Абдулла ёзигб олган «Бир матлаъ тарихи» афсонасидир. Алишер Навоий Самарқандда тахсил кўраётган йиллари бир

гадодан «Күкрагимдир субхнинг пироҳанидин чокроқ, Кипригим шабнам тўкилган сабзадан намнокроқ» байтни тинглаб, унга мафтун бўлиб қолади, гадодан байтни сотиб олмокчи бўлади (унда гадо байтни айтмаслиги шарт), у кўнмайди. Султон Ҳусайн тахтга чикиб, Навоийни Ҳиротта чакиртиради, уни вазир лавозиминга тайинлайди. Орадан ўн йил ўтиб, Навоий Самарқандга келади, кариб қолган гадо байтни сотишга рози бўлади, Навоий унга ҳовли-жой, тегирмон ва бир эшак сотиб олиб беради. Шундан кейин Навоий байтни мукаммал газал ҳолига келтиради¹. Бу афсонада Навоийнинг сўз санъатига муҳаббати, халқ дурдоналарини эъзозлаши ифодаланган. Ёлғиз бир байт газал эмас, у икки гарид мисра, уни тутал шеър ҳолига келтириш керак. Навоий шундай килади. Шу билан бирга Алишер Навоий олиҳиммат киши сифатида ҳам тасвирланган. «Дилором билан китобий муомала»да шоирнинг ижодий жараёни, гўё унинг илҳом париси билан учрашуви баён этилади. «Доно Навоий» афсонасида шеърият меҳнат, кунт ва истеъодони талаб этади, деган ғоя илгари сурилади. Афсоналар орасида Навоийнинг асарларидаги айрим лавҳалар заминида

¹ Бу газал «Наводир уш-шабоб»да бор, 326-газал, 330-бет. «Доно Алишер»да газал тексти бир қадар кусурли берилилган: 5-мисрада «раҳти ғамиш» «роҳат ғамин» бўлиб кетган. Тўртинчи байт аслида бундай:

Ўйла мингон ҳанжарига ёпишибдур дурри ашк
Ким, магар андин ятим йўқдир vale бебокрок.

«Доно Алишер»да бу байт:
Ўйла мингон ҳанжарига ёпишибдур дард аининг (!!)
Ким, магар андин тиним (!!?) йўқдир vale бебокрок. (13-бет).

Яна бошка нуқсонлар ҳам бор.

пайдо бўлганилари ҳам бор. Масалан, «Кийикнинг туғи қаёқда-ю, кулоги каёқда» афсонаси «Сабъан сайёр»да Баҳромнинг Дилором хоҳишига мувофиқ кийикка ўқ узиши манзараси асосида вужудга келган. Навоийнинг «Хомтама даҳр аро ранжур эрур» ҳикмати асосида ҳам афсона яратилган.

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, кўпчилик ҳалқ афсоналарида Ҳусайн Бойқаро (Султонсуюн) образи ҳам яратилган. У туркман ҳалқ афсоналарининг деярли барчасида иштирок этади, шунинг учун ҳам туркман туркуми «Мирали ва Султонсуюн» деб номланган. Ҳусайн Бойқаро афсоналарда кўпинча нодон, лакма, укувсиз, бефаҳм ва жохил киши сифатида гавдаланади. Туркман афсоналари ҳақида сўзлаб, Е.Э.Бертельс бундай деган эди: «Бу эртакларнинг барчаси Навоий тақдирини Султон Ҳусайн билан боғлайди. Аммо уларда Султон Ҳусайн афсонавий шоҳ киёфасини олади, у ёвуз шоҳ сифатида эмас, балки ўзининг бемаъни харакатлари билан ҳалкни ғазаблантирган нодон, телба ва инжик киши сифатида гавдаланади»¹.

Мирали бир неча бор Султонсуюнни нокулай ахвол ва шарманда-ю шармисор бўлишдан кутқариб колади. Лекин, шу билан бирга, афсоналарда кўл ҳолларда Навоий билан Ҳусайн Бойқаро бир-бирига муҳолиф кишилар сифатида ҳам тасвирланади. Ҳусайн Бойқаро тасвири ва талкини ҳакиқатта мувофиқ келмайди.

Ҳусайн Бойқаро XV асрнинг мураккаб шахсларидан бири. У Хурросон таҳтида 40 йилга якин хукмронлик килди. Мамлакатнинг сиёсий мустаҳкамлиги, иктисадий-маданий тараккиётida катта хизмати сингди. Лекин, шу билан бирга, у хукмдор сифатида каттиккўллик сиёсатини олиб борди, вайш-ишрат гирдобига тушди...

¹ Е.Бертельс. «Навои». Стр. 262.

Хусайн Бойкаро ўз замонасингинг маданиятли кишиси, заковатли билимдони, нозик дидли, забардаст шоир, сохибевон. Бирок, шоҳ Хусайн Бойкаро билан олим, фозил ва шоир Хусайн Бойкаро ўртасида маълум зиддият ҳам бор. Баъзан шоҳлик тожи уни сикса, баъзан бу тож худбинлик ва такаббурлик қаноти булиб колади... Хусайн Бойкаро Алишер Навоийнинг мактабдоши, дўсти, ҳомийси ва ҳамкори. У Навоийга илм-маърифат, санъат ва адабиёт тараққиёти таянчигина эмас, балки салтанатининг ҳам ҳомийси деб карайди. Навоийнинг ақы-заковати, тадбиркорлиги ва обрў-эътиборига, кобилияти ва салоҳиятига тан беради, ҳатто сажда килади. У Навоийга шу даражада ихлос ва эътиқод қўйган эдики, ҳатто унга мурид булиш орзусига тушган эди... Лекин, шу билан бирга, Хусайн Бойкаро билан Алишер Навоий ўртасида маълум зиддият ва келишмовчилик ҳам бор. Тадбирли, заковатли давлат бошлиги, ўзбек адабий тилининг, илм-ирфон, санъат ва адабиётнинг ҳомийси, салоҳиятили шоир Султон Хусайн билан Алишер Навоий ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга интилар эдилар. Бу муносабатлар баъзан жиддийрок тус олар эди. Дўстлик ва шубҳа, эътиқод ва ранжиш, эҳтиром ва танбех... Навоий уйига воеанавис – айғоқчи қўйилиши, унинг Астрободга жунатилиши ва бошкалар шунинг окибатидир. Афсуски, баъзан Султон Хусайн билан Алишер Навоий ўртасидаги муносабат тамомила ва ҳаддан ташкари ижобийлаштирилиб, баъзан эса мутлако салбийлаштирилиб баён этилади¹. Бадний асарда шарт-

¹ Масалан, вайрим илмий асарларда Алишер Навоийнинг Астрободга хоким килиб тайинланниши факат ижобийлаштирилиб, бир ёқлама баҳоланганд. Бу адабиётшунос Иzzат Султоннинг «Навоийнинг калб дафтари» асарида ўринли ва тўғри короланган (361-362-бетлар.).

лилик, муболага ва бүрттиришдан фойдаланиб, баъзан бирмунча эркинрок йўл тутиш мумкин. Шунда хам, албатта, тарихий ҳакиқат сохталаштирилмаслиги, бадий фантазия тарихийлик мантиқига хилоф бўлмаслиги керак. Ойбекнинг «Навоий» романида, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасида Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатлари тарихий ва бадий жиҳатдан тўғри ифодаланган. Илмий асарлар масаласи эса, маълумки, бўлакча, уларда фикр-мулоҳаза тамомила далилларга, уларнинг илмий таҳлилига асосланиши лозим.

Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабати мавзуи маҳсус тадқиқотнинг обьекти. Биз ортичка тафсилотга берилмай, Алишер Навоий ва Султон Ҳусайннинг ўз сўзларидан бир неча парча келтириб, уларнинг муносабатининг мураккаб бўлганини таъкидлаш билан чегараланамиз.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳакида маҳсус асар яратмок орзусида бўлган. Бу ҳакда у «Тарихи мулукк Ажам»да бундай деган эди:

Вале эмди азмим будурким: худой –
Агар бўлса умрумга муҳлатфизой,
Ческиб турфа тарихингга ҳомани,
Килиб нуктага тез ҳангомани,
Сифатингни аввалдин охиргача,
Хаёлоти маҳфи-ю зохиргача,
Валодат кунидин тутуб бу дам,
Борин шарҳ ила айлагайман ракам¹.

Навоийнинг бу ижодий режаси амалга ошмади. Лекин у Ҳусайн Бойқаро ҳакида маҳсус асар ёзмаган бўлса-да, барча асарларида унга маҳсус ўрин ажратади, уни мадҳ этади, таъриф-тавсиф килади, фаҳрланади.

¹ Алишер Навоий. Асарлар, XIV том, 237-бет.

Навоийнинг мадҳи ва таъриф-тавсифида ҳакиқат ва
дакконият ҳам, айланавий муболага ва бўргтириш ҳам
бор. Лекин Навоий мадҳ ва таъриф-тавсиф билан чекланиб
колмайди, вакт-вақти билан унга маслаҳатлар беради,
одига талаблар кўяди, панд-насиҳат килади, фаолияти
ва хислатидаги айрим камчиликларни таъкидлайди,
шикоят этади ва хоказо.

Турли мазмун ва моҳиятда, турли вакт ва Мунёсабат
билан айтилган Навоий сатрларидан бир неча парча
келтирамиз:

Навоий ўзга шаҳу ўзга кишвар этма ҳавас,
Ки топмогунг шахи Фози била Ҳири янтлиг¹.
Топсанг шах хизматига интисоб,
Тўрт иш этгил ўзунгга иртикоб.
Нийт анинг бирла бурун рост кил,
Гайрин сенинг кўнглунгга бехост кил.
Яна будурким, тони хизмат чогин,
Айла, vale вайламагендек согин.
Яна бу ким, яхши-ямон дема сўз,
Эл ямону яхшисига солма кўз.
Яна буким ранж етар, гар тааб,
Асрар ямон-яхшисига шарти адаб².
Мадҳ ила чун мумкин эмас мидхатинг.
Ўзга жихатдин килайин хизматинг...
Шаҳга сўзимдин бор эса эътибор,
Гар сенга ҳам панд десам ери бор...³.
Шаҳ ҳарамида, Навоий, неча топсанг эхтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят кил адаб⁴.
Шаҳ хизматига бирорки, бўлгай мойил,
Кўру кару лангу шал керактур ҳосил...⁵.

¹ «Фавойид ул-кибар», 306-бет.

² «Ҳамса». 74-бет.

³ «Ҳамса». 136-бет.

⁴ «Наводир уш-шабоб». 51-бет.

⁵ Алишер Навоий. Асрарлар, XIII том, 166-бет («Вакфия»дан).

Бундай парчаларни жуда күплаб келтириш мумкин. Лекин келтирилган мисраларнинг ўзиёқ Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойкаро ўргасидаги муносабат хийла мураккаб бўлганини кўрсатади. Шоҳлик баъзандустлик, ҳамкорлик анъаналарига рахна солар эди... Лекин шубҳасиз, Алишер Навоий билан шоҳ Султон Ҳусайн ўргасидаги муносабат афсоналардагидек, колаверса, баъзи бадиий ва илмий асарларда тасвирланганидек бўлмаган.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойкарони донишманд, олим, фозил, тил саррофи ва мохир шоир, санъаткор сифатида ғоятда ҳурмат килар ва улуғлар эди. Бир неча парча келтирамиз. Навоий «Муҳокамат ул-лугатай»да Ҳусайн Бойкарони тил донишманди сифатида таърифлаб, тил ва ижод бобида баҳраманд бўлганини (албатта, бирмунча муболагали) таъкидлаб айтади: «...Ва йиллар турк тили ва назми коида ва услубида билмаганларимни суруп ва мушкилларимни ҳалолли мушкилотим тобуғида арзға еткуруп, азим фойдалар топиб, куллий натижалар кўрдум». «Мажолис ун-нағоис»да Алишер Навоий Ҳусайнин (Ҳусайн Бойкаро) газалиётини таҳлил килар экан, бу газалиётнинг бир қатор афзалликларини таъкидлайди, унинг бошқа туркий шоирлар битмаган ҳарфларда ҳам туркий шеър битганини айтиб мисоллар келтиради, бир табассуми ўз газалидан музъммалрок ва нағисрок битилганини эътироф этади ҳамда нозик диди ва чукур бадиий мушоҳадасини ифодалаб, характерли бир далил келтиради: «... эмди хилватда доги бир-икки накл ул Ҳазратнинг гайри назми латоифидин ҳам битилса ва бир-икки сўз шарҳ этилса, йирок бўлмагай. Ул жумладин Мавлоно Лутфий алайхир-раҳмаки ўз замонида Ҳурсон мулкида туркий эрди, бир кун

¹ Алишер Навоий. Асарлар, XIV том, 131-бет.

баҳор айёмидирким, булут ошик күзидек ашкбор ва ул ашк катаротидин ҳар бири маъшуқ ваъдасидек пурмавхум тор ошкор килур эрди, бу факирға йўлукти ва дедиким, бу ёгин торлари маҳсус буладур. Мир Хисрав алайхир-раҳма хиндуча ашъорида бир ажибгариб маъни айтибдурким, маҳбуб баҳор айёмида бир ён бородурмиш бўлғой ва ёгин жихатидин ер болчиг бўлмиш бўлгай ва анинг ёёги балчиғдин тойиб йикилур чоғда ғоят нозукликидин ёгин¹» риштаси мадади била тутиб қўпмиш бўлғай. Бу факир бу маънини эшитгоч хушҳол бўлуб, Мир Хисравнинг бу дақиқ ҳаёлиға оғаринлар ўқудум ва табъ ахлидин ёгин тақриби била ҳар ким кошида бу сўзни нақл килди. Менга юзланган хушвактлиғ анга ҳам юзланиб, Мир Хисравнинг таърифиде беихтиёр бўлди. Бир кун мазкур бўлғон тақриб била Султони Соҳибқирон олий мажлисларида банда бу сўзни арз килдимким, бир кун Мавлоно Лутфий Мир Хусравдин бу навъ гариб маъни нақл килди деб. Ҳаёлимда буким ул ҳазратнинг ҳам латиф табълариға хуш келиб, таърифда муболага килғусилардур. Банда кўп шааф била айткон учун филҳол табассум килиб, инбисот изҳори килдилар. Аммо кўп илтифот воқиъ бўлмади. Сўнгги кун андок маълум бўлдиким, у ҳазратнинг муборак таъблариға Мир Хусравнинг бу ҳаёлида эътирози юзланган эрмиш бўлғай. Яна ҳайрат даст бердиким, Мир Хусравнинг бу ҳаёлиға жамъи табъ ахли таъриф ва таҳсиндин ўзга хеч нима зоҳир килмадилар. Оё ул ҳазрат не эътиroz килиб эркинлар. Олий мажлисада ер ўпуб арз қилдимким, ул эътирозни гавҳар бор алфоздин эшитмак муроддир. Дерларким, бу эътироз будурким, ул ёгин қатраси юкоридин куйиниб келадур. Муқаррардурким риштасига доги ҳамул

¹ Матнда «ёгин» «аегин» бўлиб кетган.

холдур, риштаиким майли куйи бўлғай, анинг мадади била йикиладурғон ўзин асрамоқи маҳолдур. Ул ҳазрат бу эътирозни нақл килғоч факир билдиқким, мен ҳар киши ҳам ким бу маънини эшитиб таҳсин килибдур, биз борча галат килғон эрмишибиз. Кулок тутуб ўз нукси табъимга мазътироф бўлдум, андин сўнг ул ҳазрат дедиларки, бу байт андок вокиъ бўлубтурки, эътиroz маҳали йўқтур, ким:

Затифидин кулбамда кўпмоқ истасам айлар мадал,
Анкабути риша оскон бўлса ҳар деворга.

Умид улким, мундок табъ кўзгусига ҳаргиз даврон ҳаводисидин губоре ўлтурмагай ва мундок равшан зехн, шамъин ҳаргиз замон навойиби сарсари учурмагай¹. Бу нақл Султон Ҳусайннинг ғоятда чуқур мушоҳадали ва нозик дидли шеършунос эканлигини равшан кўрсатади.

Ҳусайн Бойкароннинг Навоий ҳакидаги фикр-мулоҳа-залари ўзга шахсларнинг қалами билангина эмас, балки унинг ўз мусанинифоти орқали ҳам бизга қадар етиб келган. Ҳусайн Бойкаро «Рисола»²сида Абдураҳмон Жомийни форс-тоҷик шеъриятининг сарвари ва сардори сифатида таъриф-тавсиф эттандан кейин, Алишер Навоий ҳакида сўзлаб, уни туркий адабий тилга жон киритган забардаст шоири сифатида тубандагича таъриф-тавсиф этади:

«Ва лекин маоний абкорига бу кунга дегинча ҳеч киши туркона либос кийдурмаган ва ул нозанинларни бу зебо хилъят била жилван зухурга келтурмаган турур ва мушкбў ръянолар табъ ниҳонхонасида урён-лиқдин мажхуб килғон дурур ва бу хурваш зеболар

¹ «Мажолис ун-нафонс». 252-253-бетлар.

² Девони Султон Ҳусайн Мирзо Бойкаро ва энзомоми рисолави ў ба мукобала ва тасхехи Мухаммад Яъкуб Воҳиди Жузжоний, 1346, Кобул.

хулласизлиқдин жилваи ноз қила олмогон дуур... Мир Алишер аслахаллоху шонахуким, тахаллуси Навоийга машхурдур ва ашъорида бу тахаллуси мастьур, түрк тилининг ўлган жасадига Масех анфоси била рух киорди ва ул рух топконларга туркий ойин алфоз тору пудидин тўкулғон хулла ва ҳарир кийдурди... Анинг назми васфидаги тил косир ва баён ожиз туур. Хотирга ўзининг маснавийларидин бир неча байт келурким, бу айтиладургон маънида назм қилиб туур, ва ул будур маснавий:

Мен ул менки, то турки бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидир.
Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире...

Назм иклимида қайси берк қўргонга куч келтурдиким, эшиги анинг юзига очилмади. Ва қайси азим кишварга табъ черики била турктоз солдиким, фатх килмади.

Бу кун назм арконининг рубъи маскунида қаҳрамон ул туур ва бу мамолик фатхига соҳибкирон ани десалар бўлур, шеър:

Эрур сўз мулкиннинг кишваристони,
Қаю кишваристон, хисравинишиони.
Дема хисравинишин, ким қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, соҳибкиронни¹.

Навоий билан Ҳусайн Бойкаро ҳакида яратилган афсоналарга ўтишдан олдин шу ўринда яна бир масала – Алишер Навоийнинг шахсий хаёти, оила масаласи ҳакида ҳам тўхтаб ўтишни лозим кўрамиз. Чунки бу масала ҳам кўпинча ҳалқ афсоналарида Навоий билан Ҳусайн Бойкаро муносабатларига боғлаб ҳикоя килинади.

¹ Яъкуб Воҳеди Жузжоний нашри, 221–226-бетлар.

Алишер Навоийнинг шахсий хаёти нисбатан камроқ ўрганилган бир баҳсдир. Навоийнинг шахсий хаёти ҳакида фикр юритар эканмиз, Алишер Навоий севганми, ошик бўлганми, кимни севган, уйланганми деган саволлар туғилади. Бу саволлардан кейингиси ҳакида манбалар хеч қандай шак-шубҳага ўрин колдирмайдиган тарзда аниқ ва равшан маълумот беради. Жумладан, Заҳириддин Бобур «Бобурнома»да бу ҳакда шундай дейди: «үтул ва қиз, ахлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарийда ўткарди»¹. Демак, Навоий бутун ҳаётини ёлғизлик ва бўйдоклик билан ўткарди, оила курмади. Лекин нега деган саволга ҳам, Навоийнинг севгиси ҳакида ҳам манбаларда хеч қандай маълумот йўқ (айрим шубҳа ва фаразларнинг асоссизлигини биз «Бадое ул-вакое»да баён этилган вокеий хикоялардан бирида кўриб ўтган эдик). Аммо Навоийдек севгининг буюк, оташин ва ҳароратли куйчисининг севгининг завқ-шавқ ва аламизирибини бошидан кечирмаган деб тасаввур этиш амримаҳолдир. (Тўгри, шоир севги ҳакида сўзлаганда ҳар қачон ҳам ўз шахсий севгисини кўзда тутмайди, у севгининг куйчиси, севишганлар куйчиси сифатида иш кўради. Эслайлик: 99 ёшга кирган мавлоно Лутфий оғир хасталик бастарида ётганда ҳам форс-тожик тилида ишқий бир газални – «Гар кори дили ошик ба кофири Чин афтад» («Ошик қалбининг иши Чин кофирига туиса») газалини бошлаб, матлаънигина ёзишга улгуради, унн охиринга етказиб ўз девонига киритишини Жомийга васият килиб қолдиради)². Алишер Навоий – севги куйчиси. У «Бадойи ул-васат» девонига киритган газаллардан бирида:

¹ «Бобурнома», 233-бет.

² Қаранг: «Мажолис ун-нафонс». 73-бет.

Эй Навоий, ишк атрофини хифз айлай деган,
Барча ишни тарк этиб, килсун бизнинг дэвонни хифз¹, –

деган эди. Севги Навоий эпик асарларининг ҳам бош мавзуларидан бири. Таъкидлаб ўтилганидек, бу севгини Навоийнинг ўз шахсий севгиси инъикоси деб айтиш, албатта, асоссиз ва қулгили бир нарса бўлур эди. Аммо Навоийдаги севги мавзуи, севги воқеоти ва севги тасвирини унинг ўз шахсий ҳаёти, шахсий ишқидан тамомила хориж деб тушунмок ҳам бир ёкламалик бўлур эди.

Навоий кимнидир севган, жон-дили билан, Навоий-часига, Фарходу Мажнунлардек севган. Бу севги платоник севги эмас, балки одатдаги, оддий инсоний севги. У севгининг завқи-шавки билан, ёрининг висоли билан хушнуд бўлган, фирокнинг алам-изтиробини чеккан, кандайдир нохуш воқеа – эҳтимол фожна юз берган. Навоийнинг ўз асарларида бунга имо-ишора бор. Аммо Навоий бирор ерда бу ҳақда ошкор ва тугал сўзламайди. У «Лисон ут-тайр»да (демакки, умрининг охириги йилларида) «Шайх Санъон» киссасини тугатар экан, у шахсий севгиси ҳакида маҳсус асар ёзиш орзусида эканини таъкидлаб айтади:

Кел, Навоий, сўзни ҳоло хатм кил,
Ишк аро изҳори даъво килмагил.
Бир неча кун умрдин топсан амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.
Анда билгай кимгаким инсофдур,
Ким сўзум чинмудур ё лофдур².

Аммо Навоий бу ижодий режасини рӯёбга чикаролмади, ўз севгиси ҳакида маҳсус асар ёзолмади. Бунинг сабаби бизга номаълум. Лекин Навоийнинг асарларида

¹ «Бадойи ул-васат». 288-бет.

² Алишер Навоий. Асарлар, II том, 102-бет.

шундай ишора ва ўринлар ҳам борки, уларни Навоий-нинг интим севгиси билан боғлиқ деб хисоблаш мумкин (албатта, бу борада ортиқча фаразгабориш, тахминларни кўпайтириш номаъкулдир). Е.Э.Бертельс «Навоий» монографиясида ҳалқ афсоналари муносабати билан Навоийнинг шахсий хаёти ҳакида фикр юритиб, унинг уйлашмаганини моддий ахволи ёки тасаввуф таъсири билан изоҳлаб бўлмайди, унинг севгиси бирон фожна билан боғлиқ бўлиши мумкин, бунга «Фарҳод ва Шинрин»нинг муқаддимасидаги шоирнинг ўзи ҳакида сўзлаган мисраларида ишора бор, деб кайд қиласди¹:

...Яна боис буким, ишқи балошур,
Бир ўтдин айлаб эрди жонима зўр...
Бирор ишқи солиб жонимга андуҳ,
Машақкат тоши юклаб кўх то кўх.
Бўлуб зулми ўтидин хаста жоним,
Қарориб дуди бирла хонумоним...
Не маҳзун хотиримга васли мумкин,
Не хажрида ўтум бир лахза сокин...²

Мана шу мисраларга ҳамоҳанг, уларни тўлдирув³ яна бир неча сатр келтирайлик:

Моҳиён ҳавзила ёру хажрида мен қайғудин.
Мустариблурмен йирок тушкан киби болик судин⁴.
Кўз йўлида телмурууб кўнглум согинур, ким мени
Истамокка келгуси ҳар кимки чикса ўтрудин⁵.

Вах, не кун бўлгайки, ул гойинб сафардин келди леб,
Истабон мендин севинчи, етса ҳар ёндин хабар⁶.

¹ Е.Э.Бертельс. «Навоий». стр. 258-259.

² «Хамса». 161-бет.

³ Остига чизилган сўзлардаги сўз ўйинига эътибор беринг.

⁴ «Нанодир уш-шабоб». 466-бет.

⁵ «Бадос ул-васат». 166-бет.

Күзум учадур, магарки ёрим келадур,
Эс хар дам озар, магар нигорим келадур¹.

ва хоказо. Бундай сатрларда, назаримизда, аниқ бир шахс ва аниқ ҳодиса кўзда тутилади.

Ортиқча фараизга ўрин бермай, шуни дадил таъкидлаш мумкинки, Алишер Навоий қандайдир кизни севган, севганданда ҳам бутун калби билан севган, аммо нимадир (эхтимол фожиа) рўй берган, Навоий севганига уйланолмаган, бошкага кўнгил кўёлмай шу бўйи уйланмай колган.

Халқ ўз афсоналарида Навоийнинг севгиси, унинг уйланмагани масалаларини ўзича баён этиб, муаммоларни хал килишга интилган. Ҳусайн Бойкарони замон ҳукмдорининг типик намояндаси қилиб олиб, уни салбий образ сифатида талкин этган халқ Навоийнинг севги фожиасини ҳам Ҳусайн Бойкаро билан, унинг ҳудбинлиги ва зўравонлиги билан боғлаб тасвирлашни мувофиқ кўрган. Халқ Навоий севган кизга ном ҳам кўйган, уни Гули деб атаган. Бунинг тарихий-вокеий асоси бўлмаса-да, мантикий ҳамда бадиний-эстетик асоси бор. Навоий севги куйчиси, севги гулистанининг нағмасарои – булбулидир. Булбулинг севгани гулдири, Навоийнинг севгани – Гули².

Энди халқ афсоналарига ўтайлик. Афсоналарда Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойкаро (ёки Мирали билан Султонсуюн)нинг муносабати бир тарзда эмас. Бу муносабат баъзан хийла юмшок, ҳатто дўстонадир. Масалан, «Пуллар қаёкка кетяпти» афсонасида Султонсуюн бева-бечораларга раҳм-шавкат қилиб, уларга уйжой куриб беришга вайда беради, Султон ўз вазиридан

¹ «Фаройиб ус-сигар», 749-бет.

² Туркман афсоналари циклида Гул (Гули) Султонсуюннинг севгилисн сифатида тасвирланади.

ибрат олади. «Мендан ҳам шунча» афсонасида Султон вазирининг донолиги ва тадбиркорлигига тан бериб, «авалиё» хотиндан нафратланади. «Ким он горды»¹. («Ким аввал кўрди») афсонасида, бошда чўлда олтин кўриб, ўзаро талашишган Султон билан вазир, охири олтиннинг бари давлатники бўлсин, деган окилона қарорга келишади. «Окилона жавоб» афсонасида² Ҳусайн Бойқаро кўрсаттич бармоги билан бошини кўрсатиб, бошга бало қаердан келади, деган экан, Навоий тилини чикариб, тилдан дебди. Бу афсоналарда Султонсуюн салбий киёфада берилмайди. У, асосан, ижобий образ. Аммо «Окилона жавоб» афсонасини мустасно этсак, кўпида у Навоий (Мирали)га нисбатан бирмунча гўлрок ва камфаҳмрок киши сифатида гавдаланади. Бунга, жумладан, «Туркман юмори» тўпламига кирган «От нимадан кулди» (Берди Кербобоевда – «Нэме учин тыл гыръяр») «Ким тентак» (Берди Кербобоевда – «Ким ҳаклы»), «Биз одам эмасми» (Берди Кербобоевда – «Биз адам дэлми?»)³ хамда «Хоразм ҳалқ эртаклари»даги «Мир Алишер билан Ҳусайн Мирзо»⁴ афсоналари мисол бўла олади.

Айрим афсоналарда Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг муносабати сарой аъёнлари, Навоийга мухолиф вазирларнинг иғоси, гийбати туфайли кескинлашади, яна Навоийнинг дополиги, тадбиркорлиги кўл келиб, низо-адоват ўргини дўстлик ва амният згаллайди. «Дунёда нима лаззатли»⁵, «Навоий кимни ёмон кўр-

¹ Берди Кербобоев, 324–329-бетлар.

² «Донио Алишер». 33-34-бетлар.

³ Бундай афсона «Донио Алишер»да ҳам бор. 33–35-бетлар. («Пашшадан дод»). Шу мазмундаги юмор «Латониф ут-тавоийиф»да антаваний Талхак номи билан ҳикоя килинади (139-140-бетлар).

⁴ 159-бет.

⁵ «Ўзбек ҳалқ эртаклари». II том, 485-бет.

ган»¹. «Олиб келинг»² каби афсоналар шу хилдадир. Туркман туркумидаги «Асманин ак товуты» афсонасида Мирали дехқон бўлиб, Султонсуюнга совға килиб ковун олиб келади, сарой аъёнлари кизғанишади. Султон ким сўзда Миралини енгса инъом олади деган экан, хеч ким бас келолмабди, Мирали ҳаммасини енгиги шарманда килибди.

Аммо кўпгина афсоналарда Алишер Навоий (Мирали) билан Султон Ҳусайн (Султонсуюн) бир-бирига қарамакарши, муросасиз кишилар сифатида тасвиранади, биро одил, иккинчиси золим, бири мушфик, иккинчиси шавқатсиз, бири доно, иккинчиси жоҳил сифатида берилади. «Миралы билен Солтансойун»³ афсонасида Мирали билан Султонсуюн муносабатларининг бузилишига бир мунча ижтимоий тус берилган. Унда ҳикоя килинишича, шаҳзода Султонсуюн сўзга бурро, ақлли Мирали билан танишиб, уни саройга олиб бориб, сарпо кийгизиб дўст-биродар бўлибди. Мирали кўй билан бўри дўстлашолмайди, деб бунга шубҳа билан қарабди. Дарҳаққат, бир куни Султонсуюн унга: Сен чопонинг йиртигини, кўйлагинг битини унудингми? Менга акл ўргатиб ким бўлибсан? – дебди. Мирали саройдан кетибди. Султонсуюн айтганидан пушаймон бўлиб, уни ахтарибди. Охири элни Султонсуюннинг бемаъни бир фармонидан куткариш учун Мирали саройга кайтиб келишга мажбур бўлибди.

«Лобар жувон» афсонасида Султонсуюн ҳаддидан ошган худбин, муштумзўр ва айёр сифатида тасвиранади. Султонсуюн билан Мирали овдан кайтаётib йўлда

¹ Шу китоб, 488-бет. Бу афсона «Доно Алишер»да «Худо савласин» номи билан берилган (40–43-бетлар).

² «Шарқ юлдузи», № 5, 1948.

³ Берди Кербобоев, 294–297-бетлар.

бир лобар жувонни кўриб колишади. Султонсуюн уни «севиб», эридан ажратиб олмокчи бўлади. У жувоннинг эрини чакиртириб олиб: – Мен сенга бир бош айгир, бир жуфт бука ва ўн бош кўчкор бераман. Роса олти ой деганда улардан бола олиб, туёғини кўпайтирасан; дебди. Бунгача Мираги жувоннинг эри – Коракудукка: пошо нима деса, ҳаммасига хўп деб кўнавергин, бу ёгини ўзим тўғрилайман, деган экан. Коракудук Султонсуюннинг айтганини кабул килибди. «Орадан олти ой ўтгандан кейин Султонсуюн билан Мираги яна ўша кишлокка келишибди. Подшоҳ ўша таниш бойникига тушиб колишибди. Мираги эса биродарларидан бирининг ҳол-аҳволидан хабар олиш учун рухсат сўраб. Коракудукникига борибди ва унга Султонни мот килиб, лол колдириш режаси ҳакида батафсил гапириб берибди. Мираги бу ердан силжиши биланоқ уйга навкар кириб келибди ва Коракудукни подшоҳ чақиртираётганини айтибди. Навкар Коракудук бетоблиги сабабли келомаслигини айтганида, Султонсуюн унинг хотинини олдириб келишга буюрибди.

«Келинчак кўп куттирмай келди.

– Эрингта нима бало бўлди?

– Ой-кунлари яқин эди, кўз ёриш олдида ётибдишар. Мен бу ёкка келаётганимда тўлғоқ тутиб турган эди.

Султонсуюн каххаха уриб кулиб юборди.

– Гапини карант. Эр киши ҳам тугадими?

– Ахир айгир, бука, кўчкор тувиши мумкин бўлгандан кейин нега энди менинг эрим ҳам түғасин?

Султонсуюн гап топа олмай колди¹. Вокеа гарчи Султон Ҳусайн билан бевосита алокаси бўлмаса ҳам, у ўтмишнинг даҳшатли манзараларини ростгўйлик билан таснирлайди. «Шуниси афзалрок»¹ афсонаси ҳам

¹ «Туркман юмори». 38-39-бетлар.

ғоявий жиҳатдан шунга якин булиб, ҳарамдан ҳайдалган жувон «эркисиз подшох бўлгандан, эркли гадой бўлган яхширок» деб Султонсуюнга жавоб килади. Туркман туркумидаги «Йылдыз горен», «Миралы билен Солтансойун», «Нэме учин», «Гул билен Солтансойун» ва «Нэтмек герек» алоҳида-алоҳида афсоналар бўлса-да, улар сюжет ва композиция жиҳатидан бир-бири билан ўзаро боғланиб, гўё ягона бир киссани ташкил этади.

Ўзбек афсонасида икки туркман афсонасининг (аслида бир) киска мазмуни мужассамланган. Бу афсоналарда ҳикоя килинишича, Алишер Навонӣ (Мирали) билан Ҳусайн Бойкаро (Султонсуюн)нинг ҳамда каллиғларининг туғилиши ҳамда тақдири бир-бири билан боғлик экан. «Юлдуз кўрган» афсонасида ҳикоя килинишича, Ҳурсонда Султонсуюннинг отаси ҳукмронлик килар экан, Миралининг отаси унинг хизматкори экан. Кунларнинг бирида саройда аркони давлат ва мунахжимлар иштирокида куйрукли юлдуз ҳакида сўз кетиб, мунахжимлар бу юлдузлар ўттиз йилда намоён бўлади, ким бу юлдузни кўрса ва ўша куни унинг хотиниин ҳомиладор бўлса, диловар фарзанд кўради, дейшишибди. Шоҳ шаҳар сиртида бир баланд минора қурдирибди, айтилган муддат яқинлашганда Миралининг отасини маҳфий кузатувчи килиб тайинлабди.

Бир вакт у куйрукли юлдузни кўриб, тунда саройга томон йўл олган экан, чўпон «ўгри» деб тутиб олибди, шоҳнинг хизматкори бўлган воқеани айтишга, сирни ошкор килишга мажбур бўлибди. У саройга етиб келганда, дарвозабон дарвозани очмабди, унга ҳам сирни айтиб бериншга мажбур бўлибди. Ниҳоят подшоҳ ҳузурига кириб, куйрукли юлдуз намоён бўлганини

¹ Шу китоб, 39-40-бетлар. Берди Кербобослава⁺ «Эркисиз ша боландин, эркли гедай болан яғши» (316-317-бетлар).

айтибди, подшоҳ юлдузни кўриб олгач, ёткхонасига шошилибди. Шундай қилиб, ўша туни тўрт киши куйрукли юлдузни кўришибди, «орадан тўккиз ой, тўккиз кун, тўккиз соат кечгандан сўнг подшоҳдан – Султонсуюн, юлдуз кузатгандан Мирали, чўпон билан дарвозабондан ҳам икки киз дунёга келибди»¹. Бу афсона «Тарихдаги тўрт донишманд киши»да кечмиш бир воқеа сифатида эслатиб ўтилади². Ўзбек афсонасининг давоми билан иккинчи туркман афсонаси, тўғриси биринчи афсонанинг давоми – «Нима учун» деярли бир хилдир. «Ҳусайн Бойқаро, – дейилади ўзбек афсонасида, – дархол хизматкорнинг ўғли Алишерни подшоҳликка келтириб, уни ўзига вазир килиб олибди. Кейин Алишерга қараб: – энди икковимиз шаҳарни бир томоша килиб, битта кишини топамиз»³ деб шаҳардан Гулини, бир чекка кишлокдан яна бир кизни топиб олиб, Гули Навоийга, бу киз Султон Ҳусайнга қаллиғ бўлибди. Ҳар икки афсонада ҳам «Қил деган ишни килгани» учун калтакланган кишини оклаш ўрнига, «тўғри-да, качонгача ишни айтиб қилдириш керак, акли киши ҳар ишни ўзи билиб қилавермайдими?» деб коралаган киз танлаб олинади. Ўзбек афсонасида Алишер билан Ҳусайн Бойқаро бир-бирини уради, туркман вариантида эса бу ишни ясовуллар бажаради. Бу ҳам туркман вариантининг мукаммалроқлигини кўрсатади. Бундан қатъи назар, ҳар икки афсонада ҳам Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг таваллуди (аслида Бойқаро Навоийдан тўрт ёш каттадир), такдири ва ҳатто қаллиғлари таваллуди ҳамда такдири бир-бири билан боғланади, уларда Навоий билан Бойқаро

¹ Берди Кербобоев, 293-бет.

² «Дона Алишер». 30-бет.

³ «Дона Алишер». 30-31-бет.

ўртасида ихтилоф, низо-адоват кўринмайди. Гўё бу афсоналар Навоий билан Бойқаро афсоналари шаклига бир мукаддима бўлиб, низо, ихтилоф, кураш ва тўкнашувлар бошқа афсоналарда хикоя килинади. Гули ва унинг фожиаси билан боғлиқ афсоналар шу туркумга мансубдир.

Гули ҳақидаги афсоналар халқ орасида кенг тарқалган. Уларнинг бир неча хил варианatlари мавжуд. Вариантларнинг муштарак жиҳатлари ҳам, фарқ-тафовут ва ўзига хос ҳусусиятлари ҳам бор. Уларни шартли равишда Бухоро афсонаси, туркман ва ўзбек афсоналарига бўлиш мумкин. Аслида бу афсоналар муштарак, уларнинг маҳражи бир. Туркман туркумининг катта фарки шундаки, унда Гули Султонсуюннинг хотини ёки севикли ёри сифатида тасвир этилади.

Бухоро варианти, профессор А.К.Боровков таъкидлаб ва бўлиб кўрсатганидек¹ бир неча лавҳалардан ташкил топган: 1. Алишер Қарши бозорида 1000 кўйни насияга тарқатиб юбориб, пулини Султон ўлганидан кейин оламан, дейди. Буни эшитган Султон Ҳусайн ясовулларни юбориб, Алишерни чакиртириб сўроқ қиласи, у «кўйни насияга олганлар Султонимиз ўлмасин» деб сизни дуо килишади, деб омон колади. Султоннинг эътиқодини козониб, вазир тайинланади. 2. Алишер кунларнинг бирида бокка бораётганида иттифоко бир уйнинг томида бир гўзал қизни – Гулини кўриб севиб қолади, унинг отасидан никохга розилик олади. 3. Эртаси куни Султон Ҳусайн, Алишер Навоий ва бошқалар овга жўнаб кетишади. Буни эшитган Гули бўлажак эри – Алишер Навоийни кўрмоқчи бўлади. Бирок, Ҳусайн Бойқаронинг назари Гулига тушиб, уни хуш

¹ А.К.Боровков. «Навон и Джами в народном предании». Ўша манба 485-бет.

кўриб, уйланмокчи бўлади. Гулининг отаси Султон Ҳусайннинг совчиларига рад жавобини беради. 4. Алишер ўз севгисидан воз кечишга мажбур бўлади, ўзи совчи бўлиб келади. Гули бир шарт билан рози бўлади, икки дори олиб келтириб, бирини ўзи ичади, иккинчисини Алишерга ичиради. Бу доридан киркинчи куни Гули ўлиши, Алишер зурёдсиз қолиши лозим эди. 5. Ўлимдан беш кун аввал Гули Навоийни саройга яширинчасига таклиф қиласи, унга васият қилмокчи бўлади, овдан қайтган Султон Ҳусайн бехосдан буни билиб колади, аммо сездирмайди. Шоҳнинг ғазабидан кўрккан Навоий Маккага қочиб кетмоқчи бўлади, аммо шоҳнинг кечирганини айтиб, мулозимлар уни йўлдан қайтаришади. 6. Белгиланган вақтда Гули ўлади, аъёнлар бу мусибатни Султон Ҳусайнга етказишини Алишер Навоийдан илтимос қиласидилар. Навоий Султон Ҳусайнга: «Сарвнинг соясида сўлди гул, нетмок керак» дейди, бунга Султон Ҳусайн:

«Сарвдин тобут ясадб, гулдан кафанд этмоқ керак», – деб жавоб кайтаради. Алишер ва Султон Ҳусайн кўз ёши тўкиб Гулинин дағн этадилар. Бу афсонадаги туркий-ўзбекча шеър афсонанинг бошлаб туркий ахоли ўртасида пайдо бўлгани, кейин форс-тожик тилида гапиравчи ахоли ўртасида ҳам таркалганини кўрсатади. Бухоро афсонаси композицион такомиллашиб, китобний кисса тусини олган.

Ниҳоят, «Нэтмак герек» афсонаси. «Нэтмак герек» Бухоро афсонасига, «Навоий ва унинг севган кизи»га ўхшаб кетади. Аммо «Нэтмак герек» сюжет жиҳатидан Гулининг ўлими (бунга параллел ҳодиса сифатида кора отининг ўлими) лавҳаси билан чегараланиб қолади. Унда Гули Султонсуюннинг севикли хотини сифатида тасвирланади. Султонсуюн фақат султонгина бўлиб

колмай, у Мираги изидан борган мохир шонир хам экан,
бу мусибатта багишлаб бир марсия битибди¹ (шеърнинг
таржимаси):

Чархи бадмехрнинг дастидин айларман мен дод, ҳей,
Чунки килди бизни ғамгин, ўзгаларни шод, ҳей,
Неча йиллик ошномиз бўлди биздан ёт, ҳей,
Сарнигун бўлмиш ётиб ул қомати шамшод, ҳей,
Жаниат боғиндаги тубимни² йиқди бод, ҳей.

Фуркат айёминда Мажнун бунча кўп лоф урмасин,
Хажри дарди дотгин ҳеч кимса мендин сўрмасин.
Мард агар экса уруғ бемахал совук урмасин,
Тез қўтаринг жасалин, чиксин кўзиим, кўрмасин,
Тобутин тезроқ йўнуб, элтиргин харрот, ҳей³.

Ёреким килди сафар, хижона тузсанг вақтидир,
Фуркатнингли ёш тўкиб, бағрингни эзсанг, вақтидир,
Яхшиларнинг хусни бордир. бир гул узсанг, вақтидир,
Лайлию Мажнун сифат девона кезсанг, вақтидир,
Жони Шириннинг чиқиб. чиксин кўзинг, Фарход, ҳей.

Хоғизидек кўксингга том урмадинг, Султонсуюн,
Октириб ашки равонинг юрмадинг, Султонсуюн,
Улки таслим килди жон, сен килмадинг, Султонсуюн,
Ёр ила бир гўрга нечун кирмадинг, Султонсуюн,
Токи душё бор экан, коларди сендан от, ҳей.

Мазкур мухаммас Махтумкулиниң отаси машхур
туркман шоири Давлат Мамед Озодийнинг:

Ғам тумани босди кўнглумни, билмас дол. ҳей,
Барқ уруб, борони раҳматлар сочилимас, дол ҳей!..

¹ Шу асар, 345-346-бетлар.

² Туби – жаниатдаги тик ўсадиган дараҳт.

³ Харрот – дурадгор.

шеъри ҳамда шунга жўр бўлган XVII аср ўзбек шоири
Пахлавонкули Равнакнинг:

Бемурувват чарх ҳар соат алингдин, дод, ҳей!
Жабри зулмингдин ишимдур нолаву фарёд ҳей!..
мисраларига монанддир¹.

Кора от ва Гулининг ўлими билан боғлиқ мотив адабиётда маълум изга зга бўлган анъанавий мотивдир. Бу мотив қадими ёдномаларда, форс-тоҷик ва туркий халкларнинг, шунингдек, бошка халкларнинг бадиий обидаларида бор, жумладан, машхур араб сайёхи ва тарихчиси Ёкут (1179–1229) «Муъжам ул-булдон» асарида шундай ривоятни хикоя килади: Абарвиз деган хукмдорнинг Шабдиз деган суюкли оти бўлар экан. Шабдиз касал бўлибди, буни эшигтан Абарвиз кимки Шабдизнинг ўлимини менга хабар килса, мен уни катл киламан деган экан. Шабдиз ўлибди, отбоқар вахимага тушибди. Нихоят у нажот истаб Абарвизнинг ашулачиси Баҳлабандга мурожаат килибди (Абарвизнинг уч ажойиботи: оти Шабдиз, канизаги Ширин ва ашулачиси Баҳлабанд бўлар экан). Баҳлабанд Шабдизнинг ўлимини «ўлди» сўзни ишлатмай қўшик килиб куйлабди. Абарвиз: Шабдиз ўлди! – деб дарғазаб бўлибди. Баҳлабанд, бу сўзни мен эмас, сен ўзинг ишлатяпсан, ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам ўлимдан куткардинг, дебди. Қайгули Абарвиз Синимморнинг ўғли Кинтусга Шабдизнинг тасвирини ишлашни буорибди, у бу топширикни катта муваффакият билан бажарибди². «Хисрав ва Ши-

¹ Озодий ва Равнак шеърларидан парча проф. В. Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (Иккинчи китоб) асаридан олинди («Ўқитувчи» нашриети, Тошкент – 1964, 176-бет).

² Шахобиддин Абу Абдулло Ёкут. «Муъжам ул-булдон», Ал-Коҳира, 1902, 228–229-бетлар. Биз мазкур ривоятни Г. Ю. Алиевнинг «Легенда о Хосрове и Ширин в литературах народов Востока» асаридан фойдаланиб баён этдик (Изд-вост. Лит., М., 1960, 54–55-бетлар).

рин» достонлари туркумida ҳам Шабдиз бор. Низомий достонида у Мехинбонунинг оти бўлиб, охири Шириннинг таклифи билан Ширия томонидан ўлдирилади. Ширин Хусравнинг қасри ва афсонавий от Шабдизнинг (кейин бу от Хисравга ўтган эди, падаркуш Ширияга колишини истамас эди).

XV аср охири ва XVI аср бошларидаги бир ёдгорликда Жўжихоннинг ўлими ҳақида ҳам худди шундай ривоят бор. Чингизхон суюкли ўғли Жўжининг ўлимини кимки айтса, жазоланади, деган экан. Жўжи ўлибди, унинг ўлганини Улуғ жарчи кўшиқ айтиб усталик билан баён қилибди. Чингизнинг ўзи беҳосдан мажбур бўлиб, «Жўжи ўлди» деган экан¹. Шундай мотив козоқ шоири Бекхожининг «Оқсок кулон» асарида ҳам бор². Халқ ўз афсоналарида тарихий шахс – Алишер Навоий образини яратиш вазифасини ўз олдига кўймайди. Унинг мақсади улуғ шоир ва давлат арбоби номи билан умуман адолатсизликка, жабриситамга карши муросасиз кураш олиб борган халқ фарзанди, донишманд, ҳозиржавоб шахс образини яратишдир. Халқ афсоналарида тарихий ҳужжат эмас, Орзу, мақсад ва унинг қаноти бўлмиш фантазия етакчидир. Шу билан бирга, халқ ижодиётида Алишер (Мирали) образи шу даражада халқчиллаштиради, у «дехкон», «мардикор» ва бошқа тоифадаги меҳнаткаш сифатида тасвирланади, ўз юмори ва ҳозиржавоблиги билан Афанди, Мушфий ёки Каминага яқин киёфада тасвирланади. Шу хусусиятларни кўзда тутиб биз халқ асарларини («Зиёд Ботир» эртаги бундан мустасно)

¹ Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, М. – Л., 1941, 203–204-бетлар.

² Қалижан Бекхожин, «Жети дастан». «Жазушы» баспасы, Алматы – 1966, 229–269-бетлар.

«афсона» деб юритишни¹, китобий асарларни «ҳикоя» ва агар ҳазил-мутойиба унда етакчи бўлса «латифа» деб юритмоқни лозим кўрдик. Бу, шояд, мазкур асарлар жанрига нисбатан қўлланиладиган термин турлилигига хотима беришга хизмат килса. Аввалги сахифаларда кайд килинганидек, Алишер Навоий ҳақида ҳалқ ижоди асарларининг мукаммал тўпламини тузиш, асарларни саралаш, сунъий вариант ва таҳрирга йўл қўймаслик керак. Шунингдек, китобий ҳикоя ва латифаларни ҳам жамъ этиб, шарҳ ва изоҳот билан кенг китобхонлар оммасига тақдим этиш лозим.

* * *

Алишер Навоий образи адабиётимизда янги ва юкори такомил босқичига кўтарилиди. Улуғ шоир ва мутафаккир ҳақида 40-йиллардан буён турли жанрларда кўп асарлар иратилди. Бошка асарларнинг ўзига яраша қиммати ва аҳамиятини камситмаган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, Ойбекнинг «Навоий» романни ҳамда Уйғун ва Иzzат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси энг мумтоз асарлардир.

Алишер Навоий образини яратиш тарихий манбаларни ва Алишер Навоийнинг меросини пухта ўрганиш ва ижодий фойдаланишни тақозо этади. Шу жихатдан қараганда, китобий ҳикоя ва латифа ҳамда ҳалқ афсоналарининг аҳамияти, шубҳасиз, каттадир. Сўз санъаткорларимиз Алишер Навоий образини яратишда мана шу китобий ҳикоя, латифа ва ҳалқ афсоналаридан унумли ва ижодий фойдаланиб келмокдалар.

¹ Навоий ҳақида ҳалқ ижоди материалларини биринчи бўлиб оммалаштирган фольклорист М.Ағзилов уларни «афсона» деб тўгри номлагани эди.

Ойбек тарихий мавзудаги ўзбек адабиётининг шоҳ асарларидан бири – «Навоий» романида Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ, Бобур ва Восифий каби Навоий замондошлари яратиб колдирган манбалардан, ушбу манбалардаги ҳикоя ва латифалардан ижодий фойдаланиб, Максуд Шайхзода таъбири билан айтганда, «Тирик Алишер»¹ образини яратишга муваффак бўлган. Мазкур манбаларга, улардаги ҳикоя ва латифаларга Ўйгун ва Иzzат Султон, Л.Г.Батъ², Миркарим Осим³, Иноятилла Махсум⁴, Восит Саъдулла⁵ ва бошка ёзувчилар ҳам қурожаат этиб, ижодий фойдаландилар.

Бу жihatдан караганда, Миркарим Осимнинг ижодий усули бошка муаллифлардан катта фарқ қиласди. Миркарим Осим ҳикоя ва латифаларни йирикроқ бадинй асарнинг таркибиға киритиб, уни сингдириб юбормайди, балки ҳар бир ҳикоя ва латифа асосида кичик бир асар яратади. У Хондамир ва Восифий ҳикоя ва латифалари асосида «Яхшининг шарофати», «Пахлавон Мухаммаднинг ҳазили», «Боги Шимол бўсағасида», «Хожа Дехдор ҳангомаси», «Ҳирот доругаси», «Сеҳрли сўз» каби вокений ҳикоялар яратади. Буларнинг ҳар бири Алишер Навоийнинг ҳаёти, у билан боғлиқ воеалардан маълум бир лавҳани ташкил этади. Миркарим Осим китобий манбаларга ортиқча эркин муносабатда бўлмайди. У

¹ Максуд Шайхзода. «Тирик Алишер». «Кизил Ўзбекистон» газетаси, 1944 йил, 10 декабрь.

² Л.Г.Батъ. «Сад жигзин». 1948; «Ҳаёт бустони». Ўззадабинишашр, Тошкент, 1960.

³ Миркарим Осим. «Зулмат ичилда нур». Тошкент, 1963; «Свет но тъме». Ташкент – 1968; «Сеҳрли сўз». Ғафур Ғуломномидаги бадинй авлабиёт нашириети, Тошкент – 1968.

⁴ Иноятилла Махсум. «Навоий Астрабодда» (музикали драма).

⁵ Восит Саъдулла. «Салтаниат ларзанда». «Шарқ юллози» журн.

аввалдан маңбалардан мұхимроқ ҳикоя ва латифаларни танлаб олишга, улуғ шоир ва мутафаккирнинг ҳәти ҳақида қизикарлы маълумот беришга интилади. Уларнинг асосини тұла сақлаб колади. Бинобарин, Миркарим Осим ҳикоялари гүё Хондамир ва Восифий ҳикояларининг соддалаштирилган, хозирги ўзбек адабий тили билан баён этилған вариантыларидек үқилади (бу ҳикоялар ёш китобхонларга мұлжалланған бўлиши ҳам шуни такозо этади). Аммо Миркарим Осим ҳикояларини Хондамир ва Восифий ҳикоя ва латифаларининг айнан ўзи ва таржимаси дейиш ҳам хато бўлур эди. Муаллиф Хондамир ва Восифийдан «материал» олади, уни ўзига хос ижодий услуби ва усули билан ишлаб, воеага, унинг мантикига мувофик бўлган кўшимчалар киритиб, фантазия ва бадиий тўқимадан фойдаланиб янги асарлар яратади. У тарихийлик билан замонавийликни муваффакият билан уйгунлаштиради. Миркарим Осим Навоий даври адабий тили элементларидан фойдаланиш билан, ёш китобхонга тил ва услугуб жиҳатидан ортикча машаккать туғдирмай, асарга тарихий тус беришга эришади. Масалан, «Сехрли сўз» ҳикоясида Алишер Навоийнинг Соҳиб Доронинг ёш Зайнiddин Восифий кобилиятидан маминун бўлиб айтган куйидаги сўзларига эътибор килайлик:

«— Ўн олти ёшда дедингизми... Ажаб! Номсиз муаммони ечмок учун форсий, туркий тилларини билмок, враб тили билан таниш бўлмоқ керак. Нечун ани ўзингиз била ола келмадингиз? Мен вужуди ақл-фаросат фонуси билан мунаввар бўлгон ўн олти ёшли инсонни кўрмок истайдурмен. Эрта оқшом бошлаб келинг...». Баъзан ўзбек мумтоз адабиёти услубига хос элементларни ҳам муаллиф усталык билан ўз

¹ «Сехрли сўз». 78-бет.

хикояларига сингдириб юборган. Масалан, «Хожа Дехдор хантомаси» хикоясида Навоийнинг уйига султон Ҳусайннинг меҳмон бўлиши баён этилади, олий даражали меҳмон келиши олдидан Хожа Дехдор: – улуг иш булибдур. Таксир, меҳмонлар келгунча тахта суриб турсак... деганида, Алишер Навоий: – Шатранжни эртага кўйиб турайлик. Меҳмонлар келиш олдида хаёлимизни асбга миндириб паришон килмайлик¹, – дейди. «Хаёлимизни асбга миндириб паришон килмайлик» ибораси жуда ўринли ва услуб жиҳатидан ҳам мароклидир. Олий даражали меҳмон келмокчи. У қанчалик Навоийга яқин бўлмасин, бир томондан шоҳлигини, иккинчи томондан, меҳмон келаётганини хисобга олиш, иззат-икромини ўрнига кўйиш, шу билан бирга эҳтиёт ва сергак бўлмоқ керак. Шу фикрни шоир «шатранж» ўйнашни таклиф килган Хожа Дехдорга «асб»дан фойдаланиб, пардалирек килиб ифодалайди. Миркарим Осимнинг «Киритма»лари ҳам ўринли. Масалан, зикр этилган «Сехрли сўз» хикоясида баҳс мавзуи муаммодир. Муаммосиз хикояни хикоя холига келтириб бўлмайди. Аммо китобхонга – хусусан, ёш китобхонларга Восифий келтирган муаммоларнинг ўзини бериб бўлмайди. Муаллиф бу ўринда тўгри йўл тутиб, ўзбекча муаммо киритган ва хийла содда усул билан ундан ном чикаришни тушунтириб берган:

«– Хўш, бўлмаса кулок беринг, – деди ялпок юзли меҳмон, – ушбу муаммодан қандай ном чикадур?

Бобом белса дудук,
Биз ҳам муаммо дедук.

Зайнiddин ковогини уйиб, ичиди бир нарсани хисоблаёттандай лабларини кимирлатиб турди-да, бирдан юзи ёришиб:

¹ «Сехрли сўз». 47 бет.

«Жунайд!» деб юборди.

— Боракалло! — деди меҳмон. — Хўш, кандай топдингиз?

— Бобо сўзининг арабчаси — жад, дудукнинг маънодоши — най. «Ж» билан «Д» ҳарфлари ўргасида «най» сўзи бўлғондин сўнг «Жнайд» (Жунайд) номи чикадур-да¹!

Миркарим Осим Алишер Навоийнинг улуғвор киёфасини кичик, кўпинча, бир лавҳадан иборат хиқояларда мужассамлантириб берар экан, бу улуғ шахснинг драмасига, у билан муҳити ўргасидаги зиддиятларга, шоир ва мутафаккир дунёкарашининг мураккабликларига ҳам эътиборни жалб қилади. «Боги Шамол бўсағасида» ҳикояси исёнчи Ёдгор Муҳаммаднинг қўлга туширилиши ва жазоланишини баён этади. Шу муносабат билан биз Навоийнинг ички драмаси ҳакида ҳикоядаги кўйидаги сўзларни ўқиб, Навоий муҳитининг мураккаблиги ҳакида равшанрок тасаввурга зга бўламиш:

«Ёдгор Мирзони Ҳусайн Бойқаро олдига зўрлаб тиз чўктирилар. Навоий оркасини ўғириб турган жойида ўткир киличининг бўйин суягига кирс этиб текканини эшишиб сесканиб кетди: «Шул замонда юрт подшохига хизмат килмоқ нақадар мудхиш!» деди ичиди. Лекин бир оздан кейин мамлакатнинг бирлиги ва бутунлиги, ҳалқининг тинчлиги учун исёнкорларнинг каллаларини кесиб турмок зарурлигини ўйлаб, юраги бир оз таскин топгандай бўлди². Эл-юрт манфаатларини ҳимоя қилиш шуни такозо қиласар, баъзан каттиққўлликка карши каттиққўллик сиёсатини жорий этиш зарур бўлар эди. Шунинг учун ҳам «Ҳирот доруғаси» деб номланган бошка бир ҳикояда Алишер Навоий: «Агар зулм

¹ «Сеҳрли сўз». 77-бет.

² «Сеҳрли сўз». 44-бет.

елининг олдин олмасак, фуқаронинг ёндирган чироғин сўндирур...»¹ – дейди.

Миркарим Осим ҳикоялари Навоийнинг фаолияти ва унинг маънавий оламининг баъзи жихатларини бадий мужассамлантиради. Ёзувчи тарих хужжатлари ва мыйтумотларини бадитий ижод лабораториясида қайта ишлаб, пишишиб марокли ҳикоялар туркумини яратди.

Алишер Навоий образини яратишда ёзувчиларимиз китобий ҳикоя ва латифалардан ташкари ҳалк афсоналаридан ҳам ижодий фойдаланмоқдалар. Ёзувчиларимизнинг диккат-эътиборини, айникса, Навоий ва Гули – афсонаси ўзига жалб этиб келмоқда. Бу бежиз эмас. «Навоий ва Гули» афсоналарнинг энг мумтози. Бу афсона Навоийнинг шахсий ҳаёти, унинг сифат ва хислатларини тўларок тасвирлаши билан бирга, Навоий яшаган мухитнинг зиддиятларини, адолатга интилиш билан адолатсизликнинг, инсоф билан инсофсизликнинг, олижаноблик билан разолатнинг, шафқат билан зулм-зўрликнинг курашини, даҳшатли ҳаёт манзараларини акс эттиришга, Навоийнинг қалб драмасини ёритишида жуда кўл келади.

«Навоий ва Гули» афсонасидан биринчи бор Уйғун ва Иззат Султон «Алишер Навоий» драмасида катта муваффакият билан фойдаландилар. Афсона тарихий вокеликни ва тарихий шахслар образини тасвирлашга мувофиқлаштирилди. У драманинг бутун моҳияти ва композициясига сингдириб юборилди. Афсона тарихий вокелик тусини олди. Гули афсонавий образликтан чиқиб, ҳаётий шахс ва ҳаётий образ моҳиятига эга бўлди. Гули драманинг асосий қаҳрамонларидан бири. У вокеликнинг ривожи, карама-каршиликнинг узилиши

¹ «Сехрли сўз», 69-бет.

такомилида мухим ўрин тутади. Навоий билан Султон Ҳусайн ўртасидаги зиддиятнинг юкори нуктасига – хадди аълосига кўтарилишига катта туртки булиб хизмат қилади. Гули – севги ва садоқатнинг, гўзаллик ва покликнинг, хаё ва иффатнинг, шеърият ва нафосатнинг рамзи. Гули Алишер Навоий образини ҳам тўлдиради, такомиллаштиради. У Алишер Навоийнинг одамийлиги ва инсонпарварлигини таъкидлаб:

Одамий эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами»

кабилида:

Кимки бўлса инсон, бўлса одам,
Халойикнинг ғамин ейдур дамодам»¹

деса, Алишер Навоийнинг драмасини таърифлаб: «Дуруст, шерсиз... факат... занжирбанд шер...»² дейди.

Навоий ишлаган «занжирбанд шер» сурати асосидаги бу ибора Навоий драмасини чукуррок очишга жуда мувофик булиб, бу иборанинг Гули тилидан айтилиши, Гулини ақл-заковатли, комила бир аёл сифатида гавдалантиради. Шубҳасиз, Навоий севган кизнинг факат гўзал бўлиши кифоя эмас. У маънавияти, ақл-идроқи ва фахм-фаросати билан ҳам Алишерга муносиб бўлиши керак эди. Гули худди шундай киз. Афсуски, мурод-максадига эришолмади. Мухит уни таҳкирлади, хўрлади, умид гунчасини барбод этди. Гули яшаган мухитини таърифлаб:

¹ Уйғун, Танланган асрлар, иккى томлиқ, 11 том, Тошкент – 1958, 6-бет.

² Шу асрар, 8-бет.

«Жаҳон гийбат ила бўхтонга кондур,
Киличдин, найзадин бўхтон ёмондор»¹, –

дэйди. У мана шу муҳит билан муроса килолмайди, кулларча тобелик билан яшацдан кўра ўлимни афзал кўриб, заҳар ичинб ўлади. Гуллининг ўлими муҳитга, адолатсизлик, разолат ва кабоҳатта карши исёндири. Унинг ўлими севги ва садоқатни, номус ва ҳаёни, поклик ва инсонийликни химоя килишга қаратилган фидойиликдир. Гули ўлади. Лекин у Навоийнинг калбида, унинг ижодида, эл-юртнинг хотирасида яшаб колади. Драма китобхон ва томошабинни худди шундай хуносага олиб келади.

Драмада ҳалк афсонасидан фойдаланилиши фольклордан ижодий фойдаланишнинг бир намунаси дейишга аргизгулиkdir.

Шоир ва драматург Восит Сайдулла ҳам «Салтанат ларзада» драмасида «Навоий ва Гули» афсонасидан ижодий фойдаланиб, уни драманинг мазмуни ва моҳиятига сингдира билган.

1968 йилда – Алишер Навоийнинг тугилганига 525 йил бўлди. Юбилей йилида ҳалк афсоналари асосида буюк ёзувчи ва олим Ойбекнинг «Гули ва Навоий» достони нашр бўлди. Достонни тугатар экан, муаллиф «20 марта, 1968» санасини ёзган эди. Бу достон юбилейга армуғон эди. Достонни муаллифнинг вафотидан кейин нашрга тайёрлаган, адабнинг ҳаёт ва ижод йўлдоши профессор Зарифа Сайдносирова куйидагиларни ёзди:

«Кичиклигидан Навоий шеъриятига мафтун, юхши ошино, мухаббати зўр бўлган Ойбек 1934–1935 йиллардан бошлаб Навоийнинг ҳаёти, ижодиёти, фалсафий дунёкарашлари устида теран илмий-тадқиқот бошлаган эди. Бунинг

¹ Уйғун, Танланған асарлар. Иккى томлиқ, II том, Тошкент – 1958, 61-бет.

натижасида Ойбек 1936 йилда «Навоийнинг таржимаи холи ва ижодий фаолияти» номли монографиясини ёзиб тутатди, кейин Навоий ҳақида достон, роман яратишга ва бир катор мақолалар ёзишга киришган эди.

1968 йилнинг март ойида Ойбек хаёли яна беш асрлик вакт чангини тозалаб, тарих йўлларини кезди, бир халқ афсонаси асосида «Гули ва Навоий» достонини яратди.

Ойбек бу достонни Ҳазрат Навоийнинг 525 йиллик юбилейига бағишилаган эди¹.

Ойбек «Гули ва Навоий» достони муқаддимасида:

Асрларнинг сўкиб чокини,
Кўзларимга суринб хокини,
Тарихларни бир-бир титурман,
Афсоналар топиб битурман.

Афсонанинг кўпдир уруғи,
Ҳақиқатнинг баъзан уруғи,
Уюм-уюм тош ичра гўё,
Бир гавҳардай беради зиё.

Мана, шундок битта афсона,
Афсоналар ичра дурдона², –

дер экан, Навоий ҳақидаги халқ афсоналаридан биз шартли равишида Бухоро варианти деб номлаган афсонани танлаб олдик. Муаллиф афсонанинг асосини, унинг сюжет ва композициясини, образлар тизими ва гоявий мазмунини саклаб колади. Ойбек қалами билан афсона гоявий-бадний жихатдан янада такомиллашинб сайкал топади, – лиризм билан йўғрилади, замонавий моҳият касб этади. Ойбек афсонага, халқ тасаввуридаги

¹ Ойбек. «Гули ва Навоий». «Фан» наприёти, Тошкент – 1968.

² «Гули ва Навоий». 5-бет.

Алишер Навоний образига янги, бокий умр бахш этди,
уни ўзбек ёзма адабиёт бисотига олиб кирди.

Алишер Навоний ҳакида яратилган асарлар адабий танқид ва адабиётшуносликдан мухим ўрин ва муносиб баҳо олган. Биз бу ўринда факат бир масалага – ёзма адабиётта халқ ижоди нималар бергани ҳамда бу икки адабиёттаги муносабат масаласига эътиборни жалб килдик. Бу эса халқ ижодининг замонамизга, замонамиз адабиётига ўз хиссасини кўшаётгани, халқ обидаларининг ўлмаслигига яна бир далилдир.

ХОТИМА

Алишер Навоий даҳо санъаткордир. Мислсиз истеъдод билан инсонга, элга хизмат килиш, унинг баҳт-саодати учун курашиш уни тафаккур ва санъат чўккисига кўтарди.

Навоий халққа, халқнинг ижодий куч-кудратига, унинг санъаткорлик дахосига ческисиз меҳр кўйди, ундан маънавий ва бадиий илҳом ва файз олди, халқ тилининг бойлиги ва сенорловчи кучи Алишер Навоий асарларини янада кўрклирок ва жозибалирок килди.

Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиётининг муасиси – асосчиси. Бу Навоийга қадар бўлган ўзбек мумтоз адабиётини инкор этмайди, албатта. Лекин ўзбек мумтоз адабиётининг шаклланиши ва такомилида ҳеч ким Навоийчалик хизмат килган эмас. Шу билан бирга Навоий ижодиёти Яқин ва Ўрта Шарқ халклари ёзма адабиёти билан халқ поэтик ижоди алоказлари ва умуман, адабиёт билан фольклорнинг ўзаро муносабати типологик ҳодисаларини ёритиш, қонуниятларини ўрганишда муҳим бир манбадир.

Бизнинг тадқиқотимиз Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳсини каттароқ кўламга олиб чикиш ва баҳоли кудрат уни ёритиш мақсадини ўз олдига кўйди. Биз тўплаган барча материал ва кузатишларимизни, фикр-мулоҳазаларимизни шу китобда жам этдик, деб айта олмаймиз. Китобнинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхатини илова килиш имконини бермади,

муаллиф ҳошиялардаги ҳаволалар билан чекланди. Бунинг учун ҳамкаслар ва мухтарам китобхонлар мазур туттайлар.

Алишер Навоий ва халк ижодиёти баҳси ҳали узок давом этди, янги-янги тадқикотлар вужудга келади, улар бобокалон шоир ҳақида ҳалқнинг калб қўри билан яратилаётган янги асарларни ҳам қамраб олади, муаллифлар ўз салафларининг кам-қўстини тўлдириб борадилар, кейинги даврлар адабиёти билан фольклор алокалари масалалари ўрганилади.

Навоий ўзбек мумтоз адабиётининг чўккиси. Навоий билан бизнинг давримизни беш асрлик масофа ажратиб турибди. Аммо узоклашганинг сари тоғ чўккиси янада баландроқ ва салобатлироқ кўрингани каби, Навоий ҳам янада баркамолроқ гавдаланмокда. Навоий билан бизнинг замонамиз тамомила бошқа-бошқа ижтимоий-иктисодий замин, маслак ва мағкурага асосланган. Шубҳасиз, Навоий ижодиётидаги кўпгина фикр-мулоҳаза, гоя ва маслак, ўй ва андиша кечмиш тарих бисотига қолиб кетди. Аммо инсонпарварлиги, ҳалқчиллиги ва дохиёна санъаткорлик маҳорати билан Навоий ўлмас, мангу, замонлар ва янги-янги авлодларга ҳамроҳдир. Даҳо санъаткор асарларини, уларнинг ҳар бир мисраси ва сўзини фарзанди аржуманд деб хисоблар эди:

... Ки сўз зодаи табъу фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.

Мана шу «фарзанд»ларни Навоийнинг авлодлари, бутун башарият ардоклаб, эъзозлаб келмоқда.

МУНДАРИЖА

Нуктадонлик самари.....	3
Адабиёт ва халқ ижодиёти (Муқаддима).....	9
Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳсининг ўрганилиши	19
I. Халқ ижодиётига муносабат.....	38
Халқ санъати оламида	38
Халқ шеъриятини эъзозлаб.....	69
II. Алишер Навоий ижодиётида фольклор анъаналари.....	92
Алишер Навоий ва мифология	96
Эзгулик мифлари.....	103
Ёвузлик мифлари	119
Космогоник мифлар.....	133
«Хамса» каҳрамонларининг фольклордаги замини ..	149
«Фарҳод ва Ширин»	152
«Лайли ва Мажнун».....	169
«Сабъаи сайёр»	176
«Садди Искандарий»	182
Навоий хикоялари ва уларниң фольклор билан богланиши	199
Бадий тасвир ва тилда фольклор анъаналари	228
III Навоий достонларининг халқ варианatlари	252
Халқ китоблари	254
«Қиссаи Фарҳоду Ширин».....	257
«Китоби Мажнуну Лайли».....	280
Фарҳод ва Ширин халқ афсонаси ва эртакларида	285

«Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун»нинг халқ достони вариантлари.....	300
«Фарход ва Ширин» достони.....	303
«Лайли ва Мажнун» достони.....	322
IV. Китобиёт ва халқ оғзаки ижодида Алишер Навоий образи	334
Китобий ҳикоя ва латифаларда Алишер Навоий	340
Алишер Навоий ҳакида халқ афсоналари	386
Хотима.....	428

Адабий-бадиий нашр

**АЛИШЕР НАВОЙ ВА
ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ**


Мухаррирлар *Илҳам Зойиров, Даирон Улугмуродов*
Бадиий мухаррир Шуҳрат Мирфаёзов
Техник мухаррир Екатерина Корягина
Мусоҳҳих Фотима Ортиқаза
Компьютерда саҳифаловчи Зигзаг Алиев

Нашриёт лицензия раками АI № 154. 14.08.09.
2015 йил 17 апрелда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¼, Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 22,68 шартли босма тобок. 18,44 нашр тобоги.
Адади 1000 нусха. 256 ракамли буюртма.
Баҳоси шартнома всосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйинда чоп
етилди. 100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz e-mail: info@gglit.uz



Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқутти ранж ила,
Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.

* * *

Бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айламок,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айламок.

Алишер Навоий



ISBN 978-9943-03-578-2

9 789943 035782